

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

**ЎЗБЕКИСТОН
АРХЕОЛОГИЯСИНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

(Республика илмий конференция материаллари)

*СамДУ Илмий-техник кенгаши
мажлисида муҳокама қилиниб,
нашрга тавсия этилган
(2022 йил 29 апрел, №10-баённома)*



Самарқанд – 2022

УЎК 902.5(575.1)

**“Ўзбекистон археологиясининг долзарб масалалари”
мавзусидаги Республика илмий конференция материаллари. –
Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2022. – 308 б.**

Тахрир ҳайъати:

Джуракулова Д.М. (маъсул муҳаррир), **Холматов Н.Ў.,
Эргашев О.Т., Тўракулов Б.Т., Шарипов С.И., Азизов Я.К.**
(маъсул котиб)

Илмий конференция материалларида Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврларидан то ҳозирга кунга қадар бўлган ўтмишига оид маълумотлар келтирилган бўлиб, уларда тарих ва археология фанларининг янги манбалари, бу борада олимлар эришган муҳим ютуқлар, мавжуд муаммолар, хулосалар ҳамда мулоҳазалар давр талабидан келиб чиққан ҳолда илгари сурилган. Конференция материаллари археология, этнография, тарихшунослик, манбашунослик, нумизматика соҳаларига қизиқувчилар ва кенг доирадаги китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Маърузалар материалларида ёритилган тарихий жараёнлар,
маълумотлар ва чиқарилган хулосаларнинг ҳаққонийлигига
муаллифлар жавобгар**

ISBN 978-9943-8180-2-6

© Самарқанд давлат университети, 2022

© СамДУ нашриёти, 2022

СЎЗ БОШИ

Она Ватанимизнинг холис ва ҳаққоний тарихини яратиш барча даврлар учун долзарб масала бўлиб қолаверади. Ушбу тарихни яратиш Ўзбекистон ҳудудида турли тарихий даврларда яшаган халқларнинг умумжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасининг ҳажми ва салмоғини англашга, минтақада барқарорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашдаги замонавий геосиёсий аҳамиятини тушиниб етишга кўмаклашади.

Ҳозирда тарихни ўрганиш, тарихий-маданий жараёнларни англаш борасида илмий қарашлар, ёндашувлар ва назариялар анча ўзгарди. Амалга оширилган илмий тадқиқотлар туфайли Ўзбекистон ҳудудининг палеолит даврида инсон томонидан ўзлаштирилиш тарихи қадимийлаштирилди ҳамда антропогенез масалаларига доир янги илмий қараш шаклланди. Мезолит ва неолит даврларига оид янги археологик ёдгорликлар кашф этилди ва бронза даври илк цивилизация марказлари ўрганилди. Бронза ва темир даври ёдгорликларини ўрганишда катта ҳажмда кашфиётлар қилинди. Қўлга киритилган археологик топилмалар бу даврга оид маълумотлар базасини кенгайтди. Шунингдек, антик давр, ўрта асрлар, янги ва энг янги даврлар тарихи бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотлар ўз долзарблиги билан ажралиб туради.

Ушбу тўпламдаги республика илмий-назарий конференцияси материаллари археология, тарих, этнология, манбашунослик ва тарихшунослик масалаларига бағишланган. Тарихий-маданий обидаларни тадқиқ этиш, тарихий воқеаларни ҳаққоний ўрганиш ва уларга холис баҳо бериш борасида иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш ва тарих фани соҳаларида инновацион жараёнларни жадаллаштириш бугунги кунда долзарб вазифадир. Шу боис, мазкур тўпламда тажрибали олимлар қаторида ёш тадқиқотчиларнинг мақолалари ҳам ўрин олган.

*Д.М.Джуракулова,
СамДУ профессори*

*Холматов Н.У.,
тарих фанлари доктори,
СамДУ доценти*

АРХЕОЛОГИЯ КАФЕДРАСИНИНГ ШАРАФЛИ, ИБРАТЛИ ЙЎЛИ

Самарқанд давлат университети археология кафедрасининг ташкил топиши ва айни кунларгача босиб ўтган ярим асрлик шарафли, ибратли йўли раҳматли устозимиз тарих фанлари доктори, профессор Мавлон Джуракулович Джуракулов номи билан чамбарчас боғлиқ. Негаки, устоз шу йиллар давомида Ўзбекистон археологияси фани ривожига муносиб ҳисса қўша олган ва ўз ўрни эга илмий мактабини ярата олган. Ушбу археология мактабининг фаолияти шогирдлари томонидан давом эттирилиб, 1971 йил декабрида ташкил топган (1971 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг №448-буйруғи билан «Археология» кафедраси ташкил қилинган) кафедранинг қутлуғ 50 йиллиги юбилейи муваффақиятли равишда қарши олинмоқда.

Кафедранинг шонли йўли ҳақида маълумот келтиришдан олдин унинг шаклланишига асос бўлган шарт-шароитлар, моддий техник база, илмий археологик кашфиётлар, ютуқлар ва археология соҳасидаги илмий салоҳиятга тўхталиш адолатдандир.

Дарҳақиқат, кафедра ташкил топганга қадар ва ташкил топгандан кейин ҳамда айни кунда ҳам археологик тадқиқотлар объектини асосан Зарафшон воҳаси ибтидоий, қадимги давр жамоаларининг моддий маданияти ёдгорликлари ташкил этди. Тўғри, кафедра ташкил топгандан сўнг маълум муддатда Сурхон воҳаси бронза даври ёдгорликлари (Н.Аванесова) ҳам тадқиқ этилган.

Устоз Мавлон Джуракулов ёзишича, археология фанидан таълим бериш ишларининг бошланиши университетнинг ташкил топиш тарихи билан боғлиқ кечган, археологик илмий тадқиқот ишлари эса иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ташкил топиши ва соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш ишлари таниқли палеолитшунос олим Давид Натонович Лев номи билан боғлиқ бўлган. Таниқли физик олим Мусо Мўминов 1944 йили уруш туфайли вақтинча ёпилган университетни қайта тиклашга муяссар бўлиб, Ленинграддан эвакуация туфайли Самарқандга келган археолог олим Д.Н.Левни ишга таклиф қилади. Д.Н.Лев Зарафшон водийсининг энг қадимги давр тарихини ўрганишга киришади ва дала қидирув ва ёдгорликларда қазилма ишларини олиб бориш учун археологик экспедиция ташкил этади.

1947-1948 йилларда Ургут туманида ўрта палеолит даврига доир Омонқўтон, Такалisoй ғор маконларини кашф этиб, қазилма ишларида қўлга киритган археологик ашёлар асосида Зарафшон водийси ўрта палеолит давриданок (100-40 минг йиллик) одамзод томонидан

ўзлаштирилиб, ўз даврига хос бўлган моддий маданият яратилганини илмий асослаб берди. Д.Н.Лев 1958-1969 йиллар мабойинида М.Д.Джуракулов ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳри худудида жойлашган сўнгги палеолит (мил. авв. 30-25 минг йилликлар) даврига оид Самарқанд маконида қазилма ишларини амалга ошириб, тадқиқот жараёнида ибтидоий уруғ-жамоалар турмуши, хўжалик ва маданияти тарихини илмий жиҳатдан ёритиб берувчи 10 мингдан зиёд меҳнат қуроллари ва бошқа археологик ашёларни қўлга киритган. Ушбу археологик манбалар асосида макон сўнгги палеолит даври учун Ўрта Осиё микёсида эталон ёдгорлик эканлигини асослаган. 1966 йили Д.Н.Лев раҳбарлигидаги СамДУ археологик экспедицияси Самарқанд маконида қазилма ишларини олиб бориш билан бир пайтда Пастдарғом тумани Сазағон қишлоғи ҳамда Самарқанд тумани Навбоғ қишлоғи атрофларида археологик қидирув ишларини ҳам амалга оширган. Хусусан, Сазағон 1, 2 неолит даври маконлари харитага олиниб, қидирув шурфлари қазилмалари жараёнида қизиқарли тош қуроллари тўплами қўлга киритилган. Сазағонсойга ғарб томондан кўшни сойлар ён дараларидан бир нечта ғор ва унгурлар археологик харитага олинган (Камар-Қудуқ ғори ва бошқалар). Самарқанд тумани Навбоғ қишлоғи атрофларида амалга оширилган археологик қидирув ишлари жараёнида қазилган шурфлардан топилмалар топилмаган, ер майдони сатҳидан топилган тош буюмлари асосида бу ерда сўнгги палеолит макони бўлганлиги тўғрисидаги хулосага келинган. Сазағон 1 ёдгорлиги дастлаб 1966-1969 йиллари Д.Н.Лев бошчилигидаги СамДУ археологик экспедицияси томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек, А.А.Асқаров ва Н.А.Аванесова билан Ургут тоғи, Мўминобод қишлоғи атрофида жойлашган жез даври (мил. авв. II минг йиллик)га тегишли моддий маданиятга бой 6 та аёллар қабрларини ўрганиб, ўтмишдошларимизнинг маҳаллий анъаналарига ва мусиқа санъати тарихига доир (суякдан ясалган най) илму фан учун қимматли манбаларни тўплашга эришди. Бу тадқиқот ишларига тарихчи талабалар ҳам кенг жалб этилганлиги боис, М.Джуракуловнинг ёзишича, улар ичидан кейинчалик К.Х.Самибоев, Қ.М.Маматқулов, К.Маҳмудов кабилар фан номзодлари бўлишган.

Шу йиллари Зарафшон воҳаси тош даври ёдгорликлари тадқиқотида Д.Н.Лев билан елкама-елка у кишининг рафиқаси Елена Николаевна Амарцева археологик тадқиқот ишларида қатнашиб, Д.Н.Лев вафотидан кейин ҳам М.Д.Джуракулов билан биргаликда археологик тадқиқотларда фаол иштирок этган.

Д.Н.Лев бошчилигидаги археологик экспедиция таркибида талабалик йилларидан бошлаб иштирок этиб, археология соҳасини танлаган М.Д.Джуракулов, Э.Б.Бижанов, М.Телеумурадов, Ю.П.Холюшкин кабилар фан докторлари илмий даражасига, Н.А.Аванесова СамДУ профессори даражасига эга бўлишганлигини қайд этиш лозим.

Кафедра ташкил топганга қадар бўлган вақтда юқорида келтирилган ёдгорликлар тадқиқотида тўпланган катта ҳажмдаги археологик манбалар сақланадиган ва илмий қайта ишланадиган махсус хона ташкил этилган.

М.Джуракуловнинг кўрсатишича, Самарқанд шаҳрининг ташкил топганлигининг 2500 йиллик ёшини асослаш учун Афросиёб (Самарқанд) шаҳарчасини археологик жиҳатдан ўрганиш бўйича археологик тадқиқот ишлари қайта қизғин бошланиб кетган. Атоқли археологлар В.А.Шишкин, унинг вафотидан кейин Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлигида Афросиёб археологик комплекс экспедицияси кенг қўламли илмий фаолият кўрсатаётган бир вақтда бу ишга кўпгина илмий тадқиқот институтлари, олийгоҳлар, жумладан, Самарқанд давлат университети жалб қилинган. Шу муносабат билан 1967 йили СамДУ ҳузурида «Афросиёбни тарихий археологик жиҳатдан ўрганиш илмий-муаммовий лабораторияси» ташкил этилган. Илмий лабораторияни доц. М.Д.Джуракулов бошқарган ва унинг қошида археологик отрядни ташкил этиб, Афросиёб ёдгорлигида тадқиқот ишларини амалга оширган. Афросиёб шаҳарчасининг ғарбий секторида казишмалар олиб борилиб, шаҳарнинг VIII-XI асрларга оид коммуникацияси, меъморчилиги, йўл қурилиши, сув билан таъминланиш, кулолчилик хунармандчилиги, савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар тарихига доир қизиқарли илмий манбалар қўлга киритилган ва натижалари илмий нашриётларда эълон қилинган. Ушбу археологик гуруҳ тадқиқотида Я.К.Крикис, Н.А.Аванесова, Х.Одилов, А.Н.Ульянова, Ф.Алиевалар иштирок этишган. Тадқиқот ишлари 1970 йилгача давом этиб, қўлга киритилган материалларнинг бир қисми айни кундаги кафедра қошидаги археология музей лабораториясида кўргазмага қўйилган.

Д.Н.Лев вафотидан кейин (1969 йил) тадқиқотларни шогирди М.Д.Джуракулов давом эттирди. Хусусан, 1969-1973 йилларда Самарқанд сўнгги палеолит даври макони тадқиқотда бой археологик манбаларни қўлга киритишга эришилган. Бу тадқиқотларнинг натижалари сифатида кейинги йилларда қатор илмий мақолалар, жумладан, «Самарқанд макони ва Ўрта Осиё сўнгги палеолит муаммолари» (Тошкент, «Фан», 1987, 15 б/т), «Самарқанд макони Марказий Осиёнинг эталон ёдгорлиги» (Кишинев, 2000, 12 б/т), «Самарқанд тарихининг кўҳна илдизлари» (Самарқанд, 2006), «Зарафшон водийси археологик ёдгорликлари геологияси» (Самарқанд, 1989, 12 б/т. Э.М.Мамедов ҳаммуаллифлигида) каби монографик тадқиқотлар нашр қилинган.

Биз юқорида имкон даражасида кафедра ташкил топиши учун шарт-шароит берган илмий асос ва моддий техника базаси ҳақида маълумотларни келтирдик.

Энди, кафедра ташкил топгандан кейинги давр ва унинг фаолияти ҳақида маълумотларга тўхталамиз. СамДУ ҳузуридаги «Афросиёбни тарихий археологик жиҳатдан ўрганиш илмий-муаммовий лабораторияси» базасида 1971 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлигининг №448 буйруғи билан «Археология» кафедраси ташкил қилинди ва кафедрани доц. М.Д.Джуракулов бошқара бошлаган.

Кафедранинг ташкил топиш вақти Ўзбекистон археологияси ривожиди муҳим аҳамият касб этган яна бир воқелик билан ҳамоҳанг кечди. Яъни, 1970 йилда ЎзФА қошида Самарқанд шаҳрида жойлашган Археология институти ташкил топган эди. Археология институти ташкил топиши ва унинг мутахассис кадрлар билан таъминланиши, моддий техника базасининг шаклланишида таниқли археолог олим, академик Я.Ғ.Ғуломов бош-қош бўлганлиги маълумотлари мавжуд. Демак, шу йиллари Самарқанд шаҳрида фаолиятини бошлаган иккита муассаса археологлар илмий жамоалари бақамти, елкадош бўлиб, кейинги йилларда Ўзбекистон археологияси ривожига муносиб ҳисса қўшди.

М.Д.Джуракулов раҳбарлигидаги археология кафедраси жамоаси томонидан Ўрта Зарафшон воҳаси тош даври жамоалари моддий маданияти тадқиқоти изчиллик билан давом эттирилди. Хусусан, М.Джуракулов Самарқанд макони тадқиқотини муваффақиятли равишда давом эттирган. Кейинги йиллардаги Қўтирбулоқ палеолит макони, Сиёбча ва Хўжамазгил маконлари тадқиқотида, шунингдек, Афросиёб шаҳарчаси ўрнидан, Регистон майдонидан, Самарқандга яқин Дарғом каналининг ёнларидан кўплаб тош даври жамоаларига тегишли қизиқарли археологик манбаларнинг ҳам қўлга киритилишида Самарқанд давлат университетининг М.Джуракулов раҳбарлигидаги экспедицияси ходимларининг иштирокини алоҳида эътироф этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, кафедра профессор-ўқитувчиларини Ўрта Осиёнинг ибтидоий, қадимги халқлари моддий маданияти, ижтимоий-иқтисодий тарихини, этнографиясини ўрганиш борасида муносиб илмий тадқиқотлар олиб боришганлигини мамнуният билан қайд этиш лозим. Жумладан, Ўрта Осиёда мил. авв. VII-VI асрларда яшаган қадимги қабилаларнинг Ҳиндистон ва бошқа қўшни мамлакатлар аҳолиси билан ўрнатган ва олиб борган ижтимоий-иқтисодий, савдо ва маданий алоқалари тарихи бўйича доц. Р.Р.Мукашева, Ўрта Осиё халқларининг этнографияси, хусусан, XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Жиззах воҳаси, Юқори Қашқадарё ва Самарқанд воҳаларида яшаган чорвадор аҳолининг турмуш тарзи, миллий анъаналари, кадриятлари, уй-жой қурилиши билан боғлиқ урф-одатлари тарихи борасида доц. К.К.Кубаков, О.И.Ибрагимовлар, Зарафшон ва Сурхон воҳаси бўйлаб бронза даври жамоаларининг моддий маданияти ҳақида доц. Н.Аванесовалар самарали илмий изланишлар олиб боришган. Шунингдек, Т.Р.Раҳматуллаев умумтаълим мактабларида тарих дарсларини ўтишда археологик манбалардан фойдаланиш ўқув-усуллари мавзусидаги тадқиқотларини, Б.Амиркулов томонидан Зарафшон воҳаси ва Қизилқум сарҳадлари тош асри ёдгорликлари (Жусантепа, Медами маконлари),

ибтидоий диний эътиқодлар борасида амалга оширган тадқиқотларини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим.

Кафедранинг 1970-1980 йиллари илмий тадқиқот мавзусига доирасида амалга оширган Ўрта Зарафшон воҳаси, хусусан, Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағри тош даври ёдгорликлари (М.Д.Джуракулов) ва мамлакатимиз жанубий сарҳадлари, хусусан, Сурхон воҳаси бронза даври ёдгорликлари (Н.А.Аванесова) тадқиқотларининг натижалари сермахсул бўлган.

Хусусан, Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағри Ўрта Зарафшон воҳаси билан боғлиқ бўлиб, воҳа билан параллел ҳолатда тахминан 50 километрлар чамаси масофада ғарб томон чўзилган худуд ҳисобланади. Тадқиқот этилган ва тадқиқоти давом этаётган ҳамда археологик дала кидирув ишлари натижасида янги кашф этилаётган ибтидоий маконлар жойланиш ҳолатлари шу тоғ ён бағридан ўз сувларини воҳа томон оқизиб чиқувчи йирик сойлар (Оҳалик, Миронқул, Тепақул, Эгриқул, Сазағон, Катта ва Кичик Қуруксой, Оқсой каби) ён қайирлари ва улар ён даралари билан боғлиқ. Бу маконлар фаолияти билан боғлиқ бўлган мазкур жойлар денгиз сатҳидан 800-1100 метрлар чамаси юқорида жойлашган. Шу йилларида Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағрида М.Д.Джуракулов раҳбарлигида СамДУ археологик экспедицияси ходимлари томонидан тош даври жамоалари моддий маданиятини ўрганиш борасида муҳим кашфиёт ва ютуқлар қўлга киритилган. Хусусан, 1978-1983 йилларда Сазағон 2 неолит макони, 1986-1989 йиллар мабойинида Жангал 1 неолит макони тадқиқ этилган.

Шу ўринда, бу вақтда кафедра аъзолари хорижнинг ва республиканинг таниқли археолог, географик олимлари билан илмий ҳамкорлик қилишганлигини таъкидлаш лозим. Аниқроғи, 1984-1986-йиллари Россия ФА этнография институтининг Хоразм археологик экспедицияси (А.В.Виноградов), ТошДУ география факултети (Э.Д.Мамедов), СамДУ археологик экспедицияси (М.Д.Джуракулов) илмий ходимлари ҳамкорликда Зарафшон дарёсининг шу вақтгача фанда номаълум бўлган Чорбақти воҳасини топишга ва ундан олтмишдан ортиқ мезолит, неолит маконларини кашф этишга эришганлар. Бу тадқиқотларда кафедрадан М.Джуракулов, Б.Амиркулов, Н.Холматовлар иштирок этишган. Кейинчалик Чорбақти воҳасининг мезолит, неолит даври ёдгорликлари материаллари Н.У.Холматов томонидан атрофлича ўрганилиб, монографик тадқиқот сифатида илмий муомалага киритилган (2007 йил).

Кафедранинг археологик экспедицияси давлатимизнинг мустақиллик йилларида Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ён бағри Сазағон неолит ёдгорликлари тадқиқотини давом эттирди. Тадқиқотда кишилиқ тарихининг тош даврига оид 30 дан зиёд археологик объектлар харитага олинди. Хусусан, Жангал 1, Тепақул 3 ёдгорликлари тадқиқоти давом эттирилиб, ўз навбатида Тепақул 4, 5, Лолаб, Олмабулоқ, Қоракамар,

Очилғор каби қатор янги ёдгорликлар кашф этилишига эришилди (М.Д.Джуракулов, Н.У.Холматов). Тепакул 3 ёдгорлиги 1990-1996 йиллари мобайнида, Тепакул 4 неолит макони эса 1996-2004 йилларда тадқиқ этилди. 2000 йил кузида Сазағонсой ва унга қўшни бўлган сойлар ён дараларида археологик қидирув ишларини амалга ошираётган пайтда Катта Қуруқсой ён дарасида Қоракамар ғор маконини кашф этишга эришилган. Тош қуролларининг типологик таҳлили макон тош индустрияси мезолит даври жамоаларига тегишли деган дастлабки хулосани чиқариш имконини бермоқда. Олмабулоқ макони СамДУ экспедиция ходимлари томонидан 2000 йили кашф этилиб, 2001 йили ҳам тадқиқот давом эттирилган археологик ёдгорлик ҳисобланади. Макон тадқиқоти жараёнида қўлга киритилган тош қуроллари леваллуа – мустье технологик услубига эга бўлиб, улар ўз жиҳатлари билан Зирабулоқ, Омонқўтон каби палеолит маконлари тош қуролларига ўхшайди. Баъзи тош қуроллари шакли ва ишлов бериши услубларида Самарқанд макони тош қуролларига хос технологик услуб ва хусусиятлар сақланиб қолганлиги ҳолатлари кузатилади.

СамДУ археологлари томонидан 2004 йилда кашф этилган Очилғор маконида археологик тадқиқот ишлари 2017 йилгача давом этди. 2017 йил ёзида талабаларнинг дала археологик амалиёти жараёнида Сазағонсой юқори воҳасида (Сазағон 2 ёлгорлигидан чамаси 700-800 метрлар юқорида) Турк қишлоғи деган жойда сойнинг чап ёни терассаси сатҳидан янги ёдгорлик аниқланиб, Сазағон 3 деб номланди ва тадқиқ этилди. Айни кунларда Н.Холматов раҳбарлигида СамДУ археологик гуруҳи томонидан Сазағон 3 неолит макони тадқиқоти давом эттирилмоқда, шунингдек, Зарафшон воҳасида янги тош даври ёдгорликларини аниқлаш ва тадқиқ этиш борасида археологик қидирув ишлари амалга оширилмоқда. Масалан, Пайариқ тумани Қароқчитоғ ён бағри Ўрта ҳовуз атрофидан кизиқарли мезолит, неолит даврига оид тош қуроллари тўплами қўлга киритилган.

Таъкидлаш жоизки, ўтган асрнинг 50-йилларида воҳа тош асри ёдгорликлари тадқиқоти ишларини Д.Н.Лев, Я.Ғ.Ғуломовлар бошлаб беришган бўлса-да, лекин том маънода Ўрта Зарафшон воҳаси тош даври жамоалари моддий маданиятининг тўлақонли ёритилиши масаласи таниқли археолог олим М.Д.Джуракулов илмий изланишлари билан боғлиқ ва ўзига хос археология мактаби шакллантирилган.

Тўғри, Зарафшон воҳаси (Юқори, Ўрта, яъни Самарқанд ботиғи ҳамда Қуйи Зарафшон) мисолида тош даври ёдгорликлари тадқиқ этилган. Хусусан, Юқори Зарафшон ҳавзасида В.А.Ранов томонидан Оқтанга ёдгорлиги ўрганилган. Қуйи Зарафшон тош даври ёдгорликлари тадқиқотида Ў.Исломов, А.В.Виноградов ҳамда кейинги йилларда Аёқагитма неолит ёдгорлиги К.Шимчак, Ф.Брунет, М.Хўжаназаровлар илмий изланишлари аҳамиятли ҳисобланади. Н.У.Холматов томонидан Қуйи Зарафшон Чорбақти воҳаси мезолит-неолит ёдгорликлари манбалари таҳлил этилган. Шу асосда Қуйи Зарафшонда палеолит, мезолит ва неолит

даври жамоалари моддий маданияти ёритилган. Зарафшоннинг ўрта оқими, яъни Самарқанд ботиғида палеолит даврига оид Қўтирбулок, Зирабулок, Омонқўтон, Такалिसой, Гўрдара каби ёдгорликлар ҳамда мустье даврига оид айрим тош қуроллари ҳамда Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидан Самарқанд макони, Сиёбча, Хўжамазгил каби сўнгги палеолит даврига оид ёдгорликлар, шунингдек, Жом, Қарноб, Ровотхўжа, Булунғур топилмалари тадқиқ этилган. Мезолит-неолит даври миқёсида Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағрида тадқиқ этилган туркум Сазағон маданиятига доир ёдгорликлар аҳамиятлидир. Зарафшон, жумладан, Ўрта Зарафшон воҳаси борасида юқорида зикр этилган ёдгорликлар тадқиқотида ўзига хос илмий мактаб яратилди. Бу илмий мактаб асосчиси устоз профессор Мавлон Джуракулов ҳисобланади. Илмий мактаб доирасида 30 га яқин фан номзодлари ва докторлари етишиб чиққан. Е.Бижанов, М.Джуракулов, М.Телеумуродов, Н.Аванесова, Х.Мухитдинов, А.Баратов, В.Ионесов, Т.Гречкина, С.Мустафоқулов, Л.Лебедова, Л.Соколовская, А.Атаҳаджаев, Л.Шепенева, Н.У.Холматов, Б.Сайфуллаев, Д.М.Джуракулова, Р.Абриев, О.Эргашев, М.Саидов, А.Н.Холматов, А.Сандибоев кабилар шулар жумласидандир. “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ибтидоий давр жамоалари моддий маданияти” мавзусида тадқиқот ишлари амалга оширилган. Илмий мактаб доирасида 2003 йили Ўзбекистон Республикаси ВМ давлат гранти асосида Ўзбекистон тарихи 1-томи 4-боби “Янги тош асри” (неолит) ёзилди (М.Д.Джуракулов, Н.У.Холматов) ҳамда “Ўзбекистон тарихи хрестоматияси”нинг 1-қисм, Археология ёдгорликларида Ўзбекистон тарихи, 5-боб. «Неолит янги тош даври» ёзилиб нашрдан чиқди (Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Тошкент, «Фан», 2014, 40-69-бб.). Кафедра ассистенти А.П.Асланов 2016 йил январ ойидан бошлаб, ЎзФА Археология институтидаги «Сўғд ва Устуршоннинг антик ва ўрта асрлар даври урбанизация жараёнининг роли» (Ф1-ФА-О-83775) грант лойиҳасининг бажарилишида иштирок этган. Самарқанд давлат университети ва Германиянинг Археология институти Евроосиё бўлими билан фан ва таълим соҳасида ҳамкорлик (2018-2020 йиллар) проекти асосида археологик тадқиқот ишларини олиб борилган. Жумладан, кафедра олимлари 2018 йил март ойида Самарқанд давлат университети ва Германиянинг Археология институти Евроосиё бўлими билан ҳамкорликда 2018-2020 йилларда “Ўзбек-Германия археологик экспедициясини ташкил этиш ва Зарафшон воҳасида разведка ишларини олиб бориш” бўйича илмий лойиҳа шартномасини имзолаган эди. Шу муносабат билан 2018-2020 йиллар давомида халқаро экспедиция ташкил этилиб фаолият олиб борилди. Экспедиция тадқиқотида СамДУ Археология кафедраси профессори Н.А.Аванесова ва Германия Археология институти Евроосиё бўлими ходими Элиз Луно ҳам раислик қилишди. Экспедиция таркибида кафедра аъзоларидан Н.У.Холматов, О.Эргашев, Археологик тадқиқотлар институти катта илмий ходими А.Холматов ва Германия томонидан

профессор Жан-Пиерре Пелваст – геоморфолог, Доктор Лили Раус – ГИС мутахассиси, Жеоржя Роеш – топограф, докторант Финн Шрайберлар қатнашишди. Тадқиқот давомида бронза даврига (бундан 5-4 минг йил аввал) оид “Андронова маданияти”га мансуб 30 га яқин қўрғонлар рўйхатга олинди. Неолит даврига тегишли бўлган битта топилма жой ҳам аниқланди.

Кафедранинг Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағри тош даври ёдгорликлари тадқиқоти 1986 йилдан эътиборан М.Д.Джуракуловнинг умумий илмий раҳбарлигида унинг шогирди Н.Холматов ижрочилигида амалга оширилган. Доц. Н.У.Холматов томонидан Сазағон, Тепакул, Жангал қишлоқлари атрофида қатор неолит даври маконлари қазиб ўрганилди ва бой археологик манбалар тўплашга эришилди. Бу манбалар бу ҳудудда, умуман, Ўрта Зарафшон ҳавзасида бундан XII, VI-IV минг йиллар илгари яшаган уруғ-жамоаларининг турмуш-тарзи, хўжалиги, маданий ва маънавий ҳаёти ҳақида қизиқарли археологик маълумотлар берди. Археологик ашё-манбаларнинг гувоҳлик беришича, сазағонлик уруғ-жамоалар илк бор ўтроқ деҳқончиликни кашф қилиб, ўзлаштирувчи хўжалиқдан ишлаб чиқарувчи хўжалиқка ўта бориб, цивилизация сари интилиб яшаган жамоалардан бўлиб чиқди. Бу музофотдаги маконлардан топилган ашёлар сазағонликларнинг Зарафшон ҳавзасида дастлаб ишлаб чиқариш хўжалигининг ташкил бўлганлигидан гувоҳлик бериб, дастлабки ўтроқ деҳқончиликка ўтиш эса илк цивилизациянинг маҳсули сифатида намоён бўлди.

«Сазағон маданияти» мажмуаси тадқиқоти натижалари ҳақида қатор монографиялар, илмий ишланмалар, мақолалар нашр қилинган. М.Джуракулов, Н.Холматовларнинг «Ўрта Зарафшон мезолити ва неолити» (Тошкент, «Фан», 1991, 16 б/т), М.Д.Джуракулов, Н.А.Аванесова, Б.Амиркуловларнинг «Зарафшон водийси ибтидоий жамоалар маданияти» (Самарқанд, 1995, 14 б/т), Н.У.Холматовнинг «Мезолит и неолит Нижнего Зарафшана (Тошкент, «Фан», 2007, 15 б/т), Н.У.Холматовнинг «Ўзбекистон неолит даври жамоаларининг моддий маданияти» (Тошкент, «Фан», 2008, 16 б/т), Д.М.Джуракуловнинг «Зарафшон водийси тош ва бронза даври маданияти» (Тошкент, «Фан», 2011, 15 б/т), Д.М.Джуракуловнинг «Ўзбекистон палеолит даври» номли монографияси (Тошкент, «Фан», 2020, 18 б/т), Н.Холматовнинг “Сазағон маданияти ва унинг Ўзбекистон неолит даврида тутган ўрни” (Самарқанд, СамДУ нашриёти, 2019, 26 б/т.) кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, кейинги йилларда кафедрамиз доцентларидан Р.Б.Абриевнинг “Ўзбекистон мустақиллиги йилларида тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш жараёнлари” номли монографияси (Тошкент, «Фан», 2015, 14 б/т)нинг нашр этирилиши муҳим илмий аҳамият касб этганлигини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим.

Юқорида келтирилган Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағри тош даври ёдгорликлари тадқиқотлари натижасида воҳа мезо-неолит даври жамоалари моддий-маданияти ўзига хос хусусиятлари,

тарихий даврлари ижтимоий тузуми, жамоалар турмуш тарзи, хўжалик машғулоти, маънавий маданияти, ўзаро қўни-қўшничилик маданий алоқалари, маданият генезиси масаласида қимматли маълумотлар берувчи археологик ашёларни қўлга киритишга эришилди. Минтақада нафақат неолит даври жамоалари, балки мезолит ва ҳатто палеолит даври жамоалари ҳам яшаб, ўзига хос тарихий тараққиётда узлуксиз моддий маданият яратишганлигини кўрсатди ва бу музофотда тош даврига оид “микромаданий воҳа”ни ажратиш имконини берди.

Проф. Н.А.Аванесова раҳбарлигидаги отряд Сурхондарё водийсининг Шеробод туманида жойлашган Бўстон VI-VII бронза даврига тегишли некрополи ўрганиш билан шуғулланиб, бу воҳада мил. авв. II минг йилликда яшаган жез даври уруғ жамоаларнинг хўжалиги, турмуш маданияти, маънавияти билан боғлиқ илк цивилизация тарихини ўрганиш билан машғул бўлиб, бой ва қизиқарли манбалар тўплаб, уларнинг натижаси сифатида нафақат Ўзбекистонда, шунингдек, хорижий мамлакатлар марказий нашриётларида монографиялар ва илмий мақолалар эълон қилинган. Проф. Н.А.Аванесова Зарафшон ҳавзаси ибтидоий тарихини ўрганиш борасида самарали тадқиқот ишлари олиб борган ва олиб бормоқда.

Жумладан, Сойғус, Ғус, Сиёбча, Чакка, Жом, Мўминобод сингари яққа ва гуруҳ тарзидаги, кўпинча, аёлларга тегишли осори атиқаларга, ясантусан ашёларга бой, ибтидоий жез даври (мил. авв. 2 минг йиллик) уруғ-жамоаларининг моддий-маданиятини, хусусан, юксак даражада ривож топган заргарлик санъатлари, хуллас, аждодларимиз томонидан яратилган ва бизгача етиб келган бой маданият ва маънавий меросни ҳар томонлама ўрганишда бу манбалар бетакрор муҳим илмий аҳамиятга эга. Шунинг билан бир қаторда Тўқайли жез даври металлургия қишлоғи, Жуков диний-мемориал сифиниш мажмуаси каби ёдгорликларни янги ёндашув асосида ўрганиб, ибтидоий юртдошларимиз яратган бетакрор бой маданий мерос тарихини тиклаб, фан оламига киритилиши фан ютуқларидан бўлиб ва бу изланишлар айни кунда ҳам давом эттирилиб келинмоқда.

Кафедра аъзолари кейинги йилларда нафақат Зарафшон воҳаси, балки Самарқанд вилоятидаги Қўшрабат, Нуробод туманларида ҳам археологик тадқиқот ишларини амалга ошириб келишмоқда. Проф. Н.А.Аванесова 2013-йилдан эътиборан Қўшрабат тумани Урганчи қишлоғи яқинида жойлашган ёдгорликлар тадқиқотини бошлаб берди. Бирламчи натижаларга кўра бу ерда жез даврига оид топилмаларнинг борлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, 2012-йилдан бошлаб Самарқанд туманида жойлашган Кофирқалъа ёдгорлигидаги халқаро археологик экспедицияси тадқиқотида кафедрамиз аъзолари, шунингдек, докторантлар, магистрлар ва иқтидорли талабаларимиз қатнашишиб келишмоқда.

Кафедра ўз фаолият йилларида олий маълумотли мутахассислар – тарихчи ва археолог кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратиб келган. 2009-2010 ўқув йилидан эътиборан кафедра ҳузурида «археология»

йўналиши бўйича бакалавр таълими йўналишига талабалар қабули бошланган ва айни кунда ҳам давом этиб келмоқда. 6120401-археология, 6120403-этногенез (Ўзбек халқи этногенези тарихи) мутахассислиги бўйича магистратура таълими, 07.00.06-Археология цифрида таянч докторантура таълими мавжуд. Асосий фанлардан дарс бериш ишлари юқори малакали мутахассис профессор-ўқитувчилар томонидан олиб бориш таъминланган.

Кафедра аъзолари кўп йиллик илмий изланишлар натижасида кўлга киритилган бой археологик манбалардан кенг фойдаланган ҳолда ўз фаолияти йилларида асосий ўқиладиган фанлар бўйича 7 та дарслик, 40 га яқин ўқув кўлланма, 40 дан зиёд ўқув-услубий ишланмалар, дастурлар яратилган. Кафедрада 60 га яқин ўтиладиган фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуалар ва электрон дарсликлар яратилган.

Кафедранинг бир қатор профессор-ўқитувчиларининг фанни, олий таълимни ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ғоялари руҳияти асосида тарбиялашдаги хизматлари давлатимиз, ҳукуватимиз томонидан муносиб тақдирланган. Масалан, доцентлардан Р.Р.Мукашева, Қ.Қ.Кубаков, проф. Н.А.Аванесовалар «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси», проф. М.Д.Джуракулов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонлари соҳиблари бўлишган.

Ўзбекистон олий ўқув юртлари орасида биринчилардан бўлиб кафедра қошида «Археология музей лабораторияси» ташкил этилган. Унда 60000 дан зиёд археологик ашёлар сақланмоқда. Замонавий тарзда таъмирдан чиқарилган. Айни кунларда Олий таълим вазирлигидан 10 номдаги замонавий асбоб-усканалар келтирилган ва улар археологик тадқиқотларда кўлланилмоқда. Музей лаборатория проф. Н.А.Аванесова раҳбарлигида самарали илмий тадқиқот ишлар билан бирга кенг кўламли маданий, маърифий соҳаларда фаолият юритиб, турли тоифадаги меҳмонларнинг қадамжойига айланган. Мустақил тадқиқотчилар, докторантлар, магистрантлар фойдаланадиган илмий, ўқув, маънавий-маърифий марказ сифатида хизмат кўрсатиб келмоқда.

Кафедра ҳузурида талабаларнинг «Ёш археолог» илмий тўғараги фаолият кўрсатиб келади. Тўғаракка тажрибали илмий раҳбарлар раҳнамолик қилади ва унинг илмий фаолияти кафедра илмий-тадқиқот муаммовий мавзуси билан боғлиқ. Айни кунда тўғарак ишида нафақат кафедранинг профессор-ўқитувчилари, балки Археология институтининг катта илмий ходимларидан Ж.Мирзаахмедов Б.Сайфуллаев, А.Сандибоев, М.Саидовлар бир неча марта маҳорат дарсларини ўтиб беришмоқда. Илмий тўғарак ўз ривожланиш тарихига эга. Ҳар йили талабаларнинг анъанавий йиллик илмий анжуманида 20-25 талаба ҳамда магистрлар маърузалар билан қатнашиб келади. Улар орасидан олийгоҳлараро, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этиб, танловларда ғолиб бўлганлар ҳам кўпчиликини ташкил этади. М.Джуракулов раҳбарлигида Н.Холматов 3-курс

пайтида (1981 йил) Собиқ Иттифоқ талабалар илмий конференциясида Олмаота шаҳрида, 4-курс пайтида (1982 йил) Новосибирск шаҳрида маърузалар билан иштирок этган. Кафедра ташаббуси билан Ўрта Осиё ва Қозоғистон олийгоҳлари ёш тарихчи ва археологлари илмий анжумани (1977 йил) ўтказилди. 1981 йили илмий анжуманда СамДУ ва ЎзМУ археология кафедралари ёш археологлари биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллашди. О.Т.Эргашев Навоий номидаги Давлат стипендиати бўлиб кафедра таълимини олган. Кафедра қошидаги «Ёш археолог» илмий тўғарагида таълим олиб, университетни битирганлар орасидан 60 дан ортик магистрлар, 30 дан зиёд фан номзодлари, 8 фан докторлари, 1 академик етишиб чиққан бўлиб, улар Ўзбекистон, шунингдек, ҳамдўстлик мамлакатларнинг турли олийгоҳлари ва илмий марказларида муносиб хизмат қилиб, университетимиз шарафини улуғлаб келишмоқдалар. Фан докторларидан Бижанов Э.Б., Джуракулов М.Д., Холюшкин Ю.П. (РФА академиги, Новосибирск ФА да бўлим бошлиғи бўлиб хизмат қилмоқда), Телеумурадов М.Т., Холматов Н.У., Ионесов В.И., проф. Аванесова, Н.А. проф.Джуракулова Д.М., фан номзодларидан Ахмедов А., Баратов С., Бердимуродов А.Э., Бозоров М.Б., Гречкина Т., Лебедова Т.И., Махмудов К., Маитдинова Н., Маликов А., Мукашева Р.Р., Мустафокулов С., Ибрагимов О.И., Б. Амиркулов, Сайфуллаев Б., Соколовская Л., Телеумурадов М.Т., Тошкенбоев Н.Х., Отахўжаев А., Павчинская Л., Кубаков К.К., Хўжаев Й., Щепенева Л.К.А.Раҳимов, Р.Б.Абриев, О.Т.Эргашев, М.М.Саидов, А.Н.Холматов, С.Ш.Кубаев, А.Н.Сандибоевлар, шунингдек, кафедра ўқитувчилари, мустақил тадқиқотчилар, докторантлардан Р.Бердиев, А.Асланов, И.Қурбонбоев, У.Умаров, А.Умаров, А.Назаров, А.Бахронов, А.Бердиев, И.Пирматов, Р.Каримов, М.Бердикулов, А.Каспаров, С.Х.Хўжамов, Н.Рашидов, Ш.Очилов, Д.Бадриддинов, К.Орзиев, Д.Омонов, Ҳ.Раҳмонов, Ш.Оманов, Ш.М.Пардаев, О.Мўминов кабилар шу тўғарак аъзолари ҳисобланади.

Кафедрани битирганлар орасидан фан, жамоат арбоблари етишиб чиққан. Масалан, проф. М.Д.Джуракулов СамДУ ректори ва 2 муҳлат вилоят халқ депутати бўлиб сайланган, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган ёшлар мураббийси фахрий унвони соҳиби, Бердимуродов А.Э. ЎзФА Археология институти директори, вилоят халқ депутати ва бошқалар.

Археология кафедраси қатор МДҲ ва хориж давлатлари илмий марказлари билан илмий алоқалар ўрнатилган. Жумладан, Москва давлат университети, Урал федерал университети, Новосибирск давлат университети, Екатеринбург давлат университети, Италиядаги Болонья, Франциянинг Сарбонна, Германия археология институти, Хитой Шимолий-Ғарбий университети олимлари билан ўзаро алоқалар ўрнатилган. М.Джуракулов Вашингтон университети, Н.Аванесова Сарбонна университети, Д.М.Джуракулова Нидерландия университетларида археология соҳасида маърузалар ўқишган. Кафедра магистратура орқали

етук мутахассислар тайёрлашда ҳам фаолият олиб боради. Хаттоки, археология мутахассислиги бўйича 2 нафар Корея Республикаси фуқораси таълим олди. Уларнинг илмий изланиш мавзулари кафедранинг истиқбол илмий-тадқиқот муаммоси билан боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда.

Кафедра ўз илмий ва таълим фаолияти йилларида даврий «Археология, қадимги тарих ва этнография масалалари», «Зарафшон водийси археологияси масалалари» номли илмий мақолалар тўплами нашр этиб келинмоқда. Шунингдек, кафедра профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари шу ўтган йиллар давомида 20 га яқин монография (хорижий тилда ҳам нашр этилган), 1000 га яқин илмий мақолалар нашр этишган. Хусусан, проф. М.Д.Джуракуловнинг “Ўрта Осиё ибтидоий давр археологияси” (1984), “Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии” (1987), “Мезолит и неолит Среднего Зарафшана” (1991), “Самаркандская стоянка как эталон верхнего палеолита Средней Азии” (Кишинев, 2000) каби 10 га яқин монографиялари, проф. Н.А.Аванесованинг “Проблемы истории андроновского культурного единства (по металлическим изделиям) (1979), «Культура пастушеских племен эпохи бронзы Азиатской части СССР» (1991), «Бустон VI некрополь огнепоклонников до урбанистической Бактрии» (2013), «Le rituel funeraire de la nekropole de Buston VI» (2016) каби монографик китоблари, илмий мақолалари хорижий мамлакатларнинг марказий нашриётларида ҳам эълон қилинган.

Кафедранинг кейинги йилларда илмий тадқиқотининг бош мавзулари “Ўзбекистон ҳудудидаги илк цивилизациялар: моддий ва маънавий маданият”, “Ўзбекистон ҳудудидаги ибтидоий ва қадимги давр жамоалари маданиятининг келиб чиқиши тарихий илдизлари ва маданий алоқалари” кабилар бўлиб, улар устида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Тадқиқот бажарилишида устувор вазифа этиб қуйидагилар белгилаб олинди: янги тадқиқотларда қўлга киритилган маълумотлар асосида ибтидоий одамзоднинг Зарафшон ҳавзаси бўйлаб тарқалиши ва маъқул экологик ҳудудларни ўзлаштириб, ўзига хос моддий маданият яратганликларини аниқлаштириш; Ўзбекистон ҳудудидаги ибтидоий ва қадимги давр жамоалари маданиятининг келиб чиқиши тарихий илдизлари борасида тадқиқотларда қўлга киритилган янги маълумотлар илмий таҳлилини келтириш. Хусусан, Зарафшон воҳаси тош даври жамоалари маданиятининг автохтон, маҳаллий характерда эканлиги масаласини ойдинлаштириш; Ўзбекистон ҳудудидаги ибтидоий ва қадимги давр жамоаларининг ўзаро қўни-қўшничилик маданий алоқалари масаласида кейинги йиллар тадқиқотида қўлга киритилган маълумотларни тизимлаштириш.

Юқорида келтирилганидек, кафедрамиз тадқиқот мавзусининг асосини Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағри тош даври жамоаларининг моддий маданиятини ўрганиш ташкил этади.

Маълумки, бу тадқиқот ўтган асрнинг 60-йиллари 2-ярмидан бошланиб, ҳозирги кунда ҳам давом эттирилмоқда. Шу боис, ушбу тадқиқотларнинг натижаси сифатида қуйидаги хулосаларга келинганлиги фактларини келтириш жоиз:

Илмий мактаб тадқиқоти серқирра ҳисобланиб, кундан кунга воҳа тош даври жамоалари моддий маданиятининг янги саҳифаларини ёритиш имконини бермоқда:

1. Зарафшон воҳасининг антропогенез, яъни одамзод томонидан ўзлаштирилиши масаласи ойдинлаштирилди. Воҳа ўрта палеолит давридан одамзод томонидан ўзлаштирилганлиги илмий асосланди.

2. Ўрта Зарафшон воҳасида ўрта палеолит давридан бошлаб, тош асри кейинги тараққиёт босқичлари кетма-кетлиги барчасида одамзод узлуксиз яшаганлиги ва автохтон тарзда маданият яратишганлиги аниқланди.

3. Тадқиқотларда воҳанинг палеогеографик, палеогеологик, гидроморфологик, замонавий физико-географик соҳалари борасида қимматли маълумотлар қўлга киритилишига эришилди.

4. Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағри тош даври жамоалари моддий маданиятини ўрганишда ўзига хос “микромаданий воҳа” эканлиги илмий асосланди, жамоалари маданияти узвийлиги, унинг автохтонлиги масаласи ўз ечимини топди: Олмабулоқ мустье даври ёдгорлиги, Очилғор макони пастки маданий қатлами (мил.авв. XI-IX минг йилликлар; Қоракамар, Сазағон 1 мезолит даври сўнгги босқичи (мил.авв. 8-7 минг йиллик), Очилғор макони устки маданий қатлами, Сазағон 2 - неолит (мил.авв. 7-5 минг йиллик), Тепакул 4 - неолит (мил.авв. 6-4 минг йиллик), Жангал 1, Тепакул 3 – неолит (мил.авв. 5-3 минг йиллик).

5. Сазағон неолит жамоалари маданиятига оид ёдгорликлар тарқалиши чегаралари аниқланди: асосан ёдгорликлар Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ён бағри микро воҳасида жойлашган бўлиб, жанубий-шарқий томон Ўрта Осиё тоғ минтақаси Тожикистон ҳудуди Ҳисор неолит маданияти ёдгорликлари (Оқтанга, Кангуртут), жанубдан Қоратепа тоғ тизмаси бел қисми (Тошқўтон, Қизилтош, Амир Темур ғори) ва жанубий ён бағрида Катта Қуруқсой, Қизилолмасой ён даралари ҳамда Тарағай қишлоғи тош қуроллари топилмалари, шимолий-ғарбий томондан Қуйи Зарафшон пасттексислик минтақаси (Жом, Тим топилмалари, Учтут, Ижонт, Чорбақти, Дорбазақир 1, 2 ёдгорликлари).

6. Сазағон маданиятининг генесологик илдизлари Самарқанд макони, Чорбақти мезолит ёдгорликлари, Сазағон 1, Қоракамар, Очилғор макони пастки мезолит даври маданий қатлами манбалари билан боғлиқлиги тадқиқотларда аниқланди ва шу асосда Сазағон маданиятининг автохтонлиги масаласи ўз ечимини топди.

7. Ўрта Зарафшон воҳаси неолит жамоалари турмушида ишлаб чиқариш иқтисодиёти куртаклари шакллана бошлаганлиги масаласи аниқланди.

8. Тош асри жамоалар ўзаро қўни-қўшничилик маданий алоқада бўлишганлиги борасида маълумотлар берувчи манбалар қўлга киритилишига эришилди.

9. Сазағон маданияти ёдгорликлари тизимида Очилғор макони мисолида маданий қатламдан олов, тотемизмга оид диний эътиқод, расм-русумлар, маросимлар билан боғлиқ бўлган мазмунни ифода этувчи манбалар яхлит комплекси (айланма ҳолатда ўчоқ қолдиқлари, айланма ҳолатда хайвон суяги қолдиқлари уюмлари, айлана шаклдаги тош қурилмалари ва бу қурилмалар оралиғидан улоқчанинг бутун ҳолатдаги гавда суяклари) топилди ва у диний эътиқод комплекси сифатида Ўрта Осиё тош асри археологияси фанида илк бор муомалага киритилиб, мутахассислар томонидан эътироф этилди.

10. Келтирилган илмий маълумотларга асосланиб, Ўрта Осиё неолит жамоаларининг маданияти тизимида (Жанубий Турманистонда Жойитун маданияти, Марказий ва Жанубий Тожикистонда Ҳисор маданияти, Қуйи Амударё, Қизилқум ва Қуйи Зарафшон воҳасида Калтаминор маданияти, Фарғона водийсида Марказий Фарғона маданияти, Устюртда неолит жамоаларининг маданияти) Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағрида неолит жамоалари моддий маданиятини ёритувчи мустақил, ўзига хослик хусусиятини мужассамлаштирган “Сазағон маданияти”ни ажратиб, илмий асослашга ва Ўрта Осиё археологияси фанига киритишга эришилди.

Кафедрада 1971-1974 йиллар доц. М.Д.Джуракулов, 1975-1985 йиллар доц. Р.Р.Мукашева, 1986 йил доц. Қ.К.Кубаков, 1986-1993 йиллар проф. Н.А.Аванесова, 1993-2012 йиллар проф. М.Д.Джуракулов ва 2012-2017 йиллар доц. Д.М.Джуракулова раҳбарлик қилган. 2018 йилдан ҳозирги кунгача т.ф.д. доц. Н.У.Холматов томонидан бошқарилиб келинмоқда.

Айни вақтда кафедра таркибида 16 профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатиб келади. Жумладан, тарих фанлари доктори, доц. Н.У.Холматов, проф. Н.А.Аванесова, проф. Д.М.Джуракулова, доцентлар Р.Б.Абриев, О.Т.Эргашев, катта ўқитувчилар С.И.Шарипов, Р.Б.Бердиев, ассистентлардан А.Асланов, И.М.Қурбонбоев, У.Умаров, А.Умаров, А.Бердиев, А.Бахранов, И.Пирматов, Р.Каримов, Л.Ўнгаловлар шулар жумласидандир. М.Бердикулов, А.Назаров, А.Каспаровлар таянч докторантлар ҳисобланади.

Кафедра профессор-ўқитувчилари шу кеча-кундузда монографик тадқиқотлар, дарслик, ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, халқаро, Республика миқёсида илмий конференциялар ташкил этиш борасида самарали ишларни амалга оширишга эришди. Хусусан, 2016 йил 6 май куни Самарканд давлат университети тарих факультетида «Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари» мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Республикамизнинг соҳа бўйича ЎзФАнинг ИТИ, барча ОТМ дан профессор-ўқитувчилар ўз маърузалари билан

иштирок этишди. 2019 йил 14 июнь куни Самарқанд давлат университети тарих факультетида “Ўрта Осиё қадимги ва ўрта аср маданиятларининг ўзаро алоқадорлиги: меросийлик ва инновация” мавзусида Республика илмий-амалий конференция ўтказилди. Илмий конференция материалларида Ўрта Осиё сарҳадларида моддий, маданий ва археологик мерос объектлари тадқиқотларида қўлга киритилган бирламчи манбалар асосида қадимги ва ўрта аср маданиятлари ўзаро алоқадорлигида меросийлик ва инновациялар, шунингдек, ватанимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиёти тарихи, шаҳарсозлик маданияти ва давлатчилигимиз тарихи, туризмни ривожлантириш истиқболларига оид маълумотлар келтирилган бўлиб, уларда тарих ва археология фанларининг янги манбалари, бу борада олимлар эришган муҳим ютуқлар, мавжуд муаммолар, хулосалар ҳамда мулоҳазалар давр талабидан келиб чиққан ҳолда илгари сурилган. Конференция материаллари илмий тўплам сифатида нашрдан чиқди. 2021 йил 28-29 май кунлари СамДУ тарих факультетида профессор Нона Армаисовна Аванесова таваллудининг 80 йиллиги юбилеи ва 50 йиллик илмий-педагогик фаолиятига бағишланган “Евросиёнинг Осиё қисми қадимги ва ўрта асрлар маданияти” мавзусидаги халқаро конференция ўтказилди. Ушбу анжуманда 30 дан зиёд хорижий давлатларда фаолият юритаётган етакчи археолог олимлар маърузаси билан иштирок этишди. Мазкур конференция материаллари махсус илмий тўплам сифатида чоп этилди.

Монографиялар:

1. Джуракулова Д.М. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда палеолит даврининг ўрганилиши. “Фан”, Тошкент, 2020.
2. Холматов Н.У. Сазағон маданияти ва унинг Ўзбекистон неолит даврида тутган ўрни. Самарқанд, 2020.
3. Сагдуллаев А.С., Холматов Н.У. ва бошқалар. Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари. ЎЗМУ нашриёти, Тошкент, 2020.

Дарсликлар:

1. Аванесова Н. Археология Средней Азии: энеолит и бронзовый век. Самарқанд, 2020.
2. Жўракулова Д.М. Ўрта Осиё археологияси: Ўзбекистон палеолит даври. Самарқанд, 2020.
3. Холматов Н.У. Ўрта Осиё археологияси: тош, энеолит ва бронза даври. Самарқанд, 2021.
4. Эргашев О. Жаҳон археологияси. Самарқанд, 2022.

Ўқув қўлланмалар:

1. Холматов Н.У. Ўрта Осиё археологияси: тош даври. –С., 2020.
2. Умаров А.Ш. Қадимги Шарқ мамлакатлари цивилизациялари. Самарқанд, 2020.
3. Асланов А.П. Геоархеология. Самарқанд, 2020.

4. Шарипов С.И., Бердиев А. Тарихий хронология. Самарқанд, 2020.
5. Эргашев О. Тарихий антропология. Самарқанд, 2021.
6. Эргашев О. Мантелини С., Асланов А.П. Жаҳон археологияси. Самарқанд, 2021.
7. Эргашев О. Мантелини С., Саидов М. Ўрта Осиё археологияси: Антик ва ўрта асрлар. Самарқанд, 2021.
8. Саидов М., Унгалов А. Археологияда ГИС ва замонавий қурилмалар. Самарқанд, 2021.

Кафедрамиз миқёсида айни кунларда 2 та хўжалик шартномалари мавжуд. Кафедранинг биринчи хўжалик шартномаси Пайариқ тумани ҳокимлиги билан “Пайариқ тумани шимолий-шарқий қисми Қароқчитоғ жанубий ён бағри ҳудудларини археологик жиҳатдан ўрганиш” мавзусида (Н.У.Холматов), 2-хўжалик шартномаси Қўшработ тумани ҳокимлиги билан “Қўшработ тумани тарихи ва археологияси” мавзусида (Д.М.Джуракулова) бўлиб тадқиқотлар амалга оширилмоқда

Республикамиз ҳукумати томонидан устувор вазифа этиб белгиланган фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси масаласи борасида ҳам кафедрамиз миқёсида бирмунча ишлар амалга оширилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1533-сонли Қарорининг 8-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда олий таълим ва фан интеграциясини кенгайтириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда академик илмий кадрлари салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ривожлантириш, уларнинг олий таълим муассасалари ўқув жараёнидаги иштирокини таъминлаш, иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга кенг жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан ҳамкорликда ўқув-илмий комплекслар ва марказлар фаолиятини ташкил этиш модели яратилди ва ушбу вазирлик ва идоранинг 2011 йил 4 августда «Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари қошида ўқув-илмий комплекс ва марказлар фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги 1356/120-сонли қўшма қарори тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 19 ноябрдаги №6/2-сонли Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида «Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида инновацион корпоратив ҳамкорликни йўлга қўйиш» ҳолати ва истиқболдаги вазифалар тўғрисидаги Ҳайъат қарори чиқарилган. 2012 йил Самарқанд давлат университети ва Археология илмий тадқиқот институтларининг илмий кадрлар салоҳияти ва моддий-техник базалари асосида «Археолог» минтақавий ўқув-илмий маркази ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрель

№2909 қарорида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш вазифалари белгиланган.

«Археолог» минтақавий ўқув-илмий маркази СамДУ ва Археология институти олимлари ҳамкорлигида археология, тарих, этнография, антропология фанлари бўйича илмий-услубий, қўшимча таълим хизмати ва маслаҳат фаолияти, соҳа йўналишлари учун мутахасисларни тайёрлаш бозорини ташкил қилиш, семинарлар ўтказиш, ўқув-услубий қўлланмалар ва тавсияномаларни ишлаб чиқишни мақсад қилиб олган. Шунингдек, бу марказ фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг ижросини таъминлашда аҳамиятли ҳисобланади.

Марказ фаолияти бўйича:

1. Кафедрамиз профессор-ўқитувчилари доц. Н.У.Холматов, доц. О.Т.Эргашев, асс. А.Асланов, А.Назаров, М.Бердикулов, У.Умаров, И.Қурбонбоевлар бевосита ЎзРФА археология миллий маркази Самарқанд Археология институти илмий лойиҳалари, археологик экспедициялари тадқиқотларида, илмий семинарлари, илмий археологик сессияси ишларида иштирок этиб келишмоқда.

2. 2020 йилда Самарқанд туманида жойлашган Навбоғ ўрта аср ёдгорлиги тадқиқотларида ЎзРФА Археология Миллий маркази илмий ходимлари иштирок этишди. Самарқанд вилояти Ургут тумани Қулдортепада А.Сандибоев, А.Аслановлар тадқиқот ишларини бажаришди.

3. Марказ аъзоларидан Археология институти илмий ходимларидан А.Раимкулов, Ж.К.Мирзааҳмедов, Б.Сайфуллаев, М.Саидов, А.Сандибоевлар бевосита кафедрада ўриндошлик асосида педагогик фаолият кўрсатишди, Магистрлик диссертациясига илмий раҳбарлик қилишди. Академик А.Асқаров, т.ф.н. Ж.К.Мирзааҳмедов, А.Раимкуловлар 2 курс магистрларнинг магистрлик диссертациясининг илмий раҳбарлари ҳисобланади.

Кафедра хорижнинг етук илмий марказлари, ОТМлари билан соҳа бўйича илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида кўп йиллик тажрибага эга. 1984-1986 йилларда М.Джуракуловнинг саъй-ҳаракатлари билан кафедрамиз аъзоларидан Б.Амиркулов, Н.Холматовлар Россия ФА этнология институтининг Хоразм археологик экспедицияси тақибида Қуйи Амударё Оқчадарё воҳасида Толстов неолит макони қазишма ишларида, шунингдек, шу йиллари ХАЭ сининг Қизилқум ва Қуйи Зарафшоннинг қадимги ўзанлари бўлган Эчкиликсой, Оёқағитма, Дарёсой ҳамда Чорбақти воҳаларида тош даври ёдгорликлари тадқиқотларида иштирок этишди. Чорбақти воҳасидан 60 дан зиёд мезолит ва неолит ёдгорликлари топилди, хариталаштирилди. 1990 йили А.В.Виноградов раҳбарлигидаги Россия ФА этнология институтининг Хоразм археологик экспедицияси ва М.Джуракулов раҳбарлигидаги СамДУнинг археологик экспедицияси ҳамкорликда Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий ён

бағрида жойлашган Тепакул 3 неолит ёдгорлигида археологик қазилма ишларини амалга оширишди.

Кафедра аъзоларидан Р.Р.Мукашева Москва шаҳри Москва давлат университетининг ихтисослашган Илмий Кегашада, Н.Аванесова Собик Иттифоқнинг Москва, Ленинград шаҳарларида Жданко номидаги Ленинград давлат университетиде стажировка, аспирантура таълимини ўтаб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган (1979 йил), Н.У.Холматов Россия ФА этнография институти Этноархеология бўлимида стажировка ва аспирантура таълимини ўтаган (1987-1991й) ва Россия ФА археология институтида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган (1991 йил).

Кафедра аъзоларидан Н.У.Холматов, О.Эргашев, И.Қурбонбоевлар 2006-2007 йиллари Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедицияси таркибида таниқли археолог-олима Ф.Брунетнинг Қуйи Зарафшон воҳаси Оёқоғитма неолит ёдгорлиги қазилма ишларида иштирок этишди. Шунингдек, 2002-2010 йиллари Ўзбекистон-Италия халқаро археологик экспедиция таркибида Н.У.Холматов, И.Қурбонбоев, У.Умаровлар Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағри ибтидоий, қадимги давр ёдгорликларни тадқиқ этиш ишларида қатнашган. Хусусан, М.Тоси, С.Мантелини билан биргаликда ушбу ҳудуд мазор кўрғонларини ўрганиш, археологик ёдгорликлар жамланмасини қилиш ишларини бажарган. Шунингдек, Сазағон қишлоғи марказида жойлашган Бойсартепа антик давр ёдгорлигида археологик қазилмаларда иштирок этишган. Ҳамкорликда илмий маколалар нашр қилинган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази билан ҳамкорликда кафедра аъзолари О.Эргашев ва М.Бердиқуловлар АКФА ENGINEERING жамияти билан тузилган шартномага мувофиқ Қизилқум ҳудудида жойлашган Оёқоғитма ва Жингелди (Бухоро вилояти) пунктларида кенг кўламли илмий кузатув ишларини олиб боришди. Кафедрамиз ассистенти А.Асланов 2012 йил 26 мартдан 15 апрелгача бўлган муддатда Франция миллий тадқиқотлар марказида малака оширган. Хусусан, археологик тадқиқотларнинг замонавий усуллари бўйича маърузалар эшитган, Лувр музейи, Версал саройи экспонатлари билан танишган. Италия Республикасининг Неапол ва Болония университетлари таклифига кўра, 2014 йилнинг 23 январдан 6 февралгача бўлган муддатда Неапол ҳамда Болония шаҳарларида илмий сафарда бўлиб, малакасини ошириб келган. Помпей ва Геркуланум ёдгорликлари ва улардан топилган археологик материалларни ўрганган. 2014 йил 31 январдан 6 февралгача Болония университетлари ходимлари олиб борган археологик қазилмалар ва улардан топилган намуналар билан танишиб, археолог олимлар маърузасини тинглаган. ХХР нинг Шанхай шаҳрида 2017 йил 6-15 декабр бутунжаҳон археология форумида иштирок этган. Форум сув, жамият ва цивилизацияга бағишланган бўлиб унда 70 га яқин давлатдан 200 ортиқ археолог мутахассислар қатнашишган. Археологик форумининг 2-сессиясида

“Кофирқалъа - Самарқанд Суғдининг Буюк Ипак йўлидаги шахри” мавзусида маъруза билан чиқиш қилган.

Шунингдек, кафедрамизда жаҳоннинг соҳамиз бўйича етук мутахассислари билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган: Карл Шимчак Польша, Варшава университети, Археология институти, профессори; Андрей Кровашапкин Россия, Россия ФА, СО археология, этнология институти, т.ф.д., профессор; Воякин Дмитрий Алексеевич т.ф.д, археолог, Қозоғистон Археология институти МОН РК.; Элиз Луно тарих фанлари доктори, Германиянинг Археология институти Евроосиё бўлим илмий ходими; Владимир Иванович Ионесов, Россия, Самара маданият университетининг профессори; Екатерина Александровна Виноградова, Москва давлат университети, доценти; Уно Такао PhD, профессор, Тамоми Мураками Япония, Тезикуяма университетининг профессори; Хитой Республикаси Сьян университети билан илмий шартнома имзоланган; Италия Республикаси Болонья университети билан Самарқанд давлат университети археология кафедраси ўртасида (2021 йил) шартнома тузилган ва шу асосда тадқиқотлар олиб бориш режалаштирилган.

2021-2022 – ўқув йилида Италиянинг Болонья университети профессори Симоне Мантелини, Корея Республикасининг Донггук университети профессори Юн Мюн Чул, Москва давлат университети археология кафедраси доценти Е.А.Виноградова ҳамда Германиянинг Берлин университети профессори Алишер Бегматовлар соатбой асосида кафедрага ишга қабул қилинган. Шунингдек, кафедрада шартнома асосида Ёо Ин Йонг кичик илмий ходимликка тавсия этилиб, проф. Д.М.Жўракуловнинг илмий раҳбарлигида изланишлар олиб бормоқда. Кафедра магистрларига илмий раҳбарликка академик А.Асқаров (Низомий номидаги давлат педагогика университети), профессор Р.Х.Сулейманов (ЎЗМУ), фан доктори С.Раимкулов (ЎЗРФА миллий археология маркази) соатбой тўлов ҳисобидан жалб этилди.

Археология кафедрасида 2019 йилдан бошлаб таянч доктарантура институти учун жой ажратилган. 2019 йилда М.Т.Бердикулов ва 2020 йилда А.Назаров, 2021 йилда А.Каспаровлар кичик илмий ходимликка тавсия этилган. Ҳозирги кунда М.Бердикулов Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Қайнаркамар ва Тўда ёдгорликларида, А.Назаров Самарқанд шахри Самарқанд туманидаги Навбоғтепа ёдгорлигида тадқиқот олиб бормоқдалар. М.Бердикулов “Тўда неолит даври макони” мавзусидаги диссертациясини ёзди. А.Каспаров Бўстон-VI бронза даври ёдгорликлари материаллари асосида диссертацион тадқиқотни олиб бормоқда. Шунингдек, кафедра таянч докторанти А.Назаров Самарқанд шахри атрофида жойлашган Навбоғтепа ўрта асрлар ёдгорлигида археологик қазилма ишларини давом эттириб, Қорахонийлар даври моддий маданиятига мансуб топилмаларни қўлга киритди.

Кафедра Ватанимизнинг маданият тарихи, аждодларимиз томонидан яратилган бой маданий меросни жаҳон ҳамжамиятига тақдим этишда беқиёс ишларни амалга ошириб келмоқда. Республикамиз муҳтарам Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан моддий, маданий ва археологик мерос объектларини сақлаш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, уларни илмий ўрганиш, археологик тадқиқот ишларини такомиллаштириш борасида чиқарилган қатор қарорлари ижросини таъминлашда, Олий таълим соҳасида ҳукуратимиз томонидан чиқарилаётган қарорларнинг амалга ошишида, Республикамиз миқёсидаги маънавий-маърифий ва тарбиявий аҳамиятга молик бўлган барча тадбирлар бўйича кафедрамиз аъзолари баҳамжиҳатликда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Республикамиз оммавий ахборот воситаларида ўз мақолалари билан тинимсиз қатнашиб келишмоқда. Хусусан, “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг кўрсатувларида иштирок этишмоқда.

Кафедранинг ташкил топганлигига 50 йил тўлиши муносабати билан ушбу мақолада унинг фаолияти чизгиларига имконият даражасида бир назар солинди, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилишга ҳаракат қилинди. Шу аснода ўзларининг беминнат меҳнати туфайли кафедранинг шонли, ибратли йўлини яратилишига, илм-фани, таълимини ривожланишида ўзига хос мактаб яратган, муносиб ҳисса қўшган мураббий устозларимизни ёдга олиб, руҳларини шод этдик ва охирати обод бўлишини Аллоҳ марҳаматидан тилаб қоламиз. Айни кунда, кафедрада меҳнат қилаётган устозларимиз Нона Аванесова, Сагдулла Шариповларга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик истаган ҳолда бош бўлиб туришини, жамоани эса омонликда, аҳилликда таълим соҳасида хизмат қилишини, улкан илмий муваффақиятларга эришишини Аллоҳдан сўраб қоламиз.

*Abriyev R.B.,
SamDU tarix fakulteti dostenti*

O‘ZBEKISTONDA MADANIY MEROS OBYEKTLARINI SAQLASH, TA’MIRLASH VA QAYTA TIKLASH ISHLARI TARIXIDAN

O‘zbekiston hududida sug‘orma dehqonchilikka asoslangan o‘troq jamoalar madaniyati bronza davri taraqqiyotining so‘nggi bosqichlarida davlatchilik shakllarining yuzaga kelishiga imkon yaratgan. Ta’kidlash joizki, davlatchilikning tarixiy rivojlanishi urbanistik xarakterga ega bo‘lib, qadimgi davlatchilikning tadrijiy rivojlanish jarayoni shaharlar va shahar madaniyatining taraqqiyoti bilan chambarchas bog‘liq tarzda kechgan [1.272]. Bunda me’morchilik alohida o‘rin tutgan. Qadimda Markaziy Osiyoning diniy va madaniy-ma’rifiy o‘chog‘i hisoblangan O‘zbekiston boy me’moriy merosni namoyon etgan eng yirik shaharlari bilan boshqa hududlardan ajralib turgan.

Har qanday davlatning taraqqiyoti undagi shaharlar taraqqiyoti bilan uzviy bog‘liqdir. Yirik urbanistik markazlarni ajratib turuvchi jihat – monumental arxitektura inshootlarining ko‘plab qurilishi nafaqat yangilarining bunyod etilishi bilan, balki mavjudlarini saqlay bilishi va foydalanish uchun tayyorligi bilan ham bog‘liq. Demak, me‘moriy ta‘mirchilik ilmi va amaliyoti yurtimizda azaldan rivojlanib kelgan. Ammo bu ish har doim ham davlat e‘tiborida bo‘lmagan.

O‘zbekistonda mavjud me‘moriy yodgorliklarni ta‘mirlash va qayta tiklash masalasi davlat siyosati darajasiga ko‘tarilishi o‘rta asrlardan boshlangan, desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Ayniqsa, Amir Temur va temuriylar davriga kelib ta‘mirlash, obodonlashtirish hamda yangidan qurish amaliyoti rivojlandi. Chashmai Ayyub maqbarasi bu davrda yirik inshootlarni ta‘mirlash amaliyotining namunasi sifatida alohida o‘rin tutadi.

XII asr boshlarida Ayyub nomi bilan Buxoroning g‘arbiy qismida qurilgan maqbara Sohibqiron nazariga tushadi. 1379-yilda Amir Temur Xorazmni markaziy hokimiyatga bo‘ysundirganidan keyin Urganchdan mohir ustalarni Samarqand, Buxoroga taklif etib, ularga turli imoratlar qurishni buyuradi. Jumladan, Chashmai Ayyub ham ta‘mirlanib, uning ustki qismiga katta gumbaz quriladi. Kvadrat tarxdagi qabr devorida uning Amir Temur farmoyishi bilan 1379-yilda qurilgani haqida yozuv ham bor [2.24].

Umuman olganda, Amir Temur va temuriylar davrida nafaqat O‘zbekiston, balki butun O‘rta Osiyo o‘zining navbatdagi iqtisodiy, madaniy-ma‘rifiy yuksalish pallasiga kirgan. Ayniqsa, Zarafshon vohasi asrlar davomida rivojlanib kelayotgan me‘morchilik an‘analarini davom ettirib, temuriylar davlatining markaziy madaniy o‘choqlaridan biriga aylangan. Shunday qilib, Amir Temur va temuriylar davrini me‘moriy obidalarni muhofaza qilish hamda qurilish-ta‘mirlash ishlari ilk bor davlat siyosati darajasiga ko‘tarilgan davr sifatida e‘tirof etish mumkin.

XVI asrdan boshlab to XIX asr o‘rtalarigacha asosiy me‘moriy-qurilish, bunyodkorlik ishlari Buxoro, Samarqand, Karmana, Toshkent kabi katta shaharlar miqyosida amalga oshirildi. Hukmdor saroylari, diniy va fuqarolik inshootlari, bozorlar va boshqa inshootlar yanada rivojlantirildi. XVI-XVII asrlarda O‘rta Osiyoda qurilib, hozirgacha saqlanib qolgan me‘moriy majmualar butun dunyoga tanildi. Bular Samarqanddagi Registon maydoni majmuasi, Buxorodagi Minorai Kalon joylashgan Kalon maydoni va Labi hovuz majmuasi, Abdulazizxon madrasasi va boshqalar.

O‘rta Osiyo hududining Rossiya imperiyasi tomonidan bosib olinishi tarixiy-me‘moriy obidalarga bo‘lgan munosabatda, ularni saqlash, ta‘mirlash va konservatsiyalash jarayonida yangi bosqich hisoblanadi. Albatta, chor Rossiyasi hukumati, avvalambor, o‘zining iqtisodiy va siyosiy manfaatlari yuzasidan ushbu hududga nisbatan siyosat olib borganligini ta‘kidlab o‘tish kerak. O‘rta Osiyoning tarixi, arxeologiyasi va etnografiyasi bilan bir qatorda, me‘moriy obidalarni ilmiy asosda o‘rganish jarayonining ilk davri ham shu davrdan boshlanadi.

Ta'kidlash joizki, bu davrda mahalliy obidalarni ta'mirlash va saqlash ishlariga ularni ilmiy jihatdan o'rganishga qaraganda ancha kam e'tibor qaratilgan. Qolaversa, mutaxassislarining ma'lumotlariga ko'ra, XVIII asr hamda XIX asr boshida barpo etilgan obidalardan avvalroq qurilgan me'moriy obidalar, jumladan, Samarqanddagi bino va inshootlar o'ta ayanchli holatga tushib qolgan edi [2.15].

Bu davrga kelib ayrim tarixiy obidalarda ta'mirlash ishlari onda-sonda va oqlash-bo'yash (pardozlash)dangina iborat bo'lganligi, bu ishlarga, asosan, mahalliy ustalar jalb etilganligi haqida ma'lumotlar bor. Masalan, Shohizinda arxitektura majmuasida 2004 yilda keng miqyosda olib borilgan ta'mirlash ishlari jarayonida ushbu majmua tarkibiga kiruvchi ayrim maqbaralarda XIX asr oxirlarida olib borilgan ta'mirlash ishlarining qoldiqlari topildi. Jumladan, usta Ali Nasafiy maqbarasining tashqi devor va derazalari sifatsiz ta'mirlash natijasida yevropacha shakldagi g'ishtlar bilan to'ldirilgan, interyerlardagi pol ko'tarilgan. Bino bezagidagi barcha o'yimlar ganch qorishmasi bilan tekislangan [3.16-17]. Burundiq maqbarasining XXI asr boshidagi qiyofasi avvalgi asrlarda kiritilgan o'zgartish va qo'shimchalar tufayli deyarli o'zgarib ketganligi aniqlanadi. XIX asrning 70-yillarida olib borilgan ta'mirlash ishlari natijasida peshtoqning janubiy gul ustuni o'rniga kontrofors (g'isht tirgovuch) bilan mustahkamlangan, sakkiz qirrali deraza va janubiy devordagi eshik o'rni urib tashlangan, shuningdek, ichkaridagi pol eski holatidan balandroq ko'tarilgan [3.13].

Mutaxassislar tili bilan aytganda, XIX asr oxiri va XX asr boshida (avval davlat, keyinchalik turli jamiyatlar mablag'lari hisobidan) amalga oshirilgan ta'mirlash ishlari obidalar buzilishini oldini ololmagan. Bunda vaqt, zilzila va hatto odamlarning ham ta'siri sezilarli bo'lgan. Hatto o'sha davr hukumati harbiy-strategik «mulohazalar»dan kelib chiqib, ayrim binolarni buzib tashlagan ham. Masalan, 1883-yilda Samarqand qal'asini rekonstruksiya qilish maqsadida Qutbi Chaxar duxum yodgorligi portlatilgan [4.15]. Yoki Amir Temur tomonidan so'fiylar shayxi Nur ad-Din Basiraga atab qurdirilgan va ko'lami jihatidan Go'r Amirdan qolishmaydigan maqbara ham XIX asr oxirida ushbu «amaliyot» qurboni bo'lgan. Shayxning jasadi esa Hazrati Xizr masjidi yonidagi qabristonga ko'chirilgan [5.13]. O'sha vaqtda ushbu jarayonni to'xtatib qoladigan, nazorat qiladigan maxsus davlat organi ham tashkil etilmagan edi.

Saqlanib qolgan noyob madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish ishlari XX asr boshiga kelibgina davlat ixtiyoriga olindi. Ushbu obyektlar 1920-yildan boshlab tashkil qilina boshlagan yodgorliklarni muhofaza qiluvchi maxsus davlat organi tasarrufiga o'tkazila boshladi. Ushbu organ vazifasini dastlab Turkiston Respublikasining Arxiv ishlari bo'yicha markaziy boshqarmasi qoshida tashkil qililib, 1920-yil 30-yanvardan o'z faoliyatini boshlagan tarix va san'at yodgorliklarini muhofaza qiluvchi maxsus qo'mita vaqtincha bajargan edi. Turkrespublika rahbariyatining 1921-yil 23-maydagi maxsus Dekreti asosida Qo'mita mustaqil davlat organiga – muzeylar va yodgorliklar, san'at va tabiatni

muhofaza qilish ishlari bo'yicha Turkiston qo'mitasi (Turkomstaris)ga aylantirilgan [6.68].

Sobiq sovet hokimiyatining ma'muriy-hududiy masalada olib borgan siyosati ushbu qo'mitaning tashkiliy va tuzilmaviy faoliyatiga o'z ta'sirini o'tkazdi. Natijada O'rta Osiyo respublikalarining milliy chegaralanishidan keyin 1925-yildan boshlab ushbu tashkilot Turkomstaris yodgorliklar va tabiatni muhofaza qilish bo'yicha O'rta Osiyo qo'mitasi (Sredazkomstaris) nomini oldi. Qo'mita yangi tuzilgan O'rta Osiyo respublikalari va Qozog'istonda joylashgan yodgorliklarni muhofaza qilish, ulardan foydalanish va qayta ta'mirlash ishlariga mas'ul bo'ldi. 1929-yildan esa O'zbekiston SSR Markaziy ijroiya komiteti va Xalq Komissarlari sovetining № 501-sonli Qarori bilan Sredazkomstaris o'rniga Qadimiy yodgorliklarni muhofaza qilish bo'yicha O'zbekiston qo'mitasi sifatida qayta tuzildi (va Uzkomstarisga aylantirildi) [7.3].

Faoliyatining dastlabki davrida ushbu tashkilotning vazifalari doirasi keng bo'lmay, mamlakatimiz miqyosida arxeologik yodgorliklarni hisobga olishdan iborat bo'lgan. O'sha davrda mamlakat iqtisodiy ahvoli og'irligi hamda restovratsiya ishlariga doir qoidalar (normalar) tayyor emasligi tufayli yodgorliklarni muhofaza qilish organlari me'moriy yodgorliklar butunlay vayron bo'lishining oldini olishga qaratilgan zarur ta'mirlash ishlarini amalga oshirish bilan cheklangan. Bu davrda yodgorliklarning restovratsiyasi va konservatsiyasi bilan bog'liq ishlab chiqarishning ilmiy asosini yaratish haqidagi masala endigina ko'tarila boshlagan edi. Shunday bo'lsa-da, o'sha murakkab siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlarda yodgorliklarni restovratsiya va konservatsiya qilish bo'yicha ilmiy metodikaning nazariy poydevori yaratildi. Bu nazariyalar mutaxassislarining ko'p yillik kuzatishlari va amaliy tajribalari asosida o'sha vaqtda e'lon qilingan ilmiy ishlarda o'z ifodasini topdi [8; 9].

Ikkinchi jahon urushi yillariga kelib O'zbekistonda faoliyat olib borgan me'moriy yodgorliklarni muhofaza qiluvchi davlat organi uchun tashkiliy va tuzilmaviy o'zgarishlarning yangi bosqichi boshlandi. 1943-yilda Uzkomstaris tashkiloti bekor qilinib, O'zSSR Xalq Komissarlari Soveti qoshida Me'morchilik ishlari bo'yicha boshqarma tuzildi, boshqarma qoshida esa Me'moriy yodgorliklarni muhofaza qilish bo'limi faoliyat ko'rsata boshladi. Keyingi amaliyotning dalolat berishicha, ushbu tarkibiy o'zgarish ko'plab tarixiy yodgorliklar yo'q bo'lib ketishiga olib keldi. Buning boisi shundaki, arxitektura ishlari qo'mitasi o'zining asosiy faoliyat yo'nalishidan kelib chiqqan holda mamlakat shahar va qishloqlarida, asosan, uy-joy va boshqa ijtimoiy-iqtisodiy obyektlarni qurish ishlariga e'tibor qaratdi. O'tgan asrning 50-60-yillarida qo'mitaning markazdagi rahbar tashkilotlari tomonidan ishlab chiqilgan bosh loyihalarda tarixiy shaharlarda ham yangi binolar qurilishi nazarda tutilgan, ammo ushbu amaliyotni aholining an'anaviy yashash manzillarida amalga oshirish ko'zda tutilgan edi [10.36]. Vujudga kelgan vaziyat respublikada madaniy yodgorliklarni saqlash bilan bog'liq tashkilotlar faoliyatida islohot qilishni taqozo etgan. Shu bois respublikamizning bir qator jonkuyar ziyolilari tashabbusi bilan

1957-yil 30-avgustda O‘zbekiston Respublikasi hukumatining 557-sonli qarori bilan Moddiy madaniyat yodgorliklarini muhofaza qilish komiteti tashkil etildi [13]. Komitet qoshida kengash tuzilib, uning tarkibiga Y.G‘ulomov, M.Masson, T.Qori-Niyoziy, G.Pugachenkova kabi soha mutaxassislari kiritildi. Kengash qisqa vaqt faoliyat olib borishiga qaramay (1957-1961-yillar), uning yordamida O‘zbekistondagi mavjud tarixiy va madaniy yodgorliklarning ko‘pchiligida ma’lum tarkibiy qismini saqlab qolish, ayrimlarida esa ta’mirlash ishlarini rivojlantirish, ularni ilmiy o‘rganish, respublikada restovratorlar maktabi ishini yanada jonlantirish borasida keng ko‘lamli ishlar amalga oshirildi.

Davlat muhofazasiga olish, ta’mirlash va konservatsiyalash ishlari ko‘lamining ortib borishi yagona boshqaruv organi tashkil etilishini taqozo etdi. Shu maqsadda, 1979-yil 24-fevraldan O‘zbekistonda madaniy yodgorliklarni muhofaza qiluvchi davlat tizimi – O‘zbekiston SSR KP Markaziy komiteti va O‘zbekiston SSR Ministrlar Sovetining 149-son Qarori bilan Madaniyat yodgorliklarini muhofaza qilish bosh ilmiy ishlab chiqarish boshqarmasi (GlavNPU) tuzildi.

Ammo sobiq Ittifoq davrida qo‘lga kiritilgan ijobiy yutuqlarga nisbatan ijtimoiy hayotning barcha jabhalarida, shu jumladan, madaniy merosga bo‘lgan g‘oyaviy-mafkuraviy yondashuvning zararli ta’siri ko‘proq sezildi. Minglab tarixiy obidalar «revolyutsion» o‘zgarishlar ta’sirida buzib tashlandi, qolganlarining aksariyati esa tahqirlandi, madaniy merosligi inobatga olinmadi, ulardan xo‘jalik maqsadlarida foydalanish ommalashdi.

O‘zbekiston Respublikasi istiqbolga erishgan dastlabki kunlardan boshlab, ijtimoiy hayotning barcha jabhalarida bo‘lgani kabi, madaniyat yodgorliklariga ham munosabat tubdan o‘zgardi. Birinchidan, mamlakatimizda milliy o‘zlikni anglash, tarixiy haqiqat va adolatni tiklash yo‘lida cheksiz imkoniyatlar tug‘ildi. Ikkinchidan, ijtimoiy-siyosiy tafakkurning sovet mafkurasi va uning g‘oyaviy qoliplaridan xalos etilishi, oshkoralik va hurfikrlilik tufayli ilgari soxtalashtirib kelingan tarixni tiklash, uni haqqoniy va xolisona yoritish uchun katta imkoniyatlar yaratildi. Uchinchidan, tarixiy haqiqatni tiklash va uni xalqqa yetkazish davlat siyosati darajasiga ko‘tarildi hamda bu borada ulkan ishlarni amalga oshirishga kirishildi.

Adabiyotlar

1. Buyuk va muqaddas mustaqil diyor (O‘zbekiston mustaqilligining 20 yilligiga bag‘ishlangan albom, o‘zb., rus va ingliz tillarida) / R. Abdullayev, U. Abdurasulov, D. Alimova, R. Nazarov, M. Rahimov, Sh. Rahmatullayev. Toshkent, 2011.
2. Qosimov F.H. Temuriylar davrida Buxoroda madaniy hayot // Iz istorii kulturnogo naslediya Buxari. Vip. 7. Buxara: Buxoro, 2001.
3. Arapov A.R. Pamyatniki srednevekovoy arxitekturi Samarkanda kak yavleniye sovremennoy kulturi // Arxitektura i stroitelstvo Uzbekistana. 2005. № 1.
4. Shishkin V.A. K istorii izucheniya Samarkanda i yego okrestnostey // Afrasiab. - Tashkent: Fan, 1969.

5. Mironov A.M. Organizatsionnaya, nauchnaya i prakticheskaya deyatelnost Sredazkomstarisa (bivsh. Turkomstarisa) za pyatiletiye yego sushyestvovaniya // Izvestiya Sredneaziatskogo Komiteta. Izd. Sredazkomstarisa. -Tashkent, 1926.

6. Nechkin D.I. Zadachi i blijayshiye seli Komiteta po delam muzeyev i oxrani pamyatnikov starini, iskusstva i prirodi v Sredney Azii // Izvestiya Sredneaziatskogo Komiteta. Izd. Sredazkomstarisa. -Tashkent, 1926.

7. Kryukov K.S. Organizatsionniye formi oxrani i restavrasii pamyatnikov arxitekturi Uzbekistana (1920-1990 gg.) // Stroitelstvo i arxitektura Uzbekistana. 1990. № 8.

8. Sidorenko V. Kak oxranyali pamyatniki Buxarskoy starini v nedalekom sovetskom proshlom // <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1296021300>.

9. Masson M.Y. Padayushiy minaret. Tashkent: Uzbekistan, 1968.

Абдуллаев Б.М.,

Самарқанд Археология институту

ҚАДИМ ФАРҒОНА МАРКАЗЛАШГАН (ДАВАН)

ДАВЛАТИ АСОСЧИЛАРИ

Дунё бўйича, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик унсурларининг шаклланиши нафақат қадимги деҳқончилик маданиятларига, балки кўчманчи маданиятларининг улар билан яқин қўшничилик алоқалари тараққиётига бориб тақалади. Бу воқелик натижасида кўплаб цивилизация марказларида кўчманчилар раҳнамолигида турли ҳаёт тарзини мақбул кўрган қабилалардан иборат ўзига хос сиёсий-иқтисодий бирикмалар ҳосил бўлган. Маълумки, мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи ярмида ҳудудий давлатлар ривожланиши йўлида бутун Марказий Осиё миқёсида ўзига хос «конфедерациялар» мавжуд бўлиб, улар ўзида кўчманчи ва ўтроқ маданиятлар дунёсини бирлаштирган. Тадқиқотчилар буни Марказий Осиё ўтроқ ва кўчманчи халқларнинг Аҳамонийлар ва ундан кейин юнон-македон истилочиларига қарши олиб борган шиддатли курашига изоҳ сифатида кўрадилар [1. С. 52]. Бироқ бошқа тадқиқотчининг фикрича, айнан шу даврдан бошлаб «ўтроқ-зираотчи» ва «ярим кўчманчи (чорвадор)»лар орасида симбиоз муносабатлари қайд этилган [2. С. 22]. Шу билан бирга, Фарғона водийси қадимияти учун, ёзма ва археологик манбаларга кўра, Хитой манбаларида келтирилган Даван давлати дастлаб ярим кўчманчи Қанғ ва кейинчалик Кушон давлатлари билан иттифоқда яшаб келган [3. С. 55; 4. С. 184]. Шунингдек, бир қатор тадқиқотчилар назарий хулосаларига кўра, бу каби ўтроқ ва кўчманчи қабилаларнинг ўзаро алоқалари сўнгги бронза даврида шаклланиб, сўнгги ўрта асрларгача равнақ топган [5. С. 231; 6. С. 93-94; 7. С. 96; 8. С. 101; 9. С. 72-74, рис. 1, 5-6, 8-9; 10. С. 185-189].

Фарғона водийсида давлатчиликнинг илк унсурлари Чўст маданияти даври (мил. авв. XIV 2-ярми – VII асрлар)да шакллана бошлаган [11. С. 17]. Гарчи айрим тадқиқотчилар у ёки бу кўринишда «марказий пойтахт» мақомидаги (Далварзин) шахрига эга Чўст маданиятида давлатчилик мавжуд бўлган деб тахмин қилсалар-да, бу масалада ушбу маданиятни илмий муомалага киритган қадимшунос таъкидлаб ўтган «ижтимоий

стратификация» ёки «шаклланаётган шаҳар марказлари»дан [11. С. 18] мақбулроқ бошқа нарса ҳали ўз илмий асосига эга эмас. Қадим аждодларимиз томонидан шундай маданиятимизга қўйилган тамал тоши ўз камолотини Даван давлати даврида, яъни Хитой солномаларида қайд қилинган мил. авв. II – милодий V асрларда топган, десак муболаға бўлмайди. Ваҳоланки, айрим олдинги тадқиқотлар ҳамда охириги археологик изланишлар натижаларига кўра, бу давлатчиликнинг илк шаклланиш даври мил. авв. I минг йиллик ўрталарида бошланганлиги ҳақида хулосалар келтирилган бўлиб, бу маълумотлар янги дала тадқиқотлари натижасида ўз тасдиғини топмоқда [12. С. 31-33; 2. С. 21-22; 13. Б. 33; 14. С. 27; 15. С. 116]. Бу давлат, бир тадқиқотчининг ибораси билан айтганда, Хитой солномаларида келтирилган ҳокимият тизими Қадим Фарғона давлати деб аталган бўлиб, «Даван» ибораси – минтақа давлати номини хитойча таржимаси эди [16. Б. 77, 124, 127-130; 17. С. 92]. Таъкидлаш лозимки, биздан олдинги ва ҳозирги фарғонашуносларини «водийдаги илк марказлашган давлатчилик шаклланиши ҳамда равнақ топишида кўчманчилар бошқарув тизгинларини ўзларида сақлаганлар» [8. С. 102], деган ғоя бирлаштирган. Тадқиқот натижаларимизга кўра, минтақа илк темир даврига оид марказлашган давлатчилиги айнан кўчманчи Эйлтон ва зироаткор Шўрабошот маданиятлари орасидаги симбиоз¹ натижасида пайдо бўлган. Келтирилган биринчи маданият кўчманчилар тоифасидан эканлигини айрим олдинги тадқиқотчилар хулосалари [18. С. 92, 94; 5. С. 256; 3. С. 53-54] ва бизнинг охириги тадқиқот натижаларимиз [19. В. 3-11] кўрсатмоқда. Зеро, Қадим Шарқ [20. Р. 408] ва, хусусан, Фарғона водийсида (Чўст ва Қайроққум маданиятлари) кўчманчи ҳамда зироаткор маданиятлари бир вақтда параллел мавжуд бўлган. Бироқ минтақада мил. авв. I минг йиллик ўрталарида илк марказлашган давлатининг шаклланишидан олдин Эйлтон ва Шўрабошот маданиятлари орасида нафақат маданий алоқалар ривож топганлиги, балки улар орасида қавм-қариндошлик ришталари ҳам ўрнатилганлигига ишора қилмоқда [21. С. 42; 22. С. 11]. Бу каби жараёнлар гарчи икки тарафлама манфаатли кўринса-да, фикримизча, уларнинг ташаббускори Эйлтон маданияти зодагонлари бўлиши керак.

Албатта, бу каби хулосаларнинг замирида кўчманчиларнинг тезкор ҳаракат қила олиши туфайли катта масофаларни қисқа муддатда босиб ўтиши ҳамда тоғлик, адирликлар ва пасттекисликларда кўчиб юриши сабабли водийнинг деярли барча паст-текисликларини, дарёлардаги кечувларни билиши, тоғ сўқмоқларидаги айланма ва қисқа йўллардан хабардорлиги ётарди. Табиий кенгликлар миқёсида мушоҳада қила олиш ҳамда тасарруфида мобил суворий жангчиларнинг мавжудлиги кўчманчи маданият раҳномаларига катта ҳарбий қудрат бағишлаган. Бу борада

¹ Симбиоз – этник гуруҳлар бирикмаси бўлиб, бунда ҳар бири ўз экологик ўрни ва худудини ҳамда этник ўзлигини тўла сақлаб қолади, шунингдек, улар ўзаро таъсир этиб, бир-бирини бойитади.

қадимги зироатчилар имкониятлари пастроқ бўлган. Гарчи улар зироатчилик, ҳунармандчилик ва хонаки чорвачилик соҳаларида меҳнатни такомиллаштирувчи ҳамда ҳосилдорлик ва ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантиришга қаратилган бир қатор кашфиётлар қила олган бўлсаларда, ушбу жараёнларни бошқариш манзилгоҳ, нари борса, воҳа миқёсида амалга оширилиши мумкин эди, холос.

Юқорида келтирилган маълумот ва ишчи назариялар илк темир ва илк антик даврларда минтақадаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга бевосита таъсир кўрсатган. Келтирилган ўтмиш воқеликларига асосланиб, Эйлатон маданияти зодагонларини Фарғона водийсининг ўтроқ аҳолисига нисбатан «ҳоким» ва Шўрабошот маданияти зодагонларини кўчманчи ҳукмрон доираларига қиёсан «фуқаро» дейиш ўринли бўларди. Бироқ минтақа қадимиятининг бу каби муаммоли жиҳатлари алоҳида ўрганилиши лозим. Кўчманчи ва зироаткор маданиятлари орасидаги бу каби муносабатлар янги тадқиқотлар натижасида илмий жамоатчиликка етказилмоқда [23. Б. 12].

Шундай бўлса-да, водийда марказлашган давлатнинг илк темир даврида шаклланиши қадимги жамият ҳаётида кескин бурилиш ясалишига олиб келди. Айнан шу вақт мобайнида шаҳарсозлик водийнинг шарқидан ғарбига қараб юксак тараққиётга эришиб, ҳунармандчиликнинг барча соҳасида катта ютуқлар қўлга киритилган. Бу жараёнлар марказлашган ҳокимият раҳнамолигида сунъий суғориш иншоотларининг жадал равишда бунёд этилиши асосида шаклланган. Ваҳоланки, Қадим Фарғона давлатининг иқтисодий юксалиши ҳам унинг музофотида қарашли кенг қўламдаги ҳудудларни сунъий суғориш иншоотлари билан таъминланганлиги билан боғлиқ [24. С. 161]. Таъкидлаб ўтиш лозимки, Андижонсой ва Шахрихонсой юқори қисмларининг қурилиши, тўртламчи давр геолог мутахассисларининг фикрича, бундан 3000 йил аввал бошланган [25. С. 74], бироқ бу улкан сунъий каналларнинг асосий қисми босқичма-босқич кейинги даврларда ниҳоясига етказилган.

Тарихан маълумки, дастлабки ирригацион иншоот бўлмиш қадимги сойлар водийнинг шарқий ҳудудларида деҳқончилик майдонларини кенгайтириш мақсадида азалдан мавжуд бўлган булоқлар ўзанларини бирлаштириш натижасида юзага келган. Қадим аждодларимиз бундай махсус тўғонлар воситасида дарё ва сой сувларини ўз иродасига бўйсундириб, қадимда сувсиз ётган ерларга ҳам уруғ қадаб деҳқончиликдан катта ҳосил олиш баробарида деярли водийнинг барча ҳудудларини ўзлаштиришнинг уддасидан чиқишган. Шунини таъкидлаш зарурки, суғорма деҳқончиликнинг қон томири бўлмиш каналларнинг аксарияти дастлаб водийнинг шарқий қисмида ва сўнгги антик даврдан эса унинг ғарбий қисмида бунёд этилган [26. С. 150-154; 15. С. 116-117].

Қўштепа-2 ва Хонобод-2 каби ёдгорликлар мил. авв. I минг йиллик ўрталарида Фарғона водийсидаги Андижонсой, Шахрихонсой, Савайариқ, Ўзганариқ, Қорасув ва бошқа сунъий суғориш тизимларининг бунёд

этилиши жараёнлари натижасида қад кўтарган. Тадқиқотларга кўра, ирригацион каналларнинг қурилиши кенг кўламда дастлаб асосан Шўрабошот маданиятига тегишли ёдгорликлар жойлашган водийнинг шарқий ҳудудларида олиб борилган ва бу ҳолат Эйлтон маданияти ҳукмрон доиралари бутун водий халқларини ўз измига бўйсундирганидан сўнг амалга оширилган. Қайсидир маънода, гарчи сунъий сув иншоотлари қадимги зироаткорлар томонидан бир қатор булоқ ва дарёчалар ҳавзасида кашф этилган бўлса-да, уларни давлат миқёсида ва кенг кўламда олиб борилиши, бизнинг фикримизча, кўчманчилар ташкил этган марказлашган давлат раҳнамолигига тегишлилиги ҳақиқатга яқинроқдир. Зеро, биринчидан, юқорида келтирилганидек, минтақанинг кўчманчи қабила зодагонлари давлат музофотларининг ғарбида қўшничилик қилган ва ўз даврининг йирик давлатлари билан иттифоқдош бўлганлар. Иккинчидан, кўчманчилар ўзларининг ҳаёт тарзи ҳамда ҳукмронлик масъулиятига кўра зироаткорлардан кенгроқ дунёқарашга эга бўлган ва оқибатда мамлакат миқёсида мушоҳада қилганлар. Агарда зироаткорлар уруғ ва қабила кўламида сув иншоотлари ва улар бўйида манзилгоҳлар барпо этган бўлса, ҳокимият тепасидаги кўчманчи зодагонлар бу каби бунёдкорлик ишларини давлат миқёсида юритганлар.

Адабиётлар

1. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII в. до н.э. – VII в. н.э. / Отв. ред. Э.В.Ртвеладзе. -Ташкент: «Фан», 2000.
2. Заднепровский Ю.А. Спорные вопросы истории культуры древней Ферганы // КСИА. Вып. 199. -Москва: «Наука», 1993.
3. Литвинский Б.А. Проблемы этнической истории древней и раннесредневековой Ферганы // История и культура народов Средней Азии. Под ред. Б.Г.Гафурова и Б.А.Литвинского. -Москва: «Наука», 1976.
4. Кошеленко Г.А. Греческий полис на эллинистическом Востоке. -Москва: «Наука», 1979.
5. Литвинский Б.А. Памятники эпохи бронзы и раннего железа Кайрак-Кумов // Древности Кайрак-Кумов / Отв. ред. Д.Е.Хайтун. Труды АН Таджикской ССР. Том. XXXIII. –Д., 1962.
6. Кузмина Е.Е. Металлические изделия энеолита и бронзового века в Средней Азии // САИ. Вып. 4-9. -Москва: «Наука», 1966.
7. Салтовская Е.Д. О погребениях скотоводов в северо-западной Ферганае // КСИА. Вып. 154. -Москва: «Наука», 1978.
8. Горбунова Н.Г. Некоторые особенности формирования древних культур Ферганы // АСГЭ. Вып. 25. -Ленинград: «Гос. Эрмитаж», 1984.
9. Аскарлов А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа / Отв. ред. Ю.А.Заднепровский. -Ташкент: «Фан», 1979.
10. Аскарлов А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи / Мух. А.Бобониёзов. -Тошкент: «O‘zbekiston», 2015.
11. Заднепровский Ю.А. Типология и динамика развития городских поселений древней Ферганы // ТД. конф. «Древний город Средней Азии» / АН СССР; Институт археологии; Научный совет по археологии Средней Азии и Казахстана. –Л., 1973.

12. Заднепровский Ю.А. Раннежелезный век Ферганы и проблема возникновения Даваньского государства // Тр. междунар. сим-ма «Раннежелезный век Средней Азии и Индии». -Ашхабад: Илм, 1984.
13. Асқаров А.А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари // ЎИФ. - Тошкент: Фан, 1994.
14. Матбабаев Б.Х. Древнеферганское государство Давань // Очерки по истории государственности Узбекистана. –Т.: Шарк, 2001.
15. Абдуллаев Б.М. Урабанизационные процессы античной Ферганы // История и археология Турана. Под ред. А.Э.Бердимуратова. -Самарканд, 2017. № 3.
16. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. -Фарғона: “Фарғона”, 2013.
17. Абдуллаев Б.М. Некоторые замечания по проблеме древнеферганского государства и его столицы // Бюллетень МИЦАИ. Вып. 30. -Самарканд, 2020.
18. Литвинский Б.А. Саки, которые за Согдом // Труды АН Таджикской ССР. Том. СХХ. -Душанбе, 1960.
19. Abdullayev B.M. Eylaton madaniyati // Section 1: Archeology and Ethnology of the Fergana Valley / International scientific-peer-reviewed online conference: “The history of the Fergana Valley in new researches”. Published by Research Support Center. May 18, 2021.
20. Briant P. 1982. État et pasteurs au Moyen-Orient ancien. (Production pastorale et société.) [iv], Paris: Éditions de la Maison des Sciences et de l’Homme. -Cambridge: Cambridge University Press, 1982.
21. Абдуллаев Б.М. Некоторые итоги раскопок 2014-2015 гг. на памятнике Коштепа-2 // Археология Узбекистана. 2016. № 1.
22. Абдуллаев Б.М. К проблеме последовательного или параллельного существования культур Ферганы эпохи раннего железа и античности // Бюллетень МИЦАИ. Вып. 27. -Самарканд, 2018.
23. Максудов Ф.А. Ўрта асрларда тоғли Уструшона кўчманчи маданиятлари // Тарих фан. док. (DSc) дисс. афтореф. -Тошкент, 2020.
24. Абдулгазиева Б. Восточная Фергана в древности и раннем средневековье // Дисс. ... канд. ист. наук. -Самарканд, 1988.
25. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. Вып. 118. -Москва-Ленинград: «Наука», 1962.
26. Береналиев О.Б. Следы древней ирригации Киргизии // Страницы истории и материальной культуры Киргизстана. Фрунзе: АН Кирг.ССР, 1975.

*Асланов А.,
СамДУ археология
кафедраси ассистенти*

МАРКАЗИЙ СУҒДНИНГ АБГАР РУСТОҚИ ВА ЗАРМАН ҚИШЛОҚЛАРИ ЛОКАЛИЗАЦИЯСИ ХУСУСИДА

Марказий Суғдда IX-XII асрларда мавжуд бўлган рустоқлар хусусида ўрта аср мусулмон муаррихларида кўплаб маълумотлар учрайди. Ушбу тарихий-географик асарларда рустоқларнинг табиий-географик шароитлари, жойлашув ўрни ва ижтимоий-иқтисодий жабҳаларига оид маълумотларда учрайди.

X-XII аср шарқ манбаларида маълум бир ҳудуд ёки ўлканинг тарихий чегараларини белгилашда маълум бир мезонларга амал қилинган. Тарихий географик асар саналадиган Ҳудуд ул-Оламда ноҳиялар тўртта ўзига хос

хусусияти билан бир-биридан фарқ қилиши кўрсатиб ўтилган, улар қуйидагилардан иборат: биринчиси, табиати, яъни об-ҳавоси, ер юзасининг шакли ва иклими; иккинчиси, динлари, шариатлари ва удумлари; учинчиси, тили; тўртинчиси, подшоҳликлари, яъни сиёсий-маъмурий чегараси¹.

Мусулмон манбаларида Самарқанд Суғдида ўндан ортиқ рустоқлар ва жуда кўплаб катта-кичик шаҳар ва кентлар тилга олинган. Шулардан бири Абғар рустоқи ва Зарман шаҳридир.

Абғар. Ал-Истахрий асарида Абғар рустоқ сифатида тилга олиниб, унинг қишлоқлари Самарқанд рустоқларидагидан кўп бўлганлиги қайд этилган². Ибн Ҳавқал эса “*Абғар аҳолисининг асосий бойлиги чорва бўлиб, бу ерда оқар сув йўқ. Абғар рустоқининг узунлиги тахминан икки кунлик йўлни ташкил этади. Айрим ҳолларда бир қишлоққа қарашли ерлар икки ва ундан ортиқ фарсахни ташкил этади. Айтишларича, агар Абғарнинг ҳосили нобуд бўлмай бутун қолса, унинг ўзи Суғдга етарли бўлади*”, деб зикр этади³. Ас-Самъоний асарида Абғар таркибида бир неча қишлоқлар мавжуд бўлганлиги қайд этилиб, улардан фақат Самарқанддан 5 фарсах узоқликда жойлашган Харъун ва Тахсижа номли қишлоқлар эслатиб ўтилган⁴. Ал-Мукқаддасий “*Абғарнинг қишлоқлари кўп. Унинг ерлари кўпинча ёмғир суви билан сугорилади. Агар ҳосил яхши бўлса, бутун Суғдни икки йил боқishiни*” қайд этади⁵.

Абғар номи қадимги эрончада *ира (abi) – gari* “*тоғ усти*” сўзидан ясалган бўлиб, В.В.Бартольднинг қайд этишича, Абғар XX асрда Чашмаоб деб номланган⁶.

Манбаларда зикр этилган Абғар рустоқини ҳозирги Нуробод тумани ҳудудига жойлаштириш мумкин. Бу ҳудудлар кейинги йилларда Ўзбекистон-Италия қўшма экспедицияси томонидан тадқиқ этилди ва бу ердаги археологик ёдгорликлар ҳисобга олинди⁷. Археологик қидирув ишлари натижасида аниқланишича, Абғар рустоқи ҳудудида қишлоқлар аҳамонийлар давридан бошлаб шаклланган ҳамда антик ва илк ўрта асрларга келиб, уларнинг сони янада ортган. Абғар қишлоқлари Зарафшон тоғ тизмаларидан мавсумий оқиб келувчи Охаликсой, Миронкулсой, Сазағонсой, Оқсой, Саригилсой, Анжирлисой каби сойлардан сув ичганлар. Кейинчалик, бу ҳудуд орқали Дарғом каналидан чиқарилган ва Насафгача етиб борган Эски Анҳор ариғи ковланган.

¹ Худуд ул-олам (Мовароунаҳр тавсифи).Т.,2008. Б.11.

² Истахрий. Китоб ал-масолик вал-мамолик (йўллар ва ўлкалар китоби) / Араб тилидан ўзбек тилига Р.Т.Худайбергенов таржимаси. - Тошкент, 2019. - Б. 163.

³ Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал – ард / Араб тилидан ўзбек тилига Ш.С. Камолитдин таржимаси. – Тошкент, 2011. Б. 62

⁴ Ас-Самъани. Китаб ал-ансаб. Важный источник по истории и истории культуры Средней Азии / Шамсиддин Камолитдин. LAP LAMBERT Academic Publishing RU, 2018. – С. 212.

⁵ El-Makdisi'nin. El-Makdisi'nin Ahsenü't-Tekâsim fi Ma'rifeti'l // Ekâlim isimli eserinin değerlendirilmesi ve Türkçe tercemesi, Fatih Sultan Mehmet. Istanbul, 2018. S. 236.

⁶ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. Т. I. – М., 1963. – С. 144.

⁷ Бердимуродов А.Э., Суюнов С.С., Сориев Х.Я. Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 1-том. Самарқанд вилояти, 2-кисм. Нуробод тумани. Самарқанд, 2015.

Абгар рустоқининг марказий шаҳри Жом қишлоғи худудидаги Каттатепа ўрнида бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Мазкур ёдгорлик Самарқанддан Кеш, Термиз ва Насафга кетадиган йирик савдо йўллари устида жойлашган йирик шаҳардир. Ҳозирги кунларгача Каттатепанинг арки тўлалигича, шахристоннинг эса кичик бир қисми сақланиб қолган. Шаҳарнинг қолган қисмлари замонавий уй-жойлар қурилиши муносабати билан бузилиб кетган.

Зарман қишлоғи. Ас-Самъоний ва Ёқут Ҳамавий асарларида Зарман Самарқанддан 7 фарсах узоқликда жойлашганлиги қайд этилган бўлса¹, Ибн Хурдодбех эса бу қишлоқ Самарқанддан 10 фарсах узоқликда жойлашганлигини ҳамда Арбинжон билан унинг ўртасидаги масофа 5 фарсах бўлганлигини қайд этади². «Худуд ул-олам (Мовароуннаҳр таснифи)» асарида Зарман Армон тарзда учрайди ҳамда бу қишлоқ Кушонийга қарашли бўлган³. Шу ўринда, ат-Табарийнинг маълумотида кўра, Хуросон ноибни бўлган ал-Жунайд бошчилигидаги араблар 731 йилда Самарқандни қамал қилган. Натижада, Зарман қишлоғида турк хоқони арабларга қарши ҳужум қилганлиги ҳамда бу жангда Шош ҳукмдори ва турк хоқонининг укасини асирга олинганлиги ҳақида маълумотлар бор⁴. Ан-Наршахий ўзининг Бухоро тарихи асарида “*Амир Исмоил бемор бўлиб, бир қанча вақт ётди. Табиблар унга Жўйи мулиённинг ҳавоси хушироқ дедилар. Уни ўзининг хос мулкидан бўлган Зармон қишлоғига олиб бордилар ва бу ернинг ҳавоси унга мувофиқроқ келди. Амир бу қишлоқни яхши кўрар ва ов қилиш учун ҳамма вақт ўша ерга борар эди; у ерга боғ қурган эди. Бир муддат у ерда бемор ётиб, охири икки юз тўқсон бешинчи йили сафар ойининг ўн бешинчисида (25 ноябрь 907) худди шу боғда катта бир дарахт тағида вафот этди*” деб маълумот беради⁵. Хўжа Ахрор Валийга тегишли бўлган вақф ҳужжатида Зарман қишлоғи Қорадарёнинг чап томонида жойлашганлиги ҳақидаги маълумотлар бор⁶.

Ш.Камолитдинов Зарман қишлоғини Жомбой худудида бўлганлигини зикр этган⁷. Аммо В.В.Бартольд мавжуд манбаларнинг илмий таҳлили асосида манбаларда қайд этилган Зарман қишлоғининг ўрни ҳозирги

¹ Ас-Самъани. Китаб ал-ансаб. Важный источник по истории и истории культуры Средней Азии / Шамсиддин Камолитдин. LAP LAMBERT Academic Publishing RU, 2018. – С. 210.

² Ибн Хурдодбех. Книга путей и стран / Перевод с арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Н. Велихановой. - Баку: Элм, 1986. - С. 64

³ Худуд ул-олам (Мовароуннаҳр тавсифи) / Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи О. Бўриев. – Тошкент, 2008. –Б. 12.

⁴ Ат-Табари. История ат-Табари. Избранные отрывки / Пер. с араб. В.И. Беляева. Дополнения к переводу О.Г. Большакова и А.Б. Халидомирова. – Ташкент, 1987. - С. 164.

⁵ Ан-Наршахий Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / Фарс тилидан ўзбек тилига А. Расулов таржимаси. – Тошкент, 1991. –Б. 159.

⁶ Чехович О.Д. Самаркандские документы XV-XVI вв. (О владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистане). – М., 1974.

⁷ Ас-Самъани. Китаб ал-ансаб. Важный источник по истории и истории культуры Средней Азии / Шамсиддин Камолитдин. LAP LAMBERT Academic Publishing RU, 2018. – С. 215.

Чимбой қишлоғида жойлашганлигини қайд этади¹. Бизнинг тадқиқотимизнинг кўрсатишича, Зарман шаҳрининг харобалари Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Чимбой қишлоғидан 1-1,5 км шимол томонда, Қорадарёнинг чап соҳилида йирик ўрта аср ёдгорлиги Чимбойтепа (Қоравултепа) бўлиши эҳтимолга яқин.

Бизнинг фикримизча, ёзма манбалар маълумотларига ҳар томонлама тўғри келадиган, тарихчилар ва сайёҳлар назарига тушиши мумкин бўлган йирик қишлоқ ёки шаҳарча Зармон шаҳрининг харобалари Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Чимбой қишлоғидан 1-1,5 км шимол томонда Қорадарёнинг чап соҳилида йирик ўрта аср ёдгорлиги Чимбойтепа (Қоравултепа) бўлиши эҳтимолга яқин.

Ёдгорлик ҳозирда арк ва шаҳристондан иборат бўлса-да, унинг шимоли-шарқий томонида ундан 150-160 м масофада жойлашган кичик тепалик атрофлари, шаҳристондан жануб томондаги сопол буюмлар тез-тез учраб турадиган майдонларда шаҳар рабоди фаолият кўрсатган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бу жойлар ҳозирда экин майдонларига, бир қисми эса қабристонга айлантирилган. Шаҳристоннинг майдони ҳозирда 370x270 м (10,5 га) бўлиб унинг шимоли-ғарбий қисмида томонлари 230x116 м бўлган арк жойлашган. Шаҳристон ва аркнинг шимолий қисми, тахминан, 2-2,5 га майдонни дарё ювиб кетган. Агар шаҳристон ва аркнинг дарё ювиб кетган қисмларини ва шаҳристон атрофидаги экин майдонларига айлантирилган ҳудудларни қўшиб ҳисоблаганда шаҳарнинг майдони 18-20 гектар атрофида бўлганлигини тахмин қилиш мумкин.

Юқорида номлари тилга олинган рустоғи ва Зарман қишлоқлари Марказий Суғднинг муҳим аҳоли марказларидан ҳисобланган. Археологик ва ёзма манбалар таҳлили Абғар рустоғини ҳозирги Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳудудига жойлаштириш мумкин.

Тадқиқодларимизга кўра, Зарман шаҳрининг харобалари Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Чимбой қишлоғидан 1-1,5 км шимол томонда, Қорадарёнинг чап соҳилида йирик ўрта аср ёдгорлиги Чимбойтепа (Қоравултепа) ўрнида бўлиши эҳтимолга яқин.

Адабиётлар

1. Ас-Самъани. Китаб ал-ансаб. Важный источник по истории и истории культуры Средней Азии / Шамсиддин Камолиддин. LAP LAMBERT Academic Publishing RU, 2018.
2. El-Makdisi'nin. El-Makdisi'nin Ahsenü't-Tekâsim fi Ma'rifeti'l // Ekâlim isimli eserinin değ̃erlendirilmesi ve Türkçe tercemesi, Fatih Sultan Mehmet. Istanbul, 2018.
3. Ан-Наршахий Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / Форс тилидан ўзбек тилига А.Расулов таржимаси. – Тошкент, 1991.
4. Ат-Табари. История ат-Табари. Избранные отрывки / Пер. с араб. В.И.Беляева. Дополнения к переводу О.Г.Большакова и А.Б.Халидомирова. – Ташкент, 1987.
5. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. Т. I. – М., 1963.

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. Т. I. – М., 1963. – С. 148.

6. Бердимуродов А.Э., Суюнов С.С., Сориев Х.Я. Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 1-том. Самарқанд вилояти, 2-қисм. Нуробод тумани. Самарқанд, 2015.

7. Ибн Хурдадбех. Книга путей и стран / Перевод с арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Н. Велихановой. -Баку: Элм, 1986.

8. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал – ард / Араб тилидан ўзбек тилига Ш.С.Камолиддин таржимаси. – Тошкент, 2011.

9. Истахрий. Китоб ал-масолик вал-мамолик (йўллар ва ўлкалар китоби) / Араб тилидан ўзбек тилига Р.Т.Худайберганов таржимаси. - Тошкент, 2019.

10. Ҳудуд ул-олам (Мовароуннахр тавсифи) / Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи О. Бўриев. – Тошкент, 2008.

11. Чехович О.Д. Самаркандские документы XV-XVI вв. (О владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистане). – М., 1974.

*Арзиев К.,
ЎзФА МАМ Самарқанд
археология институти*

ШИМОЛИЙ-ҒАРБИЙ БАКТРИЯГА “КАТТА ЮЕЧЖИЛАР”НИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ВА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР

Шимоли-Ғарбий Бактрия худуди эрамиздан аввалги II аср охири ва эрамиздан аввалги I аср мураккаб сиёсий ва миграцион жараёнлар кечган асрлар ҳисобланади. Бу, бир томондан, Македониялик Александр давлати меросхўрларидан бири – Юнон-Бактрия подшолигининг инқирозга юз тутиши бўлса, иккинчидан, эр. авв. II асрнинг 30-йилларида бу давлатнинг Марказий Осиёнинг шимолий худудларида истиқомат қилган кўчманчи чорвадор аҳоли томонидан батамом эгалланиши ва бу этник гуруҳларнинг аста-секин Бактрия худудида ўтроқлашиши билан ажралиб туради. Бу этник гуруҳлар ёзма манбаларда, шу жумладан, Қадимги Юнон манбаларида Полибийга кўра, ассийлар, пассианлар ва сўғдийлар билан ёнма-ён Яксарт (Сирдарё)нинг нариги соҳилида яшаган сакаравллар томонидан эгалланган. Қадимги Хитой манбаларида бу этник гуруҳлар ягона “юечжи” (рузиё) ёки эр. авв. 140 йиллардан сўнг “Катта Юечжилар” номи остида тилга олинади. Шимоли-Ғарбий Бактриянинг эр. авв. II аср охири – эр. авв. I асрлар тарихи ва маданиятининг баъзи жиҳатларини ойдинлаштиришда қадимги шаҳар, қалъа, қишлоқ, диний иншоотлар қатори мозор-қўрғонлар ва улардан топилган археологик ашёвий манбалар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шимолий Бактриянинг ҳозирги Жанубий Тожикистон қисмидаги эр. авв. II аср охири – эр. авв. I асрлари ва Кушон подшолиги (I-III аср ўртаси) мозор-қўрғонларини ўрганиш XX асрнинг 50-йилларида бошланган бўлса, М.М.Дьяконов,¹ А.М.Мандельштам,² Б.А.Литвинский., А.В.Седов¹,

¹ Дьяконов М.М. Работы Кафьрниганского отряда // Материалы и исследования по археологии СССР. №15. –М.-Л.: Наука, 1950. -С. 154-178.

² Мандельштам А.М. Кочевники на пути в Индию. -М.-Л.: Наука, 1966; Мандельштам А.М. Памятники кочевников кушанского времени Северной Бактрии. -Л.: Наука, 1975.

Шимоли-Гарбий Бактрияда бу тадқиқотлар XX асрнинг 60-йилларида бошланган Б.А.Тургунов², XX асрнинг 70-йилларидан мазор-қўрғонлар билан биргаликда Далварзинтепа³, Кампиртепа⁴, Ялангуштепа⁵, Эски Термиз наусларининг очилиши⁶, Работ I мазор-қўрғонларининг⁷, тўпалган сув омбори ҳавзасида Ҳайронбоғ, Холниёзтепа⁸, 2017-2018 йилларда халқаро дастур доирасида Ўзбекистон-Хитой археологик гуруҳи томонидан Работ I мазор-қўрғонларининг қайтадан кенг қамровли ўрганилиши⁹, Болталибобо I-IV ва Серҳаракат мазорларидаги қазув ишлари натижалари¹⁰ юечжиларнинг Шимолий Бактрияга кириб келиши, тарқалиши ва ундан сўнг Жанубий Бактрияни эгаллаши масалаларини бир қадар ойдинлаштиради. “Катта Юечжилар”нинг Шимолий Бактрияга миграцияси ва бу этноснинг даставвал Окс – Амударёдан шимолий тарафга ўрнашиш жараёни, улар томонидан қолдирилган антропологик манбалар таърифи қатор муаллифлар тадқиқотларида ўз аксини топган. Бу борада Ф.Грене¹¹, Крейг Г.Р. Бенжамин¹², Т.Ходжайов, С.Мустафакулов, Г.Ходжайова¹³, Э.В.Ртвеладзе¹⁴лар эълон қилган тадқиқотлари ва Ўзбекистон-Хитой археологик гуруҳи томонидан Работ-I мазор-қўрғонларида амалга оширилган археологик қазув ишлари алоҳида аҳамият касб этади.¹⁵

Юечжилар билан боғлиқ Қадимги Хитой ёзма манбаларини ўрганган таниқли хитойшунос олимлар И.А.Бичурин, Э.Шаванн, И.Маркварт, А.Хўжаевларнинг яқдил фикрига кўра, “Катта юечжилар”нинг Дася

¹ Литвинский Б.А., Седов А.В. Культы и ритуалы Кушанской Бактрии. -М.: Наука, 1984.

² Тургунов Б.А. К изучению Айртама // Из истории античной культуры Узбекистана. –Ташкент, 1973. -С. 52-77.

³ Ртвеладзе Э.В. Новые древнебактрийские памятники на Юге Узбекистана // Бактрийские древности. -Л., 1976. С. 97-114.

⁴ Ртвеладзе Э.В. Погребально-культовое сооружение Кампиртепа // Материалы Тохаристанской экспедиции. Вып 2. Археологические исследования на Кампиртепа. –Ташкент: Санъат, 2001. -С. 65-84.

⁵ Ртвеладзе Э.В. Могильник кушанского времени у Ялангуштепе // СА. 1983, № 2. -С. 125-143.

⁶ Мусакаева А.А., Богомолов Г.И., Миносянц В.С., Гендельман П.И. Из истории погребальной обрядности Кушанской Бактрии: Наусы Старого Термеза // ИМКУ. Вып. 36. -С. 149-156.

⁷ Аннаев Т., Тилолов Б., Худойбердиев Ш. Бойсун археологик ёдгорликлари. -Тошкент: Абдулла Қодирий, 1999. -Б. 9-18; Абдуллаев К. О северных рубежах государственной границы Бактрии в эллинистическую эпоху // РА. 1997. 4. -С. 54-60.

⁸ Мухитдинов Х.Ю. Могильник античного времени Холниёзтепа // Археологические исследования в Узбекистане, 2000 год. 2001. -С. 101-105.

⁹ O'zbekiston va Xitoy hamkorligidagi tadqiqot natijalarining ko'rgazmasi «Yueji va qang'larning arxeologik aniqlanishi». -Toshkent, 2019.

¹⁰ Бердимуратов А.Э., Ванг Цзянь Синь, Лянг Сао Хуи, Хасанов М., Аннаев Т., Хамдамов С., Арзиев К., Хамиджанова М. О работах совместной Узбекско-китайской археологической экспедиции на территории Узунского района Сурхандарьинской области в 2019 году // АИ Уз. № 12, 2020. -С. 43-47.

¹¹ Harry Falk. The Five Yabghus of the Yuezhi. Bulletin of the Asia Institute. Vol. 28. 2014. –P. 1-43.

¹² Craig G. R. Benjamin. The Yuezhi: Origins, Migration and the Conquest of Northern Bactria. -Louvain: Brepols, 2006. XVIII, – 245 p.

¹³ Ходжайов Т.К., Мустафакулов С.И., Ходжайова Г.К. Старый Термез (к антропологии населения Бактрии -Тохаристана). -Актобе, 2012. -С. 13-22.

¹⁴ Ртвеладзе Э.В. Кушанское царство: династии, государство, народ, язык, письменность, религии. – Ташкент: Историческая библиотека, 2019. -С. 2-24.

¹⁵ Аннаев Т., Хасанов М., Рахимов К. Узбекско-китайское сотрудничество в археологии: некоторые итоги и перспективы исследований // Заря Сурхана, 2018.26.05.

(Бақтрия) томон миграцияси Еттисув, Довон (Фарғона водийси), Уструшона, Марказий ва Жанубий Сўғд орқали рўй берган¹. Работ I мозор-кўрғони, Поёнкўрғон, 1989 йилда Дарбанд мудофаа деворида казишма ишларини олиб борган археолог Т.Аннаев фикрича, “Катта Юечжилар”нинг Дася (Бақтрия)га кириб келиши Бойсунтоғдаги тоғли йўлак “Темир дарвоза” орқали рўй берган².

Бу жараённи қарийб 3 километрга чўзилган бир қисми эр. авв. II асрнинг охири – эр. авв. I асрга мансуб Работ I мозор-кўрғонлари, Пойкўрғон топилмалари ва, айниқса, Узундарадан топилган Катта Хон (эр. авв. II аср) даврига оид Қадимги Хитой арбалет ҳарбий куруллари яна бир бор тасдиқлайди. Н.Двуреченская бошчилигида Узундарада Ўзбекистон-Россия Федерацияси ҳамкорлигидаги қазув ишлари жараёнида Қадимги Хитойнинг бу турдаги 3 дона ҳарбий курули топилган. Буларнинг барчаси “Катта Юечжилар”нинг Бақтрияга миграцияси асосан “Темир дарвоза” орқали содир бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Ўз навбатида “Катта Юечжилар”нинг Амударёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб ёйилиши куйидаги йўналишларда содир бўлган. Дарбандсой – Туркундарё – Шерободдарё хавзаси ёқалаб Тармита – Термизга, “Темир дарвоза” – Работ – Ҳангарак (Бойсун)сой – Кофрунсой бўйлаб Бандихон воҳасига ва ундан сўнг Сурхондарё хавзаси, яъни Далварзинтепа ҳудудларига, Бойсунтоғ жанубий ёнбағирлари ёқалаб Ҳисорга, Тўпалангдарёнинг ўрта, куйи оқимларидан Холчаён воҳаси томон бўйлаб ўтган. Юечжиларнинг Кофарниҳон дарёсининг юқори оқими бўйлаб ўрнашиши Ҳисор ва Холчаён йўналишлари орқали ҳам содир бўлган. “Катта Юечжилар”нинг бир гуруҳи Кўхитанг тоғларининг ғарбий ён бағри бўйлаб Амударёнинг ўнг қирғоғига тарқалганлар. Мукри ва Тошработ оралиғида жойлашган Бобошов мозор-кўрғонларининг пайдо бўлишини айти шу жараён билан боғлаш лозим. Тахти-Сангингача, яъни Панж ва Вахш дарёлари қўшилиб Амударё ҳосил бўлган жойгача ва Кофарниҳон воҳасининг ўрта, куйи оқимларида ўрнашиши юз берган. Бу жараёнларда “Катта юечжилар” ўрнашганлигидан Айритом, Ориқтов, Тулҳор каби мозор-кўрғонлар қатори айти шу ҳудудда мавжуд археология ёдгорликларидан топилган санъат намуналари ҳам дарак беради. Тахти Сангин ибодатхонасининг маданий қатламларидан бирида “бақтрияликлар овда” деб номланган фил суягига ишланган икки дона санъат намуналари топилган³. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, таниқли хитойшунос олим А.Хўжаев томонидан юечжилар тўғрисида эълон қилинган асарларида И.А.Бичурин, Э.Шаванн, И.Марквартларда келтирилмаган маълумотлар берилган. А.Хўжаев таъкидлашича, “Шицзи” (“Тарихий хотиралар”)нинг шарҳларидан бирида Дай-рузие (“Катта

¹ Ходжаев А. Из истории древних тюрок (сведения древнекитайских источников). -Ташкент: Тафаккур, 2010. -С. 147.

² Аннаев Ж., Аннаев Т., Бобоева С. Арал Пайгамбар – остров Пророка как важный стратегический и перевалочно-торговый пункт в бассейне Окса-Амударьи. Археология Узбекистана. 2016 №1(12). -С.114.

³ Пичикян, 1983.С.29. каталог 107. Древности Таджикистана. Каталог выставки. -Душанбе: Дониш, 1985.

юечжилар”) этнонимига шундай таъриф берилган: “Уларнинг шаҳар ва саройлари Дайцинъ давлати (Рим империяси) шаҳарларидан фарқ қилмайди, халқи қизил-оқ танли, камондан моҳирона отадилар. Рузийлар отда юрган одамлардир”.¹ А.Хўжаевнинг яна таъкидлашича, “У ши вайго цзи” (У подшолиги даврида (222-280 йиллар) хорижий давлатлар тўғрисида маълумотлар) (муаллиф Кан Тай хитойлик денгизчи сайёҳ, вафоти номаълум, унинг денгиз сафари 226 йил) шарҳларида қуйидаги маълумотлар айtilган: “Еру кўкда уч машхур давлат бор. Хитой аҳолиси сони билан, Буюк Цинь (Дайдзинь, замонавий ўқилишида Дацин-Рим империяси) бойлиги, Рузие-кўплаб, кўп сонли отликлари билан машхур”.² Бактрияни, хусусан, Кушон Бактриясини отлар ва отликлар мамлакатига айлантирган, шубҳасиз, юечжилар ҳисобланади. Бу анъана илк ўрта асрларда Тоҳаристоннинг муҳим мулкликларидан бири Хуттал, Хутталон (Хатлон) отлари мисолида янада давом этган. Шимоли-Ғарбий Бактрия худудида “Катта юечжилар” ва Кушон подшолиги даври археология ёдгорликларида амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида “Катта Юечжилар”нинг Бактрияга миграцияси ҳақида тўхталмоқчимиз.

Работ I мозор-қўрғонларида топилган ашёвий манбаларнинг радиокарбон таҳлили “Катта Юечжилар”нинг Бактрияга миграцияси асосан бу мозор-қўрғонлар худудидан 16-18 км шимоли-ғарбда жойлашган “Темир дарвоза” орқали содир бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди (Работ I мозор-қўрғонида 14 та қабрдан олинган ашёвий манбаларнинг таҳлили эр. авв. II асрнинг охири – эрамизнинг I асрининг 1-ярми билан саналанган). “Катта юечжилар” “Темир дарвоза”дан ўтиб, улар дуч келган дастлабки иншоотлар – Дарбанд мудофаа девори худудида Юнон-Бактрия шоҳлиги даврида мавжуд бўлган фрурион-ҳарбий пост³ ва Сувсиз тоғга туташ Узундарада Салавийлар даврида барпо этилган умумий майдони 7 гектардан иборат эллинистик давр қалъаси – флактерион⁴. Бу қалъа “Катта Юечжилар” томонидан ишғол этилган, аммо асосий қарвон йўлидан узоқда, 1700 метрдан ошиқ баландликда, амалда ҳеч қандай ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлмаганлиги боис қайта тикланмайди. Аксинча, “Катта юечжилар” асосий эътиборни Сувсизтоғ ва Саримос тоғлари орасидан ўтган йўлни тўсиб турган Дарбанд мудофаа деворини кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга қаратади.

“Темир дарвоза” – Нон даҳана (Шеробод воҳасининг қадимги дарвозаларидан бири) оралиғида эрамизгача Сайробда (Ҳисортпепа),

¹ Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). -Ташкент: Тафаккур, 2010. -С. 131.

² Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). -Ташкент: Тафаккур, 2010. -С. 147.

³ Ртвеладзе Э.В. Юэджийско-кушанское государство // История государственности Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 2009. -С. 237.

⁴ Двуреченская Н. Д. К вопросу о северной границе Бактрии в эллинистическую эпоху // Эпоха империй. Восточный Иран от Ахеменидов до Сасанидов: история, археология, культура. Материалы международной научной конференции, посвященной памяти Б.А.Литвинского. -М., 2019. -С. 99-114.

Мунчокда (Мунчоктепа) асосий йўл ёқасида Панжоб, Хомкон-Тангидара-Хатак-Лайлагансой ёқалаб тоғли йўллардан бош йўлга яқин жойда (Кулолтепа), Нон даҳананинг тор қисмида, дарёнинг чап қирғоғида мустаҳкам кузатув минораси бунёд этилади. Булардан Сайроб, Мунчоктепа, Кулолтепа мустаҳкам қалъалар бўлиб, тоғли ҳудудлардан Термиз-“Темир дарвоза” томон йўналган тоғли йўлларни ҳам мудофаа этиб турган (Кулолтепа).

Шерободнинг воҳа қисмида Жондавлаттепа (8 га), Таллашқон II (умумий майдони 5 га, 1976 йилда археологлар Т.Аннаев, Ш.Пидаев қазув ишлари), Қуллуқшо каби кичик шаҳарлар ва шаҳар туркумидаги аҳоли манзилларининг мавжуд бўлиши баробарида, Ш.Р.Пидаев тадқиқотларига кўра, айна эр. авв. II аср охиридан эрамизгача воҳада Окқўрғон, Чўпонота каби ўнлаб қишлоқ аҳоли манзилларига асос солинади, сув ишоотлари такомиллашади (Таллашқон, Хўжақия каналлари) ва уларнинг тармоқлари кенгаяди¹.

Ангор воҳаси нафақат Шимоли-Ғарбий Бактрия-Тохаристоннинг, балки бутун бир Бактрия-Тохаристоннинг археологик жиҳатдан энг яхши ўрганилган ҳудудларидан биридир. Мавжуд археологик тадқиқотлар натижаларига асосланиб Ангор воҳасининг эр. авв. VI-V асрларидан эрамизнинг I асригача аҳоли манзиллари тўғрисида қуйидаги хулосага келиш мумкин. Аҳамонийлар даври-1, Юно-Бактрия шоҳлиги ҳукмронлиги даври ёдгорликларида бу давр маданий қатлами амалда қайд этилмаган. Эр. авв. II аср охиридан эрамизнинг I асригача қуйидаги шаҳар, шаҳарча, қалъа ва қишлоқларга асос солинади. Зартепа умумий майдони 17 га воҳа маркази, Хайрободтепа 1,5 га мустаҳкам қалъа-шаҳарча эрамиздан аввалги I аср, Шўртепа эр. авв. II аср охири, майдони 1 га,² Ўрдалитепа, Таллимарон I-II, 0,5 гадан 2,00 гача воҳанинг марказий қарвон йўлида ва шимолий, шимоли-ғарбий тарафларида қурилган мустаҳкам қалъалардир. Буларнинг барчасига эр. авв. II аср охири – эр. авв. I аср оралиғида асос солинган. В.М.Массоннинг таъкидлашича, Занг каналининг барпо этилиши умумий майдони 17 гектардан иборат Зартепа ўрнидаги шаҳар ҳам эрамиздан аввалги I асрда бунёд этилган³. “Катта Юечжилар” Гуйшуй (Амударё)нинг ўнг қирғоғи томон юришлари давомида улар билан боғлиқ муҳим иқтисодий, сиёсий ва савдо марказларидан бири – Тармита-Термиз ҳисобланади. Ш.Р.Пидаевга кўра, Юнон-Бактрия шоҳлиги даврида бу шаҳар майдони 10 га атрофида бўлган бўлса, бу шаҳарнинг ҳудудий жиҳатдан кенгайиши эр. авв. II аср охири – эрамиздан аввалги I асрлар оралиғида юз берган⁴. Айна “Катта Юечжилар” давридан бошлаб шаҳар шарққа томон

¹ Пидаев Ш.Р. Поселения кушанского времени Северной Бактрии. –Ташкент: Фан, 1978. -С. 109.

² Пугаченкова Г. А. Шортепе // ИМКУ, вып. 21. 1987. -С. 21-45.

³ Массон В.М. Зар-тепе – Кушанский город в Северной Бактрии // История и культура античного мира. -М., 1977. С. 138-144.

⁴ Пидаев Ш.Р. Тармита-Термиз до 1221 года: Генезис и эволюция города // Термиз древний и новый город на перекрестке Великих дорог. –Ташкент, 2001. -С. 14-15.

кенгаяди. 2020 йилда Т.Аннаев раҳбарлигида буддавийлик ступаси Зўрмоладан жанубий тарафда дон маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган йирик хумхонанинг бир қисмини қазиб очилиши бунга далил бўла олади. Т.Аннаев маълумотларига қараганда умумий узунлиги 200 км дан кам бўлмаган бир неча тармоқлардан иборат Қадимги Термиз каналининг қазиб битказилиши ва уни Тармита-Термизга туташтирилиши эр. авв. I асрда амалга оширилган. Айни шу канал ёқасида, канал бошланишига 3 км етмасдан Термиз канали ва Чағонруд (Сурхондарё) шарафига қурилган ибодатхона-Талатоғора (асосидан қарийб 100x100 м, ички қисми 47x47 м.) билан биргаликда Мирзакултепа 1 га Мангузарттепа ҳам мавжуд. Талитоғора атрофи Т.Аннаев тадиқотларига эр. авв. II аср охиридан эрамизнинг I асрига қадар алоҳида уйлар ҳисобига шимолий, шарқий ва жануби-шарқий тарафларга 150-200 м узунликда кенгаяди. Қуйи Сурхон воҳасининг ўнг ва чап қирғоқ ерларида мавжуд аҳоли манзилларида қуйидагича стратиграфик ҳолат кузатилади. Бу суғориш тизимида 18 ёдгорлик қайд этилган¹. Булардан Ҳайитободтепа эр. авв. VI-V асрларда шаклланган ва археологик тадиқот натижаларига кўра, Салавкийлар давридан X асргача мавжуд бўлган. Эҳтимол, яна икки ёдгорлик, хусусан, Исмоилтепа, Оқтепа улардаги маданий қатламларнинг қалинлигига кўра Юнон-Бактрия шоҳлиги даврида пайдо бўлган бўлиши мумкин. Қолган барча умумий майдони 0.5 га дан 2 га гача бўлган аҳоли манзиллари эр. авв. II аср охири – эрамизнинг I асри оралиғида вужудга келган. Г.А.Пугаченкова томонидан “Катта Юечжилар”нинг илк пойтахти деб ҳисобланган Далварзинтепа арки-аёлоси ўрнидаги аҳоли манзили Юнон-Бактрия шоҳлиги даврида умумий майдони 3 га бўлса, ўз навбатида, бу манзилни 33 га тенг ягона режа асосида шаҳар тусини олиши эр. авв. II асри охири – эрамизнинг I асрида амалга оширилган.² “Катта Юечжилар”нинг нафақат шимоли-ғарбий Бактрия, балки Жанубий Бактрияни эгаллаш жараёнида Тармита-Термиз алоҳида ўрин тутган. Бу жараён қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

1. Тармита-Термиз ва унинг атрофига “Катта Юечжилар” бир уруғининг келиб ўрнашиши ва Хоу Хань шу (Кичик Хан хонадони) тафсилотларида бу уруғни бешинчи Гаофу ябғуси ўрнига Думи (*tah-mlit) шаклида тилга олиниши;

2. Бу демографик жараён, ўз навбатида, Тармита-Термизнинг кенгайишига ва унда қатор махсус иншоотларни қурилишига, шу жумладан, Амударё ёқалаб дарё ичидаги оролнинг бошланғич қисмига рўпара қилиб, Чингизтепа ўрнида улкан қалъага асос солинишига олиб келган.

Умумий майдони 9 гектардан иборат Чингизтепа қалъасини Ш.Р.Пидаев ва П.Лериш иншоотни қуришда энг кўп ишлатилган 37x37x12 см, 36x36x12 см ҳажмдаги хом ғиштларга ва Юнон-Бактрия шоҳи Деметрий

¹ Пидаев Ш.Р. Поселения кушанского времени Северной Бактрии. –Ташкент: Фан, 1978. -С. 24-25.

² Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Дальверзинтепе – Кушанский город на Юге Узбекистана. - Ташкент, 1978. -С. 177.

тангасига асосланиб қуйидаги хулосага келганлар: Чингизтепа ўрнида Юнон-Бақтрия шоҳлиги даврида жуда мустаҳкам қурилган қалъа жойлашган бўлиб, Кушон подшолиги даврида сулолавий ибодатхонага ёки буддавийлик ибодатхонасига айлантирилган¹. Кўп тўсиқли мудофаа тизимидан таркиб топган Чингизтепа қалъаси ҳеч бир муболағасиз ҳарбий санъатнинг барча талабларига монанд қурилган. Қалъа шарқий девор мудофаа тизимининг энг олдинги босқичида бутун шарқий қанот бўйлаб “тоба тош” қатламига ўйиб ишланган манжаниқ ёки деворни бузишга мўлжалланган техниканинг асосий деворга яқин келишига йўл қўймасликка тўсиқ бўлган трапеция шаклидаги улкан хандак қазилган. Ўз навбатида асосий девор хандак орасида қўшимча протейхизм қурилган. Ундан сўнг ҳар бири 17-19 м оралиқ масофада жойлашган ўқсимон шинақлар ишланган тўғрибурчак шаклидаги буржлар билан кучайтирилган мустаҳкам ички йўлакли асосий мудофаа девори жойлашган. Чингизтепа ва Эски Термиз ёдгорлигида бир қанча йиллар бевосита иштирок этган археологлар Т.Аннаев, Ж.Аннаевлар Чингизтепа қалъаси, унинг билан ёнма-ён жойлашган кичик Чингизтепа таркибидаги иншоотлар хронологияси ва функциясини қуйидагича таърифлаганлар. Чингизтепа қалъа деворини қуришда ишлатилган томонлари 37x37x12 см, 36x36x12 см тенг хом ғиштлар эр. авв. II аср 4-чораги – эр. авв. I асрга, яъни Бақтрияда “Катта Юечжилар” ҳукмронлиги даврига оид. Умумий майдони 9 гектарни ташкил этган Чингизтепа ўрнидаги иншоот “Катта Юечжилар”нинг Жанубий Бақтрияни эгаллашлари жараёнида асосий таянч қалъа бўлиб хизмат қилган. Окс (Амударё) ичида бошланиши қалъа рўпарасида бўлган, бир қисми 3040 гектарни ташкил этган оролнинг (704 йилдан Усмон ороли, кейинчалик Пайғамбар ороли) мавжудлиги бу кечувни ва Тармита-Термиз аҳамиятини янада оширган. “Катта Юечжилар” ҳам қўшни Қанғуй сингари кўп сонли (юз минг отлик) қўшинга эга бўлган. Тармита-Термиз ва қалъа рўпарасидан дарёдан кечиб ўтган суворийлар ва отлар бевосита шу оролда тўхтаганлар². Тармита-Термизнинг айни шу жиҳатлари учун ҳам “Катта Юечжилар” ябғуси бири бевосита Термиз номи билан Думи деб номланган.

Э.В.Ртвеладзе бошчилигида Кампиртепада олиб борилган тадқиқотлар натижалари бу манзил ўрнида 4 гектар майдонни эгаллаган мустаҳкам шаҳар-қалъанинг шаклланиши “Катта Юечжилар” даврида юз берганлигини тасдиқлайди. Э.В.Ртвеладзе хулосасига кўра, “Бақтрияни юечжилар томонидан эгалланганлигидан сўнг ҳам қалъада ҳаёт давом этади. Юнон-

¹ Пидяев Ш., Лериш П., Папахристу О. Новые данные о раскопках в Старой Термезе // АИ Уз. № 1, 2000. - С. 112-113.

² Аннаев Ж., Аннаев Т., Бобоева С. Арал Пайгамбар – остров Пророка как важный стратегический и перевалочно-торговый пункт в бассейне Окса-Амударьи. Археология Узбекистана. 2016, №1(12). -С. 111-120.

Бақтрия давридан фарқли қальанинг ички қисми тўлиқ курилади ва шу боис бу жойда маданий қатлам 2 метр ва ундан ортиқроқни ташкил этади¹.

Бу маълумотлардан шу жараён аниқ бўладики, “Катта Юечжилар”нинг Шимолий Бақтрияга миграцияси Юнон-Бақтрия шоҳлиги даврига нисбатан демографик ўсишга, ўнлаб қишлоқ ва шаҳарларнинг, янги сунъий суғориш иншоотларининг тўлиқ шаклланишига (Қадимги Термиз канали, Қадимги Занг канали) ва бошқа турдаги иншоотларнинг барпо этилишига олиб келди.

*Бахронов А., Унгалов Л.,
СамДУ археология кафедраси
ассистентлари*

УРГУТ ТУМАНИ ТОШ ДАВРИ АРХЕОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ургут тумани худудида Зарафшон тоғ тизмаларининг давоми бўлган Чақилқалон ва Қоратепа тоғларининг шимолий ёнбағрида жойлашган. Туман худудининг шарқий, жанубий ва ғарбий қисмлари Чақилқалон ва Қоратепа тоғлари адирлар ва қирлардан иборат. Шимолий ва марказий қисмлари паст-баланд текисликлар бўлиб, бир қанча сойликлар ҳам мавжуд. Тоғ ёнбағирлари сланес ва оҳактошли қоялардан мавжуд, дарё водийлари тор ва чуқур, қирғоқлари тик. Адирлар ва бўш чўкинди жинслардан ташкил топган, шу сабабли сойлар унча чуқур бўлмаган кенг водийлар ҳосил қилади. Ургут тумани худудида жойлашган Чақилқалон ва Қоратепа тизмалари ва тоғолди текисликлари тектоник жиҳатдан Зарафшон ботиғида жойлашган. Зарафшон водийсини жанубдан ўраб турган тоғлар палезой эрасининг юқори қисмида содир бўлган. Ургут туманида ўртача баландликдаги тоғларда жигарранг тупроқлар тарқалган. Улар асосан арча ва бутазорлардан ташкил топган. Ургут туманида ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси тупроқлар каби вертикал минтақалар бўйлаб ўзгаради. Бу ерда кўпроқ дашт, тоғ ва яйлов ўсимликлари тоғолди текислигидан тоғнинг тепа қисмига қараб ўзгариб боради.

Ургут тоғи археологик ёдгорликларга бой ўлка эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим. Ургут тоғини шимолий музофоти бу, албатта, Ургут тумани худудларига тўғри келади. Ўзбекистон худудида жуда қадим замонлардан бошлабқ инсонлар яшаб келмоқда.

Ургут тумани ўрта палеолит давридан бошлаб ўзлаштирилган. Зарафшон воҳасида мустъе даврига оид бир неча ёдгорликлар топиб ўрганилган бўлиб, шулардан энг йирикларидан бири Омонқўтон макони Ургут тумани археологиясида муҳим маконлардан бири ҳисобланади.

Омонқўтон ғори очилган пайтларда МДХ давлатлари худудида 166 та

¹ Ртвеладзе Э.В. К итогам археологических исследований Кампиртепа в 2000 году // Материалы Тохаристанской экспедиции. Вып 2. Ташкент, 2001. -С. 7.

палеолит даврига оид ёдгорликлар аниқланган эди.¹ Д.Н.Левнинг таъкидлашича, ўша даврда П.П.Ефименко бошчилигидаги палеолитчилар гуруҳи палеолит даври ёдгорликларини ўрганишнинг Фарбдагидан анча тараққий қилган услубларини яратганлар². Ўша даврлардаёқ археологик тадқиқотларда геология, палеонтология ва этнография каби фанларнинг маълумотларидан фойдаланилган.

Макон Самарқанд вилояти Ургут тумани худудидаги Омонқўтон кишлоғидан 2 км шарқ томондаги Булбулзорсойнинг баланд соҳилида жойлашган (Зарафшон тоғ тизмаси). Ҳорда 1947-1957 йилларда археолог Д.Н.Лев қазилма ишларини олиб борган. Бу ёдгорлик Зарафшон воҳасида мустъе даврига оид биринчи бор топилиб ўрганилган макон ҳисобланади. Унинг тадқиқ қилиниши Зарафшон воҳасида кенг археологик ишларни йўлга қўйишда бошланғич нуқта бўлиб қолди ва бу эса шу регионни чуқурроқ ўрганилишининг истиқболи борлигини кўрсатди. Ҳор денгиз сатҳидан 1400 метр баландликда жойлашган. Унинг каридор билан узунлиги 29 метр, баландлиги эса 2,6 метр ва эни айрим жойларда 2,5 метри ташкил қилади. Киши фаолияти билан боғлиқ бўлган топилмалар асосан ғорнинг кириш қисмида жойлашганлиги маълум. Текширишлар маданий қатламнинг қалинлиги 25 см дан 1,5 метргача этади. Ундан 220 та тош ашёвий топилмалар йиғиб олинган бўлиб, қуролларнинг асосий қисми чакмоқ тошдан ясалган. Бу ердан топилган 30 га яқин турли хилдаги нуклеуслар қурол яшаш техникавий услубларни ўрганишда катта ёрдам беради. Қуроллар орасида, айниқса, гардишсимон ва ярим призма шаклдаги нуклеуслар қизиқарлидир. Парақалар леваллуа-мустъе техника маданиятини эслатади. Бундай қуролларнинг намуналарини Қўтирбулоқ ва Зирабулоқ маконларидан тўпланган коллекцияда ҳам кўриш мумкин, Омонқўтон материали орасида 22 нусха тош учиринди мавжуд бўлиб, улар узунчок учбурчак шаклда нуклеуслардан ҳам меҳнат орқали қурол яшаш учун усталик билан ажратиб олинган. Ибтидоий кишилар бу парақалардан, пичоқсимон қуроллар ва найза тиғлари ишлаб чиққанлар.

Қуролларнинг айримлари рандасимон бўлиб, улар ҳам тош парақалардан ёки отшеплардан ясалган. Кертиш техникаси парақаларнинг ички ҳамда уст томонидан бажарилган. Натижада қурол тиғлари тиғсимон, тўлқинсимон бўлиб чиққан. Коллекцияда баргсимон парақалардан ишланган қуроллар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг иккала томонига ишлов берилган. Бу қуроллар найза тиғи сифатида ва пичоқ сифатида ҳам қўлланилган. Шунингдек, тош қирғичлар, тешгичлар ва кескич қурол ҳам топилган. Археолог Н.Тошкенбоев Омонқўтон материали билан қисман танишган ҳолда бу ёдгорликни ўрта палеолитнинг сўнгги даврига оид деган фикрни

¹П.П. Ефименко и Н.А. Береговая. Палеолитические местонахождения СССР. Материалы к исследованию по Арменской ССР, №2, М-Л. 1945 г. С. 310.

² Громов В.И. Палеогеографическое и археологическое обоснование стратиграфии континентальных отложений периода на территории СССР. Труды института геологических наук. Т. 64. Сер. 17. Изд-во АН СССР. С. 60.

билдиради. Омонқўтон ғорини кўп йиллар тадқиқ қилган атоқли археолог Д.Н.Лев Омонқўтонлик ибтидоий кишиларнинг қурол яшаш техникавий услуб маданияти ўзининг барча хусусиятларига кўра, илк ва ривожланган мустъе даврига мансуб деб ҳисоблайди.¹ Ёдгорлик Тешиктош ва Қўтирбулоқ маконларига анча яқиндир. Умуман бу ердан иккита маданий қатлам топилган. Бу қатламлар бир-биридан оҳакли туф қатлами билан ажратилган. Ғордан топилган меҳнат қуроллари диорит, кварс ва чакмоқтошдан ясалган дағал қирғичлар, тиғи қиррали қўпол пичоқлар, найзасимон тош қуроллар ва дисксимон нуклеуслардан иборат бўлган. Бу ердаги маданий қатламда архар, қўнғир айиқ ва бошқа ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари учрайди. Суяклар узунасига ёрилган ва уларда оловда куйганлик излари бор.

Омонқўтон ғорининг илмий аҳамияти бу ердан топилган ҳайвонот дунёси қолдиқларига ҳам боғлиқдир. Ҳозиргача Ўрта Осиё худудидан топилиб ўрганилган бирорта макон ва қароргоҳлардан бундай бой материал топилганича йўқ. Омонқўтон ғорига яқин жойлашган ёдгорликлардан бири Такалिसой ғори мустъе даври қароргоҳи бўлиб, 1932 йилда Д.Н.Лев томонидан тадқиқ қилинган эди.

Бу ердан бир неча чакмоқтош синиқлари ишлов бериш учун тайёрланган тош хом ашёлари, гулхан излари, ҳайвон суякларининг бўлақлари топилган. Ғорда неандертал одамлари вақтинча яшаган бўлишлари керак. Бу ердан топилган тош учириндилар нуклеуслардан ажратиб олинган. Д.Н.Лев бу техникавий услубга асосланиб, қароргоҳ мустъе даврининг сўнги босқичларига мансубдир, деган хулосага келади.

Ургут туманидаги шундай типдаги маконлардан яна бири Гўрдара бўлиб, Зарафшон тоғ тизмасининг шимолий-шарқий қисмидаги баландликда жойлашган бўлиб, ёдгорлик 1966 йили Н.Тошкенбоев томонидан очилган ва қисман ўрганилган. Бу макон айти вақтда тўлиқ ўрганилган эмас. Топилмалар Н.Тошкенбоевнинг хулосасига кўра мустъе даврига оид, деган тушунчани илгари суришга асос бўлган.²

Ургут туманида жойлашган тош асрининг кейинги босқичи мезолит даврига оид макон Самарқанд шаҳридан жануб томон 40 км масофада Севасой ён қайири Катта харсангтош ўнгирида жойлашган (Самарқанд-Китоб автомагистрал йўлидан 4 км) Заминчатош ёдгорлиги ҳисобланади. Маконда ҳаммаси бўлиб 30 м² майдон сатҳи ўрганилиб, 2 та маданий қатлам (40-60 см қалинликда бўлган) аниқланиб, 1-маданий қатламдан ўчоқ қолдиғи, 40 донадан ортиқ (чакмоқтош, халседон, кварсит каби материаллардан тайёрланган) тош буюмлар, кўплаб ҳайвон суяғи қолдиғи топилган. 2-маданий қатламдан нисбатан камроқ – 21 дона тош буюм топилган бўлса-да, лекин суякдан ясалган

¹ Жўракулов М.Ж., Амиркулов Б., Аванесова Н. Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданияти. -Самарқанд 1994.13-бет

² Ташкенбоев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшан. Ташкент-1980. С-66.

бир нечта курол учратилгани аҳамиятлидир. Макон ўз тош индустриясининг микролитли хусусияти билан Сазагон маданиятига тааллуқли ҳисобланади.

Хулоса ўрнида Ургут тоғи археологик ёдгорликларга бой ўлка эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим. Бу ҳудуд жуда қадим-қадим замонлардан бошлабоқ инсоният тамонидан ўзлаштирилган. Ургут тумани ҳам Ватанимиз тарихининг муҳим бўлаги бўлиб ҳисобланади. Туман ҳудудидан тарихимизнинг барча босқичларига оид ёдгорликлар топиб ўрганилган. Ургут туманида бронза, темир, антик ва илк ўрта асрларга оид ёдгорликлар ҳам кўп учрашини ҳисобга олсак, минтақанинг археологик жихатдан ўрганиш учун муҳим ва катта истиқболга эга эканлигига гувоҳ бўламиз.

Адабиётлар

1. Жўрақулов М.Ж., Амиркулов Б., Аванесова Н. Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданияти. -Самарқанд, 1994.
2. Громов В.И. Палеогеографическое и археологическое обоснование стратиграфии континентальных отложений периода на территории СССР. Труды института геологических наук. Т. 64. Сер. 17. Изд-во АН СССР.
3. Ефименко П., Береговая Н.А. Палеолитические местонахождения СССР. Материалы к исследованию по Арменской ССР, №2, М-Л. 1945.
4. Ташкенбоев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшан. -Ташкент, 1980.

Бердиев Р.Б.,

СамГУ, кафедра «Археология»

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ФОРТИФИКАЦИИ РАННЕСРЕДНЕВЕКОВОГО СОГДА

В раннее средневековье Согд был в политическом отношении раздробленной на отдельные владения страной. Самым сильным владельцем был самаркандский ихшид, которому подчинялись следующие владения: Бухара, Иштихан, Кушания, Дабусия, Арбинжан, Маймург, Пенджикент, Кеш и Несеф. Накануне арабского нашествия по сведению А. Жалилова Согд включал в себя: 14 рустак, 5 округов и 2 области. [А.Д.Джалилов. 1961. с. 161.]

В Средней Азии строительство оборонительных сооружений насчитывает более четырех тысячелетий. Принято подразделять фортификацию Средней Азии на государственную, районную, городскую и частную.

Государственные образования Средней Азии, в том числе и Согда, охранялись посредством, так называемых «длинных стен». Их появление связано с защитой земледельческого оазиса от вторжения кочевых племен. Так, вокруг Согда существовала стена на протяженность 120 км. [М.Е.Массон. 1972. с. 28.]

Таким образом Самарканд был окружен стеной под названием «Девори-Киямат» протяженностью 42 км. [В.Л.Воронина. 1964, № 2, с. 40]. Бухарский оазис окружала стена «Кампирак», впервые нанесенная на карту М. Ф. Ситняковским в 1896 г. [Х.Мухаммедов.1961. № 1]. Х. Мухаммедов отмечает, что для районов Зерафшана большую роль играет районная и городская фортификация. [Х.Мухаммедов. 1961. с. 42.].

Достижением раннесредневековой эпохи в этой области было появление открытого валганга с бруствером. Это приспособление давало ряд преимуществ: во первых – расширилось поле зрения стрелка; во вторых – увеличилась возможность маневрирования, в нужный момент можно было собрать стрелков на угрожающем участке. Но если раньше стрелок находился под защитой толще стены, то теперь он стал более уязвимым. Как отмечает В.С.Соловьёв: «Это недостаток восполнялся надежностью защитного доспеха» [В.С.Соловьёв. 1981. с. 50.]

Сама стена была либо отвесная с наклонным цоколем, либо не наклонная, что давало возможность уничтожения мертвого пространства у подножия стен. В этот период появляется ещё одно важное устройства – дополнительная стена – барьер. В.Л.Воронина указывает на то, что этот приём был известен ещё в рабовладельческое время, но широкое распространение только в период раннего средневековья.¹⁰ [В.Л.Воронина. 1964, № 2, с. 45]. Барьерная стенка и цоколь с уклоном задерживали наступление противника, в случае если ему удавалось форсировать ров. А также были направлены против стенобитной техники. Не позволяли стенобитным машинам приблизиться вплотную к крепостной стене.

Внешний фасад стен иногда был профилирован гофрами. Известно, что эта архитектурная форма распространилась на территории Средней Азии около V в. н.э. (Варахша). По поводу назначения гофр высказывались самые различные точки зрения. Так, В.А.Шишкин считает, что здесь «совершенно определенным представляется чисто художественно-эстетический эффект такого оформления, когда уничтожается однообразная гладь стены, а всему сооружению, несмотря на его массивность, сообщается стройность и легкость»¹¹ [В.А.Шишкин. 1963. с. 41.] В.Л.Воронина же считает, что гофры имели оборонительное значение и в защиту своей точки зрения приводит схему действия удара ядер на стены с гладкой и гофрированной поверхностью./рис.1./ [В.Л.Воронина. 1964, № 2, с. 45].




Рис. 1. Схема действия удара ядер на стены с гладкой и гофрированной поверхностью (по В. Л. Воронину, 1964)

Сколько по рёбрам гофр ядра метательных орудий теряли ударную силу. Доводы В. Л. Ворониной кажутся нам более убедительным, так как эстетический эффект при строительстве оборонительных сооружений играет все же второстепенную роль. Как мы видим, устройство стен заметно упрощается, но система обороны в целом была усложнена. Стены образовывали две, три линии обороны. И чтобы закончить описание стен широко применялся прямоугольный кирпич, в отличие от античного квадратного, и пахсовые блоки.

Башни – основные узлы обороны. В период раннего средневековья резко сокращается количество башен. Если в период античности башни располагались по всей линии стены, то теперь «башни чаще всего укреплялись углы крепостных стен и въездные ворота»¹³ [А.И.Исаков. 1977. с. 41.]. Меняется форма башен. Если в рабовладельческое время преимущественно были прямоугольные башни, то теперь больше строят овальные башни более выгодной конструкции. Так как 1. прямые углы легко уязвимы для стенобитных машин и 2. округлые башни расширяют угол обстрела. / рис.2 / [В.Л.Воронина. 1964, № 2, с. 45].




Рис. 2. Схема угла обстрела прямоугольных и округлых башен (по В. Л. Воронину, 1964)

Ворота. Характерной чертой рабовладельческого периода был предвратный лабиринт: прямоугольник стен, внутрь которого были направлены бойницы. В городах среднеазиатской античности было от одного до четырех выходов и они тщательно охранялись. В пору раннего средневековья ворота находились под защитой башен, либо замка-донжона, так что необходимость привратного сооружения отпадает.

Цитадель. В раннесредневековый период цитадели становятся «необходимым элементом городских укреплений и появляется во всех крупных сельских поселениях в виде замка-донжона».¹⁵ [В.А.Нильсен. 1966. с. 48.]. В.Л.Воронина выделяет три варианта местоположения цитадели: 1. цитадель в системе крепостных стен; 2. внутри стен, посреди города; 3. отделена от города. Такое различие в положении цитадели В.А.Нильсен объясняет зависимостью от подводящих путей. В.Л.Воронина связывает это явление с социальными условиями. [В.Л.Воронина. 1964, № 2, с. 51].

А.М.Беленицкий по этому поводу пишет, что «в выборе места для цитадели, играл роль общий рельеф местности, как правило цитадель была самой возвышенной частью города.» [А.М.Беленицкий., И.Б.Бентович., О.Г.Большаков. 1973. с. 15.]

А.И.Исаков, исследовавший цитадели Средней Азии, отмечает, что в раннем средневековье: 1.увеличивается число городов с цитаделями; 2. увеличивается толщина стен цитадели. Примером может служить стена Пенджикента – 16 метров. Для внутренней застройки цитадели характерным сооружением является замок-донжон. Средняя величина донжонов от 18x18 м. /Пенджикент/ до 31x31 м. /Варакша/. [А.И.Исаков. 1977. с. 41- 42.]

Афрасиаб. Оборонительные сооружения Афрасиаба изучались М.И.Филанович и М.К.Пачосом в 1958-1965 г.г. Здесь чётко прослеживаются четыре концентрических пояса стен. Первая стена сохранилась на высоту до 10м. и имеет в основании ширину 10м., сложена из однородной пахсы. Протяжённость стены 1,5 км. Она включает в себе южную стену цитадели. В стене двое ворот. В восточной части ворота охранялись двумя башнями. Стена датируется Л.И.Альбаумом IV-V в. н.э.²⁰ [Л.И.Альбаум. 1975. с. 9.]

Вторая стена тянется в южном направлении на три км. М.К.Пачос считает, что она вместе с третьей стеной (расстояние между ними в некоторых местах 8-10м.) представляла собой одну двойную стену. [М.К.Пачос. 1967. № 1, с. 60-72.] Вторую стену М.К.Пачос датирует VI – началом VII в. н.э. Л.И.Альбаум же считает, что между второй и третьей стенами была резиденция правителей Согда, застройка которой началась после включения Согда в состав западно-тюркского каганата. В конце VI - первой половине VII в. прежние пределы Самарканда, ограниченные на юге второй стеной не позволяли расширяться пригород. Новые правители Самарканда, строят свою резиденцию за пределами второй стены и окружают её со всех сторон новой – третьей стеной, замкнутой кольцом.

Четвёртая внешняя стена, протяжённостью 5 км. датируется М.К.Пачосом, VIII – первой половиной IX в. н.э.

Л.И.Альбаум уточняет эту датировку VII - первой четвертью VIII в. н.э. и связывает постройку стены с периодом борьбы народов Средней Азии с арабами. В городе было четыре ворот, положение которых в настоящее время точно установлено. Цитадель находится в северной части города, около реки Сиаб. Возведена она на искусственном стилобате. Имеет квадратную форму, оторвана от жилой застройки и окружает её свободная территория.

Таким образом, для периода раннего средневековья характерными чертами фортификации является: небольшой открытый валганг; округлые башни открытого типа; получает заметное развитие система дополнительных стенок-барьеров и выносных башен. Структура основной стены упрощается, но появляется несколько линий обороны. И вместе с тем, в этот период ещё продолжает существовать типичные приемы античной фортификации. /Кафир-кала/. [В.С.Соловьев. 1981. с 50.] Так что, характерной чертой раннего средневекового Согда является феодализация общественной и производственной жизни края. В связи с этим в V-VII в.в н.э широко разворачивается строительство новых городов, увеличивается количества сельских укреплений, поселений и замков. Наиболее изученными городами раннесредневекового Согда является: Самарканд, Пенжикент, Варахша и Кафир-Кала.

Литературы

1. Альбаум Л. И. Живопись Афрасиаба. Т., 1975.
2. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. -Л., 1973.
3. Беленицкий А.М., Маршак Б.И. Древнейшее изображение осадной машины в Средней Азии. -Л., 1978.
4. Воронина В.Л. Из истории среднеазиатской фортификации. СА. 1964, № 2.
5. Джалилов А.Д. Согд накануне арабского нашествия. -Д. 1961.
6. Исаков А. И. Цитадель древнего Пенджикента. -Д. 1977.
7. Каримов Ш., Шамшутдинов Р.Ватан тарихи. –Тошкент, 1997.
8. Массон М.Е. По поводу далекого прошлого Самарканда.-в кн: Из истории искусства великого города /к 2500-летию Самарканда/. -Т., 1972.
9. Мухаммедов Х. Из истории древних оборонительных стен вокруг оазисов Узбекистана. -Т., 1961.
10. Мухаммедов Х. Стена Кампирак. ОНУ. 1961, № 1.
11. Нильсен В.А. Архитектура Средней Азии в V-VIII в.в. н.э., -Ташкент, 1966.
12. Новое в археологии. Сборник статей. -М., 1972.
13. Соловьев В. С. Два приема в фортификационном зодчестве Средней Азии. – в кн: МИИТ. -Душанбе, 1981.
14. Шишкин В.А. Варахша. -М., 1963.

ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ УЧИРИНДИЛАРИ (2019 йил қазимиша материаллари асосида)

Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Бойсун тоғлари тош даврига оид ранг-баранг ёдгорликларга бой ҳудудлардан ҳисобланади. Бу ерда ўрта палеолит давридан бошлаб тош даврининг барча босқичларига оид маданиятлар тараққиёти ўз аксини топган. Ўрта палеолит даврига Тешиктош, Амир Темур, сўнги палеолитга: Тешиктош-2, Мачай-2 ва Қоронғудара, мезолит даврига Айртом, Шеробод, Мачай ғори ва неолит даврига Қайнар-Камар ҳамда янги очилган Тўда-1 ғор маконлари киради.

Тўда-1 ғори 2016 йилда Ўзбекистон-Хитой халқаро ҳамкор экспедицияси ходимларидан Ж. Синг ва У. Рахмоновлар томонидан топилган. Ёдгорлик денгиз сатҳидан 1100 м баландликда, Бойсун шаҳридан 15 км ғарбда жойлашган. Ғор оҳақтошли жинслардан таркиб топган бўлиб, Бойсун тоғларининг жанубий шаҳобчаларидан бирида жойлашган. Ғорнинг кириш қисми баландлиги 3 м, эни 5 м келадиган ассиметрик учбурчак шаклида бўлиб, шарққа қараган. Тўда-1 ғорининг узунлиги 15, эни эса 7 м гача етади. 2018 йилги мавсумда ғорнинг Т-1, Т-2, Т-3, Т-4 ва Т-5 қазималарида қазииш ишлари олиб борилди ва уларнинг майдони 2x3 м ҳамда репер нуктасидан 485 см чуқурликкача етказилди.

Қуйида Тўда-1 неолит маконидан 2019 йилги мавсумда қазиб олинган учириндиларнинг, техник-типологик таснифи ва уларни чакмоқлаш усуллари тадқиқ қилинади.

Тўда-1 ғоридан 2019 йилги мавсумда қазиб олинган тош буюмларнинг катта қисмини учириндилар ташкил қилади (87 %). Улар асосан майда (185 та) ва ўрта (143 та) ҳажмли учириндилар ҳисобланади (жадвал №2). Шунингдек, тўплам учириндилари орасида нуклеусларни чакмоқлашга тайёрлаш, зарб майдонларини, иш юзаларини ва бортларини янгилаш ҳамда текислашлардан ҳосил бўлган техник йўнилғилар ҳам мавжуд (37 та). Бирок техник йўнилғиларнинг катта қисмини (15 та) кучли зарб бериш натижасида вужудга келадиган Сире типигаги аксидент йўнилғилар ташкил қилади. Бундан ташқари, учириндилар синфига дебитаждан ёки ретушлашдан ҳосил бўлган паррахалар ҳам киритилди (15 та). Коллекциянинг учириндиларидан 19 тасигина иккиламчи ишлов берилиб, қуролларга айлантирилган.

Тўпламнинг учириндиларидан 137 таси (40 %) зарб майдончаларини сақлаб қолган. Уларга бутун ҳамда проксимал қисми сақланиб қолган учириндилар киради. Зарб майдончаларининг характериға кўра асосий ўринни текис зарб майдончалилар эгаллайди (59,1 %). Шунингдек, учириндилар зарб майдончалари орасида икки фасеткали текис (8,8 %), икки қиррали (8,8 %) ва фасеткалаштирилганлари (8,8 %) бир хил нисбатда учрайди. Бу борада кейинги поғоналарни табиий юзали (7,3 %), чизиксимон

(5,1 %) ва нуктасимон (2,2 %) зарб майдончали учириндилар эгаллайди. Тўплам учириндилари зарб майдончаларининг 60 % синиб қолган ва улар асосан табиий ҳисобланади.

Жадвал №3. Тўда-1 неолит макони учириндилари зарб майдончаларининг характери

№	Тайёрланиш усули:	узунасига	кўндалангига	сони	%
	Зарб майдонча типи:				
1	Текис	77	4	81	59,1
2	Икки фасеткали	9	3	12	8,8
3	Икки қиррали	10	2	12	8,8
4	Фасеткалаштирилган	2	10	12	8,8
5	Чизиқсимон	7		7	5,1
6	Нуктасимон	3		3	2,2
7	Табиий	10		10	7,3
Жами:		118	19	137	100
%		86,1	13,9		100

Дорсалларининг характерига кўра тўплам учириндиларининг ярмидан кўпроғини узунасига субпараллель йўналишдаги дорсаллар ташкил қилади (54,2 %). Демак, айтиш мумкинки, ёдгорликнинг индустриясида тошларни асосан узунасига чақмоқлаш устун бўлган. Кейинги поғонани перпендикуляр характерга эга дорсалли учириндилар эгаллайди (18,1 %). Перпендикуляр дорсалли учириндилар қаторига нуклеусларнинг бортидан синдириб олинган, латералларидан бирида нуклеус зарб майдони ҳамда перпендикуляр йўнилғиларнинг бошланиш қисмларини сақлаб қолган йўнилғилар ҳам киритилди. Кейинги ўринларда узунасига қарама-қарши (6,1 %), узунасига конвергент (1,7 %) дорсалли учириндилар эгаллайди. Шунингдек, тўпламда ноаниқ дорсалли (15,2 %) ҳамда табиий юзали (4,7 %) учириндилар ҳам мавжуд. Тўпламда радиаль марказга интилувчи ва кўп йўналишли дорсалларга эга учириндилар аниқланмади. Дорсали ноаниқ учириндиларнинг аксарияти табиий моғор билан қопланган ёки ғорга қор-ёмғир сувлари кириб туриши оқибатида деформацияга учраган йўнилғилар киритилди.

Тўда-1 ғори янги тош даври аҳолиси тош қуроллар яшаш учун хомашёни ғорнинг ён-атрофларидан танлов асосида (кремнийлашган оҳактош, доломит), пастроқда жойлашган сой ўзанидан (кремнийлашган оҳактош, доломит, қайроқтош) галка шаклида келтириб ишлов берганлар. Жигарранг кремний, айрим сланецлар ва халцедон жинслари ғордан бир неча чақирим масофада жойлашган ва емирилиб кетган бўр даврига оид конлардан кичик ҳажмли галкалар шаклида олиб келганлар. Бироқ кремнийли жинслар асосан пластина, пластинка ва микропластинкалар ишлаб чиқаришда фойдаланилган.

Тўдалик усталар атрофдаги тош жинсларининг сифатини жуда яхши билганлар. Айниқса, кремнийлашган оҳактошнинг ўта кучли кремнийлашганларини танлаб олганлар ва улардан кўпроқ пластинкалар ишлаб чиқарганлар.

Тўплам учириндиларининг катта қисми кремнийлашган оҳактошлардан ишланган (67,4 %). Учириндилар ишлаб чиқаришда иккинчи поғонани доломит тош жинси эгаллайди. Шунингдек, тўплам учириндилари орасида кам сонли жигарранг кремний (7 %), қайроқтош (2,6 %), кремнийлашган сланец (0,3 %) ҳамда халцедон (0,3 %) ҳам учрайди.

Айтиш мумкинки, тўдаликлар сифатли хомашёнинг (кремнийнинг) танқис шароитларида яшаганлар ва шунинг учун ҳам, эҳтимол, хўжаликдаги қатор фаолият турларини кремний бўлмаган тош жинсларидан ишланган куруллар ёрдамида бажаришни йўлга қўйганлар. Тўда-1 ғорида учириндилар (кўпгина неолит даври ёдгорликларида улар технологик характерга эга) нафақат технологик, балки ишлаб чиқариш характерига эга бўлган ва бу ёдгорликнинг индустриясида муҳим ўрин эгаллаган.

Тўда-1 неолит маконида тошларни чакмоқлашнинг барча усулларида бир вақтнинг ўзида фойдаланилган. Нуклеусларни шакллантириш ва учириндилар олишда оғир тош ушатғич, пластиналар ва пластинкалар ишлаб чиқаришда воситачи, микрочакмоқлашда эса эзма техникадан фойдаланилган.

Адабиётлар

1. Нишиаки Т., Сулейманов Р.Х., Арипджанов О., Сайфуллаев Б.К., Эргашев О.Т. Отчет о проделанных работ в неолитическом гроте Кайнар-Камар (Байсунтау) в 2017 г. Самарканд. Архив ИАИ, Ф-4. 2017 г.
2. Парфенов Г.В. Следы древнейших культур на городище Айртам, ИМКУ, вып. 2. Ташкент, 1961.
3. Парфенов Г.В. Следы каменного века в северных окрестностях Ширабада, ИМКУ, вып. 6. Ташкент, 1964.
4. Хасанов М., Ж. Синг, Сайфуллаев Б., Хошимов Х., Бердикулов М. Отчет о проделанных работ в гроте Тода-1 Босунском районе Сурхандарьинской области. Самарканд. 2018.
5. Окладников А.П. Исследование палеолитической пещеры Тешик-Таш.
6. Окладников А.П. Палеолит и мезолит Средней Азии, в кн. «Средняя Азия в эпоху камня и бронзы» М.-Л.: «Наука», 1966.
7. Сайфуллаев Б.К., Жоу Синг. Грот Тода-1 - новая неолитическая стоянка на Байсунтау (Узбекистан) // Археология Узбекистана, 2018 г. №17-1.

*Ғаниев К.,
СамДУ Ўзбекистон тарихи
кафедраси доценти*

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РАВНАҚИГА БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ТАЪСИРИ

Буюк ипак йўли Марказий Осиё халқларининг иқтисодий ва маданий интеграциялашуви жараёнларида муҳим рол ўйнаган. Бу алоқаларда қадимий шаҳарлар ҳамда қарвонсаройларнинг аҳамияти катта бўлган. Ўрта Осиё тарихшунослиги ва меъморчилигида Буюк Ипак йўлининг ушбу йўл орқали боғланган ўлкалар, меъморчилиги ва шаҳарсозлигининг шаклланиши ва тараққиётига кўрсатган таъсири масаласида ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган қирралар мавжуд. Ю.Ф.Буряков, А.А.Грицина, А.А.Анарбаев, Н.Н.Негматов, Б.Х.Матбабаев, М.Х.Исомиддинов, М.Х.Пардаев, А.С.Ўралов М.Қ.Ахмедов каби аксарият мутахассисларнинг фикрича, Ўрта Осиё меъморчилиги ва шаҳарсозлигининг шаклланишида ушбу қадимий минтақаларо халқаро йўлнинг роли ва таъсири катта бўлган. Жумладан, профессор А.С.Ўралов таъкидлаганидек, Ўзбекистон шаҳарларининг харитадаги ҳозирги жойлашишига эътибор берсак, қатор тарихий шаҳарлар ва аҳоли масканларининг Буюк Ипак йўли ва унинг тармоқлари бўйлаб шаклланишини кўрамиз. Қаровулбозор, Кармана, Каттақўрғон, Жиззах каби шаҳарлар ана шулар қаторига кирган. Самарқанддан Бухоро томон юрилса Жума, Пайшанба, сал чапроғида Чоршанба деган тарихий аҳоли масканларига дуч келинади. Тарихий манбалар биргина Шимолий Уструшонада Жиззах (Дизак), Зомин, Харакан, Куркат, Гулакандоз, Ховос, Бунжикат, Сабат каби 12 та шундай шаҳар ва аҳоли мавзелар бўлганлиги ҳақида маълумот беради [Буряков, Грицина, 2006, с.93].

XVI аср Испания элчиси Клавихо ҳам Самарқанддан Бухорогача бўлган масофани 6 кунлик қарвон йўлига тенг эканлигини ёзади. Якшанба куни кечкурун Бухородан чиққан қарвон пайшанба ва жума кунлари шу жойлар ўртасидаги масофани босиб ўтиб, шанба куни Самарқандга етиб келган. Маълумки, савдо қарвони тўхтаган жойда қудуқ ёки сардоба, тунаш жойида эса бундан ташқари работ ёки қарвон-саройлар қурилган, савдо-сотик ишлари амалга ошириб бозор вужудга келган. Қарвонларнинг ҳаракатланиш имконияти, тўхташ жойлари ва кунларига мос тарзда бозорлар ўрни ва кунлари белгиланган. Масалан, якшанба бозори Бухорода бўлса, душанба бозор Чоршанбада, пайшанба бозори эса Пайшанбада, жума бозори Жумада ва ҳ.к.

Савдо қарвонига савдогарлар ва харидорларга хизмат кўрсатувчи одамлар гуруҳи ва шу мақсадда ташкил этилган меъморий объектлар – савдо иншоотлари таркиб топган. Шу йўсинда савдо қарвонлари йўлидаги тўхташ ва тунаш жойларида шаклланиган бозорлар заминида аҳоли

мавзелари, кейинчалик шаҳарлар тизими ташкил топган. Масалан, Бухородан Хоразмга қараб чиққан карвон йўли Амударё бўйлаб ўтиб, бу йўлнинг савдо карвони тўхтаган жойларда қатор бозорлар, кейинроқ ўша базорлар негизида аҳоли мавзелари вужудга келган. Бу бозорлар бир-бирига яқин жойлашиб, улар орасидаги масофа тахминан 30-35 километрни ташкил қилган. Бу савдогарларга ҳам, харидорларга ҳам катта қулайлик туғдирган. Бозорлар ҳафта давомида ушбу аҳоли мавзеларида навбат билан бўлиб турган. Масалан, Ханқа туманидаги бозорлар Урганчда чоршанба ва якшанбада; Бағотда – чоршанба ва шанбада; Хазорасп туманидаги бозорлар эса Хазораспда душанба ва чоршанбада, Эшон бозорда – пайшанба ва якшанбада, Питнакда чоршанбада ўтказиб турилган. Худди шундай бозорлар цикли ва уларнинг ўтиш кунлари Ўрта Осиёнинг савдо карвонлари ўтган бошқа вилоятларида, жумладан, Шимолий Фарғонада ҳам бўлган. Ана шундай бозорлар асосида кейинчалик шаҳарлар вужудга келган.

Тўғри, шаҳарлар ва йирик қишлоқлар фақат карвон йўлларидагина эмас, балки катта сув ҳавзалари: дарёлар, канал, ариқ ва булоқлар бўйларида, шунингдек, ерости табиий бойликлари очилган жойлар қошида ҳам шаклланган. Бироқ ер юзидаги аксарият шаҳарлар савдо йўллари, хусусан, Буюк Ипак йўли каби улкан ва муҳим савдо йўллари бўйлаб шаклланишига гувоҳ бўламиз. Борди-ю, карвон бир “марҳала” йўл босиб ўтгач, каттароқ карвон-саройи бор аҳоли мавзесига тўғри келмаса, унинг тўхташ жойида работлар қуришган (масалан, Кармана билан Ғиждувон оралиғидаги работи Малик ва Тошработлар каби). Демак, карвон йўлларидаги аҳоли масканлари ва работлар жойлашуви карвон ва у билан ҳаракат қилаётган инсонларнинг бир кунда босиб ўтиши мумкин бўлган оптимал масофага мутаносиб тарзда уйғунлаштириб олинган ва шу тариқа шаҳарлар жойлашуви ва улар орасидаги масофалар ҳам тарихий ва ҳаётий тартиботлар асосида шаклланиб борган.

Шаҳарсозлик амалиётида қўлланилган мутаносиблаштириш омилларидан яна бири бу шаҳарлар мудофаа деворларини бир от югуриги, ёй(камон) ўқининг ҳавода учиш вақти билан ўлчанадиган масофаси ва шу сингари омиллар билан боғлиқ тарзда амалга оширилишидир.

Бундан ташқари тарихий шаҳарларнинг дастлаб икки қисмлик (арк ва шаҳристон), сўнгра уч қисмлик (арк, шаҳристон ва работ) тизимида шаклланишини ва бу таркибий қисмларнинг ўзаро маълум бир маромда боғланишини ҳам шаҳарсозликдаги уйғунлик мезонларининг ўзига хос кўриниши деб тушунишимиз керак. Профессор М.Қ.Аҳмедов “кишилиқ фаолиятининг қулай кечиши учун зарур бўлган мувозанат – шаҳар ва бошқа аҳоли масканларининг ўзаро мувофиқ тарзда бундай ритмик жойлашувини шаҳарсозликдаги бирламчи уйғунлаштириш босқичи” деб атайди. Унинг фикрича, шаҳарсозликдаги уйғунликнинг иккинчи босқичи шаҳарларнинг ўз худудий чегаралари ичидаги шаҳарсозлик тизимининг мувофиқлашувида намоён бўлади. Маълумки, Ўрта Осиё тарихий шаҳарларининг аксарияти

тўғри тўртбурчак режа асосида шаклланган. Жумладан, Сурхондарёдаги Сополлитепа шаҳарчасининг режаси квадрат шаклига эга.

Бақтриянинг кўпгина шаҳарлари муҳим карвон йўллари бўйларида, дарёнинг ўтиш жойларида, савдо йўллари чорраҳаларида шаклланган. Таъкидлаш жоизки, уларнинг шаклланиши турли йўллар билан бўлиб ўтган. В.М.Массоннинг фикрича, Шимолий Бақтриянинг Кушон даври шаҳарлари икки хил йўл билан пайдо бўлган. Уларнинг айримлари аҳолининг аста-секин кўпайиши натижасида ўз-ўзидан пайдо бўлган бўлса, айримлари эса доимий режа асосида марказий ҳокимиятнинг марказга интилиш сиёсати натижасида пайдо бўлган. Кушон даври шаҳарларининг келиб чиқиши ва шаклланиш жараёнини Далварзинтепа нисбатан яхши акс эттиради. Мил.авв. I асрнинг иккинчи ярми ёки милодий I асрнинг бошларида мустаҳкам қалъа шаклланади. Бу шаҳар аниқ тўғри бурчакли режа ва шу режа асосидаги деворлари билан ажралиб туради. Шимолий Бақтрияда тарихий тузилиши аниқ тўғри тўртбурчакли ва тўрт қисмли (қалъа, шаҳарнинг ўзи, шаҳар олди ва атроф) шаҳар ва шаҳарчалар кўп тарқалган [Б.Эшов, 2006, 196-197].

Қалъа атрофида шаҳарларнинг шаклланиши Хоразм учун ривожланишнинг энг тарқалган усулларида бири эди. Парфия ва Марғиёнанинг ҳам кўпгина шаҳарлари асосини мустаҳкам қисм – қалъа ташкил этган. Жанубий Суғдиёнанинг антик даврга оид қадимги шаҳарлари – Қалъа Заҳоки Марон, Шуллуктепа, Кўҳна Фазли, Киндиклитепа кабиларнинг ҳам дастлабки асосини мустаҳкам қисм – қалъа ташкил қилган. Кўҳна шаҳарларнинг қалъалари ўлчамлари ва режавий тузилиши жиҳатдан ҳам бир-биридан фарқланган. Мисол учун тўғри бурчакли (Кампиртепа, Термиз) тўрт бурчакли (Зартепа, Оқмозотепа, Хайрободтепа), кўпбурчакли (Далварзинтепа). Шимолий Бақтрия шаҳарлари ҳаётида шахристонлар муҳим роль ўйнаган. Шахристонларнинг шакли тўғри бурчак, айрим ҳолларда тўртбурчак ва кўпбурчакли бўлган, уларнинг кўплари геометрик режа асосида қурилган. Чунки улар жойлардаги табиий шароит ҳисобга олинган ҳолда олдиндан режалаштириб бунёд этилган. Буни Қадимги Бақтрия, Чоч шаҳарлари шахристони мисолида кўриш мумкин [Б.Эшов, 2006 198-199].

Тарихий шаҳарлар антик даврда маъмурий, ҳарбий-сиёсий ва мафкуравий марказ бўлибгина қолмасдан, савдо-сотиқ марказлашган ҳудуд ҳам ҳисобланган. Чжан Цзяннинг маълумотларига кўра, Дахя (Бақтрия) аҳолиси савдо-сотиқда ниҳоятда моҳир, мамлакатнинг пойтахтида эса ҳар хил маҳсулотларга бой бўлган бозорлар мавжуд эди. Буюк Ипак йўлининг ушбу ҳудудлардан ўтиши халқаро савдонинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратган. Птоломей тасвирлаган бу йўлнинг бир тармоғи Бақтрадан шимолга, Амударё орқали Тармигадан ўтиб шимоли-шарққа қайрилган ва Сурхон воҳаси бўйлаб бориб Қоратоғ орқали Қоратегин томонга кетган. Бу йўлнинг бошқа бир тармоғи Тармигадан сўнг

Шерободдарё водийсидан ўтган ва Темир дорвоза орқали Суғдга олиб чиққан. Бу йўл Ўрта Осиё ва Шимолий Бақтриянинг марказий ва шимолий вилоятларини Ҳиндистон билан боғлаб турган. Чжан Цзяннинг маълумотларига кўра, Амударё бўйида савдогарлар ва сотувчилар яшаганлар. Улар ўз молларини кўшни юртларга сотганлар. Шимолий Бақтриянинг айрим ҳудудларини бирлаштириб турган ва ички савдода муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа йўллар ҳам мавжуд бўлган. Улардан бири Амударё воҳаси бўйлаб Шимолий Бақтриянинг шарқий ва ғарбий ҳудудларини боғлаган. Амударё бўйларида жойлашган айрим манзилгоҳлар савдо марказлари ва балки, ўзига хос божхона маскани вазифасини бажарган бўлиши мумкин [Б.Эшов, 2006 с.200].

Вилоятдаги халқаро савдо алоқаларининг йўналишлари ва тараққиёти ҳақида Далварзинтепа, Холчаён, Илонттепа, Хайрабодтепа, Кампиртепа каби шаҳарлардан Ҳиндистон, Миср, Хитой каби мамлакатлардан келтирилган фил суягидан ясалган турли хил буюмлар, шахмат доналари, тақинчоқлар, матолар парчалари, шиша, ойналар каби археологик ёдгорликлар гувоҳлик беради.

Шаҳарлар муҳитининг деворлари доирасида функционал ва ҳудудий мувофиқлаштирилганлиги ва тартибга туширилганлигини кейинги даврларда ҳам учратиш мумкин. Масалан, илк ўрта (V-VIII) асрларда, кейинроқ эса XIV-XV асрларда ҳам Марказий Осиё шаҳарларининг ўзаро боғланган уч таркибий қисм: арк, шаҳристон ва рабоддан ташкил топган. Бу уч қисмнинг бири шаҳар арки (кўҳандизи) – ҳукмдор қароргоҳи бўлса, иккинчиси шаҳристон (мадина доҳил) бўлиб, шаҳарнинг асосий қисми савдо-ҳунармандчилик расталари, бошқа жамоат ҳамда тураржой биноларини ўз ичига олган. Учинчи қисми работ деб аталган ва у шаҳардан ташқаридаги савдо-ҳунармандчилик зонасини ташкил этган. Лекин VII-VIII аср шаҳарларнинг кўпчилиги фақатгина икки қисмдан – арк (ёки қалъа) ва шаҳристондан ташкил топган. Олимларнинг фикрича, Буюк Ипак йўлида муҳим аҳамият касб этган кўҳна Самарқанд илк ўрта асрларда уч қисмдан иборат бўлган. Шаҳарнинг қалъа қисми шимолий томондан Сиёб ариғи бўйлаб жойлашган бўлиб, 1,5 км узунликдаги мудофаа деворлари билан ўралган. Шаҳарнинг иккинчи – шаҳристон қисми жануброқда жойлашган бўлиб, зодагонларнинг қароргоҳларидан ва жамоат биноларидан ташкил топган. Учинчи қисм – работ эса қалъа деворлари ташқарисида жойлашган бўлиб мудофаа деворлари бўлмаган [Ахмедов, 1995, с.23-24].

Шаҳарлар бош кўчаларининг кесишган чорраҳаларида бозор иншоотлари – “чорсу”ларнинг жойлашиши, шаҳар марказида Регистон ва бошқа майдонларнинг таркиб топиши, шаҳарларнинг девор билан ўраб олиниши, тўғри тўртбурчак шаҳарларда тўртта ва кейинчалик катталашиб кетган шаҳарларда ундан ҳам кўпроқ дарвозаларнинг жойлашуви, бош кўчаларнинг уфқ томонларига мослаштирилиши ва шаҳар атрофида боғ-

саройларнинг жойлаштирилиши мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш борасидаги тартиб-қоидалар қаторига кирган.

Буюк Ипак йўли шимоли-шарқий йўналишининг Чочдан ўтиши ушбу ўлка шаҳарлари ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Чоч савдогарлари суғдийлар билан четга маҳсулот етказиб беришда фаол иштирок этишган. Суғддан асосий савдо йўли Зомин, Бенакет орқали Чочга келган. Араб ва форс манбаларида Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Бенакет йирик марказий шаҳар сифатида тасвирланган. У Буюк Ипак йўлининг муҳим тўхташ жойи ҳисобланган. Мазкур шаҳар харобалари ҳозирги Оққўрғон туманидаги Шахруҳия ёдгорлиги ўрнида бўлган. Бу Сирдарё бўйидаги кечувдан 30 км узоқликда, Оҳангарон юқоридаги қуйилиш жойида жойлашган [Буряков, 1975, с.14]. Бу ерда олиб борилган қазилма ишлари даврида турли даврларга мансуб шиша ва сопол синиқлари, пишган ғишт ва тангалар топилган. Шаҳарнинг рабод қисмида кулолларнинг мавзелари жойлашган бўлиб, кулолчилик печлари, хом-ашё қолдиқлари, асбоб-ускуналар аниқланган. Шаҳарда шишасозларнинг ҳам алоҳида мавзеси бўлиб, ишлаб чиқариш чиқиндилари, печлар, шиша қолдиқлари бу ер ўз даврида шиша ишлаб чиқариш марказларидан бири бўлганини кўрсатади. Бу каби улкан ҳажмдаги шишасозлик мавзеси Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳозирча аниқланмаган. Шиша маҳсулотлари Буюк Ипак йўли орқали турли мамлакатларга олиб кетилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, Буюк Ипак йўлининг Марказий Осиё ҳудудларидан ўтиши мамлакатимиз ҳаётига, қадимий шаҳарларнинг шаклланиши ҳамда архитектуравий ривожланишига, шаҳарсозлик маданиятининг юксалишига ижобий таъсир қилган.

Адабиётлар

1. Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи.- Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса (Историко-археологический очерк Чача и Илака).-Т.: Фан, 1975.
3. Буряков Ю.Ф., Грицина А. Мавераннхр на Великом Шелковом пути / Отв. редактор к.и.н. Ташбаева.-Самарканд, Бишкек, 2006.
4. Эшов Б. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи. – Т.: Ўзб.Миллий Университети, 2006.

***Ғаффоров Ш.С.,**
СамДУ профессори,
тарих фанлар доктори*

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ МАНСАБ ВА УНВОНЛАРИ

Истиқлолимиз бизга кўп қадриятларимизни берди, жумладан, инсоний қадриятларни олий ўринда тутган Амир Темурдек Соҳибқирон ҳазратларининг сиймосини қайта жонлантиришда кенг одилона йўл очди, билъакс, эзгу тўйғуларни, илм-фан, бунёдкорлик ва бошқа маънавий

кадриятларни бошида тутган улуғларнинг миннатдор авлод томонидан эъозланишини ҳам яққол кўрсатди. Амир Темур – Ватан озодлиги ва мустақиллиги, аҳолининг тинчлиги, эркинлиги, мамлакат бутунлиги ва ободлиги йўлида бир умр от устида муттасил фаолият кўрсатган, марказлашган буюк салтанат ташкил этиб, уни оқилона одилона бошқарган буюк тарихий шахс.

Биз мазкур мақолада Амир Темур давридаги асосий мансаб ва унвонлар тўғрисида тўхталмоқчимиз.

Амир Темур ўз давлатида ягона ҳукмдор саналиб, у мўғул анъаналаридан фарқли равишда ўзини хон деб эмас, амир деб атаган. Амир Темур ҳокими мутлақ саналса-да, ўша давр анъаналарига кўра, чингизийлардан бўлган Суюрғатмаш ва Махмудхонлар хон қилиб кўтарилган. Улар сохта хонлар бўлиб, амалда салтанатга доир ишларнинг аҳамиятга моликлари Амир Темур томонидан ҳал этилган. Ўзи ҳам мўғул хонининг қизи Сароймулкхонимга уйланиб, фахрли Кўрагон унвонига эга бўлган ва шу орқали ўзининг сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаган.

Ҳукумат девонларининг бошлиғи девонбеги¹ бўлиб, баъзан соҳиби девон – вазири аъзам² деб аталган. Подшоҳ девони иккига: девони аъло ва девони бузургларга бўлинган. Девони аълонинг бошлиғи соҳибдеворон деб аталган. Бу олий мансабга чиғатойлар задагонлари орасидан қўйилган. Девонбеги салтанатда юз бераётган воқеаларни назорат қилган ва уларнинг ҳисоботини ҳар куни шахсан Амир Темурга бериб турган.

Марказий ҳокимиятнинг энг муҳим мансабдорларидан бири вазирлар ҳисобланган. Баъзан улар девони адл, девони куззот каби номлар билан аталган бўлиши ҳам мумкин. Амир Темур салтанатида етти вазир фаолият кўрсатган. Улар девонбегига бўйсунган. Амир Темур вазирларини чеклашга интиланган, ҳатто уларни узоқ бир мансабда ушлаб турмасдан тез-тез алмаштириб турган. Фикримизча, вазирларнинг фитналарига тез-тез дуч келган Амир Темур марказий ҳокимиятни кучайтириш, ўз қўлида ҳокимиятни мустаҳкам ушлаб туриш учун ҳам вазирларнинг имкониятларини чеклашга интиланган ва уларнинг фаолиятини қаттиқ назорат қилган. Подшоҳ ва давлат хазинасини (хазоройи амири аталган) тасарруф этиб турувчи мансабдор хазинадор (хазин)³ деб аталган. Бизнингча, улар давлат хазинасига жавобгар бўлиб, уларнинг ишлари қаттиқ текширилган.

Марказий ҳокимиятда муҳрдор лавозими катта аҳамиятга эга бўлиб, давлат ҳужжатларига муҳр қўйиш ишига масъул бўлган. Муҳрдор ҳукмдорнинг энг яқин кишиси бўлган.

Подшоҳ ҳузурига арз-дод билан келувчилар ҳақида, шунингдек, эл-юртнинг умумий аҳволи, элатларда олий ҳукмдорнинг фармон ва ваколатига

¹Ахмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. -Т.: Фан, 1996. -Б. 14.

²Ахмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. -Т.: Фан, 1996. -Б. 14.

³Абдураззоқ Самарқандий. Матлаиъ саъдайн ва мажмаи баҳрайн. -Т.: Фан, 1969. -Б. 460.

эга бўлган олий мансабдорлар арзбеги¹деб аталган. Амир Темур саройида шиқовуллар²хам катта нуфузга эга бўлишган. Улар турли давлатлардан бошқа давлатга кетаётган элчиларнинг ташкилий масаласи билан шуғулланган. Амир Темур давлатининг элчилик фаолиятининг кенглигини ва элчилар келганда уларни кутиб олишидаги расмий маросимларни кузатадиган бўлсак, бу мансаб эгаларининг катта меҳнатини, тажрибаси ва масъулиятини ҳис этамиз.

Олий мартабалардан бири тавочи (адъютант) мансаби бўлган. Улар қурултойга давлатнинг турли ўлкаларидан шахзода ва бошқа маҳаллий бошлиқларни тўплаш, юришлар олдидан лашкар тўплаш, жанглар вақтида вафот этган ҳарбийларнинг ҳисоботини олиш ишлари билан ҳам машғул бўлишган³. Товачилар тинчлик пайтида лашкарларни қурилиш ишларига тортиш ишлари билан шуғулланишган. Озарбайжонда канал қурилишига ҳам товачилар раҳбарлик қилган. Улар юришлардан тушган ўлжаларни адолатли тақсимлаш, қўшинни бир жойга қўнишини ташкиллаштириш ва бошқа ишларга ҳам масъул бўлганлар.

Подшоҳнинг ов ҳайвонларини тасарруф қилиб турган хизматкор (қушчи)лар тепасида турган олий мансабдор қушбеги⁴ деб аталган. Бу мансабдорлар подшоҳнинг ов билан шуғулланишида кўмак бериши билан бирга ўргатилган қушлар орқали алоқалар олиб боришга ҳам масъул бўлганлар. Кейинчалик уларнинг нуфузи ортиб Бухоро амирлигида бош вазир “Қушбеги” деб юритилган.

Амир Темур давридаги энг нуфузли унвонлардан бири Кўрагон (хон кўёви – Ш.Ғ.) унвони бўлган. Кўрагон Чингизхон авлодига мансуб хон кизига уйланган аслзодага берилган фахрли унвон⁵ бўлиб, ўша давр сиёсий анъаналарига мувофиқ мўғул хонлари қизига уйланган ҳукмдор ўз қонуний ҳокимиятини шу унвон орқали мустаҳкамлаганлар. Амир Темур, Жаҳонгир, Мироншоҳ, Мирзо Улуғбеклар шундай фахрли номни олганлар. Бизнингча, давлатнинг куч-қудратини оширишда, унга ҳар томонлама мақом беришда бу унвоннинг аҳамияти юксак бўлган. Деярли 130 йил давомида мўғул хонлари ўзларини давлатнинг ҳуқуқий эгаси деб тарғиб қилганлар.

Соҳибқирон Амир Темур саройидаги энг нуфузли ёрликлардан бири тархондир. Салтанат олдида кўрсатган айрим хизматлари учун ер-мулклари солиқлардан озод қилинган ва яна бир қанча имтиёзларга эга бўлган. Хон хузурига бемалол кира оладиган, тўққиз мартагача гуноҳи кечириладиган, тегишли ўлжаси тақсимланмайдиган, гоҳида авлодлари солиқдан озод қилинадиган амир⁶.

¹Аҳмедов Б. Амир темурни ёд этиб. -Т.: Фан, 1996. -Б. 14.

²Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Т.: Фан, 1996. -Б. 519.

³Абдураззоқ Самарқандий. Матлаиъ саъдайн ва мажмаи баҳрайн. -Т.: Фан, 1969. -Б. 460.

⁴Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Т.: Фан, 1996. -Б. 519.

⁵Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. -Т.: Ғафур Ғулом номли нашриёти, 1966. -Б. 16.

⁶Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б. 516.

Амир Темур саройидагинуфузли унвонлардан яна бири Нўёндин. Улар Амир Темур томонидан тамғага эга бўлган чигатой зодагонларидан чиққан бўлиб, улуғ, амир, ноиб, туман (ўн минг кишилик лашкар) бошлиғи маъноларида қўлланган. Бу унвон эгаси ҳам Амир Темур саройида катта нуфузга эга бўлган. Шунингдек, Амир Темур даврида иқтидорлар¹ ҳам катта нуфузга эга бўлишган. Иқто юқори ҳарбий лавозимдаги кишиларга олий ҳукмдор лашкарлари ва бошқа давлат ишларида кўрсатган жасорати эвазига берилган ер улуши. Улар баъзан вақтинчалик, баъзан умрбод берилган. Бу усул, албатта, марказлашув жараёнларига халал бериши мумкин эди. Бизга тарихдан маълумки, иқто тизими сомонийлар ва қорахонийлар даврида ҳам мавжуд бўлган.

Шаҳзода ва хонзодаларнинг тарбиячилари оталиқ деб аталган ва бу мансабга ҳам Амир Темур хонадонига энг яқин кишилар танланган. Улар атко, отабек деб ҳам аталган. Улар ҳукмдор олдига бемалол кириш ҳуқуқига эга бўлган ва шаҳзодаларни ҳар томонлама мукамал тарбиялашдек муҳим вазифани бажаришган. Маълумки, қадимдан давлат бошлиқлари янги туғилган фарзандларини бирор энагага бериб эмиздирганлар. Энага бўлиш тоза наслик, янги фарзанд кўрган аёл бўлиши керак бўлган. Аткалар эса ана шу энаганинг эри ҳисобланган ва у шаҳзодага отадек ҳисобланган. Ҳар қандай киши энага ёки атка бўлавермаган, балки тоза наслик, ҳар томонлама соғлом, зийрак, ақлли, доно кишилар бу ишга лойиқ деб топилган. Улар шаҳзодалар тарбияси билан махсус шуғулланган. Оталиқ болага турли соҳаларда мураббий устозлар олган ва уларни ҳар тарафлама давлат ишларида тайёрлаб борган.

1394 йил 14 августда Шохруҳ Мирзо ўғил кўради. Унга Иброҳим Султон деб исм қўядилар. Шаҳзодага Туман оғо (Амир Темурнинг дона завжаси – Ш.Ф.) мураббий этиб тайинланади. “Ва амир Усмон Аббосни отабек (оталиқ –Ш.Ф.) қиладилар ва хатуни Сотқин оғоким, Соҳибқиронга уруғ бўлур эди. Энагаликка муқаррар бўлди.”²

Шаҳзодалар ёш вақтида салтанатга ўтирса ёки янги иш бошласа, оталиқлари уларга маслаҳатчилик қилган. Шаҳзодалар ўн икки ёшга тўлганда уларга вилоят берилган. Обрўли амир ёхуд беклардан бири унга мураббий, яъни оталиқ ёки отабек³ этиб тайинланган. У шаҳзода ўн олти ёшига етгунча бола номидан вилоятни бошқарган⁴.

Подшоҳ амир фармонларини маҳаллий ҳукмдорларга етказувчи мансабдор парвоначи⁵ деб аталган. Бу мансаб ҳам Амир Темур саройидаги нуфузли мансаблардан ҳисобланган.

¹ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б. 172.

² Абдураззоқ Самарқандий. Матлаиъ Саъдайн ва мажмаи баҳрайн. -Т.: Фан, 1969. -Б.100.

³ Ўша жойда. -Б. 93.

⁴ Аҳмедов Б. Миллий тарбия сарчашмалари. -Т.: Фан, 1996. -Б. 125-126.

⁵ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаиъ Саъдайн ва мажмаи баҳрайн. -Т.: Фан, 1969. -Б. 458.

Кўкалтош – кўкалдош, шахзода энагасининг ўғли; сут эмишганлик жихатдан шахзодага биродар бўлган киши. Бир онадан сут эмганлиги туфайли улар саройда катта нуфузга эга бўлганлар.

Баковул – шахсий номга қўшилиб келган унвон бўлиб, бу мартабадаги амалдор подшоҳга бериладиган овқатни олдиндан татиб кўрган¹. Унинг зиммасига ҳукмдор ва сарой аҳли мазали таомлар тайёрлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилган. Шунингдек, баковул тўй ва меҳмондорчилик ишларини ҳам бошқарган. Сарой ошпазларининг бошлиғи баковулбоши деб аталган. Баковулбоши нуфузли мансаблардан бўлиб, сарой ошхонасида таомлар тайёрланиши, умуман, овқатланиши билан боғлиқ барча масалаларга масъул бўлган. Нозик дид, фаросатли, олий мансабли, билимдон кишилар бу мансабга қўйилган. Шунингдек, боварги унвони ҳам шахсий номига қўшиб айтилган² ва бу унвон сарой бош ошпазига берилган. Подшоҳ таомлари олдида тортиб берувчи хонсослар³ сарой дастурхонини безатувчиси бўлган.

Подшонинг шахсий котиби мўнший⁴ деб аталган. У мўншитий хос деб ҳам аталган. Мўнший махфий кенгаш ва мажлислардаги бўлган гапларни холислик билан дафтарга қайд қилиб борган. Мўншийлар томонидан фатҳномалар ва бошқа эътиборга молик хатлар ҳам ёзилган. Улар хуснихатда моҳир бўлганлар.

Амир Темур давлатида ёзув ишлари билан шуғулланувчи девон ходимлари бахийлар⁵ бўлиб, улар сарой ҳужжат ишларини юритганлар. Улардан давлат ишларини тўғри ва ўз вақтида юритиш талаб этилган. Уларнинг ҳам баковул, боковулбоши каби саройда нуфузи катта бўлган.

Амир Темур саройида катта мансаб ва унвон эгалари билан бирга хизматчи-ходимлар ҳам фаолият юритишган. Битикчи, котиб, девон хизматчиси деб аталган хизматчилар салтанатнинг ёзув-чизув ишларини олиб борган. Подшо девони иш фаолиятини тўғри юритиш муҳимлигини инобатга олсак, бу хизматга Амир Темурга яқин, билимдон, зийрак кишилардан қўйилгани англашилади. Хаттот – қўлёзма китоблардан нусха кўчирувчи, котиб, хуснихат соҳиби бўлиб, улар давлат аҳамиятига молик мактублар ёзиш ишларини ҳам бажаришган.

Подшоҳ ва шахзодаларнинг отларига эгар урувчи хизматчи зинбардор ҳукмдорга тез ва ҳар доим от-араваларни тайёрлаш керак бўлган.

Ҳукумдорнинг хос ишончли новкарлари ичкилар⁶ деб аталган. Бизнингча, ҳукмдорнинг энг ишончли кишилари, шу боис улар ичкилар дейилган бўлса керак. Олий ҳукумдорнинг кенгаш ва машваратларида навбатма-навбат ҳозир бўлиб, мажлисда кўрилган ва ечилган муҳим

¹ Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. Т.: Ғофур Ғулом номли нашриёти. 1966. -Б.16.

² Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. -Т.: Шарқ. -Б. 262.

³ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаиъ Саъдай ва мажмаи баҳрайн. -Т.: Фан, 1969. -Б. 100.

⁴ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаиъ Саъдан ва мажмаи баҳрайн. -Т.: Фан, 1969. -Б. 100.

⁵ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаиъ Саъдан ва мажмаи баҳрайн. -Т.: Фан, 1969. -Б. 351.

⁶ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. -Т.: Шарқ. -Б. 262.

масалаларни ёзиб олиб сақловчи ходимлар мажлиснавис деб аталган. Бундан ташқари уларнинг зиммасига подшоликка тушган арзлар, қабул этилган қарор (хукм), мамлакат аҳамиятига молик ишлардан тортиб то шахсий гапларигача қайд этиб бориш ишлари ҳам юклатилган. Бу эса Амир Темур даврида бажарилган давлат аҳамиятига молик ишлар баённомалар тарзида сақланганини билдиради.

Подшоҳ отхонаси хизматчиларининг тепасида турган мансабдор мирохур¹ деб номланган. Улар подшоҳ отларининг зотдорларини танлаш, озуқасини таъминлаш, уларни махсус тайёрлаш ишларига масъул бўлганлар. Подшоҳ саройида Мироббоши мансаби ҳам мавжуд бўлган. Улар сув хўжалиги бошқарувчиси мироблар² фаолиятига раҳбарлик қилган. Сунбий суғоришга айланган Ўрта Осиё иқлимини инобатга олсак, сув тақсимоти масаласи катта аҳамиятга молик эканлигини англаймиз.

Муҳандис – геометрия илмини яхши билган олим, биноларнинг тарихини тузиб берувчи мутахассис; қурувчи-инженер. Ўша даврдан қолган бетакрор ва залворли иморатлар уларнинг савияси ва илми даражасидан дарак беради. Бу мутахассис ҳам Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолиятида фаол иштирок этган. Шунингдек, шахсий номига кўшилиб келган миҳаффаги³ подшоҳ тахтиравони (муҳаффаси)га боғлиқ бир лавозим эканлигини билдиради. Сарой хизматчилари орасида фаррошлар ҳам бўлиб, улар подшоҳ хоналарини супуриб-сидирувчи, гилам, тўшак ва бошқа керакли нарсаларнинг озодалигига, саришталигига жавоб беришган.

Подшоҳ саройида (ҳарамда) хизмат қилувчи бичилган ахта қуллар хожасаролар деб аталган. Улар ҳарам аҳлининг хизматини қилишган. Сарой хизматчилари орасида чухралар ҳам фаолият юритган. Улар оқсуяк тоифадан чиққан ва сарой хизматида бўлган ёш йигитлар эди⁴. Бизнингча, улар шахзодаларнинг шахсий кўриқчилари бўлишган. Уларнинг бошлиқлари чухрабоши деб аталган.

Подшоҳлар чодирини олиб юрувчи хос хизматкор шукурчи деб аталган. Амир Темур кўпроқ вақтини юришларда ўтказган ва доим шукурчининг иши шунга яраша мураккаб бўлган.

Подшоҳ саройини назорат қилиб турувчи қуролбардор, яроқбардор, салоҳдор киши курчи деб аталган. Бизнингча, улар сарой хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлган.

Маҳаллий бошқарувга оид мансаб ва унвонлар: Шероз, Исфохон, Язд, Ҳирот, Самарқанд каби шаҳарларда маҳаллий девонлар мавжуд бўлиб, девон бошлиқлари “соҳиби девон” деб аталган⁵. Маҳаллий девонлар ҳақида бизгача кам маълумотлар етиб келган. Бизнингча, бундай маҳаллий девонлар катта аҳамиятга молик бўлган шаҳарларда ташкил этилган.

¹ Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. Т.: Ғофур Ғулом номли нашриёти. 1966. -Б. 15.

² Абдураззоқ Самарқандий. Матлаиъ Саъдайн ва мажмаи баҳрайн. -Т.: Фан, 1969. -Б. 350.

³ Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б. 512-513.

⁴ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаиъ Саъдайн ва мажмаи баҳрайн. -Т.: Фан, 1969. -Б. 350.

⁵ Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б. 518.

Маҳаллий девон форс маъмурларидан тузилган, аммо солиқларни йиғиш тўлиғича уларнинг ваколатига кирмаган. Девонларнинг ваколатли муддати ҳақида маълумотлар кам бўлиб, соҳиби девонлар бир вилоятдан бошқа жойларга ҳам ўтказилган.

Маҳаллий бошқарувда доруғалар катта роль ўйнаганлар. Улар туман, шаҳар ёки вилоят ҳокими, соқчилар бошлиғи каби кўплаб ваколатли ишларни бажарган. Улар кўпинча чегара вилоятларига тайинланган. Раиятни рўйхатга олиш ва подшоҳ саройига етказиш, маҳаллий ҳукмдорларни назорат қилиш ишлари ҳам доруғалар зиммасида бўлган¹. Доруғалар юришлар вақтида Амир Темур кўшинининг кузатувчиси вазифасини ҳам бажаришган². Шунингдек, туманларни бошқариши, почта станциялари иш фаолиятини тўғри ташкиллаштириш, солиқлар йиғиш ва уларни саройга юбориш ишлари билан ҳам шуғулланишган³. Доруғалар қишлоқ хўжалигини тиклаш, шаҳарлар қурилиши ёки қайта тиклаш ишларига ҳам масъул бўлишган. Демак, маҳаллий ижроия ҳокимиятини бошқарувчи доруғалар ўз ҳудудларидаги барча масалаларга жавобгар шахслар бўлиб, улар темурийлар давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутганлар. Доруғаларга ҳам давлат томонидан катта талаб ва мажбуриятлар қўйилган. “Темур тузуклари”да келтирилишича, агар уларга қаршли ҳудудда бирор фуқаронинг мол-мулки талон-тарож қилинса, ўша маъмурлар ўз ҳисобидан мол-мулкни тўлаганлар, шунинг учун бу мансаб ҳам жуда масъулиятли ҳисобланган. Бу мансабларга ҳам тамға ёрлиғига эга бўлган чиғатой зодагонлари қўйилган. Шунингдек, муҳосиллар ҳам кўпроқ чиғатойлардан қўйилган⁴. Муҳосил энг нуфузли мансаблардан ҳисобланган. Улар доруғалар билан бир қаторда кўп шаҳарларда фаолият юритишган. Муҳосиллар кўпинча моли омон солиғини, қарам ерларда хирож солиғини йиғишга масъул бўлганлар.

Тамғачилар савдо-сотикдан ва божхона хизмати орқали келадиган тушумларни йиғиш ишларига масъул бўлган⁵. Ҳар бир вилоят ва шаҳарларда адолат амири мавжуд бўлиб, у шу ҳудуднинг адлия ишларини назорат қилиб борган. Амир Темур даврида ҳокимият идоралари, солиқ бошқаруви, божхона хизмати ва бошқа маҳаллий давлат бошқарув идораларининг даражасини ана шу турли мансаб ва унвонларни таҳлил этиш орқали билиб олишимиз мумкин. Жойлардаги молиявий қирим-чиқим ишлари бўйича ерлардаги вакиллар муҳосиб-ҳисобчи, ҳисоб-китобларни сақловчи муставфийлар⁶ деб аталган. Қалъа бошлиғи кутвол⁷ дейилган. Бизнингча, улар мудофаа ишларида муҳим роль ўйнаган. У пайтда

¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б. 521.

² Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б. 526.

³ Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б. 526.

⁴ Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б. 526.

⁵ Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б. 520.

⁶ Абдураззоқ Самарқандий. “Зафарнома” Матлаиъ саъдайн ва мажмаи баҳрайн. -Т.: Фан, 1969. -Б. 457.

⁷ Ўша жойда. -Б. 63.

мустаҳкам қалъалар мавжуд бўлиб, уларни забт этиш мушкул масала бўлган. Бу қалъалар, аввало, стратегик ва мудрофаа мақсадларида қурилган. Ёв бостириб келган тақдирда ҳам қалъа дарвозасини очиш ёки очмаслик масаласини кўпинча кутвол ҳам қилган. Қалъа дарвозалари калити кутволда турган. Шунинг учун бу мансабга ватанпарвар, тадбиркор, ақлли кишилар кўйилган.

Маҳаллий бошқарувда мухтасиблар ҳам муҳим роль ўйнаганлар. Улар мўмин-мусулмонлар томонидан шариат қонун-қоидаларининг бажарилиши, бозорда нарх-наво ва тошу тарозуларнинг тўғри ёки эгрилигини назорат қилиб турувчи мансабдор ҳисобланган. Мухтасиблар маънавий ишларни ҳам назорат қилишган.

Молия ва қишлоқ хўжалигини бошқариш ишлари билан шуғулланган маҳаллий ва кичик маъмурлар аминлар (ишончли кишилар) деб аталган. Улар маҳаллий ҳудудларда экин ерлари, солиқ йиғиш ҳуқуқи ва ваколатига эга бўлган¹.

Олий ҳукмдорнинг фармонлари ва подшоҳликда (хусусан, саройда) юз бериб турадиган муҳим воқеаларни халққа эълон қилиб турувчи кичик мансабдор жарчи² дейилган. Улар маҳалла ва қишлоқларда, бозорларда ва халқ оммаси йиғилган ерларда баланд овоз билан жар чақирганлар. Бу ҳам ўрта аср давлатчилигига хос ахборот алмашиш усулларида бири эди.

Сув тақсимловчи мироб жуйбон деб аталган. Улар ўз ваколатлари доирасида ўзларига тегишли ҳудудларда сув тақсимоти билан шуғулланган. Маҳалла раиси, хунармандлар растасининг бошлиғи кулу деб аталган. Аввалги ҳудудий жойлашувга кўра маҳалла ва қишлоқларда маълум касб-хунар эгалари истиқомат қилган. Уларга эса ҳам касбу хунари, ҳам оилавий аҳволи билан ибрат бўла оладиган кишилар маҳалла раиси этиб сайланган. Бизнингча, қишлоқ ҳокимлари калонторлар дейилган ва улар маҳаллий ҳокимият идораси вакили ҳисобланган. Улар ҳам ўз ҳудудининг ижтимоий ҳаётига, тинчлик фаровонлигига жавобгар бўлганлар.

Суд-ҳуқуқ ҳокимиятига оид мансаб ва унвонлар: Амир Темур даврида қозилик мансаби энг нуфузли ва масъулиятли вазифалардан бири бўлган. Қозилар давлатнинг суд, ҳуқуқ-тарғибот ишларини мувофиқлаштиришда муҳим роль ўйнаганлар. Улар ижтимоий адолат тамойилларини амалга ошириш, давлат ва ҳуқуқ, давлат ва фуқаро, фуқаро ва жамият, фуқаро ва фуқаро ўртасида муҳим воситачилик ролини бажарган ва ўзаро муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб турган. Улар нафақат ҳуқуқ-тартибот, балки давлатнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳам муҳим роль ўйнаганлар. Қозилар давлат куч-қудрати рамзларидан бири бўлган. Шунингдек давридаги қонунийликнинг қарор топишида ҳам катта аҳамият касб этган. Қозиларнинг қонунга сўзсиз амал қилиши, бу даврда

¹ Муҳаммаджонов А.Р. Темур ва темурийлар. -Б. 121.

² Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б. 453.

қатор топган ҳуқуқий мувозанат ўз замонасида жуда катта маънавий илм ва салоҳиятга эга бўлган қозилар етишиб чиққанини кўрсатади.

Чигатой амирлари ва шахзодалар ишларини кўрувчи амалдор ярғучи деб аталган. У Олий трибунал судида фаолият юритган. Қозилар қонунийлик, қонун олдида барчанинг тенглиги, адолат, қонунларга сўзсиз амал қилиш каби тамоилларга амал қилган. Улардан адолатли ва қонуний ҳукм-қарорлар чиқариш талаб этилган. Агар томонлардан бири қозининг чиқарган қарори ёки ҳукмидан норози бўлса, унинг устида турган қозиларга, қозикалонларга¹, ҳатто давлат бошлиғига шикоят қилишга ҳақли бўлишган. Бутун мамлакат бўйича қозилар фаолиятини назорат қилиш қозикалонга юклатилган. Амир Темур давлатида судлов ишлари қозилар томонидан амалга оширилган бўлиб, улар шариат, фуқаролик, ҳарбий судларга бўлинган.

Тарихчи олим Азамат Зиё ҳам бу даврнинг адлия, яъни суд-ҳуқуқ тизимини учга бўлган эди. Адлия вазирлиги тўғридан тўғри фуқаролар, ё манба тили билан шуғулланган. Ҳарбий суд (лашкар қозиси) эса алоҳида равишда фаолият кўрсатган. Шариат тартиблари билан эса ислом қозиси шуғулланган². Академик Бўрибой Аҳмедов фикрича, дунёвий масалалар билан шуғулланувчи қозилар аҳдос қози деб номланган. Шариат ишлари билан шуғулланувчи қозилар шариат қозиси, сипоҳийлар ўртасидаги келишмовчилик ва тортишувларни ҳал этувчи қози – қози аскар деб аталган³. Амир Темур даври ҳуқуқ-тартиботини ўрганар эканмиз, бу соҳада кўплаб мансабдорлар фаолият юритганлигини, уларнинг ҳар қайсиси ўзининг аниқ вазифаларига эга бўлганлигини билиб оламиз. Шулардан бири асослардир⁴. Улар тунда фуқароларнинг тинчлик-хотиржамлигини сақлашга масъул бўлишган.

Фуқаролардан тушган арз-додларни қабул қиладиган ва маъмуриятга етказадиган мансабдор додхоҳ⁵ деб аталган. Солиқ йиғувчи, ясони амалга оширувчи мансабдор ясоқий бўлиб, улар сарбоз⁶ деб ҳам аталган. Давлат маъмурий тизимида ёқоқийлар ҳам катта аҳамият касб этганлар. Давлат бойлиги, равнақининг бош манбаи солиқ ва хирожларнинг камчиликсиз ҳазинага келиб тушиши уларнинг ҳалоллигига боғлиқ эди. Уларнинг зиммасига халқни қийнамаслик ва, шунингдек, давлатни ҳам унутмаслик, қонундан четга чиқмаслик вазифалари юклатилган.

¹ Тожиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 1-жилд. Ўзбекистон ИИВ Академияси нашри. – Т., 1998. –Б. 178.

² Азамат Зиё. Давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳарбий сиёсат. –Т. –Б. 180-181.

³ Азамат Зиё. Давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳарбий сиёсат. –Т. –Б. 180-181.

⁴ Аҳмедов Б. Амир Темур давлатини идора қилиш сиёсати. Амир Темурни ёд этиб. –Т.: Фафур Ғулом номли нашриёти, 1996. –Б. 116.

⁵ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. –Т.: Шарқ, 1997. –Б. 262.

⁶ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаиъ Саъдайн ва мажмаи баҳрайн. –Т.: Фан, 1969. –Б. 455.

Полиция маҳкамаси йасағлиқ¹ деб аталган. Улар давлат ичидаги тартиб-интизомларни сақлашга масъул бўлишган. Биз юқорида асослар, йасағлиқ ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи мансаблар ҳақида маълумотлар бердик. Бу маълумотлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар турли-туман бўлганини ва уларнинг маълум вазифаси мавжудлигини кўрсатади.

Диний бошқарувга оид мансаб ва унвонлар: Амир Темур даврида ислом динининг мавқеи баландлигини инобатга оладиган бўлсак, диний бошқарув ҳам катта аҳамият касб этганини анлаб етамиз. Амир Темур давлат бошқарувида ислом мафқураси давлат ва халқ таянчи вазифасини бажарган. Шу туфайли у бошқарувда диний бошқариш усулларини такомиллаштирган эди.

Амир Темур даврида мусулмонлар пешвоси шайхулислом деб аталган. Алишер Навоий: “Шайхулислом мусулмонлар пешвосидан иборатдур ва ислом муктадосиға ишорат. Мундоқ киши олими керак Исломпаноҳ ва орифе керак. Мухарраби даргоҳ, Хиродманди шариат шиор ва фақирға хурсанд тариқат осар яхши-ёмонга шафқати фазли улуғ кичикка иршоди нафви қонуниға росих ва барча мубтадотлар бидъатиға носих”,² дейди.

Шайхулислом, аввало, илми, ислом динининг паноҳи, ориф, яъни комил инсон, ҳар томонлама мукамал, шариатга сўзсиз итоат этадиган, уни қаттиқ ҳимоя қиладиган, инсон бўлмиш мискинларга, яхши-ёмонга шафқатли бўлмоғи, катта-кичикка нафи этадиган, мутасаввуф, бидъатни заифлаштирмоғи ва исломни кучайтирмоғи, турли ғояларга қарши курашмоғи керак. Бу мансаб олий диний мартаба ҳисобланганлиги боис бу мартабага катта обрўга эга бўлган, ўз ортидан кишиларни эргаштира оладиган кишилардан кўйилган. Ўрта аср мусулмонлари давлатчилигига ислом ғоялари асосий мафқура ҳисобланган. Ўрта асрларда шайхулислом катта сиёсий нуфузга эга бўлган ва у маънавий ҳаётга, ҳатто мамлакат сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатган³.

Саройдаги энг катта диний лавозимлардан бири аълам дейилган. Бу олий лавозимга фикҳ ва шариат қонунини биладиганлардан танлаб кўйилган. Улар шариат қонунларига оид масалаларда бош ҳукмдорга маслаҳатчилик ҳам қилишган⁴.

Мўмин-мусулмонлар томонидан шариат қонун-қоидаларнинг бажарилиши, бозорда нарх-наво ва тошу тарозуларнинг тўғри ёки эзгуликни назорат қилиб турувчи олий мансабдор мухтосиб⁵ деб аталган. Улар асосан маънавият ишларига масъул бўлганлар.

¹ Хусайн Байқаро. Рисола. Нашрга тайёрловчилар: Алибек Рустам ва Каримбек Ҳасан. –Т.: Шарк, 1991. –Б. 21-22.

² Алишер Навоий. Махбуб ул-кулуб. Асарлари. Т. XII. –Т., 1996. –Б.17.

³ Амир Темур жаҳон тарихида. БМТ. ЮНЕСКО. –Париж, 1996. –Б. 65.

⁴ Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. –Т.: Ғофур Ғулом номли нашриёти, 1966. –Б. 14.

⁵ Муҳаммаджонов А.Р. Темур ва темурийлар. –Б. 121.

Амир Темур даврида пайғамбар Муҳаммад с.а.в. нинг авлодлари саналган сайидларнинг обрўси кучли бўлган. Улар мамлакат ҳаётида катта ўрин тутган. Амир Темур уларга катта ер-мулклар, моддий ҳадялар инъом этган.

Муҳтасибга бўйсунувчи мансабдорлар ихтисоб аҳли (иктисобчи)лар деб аталиб, уларга шариат асосида ижтимоий тартибни сақлаш ва бузуқчиликнинг олдини олиш вазифаси юклатилган. Улар ичкилик, маишатбозлик, тарозидан уриш каби турли салбий иллатларга қарши иш кўрганлар ва жамият тартиб-интизомини сақлашда катта роль ўйнаганлар. Улар ўзларига тегишли ҳолатлардаги ҳуқуқбузарликларни жазолаш ҳуқуқига эга эдилар. Улар ўзларига тегишли ҳудудлардаги маънавий масалаларга масъул бўлганлар.

Вақф ерларини бошқариш каби муҳим ишларни олиб борган мансабдор¹ садр деб аталган. Садр масжид, хонақо каби диний масканлар, давлат томонидан хусусий мулкдорлар томонидан ҳадя этилган диний идораларга тегишли ерларнинг олиқ-солиқ, сарф-харажат ишлари билан машғул бўлган. Улар Садри аъзамга бўйсунганлар. Садри аъзам-сайидлар ва диний арбобларга суюрғол тариқасида берилган ерлар, шунингдек, вақфларни тафтили қилиб, вақти-вақти билан олий ҳукмдорнинг арзига етказиб туриш зиммасида бўлган олий мансабдор бўлиб, бу мансабга фикх ва шариат илмини яхши билган, ҳалол, тақводор олимлардан қўйилган.

Амир Темур даврида мусулмон ҳуқуқини шарҳлаш ва тасниф этиш ишлари билан фақҳлар шуғулланган. Улар мусулмон ҳуқуқидаги баъзи ечилмаган муаммоларни ечишга интилиб, аввало, Қуръони Карим, ҳадислар ва ўзларидан аввал мусулмон ҳуқуқига оид асарлар ёзган олимларнинг асарларига таяниб тадқиқотлар олиб боришган.

Имом хатиблар масжид ишларини юритиш ва халқни номозга чақириш, номоз ўқитиш ва бошқа ишларга бошчилик қилганлар. Улар аҳолини турли даъватлари билан яхшиликка чақирганлар. Бу даъватлар, айниқса, жума номози куни яхши ташкиллаштирилган.

Амир Темур даврида воизлар (ваъз айтувчи – Ш.Ғ.) ўз нутқларининг равонлиги ва таъсирчанлиги билан омманинг онгига катта таъсир кўрсатган.

Мадрасаларда диний ва дунёвий илмлардан дарс берувчи муаллимлар мударрислар дейилган. Булар аҳолининг саводхонлигини, маънавий дунёсини оширишда катта роль ўйнаганлар. Мударрисларнинг обрўси халқ орасида баланд бўлган. Бу даврда шайхлар ва уларнинг авлодлари ҳам энг обрўли кишилардан ҳисобланган.

Биз юқорида Соҳибқирон Амир Темур давридаги мавжуд бўлган мансаб ва унвонларни имкон даражасида кўриб чиқдик, аммо бу мукамал маълумотлар эмас, албатта.

¹Амир Темур жаҳон тарихида. Илмий раҳбар С.С.Саидқосимов. -Т.: Шарқ, 1996. -Б. 65.

Адабиётлар

1. Темур тузуклари. Форс тилидан Алихонтўра Соғуний ва Ҳабибулла Кароматов таржимаси. Проф. Б.Аҳмедов таҳрири остида. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
2. Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. -Т., 1996.
3. Аҳмедов Б. Миллий тарбия сарчашмалари. -Т.: Фан, 1996.
4. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаиъ саъдайн ва мажмаи баҳрайн. -Т.: Фан, 1969.
5. Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. -Т.: Шарқ, 1997.
7. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаиъ саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Т.: Фан, 1969. - Б. 454.
8. Муҳаммаджонов А.Р. Амир Темур ва темурийлар.

*Джуракулова Д.М.,
СамДУ профессори
Эргашев О.Т.,
СамДУ доценти*

САМАРҚАНД СЎНГГИ ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ МАКОНИНИНГ ЎРТА ОСИЁ АРХЕОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЎРНИ

Самарқанд шаҳри ҳудудида ва унинг теварак-атроф музофотларида одамзот жуда қадимдан, яъни палеолит (қадимги тош асри) давридан яшаб келганлиги тадқиқотлар туфайли исботланган. Зарафшон ҳавзасининг, айниқса, унинг бевосита Самарқанд шаҳри билан боғлиқ ўрта оқими минтақаси ўзининг жўғрофик жойлашиши, табиий иқлими ва экологик шароитининг қадимдан мўътадиллиги билан инсон жамоалари эътиборини азалдан жалб қилиб келган. Самарқанд сўнги палеолит макони илк уруғчилик жамоасига мансуб бўлиб, макон 1958-1973 йилларда тўла қазиб ўрганилди. Бу ерда иш олиб борган археологик отрядга 1969 йилга қадар Д.Н.Лев, сўнг эса унинг шогирди М.Жўракулов раҳбарлик қилди. Қазилмалар давомида маконнинг бирин-кетин ташкил топган ва ривожланган уч маданий қатламдан иборат эканлиги маълум бўлди. Маданий қатламлар сарғиш соз тупроқда жойлашган бўлиб, у геологик жиҳатдан Мирзачўл цикли деб аталган даврнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Умуман олганда, макондан 8 мингдан кўпроқ тош буюмлар топилди. Бу катта коллекция таркибида ибтидоий одамлар ясаган хилма-хил қурол-аслаҳалар, жумладан, қўл болталар, қирғич ва рандалар, найза учлари, пичоқсимон қуроллар, ушатгичлар, сандонлар, кескич асбоблар, панасимон қуроллар, ишлов берилган турли шакл ва шамоийлдаги учриндилар, ўзаклар сингари буюмлар тақдим қилинган. Чакмоқтош ва диоритдан ясалган турли ҳажмдаги сандонлар, айниқса, диққатга сазовордир. Булардан тош қуролларни кертис, уларга кескир тиглар чиқаришда фойдаланилган. Ясаиб тугалланмаган қуроллар – ярим фабрикатлар, шунингдек, кўпгина тош парчалари ҳам топилди. Чакмоқтош учирмаси – чиқиндиларнинг сон-саноксиз кўпчилигига қараганда маконда тошдан қуроллар ясайдиган

устахона бўлган (Лев Д.Н., 1964, 33-36). Қуроллар ичида ҳайвон териларини шилиш учун қўлланган қирғичлар, суякдан ясаладиган буюмларни ишлаш учун мўлжалланган кескичлар диққатга сазовордир. Қуроллар орасида четлари ботиқ тиғли парақалар алоҳида ажралиб туради. Қадимги одамлар бу ускуналар ёрдамида ёғоч буюмларни рандалаганлар. Самарқанд макони уч маъдан қатламдан иборат бўлиб, айниқса, пастки иккала қатламдан топилган ашёлар муайян тарзда қадимийроқ ва юқори қатлам манбалари эса бирмунча такомиллашган кўринади. Бу манзара маконнинг узок вақтлар овчи жамоаларнинг муайян кўним жойи – таянч лагери бўлганлигидан, манбалар қуролларнинг эса пешма-пеш тараққиёт эволюциясидан гувоҳлик беради. Сўнгги 3-4 йил давомида Самарқанд маконининг тош индустрияси трассологик технологияси анализидан ўтказилди. Бу изланишлар шуни кўрсатадики, биз авваллари меҳнат воситалари ишлаб чиқариш чиқиндиси деб билган учринди ва бошқа тош синиқларининг аксарияти турмуш юмушларида ишлатилганлиги, шунингдек, қуроллар таркибининг ҳам аввалги тасаввурларга нисбатан анча кўплигини кўрсатди. Биз авваллари "чиқинди" деб билган тош парчаларининг 87 % дан кўпроғи меҳнат қуроллари бўлиб чиқди (Коробкова Г.Ф., Джуракулов М.Д., 2000, № 1, 434-450). Қуроллар асосан юқори сифатли чакмоқтошдан, халседондан ва бошқа сифатли тош жинсларидан тайёрланган. Тош қуроллар учун хом ашё макондан тахминан 8 км чамаси шимолроқда жойлашган Чўпонота массивидан келтирилган. Маконда чакмоқтошли сланетс хом ашёсидан ясалган қуроллар ҳам учрайди. Бундай "хом ашё" Улуғбек расадхонаси яқинида янада кўпроқ учрайди (Асқаров А.А., Лев Д.Н., 1971, 22-23).

Археологик қазилмалар давомида маконда қадимги ҳайвон ва ўсимлик қолдиқлари, гулхан излари, табиий буёқ (охра) қолдиқлари топилди. Меҳнат қуролларининг пастки икки қатламидан топилган нухалари мустъер даврига ўхшашлиги кузатилди. Шунинг учун ҳам Д.Н.Лев бу маконни сўнгги палеолитнинг бошланғич тараққиёт босқичига мансуб деб хулоса чиқарган эди. Меҳнат қуроллари орасида тош парчаларидан ишланган понасимон қуроллар қизиқарли бўлиб, бу ҳолат Зарафшон воҳаси палеолит ёдгорликларида фақат Самарқанд макони жамоаларига хосдир (Лев Д.Н., 1967, 30).

Макон индустриясида қайроқтошлардан ясалган, одатда тиғлари икки-уч йирик кертис усули билан ўткирилган тош болталар қизиқарлидир. Бундай қуроллар археологияда чоппер ва чоппинг деб ҳам аталади. Шундай қадимги қуроллардан бўлган болталардан бирининг узунлиги 16 см бўлиб, у қурол ясаладиган "устахона"дан топилган.

Самарқанд маконида қазилмалар ўтказилган вақтда ёввойи ҳайвонларнинг кўплаб суяклари топилиб, улар синдирилган ва оловда куйдирилган. Айниқса, зоти жиҳатидан Прежевалский отларига яқин бўлган қадимий отларнинг суяклари кўплаб топилган. Бу манзара овчиликнинг муайян жониворларга ихтисослашганлигидан далолат беради. Тўртламчи

даврга мансуб ёввойи туя, турли хил буғу суяклари, шохлари, шунингдек, эрон билан Афғонистонга чегарадош Қорақумнинг Бадхиз қўриғида ҳозир ҳам учраб турадиган плейстоцен даври ёввойи эшагининг суяклари топилган. Маконда ибтидоий одамларнинг чайласимон капаларининг излари ҳам учрайди. Авваллари қоя ости, ғорлар ва унгурлардан ибтидоий овчилар бошпана сифатида фойдаланган бўлса, сўнгги палеолит даврига келиб, улар "ғордан чиқиб", ўзлари учун турар-жой кура бошлайди. Бу ҳодиса сайёҳликдан муайян қўним яшаш сари интилиш эди. Натижада, одамлар биргина тоғли музофотларда, ўрмонларда эмас, балки текисликларда, кичик дарё ва кўлларнинг соҳилларида ҳам яшаб, хуллас, ўзларига маъқул экологик бурчакларни танлаб, янги музофотларни ҳам ўзлаштира бошлаганлар.

Самарқанд маконида топилган чайла изларининг майдони 100 м² дан зиёдроқ бўлиб, у деярли тўғри бурчак шаклига эга бўлганлигини тадқиқотлар туфайли исботланди. Чайла сой бўйига жойлашган ва ибтидоий она уруғдошларнинг кундалик ҳаёти шу сой соҳилида овчилик ва термачилик билан ўтган. Макон жойлашган атрофи чакалакзорларида турли ҳайвонлар яшаган. Бу эса овчиларга катта қулайликлар туғдирган.

Сўнгги палеолит даврида муҳим ижтимоий ҳодисалар юз берганлигидан дарак беради. Шулардан муҳими уруғчиликнинг, она уруғининг (матриархат) ташкил топиши ва шаклланиши билан боғлиқ. Самарқанд маконини ўрганиш вақтида (1962) сўнгги палеолит даври одам қолдиғининг топилиши фақат археологларда эмас, балки тарихимизга катта қизиқиш уйғотди. Одам қолдиғи 3 метр 20 см чуқурликда унинг пастки жағ суяги тўққизта тиш билан бирга топилди. Антропологлар бу топилмани 25-35 ёшлардаги аёлга тааллуқли бўлса керак, деб хулоса беришдилар.

1964 йили ёмон сақланган йирик ҳайвон қовурғаси топилди. Унга ибтидоий одам томонидан бешта махсус белги чизилган. Бу ҳодиса уларда абстракт тушунчанинг эндигина шаклланиб бораётганидан гувоҳлик беради, деган хулосага олиб келади. Шу йилнинг ўзида маконнинг 2 метр 55 см чуқурликдаги маданий қатламдан махсус тешикли иккита денгиз чиғаноғи топилган бўлиб, улар зеби-зийнат буюми эканлиги маълум бўлди. Қадимги одамларнинг зеб-зийнат буюмлари яна 1965-1967 йилларда бу маконни қазиш давомида ҳам топилди. Жумладан, данаксимон шаклдаги суякдан силлиқланиб ясалган 9 та тақинчоқ топилди. Уларнинг иккитасида тешикчалари бўлиб, қолганларида ҳам уларни тешиш ҳаракат излари бор. Шунингдек, макондан катталиги жихатидан бир хил бўлган дўмалок шаклдаги иккита юпқа оқ қайроқ тош топилди. Уларнинг бирининг айнан ўртасида тош бурғиси излари яхши сақланиб қолган. Бу эса сочга тақадиган ва бўйинга осадиган тош тумор учун тайёрланган ашё бўлиб, улар қадимий одамларнинг безак буюми ясаши учун мўлжалланган. 1967 йили маконни қазиш ишлари давомида маданий қатламнинг юқори қисмидан ажойиб топилма қўлга киритилиниб, унинг ўртаси силлиқланган ва айланаси бўйлаб

тўғри чизиклар тортилган юпқа думалоқ шаклдаги тасвир, эҳтимол, одамнинг қадимги тафаккури билан боғлиқ, деган фикрларни юзага чиқаради (Асқаров А., Лев Д., 1971, 27).

Шундай қилиб, Самарқанд сўнгги палеолит маконини кенг кўламда, режали асосда қазиб ўрганиш туфайли нафақат Самақанд шаҳри, шунингдек, мамлакатимиз тарихини ўрганишда бу ёдгорликнинг манбалари ўзига хос тадқиқотлардан ҳисобланади. Макон тош индустрияси, шунингдек, санъат буюмлари топилмалари бу қадимги аждодларимиз даврига нисбатан юксак маданият ижодкорлари бўлганлигини кўрсатади. Самарқанд палеолит макони нафақат Зарафшон ҳавзасида, шунингдек, ўзининг хилма-хил бой манбалари билан бутун Марказий Осиёда эталон ёдгорлик ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Асқарова А.А., Лев Д.Н., Самарқанд территориясида одамзод ҳаётининг энг қадимги излари. Самарқанд тарихи. Том. II, Тошкент. 1971.
2. Джуракулов М.Д., Мамедов Э.М., Геология археологических памятников Зарафшанской долине. Самарқанд. 1986.
3. Джуракулов М.Д., Самарқандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. Ташкент, «Фан» 1987.
4. Коробкова Г.Ф., Джуракулов М.Д., Самарқандская стоянка как эталон верхнего палеолита Средней Азии (Специфика техники расщепления и хозяйственной производственной деятельности). Монография в журнале. СТРАТУМ плюс. Археология, Кишинев, № 1, стр. 285-462.
5. Лев Д.Н. Палеолит Самарқандской области и его специфические особенности // Тр. СамГУ. Новая серия. Вып. 166 (под ред. Аминова М. У.). Самарқанд, 1967. –С. 84-87.
7. Ранов В.А., Несмянов С.А., Палеолит и стратиграфии антропогена Средней Азии. Душанбе. 1973.

*Журакулова Д.Х.,
Самарқандский государственный
университет*

ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИСТОРИКО-ГЕНЕТИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ ФОРМИРОВАНИЯ АНТРОПОГЕННЫХ ЛАНДШАФТОВ

В современном ландшафтоведении, историко-генетическое исследование является одним из ведущих подходов в познании структуры естественной и антропогенной ландшафтной системы в целом, а также разновозрастности, разномасштабности, степени количественно-качественной трансформированности и пространственно-временной изменчивости в частности.

Актуальность и важность историко-генетического исследования современных ландшафтов нашло свое отражение в работах К.К.Маркова (1956), Ф.Н.Милькова (1970, 1977), В.С.Жекулина (1972), В.А.Николаева (1979) и других, где отмечается, что все природные геосистемы, в том числе

и ландшафтная структура крупных регионов, категории исторические, их становление, развитие, перерождение происходит в определенные отрезки времени, занимают то или иное место и истории Земли" (Николаев, 1979, с. 12), а "для того, чтобы познать географию любой территории, необходимо изучить развитие этой территории, ее палеогеографию" (Марков, 1956, с.363). Все это может служить основой при составлении историко-генетических рядов природно-территориальных комплексов любой категории - сельскохозяйственных, селитебных промышленных, погребенных древнеселитебных и т.д.

В Средней Азии наиболее широкое развитие получили антропогенные (оазисные) ландшафты, которые по способу возникновения занимают определенный генетический ряд. Антропогенные ландшафты по сравнению с естественными представляют собой новообразования, однако они тоже имеют свою сложную и длительную историю становления и формирования в определенном отрезке времени, в развитии ландшафтной сферы Земли.

Классификационная категория и морфологическая структура среднеазиатских антропогенных ландшафтов очень многообразна и сложна. В ней различаются орошаемые сельскохозяйственные, орошаемые сильно переувлажненные рисовые, антропогенно-водные, промышленные, дорожные, рекреационные, погребенные древнеселитебные и антропогенно-пастбищные. Эти комплексы по времени возникновения имеют разновозрастной генезис, и их формирования связано с определенными историческими эпохами.

В данном разделе на основе историко-генетического метода исследования дается историко-географический анализ становления и формирования антропогенных ландшафтов Сурхандарьинской котловины по геолого-археологическим периодам.

Ранний плейстоцен. Территория Сурхандарьинской котловины была заселена в **древнейший** период истории человечества - ранним плейстоценом (ранний палеолит). Еще в ашельскую эпоху (500-300 тыс. лет назад) началось освоение данной территории древним человеком, который заселял равнинные и горные районы. Человек раннего палеолита занимался коллективной охотой и собирательством плодов.

Средний плейстоцен. В среднем плейстоцене (средний палеолит) в мустьерскую эпоху (100-40 тыс. лет назад) человек начинает использовать в качестве жилища не только горные и предгорные районы, но и поймы рек, где хорошо развиты тугайные заросли.

Человек также занимался коллективной охотой, рыбной ловлей и собирательством плодов, чем он в раннем и среднем плейстоцене оказывал влияние только на отдельные компоненты природы - животный мир и растительный покров. Об этом свидетельствуют палеозойские материалы - костные остатки оленя, горного козла, дикой лошади, медведя, леопарда, зайца, сурка, утки, куропатки, найденные на стоянках палеолита, которые

обнаружены в верховьях Сырдарьи, Фергане, Сурхандарье и в низовье Зарафшана.

Поздний плейстоцен. В позднем плейстоцене (поздний палеолит, 40-12 тыс. лет назад) люди, покинув пещеры и гроты, впервые стали сооружать на открытом месте искусственные долговременные жилища, широко используя при этом древесные породы. Хозяйственное занятие - охота, рыбная ловля и собирательство - значительно расширяется. Оно охватывает горные, предгорные, долинные и дельтовые ландшафты.

На юге Туркмении в общине племен неолитического Джейтуна в VI-V тысячелетии до н.э. под влиянием ближневосточных соседей проходил процесс становления производящего типа хозяйства.

Южнотуркменистанские племена эпохи неолита занимались возделыванием карликовой и мягкой пшеницы, ячменя, проса и выращивали виноградники (Лисицина, 1965; Массон, 1971).

Неолит, являясь началом эпохи производящей экономики, дал импульс переходу от количественного влияния человека на девственный ландшафт качественным. Возникновение орошаемого земледелия в отдельных районах Средней Азии существенным образом изменило не только почвы, растительность и животный мир первичных среднеголоценовых ландшафтов но и их первоначальную структуру.

Следовательно, на основе количественно-качественного влияния неолитического человека на природную среду постепенно расширяются площади измененных трансформированных геокомплексов, что привело к формированию совершенно новых ландшафтов - антропогенных. В первой половине среднего голоцена формировались искусственные стравленные пастбища орошаемые сельскохозяйственные и ирригационные ландшафты, С появлением земледелия возникли также антропогенная эрозия, процесс засоления почв, оврагообразование, развевание эоловых песков и т.д.

Во второй половине среднего голоцена, который совпадает с эпохой энеолита, важным достижением населения является приобретение некоторых навыков в земледелии и скотоводстве. Возникло земледелие на предгорных равнинах Узбекистана и Туркменистана, в поймах и дельтах Амударьи Сырдарьи, низовьях Зарафшана. Анализ остатков металлургического производства, найденных на стоянках Лявлякан и Бешбулак в северной части Бухарской области, показывает, что в эпоху энеолита древний человек умел

оплавить и обрабатывать медь (История Узбекской ССР, 1974). Это свидетельствует о том, что во второй половине среднего голоцена наряду с существующими орошаемыми сельскохозяйственными и пастбищно-дигрессивными ландшафтами, появляются отдельные элементы промышленных комплексов.

Поздний голоцен. К позднему голоцену относятся эпохи бронзы (3,5-2 тыс лет назад) и железа (от 1 тысячелетия до н.э. и до середины XX века). С

первой половиной позднего голоцена, который совпадает с эпохой бронзы, тесно связано прогрессивное развитие человеческого общества и интенсивное формирование различных видов антропогенных ландшафтов. В сельском хозяйстве особое место занимало мотыжное земледелие, игравшее большую роль в обеспечении населения продуктами питания.

Возделывались пшеница, ячмень, просо, виноград. Земледельцы научились регулировать разливы равнинных рек, строить оросительные каналы.

По утверждению А.Авкаррова (1977), хозяйство носителей культуры Сапалли в эпоху бронзы, имело явно производящий характер и основным его направлением было орошаемое земледелие. Последние в условиях Сурхандарьинской котловины базировались только на искусственном орошении, путем создания ирригационных сетей.

Для развития орошаемых сельскохозяйственных ландшафтов и проведения их техногенных элементов - ирригационных сетей, наиболее благоприятными были дельты рек Шерабаддарьи, Ходжаипака, Сангардака, Тупалангдарьи. Орошаемые сельскохозяйственные ландшафты были развиты также в Южном Туркменистане, Зарафшанской долине, древнем Хорезме и Ферганской котловине.

Возникновение оседлого земледелия способствовало развитию не только оазисных орошаемых сельскохозяйственных ландшафтов, но и селитебных - сельского и городского типов. Городские поселения были окружены мощными оборонительными стенами, представляющими собой особый вид антропогенного ландшафта - техногенный. Значительное развитие получило местное металлургическое производство, где изготовлялись отливки различных бронзовых изделий.

В эпоху бронзы другой важной хозяйственной отраслью населения было оседлое скотоводство. Палеозоологический анализ костных материалов, найденных в Заманбабинском поселении показывает, что более 80 % костных остатков принадлежит домашним животным (История Узбекской ССР, 1974).

Развитие оседлого скотоводства оказывает ощутимое влияние на природную среду окружающих поселений территории, что способствовало активному развеванию эоловых песков, дигрессии пастбищных угодий и усилению ветровой эрозии почв.

Ўзбек давлат Педагогика Академиясида талабалikka қабул тартиби икки босқичда амалга оширилган. Қишки, яъни январь қабули 20 декабрдан 10 январгача; кузги қабул 10 июндан 1 августгача ўтказилган. Академияга 17 ёшдан кичик бўлмаган ҳар иккала жинс вакиллари партия ва жамоавий ташкилотлар йўлланмаси билан, шунингдек, яққа тартибда ҳам қабул ўтказилган. Рабфакда эса 18 ёшдан кичик бўлмаганлар, лекин маҳаллий хотин-қизлар эса 16 ёшдан қабул қилинган. Алоҳида ажралиб чиққан Сталин номидаги Рабфак 1931 йил май ойида Ўзбек давлат Педагогика Академияси таркибига қайта қўшилди. Ўша маҳал Рабфакда 640 киши эрталабки ва 448 киши кечки бўлимларда ўқиган. Уларга дарс берадиган 38 та асосий ва 33 та ўриндош профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатган. Академия дирекциясининг 1930 йил 8 декабрдаги мажлиси Республика наркомпросидан 1931 йил қабулини кўпайтириб, 950 кишига етказишни сўрашга қарор қилган эди. Қишки қабул 210 киши бўлиб, ҳар бири 30 нафардан иборат 7 та академик гуруҳни ташкил этди. Булар ижтимоий-иқтисодий факультетда 2 та гуруҳ, физика-техника бўлимига 1 та гуруҳ, табиий биология бўлимига 1 та гуруҳ, педолого-педагогика бўлимига 1 та гуруҳ ва агропедфакка 2 та гуруҳ ажратилган [2-103 в].

1930 йилдан ўқитувчилар ва талабаларнинг ташаббуси ва фаол иштирокида завод ва фабрикаларда, артелларда ва қизил чойхоналарда саводсизликни тугатиш мактаблари ташкил этилиб, уларда 5 мингдан ортиқ киши ўқиди. Самарқандда саводсизликка барҳам бериш учун 1700 киши ажратилди, шундан Педагогика академияси ишчилар факультетидан 300 дан ортиқ талаба [14-32 б] иштирок этган. Бундан ташқари, 1930 йилда 3-5 ой давомида Педагогика академияси талабалари умумжаҳон таълимини аҳоли ўртасида амалга оширишда фаол иштирок этиб, 60 нафар талаба тарғиботчи бўлган [5-1 в]. 1939/1940 йиллар бошида Самарқанд шаҳар комсомол комитети талабалар орасидан 260 нафар маданият аскарини ажратиб олди [10-27 в]. Университетнинг тиббиёт факультети турли касалликларга (эпидемия, безгак ва бошқалар) қарши курашга сафарбар қилинди. Аммо Педакадемиянинг шаклланиш жараёни ҳамон давом этарди. Республика НКП коллегиясининг 1931 йил 20 мартдаги 15-сонли қарори билан Ўзбек давлат Педагогика Академияси таркибига ўзгартириш киритилди. Академия 4 та факультетга бўлинадиган бўлди: 1. Ижтимоий-адабий, мудири проф. Лясковский; 2. Табиий-математик, мудири Писарев; 3. Ташкилий-педагогик, мудири проф. Левентуев ва агропедагогик факультети, мудири Уразай. Ижтимоий-адабий факультети 2 бўлимдан ташкил топди. Ижтимоий-иқтисодий бўлим, ўз навбатида тарих ва иқтисодий география циклларига бўлинди. 1931 ўқув йилида ҳар циклга 35 тадан талаба қабул қилинди; 2. Адабиёт бўлими, бу бўлимга ҳам қабул 35 кишини ташкил этди [2-115 в].

Самарқанддаги олий ўқув даргоҳнинг фаолиятидаги дастлабки йилларида ўқув режалари ва дастурлари шу ернинг ўзида ишлаб чиқилган ва марказ фақат уларни тасдиқлаган. 1932 йилдан бошлаб эса марказда ишлаб чиқилган барқарор дастурлар асосида олиб борилган.

Ўзбек давлат Педагогика Академиясида ҳам ўқиш жараёни ҳозиргидек икки семестрдан иборат бўлган. Биринчи ярим йиллик 1 октябрдан 10 мартгача давом этган, 10 мартдан 20 мартгача таътил берилган. Иккинчи ярим йиллик 20 мартдан 1 октябргача давом этган. Лекин 1 июлдан августгача таътил даври бўлган. Қизиги шундаки, бу тақсимотга берилган изохда қуйидаги кўрсатма қайд этилган: агар талабалар турли хилдаги компанияларга жалб этилса, у ҳолда ўқиш 1 апрелдан бошланиб, режасининг бажарилиши иш кунини 10 соатгача узайтириш йўли билан амалга оширилган. Собиқ Совет давлати ҳукмронлигининг деярли барча йилларида олий ўқув юрти талабалари ўқув йилининг сентябр-декабр ойларида муттасил мажбурий равишда пахта йиғим-теримига жалб этилган ва бу даврда ўқув жараёни мутлақо тўхтатилган. Ўқув графиги ҳар йили зўриқтирилган ҳолда олиб борилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Ўзбек давлат Педагогика Академияси фаолияти давомида халқ хўжалиги учун салоҳиятли кадрларни етиштириб беришда ўз ҳиссасини қўша олди. Академияда ташкил этилган аспирантура Самарқандда илмий муҳитнинг қайта шаклланишига замин ҳозирлашга асосий олий мактаб сифатида фаолият олиб боди.

Адабиётлар

1. Самарқанд вилоят Давлат архиви. 519-фонд, 2-рўйхат, 1-иш, 8-варақ,
2. Самарқанд вилоят Давлат архиви. 521-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 89-90, 98, 103, 115-варақлар.
3. Самарқанд вилоят Давлат архиви. 521-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 10-варақ.
4. Самарқанд вилоят Давлат архиви. 521-фонд, 1-рўйхат, 47-иш, 6-варақ.
5. Самарқанд вилоят Давлат архиви. 256-фонд. 1-рўйхат, 153 -иш, 1-варақ.
6. ЎзР МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 828-иш, 20-21-варақлар.
7. ЎзР МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 742-иш, 3-варақ.
8. ЎзР МА, 737-фонд, 1-рўйхат, 583-иш, 10-варақ.
9. ЎзР МА, 58-фонд, 13-рўйхат, 1301-иш, 65-варақ.
10. Ўз Р МА. 58-фонд. 7-рўйхат, 25 -иш, 27-варақ.
11. Узбекистанская правда. 1930-йил 17-феврал. №39 (301) сон.
12. Абаева Т.Ю. Рол УзГУ в подготовке кадров из женщин узбечок.//Труди СамГУ, Новая серия. 1958 г. Выпуск №69.
13. Ленин йўли. 1931 йил 30 май.
14. Алескеров Ю.Н., Абдуллаев В.С., Риш М.А. Самаркандский государственный университет. Краткий исторический очерк (1927-1977). Ташкент, 1976.

МИРЗО УЛУҒБЕК ДАВРИДА ТАЪЛИМ

Маълумки, Амир Темур узоқни кўзлаб, фан ва маданиятни ривожлантириш учун таълим муассасаларнинг қурилишига, фанни ривожлантиришга, саводли кишиларни кўпайтиришга катта аҳамият берган. Шу сабабли давлатларга юриш қилганида у ерлардан етук мутахассисларни (олим, архитектор, шоир, хаттот, муқовачи ва ҳ.) ўзи билан Самарқандга олиб келган. Табиийки, ижод қилиш учун уларга яхши шароит яратиб берган, чунки у биринчи ўринда турган масала эди.

Ибн Арабшоҳ ёзганидек: “Темур ҳар бир фойдали жонни йиғиб, нимаики нарса бўлса, сарасини Самарқандга келтирди. Натижада Самарқандда ҳар бир ажиб фан аҳли намоёнрасидан ва санъатларнинг ғаройиб услубидан фазилати пешонасида нишона бўлиб, ўз тенгқурларидан устун турган ўз соҳасида аллома кишилар йиғилган эди” [Ибн Арабшоҳ. 1992. II китоб. 87-бет].

Таълимни ривожлантириш учун биринчи ўринда олий мактаб, яъни мадрасалар ва баъзи ҳолатларда хонақоҳлар турган эди. Амир Темур ҳаётлигидаёқ Самарқандда мадрасалар қурила бошланган. Бу хайрли анъанани унинг авлодлари: Шохрух, Мирзо Улуғбек, Султон Ҳусайн Бойқаро, Бадиъ аз-Замон ва бошқалар давом эттирди.

Мирзо Улуғбекнинг фан-таълим дастури фақатгина Самарқанд билан чекланиб қолган эмас ва унда бутун Мовароуннаҳр худудида илмий салоҳиятни кўтаришдек катта ғоя кўзда тутилган эди. Улуғбек ана шу мақсадда 1417 йил Бухорода, 1420 йилда Самарқандда ва 1432-1433 йилларда Ғиждувонда ҳам мадрасалар қурдирган.

Мирзо Улуғбекнинг Бухородаги мадрасаси. Ушбу мадраса Бухорода 1417 йил қурилган бўлиб, унинг меъмори Исмоил ибн Тоҳир ибн Маҳмуд Исфажонийдир*. Мадраса ҳажми жиҳатидан кичик (тарҳи 50х40 метр) бўлиб, у гўзал пештоқи, ҳовлисида икки қаватли ҳужралар, масжид, дарсхона мавжуд. Мадраса кириш – миёнхонасининг иккинчи қаватида кутубхона бўлган [Абрамов М.М. 1991. С. 24]. Ҳовли қисмида минорали икки пештоқ бўлган. Г.А.Пугаченкованинг таъкидлашича, ушбу мадраса қурилиши анъанавий ҳолатдан фарқ қилган. Б.Валихўжаевнинг маълумотига кўра, бу ҳол муҳандислар султони Мавлоно Ғиёсиддин Коший томонидан белгиланган янги назарий кўрсатмага асосан қурилган [Валихўжаев Б. Б. 25].

Одатда, мадрасалар пештоқига, эшиқларига нақш билан илм олишга чақирувчи Қуръони Карим оятлари ёки Ҳадиси Шариф даъватлари битилган. Мирзо Улуғбекнинг Бухородаги мадрасасининг кириш дарвозаси ўнг табақасининг юқорисида битилган машҳур ҳадис – “Билим олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир” деган илмга ташвиқ ва тарғиб этувчи

ёзув битилганлиги Мирзо Улуғбекнинг таълим тизимига, унинг ўчоқларидан бири бўлмиш мадрасаларга алоҳида эътибор қаратганидан далолат беради. В.В.Бартольд худди шундай ёзув – ҳадиснинг Амир Темур томонидан қурдирилган Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасидаги (Туркистонда) катибалар ичида ҳам борлигини эслатади [Бартольд В.В. Соч. Т. II. Ч. 2. С. 125]. Шу мазмунга уйғун бўлган иккинчи ёзув – мадраса дарвозасининг бронза ҳалқасида битилган қуйидаги сўзлар ҳам диққатга сазовордир: “Китобий билимга интилувчилар учун Аллоҳ марҳаматининг эшиги ҳамиша очикдир”.

Ҳозирги кунда мадраса сақланган. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан 1993-1994 йилларда таъмирланган. Мазкур мадрасининг жойлашган ўрни, хужралари, вақф маблағлари ҳақидаги маълумотлар А.Жуманазар тадқиқотида ҳам келтирилган [Жуманазар А. Б.579].

Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасаси алоҳида диққатга сазовордир. Мирзо Улуғбекнинг Самарқандда қурдирган мадрасаси “Мадрасаи олия” деб аталган.

Унинг пештоқидаги ёзувга қараганда, 1417-1420 йилларда қурилган. Мадраса икки қаватли бўлиб, бурчакларидаги дарсхоналарнинг устида тўртта гумбази ва тўрт минораси бўлган. Мадраса пештоқи юлдузлар билан тўла осмонни тасвир қилади. Шубҳасиз, бу ҳол мадрасада ўқитиладиган фанлар орасида астрономияга алоҳида аҳамият ва фахрий ўрин берилганлигини кўрсатади.

Мирзо Улуғбек даврида у асос солган астрономия мактаби ҳамда мадрасаси қошида ўнлаб аллома фаолият кўрсатган бўлиб, Мавлоно Хавофий, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи ва Мавлоно Исомиддинлар олийгоҳнинг ёрқин юлдузлари эдилар. Бу даврда Фазлуллоҳ Абулайсий ҳам фаолият кўрсатган. Шоир Абдураҳмон Жомий эса Самарқандга нафақат илм олиш учун келган, балки Улуғбек мадрасасида мударрислик қилиб, талабаларга таълим ҳам бера бошлаган [Каттаев К. Б.152].

Мирзо Улуғбек (1394-1449 йй.) асосан ҳайъат (астрономия), риёзиёт (математика) фанларидан маърузалар ўқиган. Бу ҳақида Ғиёсиддин Жамшид Кошийнинг Самарқанддан отасига (Кошонга) юборган мактубида шундай ёзилади: “У киши бу фан соҳасида ғоят катта маҳоратга эришган. Юлдузшуносликка тааллуқли амалларни яхши бажарадилар ва чуқур далиллар билан худди керакдек исботлайди. “Тазкира” ва “Тухфа”дан шу қадар зўр дарс ўтадиларки, уларга ҳеч қандай қўшимча қилишнинг ҳожати қолмайди”.

Мирзо Улуғбек мадраса ва саройда бўлиб ўтган катта мажлисларда фаол қатнашган.

Мирзо Улуғбек мударрис сифатида ажойиб услублардан фойдаланган. Бу масала бўйича Ғиёсиддин Жамшид Коший ўз мактубида қуйидагича

мулоҳазаларни баён этган: “Вақти-вақти билан Мирзо Улуғбек ва талабалар ўртасида шундай тортишувлар келиб чиқардики, уни тасвирлаб бўлмайди. Улар ҳатто илмий масала тўла ҳал бўлмагунича битимга келмасликни ва ҳамма нарса бутунлай равшан деган кўриниш яратмасликни буюрарди. Баъзан биров Олий ҳазратга нисбатан ҳурмат юзасидан таклифларини маъқулласа, улар норози бўлиб, “менинг билимсизлигимни фош қилманг” дер эди. Улар баъзан синов учун мулоҳазага нотўғри масалани қўяди. Бирон киши ҳурмат юзасидан уларнинг фикрларига қўшилган захоти ушбу масалани такроран қўярди ва у кишини билимсизликда айблаб, шарманда қиларди” [Юсупова Д. Б. 292].

Мирзо Улуғбекнинг шахсий мударрислиги мадрасайи олия учун етук мударрисларни тайёрлаш, улар олдига қўйиладиган талаблар борасида қилган амалий ишлари ниҳоятда муҳимдир. У мадраса мударрислигига танлаган тарихий шахслар, таниқли олимлар, шарқ илми ва маданиятига салмоқли ҳисса қўшган шахслардан иборат эди. Шундай бўлса-да, мадрасаларга мударрисларни ишга қабул қилишдан олдин имтиҳон (аттестация)дан ўтказилганлар ва фақат муносиб номзодларнигина холисона танлаб олганлар. Бу ҳам ўз навбатида у даврда таълим тизими, толиби илмларга таълим ва тарбия беришга қанчалик катта эътибор билан қаралганидан гувоҳлик беради [Валихўжаев Б. Б. 43].

Давлатшоҳ Самарқандийнинг 1487 йил ёзилган “Тазкират аш-шуаро” асарида маълумот келтирилишича, бу даврда Мирзо Улуғбек мадрасасида 100 дан ортиқ толиблар ўқишни давом эттирган. Бу толибларга Хожа Фазлуллоҳ Абулайсий, Али Қушчи ва Мавлоно Хожа Хурдлар мударрислик қилганлар. Жумладан, Мир Алишер Навоий Самарқандда бўлиб, мадрасада таълим олган 1465-1469 йиллар давомида Мирзо Улуғбек мадрасасининг юқорида номлари келтирилган мударрисларидан таълим олади. XVII аср охирлари ва XVIII асрнинг бошларидаги мадраса фаолияти ҳақида манбаларда ҳеч қандай маълумот йўқ. XVIII аср охирлари ва XIX аср бошларида амир Шоҳмурод мадрасанинг фаолият бошлашига шароит яратган ва мадраса 1917-1918 йилларгача ҳам ўз фаолиятини давом эттирган. 1906 йилда унда 60 та толиб ва 2 та мударрис бўлган. Ҳозирги кунда Мирзо Улуғбек мадрасаси Самарқанд Регистон майдонининг азаматли обидасига айланиб қолди.

Мадрасада ўқиш араб тилида олиб борилган. Шунинг учун араб тилининг морфологияси ва синтаксиси чуқур ва кўпроқ ўқитилган. Ўқитиладиган ҳамма асарлар ёки уларнинг шарҳлари араб тилида битилган эди. Шунинг учун талабалардан араб тилини мукамал билиш жиддий талаб этилган. Бу эса мударрислардан ҳам, талабадан ҳам катта масъулият талаб этган.

Қоида бўйича мадрасада ўқиш кунлари ҳафтанинг тўрт куни – шанба, якшанба, душанба, сешанба; икки куни – чоршанба, пайшанба дарс тайёрлаш кунлари; жума эса дам олиш куни ҳисобланган. Ўқиш бир йилда

олти ой давом этган. Аслида, ўқув йили мезон ойининг биринчи куни (22 сентябрь)да бошланиб, ҳамал ойининг биринчи куни (21 март) тугаган. Қолган ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула ойлари таътил ойлари бўлиб, талабалар тирикчилик (хунармандчилик, деҳқончилик, масжидларда имомлик ва ҳ.) билан банд эди. Баъзилари эса мадрасаларда қолиб, ўқишни мустақил тарзда давом эттирган. Улуғбек мадрасасида ўқув муддати расман 8 йилга мўлжалланган. Шунга биноан ўқув режаси ишлаб чиқилган. Лекин Улуғбек мадрасасида ўқиб, ижозатнома олиш муддати ўн олти йил ҳам бўлганлиги ҳақида Шамсиддин Муҳаммад ал-Балхийнинг *санад* (шаҳодатнома)си далолат беради.

Мадрасада, асосан, ўрганилаётган фанлар таркибида улуми нақлия (Қуръон, ҳадис, фикҳ, тасаввуф) ва у билан боғлиқ илоҳий илмлардан ташқари дунёвий фанлар чуқур ўрганилар эди: тарих, адабиёт, фалсафа, жуғрофия, аниқ фанлар, тиббиёт, хаттотлик санъати, шеърят ва ҳ. бўлган.

Мадрасани битирган талабаларга *ижозатнома* (диплом) берилар эди. Бу *ижозатнома* талабаларга дарс ўтиш, яъни мударрислик қилишни англатар эди. *Ижозатнома*да талаба томонидан ўзлаштирган илм (соҳаси) ва ўрганган асарлар номи ёзилган бўлар эди.

Талабалар ичида ўз қобилияти ва истеъдоди билан алоҳида ажралиб турган талабага мадрасада дарс ўтишга *ижозатномалар* тақдим этилиб, шу мадрасанинг ўзида мударрис сифатида олиб қолганлар. Масалан, Мирзо Улуғбек мадрасасида Али Қушчи ва Абдурахмон Жомийлар мударрис сифатида фаолият юритди.

Шундай *ижозатномалар*дан бири, аниқроғи, Улуғбек мадрасасининг бош мударриси Салоҳиддин Мусо Қозизода Румий томонидан 1435 йил берилган *ижозатнома* Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзма фондида сақланиб келмоқда. Академик Б.А.Аҳмедов ўзининг “Улуғбек” номли рисоласида унинг ўзбекча таржимасини келтирган. У қуйидагича: “...Шамсиддин Муҳаммад ал-Балхий илм таҳсил қилиш учун ватанидан узоқ ерларга сафар қилишни ихтиёр қилди. Мусофирликнинг оғир захматларига чидади... У Самарқандда ўн олти йил чамаси истиқомат қилди. Унинг талаб водийсида илмнинг тиниқ сувига ташналиги кун сари ортиб турди. Идрокли ва зийрак бўлганлиги учун дарсларни тез тушунар эди. Дарс вақтларида Абу Бакр Урмавийнинг “*Лавом ал-асрор мин матолев ал-анвор*” китобининг яширин сирларини тушунди. “*Бадоеъ ал-ибкор мин таволев ал-афкор*” асарининг пардалари нуқталарини очди. Шунингдек, “*Талвиҳот ал-тавзеҳ*” китоби унинг эътиборини тортди. «*Минҳож ал-вусул ило ал-усул*»ни тинмайин мутолаа қилди. Ниҳоятда тортилиб ва ҳаракат қилиб “*Иҳком ал-аҳком мунтахаб мунтаҳил амал ва-с-суол*” китобларига ҳам етишди. “*Мафотех абвоб ал-адаб*”ни таҳсил қилди. “*Кашишоф*” ва унинг ишончли шарҳларидаги чиройли ибораларнинг юзларидан парда очди.

“Куръон” оятлари денгизидан дурлар олиб чиқди. Ундан ташқари “Мавокий ал-калом” саҳифаларидаги латиф сўзлар ҳамда мақсадларидан воқиф бўлди. “Ҳидоя” далилларига эришди. Шеърый масалаларни билиш учун “Ниҳоя” (“Ҳидоя” шарҳи)га тўғри йўл топди. Ушбу даражага етгач, юртдошларини ўз илмидан нафълантириш учун ватанига қайтмоқчи бўлди. Мендан олий санад билан ижозат беришимни илтимос қилди. Мен уни илтимосини қабул қилдим...

Қозизода Румий номи билан машҳур бўлган фақир ул-хақир Мусо ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд 838 йил ражаб ойининг ўрталари (1435 йил февраль ойининг ўрталари)».

XV аср Мовароуннаҳр ва Хуросон мадрасаларида ўқиш муддати расман 8 йил бўлган. Агар талаба шу 8 йил ичида дастур талабларини бажара олмаса, белгиланган вазифа (стипендия) тўхтатилган ва талаба белгиланган имтиёзлардан маҳрум бўлган.

Дарҳақиқат, ўрта асрларда мадрасалар илму урфон ва зиё тарқатиш масканлари бўлган. Ҳозирги кунда юртимиздаги университет ва институтлар юқоридаги мадрасаларнинг ворислари сифатида хизмат қилмоқдалар.

Адабиётлар

1. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. Тошкент, 1992. II китоб. 87-бет.
2. Абрамов М.М. Улугбек и благоустройство городов Узбекистана. Самарканд. 1991. С.24.
3. Валихўжаев Б. Мирзо Улуғбек даври мадрасалари. Самарканд, 2001 Б.25.
4. Бартольд В.В. Улугбек и его время. Соч. Т. II. Ч. 2. –Москва, 1964.
5. Ханьков Н.В.. Описание Бухарского ханства. СПб. 1843.
6. Жуманазар А. Бухоро таълим тизими тарихи. –Тошкент, 2017. Б.579.
7. Каттаев К. Самарқанднома. 4тўплам. –Т., 2017. Б.152.
8. Афсаҳзод А. Рўзгор ва осори Абдурахмони Жоми. Душанбе. 1980. С. 46-47.
9. Юсупова Д. Гиёсиддин Кошийнинг Самарқанддан Кошонга, отасига ёзган мактуби//Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. –Тошкент, 1996. Б. 292.
10. Валихўжаев Б. Мирзо Улуғбек даври мадрасалари. –Самарканд, 2001. Б. 43.
11. Алишер Навоий. Мажолис ан-нафоис. –Муҳокаматул луғатайн. III ж. –Тошкент, 1948. Б.182.

Мирсоатова С.Т.,
ФарДУ доценти,
тарих фанлари номзоди

ЎРТА ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ ТОШ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ ТАДҚИҚОТИГА МАВЛОН ДЖУРАКУЛОВНИНГ ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Таниқли олим, тош даври археологияси билимдони Мавлон Жўракуловични археология фани учун қўшган энг йирик хизматларидан бири Самарқанд макони юқори палеолит тош индустриясини тўла ўрганиб,

у маданиятни ривожланиш динамикасини кўрсатиб берганлигидадир. Чунки Ўзбекистон ҳудудида юқори палеолит даврига оид ёдгорликларнинг камлиги, уларнинг ҳар бирини комплекс равишда ўрганишни тақозо қиларди. Шунинг учун ҳам Самарқанд маконининг устоз томонидан чуқур ўрганилиши Ўрта Осиё палеолит даврини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда айтиш керакки, М.Жўрақулов томонидан Зарафшон ҳавзасидаги ёдгорликлардан олинган илмий маълумотлар қўшни чегарадош ҳудудлардаги маданий хўжалик анъаналаридан фарқланишини кўрсатган. Хусусан, неолит даврига оид Сазағон маданиятини ўрганилишида ҳам олимнинг роли бекиёсдир.

Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий ёнбағрида туркум ҳолатда неолит жамоаларига оид ёдгорликлар топилиб, тадқиқ этилган. Мазкур моддий маданият фанга “Сазағон маданияти” номи билан киритилган. Сазағон 1 ёдгорлиги 1966 йилда О.Ибрагимов томонидан очилган ва у Самарқанд шаҳридан 27 км узоқликдаги масофада Сазағонсой ёнбағридан топилган. Шу йили Д.Н.Лев томонидан ёдгорликда тадқиқот ишлари олиб борилган. Бу ердаги табиий эрозияга учраб ўйилиб кетган террасадан маданий қатлам қолдиқлари аниқланган [Лев Д.Н. 1970. С. 21.]. Ушбу макон 1967-1968 йилларда Д.Н.Лев ҳамда М.Ж.Жўрақуловлар томонидан ўрганилган. 1971-1977 йилларда олиб борилган қазилма ишлари натижасида эса бу ерда 96 м² майдон текширилиб маданий қатламлар аниқланган. Даставвал Д.Н.Лев Сазағон 1 маконини неолит даври билан саналаб, уни Калтаминор маданиятига хос, деб топган. Кейинчалик қайта тадқиқотлар натижасида ёдгорликларнинг материаллари М.Жўрақулов томонидан статистик ва қиёсий жиҳатдан тўлиқ ўрганилди ва Калтаминор материаллари билан таққосланди [Джурақулов М.Д. 1972. С. 25; Джурақулов М.Д. 1983. С. 12.]. Натижада Сазағон 1 индустриясида пластинасимон тош қуроллар эмас, балки микролитоидлик даражаси юқори даражада раванқ топганлиги аниқланди. Сазағон топилмалари орасида уни Самарқанд сўнгги палеолит макони билан боғловчи элементлар ҳам мавжуд.

1966 йили Сазағон 2 макони топилади. У Сазағонсойнинг юқори қисмида, террасанинг чап қирғоғида жойлашган. Ушбу жойда М.Ж.Жўрақулов бошчилигидаги СамДУ археология кафедраси томонидан 1971-1982 йилларда олиб борилган қазилмалар натижасида 800 м² майдонда маданий қатламлар очиб ўрганилиб, кўплаб археологик материаллар олинди. Тош буюмлардан ташқари суяк қуроллар, фаунистик қолдиқлар, тақинчоқлар, сопол буюмлар ва биринчи марта краниологик материаллар топилган [Джурақулов М.Д. 1981. С. 41; Джурақулов М.Д. 1983. С. 25]. Қўлга киритилган материаллар Сазағон 1 никига ўхшаш, лекин сон жиҳатидан анча кўплиги билан ажралиб туради. Бу ердан қуролларнинг баъзи бир янги типлари топилди (геометрик кўринишдаги буюмлар). Сопол буюмлари эса кўп ҳолларда неолитдан кейинги даврларга хосдир. Бирок

айрим қўлда ишланган чаплама сопол буюмлар қолдиқлари неолит даври материаллари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ҳозиргача Сазағон ёдгорликларидан уй-жой қолдиқлари топилмаган. Бироқ Сазағон 2 маконидан диаметри 3,85x3,65 м бўлган тош терилган майдон аниқланган [Джуракулов М.Д., Аванесова Н.А. 1988. С. 499.]. 1988 йилда Жангал 1 маконида ҳам тош конструкцияларнинг қолдиқлари топилган. У тухумсимон кўринишда, ҳажми 4x4,5 м бўлиб, йирик (25x35 см) қирқилган тошдан терилган. Бу конструкциянинг баъзи жойларининг баландлиги 40-45 см гача етади [Холматов Н.У. 1988. С. 19.]. Бундай йирик қирқимли (плиткали) тош термалари Сазағон 2 маконидан ҳам аниқланган [Джуракулов М.Д. 1984. С. 5]. Аммо уларнинг характери ҳақида аниқ бир фикр айтиш қийин. Бу конструкциялар ёғоч, қамишдан ёки тошдан терилган уйларнинг асоси бўлиши мумкин. Бундай тош супаларнинг орасида энг йириги 40 м² майдонга эга [Коробкова Г.Ф. 1977. С. 137-138]. Бундай уй-жой қолдиқлари маълум даражада ўтроқлашув бўлганлиги ҳақида маълумот беради. Сазағон ёдгорликларида Жанубий Тожикистоннинг Тутқовул маконидаги каби тош супаларнинг учраши ва улар атрофида чиқинди ўраларнинг мавжудлиги юқоридаги фикрни исботлайди. Бу ўралардан сопол синиқлари, сут эмизувчиларнинг суяк қолдиқлари ва ҳоказолар топилган [Джуракулов М.Д., Аванесова Н.А. 1988. С. 499.].

Жангал 1 макони Сазағонсойга қўшни бўлган Эгриқулсой ёнбағрида жойлашган бўлиб, 1986-1989 йилда СамДУ археологик экспедицияси томонидан тадқиқ этилган. Макон тош индустрияси ўз характери ва хусусияти билан Сазағон маданиятига мансуб [Холматов Н.У. 1988. С. 19.].

Тепакул 3 макони Тепакулсойнинг чап ёнбағрида жойлашган бўлиб, 1989-1996 йилларда мавсумий СамДУ археологик экспедицияси томонидан тадқиқ этилган. Макондан топилган тош қуроллари, сопол буюмлар таҳлили уларнинг Сазағон маданиятига тегишли эканлигини кўрсатди. Тепакул 4 макони Тепакул 3 маконидан сой ўзани бўйлаб юқори томон тахминан 250-300 метр масофада бўлган қўлнинг қайирида жойлашган. Ёдгорлик 1996-2004 йиллар мобайнида тадқиқ этилган, қўлга киритилган археологик ашёлар маконни Сазағон маданияти ёдгорликлари жумласига киритиш имконини беради.

Очилғор макони Сазағонсой ёнбошида аниқроғи, Сазағон 2 неолит маконининг устки қисмида жойлашган бўлиб, макон 2004 йилдан буён СамДУ археологик гуруҳи томонидан тадқиқ этиб келинмоқда. Макондан топилган архаик кўринишдаги қуроллар, дисксимон йирик қирғичлар, тош ўзаклари учбурчаксимон пайконлар, понасимон қуроллар маконнинг пастки маданий қатлами мезолит даврига, сопол буюмлар учратилган юқори маданий қатламлари неолит даврига оид жамоалар ёдгорликларидир, деб хулоса чиқариш имконини берди.

Юқорида зикр этилганидек, мазкур ҳудудда 30 дан зиёд ибтидоий одамзот излари топилган манзилгоҳлар аниқланган, лекин уларда ҳали археологик қазилмалар ўтказилмаган.

Геоморфологик ва палеогеографик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Қоратепадаги маконларнинг айримлари тоғолди ва унга туташ ҳудудларнинг табиий ресурсларини у ёки бу тарзда ўзлаштирган, мақсадли тарзда бунга сафарбар қилинган аҳолининг асосий қўналғалари бўлган.

Зарафшон водийсидаги неолит даврига оид яна бир ёдгорлик Самарқанддан 18 км жанубда Зарафшон тоғ тизмасининг шимолий тармоқлари чеккасида, Қоратепа массивидаги Оҳалик тоғида жойлашган. Ёдгорлик маҳаллий аҳоли тилида Шоҳтош деб аталган харсанг айвон остида жойлашган. У мрамарсойнинг ўнг қирғоғида, сув сатҳидан 6-7 м баландликда жойлашган.

Айвоннинг майдони 4x5 м. Ушбу макондан учта маданий қатлам топилган бўлиб, уларнинг қалинлиги 20 см дан 1 м гача етади. Бирок биринчи қатламдан сўнгги даврларга хос айрим сопол идишлардан бошқа ҳеч нарса топилмаган. Иккинчи қатламда Андроново даври сопол идишлари билан бирга неолит даври материаллари аралашган ҳолатда экани қайд этилган. Шунингдек, бу қатламда кўмир ва ўчоқ қолдиқлари аниқланган. Ёдгорликнинг учинчи маданий қатлампдан эса фақат неолит даврига оид буюмлар топилган. Бу қатламлардан ретушланган пластина ва микропластиналар, айрим микроқирғиччалар, кесгичлар, ретушланган учириндилар, нуклеуслар ва суяк қуроллар топилган. Маданий жиҳатдан Оҳалик материаллари Сазағон маданиятига хослиги таъкидланган.

2019 йилда Н.Холматов томонидан “Сазағон маданияти ва унинг Ўзбекистон неолит даврида тутган ўрни” мавзусида докторлик диссертациясининг ҳимоя қилиниши М.Ж.Жўрақуловнинг устоз сифатида амалга оширган йирик ишларидан бири бўлиб хизмат қилди. Бу, шубҳасиз, археология фанида Сазағон маданиятининг ўрганилиши ва тадқиқотида муҳим бўлди. Шу билан бирга Самарқанд давлат университетида ўзига хос устоз-шогирд анъанаси мустаҳкам илдизларга эгаллигини кўрсатиб берди.

Айтиш мумкинки, камтарлик, сабр-қаноат ва чидам мактабини яратган, ер қаъридан юртимиз тарихининг ноёб бойликларини қидириб топиб, илм-фан оламини зебу зийнатга тўлдирган фидойи олим, меҳрибон устоз, табаррук инсон Мавлон Жўрақуловнинг айтган ҳар бир сўзи зиё, босган изи нурдир. Бу зиё офтоб тафтидек иссиқ, илму маърифат чироғидек ёрқин бўлиб, устоз яратган илмий-педагогик мактаб қошонасини абадий ёритиб туради.

Адабиётлар

1. Лев Д.Н. Из истории изучения первобытной археологии Самарканда. Труды СамГУ. Новая серия, вып. 182. Самарканд, 1970. -С. 21; Лев Д.Н. Итоги работы археологического отряда СамГУ им. А. Навои в 1966 г. Труды СамГУ. Новая серия, вып. 218. Самарканд, 1972. -С. 34.

2. Джуракулов М.Д. Некоторые итоги археологических исследований СамГУ им. А. Навои в 1970 г. Труды СамГУ. Новая серия, вып. 218. Самарканд, 1972. -С. 25; Джуракулов М.Д. Работы в Самаркандской области. АО 1981 г. М.: 1983. -С. 12.
3. Джуракулов М.Д. Раскопки стоянки Сазаган. АО 1980 г. М.: 1981а, -С. 45; Джуракулов М.Д. Работы в Самаркандской области. АО 1981 г. М.: 1983. -С. 16; Джуракулов М.Д. Некоторые итоги исследования неолитической стоянки в селении Сазаган. ОНУ, № 6, Ташкент: 1983а. -С. 56;
4. Джуракулов М.Д., Аванесова Н.А. Работы СамГУ. АО, 1986 г. М.: “Наука”. 1988. -С. 499.
5. Джуракулов М.Д. Предварительные результаты исследования неолитической стоянки Сазаган. Вопросы этнографии и археологии. (на узб.яз.). -Самарканд: 1984. -С. 5.
7. Коробкова Г.Ф. Мезолит Средней Азии и его особенности. КСИА АН СССР. №149. М.: 1977. -С. 137-138.
8. Джуракулов М.Д., Аванесова Н.А. Работы СамГУ. АО, 1986 г. М.: “Наука”. 1988. -С. 499.
9. Холматов Н.У. Неолитическая стоянка Джангал 1(новые данные о культурных контактах населения равнин и предгорий) \\ Проблемы взаимосвязи природы и общества в каменном веке Средней Азии. ТД конференции посвященной 50-летию открытия Тешик-Таша. -Ташкент: “Фан”. 1988. -С. 19.

***Муродалиев Р.Х.,**
ЎзФА Миллий археология маркази
кичик илмий ходими
Рашидов Н.Н.,
ЎзФА Миллий археология маркази
таянч докторанти*

СЎНГАК МОЗОР-ҚЎРҒОНИДАГИ ЯНГИ ҚАЗИШМАЛАР ХУСУСИДА

Тадқиқ этилаётган Сўнгах мазор-қўрғони Чоткол дарёсининг чап қирғоғида, денгиз сатҳидан 900-1000 м баландликда жойлашган. Бугунги кунда Чорвоқ сув омбори худудининг кенгайиши туфайли мазор-қўрғон бузилиб, қўрғонларнинг устки қисми деярли сақланмаган. Унинг сақланган майдони, тахминан, 1 гектарга яқин. Шимоли-шарқдан жануби-ғарбга 100-150 м масофага чўзилган. 2020 йилги қазिशмалар давомида ёдгорликда 10 та қабр очиб ўрганилди ва улар қуйидагилар:

1-қабр камераси овал шаклида бўлиб, ёнбағирга тўғри ҳолда шимол-жануб йўналишида жойлашган. Ўлчамлари: 2x0,9-1 м. Сақланган чуқурлиги 1 м. Тахминан, шимоли-ғарбда дромос оғзи жойлашган. Бироқ сув сатҳининг йиллар мобайнида кўтарилиб тушиши натижасида дромос конструкцияси ва қабр қўрғони тўлиқ бузилган.

Скелет (бир нечта чап қўл ва чап оёқ қафт, фаланга ва тил ости суякларини ҳисобга олмаганда) тўлиқ анатомик ҳолатда. Юқори жағ қисми ўнг тарафида ҳам, чап тарафида ҳам М1 ва М2 тишлари турли сабабларга кўра аллақачон тушган, буни ушбу тишлар тушгандан кейин излари ёпилиб кетганлигидан билиш мумкин. Пастки жағда ҳам худди шу ҳолат ўнг тараф

M1 ва M3 ларда кузатилади. Ёш масаласига келганда эса бошдаги чокларнинг ёпилиш даражаси ва қов суяк симфизи ҳолати асос қилиб олинди. Шунга биноан ўзаро киёслаб кўрилганда, тахминан, 25-35 ёш дейиш мумкин¹.

Майит бошининг ўнг ёнида кўйнинг бўйин суяклари (?), ўнг елкаси ва панжаси ёнларидан қовурға суяклари ва майда хайвонларнинг суяк парчалари аниқланди. Майитнинг бел қисмидан камарнинг темирдан ишланган тўқа ва безаклари очилди. Ўнг томон тос суягининг тагидан темир пичоқ аниқланди. Унинг умумий узунлиги 26 см, ишчи қисмининг узунлиги 20 см, эни 1,5-2 см, дастасининг узунлиги 5,9 см. Даста ва ишчи қисми 0,1 см қалинликдаги темир парча ажратиб турибди. Топилманинг фақат бир томони ўткирланганини ҳисобга олиб, пичоқ деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади. Темир буюмлар намлик таъсирида коррозияга учраган.

2-қабр мозор-кўрғоннинг шимолий ён бағридаги қайрилма бурчак қисмида жойлашган. Қабр деярли бузилган ҳолдалиги сабабли шакли номаълум. Унинг сақланган ўлчамлари 2x1 м. Чуқурлиги аниқ эмас.

Сақланиб қолган бош қисмидаги сўрғичсимон ўсимта, пастки жағ ияк қисми ва шаклига асосан эркак киши бўлган. 3-катта озиқ тишнинг мавжудлиги, тишларнинг емирилиш ҳолатига кўра кўмилган кишининг ёши 45-55 атрофида бўлганлигидан далолат беради.

3-қабр камераси овал шаклида бўлиб, ёнбағирга тўғри ҳолда шимол-жануб йўналишида жойлашган. Ўлчамлари: жануб-шимол – 148 см; ғарб-шарқ – 90 см; баландлиги – 60 см; қабр полидан терасса юзасигача 174 см. Тахминан, қабр камерасининг ғарбий томонида дромос оғзи жойлашган.

Қабрда 4-5 ёшли бола суяклари аниқланди. Тозалаш пайтида жасад бел қисми атрофидан 5 дона бошоқли экин дони (тариқ бўлиши мумкин) топилди. Қабр поли кириб олингач, тупроғи эланди. Унда 20-25 та дон² ва бармоқ суяклари ажратиб олинди.

4-қабр Қабр камерасининг шимоли-ғарбий томонида қабр оғзи жойлашган. У юқорида айтилганидек, 3 та овал шаклида япалоқ дарё тошлари билан беркитилган. Тошларнинг ўлчамлари: 1) 40x20x14 см; 2) 55x36x15 см; 3) 50x36x15 см. Тупроқ сурилган пайтда қабр кўрғони ва дромос бузилган бўлиши мумкин.

Қабрда вояга етган эркак скелети аниқланди. Майитнинг ўнг қўл панжаси ёнидан бир дастали қўлда ясалган кичик кўза, чап қўл панжаси ва тос суяги оралиғидан темирдан ишланган камар тўқаси аниқланди. Унинг

¹ Ёш ва жинс кўрсаткичларини аниқлаш учун ҳамда баъзи методологик ёндашувларда “Standarts for data collection from human skeletal remains (Buikstra, et al., 1994)”, “Методика работы с палеоантропологическими материалами в полевых условиях (2020)”, “Краниометрия (Алексеев В.П., Дебец Г. Ф., 1964)”, “Остеометрия (Алексеев, 1966)”, “Одонтология (Зубов, 1968)”, “The human bone manual (White, et al., 2005)” қўлланмаларидан фойдаланилди.

² Сўнграк ёдгорлигининг бошқа қабрларида донли экин уруғлари аниқланмади. Шу сабабли унинг талқини масаласи алоҳида тадқиқот талаб қилади, деб ҳисоблаймиз.

ўнг қўли олдидан суякдан ишланган предмет топилди. Унинг ичи ғовак. Узунлиги 6 см, диаметри 1 см.

5-қабр камераси овал шаклида бўлиб, ёнбағирнинг бурилиш қисмида, шимоли шарқ-жануби ғарб йўналишида жойлашган. Ўлчамлари: Шимоли шарқ-жануби ғарб – 215 см, шимоли ғарб-жануби шарқ – 70-110-70. Қабр камерасининг баландлиги тахминан 50-70 см. Терраса устидан сақланган чуқурлик – 190 см. Камерага нисбатан шимолда дромос оғзи жойлашган. Унинг кенглиги 60 см бўлиб, 4-қабр камерасига ўхшаб тошлар билан ёпилган. Сув сатҳининг йиллар мобайнида кўтарилиб тушиши натижасида дромос конструкцияси сақланмаган.

Қабрда кекса ёшдаги эркак кишининг жасади қўйилган. Пастки жағда М3 тишлар, юқори жағда эса ўнг тараф М3 ва ўнг тараф қозик тиши йўқ, бу нарса гиподонтия ёки ретенция бўлиши мумкин. Оғиз бўшлиғида тишларнинг сони кам бўлиши кишига ҳаётлик давомида катта қийинчилик туғдирмаган бўлиши керак. Сабаби, тишлар қатори бузилмаган ва емирилиш жараёни ҳам бир хилда кечган.

Майит ўнг оёқ тиззаси ёнида ёғлоғи ва жўмракли кўза аниқланди. Кўза лаб қисми шикастланган.

6-қабр кўринишидан бундан олдинги қабрларга ўхшайди. Ундаги майитнинг бош суяк, тос, ўнг қўл елка ва билак, тирсақ, фаланга ва бармоқ суяклари йўқ. Ўнг оёқ бутунлай йўқ. Чап оёқнинг сон суяги ярми сақланган. Қабрнинг сақланган қисми ўлчамлари: шарқ-ғарб – 114 см; шимол-жануб – 76 см. Бош шимол йўналишида бўлиб, 25-30 даража шарққа оған.

Қабрдаги майит жинси масаласига тўхталганда, тос суягига асосан – эркак кишиники дейиш мумкин. Пастки жағда М3 мавжудлиги ва тишларнинг нисбатан эрта тушиши оқибатида атрофиянинг келиб чиқишидан хулоса қилиб, 50 ёшдан зиёд эканлигини тахмин қиламиз.

Скелетнинг чап панжасида кичик пичоқ аниқланди. Унинг узунлиги 9,5 см, даста қисми 3 см, эни 1,5 см дан кичрайиб боради. Пичоқ билан бирга михсимон темир буюм чиқди. Унинг узунлиги 5 см. Скелет оёқлари орасидан эса 2 дона қўйнинг ошиқ суяги аниқланди.

7-қабр камераси овал шаклида бўлиб, ёнбағирга тўғри ҳолда шимол-жануб йўналишида жойлашган. Сақланган ўлчамлари: жануб-шимол – 167 см; ғарб-шарқ – 70 см; баландлиги, тахминан, 55-60 см; қабр полидан терраса юзасигача 120 см. Сув сатҳининг кўтарилиб тушиши бу қабрнинг ҳам дромоси конструкциясининг тўлиқ бузилишига сабаб бўлган.

Қабрда 20-25 ёшлардаги эркак кишининг суяклари аниқланди. Жасаднинг калла суяги сақланмаган. Фақатгина пастки жағ ва юқори жағ (қисман) қисми қолган. Узун суякларнинг айрим қисмларида кемтиклар кўзга ташланади, бу кемирувчи ҳайвон тиш излари бўлиши мумкин, яъни дафн этилгандан кейинги ўзгаришлар. Юқори жағ М3 лар, ўнг тараф қозик тиш – С ўз жойида эмас, дафн этилгандан кейин ёки қазилма жараёнида

йўқолган бўлиши мумкин, қолган тишларининг барчаси жуда яхши ҳолатда сақланган.

Қабрда жасадга тегишли ҳеч қандай буюм аниқланмади. Бунда ҳам бузилиш натижасида сув ювиб кетган деган тахминни кўрсатиш мумкин.

8-қабр 10-қазиманинг шарқий қисмидан яна 7 м узайтирилганда очилди. 80 см чуқурликкача тушилди ва боши жанубга қаратилган майит аниқланди ва уни очиш ишлари олиб борилди. Қабр деярли бузилган ҳолдалиги сабабли шакли номаълум.

Юқори жағнинг тишлари ўз ўрнида сақланмаган. Шу жумладан, пастки жағда 3 дона курак тиш ҳам йўқ. Пастки жағдаги баъзи озиқ тишлар дистал ва вестибуляр томонларида кемтиклар бор, ўнг М3 нинг эса коронкаси дистал томон 90 % бутунлай емирилган. Барча тишларнинг ҳолати ва емирилишидан келиб чиқиб, 50 ёшдан катта аёл (?) бўлганлигини тахмин қиламиз.

Жасаднинг чап қўли ва тос суяги юқори қисми оралиғидан темир тўқа аниқланди. Унинг диаметри 3,5 см.

9-қабр мазор-қўрғоннинг шимолий ён бағридаги қайрилма бурчак қисмида 5-қабрдан 5-6 м пастроқда жойлашган. Қабр деярли бузилган ҳолдалиги сабабли шакли номаълум.

Қабрдаги скелет пастки жағида озиқ тишларининг тушиб кетиши жағ атрофиясини келтириб чиқарган. Чакка суяги сўрғичсимон ўсимтаси, пастки жағ ияк бўртиғи ва тос суяги (*incisura ischiadica major*) қисмига асосан жинси – эркак (?). Скелет тўлиқ сақланмаган, мавжуд чакка суяк чоклари, бел умуртқасидаги суяк ўсмасига биноан тахмин қилиш мумкинки, 50 ёшдан катта киши бўлган.

Скелетнинг бош суяги юқорисидан суякдан ишланган предмет аниқланди. Унинг ичи ғовак. Сирти сайқалланган. Узунлиги 6 см, диаметри 1 см. Бунга ўхшаш топилма 4-қабрдан ҳам топилган эди.

10-қабр Қабр камерасининг ғарбий томонида қабр оғзи жойлашган. У 2 қатор ярим айлана қилиб терилган ўртача катталиқдаги дарё тошлари билан беркитилган. Тошлардан кейин дромос тупроқ тўлдирилиб, кейин яна бир қатор тош териб чиқилган ва тупроқ тортилган. Дромос нишаблиги 45-50° ни ташкил қилади. Сув таъсирида ҳосил бўлган тик жар дромоснинг қанча давом этганлигини аниқ айтиш имконини бермайди. Қабр қўрғони ҳам сақланмаган.

Қабрда 1,5-2 ёшдаги бола скелети аниқланди. Майит чалқанча ётқизилиб, қўл-оёқлари ёзилган ва боши шимолга қаратилган. Скелет анатомик бутун ҳолатда. Сақланган бўйи – 54 см (80 см?). Майитнинг калла, жағ, умуртқа, коворға, сон суяклари ёмон аҳволда. Қўл-оёқ фалангалари, тос ва болдир суяклари (чириган) сақланмаган. Майит билан бирга ҳеч қандай буюм кўмилмаган.

Қайд этиш керакки, 4-қабрда марҳумнинг бош чаноғида ҳалқасимон деформация қилиниш ҳолати мавжуд. Ҳалқасимон шаклда бошни сунъий

деформация қилиш Марказий Осиёнинг кўплаб ёдгорликларида учраган. Хусусан, Манғит [Зезенкова, 1953], Қоратепа [Мустафакулов, и др., 1992], Мунчоқтепа [Ходжайов, и др., 2006], Кососор-2 [Бужилова, 2006] кабиларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Археологик қазишмалар давомида кўлга киритилган антропологик материалларнинг баъзиларида суяк патологик ўзгаришлари аниқланди. Бу борада кейинги илмий ишларда батафсил тўхтаб ўтилади.

Сўнгра мазор-қўрғонидаги дафн иншоотлари бир хил бўлиб, катакомба қабрлардан иборат. Дромос горизонтал (ёки бир оз шарққа, катакомбага қараб оғган) туби ва деворлари юқорига қараб кенгайган бўлиши мумкин. Дромоснинг узунлиги аниқ эмас. Кенкўл маданиятининг шу каби тоғ ён бағри қияликлари ҳудудида жойлашган мазор-қўрғонлари (Чоон-Капка I, Кенкўл ва ҳк.) дромослари одатда 3-4 м, баъзи ҳолларда 7-8 м гача боради. Кенглиги эса 0,4 м дан 0,9 м гача. Унинг пастки қисмидаги хандақнинг охирида дромос ўқи бўйлаб узун ўқи бўлган дафн камераси – катакомба ўйилган [Смагулов Е. 2004. – С. 106]. Ёдгорлигимиз қабрларининг дромослари ҳам шунга ўхшаш бўлиб, камера ўлчамларининг майит жуссасига қараб ўзгариши кузатилади. Камера киришларининг тахминий ўлчамлари: баландлиги – 0,5-0,6 м; кенглиги – 0,5-0,6 м. Унинг пол сатҳи одатда дромос полидан бироз пастда ва кираверишда 5-10 см баландлиги бўлган зинапоя мавжуд. Камералар одатда овал шаклида ёки айлана бурчакли тўртбурчак режага эга. Ўлчамлари: 1.8-2.1x1.0-1.2 м. Эҳтимол, камеранинг шифти ҳам унинг режасидан келиб чиққан ҳолда шу тарзда ишланган бўлиши мумкин.

Дафн иншоотларининг йўналиши ҳудуднинг топографик хусусиятларига хос. Қабристон жойлашган қиялик ғарб томонга қараган. Албатта, дромослар ҳам ғарбдан шарққа йўналтирилган. Дафн камераси дромос йўналишига перпендикуляр, яъни шимол-жануб йўналишида. № 4, №5 қабрларнинг дромослари катакомба марказига эмас, шимоли-ғарброқда, яъни майитлар бош қисмига яқин жойлашган. Дафн этилганлар бошлари асосан шимолга (шимоли-шарқ, шимоли-ғарб), учта ҳолатда жанубга йўналтирилган. Иккита қабрда эса шарққа йўналтирилган. Дафн иншоотлари ёнбағир йўналишидан келиб чиққан ҳолда бўлса-да, бош йўналишларининг турли-туманлиги хронологик ёки этник масалаларга боғлиқликнинг ишораси бўлиши мумкин. Дафн иншоотларининг йўналиши ҳудуднинг топографик хусусиятларига хослиги ҳолати эса Кенкўл маданияти учун характерлидир [Кожомбердыева Э.И. 1995]. Шунинг ҳам қайд этиш керакки, эра бошларига оид Шимолий Кавказдаги катакомба қабрларда ҳам худди шундай ҳолат кузатилади [Абрамова М.П. 1987. – С. 119]. Мархумни хонага жойлаштиригандан сўнг кириш жойи турли ҳажмдаги тошлар билан ёпилган ва дромос, афтидан, илгари қазиб олинган тупроқ билан қайта кўмилган. Қазишма ҳудудидаги тупроқ намлигининг юқорилиги эса дромос контур чизиқларини топишга имкон бермади.

Шубҳасиз, қадимий юзанинг қия ҳолати қабр кўрғонларининг тез йўқолишига сабаб бўлган. Бироқ қабристон фаолият олиб борган вақтда, дафн иншоотларининг ташқи белгилари мавжуд бўлган бўлиши керак [Смагулов Е. 2004. – С. 107].

Тошкент вилояти ҳудудида юзлаб очиб ўрганилган катакомба қабрлар яқин 140 йиллик тарихга эга. Ҳудудда катакомба типдаги қабрлар илк марта 1887 йилда Н.П.Остроумов томонидан Тошкент шаҳридан 4 км шимолда, Дўрмон қишлоғи йўлидаги “Никифоров ерлари”да аниқланган. Олим томонидан 47 та кўрғондан 17 таси очиб ўрганилган. С.Сорокиннинг маълумотига кўра, ушбу қабрлар ўрганилиши ҳақидаги ҳисобот Археология комиссиясига, топилмалар эса Москвадаги Тарих музейига жўнатилган [Сорокин С.С. 1956. – С. 97]. Ўшандан бери ўрганилган ёдгорликлар сони доимий равишда ўсиб борди, лекин уларни ўрганиш ва талқин қилишдаги муаммолар камайгани йўқ. Тошкент ҳудудидаги аксар мазор-кўрғонлар ўзаро перпендикуляр шаклдаги дромос ва катакомбалардан иборат бўлиб, “Кенқўл” типини олган. Дромос ва дафн хонаси параллел жойлашган катакомбалар эса бу ҳудудда саноклидир.

Тадқиқ этилаётган Сўнғак қабристони қабрларида ҳам шундай ҳолат кузатилади. Майитлар қўл-оёғи ёзилган ҳолда чалқанча ётқизилган. Қабр хонаси эса тош билан ёпилган. Мархумлар яқка ҳолда дафн этилиб, улар билан жуда оз миқдорда буюмлар кўмилган. Қовунчи ва Кенқўл маданиятлари мазор-кўрғонларида қабрларга биттадан тўрттагача оила аъзолар бирга дафн этилган бўлса, бу ёдгорликда фақат яқка ҳолда кўмиш анъанаси устувор бўлган.

12 та қабрдан 5 дона сопол идиш аниқланди. Қабристон бузилиши натижасида тупроқ юзасига чиқиб қолган 3 дона бутун идишни кўшганда бор-йўғи 8 дона сопол буюмлар мавжуд. Улардан 5 таси кўза (3 таси бир дастали), 3 таси ёғлоғи саналади. Уларнинг барчаси қўлда ясалган бўлиб, кўзалар ва 1 та ёғлоғи лойига шамот кўшилган. 2 дона ёғлоғи эса оч қизил рангли лойдан ишланган. Кўзалар ва 11 қабр (2019 йилги қазишма)дан чиққан ёғлоғи кўпол қилиб ясалган. Буюмларда ҳеч қандай безак ва белгилар учрамайди. 11 қабрдан аниқланган кўза ва ёғлоғи дасталарининг устки қисмида пиндик чиқариб ишланган. Кўза оғзида суюқликни қуйиш учун учбурчаксимон тумшук ҳосил қилинган. 5-қабрдан аниқланган кўза жўмракли бўлиб, Қовунчи II даври сополларига ўхшаб кетади. Лекин ясаиш услубининг ўта дағаллиги ва дастасининг жойлашувидаги фарқлар уни кейинги даврда ишланган дейишга имкон беради. Умуман олганда, ёдгорлик сопол мажмуаси жуда камбағал бўлиб, фақат икки типдаги сопол идишларга бўлинади. Сополларни даврлаштириш масаласининг баҳслилиги шундаки, Л.Левина ва Ю.Буряков томонидан Қовунчи маданияти мажмуалари учун таклиф қилинган даврлаштиришнинг фарқидадир. Л.Левинага кўра, Қовунчи маданиятининг II ва III босқичлари IV-V, VI-VIII асрлар билан, Ю.Буряков бўйича эса II-IV, V-VI асрлар билан

даврлаштирилган. Л.Левина сопол мажмуаси асосида ўз хулосаларини илгари сурган [Левина Л.М. 1971. – С. 184] бўлса, Ю.Буряков Тошкент воҳаси археологик ёдгорликларини умумий таҳлилига кўра, маданият фақат сопол мажмуасига таяниб пайдо бўлмаганлиги принципига асосланиб, ўз даврлаштиришини таклиф қилган. VII-VIII асрлар даври археологик мажмуаси эса Турк хоқонлиги даври ёдгорликлари сифатида даврлаштирилиб, Тошкент воҳаси “урбанистик” ривожланган ҳудуд сифатида аталиб, мустақил Мингўрик босқичи сифатида ажратилган [Буряков Ю.Ф. 1982. – С. 100]. Қайд этиш керак, бунда кўчманчи маданияти белгилари эътибордан четда қолган. Бизнингча, Л.Левинанинг сопол мажмуалари борасида ўтказган таҳлили асосли ва хронологик масалалари илмий асосланган.

Темир буюмларга тўхталадиган бўлсак, ёдгорлик ҳудуди ва ўрганилган қабрлардан асосан пичоқ, камар тўқалари ва от анжомлари аниқланди. Пичоқлар эрамизнинг бошлари ва илк ўрта асрлар учун хос. Ёдгорликдан 4 дона пичоқ аниқланган бўлиб, улар иккита типга ажратилди: 1) катта пичоқлар; 2) пичоқчалар. Катта пичоқлар узунлиги 15-25 см, эни 1-2 смгача бўлади. Дасталари ёғочдан ясалган ва ёғоч ғилофга солиб кўмилган. Кичик пичоқлар эса 6-8 см, эни эса 1 смгача бўлган. Бу каби пичоқлар Тошкент воҳаси, Уструшона, Жанубий Қозоғистон ва Фарғона водийсидаги кўплаб мазор-қўрғонларда аниқланган.

Камар тўқалари айлана шаклида, диаметри 3-4 см атрофида. Улар асосан эрамиз бошлари ва илк ўрта асрларда маҳаллий аҳоли томонидан кенг фойдаланилган. Бунда 1-қабрдан топилган темир парчалари ўз пайтида теридан ишланган камарга қадалган. Бундай камарлар амалий санъат намунаси бўлиб, Турк хоқонлиги даврига тааллуқли ва у қабр эгасининг жамоадаги нуфузи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай камарлар Олтой ҳудудидаги ёдгорликлардан аниқланган ҳамда VII-VIII асрлар оралиғи билан даврлаштирилган [Сибирские древности / Археология СССР. 1988. – С. 42, 128-129 (рис. 23.15)]. 2019 йилда Сўнғак ёдгорлигида олиб борилган кузатув ишлари натижасида қўлга киритилган от анжомлари – узанги, сўлик ва айил тўқалари ҳам VI-VIII асрларга тўғри келади [Maksud F., Muradaliyev R. 2020. – Ss. 287-302].

4- ва 9-қабрлардан аниқланган 5-6 см узунликдаги суякдан ишланган ичи ғовак найсимон буюмларни мархум ҳаётлиги давомида фойдаланган игнадон ёки меш оғзига маҳкамланган ва суюқлик ичишга қулай найча сифатида талқин қилиш мумкин. Бу каби суякдан ишланган буюмлар Тошкент ҳудудидаги Қовунчи маданиятига оид ёдгорликларда ва Фарғона водийсидаги эрамиз бошларига оид мазор-қўрғонларда очиб ўрганилган. Тадқиқотчилар бу каби суяк буюмларни кичик пичоқчалар учун даста ёки игнадон бўлганига урғу беришган [Литвинский Б.А. 1978. – С. 25-27]. Шунинг ҳам айтиш жоизки, суякдан ишланган бундай буюмларнинг аниқ хронологияси келтирилмаган.

Топилмалардан яна бири сурматош таёқчаси бўлиб, узунлиги 7 см, конуссимон таёқча бўлиб, орқа қисмида осиб юриш учун тешик ҳосил қилинган. Бундай таёқчалар аёллар пардоз анжоми сифатида фойдаланилган. Улар жуда узоқ вақт давомида фойдаланиб келинган. Энг қадимгилари Фарғона водийсининг илк темир даврига оид мозор-қўрғонларидан аниқланган [Горбунова Н.Г., Гамбург Б.З. 1957. – С. 78-90]. Эрамизнинг бошларига таалуқли Фарғона водийсининг кўплаб ёдгорликларида [Литвинский Б.А. 1978. – С. 129-131], Қовунчи маданиятига оид Тошкент воҳаси мозор-қўрғон ва маконларида [Агзамходжаев Т. 1962. – С. 75], шунингдек, Уралбўйидан Тувагача бўлган ҳудудлардан ҳам аниқланган. Б.А.Литвинский бу пардоз анжоми ҳақида муфассал тўхталиб, унинг жанубий минтақалардаги тарқалиши масаласини кенг ёритиб берган [Литвинский Б.А. 1978. – С. 133]. Умуман олганда, этнографик маълумотларга таянган ҳолда, сурматош таёқчаларидан XX аср бошларига қадар Тожикистоннинг тоғли ҳудудларида фойдаланиб келинган ва ундан нафақат аёллар, балки эркаклар ҳам қўллаб келишганини таъкидлаш лозим [Ершов Н.Н. 1952.].

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, илк ўрта асрлар, хусусан, Турк хоқонлиги даври тарихи жуда мураккаб ва зиддиятли ҳодисаларга бой, шу билан бирга баъзи жиҳатларда мавҳум бўлиб, археологик тадқиқотлар натижалари ушбу кемтикларни тўлдиришга хизмат қилади. Биз томонимиздан ўтказилган тадқиқотлар ҳам илк ўрта асрлар даврида Чорвоқ теграларида яшаган чорвадор халқларнинг кўмиш удумлари, диний маросимлари, эътиқоди, турмуш-тарзи ҳақидаги тарихий жараённи тиклашга ва тўлдиришга хизмат қилади.

Шу ўринда айтиш керакки, Сўнгах қабристонни эгалари маҳаллий маданият элементларини ўзида акс этган кўчманчи чорвадорларнинг қадимги турклар даврига оид типик ёдгорлиги саналади. Мозор-қўрғон эгалари қўшни ҳудудлар: *Чирчиқ-Оҳангарон водийси, Жанубий Қозогистон, Талас, Фарғона, Еттисув* билан яқин муносабатда бўлган.

Шундай қилиб, ёдгорликдан тўпланган янги артефактлар мажмуаси Ўрта Осиё ҳудудининг биринчи минг йиллик ўрталарида яшаган халқларнинг маданияти ва тарихининг жуда долзарб, асосан, мунозарали бўлган Қовунчи маданиятининг даврлаштирилиши, Чирчиқ водийси юқори оқими илк ўрта асрлар даври этник мансублиги, кўчманчи чорвадор гуруҳларнинг кўмиш удумлари ва диний дунёқараши масалаларини маълум даражада ўрганиш учун манбалар фондини тўлдиришга хизмат қилади. Манбашунослик базасини кенгайтириш эса ҳудудда илк ўрта асрларда содир бўлган Евроосиё далақирларида кўчманчи халқларнинг улкан кўчишлари билан боғлиқ нотинч даврлар тарихини англашда зарурдир.

Адабиётлар

1. Абрамова М.П. Подкумский могильник. – Москва. 1987.
2. Агзамходжаев Т. Тюябугузские наусы // ИМКУ, – Вып. 3. – Ташкент. 1962.

3. Бужилова А.П. Биоархеологические подходы к изучению деформированных черепов из Приаралья (по антропологическим материалам могильника Косасар-2) // Искусственная деформация головы человека в прошлом Евразии - OPUS: Междисциплинарные исследования в археологии. – М. : Инст-т археологии РАН, 2006.
4. Буряков Ю.Ф., Касымов М.Р., Ростовцев О.М. Археологические памятники Ташкентской области. – Т., 1973.
5. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Ташкент, 1982.
6. Горбунова Н.Г., Гамбург Б.З. Ак-Тамский могильник // КСИИМК. –Вып. 69. 1957.
7. Григорьев Г. В. Каунчи-Тепа (Раскопки 1935 г.). – Ташкент. 1940.
8. Древности Чарвака. –Ташкент. 1976.
9. Зезенкова В. Я. Материалы к палеоантропологии Узбекистана и Туркмении [Раздел книги] // Вопросы этногенеза народов Средней Азии в свете данных антропологии (сборник статей) / авт. книги Ошанин Л. В. и Зезенкова В. Я.. - Ташкент : Издательство Академии наук УзССР, 1953.
10. Ершов Н.Н. О каменных палочках и их аналогиях у таджиков. – ДАН Тадж ССР, Вып. II.1. – Сталинабад. 1952.
11. Кожомбердыева Э.И. Об ориентировке погребальных сооружений кенкольской культуры // Вестник Московского университета, сер.8. История, №1, – М., 1995.
12. Левина Л.М. Керамика нижней и средней течения Сырдарьи в 1 тыс. н.э. – Москва. 1971.
13. Муродалиев Р., Мирсоатова С. Сўнгат мазор-кўрғони топилмаси ва узангининг тарихдаги аҳамияти // Ўтмишга назар. Том 4. № 9. 2021.
14. Мустафакулов С. И., Ходжайов Т. К. Краниологические материалы эпохи античности из Бактрии - Тохаристана // История Материальной культуры Узбекистана – ИМКУ, № 26. – Т.: "Фан", 1992.
15. Литвинский Б.А. Орудия труда и утварь из могильников Западной Ферганы. – Москва, 1978.
16. Сибирские древности / Археология СССР. Том 18. – М., 1988.
17. Смагулов Е. Катакомбный могильник Чоон-Капка I в долине р. Талас // ИМКУ, № 34. – Ташкент. 2004.
18. Сорокин С.С. Среднеазиатские подбойные и катакомбные захоронение как памятники местной культуры // СА, – Вып. XXVI. 1956.
19. Ходжайов Т.К., Мустафакулов С.И. и Матбабаев Б.Х. Предварительные результаты изучения населения Ферганы в раннее средневековье (по материалам могильника Мунчактепа) // ИМКУ, № 35. – Тошкент: "Фан", 2006.
20. Maksud F., Muradaliyev R. Göktürkler ve üzeninin yayilmasi üzerine // Genel Türk tarihi arařtirmalari dergisi. Cilt/Volume 2, Sayı/Issue 4, Temmuz /July. 2020.

Муродалиев Р.Х.,
ЎзФА Миллий археология маркази

ЎРТА ОСИЁНИНГ АНТИК ДАВР КАТАКОМБА ҚАБРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Ўрта Осиё ҳудудида қадимги қабрларни ўрганиш юз йилдан ошиқроқ вақт давомида шаклланди. Умуман, ўтган давр мобайнида моддий маданиятимиз тарихининг ажралмас бўлаги сифатида археологик

тадқиқотларнинг муҳим объектларидан бўлмиш қабрларни ўрганиш борасида улкан тажриба тўпланди.

Қадимги қабрлар тузилиши, кўмилиш услуби, ер устида тикланган кўрғони ва бошқа белгиларига қараб турлича номланган. Оддий чуқур ўра ва ёрма қабрлар, айвонли (подбой) қабрлар, катакомба (дромос – кириш йўлаги ва махсус камерали) қабрлар, даҳма-ноуслар, сағана (склеп)лар ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўрта Осиё ҳудудида майитлар турли даврларда юқоридаги кўмиш усуллари асосида дафн қилинган. Бу қабрлар жойлашув ҳудуди ва ландшафтига кўра, ўтроқ ёки кўчманчи халқларга тегишли эканлиги таъкидлаб келинган.

Бу борада узоқ вақт давомида тадқиқот олиб борган Ю.А.Заднепровский, Ўрта Осиёдаги антик даврдаги қабр иншоотларини куйидагича таснифлаган:

а) Кенкўл гуруҳи. Бундай қабрларнинг лаҳади дромосга перпендикуляр жойлашган бўлиб, “Т” шаклидаги қабрлар ҳам дейилади.

б) Лавандоқ гуруҳи. Бу гуруҳда қабр лаҳади дромоснинг давом этишида жойлашган (Дромос шимол-жануб йўналишида бўлиб, қабр камераси унинг давоми саналади).

в) Тулхар гуруҳи. Бундай қабрларда лаҳадга кириш эшиги одатда ғарбий деворда бўлиши. Булар айвонли қабрлар (подбой) саналади.

г) Айғиржол гуруҳи. Бу гуруҳдаги қабрларда лаҳаднинг шимолий ёки жанубий деворда бўлиши. Катакомбаларга ўхшаш, нисбатан саёзроқ қазилган айвонли қабрлар (подбойлар).

д) Чилпек гуруҳи. Гуруҳда ўра қабрлар ва ер усти тош иншоотлари – курум ва муғхоналар ўрин олган [7, С. 293-296].

Н.Г.Горбунова эса уларни номламаган, балки рақамлаб чиққан. Унга кўра, катакомбалар III типга, айвонли қабрлар эса II типга бўлган [5, С. 20].

Шунингдек, олима фақат Фарғона водийсидаги қабр иншоотларини ландшафт зоналарига қараб 5 та гуруҳга ажратган:

– биринчи гуруҳ, водийнинг тоғолди минтақаларида мурдани қабр қазимай ер устига қўйиб, жасад устига тош терилган, тош иншоотлари (курум ва муғхона) шаклида;

– иккинчи гуруҳ, водийнинг чегара туманлари шимол ва энг ғарбий ҳудудларида – Кенкўл типдаги катакомба қабрлар;

– учинчи гуруҳ, жануби-шарқий томонидаги текис қир-адир мавзеларда – Хонқиз типдаги катакомба, ёрма ва ўра қабрлар;

– тўртинчи гуруҳ, жануби-ғарбий туманларда ҳар хил кўринишдаги ёрма қабрлар, Хонқиз ва Кенкўл типдаги катакомба қабрлар ва ёғоч билан ёпилган чуқур ўра қабрлар;

– бешинчи гуруҳи эса водийни жануб томонидаги тоғ олди районларида учрайдиган ҳар хил йўналишда қазилган ўра қабрлар [3, С. 94].

Илк марта археолог С.С.Сорокин Ўрта Осиёдаги қабрларни ландшафт зоналарига бўлиб ҳудудий таснифлаш ва ўрганишни таклиф қилган [11, С.

83]. Дафн иншоотларини бу тарзда гуруҳларга ажратиш уларни таснифлашда анча енгиллик бериб, тасаввурни кенгайтиради. Бироқ қабр тузилишлари Ўрта Осиёнинг турли худудларида ягона қонуниятга эга бўлмай, ўзига хос кўринишларга эга.

Ушбу мақоламизда Ўрта Осиёдаги антик давр катакомба қабрлари хусусиятини худудлар кесимида қиёсий таҳлил қилган ҳолда ёритишга ҳаракат қиламиз.

Бундай қабрлар минтақанинг Фарғона, Тошкент, Жанубий Туркменистон, Бухоро, Самарқанд, Уструшона, Жанубий Қозоғистон ва Талос водийларида очиб ўрганилган.

Ўрта Осиёда ўрганилган катакомба қабрларнинг бошқа минтақалардан фарқи катакомба қабрларни дромосга нисбатан жойлашишида кўринади. Бунда қабр камераси ўзининг асоси билан дромосга перпендикуляр жойлашган. Бироқ Лавандоқ типига катакомба қабрлар камераси дромос давоми сифатида қазилган [10, С. 99-100] бўлиб, Сўғд худуди, Хоразм, Жанубий Туркменистон, кам миқдорда Фарғона, Тошкент ва Талос худудларида учрайди.

Катакомба қабрлар Фарғона водийсидаги антик давр мазор-қўрғонларининг катта қисмини ташкил этиб, уларни ўрганишда биринчи навбатда лаҳаднинг дромосга нисбатан ҳолати, узунлиги, йўналиши ва лаҳадни қайси томонда бўлишига эътибор қаратилган. Иккинчидан, дромосдан лаҳадга ўтиш йўлагининг ўлчами, зинали (ёки зинасиз, қия) ҳолатда бўлиши, дромосдан лаҳадга ўтиш йўлининг беркитилиши (тупроқ, гувала, тош, қамиш, ғишт ва ҳ.к.), қандай кўринишда эканлигига қараб таснифланган. Н.Г.Горбунова, юқоридаги хусусиятларга қараб, катакомба қабрларнинг 12 та турини ажратган [3, С. 87].

Дромоси жанубдан шимолга қараб қазилган ва унга перпендикуляр тарзда шарқ-ғарб йўналишида лаҳади бўлган қабрлар Фарғона водийсидаги антик ва илк ўрта асрларнинг бошланғич даврига мансуб мазор-қўрғонларда кузатилади. Б.А.Литвинскийнинг фикрича, Фарғона водийсидаги катакомба қабрларда “айвоннинг эни лаҳад узунлигидан уч баробар (мос равишда 0,95 ва 2, 97 м) тор. Бундай катакомба қабрлар одатда “Т” ҳарфи кўринишида бўлади”. Бундай қабрлар “Кенкўл” типига қабрлар саналади. Олим Фарғона водийсининг жануби-ғарбий қисмидаги мазор-қўрғонларни тадқиқини якуни сифатида “Ворух-Қорабулоқ маданияти” тушунчасини таклиф қилган [9, С. 59]. Ушбу давр ёдгорликларини Н.Г.Горбунова фақат мазор-қўрғонларгина эмас, манзилгоҳлар ҳам кўпчиликни ташкил этишини инобатга олиб “Қўғой-Қорабулоқ маданияти” сифатида бирлаштиришни тавсия қилган [2, С. 97-99]. Бунда кўчманчи чорвадор ва ўтроқ деҳқон маданиятини параллел равишда ўрганиш аҳамиятли деган фикр илгари сурилган.

Фарғона водийсидаги Қўғой-Қорабулоқ маданиятига оид мазор-қўрғонларда [3] ҳамда Тошкент вилоятидаги Вревский станцияси яқинидаги

мозор-кўрғон [1, С. 223] дромоси жанубдан шимолга қараб қазилган ва шарқ-ғарб йўналишида перпендикуляр камераси бўлган қабрлар кузатилган. Ҳар иккаласида ҳам дромос лаҳадга томон қиялаб, пасайиб келиб туташган.

Археолог Ф.Тошбоев Уструшонанинг катакомбали қабрларда дромоснинг анча тор бўлишини қайд этади ва уни Кенкўл типига тааллуқли эканини айтади. У Уструшонадаги бундай қабр иншоотларини икки турга ажратади. Биринчиси, ғарбдан келувчи дромос перпендикуляр тарзда шимол-жануб йўналишида жойлашган қабр камерасига келиб туташадиган Сағоноқ ва Ғулбо мозор-кўрғонларидаги қабрлар. Иккинчи тури, дромоснинг жанубдан шимолга қазилиб, шарқ-ғарб йўналишида қабр камерасига перпендикуляр тарзда ишланган. Улар Жиззах яқинидаги Учтепа ва Ғулбо мозор-кўрғонларида қайд этилган [12, С. 27].

Б.А.Литвинскийнинг ёзишича, “Ворух мозор-кўрғонларидаги кўплаб катакомба қабрларда дромос катта эмас, уларнинг узунлиги кўпинча 1,5-3,0 м, баъзан 4,0 м гача боради. Бундай қабрларда дромос лаҳадга перпендикуляр бўлиб, Кенкўл типига ўхшаб кўндаланг ҳолатда ён томонидан симметрик равишда келиб туташган бўлади” [9, С. 58].

Ю.А.Заднепровский ўзининг тадқиқотларида Фарғона катакомба ва айвонли лаҳад қабрларининг келиб чиқиши масаласига тўхталиб “менимча уларнинг келиб чиқишига ёндашишда маҳаллий илдизларни ғарбий (сармат) ва шарқий (хун) таъсирлардан фарқлаш керак... эрамизгача III-II асрларда Фарғона водийсида олдинги вақтларда кузатилмайдиган қабр иншоотлари – катакомба қабрлар пайдо бўлади. Археологик ва антропологик материаллар катакомба ва ёрма қабрларнинг маҳаллий илдизларга эга, деган фикрга қарши ўлароқ, уларни ташқаридан кириб келганлиги ҳақида маълумот бермоқда”, деб катакомба қабрларнинг юэчжилар билан боғлиқлигини таъкидлайди [6, С.98]. Лекин кейинроқ бронза даврига оид Кўчқорчи мозор-кўрғонларининг очилиши водийда антик даврдан олдинроқ катакомба қабрлар бўлмаган деган фикрни рад этди [8].

Суғд мозор-кўрғонларининг вужудга келишини таҳлил қилган О.В.Обельченко, уларни Оролбўйи, Қуйи Сирдарё ва Қизилқум орқали Суғдга томон силжиган сарматлар билан боғлайди. Лекин бу силжишлар асосан табиий жараёнлар, сув ресурсларининг йўқолиши билан боғланади. Айтиш мумкинки, эрамиздан олдинги I минг йилликнинг сўнгги асрларидаги миграция жараёнлари табиий факторлар оқибатида эканлиги кўп маротаба тадқиқотчилар томонидан кузатилган. Эрамизнинг бошларида нафақат Зарафшон қуйи қисмига, балки бутун Сирдарё ва Амударё оралиғидаги худудларга чорвадорларнинг Қуйи Сирдарё орқали кириб келиши ҳам Сирдарёнинг ўзанини шимол томонга ўзгартириши ва эски ўзанининг қуриши билан боғланади [10, С. 11]. Қўшимча сифатида айтиш жоизки, қулай сиёсий вазият сабабли, яъни Қанғ давлатининг заифлашуви, эрамизнинг III аср охири – IV асрларида Евроосиё дашт худудларидан кўчманчи хунн қабилаларининг кириб келишига замин яратган.

Катакомба қабрлари Ўрта Осиёда кенг тарқалган қабр турларидан бўлиб, илк ўрта асрлардан [13] бугунги кунимизгача сақланиб қолди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиёдаги мазор-қўрғонлар қабр тузилишидаги ўзгаришлар ҳудудга антик даврда янги (сармат, юечжи, усун каби) этник гуруҳлар ва улар билан катакомба ва айвонли қабр тузилишлари ҳамда дафн одатларининг қайта пайдо бўлганлигини кўрсатади¹. Бу эса катакомба қабрларнинг кенг оммалашишига сабаб бўлган. Бизнингча, бу кўринишдаги қабрларнинг кенг ёйилишига ўша давр кишиларининг нариги дунё ҳақидаги тасаввурлари ва диний тушунчаларининг кенгайиб бориши ҳам сабаб бўлган. Уларнинг тасаввурича, марҳумни ҳурматлаб, нариги дунёда кузатиш ва унинг “марҳумлар дунёси”да яхши яшаши учун керакли қулайликлар яратилиши керак эди. Бунда майит ёнига қўйилаётган озиқ-овқат ва буюмлар қабрнинг лаҳад қисмига бемалол жойлашар ва ўтказилаётган маросимлар ҳам тўлиқ адо этилар эди. Ўрта Осиёда катакомба қабрларнинг антик даврда кенг ёйилиши эса, биринчидан, миграция жараёнлари билан боғлиқ мураккаб ижтимоий-сиёсий ва этник жараёнлар натижаси бўлса, иккинчидан, кўчманчи ва ўтроқ халқларни бирлаштира олган Қанғ давлати сиёсий фаоллиги билан боғлиқ.

Адабиётлар

1. Агзамходжаев Т. Раскопки погребальных курганов близ станции Вревской // ИМКУ, 1961. № 2.
2. Кугайская (кугайско-карабулакская) культура Ферганы II в. до н. э. - VI в. н. э. // Античная культура Средней Азии и Казахстана: Тез. докл. Всесоюз. науч. совет. – Ташкент, 1979.
3. Горбунова Н.Г. О типах Ферганских погребальных памятников первой половины I тысячелетия н.э.//АСГЭ. 1981. № 22.
4. Горбунова Н. Г. Некоторые особенности формирования древних культур Ферганы // АСГЭ. 1984. Вып. 25.
5. Горбунова Н.Г. О подбойно-катакомбных погребениях ранних кочевников Средней Азии (конец I тысячелетия до н.э. – первая половина I тысячелетия н.э.) // СА, 1991. № 3.
6. Заднепровский Ю. А. К истокам кочевников Средней Азии Кушанского периода // СА. 1956. XXVI.
7. Заднепровский Ю. А. К истории кочевников Средней Азии Кушанского периода // Центральная Азия в Кушанскую эпоху. – М., 1975. Т.2.
8. Иванов Г.П. Кашкарчинский могильник - новый памятник эпохи бронзы в Фергане // ОНУ, 1988. № 10.
9. Литвинский Б.А. Курганы и курумы Западной Ферганы. (Раскопки погребальный обряд в свете этнографии). Москва, 1972.
10. Обельченко О.В. Лявандакский могильник. // ИМКУ. Вып. 2. Ташкент, 1961.
11. Сорокин С.С. Среднеазиатские подбойные и катакомбные захоронения как памятники местной культуры // СА. 1956. Вып. XXVI.

¹ Катакомба қабрлар бронза даврида Фарғона водийсидаги Қўчқорчи, Чек, Япоғи мазор-қўрғонларида, айвонли қабрлар (подбой) эса Жанубий Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон ҳудудларида кенг тарқалган. Л.Сверчков бу қабрларни “Тохар”лар миграцияси билан боғлаган. Қаранг: Сверчков Л. Тохары – древные Индоевропейцы. – Т. 2011.

12. Тошбоев Ф.Э. Жиззах воҳаси чорвадорлари катакомба қабрларининг таснифига доир айрим мулоҳазалар // Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (қадимги даврдан ҳозирги кунгача). –Жиззах. 2020.

13. Farhad Maksudov, Muradaliyev Rahmanali. Göktürkler ve üzeninin yayılması üzerine // Genel Türk tarihi arařtırmaları dergisi. Cilt/Volume 2, Sayı/Issue 4, Temmuz /July 2020.

*Мухиддинов С.И.,
СамДУ доценти*

САМАРҚАНДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ЎҚУВ БИНОСИ ВА УЛАРНИНГ АҲВОЛИ

XIX асрнинг охири XX аср бошларида Самарқанддаги асосий илм аҳли мадрасаларда таҳсил олган бўлиб, бу даврдаги мадрасаларнинг сони ҳақида турли манбаларда ва архив ҳужжатларида турлича маълумот келтирилган. Шундай ҳужжатлардан бирида вилоятда 58 та мадраса фаолият кўрсатганлиги айтилган. Ушбу мадрасаларнинг 36 тасига XIX асрда асос солинган. Самарқанд Россия империяси томонидан босиб олингач, яна 10 та мадрасага асос солинган¹. Бу эса Самарқандликларнинг илм-фанга нисбатан бўлган муносабатини кўрсатиб беради. Вилоятдаги 6 та мадрасага ҳукмдорлар асос солган бўлса, 14 та мадраса хон ва амирларнинг яқин кишилари, мулозимлари ва қариндошлари томонидан асос солинган. 38 та мадрасага эшонлар ва таъминланган бойлар асос солишган.

Самарқанд шаҳридаги мадрасалар биноси нисбатан вилоят бўйича қониқарли аҳволда яхшироқ сақланган. Вилоятдаги биноси қониқарсиз ва аянчли аҳволда бўлган мадрасалар Жиззах ва Зоминда бўлиб, улар ушбу даврда биноси таълим даргоҳи сифатида мутлақо талабга жавоб бермаган. Бу даврга келиб Самарқанддаги икки мадраса Бибихоним ва Рухобод (Самарқанд забт этилгач казарма ва госпиталга айлантирилган) вайрона ҳолга келган, бу эса рус босқинининг натижасида рўй берган. Бу ҳар иккала мадрасанинг вақф мулки давлат ҳисобига ўтказилган.

Туркистондаги мактаблардан фарқли равишда барча мадрасалар ўз ўқув биносига эга бўлган. Самарқанд вилоятидаги йирик мадрасалар кўплаб хужралар, тоқли-равоқли, ички-ташқи сахли, масжид, дарсхона, таҳоратхона, кутубхона, дарвоза ва ҳовузларига ҳам эга бўлган. Кичикроқ мадрасалар, асосан, хужралардан иборат бўлган. Ҳар бир хужра 2-4 талаба истиқомати учун мўлжалланган бўлиб, уч қисмдан: ётоқхона, дарсхона, қазоқ (озик-овқат ва бошқа маҳсулотлар учун жой – М.С.)дан иборат бўлган.

Самарқанддаги мавжуд мадрасаларнинг аксарият қисми XV-XVII асрларда қурилган бўлиб, пишиқ ва хом ғишдан бунёд этилган. Деворлари тўғри тўртбурчак шаклидаги мадрасалар алоҳида хужралар, дарсхона ва кўшимча хизмат кўрсатувчи бинолардан иборат эди. Мадраса ҳовлисида

¹ ЎзР МДА Ф. И-455. Р-1. Иш-1. Варақ-2.

масжид, азон айтиш учун махсус гумбазли минора ва таҳоратхона бўлган. Мадрасалар ўзининг маҳобатли кўриниши ва хусусиятлари билан ажралиб турган ва тарихий бойлик сифатида ҳам эъзозланган.

Туркистон ўлкасида ва Самарқанд вилоятида мадрасалар биноси асосан пишиқ ва хом ғиштлардан қурилган. Архив маълумотларига кўра, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлигининг Сирдарё вилоятида 10 та, Фарғона вилоятида 50 та, Самарқанд вилоятида 23 та¹ (жами 83) та мадраса пишиқ ғишдан қурилган бўлиб, ярми хом ва ярми пишиқ ғиштли мадрасалар эса Сирдарёда 6 та, Фарғона вилоятида 14 та, Самарқанд вилоятида 8 та² (жами 28 та), хом ғишдан қурилган мадрасалар Сирдарё вилоятида 16 та, Фарғона вилоятида 68 та, Самарқанд вилоятида 32 та (жами 116 та), ярми бузилган, талабга жавоб бермайдиган мадрасалар Сирдарёда 4 та, Фарғонада 15 та, Самарқандда 14 та (жами 33 та) бўлганлиги қайдларда учрайди³.

Самарқанд вилоятидаги мавжуд 58 та мадрасанинг 40 таси шаҳарларда ва 18 таси уезд ҳудудларида жойлашган эди. Жумладан, Самарқанд шаҳрида 25 та мадраса, Самарқанд уездида 4 та мадраса, Хўжанд шаҳрида 12 та мадраса, Хўжанд уездида 12 та мадраса, Каттакўрғон шаҳрида 1 та мадраса, Каттакўрғон уездида 1 та мадраса, Жиззах шаҳрида 2 та мадраса ва Жиззах уездида 1 та мадраса фаолият кўрсатган. Самарқанддаги барча мадрасалар ўз биносига эга бўлиб, пишиқ ғиштли мадрасалар (23 та мадраса, булар – Тиллакори, Шердор, Оқмадраса кабилар), ярми пишиқ ва ярми хом ғиштли мадрасалар (8 та, булар – Самарқанддаги Хожа Мазан, Имом Рофи оқсоқол, Мирзабой), хом ғиштли мадрасалар 27 та бўлган. Пишиқ ғиштли мадрасаларнинг 11 тасининг аҳволи ташқи кўриниши яхши (Самарқанд шаҳридаги Тиллокори, Шердор, Оқ мадраса, Орифжонбой, Шайбонийхон, Хўжазулмурод, Мулла Назар, Мадрасаи Шои. Хўжанд шаҳрида Хожа Амин, Рустамбек, Ўратепа шаҳрида (Хўжанд уездида) Мадрасаи Накиб (Каттакўрғон уездида) қониқарли бўлган бўлса, пишиқ ғиштли 14 мадрасанинг аҳволи қониқарсиз (Мирзо Улуғбек, Турдиали, Имом Рофеъоқсоқол кабилар)⁴ бўлган. Бу 1892-1893 йиллардаги маълумотларда келтирилган.

Ушбу даврга келиб истило натижасида бир қанча мадрасалар вайрон этилади, шунингдек, вақф мулкларининг ноўрин тақсимланиши натижасида Самарқанд вилоятидаги мадрасалар биноси қаровсиз, аянчли аҳволга тушиб қолади. Масалан, 1916 йил 26 январь санасида Самарқанд шаҳар Қадимий ёдгорликлар кузатувчиси Самарқанд вилоят ҳарбий губернаторига рапорт берган. Унда шундай маълумотлар берилган: “Менинг кузатишларим натижаларига кўра, Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек мадрасасининг

¹ ЎзР МДА Ф.И-455, Р-1. Иш-1. Варақ-7.

² ЎзР МДА Ф.И-455, Р-1. Иш-1. Варақ-9.

³ ЎзР МДА Ф.И-47, Р-1. Иш-1. Варақ-70.

⁴ ЎзР МДА Ф. И-455 Р-1 Иш-1. Варақ-18.

шимолий минораси эгилган девор ва минора орасида ёриқ пайдо бўлган. Вилоят архитектори томонидан комиссия тузилиб, минорани сақлаш йўллари кўришингизни сўрайман”¹.

1870 йилдан бошлаб Шоҳизинда ансамблида катта таъмирлаш ишлари бошланди ва бу ишларга Уста Боқининг хизматлари катта бўлган. 1875 йилда Регистон майдонида таъмирлаш ишлари бошланди. Қамал вақтида вайрон қилинган деворлар, миноралар тикланди. Вақтинчалик фаолият кўрсатадиган расталар олинди. Майдон ғиштли панжара билан ўраб чиқилди. Бу ишларнинг асл мазмуни, шубҳасиз, маҳаллий халқнинг хурматини, эътиборини қозониш бўлган. Лекин агар эски мақбара ёки мадарасалар ҳарбий режага тўсқинлик қилса, ҳеч шубҳасиз, бузиб ташланган. 1893 йилда қурилиш вақтида Қутби-Чор-Духумни портлатишган.

Архив ҳужжатларидаги маълумотларга кўра, 1880 йилда Самарқанддаги икки мадрасада таъмирлаш ишлари олиб борилади. Ҳужжатда 1880 йил 23 июлда Зарафшон округи бошқарувчиси Самарқанд бўлими бошқарувчисига мурожаат қилган ва унда шундай ёзилган: “Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек ва Шоҳи Зинда мадрасалари таъмири учун 3643 рубл 55 копейка ажратилган. Бу маблағлар тарихий ва қадимий ёдгорликларни қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳар сметаси асосида сарфланди. Биз ҳозир мадрасалардаги энг зарур ва керакли бўлган таъмирни амалга ошириш билан чекланмоқчимиз. Тўлиқ таъмир кейинроқ амалга оширилади. Мирзо Улуғбек мадрасаси биносининг деворлари ички қисмини шкатурка қилиш, Шоҳизинда мадрасасининг полини таъмирлаш каби ишлар сметадан чиқарилиши мумкин. Шунингдек, Мирзо Улуғбек мадрасаси том қисмини таъмирлаш ҳам 1052 рубл 50 копейкадан 900 рублгача қисқартирилиши мумкин. Шунингдек, икки мадрасани таъмирлаш ишларига сарфланадиган харажатни 3000 рублгача қисқартириш мумкин. Қурилиш ишларида Бибиҳоним мақбараси харобаларидаги қурилиш материалларидан фойдаланиш ҳам мумкин. Тўлиқ ва батафсил маълумот берилгач, таъмир ишларини бошлашга рухсат сўралган”².

Таъмирлаш ишларининг ҳар бир жараёнида қурилиш материаллари ҳақида мунтазам маълумот сўралган ва 3000 рублни таъмирлаш ишларига етказиш буюрилган. Бундан кўриниб турибдики, биринчидан бу иккала мадраса бинолари жуда хароб аҳволда бўлган, иккинчидан, рус маъмуриятининг мадрасаларга муносабати кўрсатиб берилмоқда, улар имкон борича таъмир учун арзонроқ қурилиш материалларини сарфлаб ёки харобага айланган Бибиҳоним мақбарасининг вайрон бўлган қисмидан фойдаланиб таъмир харажатини қисқартиришга уринган. Маҳаллий рус маъмуриятининг Самарқанддаги вақф мулкларидан олаётган йиғими ҳам 1880 йилга келиб анча бўлиб қолганлигини ҳисобга олсак, бу таъмир

¹ ЎзР МДА Ф.И-18 Р-1 Иш- 9817. Варақ-1.

² ЎзРМДА Ф.И 5 р 1 Иш-635. Варақ-5.

ишлари ҳам деярли тўлиқ мадраса вақф даромадлари ҳисобидан амалга оширилган¹. Шундай бўлса-да, таъмирлаш ишларига катта аҳамият берилмаган. Самарқанд вилоятида мадрасалар жойлашган ҳудуддаги шароитдан келиб чиқиб бинолари турлича бўлган. Хўжанд мадрасалари бинолари Самарқанд ва Каттақўрғон мадрасалари биноларини ташқи кўринишида ва таъминотида улкан фарқ бўлганлиги манбаларда келтирилган.

XIX аср охири XX аср бошларида Самарқанддаги мадрасалар нуфузи анчайин пасайганлигини мемуар манбалар ҳам тасдиқлайди. Бу даврда ижод этган маърифатпарварлардан Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919) ўзи таъсис этган жамиятнинг турли соҳаларига оид қизиқарли ва долзарб мавзудаги мақолалар эълон қилинган “Ойна” журналида² Шердор мадрасасининг фаолиятига доир фикрларини баён этган. Мақолада мадраса ўз вазифасини бажармаётганлиги куюниб келтирган³. Ушбу фикрлар Сайид Аҳмад Васлий (1870-1925) маълумотларида ҳам акс этганлигини эътироф этиш лозим⁴. Буни архив ҳужжатлардаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, Самарқанд вилоятидаги вақф ерларининг назоратга олиниши мадрасалар ички ҳаётини ўзгаришсиз қолдирган. Вилоятдаги мадрасаларнинг ички ҳаётига аралашмаслик сиёсати рус ҳукуматининг қолган икки вилоятдагидек мадрасалар ички фаолиятини ўзгаришсиз қолишига сабаб бўлган. Мударрис ва мутавалийларнинг ўз ишларига совуққонлик билан, жиддий қарамаслиги худди Сирдарё ва Фарғона вилоятларидаги мадрасалар фаолиятига ўхшаш бўлган⁵. Ҳукумат, асосан, вақф мулкларига эътибор берган.

Архив ҳужжатларида вилоятдаги барча мадрасалар биноси ва жойлашуви ҳақида маълумотлар келтирилган. Масалан, вилоят мадрасаларига оид ҳужжатларнинг бирида Шердор мадрасасида 1 та катта бинода 58 та ҳужра, 2 та дарсхона мавжуд бўлганлиги, Тиллақори мадрасасида 54 та ҳужра, 2 та дарсхона, 1 та биноси бўлганлиги ёзилган⁶. Муҳаммад Шарифбой мадрасаси 11 та ҳужрадан иборат бўлган, холос.

Даҳбед мадрасаси 32 та ҳужра, 1 та дарсхонадан иборат бўлган. Нодир Девонбеги мадрасаси 30 та ҳужра, Шайбонийхон мадрасаси 30 та ҳужра, 2

¹ ЎзРМДА Ф.И 5 р 1 Иш-635. Варақ-5-23.

² Алимова Д. Маҳмудхожа Бехбудий и его Самарқандский журнал “Ойна” / Самарқанд шахрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган “Самарқанд шахрининг умумбашрий маданий тараққиёт тарихидаги тутган ўрни” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Тошкент, -Самарқанд: Фан, 2007. – С. 325-330.

³ Валихўжаев Б. Самарқандда олий таълим – мадрасаи олия – университетлар тарихидан лавҳалар. – Самарқанд: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – Б. 127-128.

⁴ Муҳиддинова Б. Сайид Аҳмад Аслий Самарқандийнинг мадрасалар фаолияти ҳақидаги мулоҳазалари / Ўрта асрлардаги Самарқанд мадрасаи олияларининг Ислом цивилизацияси ва таълим тизимининг тараққиётидаги роли. Самарқанд шаҳри, 2017 йил 13-14 октябрь. – Самарқанд: 2017. – Б. 94.

⁵ ЎзР МДА Ф. И-455, Р-1. Иш-1. Варақ-15.

⁶ ЎзР МДА Ф.И-181 Р-1 Иш-16. Варақ-44-60.

та дарсхонадан иборат бўлган. Чўнқаймиш мадрасаси 10 та хужра, 1 та дарсхонадан иборат бўлган¹.

Хужжатларда Мирзо Улуғбек мадрасасининг кириш арки йиқилганлиги ва мадраса таъмирталаб эканлиги билдирилган. Маълумотлар орқали вилоятдаги баъзи мадрасаларнинг хужралари ва бинолари ҳақида маълумотга эга бўламиз. Уларнинг кўпчилигида махсус дарсхоналари бўлмаганлиги ойдинлашмоқда. Россия империяси ҳукумати имкон қадар мадрасалар биносининг аҳволидан хабардор бўлишга интиланган. Бунинг асосий сабаби, бу биноларнинг тарихий қийматга эгалигида эди. Лекин уларни таъмирлаш ва борича сақлаш ишларига эътибор берилмаган. Маълумот ва ахборот йиғишдан нарига ўтилмаган. Бунинг устига Самарқандда вақф даромадларининг марказлаштирилиб ҳукумат томонидан йиғилиши даромадларни янада пасайтириб, борини ҳам олиш имконини чеклаган.

Мадрасаларининг кўпчилиги фақат масжид ва хужралардан иборат бўлган². Алоҳида дарсхоналари бўлмаган ва хужра танқислигига эга мадрасалар ҳам кўп эди. Бу ҳолат ўқув жараёни сифатига салбий таъсир қилган³. Архив хужжатларига кўра, вилоят бўйича санокли мадрасаларнинг бинолари қониқарли ҳолатда бўлган⁴. Уларнинг кўпчилигида вақф даромади бўлса-да, бу таъмир ишларига етарли эмас эди. Умуман олганда, ўрганилаётган даврда Самарқанддаги мадрасаларнинг биноси талабга жавоб бермаган ва таълим олиш учун ноқулай бўлган. Уларнинг барчаси таъмирталаб бўлиб, аксарияти фалокатли даражага келиб қолган эди. Бу омил ҳам таълим сифатига таъсир қилганлиги, шубҳасиздир.

*Набиев Ф.Х.,
СамДУ профессори,
тарих фанлари доктори
Жамонкулова З.,
СамДУ магистранти*

МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШДА ТАРИХ ФАНИНИНГ ЎРНИ

Бош мақсадимиз бўлган озод ва обод, фаровон жамият куриш асосида халқимизнинг бахтли ҳаёт кечиришини таъминлаш унинг **миллий юксалиши** билан боғлиқ. Шунинг учун Ўзбекистоннинг энг янги тарихи миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари ғояси асосида амалга оширилаётган ислохотлар билан характерланади. Миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтиб бораётган мамлакатимизда халқимизни бахтли, ҳаётини фаровон қилиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга

¹ ЎзР МДА Ф.И-181 Р-1 Иш-16. Варақ-60.

² ЎзР МДА Ф.И-181 Р-1 Иш-16. Варақ-44-60.

³ ЎзР МДА Ф.И-181 Р-1 Иш-16. Варақ-60 80.

⁴ ЎзР МДА Ф. И-18 Р-1 Иш-9142. Варақ-41-48.

оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ушбу хусусда гапириб, “Мустақиллик туфайли биз дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз. Истиқлол йилларида эришган ютуқларимизга таяниб, **миллий тикланишдан миллий юксалиш сари** дадил қадам қўймоқдамиз. Мамлакатимиз тараққиётини янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик.”¹, – деб алоҳида таъкидлади. Муҳтарам Президентимизнинг ушбу сўзлари миллий юксалиш жараёнидаги ишларимизнинг янада самарали бўлишига хизмат қиладиган омилларни топиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоси эканлигини кўрсатиб турибди. Бундай омилларни шакллантириш илмий ёндашувни талаб қилади, чунки юксалиш қонуниятларини топиш жамиятшунос олимларнинг ваколати ҳисобланади. Жамиятшунос олимларимиз, жумладан, тарихчилар жамият тараққиётига хизмат қиладиган омилларни аниқлашга ва уларни таъминлашга қаратилган тадқиқотларни олиб боришлари керак бўлади. Бунинг учун, энг аввало, жамият тараққиётининг муҳим шарти нима эканлигини аниқлаб олиш ва ўшандан келиб чиқиб фикрлаш керак.

Маълумки, жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлиб адолатли ижтимоий тартибнинг ўрнатилганлиги хизмат қилади. Бундай тартибнинг ўрнатилганлиги назорат фаолиятига, аниқроқ айтганда, давлат ва жамиятнинг шерикликдаги назорат фаолиятига боғлиқ бўлмоқда. Адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлган назорат тизимини шакллантириш масаласи жамиятшунос олимларнинг долзарб изланиш объекти бўлиб келмоқда. Ўзбекистонда сиёсий фанларнинг ривожланиши асосан мустақиллик йилларида бошланганлигини ва ўтган йиллар тарих учун унча катта давр эмаслигини инобатга олсак, сиёсий мавзулардаги изланишларни, жумладан, адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишда назорат фаолиятининг ўрни масаласи мавзусини етарли даражада ўрганилмаганлигини кўриш мумкин. Шундай бўлишига қарамасдан мустақиллик йилларида назорат фаолиятининг илмий-назарий асосларига ва жамоатчилик назоратига бағишланган кўплаб илмий изланишлар амалга оширилди.²

¹ Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-том. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019, 88-бет.

² Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик барча даражадаги раҳбарларнинг кундалик ҳаёт қоидаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш.М. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т: Ўзбекистон, 2010; Бафоев Ш. Жамоатчилик назорати демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим омили сифатида // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – 2007, № 1; Мустафоев М. Жамоатчилик назорати – жамият мувозанати // Мулоқот, 2004 й., № 4; Мухторов Н. Амнистия актларини қўлланилишида жамоатчилик назорати: давлат бошқарув органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society. 2010 й., № 3; Набиев Т., Солеев А. Ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society. 2008 й., № 4; Набиев Ф. Обеспечение и

Албатта, ушбу асарлар, илмий ишлар назорат фаолиятини ўрганишда илмий методологик асос бўлиб хизмат қилишда ва назорат тизимининг муҳим элементи бўлган жамоатчилик назоратининг ривожланиши масаласини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга. Лекин улар асосан назорат тизимининг у ёки бу элементига бағишланган бўлиб, уни тизим сифатида ўрганиш ва жамоатчилик назоратини самарали қилишда назорат фаолиятига доир билимни ишлаб чиқиш масаласи назардан четда қолиб келган. Ваҳоланки, назорат самарали бўлиши учун у тизим шаклида бўлиши ва назорат фаолияти ушбу фаолиятга доир билим билан қуролланган бўлиши лозим. Агар назорат тизим шаклида бўлмаса, яъни назоратни фақат юқоридан давлат амалга оширса ва жамият назоратда иштирок этмаса, бундай назорат ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлмайди. Бундай ҳолат бўлмаслиги учун назорат борасида давлат билан жамият ўртасида ижтимоий шериклик ўрнатилган бўлиши керак. Ижтимоий шерикликка асосланган назорат фаолиятини самарали қилиш эса уни тизим сифатида илмий тадқиқ қилишни ва уни тарихини ўрганишни тақозо этади. Фуқаролик жамияти назорат тизимининг муҳим элементи ҳисобланади ва давлат назорати билан биргаликда назорат тизимини ташкил қилади. Назорат фаолиятига доир билим билан қуролланган ана шундай назорат тизимигина адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлади. Назорат фаолиятини ривожланиши масаласи комплекс тарзда ўрганилмаган ва шунинг учун ҳам ушбу мавзуда тадқиқот олиб бориш бугунги куннинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлган адолатли ижтимоий тартиб назорат фаолиятига, назорат фаолиятининг самарадорлиги эса назоратга доир билимга боғлиқдир. Жамият тараққиёти тўғрисида гапиришдан олдин миллий тикланишдан миллий юксалиш сари тушунчасининг мазмун-моҳиятини англаб олиш лозим. **Миллий тикланиш деганда мустамлака мамлакатнинг миллий давлатчилигининг тикланиши ва мустақил тараққиёт йўлига ўтиши билан боғлиқ жараён тушунилади.** Мустамлака мамлакатлар миллий тикланиш партиясини тузиб, йиллар давомида курашиб, минглаб қурбонлар бериб, мустақилликка эришади. Мустақилликка эришиш билан миллий давлатчиликнинг тикланиш жараёни бошланади ва бу тикланишдан юксалишга ўтиш учун фақат мустақилликнинг ўзигина етарли эмас. Мустақиллик ўз-ўзидан

совершенствование общественного контроля в программных документах политических партий Узбекистана // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society. 2010, № 3; Набиев Ф. Ижтимоий назорат. Самарқанд, 2016; Насриев И. Дальнейшее совершенствование системы общественного контроля // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society. 2010 й., № 3; Чоршанбиев Ж. Фуқаролик жамияти шаклланишида жамоатчилик назоратининг аҳамияти // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2008 й., №2; Ҳакимов Р. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчилик назоратини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society. 2010 й., № 3; Ҳафизов Т. Жамоатчилик назорати ижтимоий адолат кафолатидир // Жамият. 2007 й., 9 июнь; Ниёзов М. “Ўзбекистоннинг демократик ривожланиши ва жамоатчилик назорати” ўқув қўлланмаси. –Т.: ЮМОМ, 2012.

юксалишни таъминламайди, балки юксалиш учун шароит ва имконият яратади, холос. Мустақиллик берадиган ана шундай имкониятдан фойдалана олган давлат ўз юксалишини таъминлай олади ва жаҳонда ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллайди. Бунинг учун, энг аввало, мустақилликнинг аҳамиятини ва у берадиган имкониятларни чуқур англаб олиш керак бўлади.

Мустақилликнинг аҳамияти шундан иборатки, мустақил давлат ўз халқига инсонлар бахтли бўлишининг муҳим шarti ҳисобланган эркинликни беради. **Эркинлик нафақат бахтли ҳаётнинг, балки жамият тараққиётининг ҳам муҳим шarti ҳисобланади.** Лекин юқорида таъкидлаганимиздек, мустақиллик берадиган эркинлик ўз-ўзидан тараққиётни таъминламайди, балки унга шароит яратади, холос. Бунинг учун яна бир шароит, яъни адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилган бўлиши керак. **Қачон ва қаердаки мустақиллик ва адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилган бўлсагина, ўша вақтда ва ўша жойда юксалиш бўлади.** Демак, мустақиллик берган миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтиш учун мамлакатда адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилган бўлиши лозим. Бундай тартибнинг ўрнатилиши эса демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг кучлилик даражасига боғлиқ. Чунки демократия ва фуқаролик жамияти адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишнинг энг мақбул йўли ҳисобланади. Шундай қилиб, **миллий юксалиш деганда мустақил мамлакатда адолатли ижтимоий тартибни ўрнатиш ва ижтимоий тараққиётни юксак босқичга кўтариш асосида халқимиз ҳаётини бахтли қилиш жараёни тушунилади.**

Мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги вазифаларни амалга ошириш учун демократиянинг моҳиятидан келиб чиқиб ҳаракат қилиш керак. Демократия шароитида халқ ҳокимиятга эмас, балки ҳокимият халққа хизмат қилиши керак. Бунинг учун эса, энг аввало, ҳокимият **халқнинг дардини билиши** ва мавжуд ижтимоий муаммоларни аниқлаб олиши керак бўлади. Шунинг учун ислохотларни амалга оширишга қаратилган 2017 йилнинг 7 феввалида тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи босқичи “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланди. Муаммолар аниқлаб олингандан сўнг Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи босқичи бўлган 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном берилди. Бозор муносабатлари шароитида пул омилининг биринчи ўринга чиқиши ва иқтисодий **ривожланиш инвестицияга боғлиқ** бўлганлиги сабабли Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи босқичи, яъни 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб номланди. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари ғоясининг талабларидан ва тараққиётнинг муҳим шarti илм-фан ютуқларига асосланиш эканлигидан келиб чиқиб, 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном берилди.

Мамлакат келажаги охир оқибатда ёшларга, яъни уларни қанчалик баркамол қилиб тарбиялашга боғлиқлигидан келиб чиқиб, 2021 йилга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном берилди. Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий кетма-кетликда бир-бирига боғланган босқичлардаги вазифаларнинг самарали амалга оширилиши **адолатли ижтимоий тартибнинг ўрнатилганлигига** боғлиқ.

Миллий юксалишнинг муҳим шарти бўлган **адолатли ижтимоий тартиб** ўрнатилиши демократик сиёсий тартиботга боғлиқ. Ўзбекистонда шаклланаётган демократик **давлатнинг асосий вазифаси** адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишдан иборат. Шунинг учун адолатли ижтимоий тартибни ўрнатиш муаммоси фан фаолиятининг ҳам энг долзарб муаммоси бўлиши лозим. Чунки фан муаммосининг долзарблиги замон талабидан келиб чиқади ва давлат томонидан белгилаб берилади. Тарихга назар солсак, барча даврларда ижтимоий тартиб муаммоси жамиятшунос олимлар олдида турган энг долзарб ва энг мураккаб муаммо бўлиб келган. Масалан, юнон файласуфи Платон “Давлат” номли асарида ижтимоий тартиб ўрнатилиши учун жамиятни **интеллектуал элита бошқариши керак**, деб ёзади. Қадимги дунё файласуфларидан яна бири Аристотель ўзининг “Сиёсат” номли асарида асосий эътиборни жамият структурасини таҳлил қилишга қаратган ва жамиятда тартиб бўлиши учун **“ўрта синф кучли бўлиши керак”**¹, деб ёзади.

Ҳарб олиму донишмандаларидан фарқ қилиб, Шарқда ижтимоий тартибни ўрнатишда асосий эътибор маънавиятни юксалтиришга қаратилган. Масалан, қадимги Хитой мутафаккири Конфуций таълимотида ижтимоий тартибни ўрнатишда маънавий юксакликка алоҳида эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин. Конфуций инсоният жамиятида маънавиятнинг роли юқори эканлигини қўйидагича кўрсатган: “Агар жамият қонунлар ёрдамида бошқарилса ва тартибот жазолашлар воситасида амалга оширилса, одамлар жазолашлардан ўзларини олиб қочишга интиладилар, лекин улар ўзларида **ор-номусни ҳис қилмай кўядилар**; агар жамият ахлоқ воситасида бошқарилса, тартибот ахлоқий кадриятлар билан таъминланса, одамлар ор-номусни ҳис қиладилар, ҳалол ва софдил бўладилар”². Конфуций ижтимоий тартиб ўрнатишни ахлоқий тарбия негизида маънавиятни юксалтириш билан боғлаганлигини тушуниш қийин эмас. Шарқ Арастуси деб ном олган Абу Наср Фаробийнинг асарларида ҳам ижтимоий тартибни ўрнатишда маънавиятга алоҳида эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин.

Бугунги кунда ҳам ижтимоий тартиб муаммоси фан фаолиятининг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда, чунки ҳали-ҳануз инсоният қандай қилсак жамиятда тартиб бўлади, деган саволнинг мукамал жавобини топа

¹ Рубанов А.В. Социальный порядок: традиции и современные подходы к изучению. Журн. Белорус. Гос. Ун-та. Философия. Психология. 2017. №1. -С. 46.

3. История политических и правовых учений. Древний мир. -М.: Наука, 1985. -С. 170.

олгани йўқ. Ушбу муаммонинг ечими фан фаолиятига ва, энг аввало, ижтимоий-гуманитар фанларга, жумладан, тарих фанига боғлиқдир. Шунинг учун ижтимоий тартибни ўрнатиш мақсадида ижтимоий-гуманитар фанлар ичида, энг аввало, тарих фанининг ривожланиши учун кенг имкониятлар очиб бериш лозим. Тарихий билимсиз бирор-бир ижтимоий фан ривожлана олмайди, аниқроқ қилиб айтганда, файласуф ҳам, социолог ҳам, политолог ҳам, иқтисодчи ҳам, психолог ҳам фақат тарихий билим негизидагини тадқиқот олиб бориши мумкин. Чунки тарихий билим инсонга фикрлаш учун керак бўлган материални берада ва унинг тафаккурини ривожлантиради.

Машхур донишмандлардан бирининг тарихни билмаган одам маълумотли бўла олмайди ва ўзини тасодиф деб ҳисоблаши лозим, деб ёзгани бежиз эмас. Мустақиллик шарофати билан бизда ўз тарихимизни объектив ўрганиш имконияти пайдо бўлди ва шунинг учун ҳам бугунги кунда Ўзбекистон тарихини ўрганиш миллий ғоя руҳи билан суғорилган бўлиши лозим. Энг аввало, “Ўзбекистон тарихини холисона, объектив ўрганишда мустақилликнинг аҳамияти” ва “Миллий давлатчилигимизнинг тикланишида мустақилликнинг аҳамияти” мавзуларида илмий тадқиқотлар олиб бориш лозим, чунки **миллий ғоянинг асосида мустақилликни англаш ётади**. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 19 январда “**Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак**”. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз керак”,¹ деб таъкидладилар. Бу эса бугун миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтиб бораётган Ўзбекистонда тарих фанининг долзарб муаммоларини аниқлаб олишни талаб қилади.

Тарихий тадқиқотлар миллий ғоя руҳида бўлиши учун тарихий жараён хронологик кетма-кетликда ўрганилиб, ватанни ташқи душмандан ҳимоя қилиш ва мустақиллик учун олиб борилган курашлар тарихига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтайлик, 1916 йил кўзғолони мардикорликка бормаслик учун кураш тарзида келиб чиққан бўлса ҳам, унинг моҳиятида истиқлол ғояси ётганлигини очиб бериш муҳим аҳамиятга эга бўлган тадқиқот ҳисобланади. Бундан ташқари, тоталитар шўролар замонида минглаб зиёлиларнинг истиқлол ғояси учун қурбон бўлганликларини ҳам алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида янада кенгроқ ўрганиш лозим. Шўро мустабид тузумининг ривожланиш имкониятлари тугаганлигини ёритувчи “Маъмурий-буйруқбозликка асосланган тоталитар шўро тузумидаги хато ва камчиликлар” мавзусидаги илмий тадқиқот бозор муносабатлари йўлини танлаган ва давлатни демократлаштириш, жамиятни либераллаштириш

¹ Мирзиёев Ш.М. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектр йиғилишидаги маърузаси. 2021 йил 19 январь.

йўлидан бораётган мамлакат учун муҳим тарихий сабоқ бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг энг долзарб муаммоси, юқорида таъкидланганидек, ижтимоий тартибни ўрнатиш билан боғлиқ бўлганлиги учун тарихчилар томонидан **ўтмишда ижтимоий тартиб қандай қилиб ўрнатилганлигини тарихий таҳлил қилиш муҳим илмий аҳамият касб этади.** Шунинг учун тарихчи олимларнинг инсоният тарихини ижтимоий тартибни ўрнатиш нуқтаи назаридан ўрганишлари замон талаби ҳисобланади, деб айтиш мумкин. Инсоният тарихининг турли даврларида ижтимоий тартиб қандай ўрнатилганлигини тадқиқ қилиш бугунги кунда тартибни ўрнатиш борасида муҳим амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятини беради. Бу борада буюк бобокалонимиз Амир Темур даврида ижтимоий тартибни ўрнатиш ва, умуман, ўша давр тарихий тажрибасини ўрганиш ва ижодий қўллаш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки Амир Темур бобомиз замонасида ижтимоий тартибни ўрнатиш “Куч – адолатда” тамойили асосида амалга оширилган. Бугунги кунда ушбу тамойилни ижодий қўллаш тараққиётнинг ўзбек модели тамойилларидан бири бўлган қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади. Собиқ шўролар замони ва мустақиллик даври тарихига ижтимоий тартибни ўрнатиш нуқтаи назаридан қараш бугунги кунда ижтимоий тартибни ўрнатиш борасида муҳим тарихий сабоқ бўлиши мумкин. Собиқ шўролар давлатида XX асрнинг 70-йилларга келиб турғунлик ва инқироз аломатлари намоён бўла бошлади. Бундай ҳолатнинг келиб чиқиши мамлакатдаги бузуқ бюрократия ва **коррупция иллатида намоён бўлган ижтимоий тартибсизлик билан боғлиқ** эди. Шунинг учун шўролар давлати олий раҳбарияти ижтимоий тартибни сақлаш мақсадида жамият назоратини жорий қилишга хизмат қиладиган қонун қабул қилади ¹. Чунки фақат давлат назоратининг ўзи билангина ижтимоий тартибни ўрнатиш иложсиз эканлиги яққол намоён бўлган эди. Улар ижтимоий тартибни ўрнатиш учун назорат жараёнига жамиятни ҳам жалб қилиш кераклигини тушуниб етишган ва англаб олишган эди. Лекин ушбу қонун асосида ташкил топган халқ назорати кўмиталари уларга юклатилган вазифани, яъни **жамият назоратини ташкил қила олмадилар** ва бунинг оқибатида шўролар мамлакати парокандаликка учраб, барбод бўлди. Энди янги ташкил топган мустақил мамлакатлар бундан тегишли хулоса чиқариб, ижтимоий тартиб муаммосини ўзлари мустақил равишда ҳал қилишлари керак бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар – демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнини янада чуқурлаштириб, **мамлакатда мукамал назорат жараёнини шакллантиришга қаратилган.** Буни 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган Парламентнинг кўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан баён қилинган “Мамлакатимизда

¹ “СССРда халқ назорати тўғрисида”ги қонун. 30 ноябрь 1979 йил.

демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” ва 2017 йил 7 февралда мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да назорат тизимини такомиллаштириш борасидаги таклифлардан яққол кўриш мумкин. Ушбу таклифлар адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлган давлат бошқаруви ва назоратини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатни модернизациялаш концепцияси ва Ҳаракатлар стратегиясида асосий эътибор назорат тизимининг самарали ишлаб туришини таъминлайдиган механизмни шакллантириш ва унинг ҳуқуқий асосини яратишга қаратилган. Хусусан, қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги, “Ўзбекистонда жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар назорат механизмининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Назорат фаолиятини самарали қилишда очиқлик тўғрисидаги қонун муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки очиқлик таъминланмаган ҳолда демократия ҳам, фуқаролик жамияти ҳам кучли бўла олмайди.

Албатта, назорат жараёнининг самарали ишлаши учун ҳуқуқий асос муҳим аҳамиятга эга, лекин, шу билан биргаликда, ушбу қонунларнинг ишлаши учун керак бўлган сиёсий-ҳуқуқий маданият янада муҳимроқ аҳамиятга эга. Шунинг учун мамлакатни модернизациялаш концепцияси ва Ҳаракатлар стратегиясида жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда тарихчи олимларимиз ҳам ўзларининг муносиб ўринларига эга бўлишлари лозим. Бунинг учун **инсоният тарихини сиёсий-ҳуқуқий маданият призмаси орқали ўрганиш** мақсадга мувофиқ. Бу борада асосий эътибор билим ва маънавиятнинг уйғунликда ривожланишини таъминлашга қаратилиши лозим. Чунки сиёсий-ҳуқуқий маданият сиёсий-ҳуқуқий билим ва маънавият негизида шаклланади.

Жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклик даражаси нафақат назорат тизими жараёни ишлашининг, балки умуман демократлаштириш жараёнининг ҳам энг муҳим шарти ҳисобланади. Чунки демократия ўрнатилиши учун, энг аввало, демократия шароитида яшай оладиган ва фуқаролик позицияси шаклланган шахслар керак. Агар жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти етарли бўлмаса, демократия намоён бўлмайди ва охлократиядан фарқ қилмай қолади. Шунинг учун бўлса керак, Аристотель ўзининг “Сиёсат” номли асарида демократия тўғрисида гапириб, унга салбий баҳо берган ва демократия бошқарувнинг ёмон шакли деб айтган. Чунки Аристотель замонида одамларнинг сиёсий-

хуқуқий маданияти паст бўлган ва демократия талаблари даражасида бўлмаган. Агар бугунги кунда ҳам жамиятнинг сиёсий ва хуқуқий маданияти замон талабларига жавоб бермаса, демократия юзага келмайди ва у, яъни демократия охлократиядан фарқ қилмай қолади. Шунинг учун бугунги кунда мамлакатимизда асосий эътибор жамиятнинг сиёсий ва хуқуқий маданиятини ошириш масалаларига қаратилмоқда. Бугун бизларда демократиянинг шакли бор, энди биз ана шу шаклга муносиб мазмунни яратишимиз керак. Мазмун деганда сиёсий-хуқуқий маданияти шаклланган ва демократия шароитида яшашга қодир бўлган жамият тушунилади. Ана шундай жамият шаклланиши демократия ва фуқаролик жамиятининг муҳим шarti ҳисобланади. Бунинг учун тарихчи олимларимиз замон талабидан келиб чиқиб, кенг кўламли тадқиқотлар олиб боришлари лозим.

Замон талаби эса мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш ҳисобланади. Шунинг учун тарихчилар демократия ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган янги ғояларни ишлаб чиқишлари лозим. Бунинг учун демократия ва фуқаролик жамиятининг талабидан келиб чиқиб фикрлаш лозим. Демократия ҳам, фуқаролик жамияти ҳам назорат фаолияти билан боғлиқ. Чунки демократия бу нафақат ҳокимият халқ томонидан шакллантирилиши, балки назорат қилиниши ҳамдир. Фуқаролик жамиятининг асосий функцияси ҳокимият томонидан ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларига риоя этилишини назорат қилишдан иборат. Назорат фаолияти кучайиши учун эса жамиятнинг назорат фаолиятига доир билими кучли бўлиши керак. Ҳозиргача олий таълим тизимида бирор-бир фан жамиятга назоратга доир билимни бераётгани йўқ. Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш назорат фаолиятига доир билимга эҳтиёжни келтириб чиқаради. **Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, назорат фаолиятига доир билимни ишлаб чиқиш нафақат тарихчилар, балки барча жамиятшунос олимларнинг комплекс ёндашувини тақозо этадиган замон талаби ҳисобланади.**

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, миллий юксалиш адолатли ижтимоий тартибга, тартиб эса назорат фаолиятига боғлиқ экан, асосий эътибор назорат фаолиятини такомиллаштиришга қаратилмоғи лозим. Назорат фаолиятини такомиллаштириш ҳар қандай фаолият билан бўлгани каби ўша фаолиятга доир билимга боғлиқ. **Инсоният жамиятида назорат фаолиятининг ўрни, унинг вужудга келиши ва ривожланиши масаласи тарихчи олимларимизнинг бугунги кундаги энг долзарб муаммоси ҳисобланади.** Ушбу мавзуда олиб бориладиган тадқиқотлар жараёнида шаклланадиган билимларни жамиятга бериш демократия ва фуқаролик жамияти шароитида яшашга қодир бўлган авлодни тарбиялайди. Ана шундай авлод миллий юксалишнинг муҳим шarti бўлган адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга ва халқимиз ҳаётини бахтли қиладиган давлатни шакллантиришга қодир бўлади.

Миллий юксалишнинг муҳим шарти бўлган адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир назорат тизимини шакллантиришга хизмат қиладиган қуйидаги илмий-амалий таклифларни бериш мумкин:

1. Назорат фаолиятига доир билимларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб боришга кенг шароит яратиш;

2. Ишлаб чиқилган назорат фаолиятига доир билимларни талабаларга бериш мақсадида олий таълим тизимида махсус фанни жорий этиш;

3. Демократия ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш мақсадида жамиятга назорат фаолиятига доир билимни бериш чораларини кўриш;

4. Назорат фаолиятига доир комплекс билимларни ишлаб чиқиш ва ёшлар онгига сингдириш жараёнини самарали қилиш мақсадида олий ўқув юртида махсус кафедра очиш;

5. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак”, деган доно сўзлари тарихчи олимларнинг илмий фаолиятининг лейтмотивига айланиши лозим.

Оманов Ш.А.,

ЎзФА Миллий Археология маркази

САМАРҚАНДНИНГ XI-XII АСР БОШЛАРИ ҚЎЛДА ЯСАЛГАН БЕЗАКЛИ СОПОЛ ИДИШЛАРИ

Марказий Осиёда X-XII асрларда мавжуд бўлган Қорахонийлар даврига оид Ўрта Осиёнинг жуда кўплаб археологик ёдгорликларидан қўлда ясалган безакли сопол идишлар топилган. Ўрта асрларнинг қўлда ясалган нақшли сополлари, тадқиқотчиларда алоҳида қизиқиш уйғотган. Ю.А.Заднепровский бу турдаги сопол буюмларнинг тарқалган ҳудудларига жанубий ва шимолий Тожикистон, Зарафшон водийси, Тошкент воҳаси, шимолий Қирғизистон ва Фарғона каби ҳудудларни киритади.

Қўлда ясалган “сохта триполье” сополлари паст сифатли ва мураккаб бўлмаган нақшли ривожланган ўрта асрларнинг юксак даражадаги сополларидан анча фарқ қилган. Сифати анча паст бўлган бу сополлар аксар ҳолларда қатламлардан чиқмайди ва бу унинг саналарини белгилашда қийинчиликлар туғдиради. Шу боис унинг санаси минг йиллик чегарасида ўзгариб туради. Масалан, ўтган асрнинг 70 йиллари ўрталарида Шимолий Афғонистоннинг ривожланган ўрта асрларга тегишли ёдгорликдан топилган бўёқ нақшли идишлар хусусида тадқиқотчилар: “Бу ўрта асрларга оид сопол бўлиши мумкин... аммо эҳтимол у Ўрта Осиёнинг мил. авв. I минг йиллик ўрталарига оид сополларига хос бўлиши мумкин”. Бу сополлар “сирли археологик мажмуага” тааллуқлидир ¹.

Аслида бундай идишларнинг Ўрта Осиёнинг Қорахонийлар даври маданий қатламларида мавжуд бўлиши Афросиёб ёдгорлиги топилмалари

¹ Лунина С.Б. Расписная керамика X-XII вв. и ее назначение (по материалам Кашкадарьинского оазиса) // Советская археология, №3. – М.: 1987.С. 98.

туфайли фанга маълум бўлган. Ўтган асрнинг 20-йилларида Афросиёбда археологик тадқиқотлар ўтказган В.Л.Вяткин ривожланган ўрта аср қатламларидан ўрта асрларга хос қўлда ясалган безакли сопол идишларни аниқлаган ва уларни бронза даврига оид Триполье маданиятига оид эканлигини қайд этган¹. Аммо кейинги тадқиқотларда В.Л.Вяткиннинг “Афросиёб трипольеси” сопол идишлари бронза даври эмас, балки XI-XII асрларда Ўрта Осиёнинг кўплаб ёдгорликларидан аниқланган қўлда ясалган безакли сопол идишлар эканлиги маълум қилинган. Санъатшунос олим Б.П.Денике илк маротаба бундай фикр хато эканлигини таъкидлаган. Бундан кейинги кўплаб тадқиқотларда эса мазкур қўлда ясалган безакли сопол идишлар Триполье маданиятига ҳеч қандай алоқаси йўқлиги ва улар X-XII асрларга оид эканлиги маълум бўлди².

“Афросиёб трипольеси” сопол мажмуаларининг шарқдан ғарбга томон тарқалиш ареалини кузатадиган бўлсак, улар Суғдга асосан тоғли ва тоғ олди минтақалари орқали тарқалган. Бундай типга оид сопол идишларнинг Афросиёбнинг ўзидан ташқари унинг атрофларида ҳам мавжудлигини В.Л.Вяткин ҳам таъкидлаб ўтган. “Самарқандда қазилмалар ўтказилган пайтимдан илгарироқ ҳам бу ерлардан Триполье маданиятига оид сопол идиш ва уларнинг парчалари топилган эди. Улар маҳаллий коллекционерлар қўлида бўлган. Аммо улар ҳеч қаерда нашр этилмаган. Самарқанднинг атрофларидан ҳам Триполье маданияти сопол типлари парчалари учрайди ва улар коллекциялардан жой олган”³.

Самарқанднинг жанубида, Ургут тоғларига яқин ҳудудда жойлашган Қулдортепадан XI аср охири – XII асрларга тегишли қўлда ишланган сопол кўза ва худди шу тип идишнинг парчаси аниқланган⁴. 1986 йилда Самарқанд шаҳри атрофидаги Чумчуқли қишлоғидан тасодифан иккита бус-бутун кўзалар аниқланган. Кўзалар 25 ва 22 см ўлчамли бўлиб, доира, йирик нуқтали, халқасимон, X симон шаклли баргли, нотўғри ўлчамли ромб ва чамбаракли мотивлар билан безалган. Идишларнинг сирти сарик ранг билан қопланиб, уларнинг устидан жигарранг нақшлар туширилган⁵. Қулдортепа ва Чумчуқли топилмалари шаклан ва нақш мотивларига кўра Афросиёбдан аниқланган кўзаларга жуда ўхшайди. Самарқанд шаҳрининг Регистон майдони ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Қорахонийлар даврига оид қўлда ишланган безакли идиш топилган. Бу даврда ҳозирги Регистон майдони ҳудудлари Самарқанд-Афросиёб шаҳрининг рабод қисми ҳисобланган. Бу ердан бир дастали, пастга томон конуссимон қоринга эга кўзача аниқланган. Кўзанинг танаси доирасимон бўлиб, таг қисми кенгроқ. Идишнинг сирти қизғиш жигарранг штрихи ўрам

¹ Вяткин В.Л. Афрасиаб – городище бывшего Самарканда. Ташкент. 1928.С.37-40.Табл.IV-V.

² Заднепровский Ю.А. Средневековая расписная керамика Ферганы // КСИИМК. Вып. 120, М., 1969. С.39.

³ Вяткин В.Л. Афрасиаб – городище бывшего Самарканда. Ташкент. 1928.С.38.

⁴ Ставиский Б.Я. Раскопки городища Кулдор-Тепе в 1956–1957 гг. // СА. 1960. № .Рис.2.4,5.С.118

⁵ Баданова Е.И., Бердимурадов А.Э. Новые находки керамики XII-XIII вв. из Ургутского района // ИМКУ. Вып.35. Ташкент. 2006.С.294.

ва овал фигуралардан йўл-йўл нақш туширилган¹. В.Л.Вяткин тадқиқотларидан кейин ҳам Афросиёбнинг энг юқори, XI-XIII аср бошларига оид қатламларидан ҳам яна кўплаб қўлда ишланган нақшинкор сопол идиш ва уларга тегишли парчалар аниқланган. Марказий Суғдда “Афросиёб Трипольеси” сопол мажмуалари Фарғона ёки Уструшонага нисбатан анча кам миқдорда учрайди. Марказий Суғднинг ёдгорликлари орасида Афросиёбда бу тип мажмуасига оид сополлар кўпроқ. Бу, авваламбор, Самарқанд Қорахонийлар давлатининг йирик сиёсий-иқтисодий маркази бўлганлигига ҳам боғлиқ. Афросиёб топилмалари орасида кўзалар кўпчиликни ташкил этади. Бу идишлар хўжалиқдан кўра хона интерьерининг бир элементи бўлиб хизмат қилувчи ҳашамдор (парадний) идишлар тоифасига мансуб бўлиши керак. Шаҳарнинг Бухоро дарвозаси яқинидаги хўжалиқ ўрасидан Чумчуқли ва ўтган юз йилликнинг 20-йилларда В.Л.Вяткин томонидан топилган кўза сингари нақшга эга деярли бутун кўза аниқланган. У тўқ жигаррангли бўёқ билан нақшланган. Нақшлари доирали-спиралсимон ва штрихли нақш мотивларидан иборат².

Соколовская Л.Ф. Самарқанднинг “сохта триполье” сополларини ўрганишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган. Олим 30 га яқин бу тип сопол идишлари келтириб ўтган. Улардан 18 таси кўза бўлиб, қолганлари хумча, тувак ва мурғобилардан иборат. Суғдда тарқалган қўлда ясалган безакли сополлар (Афросиёб, Панжикент, Қулдортепа, Чумчуқли ва Регистон) шакли ва нақш мотивларига кўра бир-бирига ўхшаш. “Афросиёб трипольеси” идишларининг баландлиги 19 смдан 64 смгача, диаметри эса 6 дан 19 см оралиғида бўлган³. Афросиёбдан аниқланган қўлда ишланган сопол идишлар сифати ва ясалиш техникасига кўра жуда архаик ва маҳаллий илдизларга эга эмас. Айниқса, мурғоби типидagi идишлар бунинг яққол далилидир. Мурғоби идишлари Афросиёбнинг ҳам X-XIII аср бошларига оид қатламларидан ҳам топилган. Л.Ф.Соколовская Афросиёбда қўлда ясалган безакли мурғобилар X асрнинг охирлари – XI аср бошларидан бошлаб пайдо бўлганлигини қайд этган⁴. Қорахонийларнинг Самарқанд ва унинг атрофларини эгаллаши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки айнан шу даврларда Самарқанд ва унинг теваарагида қўлда ясалган безакли сопол идишларнинг ўрта асрларга хос типи пайдо бўлган. Афросиёбдан аниқланган жуда кам сонли кичик ўлчамли мурғобилар маҳаллий ишлаб

¹ Бурякова Э.Ю., Буряков Ю.Ф. Новые археологические материалы к стратиграфии средневекового Самарканда (по раскопкам площади Регистан в 1969-1971 гг.) Афрасиаб. Сборник статей. Вып.2.Т.,1973. С.199.

² Шишкина Г.В. Бухарские ворота средневекового Самарканда // Афрасиаб. Вып. 4. Т., “Фан”, 1975. Рис.5.8.

³ Соколовская Л.Ф. Неглазуванная керамика средневекового Самарканда как фактор экономики городского ремесла (по материалам городища Афрасиаб конца VII – начала XIII в.) // Археология Центральной Азии: архивные материалы. Том I. - Самарканд: МИЦАИ, 201.С.93.

⁴ Соколовская Л.Ф. Неглазуванная керамика средневекового Самарканда как фактор экономики городского ремесла (по материалам городища Афрасиаб конца VII – начала XIII в.) // Археология Центральной Азии: архивные материалы. Том I. - Самарканд: МИЦАИ, 201.С.52.

чиқарувчилар томонидан тайёрланган эмас, балки Фарғонадан келтирилган бўлиши мумкин. Улардан бирига тамға шаклидаги белги ўйиб ҳам туширилган. Улардан хўжалик юмушларида фойдаланилмаган¹. Афросиёб мурғобилари экспорт маҳсулоти бўлиб, “сохта триполье” сопол мажмуасига хос идишдир².

Қорахонийлар даврига оид Самарқанд ва унинг атрофларидаги кўплаб ёдгорликларда кўлда ясалган безакли сопол идишлар аниқланган. Улар асосан кўза, мурғоби, ёғлоқи, тувак каби сопол идиш типларидан иборат. Бундай идишлар Суғд худудидан ташқари Фарғона, Тошкент, Уструшона, Тохаристон ва Тожикистон худудларидаги кўплаб ёдгорликларнинг X-XII асрлар маданий қатламларидан топилган.

Адабиётлар

1. Баданова Е.И., Бердимуратов А.Э. Новые находки керамики XII-XIII вв. из Ургутского района // ИМКУ. Вып.35. Ташкент. 2006.
2. Бурякова Э.Ю., Буряков Ю.Ф. Новые археологические материалы к стратиграфии средневекового Самарканда (по раскопкам площади Регистан в 1969-1971 гг.) Афрасиаб. Сборник статей. Вып. 2. Т., 1973.
3. Вяткин В.Л. Афрасиаб-городище бывшего Самарканда. –Т., 1928.
4. Заднепровский Ю.А. Средневековая расписная керамика Ферганы. // КСИИМК, вып. 120, 1969.
5. Лунина С.Б. Расписная керамика X-XII вв. и ее назначение (по материалам Кашкадарьинского оазиса) // Советская археология, №3. – М., 1987.
6. Ставиский Б. Я. Раскопки городища Кулдор-Тепе в 1956–1957 // СА. 1960. № 4.
7. Соколовская Л.Ф. Неглазуванная керамика средневекового Самарканда как фактор экономики городского ремесла (по материалам городища Афрасиаб конца VII – начала XIII в.) // Археология Центральной Азии: архивные материалы. Том I. - Самарканд: МИЦАИ, 2015.
8. Шишкина Г.В. Бухарские ворота средневекового Самарканда // Афрасиаб. Вып. 4. – Т.: “Фан”, 1975.

*Пардаев М., Пардаев Ш.,
ЎзФА МАМ Самарқанд
Археология институти
Ҳасанбоев Т.,
Жиззах ДПИ докторанти*

КУЙИ САНГЗОР ВОҲАСИ РИВОЖЛАНГАН ЎРТА АСРЛАРДА

Маълумки, Уструшонанинг аҳоли зич жойлашган энг чекка шимолий-ғарбий, ғарбий қисми (Жиззах воҳаси), яъни Куйи Сангзор ирригация зонасининг ривожланган ўрта асрлар археологияси ниҳоятда суёт

¹ Соколовская Л.Ф. Неглазуванная керамика средневекового Самарканда как фактор экономики городского ремесла (по материалам городища Афрасиаб конца VII – начала XIII в.) // Археология Центральной Азии: архивные материалы. Том I. - Самарканд: МИЦАИ, 2015. С.84

² Соколовская Л.Ф. Неглазуванная керамика средневекового Самарканда как фактор экономики городского ремесла (по материалам городища Афрасиаб конца VII – начала XIII в.) // Археология Центральной Азии: архивные материалы. Том I. - Самарканд: МИЦАИ, 2015. С.97

ўрганилган ва шу боис бу даврнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихига дахлдор кўплаб масалалар хануз ўз ечимини топмаган кичик тарихий ўлкадир. Ваҳоланки, IX-XII аср тарихчи географлари асарларида бу ҳудуддаги шаҳар ва кентлар ҳақида атрофлича бўлса-да маълумотлар берилган. Ушбу манбалардаги маълумотларга қараганда, Фекнон рустоқининг бош шаҳри Дизак, Суғд ва Шош ўлкаларини боғловчи шимолий-ғарбий карвон йўли ёқасида, Сирдарё бўйи кўчманчи чорвадорлари билан чегара мавзейида жойлашган. Ал-Муқаддасий Дизак ҳақида: "...текис ерда жойлашган шаҳар, аҳолиси зич, ҳавоси соф, оқар суви тоза, хуштаъм, боғ ва экинзорлари кўп, карвонсаройлари эшиги савдогарлар ва сайёҳлар учун ҳамиша очик", деб ёзади. Шунингдек, муаллиф эътирофига кўра, жиззахликлар тивит (жун)дан тайёрланадиган ажойиб матолари ва ундан тикиладиган кийим-кечаклари, гиламдўзлик, наMAT босишлари билан машхур бўлишган. "Худуд ал-Олам"нинг номаълум муаллифи эса "Дизак ҳам оқар сув яқинидаги (Сангзор – М.П.) унча катта бўлмаган шаҳар, унинг ёнида Марсманд деган мавзе бор, ҳар йили у ерда бир марта савдо ярмаркаси ўтказилади, айтишларича, ундаги бир кунлик савдо муомаласи 100000 динордан ошади", деб маълумот беради [Пардаев, 1994. -Б. 49]. Ҳақиқатан ҳам ўзининг географик ўрни туфайли Фекнон рустоқининг бош шаҳри Дизак сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда ва, айниқса, карвонлар савдосида бир қатор қулайлик ва имтиёзларга эга бўлган. Ўрта асрларда Мовароуннахрнинг курукликдаги "савдо бандаргоҳи" сифатида эътироф этилган Самарқанд учун Дизак, Я.Ғуломов таъбири билан айтганда, табиий "шарқий дарвоза" вазифасини ўтаган [Гулямов, 1961. -Б. 92-93]. Чунки Самарқандни Хитой ва бошқа шарқий мамлакатлар билан боғловчи карвонлар деярли барча ҳолларда Дизак ҳамда Нурота ва Моргузар тизмалари орасидаги тор Илонўтти дараси (Темир дарвоза – М.П.) орқали қуйидаги манзил ва йўналишлар: Хитой – Шарқий Туркистон – Чоч – Дизак; Хитой – Фарғона – Ховос – Дизак; Хитой – Фарғона – Бунжикат – Сабат – Зомин – Дизак бўйича ўтган.

Шунингдек, ёзма манбалар хабарига кўра, IX-X асрларда муҳим ҳарбий стратегик аҳамиятга эга бўлган Дизак дин равнақи ва унинг муҳофазаси учун курашувчи, кўчманчи чўлликларнинг талончилик юришларига қарши "ғазоват"га кирувчи, ислом лашкари "ғозийлар" тўпланадиган қароргоҳга айланган. Шу сабабли, Дизакда кўплаб работлар бунёд этилган бўлиб, улар нафақат уструшонликларга, балки самарқандликларга ҳам тегишли бўлган.

Археология ёдгорликларнинг мажмуасини тузиш ишлари мобайнида ҳақиқатан ҳам Сангзорнинг қуйи оқимида жойлашган Жиззах микроҳоҳасида, айниқса, Қалиятепа ва Ўрда шаҳар ёдгорликлари атрофида жамланган қирқдан ортиқ қишлоқ маконлари, қалъа – работларнинг қайд этилиши ўрта аср манбаларининг работлар ҳақидаги маълумотлари ҳақиқат эканлигини тасдиқлайди. Археологик тадқиқотлар натижасига қараганда,

Жиззах шахрининг антик ва илк ўрта асрлар даври шаҳарсозлик маданияти Қалиятепа ўрнида фаолият кўрсатган. Араб истилоси даври – VIII аср ўрталарида Қалиятепа вайрон этилган ва шаҳар ҳаёти 6 км шимоли-ғарбда жойлашган Ўрдага кўчган. Қолаверса, Жиззах Ўрдасининг шимоли-шарқ қисмида, ҳозирги “Чўл-мўлканлик” маҳалласининг жанубий-шарқий чеккасида “Хожа Ғозиён”, хануз фаолиятдаги “Хожа мозор” номли кўҳна қабристонларнинг мавжудлиги IX-X асрларда ҳақиқатан ҳам Жиззах (Дизак)ни манбаларда таъкидланган “ғозийлар” лашкаргоҳи сифатида таърифлангани бежиз эмаслигидан далолат беради. Қолаверса, ханузга қадар фаолиятда бўлган мазкур кўҳна қабристонларнинг гўрхона ўрнлари ер билан бир текис бўлиб кетган марказий қисмида араб алифбосида лавҳа битилган қабртошлар мавжуд. “Хожа Ғозиён”, “Хожа мозор” қабристонлари ходимлари бу қабртошларни кимга, ҳатто кимнинг аجدодларига тегишли эканлигини билишмайди. Бу эса қабртошлар анча қадимги даврларда қўйилганидан дарак беради. Мутахассислар жалб этилиб, қабртошларнинг матнлари ўқиб чиқилса ва уларнинг тарихий изоҳи яратилса, Жиззахнинг ўрта асрлар тарихига анча ойдинлик киритилиши мумкин. Кези келганда, “Хожа”, «Хожа Ғозиён» атамаларининг луғавий маъноси ва мазмун-моҳияти ҳақида тушунча бериш мақсадга мувофиқдир. “Хожа” сўзини форсийдан ўзбек тилига “хўжайин”, “соҳиб” тарзида ўгириш мумкин. Хожалар мусулмон мамлакатларида кенг тарқалган имтиёзли табақа бўлиб, уларнинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи маълумотларда хожалар дастлабки тўрт халифа, чорёрлар – Абу Бакр Сиддиқ (632-634), Умар ибн Хаттоб (634-644), Усмон ибн Аффон (644-656), Али ибн Абу Толиб (656-661)дан (Алининг Фотимадан бошқа хотинларидан) тарқалган авлодлар дейилса, бошқа манбаларда арабларнинг истилочилик юришларида раҳбарлик қилган саркардаларнинг авлодлари, деб ҳисобланади. Хожалар ислом ақидаларига кўра, оқсуяклар табақаси сифатида сайидлардан кейинги ўринда туриб, ўрта аср жамиятида маълум имтиёзларга эга бўлганлар ва баъзи мусулмон мамлакатларида ҳозир ҳам уларнинг имтиёзлари сақланиб қолган [Ислом, 1986, с.179].

“Хожа Ғозиёнда”ги, “ғозиён” атамаси эса арабий ва форсий сўзлар бирикмасидан ташкил топган бўлиб, сўзнинг ўзаги арабча “ғозий” сўзидан ясалган. “Ғозий” сўзи арабийдан ўзбек тилига ўгирилганда “жангчи”, “ҳарбий юриш иштирокчиси” маъносини англатади. Форс тилидаги он, ён, хо сўзлари кўпликни англатувчи аффикслар бўлиб, улар тўғридан тўғри ўзбек тилидаги кўплик қўшимчаси “лар” маъносини беради. Шунга кўра, «Хожа ғозиён» атамасини она тилимизга «хожа ғозийлар», янаям тўғрироғи, «ғозий хожалар» тарзида қабул қилиш мумкин. Дарвоқе, ислом анъанасига кўра, ғозийлар Оллоҳнинг ҳақ дини муҳофазаси, мудофааси ва равнақи йўлида муқаддас уруш (ғазоват)га кирувчилардир. «Хожа» ва «ғозиён» сўзларининг қандай талқин қилинишидан қатъий назар бизга шу нарса маълум бўладики, Мовароуннаҳрнинг бошқа вилоятларида бўлгани каби IX-

Х асрларда Дизак (Жиззах)да ҳам муайян имтиёзларга эга хожалар табақаси мавжуд бўлган, фаолият кўрсатган. Жиззах шаҳрида ҳозирги кунда ҳам хожа (хўжа) номи билан аталадиган аҳоли гуруҳи яшаб, фаолият кўрсатмоқдаки, бу тарихий воқелик воҳанинг қадим ва сўнгги минг йилликдаги этник тарихини ўрганиш учун муҳим омилдир.

Жиззах работлари ҳақидаги маълумотлар таниқли шарқшунос, археолог А.Ю.Якубовскийнинг ёзишича, “работлар аслида мудофаа постлари бўлиб, улар кўчманчиларга қарши бунёд этилган воҳа деворлари тизимига кирган ёки бир-биридан муайян масофада жойлашган ҳолда мустақил мудофаа иншоотлари сифатида фаолият кўрсатган. Маълум вақтдан сўнг (яъни араб истилосидан кейин – М.П.) работ номи билан аталган, мудофаа иншоотларига эга қалъа-қўрғонлар савдо йўллари ёқасида бунёд этилади” [Якубовский, 1950, с. 169]. Дарвоқе, Жиззах воҳасининг шарқий қисмида, Қалиятепа ирригация зонасидаги мавжуд 20 дан, Ўрда атрофидаги 10 дан ортиқ работлар бир-биридан 600-800 м масофада жойлашган ҳолда Қалиятепа ва Ўрда шаҳар ёдгорликлари учун мудофаа занжирини ҳосил қилган, қолаверса, Илонутти дарасини шарқ ва шимолий-шарқ томондан ёпган.

Ўрта аср муаллифлари ал-Истаҳрий, ибн Хавқал, ас-Самонийнинг маълумотларига қараганда, Фекнон рустоқининг кўчманчи даштликлар юрти билан туташ, чегара мавзейида, Дизак шаҳридан 1-2 фарсах масофа узокликда Уструшона афшини Ковуснинг ўғли, валиаҳд Ҳайдар ал-Афшин ташаббуси билан IX асрнинг биринчи чорагида бунёд этилган Худайсар работи жойлашган. Ал-Истаҳрийнинг таъкидлашича, “...ушбу работ сингари ёғийлар (кўчманчилар – М.П.) юртига жуда яқин жойда қурилган бошқа бирорта работ йўқдир” [Материалы по истории киргизов и Киргизии, 1973, с. 27]. Ибн Хавқал “бу каби обод ва фаровон работ бутун Самарқанд вилоятида яғонадир” деб Худайсарни таърифлаган ҳолда, у ҳам ал-Истаҳрийнинг фикрларини такрорлаб, работни “ёғийлар мамлакати”га яқин жойдалигини таъкидлайди [Бетгер, 1957, с. 20]. Муаллифлар “ёғийлар юрти”, “душманлар мамлакати” ибораларини қўллаганда, албатта, исломни қабул қилган ўтроқ деҳқон ва ҳунарманд аҳоли устига вақти-вақти билан талончилик юришларини уюштириб турган ўрта Сирдарё бўйи кўчманчи чорвадор қабилаларини, хусусан, ўғузларни назарда тутишган. Айнан шундай босқинчилик юришларининг олдини олиш, унга зарба бериш ва, айниқса, кўчманчилар ҳаракатини Марказий Суғд вилоятининг ички худудларига ўтказмаслик учун Дизак шаҳри ва унинг теграсида кўплаб мудофаа работлари, «ғозийлар қароргоҳлари» қурилгани бежиз бўлмаган. Дизак шаҳри яқинида валиаҳд шахзода томонидан бунёд этилган Худайсар работига асосланиб, эхтимол, милодий 815-820 йилларда Фекнон рустоқи ҳокими сифатида Ҳайдар ал-Афшин фаолият кўрсатган бўлиши мумкин, деган фикрни билдирамыз.

Таъкидлаш жоизки, Худайсар работи ва унинг жойлашган ўрни хақида махсус қидирув тадқиқотлари олиб борилмаган бўлса-да, бир қатор мутахассислар бу ҳақда фикр билдиришган. Хусусан, 1975 йилда Жиззах воҳаси археология ёдгорликлари мажмуасини тузиш бўйича қидирув тадқиқотлари ўтказган Ў.Алимов Худайсарни Жиззах воҳасининг шимолий-шарқий қисмида жойлашган Кўк равоат ёдгорлиги ўрнида бўлган, деб таъкидлайди. [Алимов, 1975, 2 с.] 1991 йилда Жиззах археология отряди томонидан ушбу мазмунда олиб борилган тадқиқотларда Ў.Алимов фикрини қўллаб-қувватловчи бир қатор маълумотлар аниқланди. Хусусан, Жиззах тумани Ҳамид Олимжон жамоа хўжалигининг Қоровултепа мавзейида жойлашган Кўк равоат ёдгорлиги Қалиятепадан 7-8 км шимолда, Ўрдадан 15-16 км шарқда жойлашганлиги қайд этилди. Шунингдек, ёдгорликнинг ер ўзлаштириш ишлари даврида фақат марказий қисми (65x65 м; баландлиги 3 м атрофида) сақланиб қолган бўлиб, унинг усти ва ён атрофидан IX-X; XI-XII асрларга оид сопол идиш парчалари, 21x21x4 см қолипдаги сомонийлар даври ғиштлари йиғиб олинди. Маҳаллий аҳолининг сўзларига қараганда, 1980 йилларнинг охирида ер ишлари пайтида, Кўк равоатнинг шарқий томонидан қадимги қудуқ ўрни топилган. Қудуқнинг тепа қисми пишган ғишт билан айлантириб иҳота қилинган. Бундан ташқари, Кўк равоатнинг шарқий томонига қадар, жануби-ғарбдан шимолга қараб йўналган Уруқулисой сунъий барпо этилган шоҳариқ бўлиб, у бир пайтлар Сангзордан бош олган, деган фикрга келинган. XVI асрда битилган “Абдуллонома” (“Шарафномаи шоҳий”) асарида Кўк равоат мавзеси хақида ва Абдуллахон II (1557-1597)нинг бир неча бор у ерда тўхтаб ўтгани, шикор уюштиргани хақида маълумотлар бор. Бундан кўришиб турибдики, Кўк равоат кейинги даврлар, хусусан, XVI асрда ҳам қарвонлар, ҳарбий кўшин тўхтайдиган қўналға вазифасини ўтаган. Ушбу қатор омилларини ҳисобга олган ҳолда биз машҳур Худайсар работини Кўк равоат ўрнида бўлган деган фикрга келганмиз [Пардаев, 1991, с. 65-66].

Уструшонашунос А.Грицинанинг бир қатор илмий мақолалари Худайсар работининг ўрнини аниқлашга бағишланган бўлиб, муаллиф уни Равоат-Зомин автомобил йўлининг ўнг томонида, Ғулбо қишлоғининг шимолий қисмида жойлашган Тўрткўлттепа қарвонсаройи билан боғлашга ҳаракат қилмоқда. Муаллифнинг бундай фикрга келишига ягона, жўяли омил Тўрткўлттепа қарвонсаройи ҳажмининг (106x106 м) ўша давр учун ниҳоятда катталигидир [Грицина, 2000, с. 70-73]. А.Грицина томонидан келтирилган қолган барча асос ва сабаблар Тўрткўлттепани Худайсарнинг ўрни сифатида эътироф этиш учун хизмат қилмайди.

Ўрта аср муаллифларининг таъкидлашича, Худайсарда оқар сув манбаи, тепаси иҳоталанган қудуқ мавжуд бўлган, равоат атрофида вақф ерлари, турли жамоат жойларидан фойдаланилган [Бетгер, 1957, с. 21] Тўрткўлттепанинг атрофидаги ерларнинг хусусияти жойнинг рельефига кўра мазкур ҳудудда қачонлардир ер ишлари – деҳқончилик хўжалиги

юритилгани ҳақида фикр билдириш қийин. Ёдгорликнинг жануб, жанубий-ғарб, жанубий-шарқ қисмида баландлиги 0,5 м дан – 1,2 м гача етадиган 21 та катта-кичик тепачалар – мозоркўрғонлар гуруҳи жамланган ва тадқиқотларнинг кўрсатишича, улар антик ва илк ўрта асрлар даври билан саналанади [Пардаев, Тошбоев, Грицина, 2009, с.187-195]. Маълумки, ўрта асрларда вақф ерлари асосан масжид ва мадрасалар ихтиёрида бўлиб, руҳонийлар мазкур турдаги ерлардан деҳқончилик ишларида фаол фойдаланишган. Чунки диний ташкилотлар даромадининг муайян бир қисмини вақф ерларидан олинадиган улуш ташкил этган. Лекин таъкидлаш лозимки, Тўрткўлтёпа атрофидаги ерларга X-XII асрларда ва ундан кейин ҳам умуман ишлов берилмаган.

Маҳаллий ўлкашунос С.Қорабоев (Оға Бургутли)нинг ёзишича, Бешпишағор қишлоғида Хожаи Сироб номли мақбара мавжуд ва мақбаранинг ёнида худди шу ном билан аталадиган тепа жойлашган. Маҳаллий аҳоли мақбаранинг номини бироз бошқача «Хўжайи сар» деб номлайди. С.Қорабоевнинг фикрича, Худайсар карвонсаройи дастлаб шундай тарзда номланган. Эҳтимол, вақт ўтиши билан мазкур атама талаффузда Хўжайи сар – Хўжайсар – Худайсар кўринишида ифодаланган. Охириги ном араб тарихчилари фаолияти билан боғлиқ бўлиб, улар карвонсаройнинг ҳажми ва муҳим аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда уни “Худонинг боши”, деб номини ўзгартиришган [Буряков, Грицина 2006, с. 149].

Шуни таъкидлаш жоизки, Бешпишағордаги мақбаранинг номи талқинида ва бу талқинни рус тилига ўгиришда бир қатор ноаниқликларга йўл қўйилган. Биринчидан, Хожаи Сиробдаги “сироб” сўзи аслида “сероб” кўринишида ёзилиши лозим. “Сероб” аслида форс-тожикча сўз бўлиб, серсув, мўл-кўл сув, кўп сув маъноларини беради [Таджикско– русский словарь, 1954, с. 354]. Форсийдаги “Хожа” сўзини “хўжайин” “соҳиб” маъноларининг беришини эътироф этган ҳолда, “Хожаи сероб”нинг мазмунини “мўл-кўл сув соҳиби”, “сувнинг мўл-кўлчилигини таъминловчи хўжайин” сифатида талқин этиш мумкин. Хўжайи Сарни эса юқорида таъкидланган маънода эмас, балки “Бош хўжайин”, “Катта хўжайин” тарзида ифодалаш янада тўғрироқ бўлади. Чунки Худайсар сўзининг биринчи ўзаги сўғдча “худо” (масалан, кадхудо – қишлоқ оқсоқоли, қишлоқ эгаси) сўзидан ташкил топган бўлиб, маъноси бош хўжайинга, олий мақом хўжайинга, яъни Уструшона афшинига қарашли работ маъносини билдирган. Шундай маънодош атамалар кейинчалик арабча номларда ҳам учрайди, хусусан, “Малик работ”, “Работи малик” (бу атамаларнинг маъноси бир хил бўлса-да, биринчиси туркийда, иккинчиси форсийда қайд этилган – М.П.) “подшоҳ работи”, “подшоҳ карвонсаройи” маъноларини билдиради. Ёзма манбаларда Худайсар работи бунёд этилган давр IX асрнинг биринчи чораги санаси билан нисбатан бўлса-да аниқ кўрсатилган. Қуйи Сангзор воҳасининг ривожланган ўрта асрлар даврига оид навбатдаги

тадқиқотлар Қизлартепа қишлоқ маконида олиб борилган. Қизлартепа ёдгорлиги Жиззах шаҳри автошоҳбекатининг шимолий-ғарбий томонида, Сўлоқли маҳалласининг шарқий қисмида воҳанинг энг қадимги ва улкан шаҳар макони Қалиятепадан, тахминан, 350-400 м чамаси жанубда жойлашган.

Қизлартепа ташқи томондан трапециясимон кўринишга эга бўлиб, у шарқ-ғарб йўналиши бўйича чўзилиб кетган. Ёдгорликнинг шимол ва жануб томони 95 м га, ғарб томони 75 м га, шарқ томони 60 м га тенг, унинг ҳозирги сақланиб қолган умумий майдони 0,7 гектарга тенг. Қизлартепа икки поғонали бўлиб, унинг биринчи поғонасини ёдгорликнинг шарқий қисмида жойлашган ўлчами 25x60 м га, баландлиги 7-8 м га тенг майдон ташкил этади. Ўтмишда Қизлартепанинг хўжалик қисми ва ишлаб чиқариш тармоқлари жойлашган мазкур ҳудуд шарқ томонга чўзилиб кетган бўлган. Лекин XIX асрнинг охирида Қизлартепанинг шарқ томонидан ўтган темирйўл қурилиши даврида ёдгорликнинг мазкур ҳудуди бутунлай бузиб, йўқ қилинган.

Ёдгорликнинг иккинчи поғонаси унинг ғарбий қисмида жойлашган, 65x75 м га тенг, квадратсимон, баландлиги 12 м га яқин алоҳида ажралиб турган ҳудуддан иборат. Бу мавзеда ёдгорликнинг асосий тураржой комплекслари ва маҳобатли, марказий иморатлари жойлашганлиги эҳтимолдан узоқ эмас.

Қизлартепа ёдгорлигида 1979 йилда ЎзФА Археология институтининг Шимолий Уструшона отряди (раҳбари Э. Қодиров) томонидан кичик ҳажмли стратиграфик шурф ташланган. Шурфдан олинган моддий маданият, яъни асосан кулоллик идишлари намуналари Шимолий Уструшона отрядининг ўша пайтдаги аъзоси, Уструшонанинг ривожланган ўрта асрлар археологияси бўйича илмий мавзу олган Р.Абдукаримохунова томонидан Ленинградга олиб кетилган. Тажрибали археолог Т.Аннаевнинг шоҳидлик беришича, Қизлартепадан олиб кетилган ўша топилмаларнинг асосий қисми X-XII асрларга оид сирланган, гулдор сопол идишлар парчаларидан иборат бўлган. Қизлартепада ўтказилган қидирув ва қазув тадқиқотлари натижасида унинг ҳажми, сақланиш ҳолати ва, айниқса, даврийлик масалалари нуқтаи назаридан ёдгорликни Жиззах воҳасининг шарқий суғориш шаҳобчасида Қалиятепа шаҳар маконидан кейинги ўринда туриши эътироф этилган [Пардаев, Убайдуллаев, 2012, 170-176 с.].

Ривожланган ўрта асрлар даври бўйича тўлақонли археологик манба берувчи Қизлартепанинг стратиграфияси, меъморий қурилиш ва моддий маданияти хусусиятларини ҳанузга қадар мақсадли равишда, маълум илмий режа асосида ўрганиш Жиззах археологияси томонидан XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги даврида бошланди. Чунки Жиззах археологияси ва ривожланган ўрта асрлар тарихи бўйича мавжуд муаммони ҳал қилиш, ўрганилмаган ушбу давр бўшлиғини тўлдириш, натижада қадимги даврлардан сўнгги ўрта асрларгача содир бўлган тарихий жараёнларни

яхлит ва узвийлигини таъминлашда Қизлартепа материаллари катта илмий аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Планиграфик усулидаги қазув ишлари ёдгорликнинг устки қисмида, жануби-ғарбий худудда, расмий “триангуляцияон” нуқтадан 11-12 м жануб томонда ўтказилган. Ушбу қазув ишлари 2010-2012 йилларда Жиззах давлат педагогика институти билан ҳамкорликда давом эттирилди. Қазув ишлари давомида 14 та хона ўрни аниқланди ва уларнинг аксарияти тўлиқ очилди.

Қизлартепада очилган тураржой хоналарининг аксарияти пахсадан кўтарилган бўлиб, уларнинг ички ва сиртқи тарафи сифатли сомонли лой билан сувалган, уй сатҳи (пол) шиббаланган, зич ҳолатда.

Қазув ишлари давомида олинган кулоллик идишлари, хусусан, сирланган гулдор коса, лаган, чуқур товоқ, чироғдонлар, сирланмаган кўза, хум, қозон, тўқ қизил, жигарранг бўёқ берилган «мурғоба» усулида ясалган сув идишлар, сақланиши ниҳоятда ёмон бўлса-да, қорахонийлар тангаси деб эътироф этилган нумизматик манбалар Қизлартепанинг юқори қурилиш қатламларини XI-XII асрлар билан даврлаш имконини берди [Пардаев, Убайдуллаев, 2012, 170-176 с.].

Шуни хулоса қилиш мумкинки, ўрта аср ёзма манбаларида Қуйи Сангзор оқимида жойлашган Жиззах воҳаси шаҳар ва кентлари ҳақида қайд этилган маълумотлар Қизлартепа, Тўрткўлттепа, Қўрғонтепа ва қисман Ўрдада ўтказилган қазув тадқиқотлари натижасида олинган ашъвий далиллар ривожланган ўрта асрларга оид ёзма манбалар маълумотлари асосида ўз тасдиғини топди. Ушбу даврда ҳам Жиззах воҳасида узлуксиз ҳаёт давом этиб, қўшни тарихий-маданий ўлкаларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт тарзи билан сингишиб кетган.

Адабиётлар

1. Алимов У. Отчет Джизакского отряда за 1975 г. // Архив института археологии АН РУз. Ф.7, О.1, Д. 49. –Самарканд, 1975.
2. Бетгер Е.К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абу-л Касыма ибн Хаукаля // Труды САГУ. Археология Средней Азии. Вып. 4. –Ташкент, 1957.
3. Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр на Великом шелковом пути. - Самарканд-Бишкек, 2006.
4. Гулямов Я.Г. Кладбище Кулпи-сар // ИМКУ, вып. 2. –Ташкент, 1961.
5. Грицина А.А. К локализации некоторых горных рустакон Уструшаны // Ўрта Осиё тарихи ва археологиясининг долзарб муаммолари. –Тошкент, 1995.
6. Грицина А.А. К вопросу о местонахождении караван-сарая Худайсар // Археология, нумизматика и эпиграфика средневековой Средней Азии. –Самарканд, 2000.
7. Пардаев М.Х. Отчет Джизакского отряда по составлению Свода археологических памятников Зарбдарского района в 1985 г. // Архив института археологии АН РУз. Ф.7. О.1. Д. 11. –Самарканд, 1986.
8. Пардаев М. К археологическому изучению замков-рабатон Джизакского оазиса // Города и каравансарай на трассах Великого шелкового пути. –Ургенч, 1991.
9. Пардаев М. Буюк Ипак йўли ёқасидаги «Дизак» шаҳри ўрни тўғрисида // Буюк Ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари. –Самарканд, 1994.

10. Пардаев М.Х., Тошбоев Ф.Э., Грицина А.А. Ғулбо мазоркўрғонлари мажмуасини ўрганилиши хусусида // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар-2006-2007. 6-сон. –Тошкент, 2009.

11. Пардаев М.Х., Убайдуллаев И.Х. Жиззах ривожланган ўрта асрларда // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. 38-нашр. –Самарқанд, 2012.

12. Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. I. –Москва, 1973.

13. Ислом. Энциклопедик лўғат. –Тошкент, 1986.

14. Таджикско-русский словарь. –Москва, 1954.

15. Якубовский А.Ю. История народов Узбекистана. Т. I. –Ташкент, 1950.

Позилова Х.О.,

ЎзФА Миллий археология маркази

кичик илмий ходими

ҚАДИМГИ ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ТИРНАБ СОЛИНГАН БЕЗАКЛИ СОПОЛ ИДИШЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ-АРХЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШИ

Кулолчилик соҳасининг инсоният тарихи билан чамбарчас боғлиқлиги азал-азалдан археологлар ва олимларнинг унга бўлган қизиқишини орттириб келган. Чунки кулолчилик санъати ва унинг тарихини ўрганиш инсонларнинг кундалик турмуш тарзини, яшаш шароитини, урф-одатларини ва қарашларини аниқлашга катта ёрдам беради.

Бундан ташқари, сопол буюмлардан фойдаланиш темир, мис ёки шу каби бошқа маҳсулотларга нисбатан инсон саломатлиги учун фойдали ҳисобланади. Қолаверса, қадимдан ота-боболаримиз арпа, шоли, буғдой каби бошоқли донларни сақлашда сопол кўзалардан, хумлардан фойдаланиб келишган.

Сопол буюмларнинг ясалиши, шакли, унда қўлланилган нақш турларига кўра бир-биридан кескин фарқ қилади. Ҳозирги сўз юритмоқчи бўлган сопол буюмларга эса тирнаб нақш солинган. Бу услуб қадимги Фарғона водийси ҳудудларига хос бўлиб, милодий I асрда пайдо бўлган ва милодий V-VI асрларгача мавжуд бўлган. Тирнаб солинган безакли сопол идишларнинг пайдо бўлиш шарт-шароитлари ва VI асрга келиб йўқ бўлиб кетиши хусусида ҳанузгача олимлар ўртасида баҳс-мунозаралар мавжуд ва умумий ҳулосалар бериш билан чекланган, холос.

Масалан, Б.Абдулғазиева Фарғонанинг эллин даври керамикасига оид илмий тадқиқотлар олиб борган. У Марказий Осиёда рўй берган кулолчилик ишлаб чиқаришидаги кескин ўзгаришларни Македониялик Искандарнинг Шарққа юришлари билан боғлайди. Ўрта Осиё халқларининг жанубий кўшнилари билан яқин маданий алоқалари аввалроқ мавжуд бўлган. Марказий Ҳиндистонда, Тахила, Чарсада, Ганг дарёсининг юқори оқимида Фарғона косаларига жуда ўхшаш бўлган косалар топилган.¹

¹ Абдулғазиева Б. Эллинистическая керамика Ферганы. //Античная цивилизация и варварский мир (Материалы III-го археологического семинара) Новочеркасский. 1993. С. 27

Айрим тадқиқотчилар, хусусан, Б.М.Абдуллаев юқоридаги фикрларга кўшимча қилган ҳолда кулолчиликда пайдо бўлган қизил ангобли, тирнаб солинган безакли сопол идишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида, Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбий ҳудудлари билан маданий алоқаларнинг мавжудлиги катта аҳамият касб этиши ҳақида фикр билдирган. Алоқалар водийнинг ғарбий туманлари ва Уструшона ҳудудлари орқали амалга оширилган. Шунингдек, Искандар Зулқарнайн босқини натижасида бу ерга суғдликларнинг бир қисми кўчиб келганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Айнан ғарбий технологияларнинг тарқаланиши Фарғона водийсининг шарқий туманларида кўлда ясашиб, бўяб нақшланган кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш анъаналарининг узок вақт сақланиб қолишига сабаб бўлгандир. Фарғоналиклар янги технологияни ўзлаштириш билан бирга ўз анъаналарига содиқ қолишган. Шу билан бирга, Фарғона идишларининг баъзи шаклларида Суғд ва Бақтрия сопол идишларига ўхшашлик кузатилади¹.

Ғарб усул ва услубларининг тарқалиши натижасида Фарғона водийси шарқий ҳудудларида кўлда ясалган ҳамда бўяб нақш берилган кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланган. Шунингдек, фарғоналиклар янги технологияни ўзлаштириш билан бирга ўзларининг аввалги анъаналарига содиқ қолган ҳолда кулолчиликда янги – қизил ангобли, сиртига тирнаб нақш солиш услубини яратишган. Ушбу услуб Чуст маданияти сополларидаги анъаналарни сақлаб қолган ҳолда янги Шўрабашат идишларидаги нақш услубларини ҳам маълум маънода уйғунлаштирган. Бундан ташқари, идишларни безашда ҳайвон ва ўсимлик тасвирларидан ҳам фойдаланила бошланади.

Ҳиндистон билан бўлган алоқалар эса бу ерларда ҳам қизил ангобли тирналган безакли идишларнинг топилишида ўз аксини топади.

Фарғона водийсининг илк ўрта асрлар тарихи ва маданиятини ўрганишда Н.Г.Горбунованинг алоҳида ҳиссасини таъкидлаш керак. Олиманинг таъкидича, V-VI асрларда чарҳда ясалган идишлар улуши камаяди, ангоб сифати пасаяди, ангобдан идиш сиртига безак солиш пайдо бўлади², кўшни Қовунчи маданияти таъсири якқол сезилади ва Суғд билан алоқалар ривожлана бошлайди. VII-VIII асрларда, Н.Г.Горбунова фикрича, сирти қизил ангоб билан қопланган сополлар кўпая боради ва бу ўзгаришларни у кўхна турклар ҳамда суғдийлар таъсири билан боғлайди. Суғднинг Фарғонага таъсирининг бошланишини VII-VIII асрлар деб белгилайди.

Фарғонада бошқа ҳудудларга нисбатан жуда узок вақт муқим турган безакли сополлар X-XII асрларга келиб яна қайта жонланади. Аммо бу

¹ Позилова Х. Фарғона водийси ҳунармандчилигида тирнаб солинган безакли сопол идишлар.// Ўтмишга назар. Тошкент, -2021. Б. 705

² Горбунова Н.Г. Некоторые вопросы хронологии ферганской керамики с красным ангобом // АСГЭ. Вып.13. 1971. С. 93

даврда идишларнинг сиртига аввалгидек юқори қисмига эмас, балки идишнинг сиртига тўлиқ нақш берилган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, асосан қўлда ясалган сополлар сиртига бўёқ ёрдамида безак берилган бўлса, тирнама нақшлар фақатгина чархда ясалган идишларда қўлланилган.

Ривожланган ўрта асрларда Фарғона ва бошқа худудлардаги қўлда ясалган безакли сополлар нақшлари генетик жиҳатдан Чуст, Оқтом-Эйлатон, Шўрабашатнинг безакли ва тирнама нақшли сополларга услубий жиҳатдан боғлиқ. Чуст ва Оқтом безакларининг умумий боғлиқлиги тўғри чизиқли геометрик услубда яққол билинади. Оқтом босқичидаги йўл-йўл чизиқли нақшларнинг идишни куйи қисми томон тасвирланиши Чуст босқичига хосдир. Оқтом босқичида нақш услубларининг ўзгариши идиш шаклининг ўзгаришига ҳамоҳанг тарзда кечган. Бу вақтга келиб чархда сопол яшашнинг пайдо бўлиши қўлда ясалган безакли сополларнинг қисқаришига олиб келади. Шу сабабли Фарғона водийсида, хусусан, Ўрта Осиёнинг бошқа худудларида қўлда ясалган безакли сопол идишлар анъанаси йўқолиб кетади.

Шўрабашат босқичига келиб идиш сиртига безак бериш услубининг ўзгариши Фарғонада қизил ангобли сополларнинг пайдо бўлиши ва тезлик билан тарқалишига ҳамоҳанг тарзда кечган. Агар Фарғонага қизил ангобли сополлар яшаш анъанаси ғарбдан кириб келган бўлса, безакли сополларнинг айнан Фарғона водийсининг шарқида узок вақт сақланиб қолиши ва унинг Ўрта Осиёнинг бошқа худудларида доимий равишда йўқолиб боришини изоҳлаш мумкин.

Тирналган нақш бериш услуби Фарғонага хос янги нақш бериш усули ҳисобланса-да, ундаги айрим нақш элементлари Фарғонанинг безакли сополларидан олинган. Масалан, учбурчакли, тўрли, гажакдор ва тўлқинсимон чизиқлар Чуст ва Оқтом-Эйлатон маданиятидан олинган. Сирти бўёқ билан эмас, балки куюқ ангоб билан силлиқланган сополларга безак бериш жуда қийин. Идиш яшашнинг янги техникаси янги безаш техникасини талаб қилган. Шу муносабатда Тулейкан қабридан топилган тирналган нақш ва бўёқ ёрдамида безак беришнинг уйғунлигида безалган идиш эътиборга молик. Бу Фарғона сополларида нақш бериш усулларидаги ўтиш босқичи бўлиши мумкин¹.

Н.Г.Горбунованинг яна бир мақоласида, тирнаб солинган нақшли сопол идишлар Фарғона водийси маданияти тараққиётидаги янги босқич бўлиб, “қўлда ясалган безакли сополлар даврининг“ бевосита давоми ҳисобланади. Тирнама нақш элементлари безакли сопол элементларининг такроридир, аммо тирнамали нақш янги техника бўйича амалга оширилган. Бу турдаги нақшли сопол идишлар I-IV асрларга оиддир, деб таъкидлайди².

¹ Горбунова Н.Г. Культура Ферганы в эпоху ранне железа// СА. № 4 М. 1962. С.113

² Гамбург Б. З, Горбунова Н. Г. Археологические работы Ферганского областного краеведческого музея в 1953-1954гг. (Краткий отчет) //ИМКУ .Вып-1, Ташкент-1959. С.20-21

Бундан ташқари, Қуюқ 1 ёдгорлиги сопол буюмларининг 26 % тирнаб солинган безакли сопол ишлар хиссасига тўғри келади. Фарғона водийсининг ҳеч бирида бундай ҳолат кузатилмаган. Қўлланилган безак турлари ҳам ниҳоятта хилма-хил бўлган¹.

Ю.А.Заднепровский ҳам тирнаб безак берилган қизил ангобли буюмлар ҳақида фикр билдириб ўтган. Археологик маълумотларга кўра, милоддан аввалги I минг йилликнинг охирида ва милодий аср бошларида моддий маданият соҳаларида кескин ўзгаришлар рўй беради. У бўялган идишларнинг йўқолиб кетиши ва тирналган безаклар билан безатилган қизил ангобли идишларнинг устунлигида яққол намоён бўлади. Бунга асосий сабаб, эхтимол, Фарғона водийсида тохар-юэчжи бирлашмаси қабилаларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлса керак. Қадимги Хитой ёзма манбаларида бу қабилаларнинг кенг кўламли ҳаракатлари айнан Даван орқали ўтганлиги ҳақида тўғридан тўғри маълумотлар берилган.

Шунингдек, қизил ангобли тирнаб нақш солинган сопол идишлар Кўгай Тепа ёдгорлигидан ҳам топиб ўрганилган. Ушбу манзилгоҳда 1933 йилда Б.А.Латинин қазил ишларини олиб борган. Хонадан қизил ангобли ва тирналган безакли сопол буюмлар топилган. Идишларнинг шакллари ҳам турли-туман бўлиб (думалоқ коса, танаси чўзилган ва катта тубли кўзалар, тутқичсиз цилиндрсимон кружкалар ва бошқалар), милоддан аввалги I минг йиллик охири ва эрамизнинг I асрларига тўғри келади². Қоидага кўра, қизил ангобли идишлар безатилмаган. Шўрабашатда тирналган безакли сопол идишларнинг тўртта бўлаги топиб ўрганилган³.

Б.Матбобоев эса Андижон шаҳрида амалга оширилган қазув ишлари натижасига кўра қизил ангобли тирналган сопол идишлар вақтини I-IV асрлар билан белгилайди. Ушбу даврни эса икки босқичга бўлиб ўрганган. Биринчи босқич I-III асрлар, иккинчи босқич эса III-IV асрлар деб белгилайди. Сопол идишлар олдингиларидан сифати, шакли билан бироз фарқланади. Ҳатто бу гуруҳдаги сопол идишларни тайёрлашда яхши томонга сифат ўзгаришлари кузатилади. Яъни идишлар нафисроқ ва юпқароқ қилиб ишланган, тирнаб гул солинган айрим идишлардан фойдаланиш бошланади. Сопол буюмларнинг кўза, коса, хурмо ва майда идиш турлари кенг истеъмолда бўлган. Кўзаларни аксарияти бўғзи калта, гардиши ташқарига қайрилган. Баъзи бир кўзаларни сиртига тирнаб нақш солинган⁴.

¹ Горбунова Н.Г. Керамика поселений Ферганы первых веков нашей эры. Труды Государственного Эрмитажа XX. Ленинград. 1979. С.126

² Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. МИА, №.118, М.-Л., Изд-во АН СССР, 1962. С. 113

³ Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. МИА, №.118, М.-Л., Изд-во АН СССР, 1962. С. 134

⁴ Матбобоев Б. Х. Қадимги Фарғонанинг илк ва ўрта асрлар даври маданияти докторлик диссертацияси автореферати. Самарқанд. 2009. Б. 133

Баландтепа ва Мунчоқтепадан топилган кулолчилик идишларида ҳам юқоридаги ҳолатларни кўришимиз мумкин. Масалан, Мунчоқтепадан милодий I-IV асрларга тегишли бўлган танаси узунчоқ, қалин ва ялтираб турувчи ангоб билан қопланган ёғлоқи ёки дастаси қирра қилиниб ўткир асбоб билан кесиб текисланган, ўрта қисмида тарам-тарам айлана тирналган чизиклари бўлган нақшланган кўзани мисол қилиб келтириш мумкин.

Баландтепадан эса шакли банкасимон, танаси юмалоқроқ бўлган, тирнаб гул солинган хурмо ва бир неча дастасиз кўзаларни келтириб ўтиш мумкин. Келтирилган ҳар икки комплекслардаги сопол идишлар Фарғона водийсининг бошқа худудларида ҳам учрайди ва уларнинг санаси милодий эра бошлари, яъни биринчи юз йилликлар билан белгиланади¹.

Ф.А.Мақсудов ҳам водий археологиясига доир кўплаб тадқиқотлар олиб борган. Фарғона водийсида жойлашган Қизлартепа ёдгорлиги мисолида қизил ангобли тирналган сопол идишларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва безак семантикаси бўйича ўз фикр ва хулосаларини бериб ўтган. Ўз мақоласида қизил ангобли, тирналган безакли сопол буюмларнинг пайдо бўлиши ва мавжудлиги санаси бўйича тадқиқотчилар фикрларини ўрганиб, уларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиб кўрсатади.

Биринчи гуруҳ тадқиқотчилари ушбу сопол буюмлар санасини милоддан аввалги III – милодий I-III аср билан белгилайди.

Иккинчи гуруҳ тадқиқотчилар эса милоддан аввалги II-I, милодий I-II асрлар давомида ушбу турдаги кулолчилик буюмлари мавжуд бўлганлигини таъкидлайди.

Учинчи гуруҳ тадқиқотчилари милодий I асрдан то IV-V асрларга қадар давом этган деган фикрни билдирадилар².

Бундан ташқари, фақат идишлар типологияси эмас, балки буюмларда қўлланилган орнаментлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. Шу ўринда орнамент сўзига таъриф берадиган бўлсак, орнамент (лот. орнаментум – безак, от орно – безаш сўзидан) – бадий безак, элементларнинг ритмик жойлашуви билан ажралиб турадиган нақш. Орнаментни қуришда симметрия тамойиллари, ритмик такрорлаш усуллари кўпинча қўлланилади. Орнаментни ташкил этувчи элементлар ҳақиқатни яқиндан акс эттириши мумкин, одатда, ҳақиқий дунёнинг мотивлари ва тасвирлари сезиларли даражада қайта ишланади – декоратив умумлаштириш (стилизиция деб аталади), бу уларни безатилган объект юзасида жойлаштирилган нақш элементларига айлантиради. Орнаментдаги безак элементи кўпинча маданият тарихининг дастлабки босқичларида маъно билан бирлаштирилади³.

¹ Матбобоев Б. Х. Қадимги Фарғонанинг илк ва ўрта асрлар даври маданияти докторлик диссертацияси. автореферати Самарканд. 2009. Б. 186

² Мақсудов Ф.А. Некоторые вопросы семантики процарапанного орнамента на керамике Маргилана (по материалам Кызлартепа) // ИМКУ. Вып.28. Самарканд, - 1997. С. 54

³ Большая советская энциклопедия № 31. М. 1955. С. 213

Сопол идишларда қўлланилган безак турларини Қизлартепа ёдгорлиги мисолида олтига гуруҳга бўлиб ўрганган.

Биринчи гуруҳ – спирал шаклидаги тирналган безаклар.

Иккинчи гуруҳ – зигзаг шаклида тирналган безаклар.

Учинчи гуруҳ – тирналган параллел диагонал чизиқлар, бундай безаклар «қия соя» деб аталади.

Тўртинчи гуруҳ – параллел диагонал ажратилган чизиқлар билан безатилган безаклар.

Бешинчи гуруҳ – “қуёш” ва унинг “нурлари” билан безатилган безаклар.

Олтинчи гуруҳга ромбсимон безакларни киритиб ўтган.

Тирналган безакли идиш-товокларнинг функционал мақсади ҳақида ҳам тўхталиб ўтган. Хусусан, бундай идишлар озиқ-овқат сақлаш учун ишлатилган, чунки тирналган безакли сопол идишларнинг асосий қисми қозонларда, баъзиларида эса безак тумор сифатида қўлланилган. Бу идишларга буюртма бериш мумкин ва шунинг учун қимматроқ туради¹.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, керамика инсон томонидан яратилган биринчи сунъий материал ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унга бўлган қизиқиш ҳали-ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Тирнаб солинган безакли сопол идишларнинг тарихий-археологик ўрганилиши илмий адабиётларда ёритилмаган. Мавжуд адабиётларда эса фақат ёдгорликларда топилган буюмлар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтилган, холос. Бу хилдаги безакли сопол буюмларнинг тўсатдан пайдо бўлиши хусусида олимларнинг фикрлари турли-туманлиги эса ушбу мавзунинг долзарблигини янада оширади. Қўлланилган безак орнаментлари ҳам жуда қизиқарли ва баҳс-мунозараларга бой ҳисобланади. Якуний хулосалар бериш учун эса кенгроқ тадқиқотлар ўтказилиши керак.

Адабиётлар

1. Абдулгазиева Б. Эллинистическая керамика Ферганы. //Античная цивилизация и варварский мир (Материалы III-го археологического семинара) Новочеркасский, 1993.
2. Позилова Х. О. Фарғона водийси ҳунармандчилигида тирнаб солинган безакли сопол идишлар. // Ўтмишга назар. Тошкент, 2021. -Б. 705
3. Горбунова Н.Г. Некоторые вопросы хронологии Ферганской керамики с красным ангобом // АСГЭ. Вып.13. -1971.
4. Горбунова Н.Г. Культура Ферганы в эпоху ранне железа// СА. № 4. –М., 1962.
5. Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г. Археологические работы Ферганского областного краеведческого музея в 1953-1954 гг. (Краткий отчет) //ИМКУ. Вып. 1. -Ташкент, 1959.
6. Горбунова Н.Г. Керамика поселений Ферганы первых веков нашей эры //Труды Государственного Эрмитажа XX. –Ленинград, 1979.
7. Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонанинг илк ва ўрта асрлар даври маданияти // докт. дисс. автореферати. -Самарқанд, 2009.

¹ Максудов Ф.А. Некоторые вопросы семантики процарапанного орнамента на керамике Маргилана (по материалам Кызлартепа) // ИМКУ. Вып.28. Самарқанд, - 1997. С. 55

8. Мақсудов Ф.А. Некоторые вопросы семантики процарапанного орнамента на керамике Маргилана (по материалам Кызлартепа) // ИМКУ. Вып. 28. -Самарканд, 1997.

9. Большая советская энциклопедия. Том. 31. –Москва, 1955.

10. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА, №.118, М.-Л., Изд-во АН СССР, 1962.

*Рахимов Б.Э.,
Самарқанд давлат университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси
катта ўқитувчиси*

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИ ҲАҚИДА ШВЕЙЦАРИЯЛИК САЙЁХ ГЕНРИ МОЗЕРНИНГ ЭСДАЛИКЛАРИ

XIX асрда Европа олимлари учун Марказий Осиё минтақасини ўрганиш ва уни Европа учун янгидан кашф қилиш, ҳудуднинг табиий ҳамда геостратегик ресурсларидан фойдаланиш истиқболлари муҳим аҳамият касб этган. Туркистон табиий соҳаларини ўрганиб ўлканинг табиий ресурсларини тадқиқ этган, соғлиқни сақлаш ва маориф соҳаларининг ривожига катта ҳисса қўшган хорижликлар кўп бўлган. Уларнинг орасида Р.Р.Шредер, Ё.К.Бетгер, Л.Ю.Висе фаолиятлари юқори баҳога лойиқ [2,. 27 с]. Ушбу давргача Осиё ҳақида европаликларга ўрта аср саёҳатчиларининг маълумотлари воқеаларни бевосита ўз кўзлари билан кўрган гувоҳларнинг манбалари сифатида бирламчи аҳамият касб этган.

XIX асрнинг ўрталаридан Россия ва Британия империяларининг Марказий Осиёга қизиқиши ортиб бориши географик ва этнографик маълумотларга нисбатан эҳтиёжни оширди. Айнан шу даврдан бошлаб Марказий Осиё қизиқарли саёҳатлар ва илмий экспедициялар объектига айлана борди [1,.27 б]. Экспедициялар илмий изланиш характерига эга бўлиб, улар Фанлар Академияси, Географик жамиятлар ҳамда хориж мамлакатлар билан шуғулланувчи институтлар томонидан молиялаштирилган [4,. 463 S.]. Амалга оширилган тадқиқотлар бутун илм оламини Туркистон ўлкаси ҳақида шу пайтгача номаълум бўлган материаллар билан таништирган.

XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб Марказий Осиёга хорижий сайёҳларнинг катта оқими кириб кела бошлади. Бунга минтақада юз берган сиёсий воқеалар, ўлкага темирўлларнинг ўтказилиши каби омиллар қулай шароит яратиб берди. Шу пайтгача Туркистонга татар, арман ва бошқа мусулмон савдогар ва дарвешлар кўринишида келиб саёҳат қилган хорижликлар энди Россия ҳукумати ҳомийлигида ўзларининг кимлигини махфий тутмай бошини баланд кўтариб, очиқчасига саёҳат қилиш имконига эга бўлдилар [5,. 417 б].

Шундай саёҳатлардан бири швейцариялик тадқиқотчи Генри Мозердир (1844-1923). У Санкт-Петербургда швейцариялик соатсоз Мозерлар

оиласида таваллуд топган дипломат, сайёҳ, санъат асарлари коллекционер ва ёзувчи бўлган. Генри Мозер Оренбургдан Истамбулгача бутун Марказий Осиёни отда, эшақда, пиёда кезиб чиққан. У географик кашфиётлар қилмаган, бироқ Ғарбни Марказий Осиё халқлари маданияти ва анъаналари билан таништирган биринчи европаликлардан эди [6,. 1с].

Унинг саёҳати давомида Туркистон генерал-губернатори Черняевнинг амалий ёрдами жуда катта бўлган. Асли швейцариялик сайёҳнинг Россия паспортига эга бўлганлиги унинг Туркистонга қилган саёҳатини осонлаштирган. Мозер Каспийорти вилоятига қилган саёҳатини худуднинг маъмурий тавсифидан бошлайди. Вилоятда туркманларнинг ёвмут, гўклан, така қабилалари яшаганлигини маълум қилади. Шулардан энг жангарилари бўлган така қабиласидан бўлган 100 минг туркман Аҳал-такин воҳасида истиқомат қилган, дейди муаллиф [3,.300 S]. Ушбу воҳани Мозер қуйидагича таърифлаган:

«Жанубий-ғарбдан Копетдоғ тоғлари билан ўралган Аҳал воҳаси Марказий Осиёдаги энг серҳосил худуддир. Узунлиги 240 верст бўлган воҳа сувга боғлиқ бўлиб, ариқлардан ва Копетдоғдан оқиб тушган сувлар билан сугорилади. Воҳани сув билан таъминлайдиган дарёлар мавжуд эмас, Атрек ва Гурген дарёлари Каспий денгизига бориб қуйилади.» [3,.300 S].

Россия империяси Каспий денгизининг шарқий соҳилига 1869 йилда келиб ўрнашган. Генерал Столетов казакларнинг балиқчилар қишлоғи ўрнида Красноводск ҳарбий станциясига асос солган. 1871 йилда Атрек дарёси қуйилишида жойлашган Чиқишлар забт этилган. Лазаревнинг така қабиласига қарши 1878 йилги ҳарбий экспедициясида Чиқишлардан таянч база сифатида фойдаланган. Маълумки, Марказий Осиё халқлари босқинчиларга қарши қаттиқ қаршилик кўрсатган. Каспийорти вилоятини эгаллаш ҳам империя кўшинлари учун осон кечмаган. Муаллиф Кўктепанинг олишини қуйидагича таърифлайди:

«Русларнинг обрўйини сақлаб қолиш учун нима бўлса ҳам Кўктепани забт этиш лозим эди. Скобелев армиясини иккига бўлиб, бири Чиқишлардан, иккинчиси Михайловское бухтасидан чиқиб, така қабиласининг Аҳал воҳасига киришидаги Боми қалъасида учрашиши режаслаштирилган. 10 июнда Боми қалъаси эгалланди. Июлда Скобелев 400 аскар ва 16 пушка билан Кўктепа деворлари олдида пайдо бўлди. 1880 йил декабрь ойининг охирида қалъани 58 пушка ва 8 мингта аскар ўраб олди».

Кўктепа умумий узунлиги 8 километрдан ортиқ бўлган квадрат кўринишидаги мустаҳкам қалъа бўлган. Қалин тупроқ деворининг баландлиги 7 метрни ташкил этган истехком атрофи сув билан тўлдирилган хандақлардан иборат эди. Мозернинг маълумотларига кўра, Кўктепа мудофаасини Тўкма сардор бошқарган. Душмандан қочиб, қалъа ичкарасига кирган 9 мингта ўтов аҳолисининг сони 30-40 минг нафарни ташкил этган. Булардан ташқари 7 мингта отлиқ йигитлар қалъа ҳимоясига шай турган [3,.301 S].

Скобелев туркманлар истехкомини қамал қилишга киришган. Русларга асир тушган икки нафар туркман Тўкма сардор ҳузурига Кўктепа қалъасини топшириш ҳақидаги таклиф билан юборилган. Сардор босқинчиларнинг ушбу таклифига ўша икки нафар туркманнинг танасидан жудо қилинган бошларини мешга солиб юборган [3,.301 S].

Скобелев армияси 1881 йил 24 январ куни пушка ва миналар билан портлатиб истехком деворини тешиб ичкарига бостириб кирган. Кечга яқин қалъадаги қирғинбарот жангларида ҳимоячиларнинг 6 мингта жасади тўпланган, шулардан 1,5 минг нафари аёл ва болаларга тегишли эди [3,.304 S]. Шундан сўнг қалъа бошлиғи Тўкма сардор ва бошқа омон қолган ҳимоячиларнинг таслим бўлишдан бошқа иложлари қолмаган.

Ашхобод Аҳал воҳасининг маркази ҳисобланган, ундаги ўтовлар сони 60 мингта бўлган. Бу ерда яшаган «така» қабиласининг номи ҳақида фикр юритиб муаллиф шундай дейди:

«Воҳа жанубидаги тоғларда ўз отларида такадек чаққонлик билан ҳаракатлангани учун қабиллага шундай ном берилган» [3,.304 S].

Така туркманлар Марв воҳасида ҳам кўпчиликни ташкил этган. Улар даставвал Манғишлоқ ярим оролида яшаган. 1718 йил қалмиқлар, Вамберининг фикрича, қозоқлар така туркманларини у ерлардан сиқиб чиқарган. Жанубга томон силжиган така қабиласи Қизил Арвотдан ёвмутларни, курд ва алиэли қабилаларини ҳайдаб, Аҳал воҳасини эгаллаган. Ҳар бир қишлоқ бир туядан солиқ тўлаган, гаров тариқасида эса қабилadoшларини Хива хонига юбориб, унга тобе бўлган.

Така туркманлари иккита йирик бўғинга ажралган: Ўтамиш ва Тўхтамиш. Ушбу бўғинлар Бек, Вакил, Бахши-Даш-Аяқ, Сичмаз каби уруғларга бўлинган. Уруғлар ҳам, ўз навбатида, жуда кўплаб гуруҳларга ажралган. Мозер туркман қабилаларининг ҳаётида кўчманчи-чорвачилиқдан деҳқончиликка ўтишдаги трансформацион жараёнларини кузатиб шундай ёзган:

«Туркманлар ўз далаларининг марказида бир неча минорали, катта дарвозали баланд қалъа қурганлар. Экин даври ва ҳосил йиғим-терим вақтида улар ушбу қалъага келиб яшайдилар, қолган пайт ўз подаларини яйловларда боқадилар. Душман кўринганда, қалъа ичига кириб ҳимояланидилар [3,.304 S].

Саёҳатчи туркман қабиласининг бошқарувига тўхталиб, Аҳал воҳасининг машҳур сардори туркманларнинг вакил уруғидан бўлган Нурвердихон ҳақида фикр юритган. Нурвердихон бошчилигида туркманлар 1855 йил Хива хони қўшинлари, 1861 йил Эрон қўшинлари, 1869 йилда эса Россия империяси қўшинларининг Кўктепага қилган ҳужумини қайтарган [3,.305 S]. 2 минг нафардан иборат така туркманларига бош бўлган Нурвердихон туркманларнинг сариқ қабиласини енгиб Марв воҳасининг энг доно қизи Гулжамолга уйланган. Ушбу никоҳ натижасида унинг бойлиги кўпайиб, Аҳал воҳасида ҳам, Мурғоб бўйларида ҳам истиқомат қилган.

Мозернинг таърифига кўра, Нурвердихон жуда жасур, адолатли ва меҳмондўст хон бўлган. Туркман қабилалари орасида катта таъсирга эга бўлган хон 1880 йилга қадар юрт бошқарган. 50 ёш умр кўрган Нурвердихон вафотидан сўнг унинг ўғли Махтумкулихон хон этиб сайланган [3.,305 S].

Мозер Каспийорти вилоятининг иқтисодий ҳолатини кузатиб унинг имкониятларига юқори баҳо берган. Бу ҳақида у, хусусан, шундай дейди:

«Барча туркманлар ўтроқ-чорва ва кўчманчи-чорвага бўлинган. Уларнинг асосий бойлиги чорва подалари бўлиб, улар бақувват туя, зотдор қўйлар боқишган, лекин асосийси от бўлган. Туркман отлари Марказий Осиёдан ташқарида ҳам машҳур бўлган. Александр Македонский замонида ҳам бу отлар шуҳрат қозонган эди. Марко Поло Марказий Осиё отларини мақтаган. Унинг фикрича, ушбу отларнинг туёқлари шунчалик мустаҳкам бўлганки, тақага муҳтож бўлмаган» [3.,305 S].

Муаллиф ўз тадқиқотида Туркистон генерал-губернаторлиги Каспийорти вилоятида бўлган оломонлик ва унинг оқибатидаги қулчилик ҳақида маълумотлар келтирган [3.,308-314 S]. Саёхатчи туркманларни шахмат устаси деб таърифлаган [3.,320 S]. Мозер Каспийорти туркманларининг антропологияси, этнографияси, менталитети ва бошқа хусусиятларини батафсил ёритишга ҳаракат қилган.

Юқорида баён қилинганлардан маълум бўладики, узоқ Швецариядан Каспийорти вилоятига машаққатли саёхатини амалга оширишга муваффақ бўлган Генри Мозерни ўз мақсадига эришган энг омадли хорижий сайёҳлар қаторига киритиш мумкин. Туркистонга 4 марта уюштирган экспедицияси натижасида сайёҳ ўлкамизнинг тарихи, маданияти, табиати, иқтисодий ва сиёсий ҳаётига оид муҳим материаллар ва моддий ашёлар тўплаган. Мозер каби хорижий сайёҳларнинг тадқиқотларини ўрганиш Марказий Осиё халқларининг тарихига оид билимларимизни бойитади.

Адабиётлар

1. Аҳмаджонов Ф.А. Россия империяси Марказий Осиёда. –Тошкент, 2003.
2. Матвеев А.М. Зарубежные выходцы в Туркестане на путях к Великому Октябрю. -Ташкент: Фан, 1977.
3. Moser H. Durch Centralasien.-Leipzig. Die Kirgiziensteppe Russisch-Turkestan Buchara Chiva das Turkmenenland und Persien.Leipzig. 1888.
4. Sidikov B. Eineunermessliche Region. Deutsche Bilder und Zerrbilder von Mittelasien (1852-1914). – Berlin, 2003.
5. Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқот ва экспедициялар (XIX-XX аср бошлари). Муаллифлар жамоаси (Маъсул муҳаррир Д.Х.Зияева). – Т.: Академнашр. 2019.
6. <https://nashagazeta.ch/news/les-gens-de-chez-nous/>

*Рахматуллаев М.,
СамДУ жаҳон тарихи кафедраси доценти
Тўрақулов Б.,
СамДУ жаҳон тарихи кафедраси доценти*

САМАРҚАНД УНИВЕРСИТЕТИДА АРХЕОЛОГИЯ СОҲАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИДАН

Узоқ йиллар Самарқанд давлат университетининг умумий тарих кафедраси бағрида ўсиб, ривожланиб келган археология соҳаси 1971 йилда алоҳида кафедра бўлиб ажралиб чиқди. Ўтган 50 йил давомида археология ўзига қондош бўлган фанлар иштирокида кафедранинг салоҳиятини юқори поғонага кўтарди. Таълим жараёнини ташкил этиш, ўқув ва услубий кўлланмалар яратиш, долзарб мавзуларда илмий мақолалар ва монографиялар нашр этишда жамоа университетнинг пешқадам кафедраларидан ҳисобланади. Замон билан бирга одимлашаётган бу кафедра аъзолари қадим ўтмишнинг очилмаган қирраларини излаб-ўрганишни давом эттирмоқдалар. 50 йил давомида эришилган ютуқлар улкан, ранг-баранг бўлиб, улар ҳақида ҳамкасблар ўз хотира ва тадқиқотларида нуфуз билан баён қилмоқдалар. Ўтган йиллар давомида бу кафедрада бир қатор илм фидойилари, жонкуяр мураббийлар, устоз деган номни ҳалоллаб яшаган инсонлар ишлаб ўтдилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси проф. Мавлон Жўрақулов, тарих фанлари номзодлари, доцентлар М.Я.Абдурахимова, Р.Р.Мукашева, Қ.К.Кубаков, О.И.Иброҳимов, катта ўқитувчи А.Н.Улянова ва бошқалар серқирра ва сермазмун фаолиятлари билан археология кафедрасинигина эмас, балки Самарқанд тарихчилар мактабини улуғлаб келган эдилар. Бугунги кунда уларнинг издошлари, шогирдлари самарали меҳнатлари ва илмий-ижодлари билан ўз соҳалари ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Устоз Мавлон Жўрақуловнинг мактабини ўтаган, домла билан ёнма-ён ижод этган шогирдлари Н.Аванесова ва Н.Холматовлар бугун профессорлик даражасида фаолият кўсатмоқдалар. Нисбатан ёш бўлишларига қарамай илмий салоҳиятларини оширган Дилфуза Мавлоновна, Одил Эргашев, Рўзиқул Абриевлар илмий даражаларга эришиб факультетнинг педагогик ва ижтимоий ҳаётида ўз ўринларига эга. Шу ўринда катта ўқитувчи С.И.Шарипов хусусида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Етмишдан ошган бу олимнинг чуқур билими ва тил билиши кафедрага жуда қўл келди. Одатда икки тилда ижод қиладиган кишини «зуллисонайн» деб аташади. Уч тилда таълим берадиган домлани қандай атама билан аташ керак экан.

Юқорида ёзилганларнинг барчаси асосийси учун дебоча. Этиборингизни эллик йилдан олдинги, яъни, археология фанининг Умумий тарих кафедраси таркибида ривожланиши тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, Олий педагогика институтида ташкил этилган дастлабки 6 та кафедранинг биттаси Умумий тарих эди. Тўғри, у турли даврларда

турлича аталди. 1927 йилда Ижтимоий-сиёсий бўлимга 2 гуруҳ (А ва Б) талаба олинди. “А” гуруҳидаги 25 талаба орасида 18 ёшли Ғуломов Яҳё бор эди. Маълумот учун айтиш мумкинки, 1927 йил 1 октябридан Салиев Булат Ўрта Осиё тарихи кафедрасида ўқитувчи ва 1928 йил 1 апрелдан шарқ тарихи кабинети мудирлиги вазифасини бажариб, бу учун ойига 75 рубл маош олди.¹ Худди шу даврда, айнан шу кафедрада профессор вазифасини бажарувчи бўлиб Василий Лаврентьевич Вяткин 225 рубл оклад билан ишга қабул қилинган.²

Олий педагогика институтининг профессор-ўқитувчилар таркиби асосан Иттифоқнинг марказий шаҳарларидан таклиф этилган мураббийлардан иборат эди. Ўзбекистон Халқ комиссарлари кенгашининг 1933 йил 20 январда қабул қилинган қарорига мувофиқ Самарқанд шаҳрида Давлат Педагогика академияси ва Тиббиёт институти базаларида “Ўзбек давлат университети” ташкил этиш кўрсатмаси берилди.³

Янги университетнинг таркибий тузилиши оптималлаштирилди. Тарихчилар иқтисод соҳаси билан бирлашиб тарих-иқтисод факультетига асос солдилар. Унинг таркибида 5 та кафедра фаолият кўрсатди: 1. Иқтисодиёт назарияси. 2. Философия. 3. Ўрта Осиё халқлари ва Ўзбекистон тарихи. 4. Ленинизм. 5. Умумий тарих билан СССР тарихи кафедралари бирлашиб “СССР халқлари ва Ғарб тарихи” номли кафедранинг ташкил этилиши.⁴ Тарих-иқтисод факультетида педагогик ходимлар сони бир йил олдинги ўқув йилига нисбатан 50% га қисқарган. 1933-1934 ўқув йилида факультетда жами 20 киши ишлаган, уларнинг фақат бир нафари хотин-қизлардан бўлган. 13 киши ўзбек тилида дарс берадиган, улардан бир нафари профессор, 5 та доцент ва 7 киши ассистент. Ғарб тарихи ва Шарқ халқлари тарихидан дарс берувчи мутахассис йўқ эди. Ўша ўқув йилида кафедранинг аспиранти бўлган М.У.Аминовнинг ўзлаштириш даражаси куйидагича бўлган: диамат – “яхши”, СССР халқлари тарихи – “яхши”, Ғарб халқлари тарихи – “аъло”, инглиз тили фанидан – “қониқарли”.⁵

Ўша даврда факультет оғир шароитда ривожланган, мутахассис кадрлар етишмаган, айниқса, маҳаллий тилда маъруза ўқий оладиган. 1934 йилда факультетда 106 талаба ўқиган бўлиб улардан 16 таси хотин-қизлардан (5 таси маҳаллий миллатдан) иборат эди. Аксига олиб 1933 йилги қабул натижасида тарих бўлимига кирган талабалар сони кам бўлгани учун уларни иқтисодчиларга қўшиб, ягона гуруҳ қилдилар. Шу тариқа тарих бўлими қабулсиз қолди. Лекин факультетда 4 та ўқув кабинети мавжуд бўлиб, талабаларнинг шуғулланиши учун барча имкониятлар мавжуд эди.

¹ Самарқанд вилояти давлат архиви. Ф-519, рўйх. 2, иш 1,1., 150-б.

² Ўша жойда, 120-б.

³ Самарқанд вилояти давлат архиви. Ф-637, рўйх.1, иш 156., 40-б.

⁴ Самарқанд вилояти давлат архиви. Ф.637, рўйх.1, иш 32., 1-б.

⁵ Ўша жойда, 14-б.

Уларга 3 нафар кабинет мудири ва 2 та лобарант хизмат кўрсатарди. Ўша йиллари факультет декани бўлиб Мангушева фаолият юритган.¹

Албатта, 30-йилларда ҳали археология, этнография, ибтидоий жамият тарихи билан шуғулланувчи мутахассисликлар шаклланмаган эди. Лекин 30-йилларнинг охирларига келиб умумий тарих кафедраси иккига бўлинди. 1938 йил 27 октябрда умумий тарихдан ажралиб чиққан “Қадимги ва ўрта асрлар тарихи” кафедрасининг биринчи йиғилиши бўлиб, унда тарих факультети таркибидаги янги кафедранинг аъзолари қилиб қуйидагилар тайинланди:

1. Кафедра мудири, проф. Г.И.Савицкий.

2-3. Кафедра доценти вазифасини бажарувчилар В.Қодиров ва А.Вохидов.

4. Ассистентлик вазифасини бажарувчи Л.Ф.Розенштейн. Аслида Розенштейн IV курс талабаси бўлиб, кабинет мудири этиб тайинланган эди. Энди уни ассистентликка ўтказиб кафедранинг котиблигини ҳам унга топширдилар.

Шу йиллар давомида тарих факультетида декан лавозимида ўтирганларнинг тез-тез ўрин алмашиши эътиборимизни тортди. Мангушевадан кейин факультет декани бўлиб доц. Мўминов ишлаган бўлиши керак. Чунки факультет илмий Кенгашини Мўминов 1935-1937 йилларда бошқарган. 1937 йилдан то 1938 йил июнь ойи ўрталаригача бу вазифани проф. Феноменов М.Я. олиб борган. Ҳар ҳолда 14 июнда бўлиб ўтган факультет илмий кенгашини Михаил Яковлевич олиб борган. Лекин 1938 йил июнь ойининг ўрталарида биринчи бор 30 июнда факультет Илмий кенгашини доцентлик вазифасини бажарувчи М.У.Аминов бошқариб борди. М.У.Аминов июнь ойининг ўрталарида илмий кенгашга мурожаат қилиб номзодлик диссертациясини якунлаб ҳимояга тайёрлаш учун 1938 йил 1 сентябрдан 1 ноябргача Тошкент шаҳрига илмий сафарга бориш учун рухсат сўраган ва талаб қондирилган. Факультетимизда меҳнати сингган яна бир устозни хотирламоқчимиз, бу И.И.Умняков. 1938 йил умумий тарих кафедраси 2 га бўлингач, “Янги тарих” кафедраси домлани оддий ўқитувчиликка қабул қилди ва II-III курсларда Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи фанини юклама қилиб берди. Жуссаси кичик бўлган профессорнинг салобати катта эди. Билимининг чуқурлиги ҳаракатидан ва маъруза услубидан билинарди. Домланинг Эронда Россия элчихонаси ходими бўлгани, араб, форс ва турк тилларида бемалол сўзлашишлари тўғрисида миш-мишлар тарқалиб бўлган эди.²

1940 йил 5 мартда бўлиб ўтган янги тарих кафедраси мажлисида Умняков яқин кунларда “Амударё муаммоси” мавзусида маъруза қилишини эълон қилди. Аслида унинг асосий фани “Қарам ва мустамлака мамлакатлар тарихи” эди. 1940 йил 26 апрелда СССР тарихи кафедраси мажлисида (айни

¹ Самарқанд вилояти давлат архиви. Ф.637, рўйхат 5, иш 28.4-б.

² Самарқанд вилояти давлат архиви. Ф. 637, оп.1, эд.хр. 251, л. 94-б.

вақтда домла бу кафедрада ҳам ишларди) доцентлик вазифасини бажарувчи И.Умняков мурожаат қилиб номзодлик диссертациясини ёқлашга имконият беришларини сўрайди. Диссертация асосида Маҳмуд Қашғарийнинг “Девони луғатит турк” асарига илова қилинган дунё харитаси олинган бўлиб, мавзуси “Туркларнинг энг эски дунё харитаси” деб номланади. 1333-1335 йилларда Стамбулда чоп этилган бу асар араб текстида минг бетдан кўп бўлган. Диссертант барча матнни ўрганган. Унинг фикрича, Қашғарий харитаси араб картографияси таъсири остида тузилган, шу учун китоб матни билан харита ўртасида тафовут бор. Умняковнинг диссертациясига тақриз берган академик Крачковский И.Ю. унинг меҳнатини юқори баҳолаб, иш Ўрта Осиёнинг X-XI асрлар тарихи, географияси ва этнографиясидаги мавжуд бўшлиқни тўлдирди, деб ёзган.

Афсуски, археология ва археологлар тўғрисида маълумотлар фақат университет 30 октябрь 1944 йилда қайта тиклангандан кейин пайдо бўлди. Шу йили Умумий тарих кафедрасига бир неча янги ходимлар ишга олинди ва улар орасида Д.Н.Лев ва М.Я.Абдурахимовалар ҳам бор бўлган. Булар педагогика ва ўқитувчилар институтларида ишлаганлар. Давид Натанович фан номзоди, Абдурахимова ассистент. Олий ўқув юртлирида ўқитиш марказдан келадиган дастурларга асосланарди. Турли йилларда нашрдан чиққан бу дастурлар тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланган бўлиши керак эди. 1948 йил 27 ноябрда Умумий тарих кафедраси мажлисида 1948-1949 ўқув йили учун келган ўқув дастурлари кўриб чиқилди. Улар ичида энг ёши эскироғи – 1937 йилда нашр этилган “Янги тарих”, 1939 йилда нашрдан чиққан “Ибтидоий жамоа тарихи” ва “Қадимги дунё” тарихи фанларининг дастурлари эди. Улар орасида “Археология” ва “Этнография” йўқ, лекин номларининг қаршисида “лойиҳа” деб ёзиб қўйилган.¹

1948 йил 4 октябрда Умумий тарих кафедрасининг очик мажлиси бўлиб ўтди (протокол № 5). Унда 50 га яқин одам қатнашди. Улар орасида проф. Окладников А.П., проф. Войтсек Р.К., проф. Фитуни А.П, доц. Аминов М.У., катта ўқитувчи Пўлатов Р., факультет ўқитувчилари ва юқори курс талабалари бор эдилар. Йиғилганлар доц. А.Н.Левнинг “ЎЗДУ археологик экспедициясининг Омонқўтонда олиб борган ёзги қазув ишларининг якуни” тўғрисидаги маърузасини тингладилар.

Кейинги тадқиқотлар Тахтақорача ҳудудида қадимги шаҳарча қолдиқлари топилиб, унда темир эритиш (кувшин шаклидаги ямаларда), олов қолдиқлари ва бошқа кўпгина керамика, шунингдек, металл шлаклари топилган. Бундай темир эритувчи қуроллар кўп жойлардан чиққани маълум қилинди. Бундай топилдиқлар тарихий аҳамиятидан ташқари халқ хўжалиги учун ҳам фойдали бўлиши мумкин, чунки бу ҳудудда турли металл рудалари кони бўлиши эҳтимолини беради. Ҳозирда келаси йилга мўлжалланган ишлар дастури, сметаси тузилиб Омонқўтон экспедициясига

¹ Самарқанд вил. давлат архиви. Ф.637,по.4, эд.хр.522., л. 256.

СССР ФА дан йирик мутахассисларни таклиф қилмоқчимиз, деб сўзини яқунлади Д.Н.Лев.

СССР ФАнинг вакили сифатида сўзга чиққан проф. Окладников А.П. Омонқўтондаги топилмалар нафақат Ўзбекистоннинг ўтмишини ўрганиш учун, балки бутун Иттифоқнинг қадимги ривожланиши тарихини ўрганиш учун ҳам аҳамиятли эканлигини таъкидлади. Ғорни кўриб, қазув жараёнидаги шароитни ўрганиб чиққан Окладников ЎЗДУ экспедициясининг жуда оқисталик билан, фан олдидаги масъулиятни чуқур сезган ҳолда қазув-тадқиқот ишларини олиб борганларини алоҳида таъкидлади.¹

Д.Н.Лев 1949 йил февраль ойидан Умумий тарих кафедрасининг мудири этиб сайланган эди. Бу археолог олим даврида кафедра Ўзбекистоннинг қадимги тош даврини ўрганадиган марказга айланди. Лев бошчилигида 1947 йил кафедра қошида археологик отряд ташкил этилиб, унда тадқиқотчилар, аспирантлар ва талабалар ҳам кўшилдилар. 1958 йилда бу отряд Ўзбекистон ФА нинг тарих ва археология институти археологик экспедицияси билан кўшилиб, ҳамкорликдаги қидирув-қазув ишлари натижасида Омонқўтонда палеолит даврига оид ғор қолдиғини топдилар. Самарқанд шаҳридаги кўл соҳилида қадимги тош даври маданий қолдиғи, Ургутнинг Мўминобод қишлоғида эса бронза даври маданияти маконлари очилди. 1966 йил охирларида отряд археологлари Сазағон қишлоғи яқинидан неолит даврининг иккита маданий қолдиғини топдилар. Умумий тарих кафедраси қошида археология кабинети ташкил этилиб, унда отряд томонидан топилган ва тадқиқ этилган кўхна тарих асори-атиқалари коллекцияси яратилди.²

1956 йилда кафедра мудири Давид Натановч Археологлarning Бутуниттифоқ съездига делегат бўлиб қатнашди. Шу йили оналик таътилидан чиққан М.Абдурахимова номзодлик диссертациясини ёқлаган эди.

Бу даврда кафедранинг ўқув соатлари кўп бўлган. Қадимги дунё тарихи, ибтидоий жамоа тузуми тарихи, этнография, Осиё ва Африка мамлакатлари тарихи, Славян халқлари тарихи, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр тарихи каби асосий фанлар ўтилган. Шу учун кафедрага ишлаш учун маҳаллий аҳолидан чиққан ёш иқтидорлар ҳам таклиф этилган. Улар орасида Х.М.Юлдашева, К.Х.Самибаев, Р.Р.Мукашева, М.А.Игамбердиевлар ҳам бор эдилар.

1960 йил 1 ноябрда Москвада СССР ФА Археология институтининг Палеолит сектори йиғилишида Самарқанд университети Умумий тарих кафедрасининг мудири Д.Левнинг “Самарқанд палеолит манзилгоҳи” мавзусидаги маърузаси тингланди. Мажлис раислигини т.ф.д. А.П.Окладников олиб борди. Йиғилишда 34 киши қатнашди. Маърузачи

¹ Самарқанд вил. давлат архиви. Ф.-637, оп.4, эд.хр.522, Ф. 166.

² Б.Тўракулов Самарқанд давлат университети тарихидан лавҳалар. Самарқанд, 2017, 40 б.

1960 йил археологик қазув ишлари натижасида топилган материалларни намойиш этди. Мажлис раиси ва сўзга чиққанлар топилган қазилмаларни жуда юқори баҳоладилар. Қабул қилинган қарорда ҳам иш юқори илмий даражада эканлиги ва уни тезроқ нашр этишга кўрсатма берилди.¹

1961-1962 ўқув йилида кафедрада аспирантурага ўқиш учун 2 та ўрин берилди. Факультетимизни имтиёзли диплом билан битирган Мавлон Жўрақулов кундузги бўлимга, М.Урманова эса сиртки бўлимга қабул қилиндилар. Бу даврнинг янгиликлари сирасига 60-йиллар бошларидан факультетнинг география факультети билан кўшилишини ва кафедранинг Умумий ва янги тарих деб аталишини кўшиш мумкин. Кафедранинг 1961 йил 7 декабрда бўлиб ўтган мажлисида мудир Д.Н.Лев аспирант М.Жўрақуловни “Археология асослари” махсус курсидан маърузалар эшитиш учун Ленинградга илмий сафарга юбориш тўғрисида кафедра қарорини маълум қилди. Кафедра ассистенти Р.Мукашева номзодлик минимуми топширишга тайёргарлик кўраётгани ҳақида кафедрага ахборот берди.²

Кафедрада юқори малакали мутахассислар асосан аспирантура орқали тайёрланарди. Кафедра ташаббуси билан иқтидорли ёш аспирантлардан 4 нафари Собик Иттифокнинг марказий шаҳарларида таниқли олимлар раҳбарлигида номзодлик диссертациялари тайёрладилар. 60-йилларнинг бошларида улар орасида бўлган Н.Тошкенбоев ва Р.Мукашева Москва давлат университетида таълим олдилар. Улар археология ва қадимги давр тарихи билан шуғулландилар. Д.Лев бошчилигидаги кафедра ёшларнинг тадқиқот ишларини олиб бориши учун ҳамма шароитни яратиб берган. Масалан К.Самибаевга ижодий таътил, аспирант М.Жўрақуловга эса Ленинград шаҳрига ярим йиллик илмий сафар берилган (Олдинроқ у бу шаҳарга бир йиллик илмий сафарда ҳам бўлган). 1963 йил охирларида аспирантурани тугатган М.Жўрақулов кафедра ассистентлигига қабул қилинди.³

Кафедрада бирорта фан доктори ёки профессор бўлмаганлигига эътибор қилмаслик мумкин эмас. Тўғри, кафедра мудирини доц. Д.Н.Лев жуда баракали ишлаб, турли даражадаги нашриётларда тадқиқот натижаларини чоп этган эди. 1965 йил кузида СамДУ илмий бўлими Олий аттестация комиссиясига мурожаат этиб, Д.Левга нашр этилган илмий ишларини докторлик ҳимоясига олиб чиқишига рухсат беришларини сўраган. 1966 йил 8 апрелда ЎзФА Тарих ва археология институтининг Археология сектори мажлисида акад. Я.Ғуломов, ФАнинг мухбир аъзоси В.Шишкин ва бошқалар СамДУ доценти Д.Н.Левнинг илмий изланишларига юқори баҳо бердилар ва уни докторлик диссертация ҳимоясига тавсия этдилар.⁴

¹ Самарқанд вил. давлат архиви. Ф. 637, рўйх. 4, иш 561., 38-б.

² Б.Тўрақулов. Кўрс. адаб., 48 б.

³ Самарқанд вил. давлат архиви. Ф.637, оп.7, дело 175, л.2-3.

⁴ Ўша жойда, Ф.637, рўйх.7, иш. 610, 95-б.

Афсуски, Давид Натановичга берилган саломатлик ва умр ҳимояга чиқиш имкониятини бермади.

1966 йил бошларида кафедра ассистенти Р.Р.Мукашева “Ўрта Осиё вилоятларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва улар орқали ўтадиган савдо йўллари (мил. авв. VI-II асрлар)” мавзусидаги ишини яқунлаб, ҳимояга топширди. Таъкидлаш лозимки, факультетни охириги йилларда Умумий тарих ихтисослиги бўйича битирган ёшлар катта тиришқоқлик билан ўз устларида ишлаб, кафедранинг муносиб давомчилари бўлишга ҳаракат қилдилар. Умумий тарих кафедрасининг 1966 йил 17 мартдаги мажлисида тарих-география факультетининг декани М.У.Аминов, декан ўринбосари М.М.Абрамов ва бошқа кафедраларнинг салоҳиятли профессор-ўқитувчилари асс. М.Ж.Жўрақуловнинг “Ўрта Осиёнинг ибтидоий археологиясини ўрганиш (тош асри)” мавзусидаги диссертациясини муҳокама қилиб, ҳимояга тавсия этдилар. Академик Я.Ғуломов ва доцент М.Аминовларнинг шу тартибда 1- ва 2- оппонент бўлишга розиликлари сўралди.

Бундан ташқари 1966 йил мартада Маданият вазирлигининг инспектори Ю.Ф.Буряковнинг “Чотқол-Курама районининг ўтмишидан (Илоқ тоғ ишлари тарихи)” номли номзодлик диссертацияси ва 1966 йил апрелида Тарих ва археология институти кичик илмий ходими М.К.Пачоснинг “Афросиёбнинг мудофаа иншоотлари” мавзусидаги номзодлик диссертацияси ҳам муҳокама қилиниб ҳимояга тавсия этилди.¹

Тан олиш керакки, бир ўқув йилининг ярмида бунчалик масъулиятли ижодий фаолиятнинг амалга оширилиши Умумий тарих кафедрасининг юксак салоҳиятидан далолат беради. 1949 йилдан бошлаб кафедранинг узлуксиз бошқариб келган доцент Давид Натанович 1967 йилда ёши улуғлиги ва соғлиғидаги ўзгаришларни инобатга олиб кафедра мудирлигидан озод қилишларини сўраб мурожаат қилди. Конкурс асосида кафедра мудирини этиб доцент Ким Хотамович Самибоев сайланди.

Лекин археология фани таракқиётдан тўхтаб қолмади. Д.Левнинг шогирди, бу вақтга келиб номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган М.Ж.Жўрақулов археологик экспедицияларни ҳам юқори савияда олиб борди.

Археология фанида эришилган ютуқлар, юқори илмий кашфиётлар бу соҳанинг Самарқанд миқёсида ташкилий жиҳатдан алоҳида йўналиш бўлиб етилганини кўрсатди. Ниҳоят, 1971 йилда тарих факультети таркибида янги Археология кафедраси ташкил этилиши муносабати билан Умумий тарих кафедрасининг шу соҳа ва қадимги дунё тарихи билан шуғулланувчи кадрлари ўз ўқув юктамалари билан янги кафедранинг қувватлашга ўтдилар. Булар орасида М.Ж.Жўрақулов, М.Я.Абдурахимова, Р.Р.Мукашева ва бошқалар бор эдилар.

¹ Б.Тўрақулов Кўрс. адаб., 53-б.

САМАРҚАНД АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИНГ СЎНГГИ ЙИЛЛАРДАГИ ҚИДИРУВ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИГА ДОИР

Сўнги йилларда республикамизда маданий меросга оид бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинган бўлиб, уларда археологик тадқиқотларни ривожлантириш, соҳага замонавий тадқиқот усулларни жорий қилиш ва такомиллаштириш каби бир қатор йўналишлар белгилаб берилди. Хусусан, бу борада Самарқанд археология институти олдига ҳам моддий маданиятни сақлаш ва ўрганишда қуйидаги асосий вазифалар қўйилди. Яъни қадимги тош асрдан бошлаб ривожланган ўрта асрларни ўз ичига олган Марказий Осиёнинг моддий ва маънавий маданияти тарихини ўрганиш борасида фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, Ўзбекистон ҳудудининг ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирилиши, цивилизациянинг шакллантирилиши, илк шаҳарлар ва давлатчилик, қадимги жамиятлар дунёқараши, жаҳон динларининг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганиш, ҳунармандчилик, металлургия ва кон иши, археологик ёдгорликларни аниқлаш, археологик тадқиқотлар олиб бориш, харитага тушириш ва илмий муомалага киритиш, археологик топилмаларни таъмирлаш услуги ва қадимий технологик усулларни тиклаш кабилар шулар жумласидандир.

Ушбу вазифалар доирасида сўнги икки йил ичида бир қатор илмий натижалар қўлга киритилди.

Самарқанд шаҳри ҳудудида олиб борилган шурф кўринишидаги қазув ишлари натижасида бир қатор илмий маълумотлар олинди. Жумладан, ёзма манбаларда XV-XVI асрларда ташкил топган Махдуми Хоразмий маҳалласи сифатида қайд этилган, унинг номи шу ерда яшаган тасаввуф тариқатининг буюк намоёндаси, Аҳмад Яссавий таълимотининг давомчиси Махдуми Хоразмий шахси билан боғланган ҳудудда қазув ишлари олиб борилди. Манбаларда Махдуми Хоразмий маҳалласи шимол томондан Қози Калон, шарқий томондан Яҳудийлар маҳалласи билан, жанубдан Қози Ғафур ва ғарбдан Урмитан (шаҳар ариғи ёнида) маҳаллалари билан чегарадошлиги, маҳаллада, асосан, темирчилар ва мих ишлаб чиқарувчи ҳунармандлар яшаганликлари борасидаги маълумотлар ўз аксини топган. Шу билан бир қаторда маҳалла ҳудудида масжид, ҳовуз, хужралар, таҳоратхона, савдо дўконлари ва карвонсарой мавжуд бўлган.

Ҳозирги вақтда Самарқанд шаҳридаги Бухоро кўчаси 143-уй манзилида ЎзР Маданий мерос департаменти томонидан рўйхатга олинган, XIX аср охири- XX аср бошларига оид Махдуми Хоразмий мажмуаси жойлашган. 2020 йилда Махдуми Хоразмий мажмуаси ҳудудида иккита шурф ташланиб, биринчи шурфда ер сатҳидан 3 м чуқурликда X-XI, XVII-

XX аср бошларига оид материаллар аралаш ҳолатда кузатилди. Иккинчи шурф биринчи шурфдан 30 метрлар жанубда жойлашган, ер сатҳидан 3 метрлар чуқурликда эса 3 та қабр ўрни борлиги қайд қилиниб, қабрлар бу ерда сақланаётган қабртошлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Шу билан бир қаторда ҳовли ўртасидаги чуқурликда ер сатҳидан 80 см пастда пишиқ ғиштдан терилган девор қолдиқлари кузатилади. Мазкур деворни сақланиш баландлиги 1 метрлар, кенглиги эса 80 см ташкил қилади (пастдаги саккиз қатор ғишт ўлчами 27x13,5x6,5 см, юқоридаги олти қатор эса 27x13,5x6,5 см, 22x22x4,5 см, 23x23x4-4,5 см). Ушбу девор қолдиқлари XIX аср охири – XX аср бошларига оид хонақоҳ, хужралар каби иншоотларга тегишли бўлиши мумкин.

Кузатув ишлари Самарқанд шаҳридаги Даҳбет кўчаси чап томонида, Кўксарой майдонининг шарқий қисмида ҳам олиб борилди. Бу ерда ташланган иккита шурф 3,5-4 м пастга қадар олиб борилиб, шурфларда асосан аралаш қатлам кузатилди. Юқоридаги археологик маълумотлар асосида қуйидаги дастлабки хулосага келиш мумкин. Маълумки, тадқиқот ҳудуди 1371-1372 йилларда соҳибқирон Амир Темур томонидан қурдирилган 34 га майдонни ўз ичига олган Аркнинг шимолий ғарбий томони ёнида жойлашган. Ёзма ва археологик маълумотлар Арк ташқи томонида чуқур ҳандақ билан муҳофазаланган икки қатор мудофаа девори билан ўраб олинган. Мудофаа девори ташқи томонида Новадон канали жойлашган.

1868 йилда Самарқанд Россия империяси томонидан босиб олингандан сўнг, шаҳар аркида ҳарбий гарнизон жойлаштирилади. 1878 йилда рус ҳарбийлари аркда ҳарбий истехком куриш учун дастлаб арк мудофаа деворларини текислаб ташлашган бўлса, 1880-1981 йилларда аркдаги қолган иншоотларни бузиб юборишади. Жумладан, Шайх Нуриддин Басир мақбараси ҳам тўлиқ портлатиб юборилади. Шайх Бурхониддин Басир ҳоқи эса Самарқанд қозикалони Саид Мир Низомиддин Хўжа раҳбарлигида Ҳазрати Хизр масжидининг шимолий шарқий томонида қайта дафн этилади. 1970-1990 йиллар оралиғида Арк ҳудуди ва унинг атрофида кенг кўламда қурилиш ишлари олиб борилади. Ушбу даврда арк ва унинг атрофи ташқи кўринишида катта ўзгаришлар амалга оширилган. Иккита шурфдаги қатламларнинг жойлашуви ҳам ўрганилаётган ҳудудда айнан мана шу даврларда ободонлаштириш ишлари олиб борилган бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Самарқанд шаҳрининг Чуқурйўл кўчаси 220-манзилида олиб борилган археологик кузатувлар натижасида ташланган шурфларда аралаш ҳолатда Қорахонийлар даврига оид бир неча сопол бўлақлари аниқланди. Лекин шурфларда меъморий қолдиқлар ёки катта тарихий аҳамиятга эга соф маданий қатлам кузатилмади ва ер сатҳидан 1-1,20 м пастда соф сарик кумли қатлам (материк) қайд этилди.

Регистоннинг шарқий қисмида ҳам археологик кузатув ишлари олиб борилди. Тадқиқот ишларинининг асосий мақсади 1970 йилларда бузиб ташланган Бозори Ҳаммоми Сандуқ деб аталувчи ҳаммом қолдиқларини ўрганиш эди. Учта жойда ташланган шурфлар асосида Бозори Ҳаммоми Сандуқ 19 аср охири 20 аср бошларида кенг қўламда таъмирланганлиги, бунда 19 аср охири – 20 аср бошларида кенг қўлланилган “николай” ғишти деб номланувчи пишиқ ғиштлар қўлланилганлиги аниқланди. Хусусан, ўтган асрнинг 70 йилларида бузиб ташланган ва кейинги даврларда олиб борилган қурилиш ва ободончилик ишлари натижасида фақатгина унинг иситиш тизими билан боғлиқ қурилмалари сақланиб қолган бўлиб, улар ҳам юқорида қайд қилинган ғиштлардан бунёд этилган.

2020 йилнинг баҳорида Жомбой тумани 51-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Мухриддин Холсаидовнинг Ғўбдин тоғида жойлашган Етимсой дарасида бир нечта қоятош суратларини аниқлагани ҳақида мурожаати асосида Самарқанд археология институти катта илмий ходими Б.Сайфуллаев ва СамДУ Археология кафедраси доценти О.Эргашевлар томонидан Булунғур туманига қарашли Бот-бот қишлоғи юқорисида жойлашган Етимсой дарасида бир қатор қоятош суратлари рўйхатга олиниб, Етимсойнинг ўнг соҳили уриб-чўкичлаб ишланган қоятош суратларига бойлигини аниқлашди. Бу суратлар антик ва ўрта асрларда ҳудудда яшаган аждодларимизнинг маънавий-иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти, дунёқарашлари ҳақида гувоҳлик берувчи муҳим манбалар ҳисобланади. Бундан ташқари, бу расмлар ҳудуднинг антик ва илк ўрта асрлар даврларидаги экологик шароити ҳақида ҳам муҳим маълумотларни беради.

Бундан ташқари, қоятош суратларининг ёнгинасидан неолит даврига оид бир нечта ишлов берилган тош артефактлар ҳам йиғиб олинди. Улар турли ранглардаги кремнийлар, сланец ва кварц тошлардан ясалган. Топилмалар орасида нуклеуслар, микропластинкалар ва ретушланган учириндилар мавжуд. Топилмалардан сал пастроқда, сойнинг ўнг соҳилидан ўқ ариқ қазилган ва қатламлар очилиб қолган. Бу жойдаги стратиграфик кузатишларимиз натижасида қалинлиги 1 м келадиган неолит даври маданий қатлами аниқланди.

2021 йилда ҳам республиканинг бир қатор ҳудудларида кузатув ишлари олиб борилди. Жумладан, Самарқанд вилоятида олиб борилган археологик қидирув ва кузатувлар ишлари натижасида қоятош суратлари, тарапанлар қайд этилди. Хусусан, Самарқанд вилоятида янги туристик маршрутларни аниқлаш бўйича вилоятнинг туризм ва спорт ишлари бўйича ходимлари билан биргаликда Ургут туманининг Қоратепа тоғ массивида кузатув ишлар олиб борилди.

Қоратепа тоғ массиви Омонқўтон тоғларидан ғарброкда бошланади ва у аввало шимолий-ғарбий йўналишда чўзилиб, Мишозор довони ортидан ғарбга қайрилиб Жом қишлоғигача чўзилган. Массивнинг денгиз сатҳидан ўртача баландлиги 1500 м ва баъзан 2000 м ни ташкил қилади, айрим

чўққилари эса 2204 м га етади. Ғарбий ва шарқий йўналишда у пасайиб бориб, Марказий қисмида эса Кемқўтон тоғида кўтарилади ва 2188 м га етади. Ушбу ҳудудда кузатув ишлари давомида маҳаллий аҳоли маълумоти асосида Қоратепа гранит қояларидан бирида қаттиқ жисм (тош, металл) ёрдамида уриб чўкичлаб ишланган тоғ эчкилари подаси ва уларни таъқиб қилиб кетаётган бир дона бўрининг тасвири қайд этилди. Петроглифлар контурли характерга эга ва устки қисми сарғиш патина билан қопланган. Расмлар қора рангли мўмиё қоплама билан қопланган гранит қоянинг текис юзасига туширилган. Тоғ эчкилари Ўрта Осиёнинг антик ва ўрта асрларга оид петроглифлари орасида энг кўп тарқалган ҳайвон тури ҳисобланади. Дарҳақиқат, қадимда тоғ эчкилари Ўрта Осиё тоғларида энг кўп тарқалган ҳайвон тури ҳисобланган. Қадимги даврларда эчкиларнинг ҳам хонаки ва ҳам ёввойи турлари яшаган. Тоғ эчкилари қадимги аждодларимизнинг асосий ов объектларидан бири бўлган. Бу ҳайвонларга одамлардан ташқари, йиртқич ҳайвонлар ҳам шафқатсиз ов олиб борган. Бундай қирғинлар тоғ эчкиларининг камайиб, аста-секин йўқолиб кетишига сабаб бўлган. Йиртқичларнинг, жумладан, бўрининг эчкиларни овлаш жараёнига Қоратепа суратларини ишлаган қадимги рассом гувоҳ бўлган ва бу манзарани қояда акс эттирган. Бўрининг тоғ эчкиларини овлаш манзараси акс этирилган петроглифлар Ўрта Осиё қоятош ёдгорликлари орасида жуда кам учрайдиган ҳодисадир. Бундай тасвирлар Навоий вилоятидаги Сармишсой қояларидан топилган. Сақланиш даражаси ва ишланиш техникасига кўра Қоратепа суратларини илк ўрта асрлар билан саналаш мумкин.

Ургут тумани Қоратепа сув омборининг қарама-қарши томонида, Самарқанд-Китоб йўлининг ўнг томонида, яъни тахминан 10 км ғарбда, (Узунсой қишлоқ фуқоралар йиғини ҳудудида) Севасойни чап томонида йирик тош плиталарга ўйиб ишланган 2 та тарапан қолдиқлари қайд этилди.

Тарапан – тошга ўйиб ишланган, узум сувини чиқаришга мўлжалланган ва ўзаро бир-бири билан ҳовузчалар орқали боғлаган қурилма ҳисобланади. Бунда биринчи ҳовузчада узум эзилса, ундан чиққан сув иккинчисига нисбатан кичикроқ ҳовузчага тўпланган. Одатда тарапанлар вино ишлаб чиқариш учун қўлланилган. Юртимиз ҳудудида вино ишлаб чиқариш билан боғлиқ қурилмалар бронза давридан бошлаб учраса-да, одатда улар махсус бунёд этилган ва қир ёки гипс билан қопланган махсус резервуарлар кўринишига эга бўлган. Бу принцип деярли ўрта асрларга қадар кескин ўзгаришсиз давом этиб келган. Тошдан ясалган тарапанлар ҳозирги кунда юртимиз ҳудудида Қорақалпоғистон (Миздахқон) ва Тошкентда (Харашкент) кузатилган. Одатда тарапанлар Қора денгиз бўйи атрофларида кенг тарқалган. Ургутда топилган тарапанлар атрофида археологик ёдгорлик кузатилмаган бўлса-да, атрофда кам сонли қайд этилган сопол парчалари ҳамда унинг тузилиши жиҳатдан уларни антик-илк ўрта асрлар оралиғи билан даврлаштириш мумкин.

Шу билан бир қаторда Нуробод тумани Чангалли қишлоғи ҳудудида ҳам олиб борилган кузатувлар давомида қишлоқ атроф ҳудудларида ўрта асрларга мансуб қўрғон қолдиқлари ва яхши сақланмаган қоятош суратлари қайд этилди.

Қидирув кузатув ишлари Бухоро вилоятида ҳам олиб борилиб, 2021 йилда Институт катта илмий ходими Б.Сайфуллаев раҳбарлигидаги тадқиқот гуруҳи Қизилқум чўлининг жанубий-шарқида жойлашган Қорасигир ботиғи яқинида палеолит даврига оид бир қатор (7 та пункт) янги тошга ишлов бериш устахоналарини аниқлашга муваффақ бўлди. Ушбу устахоналардан кулранг ва жигаррангли кремнийлардан ҳамда сланецлардан ишланган кўплаб ишлов берилган тош буюмлар аниқланиб, техник-типология жихатдан ўрта палеолит даври билан саналанмоқда. Шу билан бирга Аякагитма ботиғи атрофида олиб бораётган изланишлар давомида неолит даврига оид янги неолит макони аниқланди. Аякагитма-2 номи билан аталган ушбу маконда 370 та тош буюмлар, микрофауна, охра ва гулхан қолдиқлари қайд этилди.

Тадқиқот ишлари Бухоро вилояти Пешку туманига қарашли Жонкелди қишлоғи атрофи ҳудудларида ҳам археологик ёдгорликларни аниқлаш ва хариталаштириш мақсадида дастлабки дала-қидирув ишлари олиб борилди. Жонкелди қишлоғи ҳудудидан янги тош даврига оид янги ёдгорлик – тошга ишлов бериш устахонаси топилди ва Ўзбекистон тарихи неолит даврига оид янги бир ёдгорлик билан бойитилди. Шу билан бирга ушбу ҳудудда илк ўрта асрларга оид мазор-қўрғонлар аниқланди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, олиб борилган кузатув тадқиқот ишлари Республика ҳудудида янгидан янги моддий маданият қолдиқларини топишга, уларни илмий ўрганиш, сақлаш, муҳофаза қилиш ҳамда оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

*Сандибоев А.Н.,
Самарқанд археология институти
Қурбонбоев И.М.,
Самарқанд давлат университети*

ИШЧАНТЕПА – МАРКАЗИЙ СУҒДНИНГ ИЛК ЎРТА АСРЛАРГА ОИД ҚИШЛОҚ МАКОНИ

Ишчантепа ёдгорлиги Ургут тумани Янгиариқ МФЙ га қарашли Ишчан маҳалласининг марказида жойлашган. Тепалик тархи тўғри тўртбурчак шаклда бўлиб, узунлиги 44 м, эни 24 м, баландлиги эса 4,9 метрни ташкил қилади. Ёдгорликда 1988 йилда А.Э.Бердимуродов бошчилигидаги Ургут отряди томонидан планиграфик ва стратиграфик қазув-тадқиқот ишлари олиб борилган. Натижада учта хонанинг ўрни очилган.

1-хонанинг ташқи жанубий девордаги супа устида 4 та хум очилган.

Хумларнинг гардиш айланаси 36-44 см га тенг. Хумлар орасида гардиши пастга, тагдони юқорига қаратиб қўйилган тандир – хум ҳам қайд этилиб, унинг атрофи лой ёрдамида мустаҳкамланиб чиқилган. Мазкур хумнинг ичида кул қолдиқлари сақланиб қолинган¹.

1-хона хўжалик учун мўлжалланган супанинг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, кўриниши тўғри тўртбурчак шаклида, шарқдан ғарбга қараб чўзилган, ўлчами 7,7х2,5 метр дан иборат. Хона деворлари пахса блок ёрдамида кўтарилган, жанубий деворининг узунлиги 7,2 метр, сақланиб қолинган баландлиги 1,3 метр, эни 1,2 метрдан иборат. Шимолий деворнинг узунлиги 4,5 метр, эни 1,2-1,25 метр бўлиб, хонанинг шарқий томонидаги девори сақланиб қолинмаган. Унинг ғарбий томонидаги деворининг эни 1,3 метрни ташкил қилади. Хонага кириш эшигининг ўрни ғарб томонда бўлиб, эни 0,9 метр, сақланиб қолинган баландлиги 1 метрдан иборат. Хонанинг ичи хом ғишт, пахса ва ёғочнинг ёнган бўлаклари, ҳайвон суяклари ҳамда майда тошлар билан тўлиб қолган.

2-хона 1-хонанинг шимолий томонида жойлашган бўлиб, тўғри тўртбурчак шаклда, ўлчамлари 7,7х2,3 метрдан иборат. Хонанинг деворлари пахса блокдан кўтарилган бўлиб, жанубий девор узунлиги 4,5 метр, эни 1,2-1,5 метр бўлиб, хонага кириш эшиги жануб томондан, биринчи хона орқали боғланган, эни 1 метрдан иборат. Хонанинг шарқий девори сақланмаган. Хонанинг поли лёсли тупроқдан ташкил топган.

3-хона 2-хонанинг шимолий томонида жойлашган бўлиб, унинг девори «Г» ҳарфсимон кўринишда, шимолий ва шарқий томонидаги деворлари сақланмаган. Сақланиб қолинган деворнинг узунлиги 7,2 метр, баландлиги 1,1 метр, эни 1,2 метрдан иборат. Хонанинг ичида кул аралаш қатлам бўлиб, орасида сопол идиш бўлаклари ва ҳайвон суяклари учрайди. Поли эса шиббаланган тупроқли лёсдан ҳосил қилинган.

Ишчантепа ёдгорлигининг стратиграфик қатламларини аниқлаш мақсадида 3-хонанинг шимолий-ғарбий томонидаги пахса блокли девор устига ўлчами 1,8х1,5 м шурф ташланган. Қазишмалар 4,65 м пастликдаги материк қатламгача давом эттирилган. Қазиш ишлари давомида стратиграфик маданий қатламлар орасидан учта қурилиш даври кузатилган².

Биринчи қурилиш даври пахса платформа ва унинг устига қурилган пахса блокли девор билан боғлиқ (X-IV яруслар). Бунда дастлаб соз тупроқли қатлам текисланиб, шиббаланган ва унинг устига пахса платформа қурилган. Ушбу пахсали платформа кесманинг барча томонларида 1,7 м баландликда қайд этилиб, унинг орасида хом ғишт бўлаклари учрайди.

¹ Бердимуратов А.Э., Самибаев М.К. Научный отчет Ургутского археологического отряда о раскопках на памятнике Джартепа II и Ишчантепа // Архив ИА АН РУз. Ф. 4. Оп. 1, Д. 221. – Самарканд, 1988. – С. 30–31.

² Сандибоев А.Н. Ишчантепанинг илк ўрта аср қурилиш маданиятига оид дастлабки мулоҳазалар // Фан таълимни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни. Республика илмий-амалий техник анжумани материаллари (22 ноябрь 2019 йил). – Тошкент, 2019. – Б. 185–189; Sandiboev A. The first medieval Sogdian construction culture (in the framework of Ishchantepa monument) // Spirit time. №3(27). – Berlin, 2020. – P. 3–4.

Платформа устидан бир қатор тош ётқизилган. Тош ётқизиқлари устидан кесманинг жанубий ва шарқий томонида пахса блок бунёд этилган, унинг сақланиб қолинган баландлиги 0,7 метрдан иборат. Пахса деворининг устида эса ёнган кул қатлами учрайди. Биринчи қурилиш даврига оид моддий ашёлар асосини хум, хурмача, қозон, кўза, коса каби сопол буюмлар ташкил этади. Мазкур идишлар Афросиёб ва Жартепа ибодатхонасида V-VI асрлар¹, Ёнчашма² қалъасида VI-VII асрлар билан даврланса, шимолий-ғарбий Уструшонада V-VI асрлар қатламларида учрайди³.

Иккинчи қурилиш даври стратиграфик кесманинг шарқий чеккасида пахса девор билан боғлиқ бўлиб, унинг сақланиш баландлиги 0,3 м (IV–II яруслар)га тенг. Бунда кул қатлам усти тупроқ билан тўлдирилиб устидан пахса девор қурилган. Ушбу қурилиш даврига тааллуқли кулолчилик буюмлари орасида қалин деворли хумлар, қозон ва кўза бўлаклари қайд этилган. Мазкур идишлар Афросиёб⁴, Гардани-Ҳисор⁵ ва Қум⁶ ёдгорликларининг VII-VIII аср қатламларида учрайди.

Учинчи қурилиш даври II-I яруслар орасида қайд этилиб, пахса ёрдамида хона поли ва девори кўтарилган. Хона поли устида қозонлар, хурмачалар ва кўзачаларнинг гардиш қисми қайд этилган. Ушбу сопол буюм намуналари Афросиёб ёдгорлигида VIII асрда кенг тарқалган⁷.

Хуллас, Ишчантепа ёдгорлигида олиб борилган қазिशмалар натижасида, ёдгорлик учта қурилиш даврини ўзида мужассам этганлиги аниқланди. Кулолчилик идишларининг таҳлилига кўра, биринчи қурилиш даврига оид сопол буюмларнинг 36% қўлда ясалган. Ёдгорликнинг учинчи қурилиш даврига оид хоналар Жанубий Суғднинг илк ўрта асрларга оид Номсизтепа 48 ёдгорлигидаги хоналарнинг лойиҳасига ўхшашдир⁸. Хоналар ичида хом ғишт бўлақларининг кўплаб учраши ушбу хоналар томи гумбазсимон усулда хом ғиштлар ёрдамида ёпилганлигидан гувоҳлик беради. Учинчи қурилиш даври VIII асрнинг ўрталарида вайрон қилинган. Мазкур даврга оид ёнғин излари ва қалин кул қатламлари хоналар ичида қайд этилган.

¹ Лебедева Т.И. Керамика Афрасиаба V–VI вв. н.э. // ИМКУ. Вып. 23. – Ташкент, 1990. Рис. 1,34; Бердимуратов А.Э., Самибаев М.К. Храм Джартепа. – Ташкент, 1999. Рис. 68,5.

² Бердимуратов А.Э. Раскопки на бугре Енчашма // Археологические работы на новостройках Узбекистана. – Ташкент, 1990. Рис. 18,5–6.

³ Пардаев М., Пардаев А. Жиззах воҳасининг IV-VI асрлардаги кулолчилик идишлари // ИМКУ. Вып. 29. – Самарканд, 1998. Расм. 4,12.

⁴ Соколовская Л.Ф. Неглазуванная керамика средневекового Самарканда как фактор экономики городского ремесла (по материалам городища Афрасиаб конца VII – начала XIII вв.) // Археология Центральной Азии: архивные материалы. Т. I. – Самарканд, 2015. Рис. 4,14. Рис. 68.5. Рис. 69.6

⁵ Якубов Ю. Раннесредневековые сельские поселения горного Согда. – Душанбе, 1988. Рис. II, 4.

⁶ Якубов Ю.Я. Крепость Кум (по материалам экспедиции 1964–1967 гг.) // Материальная культура Таджикистана. – Душанбе, 1978. Рис. 27,13.

⁷ Соколовская Л.Ф. Неглазуванная керамика средневекового Самарканда как фактор экономики городского ремесла (по материалам городища Афрасиаб конца VII – начала XIII вв.) // Археология Центральной Азии: архивные материалы. Т. I. – Самарканд, 2015. Рис. 70,51–52; 80,4.

⁸ Аскарлов К.К. Сельские поселения южных районов Самаркандского Согда в раннем средневековье (типология систем расселения) // Дисс. канд. ист. наук. – Самарканд, 1995. – С. 94–95.

Адабиётлар

1. Аскарлов К.К. Сельские поселения южных районов Самаркандского Согда в раннем средневековье (типология систем расселения) // Дисс. канд. ист. наук. – Самарканд, 1995.
2. Бердимуратов А.Э. Раскопки на бугре Енчашма // Археологические работы на новостройках Узбекистана. – Ташкент, 1990.
3. Бердимуратов А.Э., Самибаев М.К. Научный отчет Ургутского археологического отряда о раскопках на памятнике Джартепа II и Ишчантепа // Архив ИА АН РУз. Ф. 4. Оп. 1, Д. 221. – Самарканд, 1988.
4. Лебедева Т.И. Керамика Афрасиаба V–VI вв. н.э. // ИМКУ. Вып. 23. – Ташкент, 1990. Рис. 1, 34; Бердимуратов А.Э., Самибаев М.К. Храм Джартепа. – Ташкент, 1999.
5. Пардаев М., Пардаев А. Жиззах воҳасининг IV-VI асрлардаги кулоллик идишлари // ИМКУ. Вып. 29. – Самарканд, 1998.
6. Сандибоев А.Н. Ишчантепанинг илк ўрта аср курилиш маданиятига оид дастлабки мулоҳазалар // Фан-таълимни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни. Республика илмий-амалий техник анжумани материаллари (22 ноябрь 2019 йил). – Тошкент, 2019. – Б. 185–189; Sandiboev A. The first medieval Sogdian construction culture (in the framework of Ishchantepe monument) // Spirit time. №3(27). – Berlin, 2020.
7. Соколовская Л.Ф. Неглазуванная керамика средневекового Самарканда как фактор экономики городского ремесла (по материалам городища Афрасиаб конца VII – начала XIII вв.) // Археология Центральной Азии: архивные материалы. Т. I. – Самарканд, 2015.
8. Якубов Ю. Раннесредневековые сельские поселения горного Согда. – Д., 1988.
9. Якубов Ю.Я. Крепость Кум (по материалам экспедиции 1964-1967 гг.) // Материальная культура Таджикистана. – Душанбе, 1978.

*Суюнов С.С.,
ЎзФА МАМ Самарқанд
археология институти*

МИЁНҚОЛ ОРОЛИНИНГ СУҒОРИЛИШ ТАРИХИГА ДОИР

Қадимги Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожига сунъий суғориш тармоқларига асосланган ҳайдалма ер деҳқончилиги катта таъсир кўрсатган. Шарқ халқлари тараққиётининг умумий қонуниятлари, тарихий хусусиятларини таҳлил қилган барча мутахассислар ушбу ривожланишнинг муҳим омилларидан бири сифатида ирригация хўжалиги ва техникасига асосланган суғориш тизимлари эканлигини қайд этишган¹.

Ўрта Осиёнинг қадимдан аҳоли томонидан ўзлаштирилган ва илк деҳқончилик маданияти шаклланган воҳаларидан бири Зарафшондир. Бизга тарихдан маълумки, Самарқанд шаҳридан 7 км шимоли-шарқда, Чўпонота баландлиги яқинида Зарафшон дарёси иккига ажралади: шимолий ўзан Оқдарё ва жанубий ўзан Қорадарёга бўлиниб оқади. Икки дарё оралиғидаги худуд Миёнқол ороли деб аталади. Миёнқол оролининг узунлиги 100 км га яқин бўлиб эни 12-15 км га тенг.

¹ Муҳаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон воҳасининг суғорилиш тарихи. -Тошкент, 1972. -Б. 3.

Ўзининг қулай иқлим ва географик шароити туфайли, Миёнқол қадим замонлардаёқ ўзлаштирилиб, Зарафшон водийсининг энг обод қисмига айланган. Водийнинг Миёнқол оролининг шимолий томонида жойлашган Оқдарёдан 22 та йирик суғориш тармоғи (канал) ва жануб томонидаги Қорадарёдан эса 12 та йирик суғориш тармоғи бўлган каналлар бош олади. Миёнқолнинг шарқий қисмида оролнинг кенглиги 30-35 км бўлиб, орол ғарбга томон торайиб боради. Каттақўрғон тумани яқинида унинг кенглиги 10-12 км дан ошмайди¹. Оролнинг ўртасида Нурота туманининг жанубий ён бағридан кўплаб сойлар оқиб тушади ва Зарафшонга қуйилади. Оқдарё ва Қорадарёнинг сўнгги туташган қисмида орол бироз кенгайиб, эни 18-20 км га боради.

Асрлар давомида деҳқонларнинг меҳнат фаолияти натижасида ўзлаштирилиб обод этилган Миёнқол оролининг суғориладиган деҳқончилик майдонларининг сув билан таъминланиши, албатта, Зарафшон дарёсининг оқимини барқарор режимга боғлиқ бўлган. Зарафшон дарёсининг оқими юқорига кўтарилиши даврини Миёнқол оролида суғорма деҳқончилик учун сувга бўлган талабнинг энг кучайган мавсуми деб айтиш мумкин. Шунинг учун ҳам дарё режимидagi бу ҳолат, шубҳасиз, оролнинг ўзлаштирилиш тарихида суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши учун катта замин яратади.

Зарафшон дарёси қадимдан Миёнқол оролини сув билан таъминлаш билан бирга тупроқ унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган минерал моддалардан иборат оқова жинсларни сув билан бирга лойқа ҳолда оқизиб келган.

Миёнқол оролининг суғорма деҳқончилик учун яроқли бўлган аллювиал текисликларидаги экин майдонлари Зарафшон дарёсининг мана шу лойқаси орқали ҳосил бўлган. Бу эса тупроқ унумдорлигининг ошишига сабаб бўлган ва энг муҳим кимёвий элементларни шу лойқа ётқизиклар орқали воҳага олиб келган.

Демак, Зарафшон дарёси Миёнқол оролини сув билан таъминлабгина қолмай, балки кимёвий ўғитлар билан ҳам озиклантирган. Икки дарё оралиғидаги экин майдонларининг асоси ҳисобланган агроирригацион қатлам Зарафшон дарёсининг лойқа ётқизиклари туфайли вужудга келган.

Миёнқол оролида олиб борилган археологик тадқиқотлар бу ҳудудда суғорма деҳқончилик жуда қадимдан бошланганлигидан далолат беради, деб юқорида таъкидлаган эдик. Масалан, Миёнқол оролида суғорма деҳқончиликни йўлга қўйиш учун Оқдарё ва Қорадарёдан жуда кўплаб сунъий суғориш тармоқлари (каналлар) бунёд қилинганлиги бизга маълум. Бу сунъий суғориш тармоқлари Иштихон, Синабоб, Янгикент ва Фай сув манбалари бўлиб, уларнинг сувлари Миёнқол оролини тўлиқ сув билан таъминлай олган. Шу сабабли бу оролда барча шароитлар мужассам

¹ Муҳаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон воҳасининг суғорилиш тарихи. -Тошкент, 1972. -Б. 25.

бўлганлиги сабабли жуда кўп қадимий шаҳарлар бунёд қилинган. Улар Кўктепа, Соғарж, Кумушкент, Иштихон, Кушония, Робинжон ва Добусия улкан шаҳарларидир. Бу шаҳарларнинг ичида энг қадимгиси Кўктепа бўлиб, тахминан, 3000 йиллик тарихга эга. Қазув тадқиқотлари давомида бу ердан буғдой, арпа ва бошқа дуккакли ўсимликларнинг қолдиқлари, ўрик ва шафтоли данаклари топилган. Ундан ташқари, ипак ва пахтадан тайёрланган газлама қолдиқлари ҳам қўлга киритилган. Шунингдек, 2600 йиллик тарихга эга бўлган Добусия (Добус қалъа) шаҳар харобаларидаги тадқиқотларда ҳам муҳим топилмалар қўлга киритилган.

Тарихий манбаларда қайд қилинишича, Добусияда пахтадан тўқилган газламалар жуда машҳур бўлган. Араб мамлакатларининг ҳукмдорлари ва бой зодагонлар Добусияда тўқилган газламалардан либослар тикдирганлар. Булардан кўриниб турибдики, Кўктепа ва Добусияда пахта ва ипак етиштириш жуда қадимдан бошланган. Бу эса оролда суғорма деҳқончилик билан боғлиқ бўлган суғориш ишларининг ривожланганлигини кўрсатади.

Х асрда яшаб ўтган машҳур араб сайёҳи Ибн Ҳавқал Миёнқолдаги шаҳарлар ҳақида муҳим тарихий маълумотларни ёзиб қолдирган. Унинг ёзишича, Миёнқол серҳосил, серсув, ҳамма томонлари экин майдонлари билан қопланган яшил воҳа бўлган¹. Тарихий манбаларда ёзилишича, эрамизнинг 720 йилида араблар Миёнқолни истило қилганларида араб лашкарбошиси Саид Миёнқолнинг ям-яшил обод ва аҳолисининг бойлигини кўриб, бу ерни вайрон қилмасликка ва уни шу ҳолича сақлашга буйруқ беради. Ҳаттоки Миёнқолни “Араб ҳалифасининг боғи” деб атаган. Айтишларича, воҳа деҳқончилигидан олинган фойда тўғридан тўғри араб халифалари саройига юборилган. Шунингдек, араб манбаларида Миёнқолни “Суғднинг юраги” деб ҳам аташганлар. Чунки Миёнқолнинг серҳосиллиги, бойлиги, боҳаволиги (хавосининг тозалиги) арабларни ҳам лол қолдирган. Шу сабабли улар Миёнқолдаги серҳосил боғлар ва катта майдонлардаги экинзорларни ўз ҳолича сақлаб қолишга ва ундан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Минг афсуски, XIII асрнинг бошларида юз берган мўғуллар истилоси даврида Миёнқолнинг обод шаҳарлари, боғлари ва экинзорлари жуда қаттиқ вайрон қилинган. Бу ерда йирик суғориш тармоқлари ҳисобланган каналлар ва кичик сунъий суғориш тармоқлари қаровсизликдан кўмилиб кетган.

1370 йилда Амир Темур Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлганидан сўнг мамлакатнинг бошқа ҳудудлари каби Миёнқолга ҳам катта эътибор қаратади. Соҳибқирон Амир Темурнинг янги алоҳида ирригацияга оид фармони билан кўмилиб кетган Оқдарё ва Қорадарёларнинг йирик суғориш тармоқлари (каналлар) ва ариқлар қайта қазилади, қаровсиз ҳолда қолган суғориладиган ер майдонлари ўзлаштирилиб, хаттоки сув бормайдиган жойларга янги ариқлар орқали сув олиб келинади. Шу тариқа Миёнқол

¹Бердимуродов А.Э., Индиаминова Ш. Буюк Ипак йўли (Қитъалар ва асрлар оша). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. Б. 121-123.

ороли қайтадан ўрта асрларга нисбатан янада юксакроқ ривожланганлигини кўрсатади¹.

Темурийлардан сўнг Мовароуннахр тахтига келган Шайбонийхон ҳам Миёнқолнинг сув таъминоти ва деҳқончилигига катта эътибор қаратади. Шу тариқа XVII-XIX асрлар давомида аксар маҳаллий хукмдорлар Миёнқолнинг суғориладиган ер майдонлари ва суғориш ишлари билан боғлиқ бўлган сув таъминотига эътибор беради². Бу ерда ҳар йили суғориш мавсумидан кейин бир неча марта кенг кўламда халқ хашарлари уюштирилиб, йирик суғориш тармоқлари ҳисобланган каналлар ва ариқлар лойдан тозаланади ва кейинги йилдаги суғориш мавсумига тайёрлаб қўйилади. Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Миёнқол ороли қадимдан мамлакатимизнинг обод, серсув, серҳосил, ҳавоси тоза, ери унумдор минтақаларидан бири бўлган. Ҳар бир даврнинг хукмдори бу ҳудуднинг суғориш ишларига ва деҳқончилигига катта эътибор қаратган. Қадимданок бу минтақада сунъий суғориш тармоқларининг асоси бўлган суғорма деҳқончиликнинг юксак даражада ривожланганлигини урбанистик жараёнларнинг тезлашишига ҳамда қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлишига замин яратганлигини кўриш мумкин.

Адабиётлар

1. Бердимуродов А.Э., Индиаминова Ш. Буюк Ипак йўли (Қитъалар ва асрлар оша). –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Муҳаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон воҳасининг суғорилиш тарихи. –Т., 1972.
3. Пардаев К. XVI-XVIII асрларда Миёнқол. –Тошкент, 2014.
4. Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе. –Самарканд, 1872.

Тошбоев Ф.Э.,

*Жиззах давлат педагогика институти
доценти (PhD)*

Иномова М.Ф.,

*ЖДПИ мусиқа таълими ва санъат
мутахассислиги магистранти*

ҚАДИМГИ УСТРУШОНА ТАРИХИДА КЎЧМАНЧИЛАР МОДДИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ

Уструшона ҳудудида жойлашган мозорқўрғонларда мақсадли тарзда олиб борилган археологик изланишлар натижасида кўчманчилар ҳаёт тарзи, уларнинг дафн этиш билан боғлиқ урф-одатларига оид кўплаб ашъвий манбалар қўлга киритилди. Мозорқўрғонларда ўрганилган кулолчилик буюмлари, қурол-яроғ, зеб-зийнат ва бошқа рўзғор буюмлари чорвадорларнинг ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида

¹ Пардаев К. XVI-XVIII асрларда Миёнқол. –Тошкент, 2014. –Б. 12.

² Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе. –Самарканд, 1872. –С. 253.

юксак маданият соҳиблари бўлганлигидан гувоҳлик беради. Мавжуд археологик, ёзма ва этнографик манбалар кўчманчилар уй-рўзгор буюмлари орасида тўқимачилик маҳсулотлари: гилам, кигиз, олача, сўзана, турли хил кийим-бош, от анжомлари, хуржун ва ҳ.к. кабилар яшаш ҳам кенг ёйилганлигини кўрсатади.

Антик даврда Уструшонада яшаган ва келиб жойлашган аҳоли бу ўлкага келгунча ҳам хунармандчиликнинг кўплаб соҳаларини мукаммал эгаллаганлиги кўринади. Мозорқўрғонларда ўрганилган ашёларнинг аксарияти юечжилар маданиятига (килич, ханжар, марҳумларни ёқиш ва ҳ.к.) ўхшаб кетади. Гарчи юечжилар иқтисоди чорвага асосланган бўлса-да, уларда деҳқончилик, қўл хунармандчилиги ва савдо-сотик ишлари ҳам ривожланган бўлган [Тошбоев, 2020, б. 63-65]. Археологик маълумотларнинг гувоҳлигига кўра, юечжи – рузие (ғузери)ликлар кундалик ҳаётида ишлатиш учун ёғочдан, суякдан ва металлдан ясалган ўқ-ёй ва найза учи, килич, ой шаклида бироз қийшайтирилган пичоқ, ерни бўшатиш учун ишлатиладиган кетмон алоҳида ўринда турган. Бундан ташқари, улар олтин ва кумушдан нафис тақинчоқлар ва бошқа зебу зийнат буюмларни ишлаб чиқаришган. Маржонлар, майда қўнғироқчалар ва устига турли ҳайвонлар шакли туширилган буюмлар катта қизиқиш ва талабга эга бўлган [Хўжаев, 2013, б. 191]. Афсуски, ўрганилган мозорқўрғонларда металл ва сополлардан бошқа оловга чидамсиз буюмлар (тўқимачилик, суяк, ёғоч буюмлар, камонларнинг ёйи, қовурғаси ва ҳ.к.) деярли сақланиб қолмаган. Унга сабаб узоқ вақт мобайнидаги чириш ва, энг асосийси, марҳумларнинг дафн маросимида ёқиб юборилганлигидадир.

Шундай бўлса-да, мавжуд ёзма ва этнографик маълумотлар асосида чорвадорларнинг тўқимачилик маҳсулотлари ҳақида фикр юритиш мумкин. Уструшонада ўрганилган ёдгорликлар атрофларида яшаш, уй қолдиғи изларининг йўқлиги, уларнинг ҳам бошқа кўчманчи чорвадорлар каби асосан ўтовларда яшаганлигини кўрсатади. Кўчманчилар тўқима буюмлари орасида, айниқса, ўтов алоҳида эътиборга молик. У ясалиши жиҳатдан юксак бадий, эстетик дид билан тўқилган ўзига хос мўъжизавий яшаш маконидир. Уни исталган манзилга ўрнатиб, ҳар қандай фасл ва шароитда яшаш мумкин бўлган. Ўтовнинг дастлабки хиллари мавсумий кўчишлар пайтида пайдо бўлган. Кўчманчи чорвачилик турмуш тарзида турар-жойни кўчириб олиб юриш энг қулай усул бўлиб, у юксак ақл ва тадбир маҳсулидир.

Ўтов уч минг йилдан буён турли хил кўринишда бўлиб келган ва барча кўчманчиларда бир хилда бўлмаган. Унинг катта қисми туя жунидан қилинган. Тўқимачилик саноатида туя жунига бўлган талаб жуда катта ва юқори баҳоланади. Дунё бозорларида дағал қўй жунларига нисбатан бир неча баробар қийматли ҳисобланади. Туя жуни иссиқликни сақлаш ва юқори намликни ўтказмаслик хусусиятига эга. Туя жунидан сузувчиларга,

учувчи ва денгизда хизмат қилувчиларга, экспедиция ходимлари ва сафарларда юрувчи кишилар учун кийим-кечак тикилган.

Турк ҳоконининг ўтов – чодирни Византия императори элчиси Менандрни, чунончи, “Влахерн саройининг ҳашаматларини кўрган кишини хайратга солади” [Гумилев, 2007, б. 82]. Ўтовдаги манзара, ундаги рамзий тасвирлар, аҳолининг яшаш тарзи, кўчманчиларни ўраб турган ҳақиқий борлиқни акс эттиради.

Ўтовнинг қулайликлари бўйича Л.Гумилёвнинг асарида келтирилган Хитойнинг буюк шоири Бо Цзюй сатрлари аҳамиятлидир.

...Ўтовга ҳасад қилар роҳиб ҳам,

Қарзга ботган оддий соҳиб ҳам.

Ўтовимда иззатда бўлар меҳмоним,

Ўтовимни асрагум боламга ўзим...[Гумилев, 2007, б. 81]

Кўчма сандал, сопол манқалдонлардаги олов, чўғ атрофида одамлар жойлашган. Қишда ўтов ўртасида олов ёқилган ва бу оловда таом пиширилган. Ўтовдаги иссиқлик циркуляцияси, тутун дудни чиқариб олов ёнишига ёрдам бериши учун ҳамшиша қора уй тепасида туйнук сақланган [Поляков, 1980, с. 128]. Чорвадорларнинг бутун кийим-бош ва тўқима рўзғор буюмлари чорва молларининг юнг ва териларидан тайёрланган. К.Ш.Шониёзовнинг ёзишича, “Қанғарлар даврида чармдан ишланган буюмлар ҳам кенг тарқалган. ...Чарм маҳсулотларидан қилинган буюмлар ҳамда кийимларни кўчманчи ва ярим ўтроқ яшаб, чорва билан шуғулланиб келган қанғарлар ишлатганлар. Чармдан ўқдонни солиб юрадиган чарм халталар, пичоқ қинлари, саноч, меш ва бошқа буюмлар тайёрланган” [Шониёзов, 1990, с. 110]. Кейинчалик ҳам бу анъана давом этиб, Чоч ва Уструшона ўзининг чарм маҳсулотлари билан машхур бўлган. Яқин вақтларгача чармдан оёқ буями (чорик) – пошнасиэ этик, отда юришга мўлжалланган баланд пошнасиэ этик, пўстин ва тумоқлар ясаб кийишган. Тўшама буюмлар, ғилоф, меш ва бошқа зарурий рўзғор буюмлари тайёрланган. Айни пайтда ҳам Уструшона чорвадор аҳолиси орасида чармдан кўплаб буюмлар тайёрлаш амалиёти сақланиб қолган.

Қўй ва эчкиларнинг жунидан кийим-кечаклар билан биргаликда, пишиқ ва чидамли, турли хил нақшлар тушириб безатилган тўшама материаллар – олача, гилам, хуржун ва кигизлар тўқилган. Хитойшунос олим А.Хўжаев, хитойлик Ванг Чжунгхан тадқиқотларидан қуйидагиларни келтиради. “Ҳунларнинг археологлар томонидан очилган қабрларини ўрганиш жараёнида топилган гиламлар уларнинг бу соҳадаги санъати юксак бўлганлигини кўрсатади. Масалан, №6 рақамли хун қабридан узунлиги 2,6 м, кенглиги 1,95 м келадиган бир рангли гилам топилган. Уни тўқишда яшил, сариқ, тўқ қизил ва қора қизил рангли иплар ишлатилган. Гиламнинг атрофига 24-28 мм кичик катакчалар шаклида нақш солинган. Унинг ўртасига яшил ип билан 9 та дарахтнинг шакли тушириб тўқилган. Дарахтлар оралиғига 4 жуфт буғу ва куш, 5 жуфт арслон ва ер хайдашда

ишлатиладиган ҳўкиз тасвири туширилган. Ушбу расмлар атрофига яшил, сарик, қора, қизил, тўқ қизил рангли ип билан тўртбурчак, юмалоқ, ингичка бурчак ва кўшиш белгиси шаклида нақшлар туширилган” [Хўжаев, 2013, б. 228]. Ушбу манбадан туркий қабилалар маданиятининг умумий ва бир-бирига ўхшаш эканлигини ҳисобга олсак, Уструшона чорвадорларида ҳам тўқимачилик соҳаси жуда қадимданок кенг тараққий этганлиги ойдинлашади. Бу топилмани ҳозирги пайтда чорвадор аҳоли томонидан тўқиладиган тўшама буюмлар билан солиштириб кўрадиган бўлсак, уларда фарқ кам бўлиб, у тўқимачилик анъанасининг жуда қадимдан мавжуд бўлганлигини англатади.

Чорвадор халқларнинг кийим боши, иссиқ ва совуққа мослиги, тоғу тошда юриш, отда чопиш ва ҳимояланиш учун жуда қулайлиги тарихий ёзма манбаларда кўп ёритилган. Қадимги ҳинд халқ достони “Махабхарата”да тасвирланишича, ҳинд подшоси Юдихаштхира томонидан руҳларга атаб қурбонлик келтириш байрами тантанали равишда ўтказилади. Бу тантанага қатнашиш учун турли мамлакатлардан (шак, тохар, қанғ ва б.) элчилар келади. Бу элчилар топширган совға-саломлар ичида жундан, пахтадан, шойи толаларидан тўқилган жуда кўп матолар бўлган. Бундан ташқари, улар пахтадан, ипдан ва кўй жунидан тўқилган нафис газламалардан тикилган кийимлар, ... мусалласнинг бир неча хили, турли зираворлар ҳамда қимматбаҳо жавоҳирлар келтиришган [Шониёзов, 1990, б. 109].

Кўшни ўтроқ воҳа аҳолиси жанг кийимларининг аксариятини чорвадорлардан андоза олиб ясаган. “Мил. авв. IV асрда юнонлар таъқиб натижасида сакларнинг бир гуруҳи шарққа – Хитой чегара атрофларигача кўчиб келган. Айни пайтдаги Чжоу ҳукмдорлигининг бошқарувчиси Улин (мил. авв. 325-298 йиллар) ушбу ғуз (ху)лар (даштдаги кўплаб халқларни хитойликлар шундай аташган – Ф.Т.) кийими от минишга ва ўқ-ёй отишга қулай эканлигини англаб, одамларининг кўрсатган қаттиқ қаршилигига қарамай, уларни ғуз (ху)лардек кийинишга даъват этган” [Хўжаев, 2013, б. 203]. Арриан скифлар учун бебаҳо терилар ва ундан тайёрланган турли хил буюмлар олтин ва кумуш даражасида қадрлангани, ҳайвонларнинг майин жунларидан қаҳратон қишларни ҳам писанд қилмайдиган ўтовлар ясалгани, ҳатто ҳайвонлар терисидан ўқ ўтмайдиган қалқон, эгар жабдуқлар тайёрланганини таъкидлайди [Арриан, 1962, с. 133]. Эчки ва туянинг жуни ҳамда от думи ва ёлларида энг пишиқ арқонлар тўқилган. Чорва моллари юнги ва терисидан юқорида санаб ўтилгани каби буюмларни тўқиш ва ясаш Уструшонанинг тоғли ҳудудларида ҳозир ҳам давом этаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Айни пайтда Уструшона тоғларида улоқ кўпкари учун тайёрланган отларни кўп учратиш мумкин. Улардан баъзиларининг астойдил парвариш қилингани, эгасининг ҳар қандай вазиятдаги ҳолатига тушуниши сезилиб туради. От жабдуқлари алоҳида эътиборга лойиқ. Эгарнинг орқа суйанчиғи

кулай, мустаҳкам ва кенг, олд қоши баланд ва қайрилма бўлиб, иккита қалин (жарма – Ф.Т.) тўқим устига қўйилган. Бу от устидаги сарбоз учун ҳар қандай шароитда ҳам жуда кулайлик туғдиради. Баъзи жойларда юқоридаги эгар-жабдукдан фарқ қилиб, айилдан эгар орқали қуюшқонга алоҳида яна бир тортма тортилганлигига гувоҳ бўлдик. Бу оддий кўринган от анжомлари Уструшона тоғликларида пастга тушишни енгиллатишга хизмат қилади. Гулбонинг 1- ва 4- мозоркўрғонида марҳумнинг отда кетаётган чавандоз кўринишида оёқларининг учбурчак шаклида қўйилгани бу жангчи-чавандознинг зарур бўлганда бирданига хужумга ўтиб камон ва арқонлардан фойдалангани ва вазиятга қараб, тезда ғойиб бўлганлигига ишора қилади.

Уструшона мозоркўрғонларида қайд этилган темирдан ясалган ўткир тиғли қуроллар Уструшонада хунармандчиликнинг металлсозлик соҳаси ҳам юксак даражада тараққий этганлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, чорвадорлар ҳарбий тадбирлар муваффақиятини белгиловчи темир қуроллар ишлаб чиқаришда моҳир уста бўлишган. Шарқий Туркистоннинг Тангритоғ ёнбағирлари (Олой сойи)да сакларга оид қабрлар ва турар жой қолдиқларидан қазиб олинган нарсалар ичида тилла, кумуш, мис, темир, сопол, ёғоч, ипак ва лак буюмлари асосий ўринни эгаллаган. “Сакларда, айниқса, тилладан ясалган буюмлардан фойдаланиш биринчи ўринда турган” [Хўжаев, 2013, б. 208]. Византия элчиси Земарх унга туркутлар сотиладиган темирни таклиф қилганларида ҳайрон бўлиб қолади ва бу уни чалғитиш учун атайлаб қилиняпти, деган шубҳага боради, “одатда уларда темир топилиши анча мушкул” деган гап юрарди. Аслида туркийлар металлургияни тараққий эттириб, ўз қўшинини қайта қуроллантириб, зирхли суворилардан танланган зарбдор қисмлар ташкил эта олган эдилар. Улар шохли ёй, зирх кўйлак, найза, қилич, ўткир суворий шамширлари билан қуролланишган. 1984 йили Сирдарёдан топилган, бундан 2000 йил олдин ясалган дубулғанинг зирҳи қўшқават бўлиб, турли металл қотишмаларидан иборат бўлган. Мутахассислар уни яшаш учун маҳаллий хомашё, жумладан, Қорамозор рудаси асосий материал бўлиб хизмат қилган, деб тахмин қиладилар [Комсомольская правда].

С.Л.Сверчков тадқиқотларига кўра, Туркистон тоғларининг шимоли-ғарбида Моргузар, жануби ғарбида Чимқартов жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи денгиз сатҳидан 3000 баландликда жойлашган. Ана шу жойлардаги кўплаб булоқлардан Зоминсув ва Сангзор дарёлари бошланиб, улар пастга оққани сари ўнлаб ирмоқлар қўшилиб боради. Айни пайтда Уструшона тоғларида 4 та тоғ металл зонаси Чимқортоғдаги Лятабанд, Боғмозор, Моргузор тоғларидаги Шойбоқсой ва Миқсой мавжуд бўлган. Руда қазиб олиш ва қайта ишлаш марказлари Шойбоқсой ва Миқсойда мавжуд бўлган [Сверчков, 1991, с. 13-14]. Бу ердаги металлургия соҳаси мўғуллар босқинигача давом этган. Шимолий Уструшонадаги Миқ кончилиқ марказининг Миқ I, Миқ II ва Миқ III бўлимларида Ўрта Осиёдаги йирик, рудани қазиб олишдан, қора металлдан тайёр яшашгача бўлган,

ишлаб чиқаришнинг тўлиқ шакли, ихтисослашган металлургия маркази мавжуд бўлган [Сверчков, 1991, б. 15]. Айнан мана шу миқликларнинг хўжалик фаолияти бошқалардан фарқли бўлиб, давлат ўзи унга ҳомийлик қилган.

Шундай қилиб, археологик ва ёзма манбададаги таҳлиллар чорвадорлар амалий санъатининг юқори даражада ривожланганлигидан далолат беради. Чорвадорларда ҳунарманд, унинг устахонаси ва у ясаган буюмлар ниҳоятда қадрланган. Минг йиллар мобайнида темирчи, дурадгор, тўқувчи, косиб ва ҳ.к. устахонаси, шунингдек, тегирмон, жувозхона жойлари ҳам муқаддас саналган. Бу иншоотлар ўрни муқаддас саналиб, тоза ва озода сақланган, бу жойларга атаб тез-тез қурбонликлар қилиб туришган. Бу анъаналар бугунги кунда ҳам давом этмоқда ва уларини ўрганиш маънавий баркамол авлодни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар

1. Арриан. Поход Александра. Москва-Ленинград, 1962.
2. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. (Таржима, кириш сўз муаллифлари ва нашрга тайёрловчилар Б.Ўрдабекли ва А. Айритомий) -Тошкент, 2007.
3. Комсомольская правда, 1984, 10-февраль; Совет Ўзбекистони, 1984, 18-февраль.
4. Поляков С.П. Историческая этнография Средней Азии и Казахстана. –М., 1980.
5. Сверчков Л.М. Поселение Мык – источник по истории средневековой Уструшаны: дисс. ...канд. ист. наук. –С., 1991.
6. Тошбоев Ф.Э. Юечжилар миграцияси ва унинг Уструшонага таъсири ҳақида // Ўзбекистон ва Марказий Осиё жаҳон цивилизацияси тизимида. Самарқанд.
7. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. -Фарғона, 2013.
8. Шониёзов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғлилар. –Т., 1990.

Умаров А.Ш.,

СамДУ археология кафедраси

ЭТНОСНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲАҚИДА ИЛМИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР

Ватанимизда илм-фан ва ижод аҳлига эркин изланишлар олиб боришга кенг имкониятлар яратилди. Тарих фанидаги мавжуд илмий ишланмага кўра, ҳар бир халқнинг келиб чиқиш тарихи икки босқичдан иборат бўлади: биринчи босқич — этногенез, иккинчи босқич — этник тарихдан иборат.

Халқ тарихининг этногенез қисми унинг элат, халқ бўлиб шаклланишига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Халқ этногенези жуда узоқ давом этадиган тарихий ва этномаданий жараён. Унинг ибтидоси қабила ва қабила иттифоқидан бошланади. Ўрганилаётган халқнинг этногенези якунлангач, унинг этник тарихи бошланади. Этник тарих ҳам жуда узоқ давом этадиган тарихий ва этномаданий жараён бўлиб, этник тарих ўз ривожининг маълум нуқтасига етгач, унинг миллат бўлиб

шаклланиш жараёни бошланади. Мана шу илмий-методологик асосдан келиб чиққан ҳолда халқларнинг этногенези ва этник тарихи ўрганилади.

Ўрта Осиё халқларининг келиб чиқиши ҳақидаги миллий автохтонизм концепцияси илмий-методологик жиҳатдан асосли бўлса-да, аммо туркий Республикалар халқларининг туркий илдизини Ўрта Осиёда илк бор пайдо бўлиши, туркий халқларни фақат кўчманчи халқ сифатида таърифлаш масаласи, “халқ” атамаси билан “миллат” атамасига бўлган талаблар масаласи, миллатга хос менталитетнинг шаклланиш даври масаласи, қадимги халқларнинг табиий-географик шароитга, экологик вазиятга мослашиб хўжалик юритиш анъаналари ҳисобга олинмаган.

Этнология фанида қабул қилинган ишланмага кўра, этногенез якунида этносга хос барча этник белгилар, этник омиллар бирин-кетин юз бериб мужассамлашган бўлади. Этник омиллар ва белгиларни эса ҳудудий бирлик, иқтисодий-хўжалик бирлиги, этномаданий бирлик, антропологик тип бирлиги, этник ном, ўзликни англаш, тил бирлиги ва ниҳоят сиёсий уюшма (политическая консолидация) бирлиги ташкил этади¹.

Ўзбекларнинг этник тарихи унинг этногенези каби узоқ давом этадиган этномаданий жараён бўлиб, бу жараён то XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларигача давом этган, дейилса хато бўлмас. Халқ тарихи ўз иқтисодий-хўжалик ва этномаданий ривожининг маълум нуқтасига етгач, унинг миллат бўлиб шаклланиш жараёни бошланади, яъни унинг учинчи-миллат тарихи босқичи бошланади.

Миллатнинг узил-кесил шаклланиши мустақил давлат белгиси. Давлат пул бирлигининг жаҳон бозоридаги мавқеи, унинг иқтисодий қудратидан нишонандир. Унинг мустаҳкам замини давлат иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий сиёсатининг барқарорлигига боғлиқ. Фуқароларнинг ўзликни англаш даражаси истикболли иқтисодий сиёсат билан чамбарчас боғлиқдир.

Агарда халқларни келиб чиқиши масаласига доир методологик талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, биринчидан, этногенез, этник тарих ва миллат тарихининг ҳар бирини алоҳида олганда, уларнинг бошланғич ва якуний нуқталари бор. Шунинг учун этногенез ва этник тарихни ўрганишда тадқиқотчи биринчи навбатда ўрганаётган халқ этногенезининг қачондан бошланганлигини аниқлаб олмоғи керак бўлади. Чунки этнос фақат кишилиқ тараққиётининг маълум бир босқичида пайдо бўлади². Этногенезнинг бошланғич нуқтаси эса этноснинг қадим замонларда яшаган “аждодларига” бориб тақалади³.

Таниқли олим, шарқ манбаларининг чуқур билимдони, проф. А.Й.Якубовский ана шу илмий принципдан келиб чиқиб, 1941 йилда

¹ Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. Москва, 1973; Его же. Этносоциальные процессы: теория, история, современность. Москва, 1987.

² Аскарлов А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. “Ўзбекистон тарихи” журнали, № 2. Ташкент, 2002.

³ Аскарлов А. Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекского народа. Сб. «Материалы к этнической истории населения Средней Азии». Ташкент, 1986. С. 3.

Тошкентда чоп этилган “�збек халқининг юзага келиши ҳақида” номли асарида ўзбек этногенези Турк хоқонлигидан бошланади, деган илмий ғояни ўртага ташлаган эди¹. Кейинроқ Ўзбекистон ҳудудларида кенг кўламда олиб борилган археологик, антропологик ва этнографик материалларнинг ёзма манба маълумотлари билан қиёсий ўрганиш асосида таниқли элшунос, археолог ва этнолог олим С.П.Толстов томонидан ўзбек этногенезининг бошланғич нуқтаси антик давргача қадимийлаштирилди. Шунингдек, у “Қанғ давлатининг таркибида ва у эгаллаб турган минтақаларда ўзбек халқининг илк аجدодлари яшаган, буларнинг этник таркиби ва тили бир хилда бўлмаган²”, деган ғояни кўтариб чиқди.

Ҳозирги кунда бу сана янада қадимийлаштирилган, яъни ушбу сатрлар муаллифи томонидан ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси сўнгги бронза даври билан белгиланмоқда³. Бундай қарашларнинг илмий асосида ўзбекларнинг ўқ томири, бош илдизи икки тилда сўзлашувчи этник қатламларнинг (суғдий ва туркий) қоришув натижаси эканлиги ва унинг дастлабки санаси, уларнинг илк бор қориша бошлаган нуқтаси сўнгги бронза давридан бошланганлиги ҳисобга олинган.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи ҳақидаги бундай қарашларнинг пайдо бўлишида миллий автохтонизм назариясининг методологик ишланмалари асос бўлган.

Ўрта Осиё саклари (Авестода турлар) ўз навбатида Буюк Турк чўлининг марказий ва шарқий Қозоғистон, Тоғли Олтой, Жануби-Шарқий Урол орти районлар, Энасой ва Ўрхун дарёлари ҳавзаларигача кириб борганлар, бу ҳақда археологик материаллар далолат беради⁴.

Демак, қадимги сак-скиф қабилаларига хос икки тиллилик жуда кенг этномайдонда юз берган иқтисодий ва сиёсий ҳамда маданий жараёнлар маҳсули эканлиги ҳақиқатга яқиндир. Ўзбекистон деб аталмиш она заминимиз халқининг ҳар икки этник қатлами ҳам турк-суғдий этномайдонда жуда қадим-қадим замонлардан бирга яшаб келган туб жойли аҳолидир. Унинг этник таркибини ерли суғдий, хоразмий, бохтарий, Чоч ва қадимги фарғоналик аجدодларимиз ва туркий бобокалонларимиз ташкил этган, ана шу икки тилли этник қатламларнинг узоқ асрлар давомида бир-бирлари билан аралашиб-қоришиб кетиши натижасида, ўтроқ туркий ўзбек халқи таркиб топган.

Этник белгилар ичида ўзликни англаш бирлиги ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида этнографлар алоҳида таъкидлайдилар. Этнограф В.В.Мавродин тил ва ўзликни англаш бирлиги элатни халқ сифатида бирлаштирувчи муҳим омилдир, дейди⁵.

¹ Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Изд. “Фан”, Ташкент, 1941. С. 6-7.

² Толстов С.П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. СЭ. № VI-VII. 1947. С. 303.

³ Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент, 2007, 5-6, 61, 67 бетлар.

⁴ Ушбу тадқиқотнинг тегишли бобларида фактик материаллар асосида сўз боради.

⁵ Мавродин В.В. К вопросу о складывании Великорусской народности и русской нации. СЭ, № 1, 1947, стр.89.

Шундай қилиб, этногенез ва унинг этник ривожланишини ўрганишда этник белгилар ва этник омилларнинг таркиб топиш жараёнини кузатиб бориш этногенетик илмий тадқиқотларнинг тўғри йўналишда эканлигини таъминлайди. Этник омиллар таркибини ҳудудий бирлик, иқтисодий хўжалик бирлиги, этномаданий бирлик, антропологик тип бирлиги ва сиёсий уюшма бирлиги, яъни этноснинг маълум бир давлат доирасида уюшқоқлиги ташкил этади. Этник белгиларга эса тил бирлиги, этник ном ва ўзликни англаш бирлиги, яъни тарихий қисматнинг умумийлиги киради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, уларнинг таркиб топиши бир даврда юз бермайди, балки улар узоқ давом этган тарихий жараёнда бирин-кетин шаклланиб боради. Қачонки, уларнинг асосий қисми таркиб топгач, элат-халқ сифатида шаклланади, этногенетик жараён яқун топиб, этник тарих, халқ тарихи бошланади¹.

А.Й.Якубовскийнинг ёзма манбалар ва бирламчи археологик материалларни қиёсий ўрганиш асосида қурилган бу ғояси Ўрта Осиё халқлари қадимги ва ўрта асрлар даври тарихи, археологияси ва этнографиясининг чуқур билимдонлари, атоқли академиклар С.П.Толстов ва Й.Ф.Ғуломов, таниқли антрополог олимлар Л.В.Ошанин ва В.В.Гинзбург, Т.Қ.Хўжаев ҳамда этнография фанининг назариячилари П.Книшев, С.А.Токарев, Н.Н.Чебоксаров, Й.В.Бромлей, В.И.Козлов ва бошқаларнинг асарларида кенг илмий исботини топди ва ривожлантирилди.

Ўзбек халқининг этногенез ва этник тарихини назарий масалалари билан таниқли элшунос олим, академик К.Ш.Шониёзов ҳам шуғулланган. У ушбу масалада 1998 йилда “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журналида “Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар” номли мақола эълон қилди. Мана шу мақоланинг тўлдирилган варианты 2001 йилда чоп этилган “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни” китобида қайта чоп этилди. Ушбу асарда ўзбек этногенези ва этник тарихига доир қатор атамаларга, жумладан, этнос, этник бирлик, қабила, қабила иттифоқи, элат, халқ, этнографик гуруҳ (субетнос) ва этник гуруҳларга таъриф берилган ва уларнинг мазмун ва моҳияти мисолларда яхши очиб берилган².

Халқларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганишда ижтимоий-гуманитар фанларида “этник бирлик” ва “этнос” атамалари ишлатилади. “Этник бирлик” маълум бир ижтимоий тузумда, табиий-тарихий тараққиёт жараёнида вужудга келган ижтимоий ва этник уюшмадир. Унинг синоними “этнос” бўлиб, у юнонча “халқ” демакдир. Аммо, “этник бирлик”, “халқ” атамасига нисбатан маъно жиҳатидан аниқ тушунчадир³. Этнос атамаси, яъни халқ жуда кенг ва тор маънода ишлатилади. Масалан, кенг маънода:

¹ Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. “Ўзбекистон тарихи” журнали, Т.: 2002, № 4, 57 бет.

² Шониёзов К.Ш. Ўша асар, 74-84 бетлар.

³ Чебоксаров Н.Н. Проблемы происхождения древних и современных народов. Труды VII Международного конгресса антропологических и этнографических наук. Том V, Москва. 1970. стр.746; Шониёзов К.Ш. Ўша асар, 75 бет.

Россия халқи, Ўзбекистон халқи, дунё халқи; тор маънода: ўзбек халқи, қирғиз халқи, тожик халқи. Кичик бир гуруҳ кишиларига нисбатан ҳам “халқ” ибораси қўлланилади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, турли этнослар бир тилда сўзлашишлари ҳам мумкин. Масалан инглизлар, австралияликлар бир тилда – инглиз тилида сўзлашадилар. Шунингдек, бу тилда АҚШ ва Канада аҳолисининг катта қисми, Ямайка ороли, Янги Зеландияликлар, ирландлар сўзлашадилар. Тўғри, инглиз тилининг бунчалар кенг ёйилиши капитализмнинг мустамлакачилик сиёсатини самараси бўлиб, айтиш вақтда улар эмигрант мамлакатлар бўлсалар-да, амалда турли этнослар ҳисобланадилар. Демак, этноснинг шаклланишида тил ҳамма вақт ҳам ҳал қилувчи аломат бўла олмаслиги мумкин экан. Этносга хос аломатлар сирасига моддий ва маънавий маданият, миллий этник аломатлар: урф-одатлар, маросимлар, халқ санъати, ахлоқ-одаб меъёрлари, этномаданий қадриятлар ҳам киради.

Этнос шаклланишининг энг муҳим аломатларидан бири мазкур этносга мансубликни идрок этиш, яъни этник ўзликни англаш ҳиссидир. Этник ўзликни англаш ҳисси мазкур халққа тегишли фуқаролар томонидан ўзларининг келиб чиқиш тарихи ва тарихий тақдирларининг умумийлиги асосида шаклланади. Фанда шаклланган мана шу қарашлар асосида этнос назариялари шаклланди, жойларда маҳаллий шароитлар ҳисобга олиниб, улар янгидан янги материаллар, қарашлар асосида ривожлантирилди.

Адабиётлар

1. Аскарлов А. Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекского народа. Сб. «Материалы к этнической истории населения Средней Азии». Ташкент, 1986.
2. Аскарлов А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. “Ўзбекистон тарихи” журнали, № 2. Ташкент, 2002.
3. Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент, 2007.
3. Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. Москва, 1973.
4. Мавродин В.В. К вопросу о складывании Великорусской народности и русской нации. СЭ, № 1, 1947, стр.89.
5. Чебоксаров Н.Н. Проблемы происхождения древних и современных народов. Труды ВИИ Международного конгресса антропологических и этнографических наук. Том V. –М., 1970.
6. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т., 2001.
7. Чебоксаров Н.Н. Проблемы происхождения древних и современных народов. Труды VII Международного конгресса антропологических и этнографических наук. Том V. –М., 1970.

НАСР ИБН САЙЁРНИНГ МОВАРОУННАХРДАГИ ФАОЛИЯТИ

Мовароуннахр Араб халифалиги томонидан 715 йилга қадар ҳарбий жиҳатдан маҳв этилган бўлса-да, уни тўла-тўқис эгаллаш халифалик маъмурларини узоқ йиллар ҳаракат қилишга мажбур этди. Мовароуннахрни узил-кесил эгаллаш VIII аср 50 йилларига борибгина амалга ошди. Бу давр Араб халифалиги учун заҳматли ва йўқотишларга бой давр бўлди.

Халифа Хишом (724-743) даврида 738 йилда Хуросон ноиблигига тайинланган Наср ибн Сайёр (738-748) Мовароуннахрда уммавийлар сиёсатига раҳна солаётган кучлар ва ҳолатларни бартараф этишга киришади. Биринчи ўринда қабилавий курашларга барҳам бериш зарур эди. Шу пайтгача мавжуд бўлиб келган йирик марказлардаги бошқарувни олиб ташлади.¹ Хорис бошлиқ хорижийлар ва уларнинг иттифоқчиларига зарба беришга қарор қилади. Шу мақсадда у Марвга бормасдан олдинроқ Бойсун довони томонга юриш қилади.² Бу юриш ҳақида манбаларда маълумот етарлича келтирилмаган бўлса-да, унинг Хорис бошлиқ хорижийлар ҳаракатини бартараф этиш масаласи кун тартибидаги энг асосий вазифаси эканлигидан далолат беради. Негаки Наср ноибликка келган пайтда хорижийлар Амударёдан шимолда, яъни Мовароуннахрдаги вазият эпкинисида уммавийларга ташвиш бўларли даражада ривожланган эди. Шу боис у яна Мовароуннахрнинг марказий шаҳарларидан бири бўлган Самарқандга юриш қилади.³ Табарий берган маълумотларга кўра Наср мазкур юришда Самарқанднинг сув тўғони Варагсарни эгаллашга ҳаракат қилгани ҳақида сўз боради.⁴ Насрнинг сув тўғонига ҳужум қилиши уни Самарқандни эгаллай олмаганлигидан далолат беради. Чунки ўша давр ҳарбий стратегиясида эгалланиши қийин шаҳар ёки кўрғонни муайян зарурий таъминотдан узиб қўйиш ҳоллари кузатилади.⁵ Насрнинг Самарқандга юриши ҳамда Варагсар тўғонига қилган ҳужуми Мовароуннахрни Уммавийлар назоратига қайта қайтариш деб баҳолашга асос бўлади.

Наср Мовароуннахрга икки бор қилган юриши натижасида келишишдан ўзга сиёсат унга керакли натижанинг бермаслигини англаб етади. Шу боис у солиқ имтиёзларини дадил ва изчил амалга оширади. Шу билан бирга кечиримлилик сиёсати унга маҳаллий аҳолидан хайрихоҳ гуруҳнинг шаклланишига олиб келади. Наср Шошга – Хорис устига юриш

¹ Большаков О.Г. История Халифата. Т. IV. -2010. –Стр. 198.

² История ат-Табари. – С. 299; Большаков О.Г. История Халифата. Т. IV. -2010. –Стр. 198.

³ Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 104.

⁴ История ат-Табари. – С. 266.

⁵ Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 53.

қилган пайтда унга Насаф, Кеш, Бухоро, Самарқанд, Уструшонадан 20 минг мусулмон ҳамроҳлик қилди.¹ Бу даврда 15 минг ёлланма қўшин ҳамда Хорис бошлиқ хорижийлар тарафдори билан ҳамкорлик қилган Курсул ва Шош ҳукмдори Кадр уларни Шош дарёсидан ўтказишга йўл қўймайди.² Наср араб разведкаси ёрдамида Курсулни шахсан асир олади ва ўлдиради³, бошлиқсиз қолган ҳамда Курсулнинг ўлимини беҳосият деб ҳисоблаган турклар орқага қайтиб кетишга мажбур бўлади. Табарийга кўра, Наср Фарғонага юриш қилади ва унинг ҳукмдоридан 30 минг асир олади.⁴ Фарғона бўйсундирилгач, Ироқ ноибни Юсуф ибн Умардан Шошда қўним топган Хорисни бартараф этиш хусусида кўрсатма келади⁵, шу сабаб у Шошни бўйсундиришга қарор қилади.

Шош ҳукмдори Кадр ибн Бадр билан имзоланган шартноманинг тўлиқ матни бизга қадар етиб келмаган, аммо келишув аҳдномасида Хорисни Шошдан чиқариб юбориш вазифаси бор эди. Шундан сўнг Хорис Фаробга чекинишга мажбур бўлади.⁶ Наср Низок ибн Солиҳни Шошда қолдириб, яна Фарғонага юради. Қувада бўлиб ўтган бир қанча тўқнашувлардан сўнг Фарғона ҳукмдори ҳам сулҳ сўрашга мажбур бўлади. Наср у ерда Муҳаммад ибн Холидни атиги 10 киши билан ҳукмдор этиб қолдиради.⁷ Тўғри, Наср Сирдарёдан шимолга ўтмади, Фарғона ва Шош билан ҳам йирик жанглар олиб бормай уларни сулҳ билан ўзига қайта бўйсундирди. Лекин у ўзининг шарққа юриши орқали ашаддий душмани Курсулни ўлдиришга эришди, шарқий чегараларни даҳлсизлигини таъминлаш билан бир қаторда Хорис ибн Сурайжни Шошдек таянч нуқтадан чиқариб юборишга муваффақ бўлди. Шу билан бирга оддий ва зодагон аҳолини ўз томонига оғдиришнинг пухта ўйланган режасининг иккиланишсиз тадбиқ этилиши унга Хишомдан кейинги халифа Валид II (743-744) вафотига қадар Мовароуннаҳр ва Хуросонда ислоҳотлар ўтказиш ҳамда муҳолифатни забт этиш учун нафас ростлашга етди.⁸

Насрнинг Шош ва Фарғонани эгаллаши ҳам тактик жиҳатдан ўйланган бўлиб, бу, биринчидан, Мовароуннаҳрни яна қайтадан тўлиқ эгалланишини англатса, бошқа томондан, Шош ва Фарғона эгалланиши турклар юртига чиқиб кетган мовароуннаҳрлик аҳолини яна ўз юртларига қайтариш учун дарвоза вазифасини ўтаган. Мовароуннаҳрнинг Ислонни бойкот қилиб

¹ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабат... Т.: 2010. 136 б.; Х. Кеннеди. Великие арабские завоевания / пер. с англ. Соловьевой. - М.: АСТ, 2010. Стр. 359.; Н. Kennedy. The Armies of the Caliphs. 2001. P. 45.

² Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 105.

³ Джалилов А. Согд накануне арабского нашествия и борьба согдийцев арабских завоевателей в первой половине VIII в. Сталинабад. 1961. Стр. 155.

⁴ История ат-Табари. – С. 268.

⁵ Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 105.

⁶ Большаков О.Г. История Халифата. Т. IV. -2010. –Стр. 200.; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 105.

⁷ История ат-Табари. – С. 268.; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 105.

⁸ Велльхаузен Ю. Арабский халифат. Пер. с англ. Т.М. Шуликовой. Москва. 2018. Стр. 149,

турклар юртига чиқиб кетган маҳаллий аҳолини ўз томонига оғдириши Наср учун энг муҳими эди. Бир томонда, Аллоҳнинг китоби ҳамда пайғамбар суннатларига амал қилиш талаби билан майдонга чиққан хорижийлар уммавий маъмурларининг йўл қўйган хатоларидан устамонлик билан фойдаланмоқда эдилар. Наср Мовароуннаҳрдаги вазиятни чорак асрдан зиёдроқ билгувчи шахс сифатида жорий этган «келишув сиёсати» энг мақбул танлов бўлди. Унга кўра Наср Мовароуннаҳрни тарк этган халқаларга қуйидаги ён беришларни эълон қилади:

1. Исломни қабул қилиб яна ўз динларига қайтганлар жазога тортилмайди.

2. Ортга, яъни Мовароуннаҳрга қайтган аҳолидан олдинги тўланмаган солиқлар талаб қилинмайди.

3. Суғдийлар кўлида бўлган араб асирлари қозининг адолатли қароридан кейингина Наср маъмуриятига қайтарилиши жорий этилди.¹

Мазкур шартлар асосида тадбиқ этилган келишув сиёсатини халифалик марказидагилар ҳам ёқламаган, шунда Наср уларга қарата шундай дейди: «Аллоҳга қасамки, агар сизлар (суғдликларнинг) мусулмонларга нисбатан мен кўргандек жасорат ва ёмонлигини кўрсангиз, буни (яъни, талабларини) инкор этмас эдингиз».² Айнан мазкур сиёсат орқали Уммавийларга қарши вужудга келган муҳолифат таркибини маҳаллий халқлар ҳисобига мислсиз кенгайиши сусайди. Наср ноиблиги даврида шарқдан келадиган хавф миқдори кескин камайди, бу ўша даврда туркларнинг кучсизланиб, ҳалокат ёқасига келиб қолганлиги, Мовароуннаҳрнинг стратегик шарқий қисмлари яна бошқатдан эгалланиб, кун чиқардан бўлиши мумкин бўлган хавф-хатар камайганлиги, туркларга ва уммавийларга қарши бошқа кучлар билан иттифоққа мойил мовароуннаҳрликларнинг аксарият кўпчилиги келишув сиёсати тароватидан баҳра олганлиги сабаб Мовароуннаҳрда нисбий тинчликни таъминлай олди.

Мовароуннаҳр аҳолисининг аксарият қисмининг хайрихоҳлиги билан бир қаторда Наср маҳаллий аслзодалар билан яқинлашиш, улар билан қариндошлик алоқаларига киришиш ташаббускорларидан бири ҳам бўлди.³ Бу борада ўзи ҳам намуна кўрсатиб бухорохудот Туғшоданинг қизига уйланади.⁴ Араб қўмондонлари ва зодагонлари Суғддан ер олар, маҳаллий элита қизларига уйланарди. Оддий халқни солиқ имтиёзлари ва бошқа сиёсатнинг нозик қирралари билан тинчлантириш, кези келганда келишиб, уларни бўйсундиришга эришиш мумкин бўлар эди. Аммо маҳаллий элита билан келишиш ҳар доим ҳам осон кечмайди. Буни биргина Наср фаолиятига қадар халифаликка оғир ташвиш бўлган Ғурак ҳаракатларидан

¹ Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 106.

² Джалилов А. Согд накануне арабского нашествия и борьба согдийцев арабских завоевателей в первой половине VIII в. Сталинабад. 1961. Стр. 156.

³ Джалилов А. Согд накануне арабского нашествия и борьба согдийцев арабских завоевателей в первой половине VIII в. Сталинабад. 1961. Стр. 156.

⁴ Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 28.

ҳам яққолроқ англаб олиш мумкин. Буни яхши тушунган Наср ибн Сайёр мовароуннаҳрлик мусулмонларга араб мусулмонларига берилган жамики ҳуқуқларни берди, ўзи эса маҳаллий зодагонлар билан араб зодагонларининг қариндошлик, куда-андалик ришталарини боғлашга эришди. Маҳаллий зодагонларнинг Наср билан чиндан яқинлашганлигини Табарий келтирган маълумотлардан ҳам англашимиз мумкин. Унга кўра, маҳаллий зодагонлар Наср олдиға ўз шикоятлари билан келишади.¹ Бу Насрга бўлган ишончдан далолат беради.

Мовароуннаҳрда чуқур ва пухта ўйланган Наср сиёсати у ердаги кучлар мувозанати ўзгарган бир шароитда Мовароуннаҳрда халифалик ҳокимияти қайта тикланишига замин ҳозирлади. Энди фақат халифаликнинг энг чекка ҳудудларида авж олган, Хуросонда эса муҳолифатнинг норозилик шамоли эсиб турарди. Қисқа қилиб айтганда, Мовароуннаҳр энди Наср ислоҳотлари учун бир мунча сокин ўлкаға айланди. Лекин бу билан ҳаммаси изига тушди деган тушунчаға бормаслик керак. Бу ҳар доимгидек вақтинчалик сокинлик эди. Муҳолифат ҳали батамом забт этилмаган бўлиб, маҳаллий аҳолининг ҳамма қисми ҳам тўла-тўқис Насрга мойиллик билдириб, унинг содиқ фуқаросига айланмаганди. Мовароуннаҳрликлар халифалик маъмурларининг келишиш сиёсатини бугун кўриб турган эмас эдилар, бу сиёсатға амал қилиши барқарор бўлиш-бўлмаслигини ҳам вақт кўрсатишини улар яхши англаган. Турклар ҳокимиятининг заифлашуви, Деваштич, Ғурак сингари шахсларнинг вафоти, Хорис ибн Сурайжнинг мағлубияти ва, ниҳоят, Насрнинг бағрикенглик сиёсати Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳлини мазкур позицияда ушлаб турган эди, холос.

Адабиётлар

1. Большаков О.Г. История Халифата : в 4 т. / Ин-т восточных рукописей РАН. – М. : Т. IV. -2010.
2. История ат-Табари / Пер. с араб. В.И. Беляева с допол. О.Г. Большакова, А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987.
3. Кадырова Т. Из истории крестьянских восстаний в Мавераннахре и Хорасане в VIII – начале IX в. – Ташкент: Фан, 1965.
4. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Монография. –Т.: ART-FLEX, 2010.
5. Великие арабские завоевания / Хью Кеннеди; пер. с англ. Соловьевой. - М.: АСТ, 2010.
6. H. Kennedy. The Armies of the Caliphs. Taylor & Francis Routledge - 2001.
7. Джалилов А. Согд накануне арабского нашествия и борьба согдийцев арабских завоевателей в первой половине VIII в. Сталинабад, 1961.
8. «Арабский халифат. Золотой век ислама / Велльхаузен Юлиус., Пер. с англ. Т.М.Шуликовой»: Центрполиграф. –М., 2018.
9. Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая. Древняя и средневековая история. Кн. 2. – Душанбе: Ирфон, 1989.

¹ История ат-Табари. – С. 269.

**ЗАСЛУЖЕННЫЙ ДЕЯТЕЛЬ НАУКИ УЗБЕКИСТАНА
ПРОФЕССОР И.И.УМНЯКОВ**

Личность Амира Темура всегда вызывала интерес у историков и дипломатов. Но были времена, когда о его деятельности умалчивали. Однако нашелся ученый, который несмотря на запрет, на примере переписки полководца с правителями западных держав, обратил внимание окружающих на дипломатические способности Амира Темура. Если учитывать, что И.И.Умняков был арестован в 1931 году, осуждён по 58 статье. И согласно приговору отбывал срок в Архангельке, где работал плановиком экономистом восемь лет, это говорит о многом. Прежде всего о блестящих знаниях истории Средней Азии. В моих руках, пожелтевшие от времени папки в которых хранятся документы профессора: удостоверения, грамоты, письма, иногда даже личного характера. Благодаря этим материалам по крупицам восстанавливается биография. Иван Иванович Умняков родился в 1890 году в Петрозаводске. Учился в Петербурге, в гимназии. С 1914 по 1916 год обучался восточным языкам в учебном отделении при Министерстве Иностранных дел в Петрограде. Был послан в Бухару, где служил переводчиком в русском политическом агентстве. В апреле 1916 года принят в общество русских ориенталистов. На протяжении своей истории Общество меняло название, подчас деятельность его прерывалась из-за исторических катаклизмов, на которые была богата история России в XX веке. Но неизменно, на всех этапах своего присутствия в научной, общественной и культурной жизни страны, главными особенностями Общества были его широта и открытость, преодолевавшие рамки чисто академических задач. Это структура, наглядно отразившая комплексный, многосторонний характер российского востоковедения, в неразрывном взаимодействии его научных, государственных, экономических, культурных задач. Создание общества подтверждает широту интереса к востоковедению в самых разных регионах Российской империи. Войны и революции нарушили традиционные связи и структуры востоковедческих организаций, но Восток как тема научного и практического интереса сохранился в системе приоритетов государства, формировавшегося на руинах некогда великой евро-азиатской империи. В 1920 году предпринимались попытки возродить «Общество», но они не увенчались успехом.

После октябрьского переворота И.И.Умняков решил стать преподавателем он работал в ТашГУ на кафедре «История Востока». С 1921-1928 г участвовал в деятельности Среднеазиатского комитета по охране и изучению памятников старины и искусства в качестве учёного секретаря, а затем инспектора по охране памятников. С 1929 по 1931 год работал в Центральном архиве города Ташкента и «Среднеазиатской

1906-1908-yy. Farg'ona, Sirdaryo va Samarqand viloyatlari hamda Buxoro amirligining ruslar yashagan qishloqlarida aksiz yig'imlarining holati to'g'risida tovarlar va ulardan olinadigan aksizlar miqdori ko'rsatilgan ro'yxatlar jadvali guvohlik beradi. Bu jadvalga ko'ra, 1906-yil Samarqand viloyatida 1152307 rubl, Farg'ona viloyatida 220407 rubl, Samarqand viloyatida 284302 rubl, 1907-yil bu viloyatlarda tegishlicha: 1065061 rubl, 289409 rubl, 303978 rubl, 1908-yil tegishlicha: 1014011 rubl, 478896 rubl, 281768 rubl bo'lgan².

Buxoro amirligining rus aholisidan 1906-yil 172750 rub., 1907-yil 149271 rub., 1908-yil 126012 rub. yig'ilgan. Natijada Buxoro amirligining uchta tub viloyati va rus qishloqlaridan 1906-yil 1829768 rub., 1907-yil 1808216 rub., 1908-yil 1900688 rub. undirilgan³.

Soliq tushumlarining dinamikasini kuzatganda, unda chorizmning Turkistondagi soliq siyosati shakllanishi va rivojlanishining asosiy bosqichlariga xos barcha qiyinchiliklar aks etgani ko'rinadi. Bu siyosat juda ko'p, ba'zi vaqtda xronik tarzdagi boqimandalar, aholining noroziligi, mustamlaka ma'muriyati tadbirlarining barbod bo'lishi bilan davom etgan. Davlat apparatining soliqlarni oshirish va ularning muntazam kelib tushishini ta'minlashga intilishi soliq qonunchiligidagi o'zgarishlarga va soliq siyosatining eng maqbul variantlarini izlashga sabab bo'lgan. Biroq aholidan olinadigan soliq majburiyatlarining tizimlashtirilishi va amaliyotining zamonaviylashtirilishiga qaramasdan, keyingi yillarda ham uning yalpi qashshoqlanishi jarayoni davom etdi.

*Rashidov S., Usmonov S.
SamDU 1-bosqich magisrantlyari*

O'ZBEKLARDA FARZANDGA ISM QO'YISH ODATIGA DOIR MULOHAZALAR

O'rta Osiyo xalqlari, jumladan, o'zbeklarning ham eng qadimiy davrlardan shakllana boshlagan, avloddan-avlodga o'tib, takomillashib, bebaho merosga aylangan urf-odatlar, qadriyat darajasiga ko'tarilgan ko'pgina udumlari va ana'nalari mavjud. Azaldan mehmondo'st sanalgan o'zbek xalqining udumlari boshqa elatlar bilan tarixiy-madaniy aloqalar jarayonida rivoj topgan va bevosita ularning ana'nanalariga ta'sir etgan hamda ular ta'sirida boyigan. Faqat o'zbek

¹ Министерство Финансов 1802-1902 гг. – СПб., 1902. Часть 2. - С. 107

² Отчет ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом. Налоги и пошлины. Органы финансового управления. - СПб.: Типография Главного управления уделов, Моховая, 40. 1910 г. – С. 244-245.

³ O'sha joyda.

millatiga xos tarix sinovidan o'tgan milliy mentalitet, ijobiy tajriba, qonun-qoidalar va tartib-tuzuklar, milliy madaniyat va ma'naviyat, ahloq, odob va odat, o'z-o'zini boshqarish kabi qadimiy an'analarimizni har tomonlama o'rganib, hayotga tadbiriq qilishimiz lozim. Shuni alohida ta'kidlash kerakki, avlodlar tajribasi asosida vujudga kelgan aksariyat odatlarning shakli yaxshi saqlanib qolgan-u, lekin sababi, ma'nosi unitib yuborilgan.

O'zbek qishloqlarining xalq marosimlari, url-odatlari juda qiziqarlidir. Shunday muhim url-odatlardan, xalq marosimlardah biri, bu - bolaning tug'ilishi va uni tarbiyalash bilan bog'liq bo'lgan urf-odatlardir. Oilada yangi kishining dunyoga kelishi hamma oila a'zolarini xursand qiladi va oila a'zolari bolaning sog'-salomat o'nib-o'sishi uchun qo'ldan kelgancha harakat qilishadi. Farzand tarbiyasiga doir turli tadbir va amallarni bajarishadi. Shulardan biri farzandga ism qo'yish odatidir. Chaqaloqqa ism qo'yish inson hayotidagi eng muhim voqea hisoblanadi. Bu odat qadimdan o'zbeklarning ba'zi urug'larida oddiy holdek, ayrimlarida katta marosim, to'y sifatida o'tkazilgan. Umuman olganda "Ot qo'yish", "Nom berish", "Ismlash" odat – marosimi xalqimiz hayotida azaldan azal muhim ahamiyatga ega bo'lgan¹.

Qadimdan bolaga ism qo'yish juda ma'suliyatli ish sanalgan. Ism bola tabiatiga mos kelmasa, undan yaxshi inson chiqmaydi yoqi u kasallikka chalinaveradi, deyilgan. Chaqaloqqa ism qo'yish vazifasi har kimga ham topshiraverilmagan. Buning uchun maxsus marosim uyushtirilib, unga eng nufuzli, dono qariyalar taklif etilgan. Ana shu marosimda yig'ilganlar o'zaro maslahatlashib, bolaga ism qo'yishgan. Podsho, xon va boshqa nufuzli amaldorlar o'z farzandlariga ism qo'yish uchun munajjimlar bilan maslahatlashishgan. Islom diniga e'tiqodi baland kishilar mulla-eshon chaqirib, chaqaloqning qulog'iga azon aytirib, so'ng unga ism qo'yishgan. Xullas, chaqaloqqa xayolga kelgan nom berilavermagan. Ko'plab ma'lumotlar tahlil qilinib, keyin bolaga ism qo'yishgan. Qadimda o'zbeklarda chaqaloqqa ism qo'yishda quyidagilarga e'tibor berishgan:

1. Koinot, samoviy jismlar nomi bilan bog'liq ismlar (Yulduz, Zuhra, Oygul, Kuntug'mish, Erjon va boshqalar).

2. Tabiiy xodisalar bilan bog'liq ismlar (Tog'bek, Bo'ronboy, Chingiz va boshqalar).

3. Yil fasllari bilan bog'liq ismlar (Bahora, Ko'klam).

4. Vaqt bilan bog'liq ismlar (Jumaboy, Bozorboy, Xushvaqt)

5. Hayvonot dunyosi bilan bog'liq ismlar (Bo'riboy, Qo'ziboy, Sherxon).

6. O'simliklar bilan bog'liq ismlar (Lola, Charos, Chinora).

7. Ajdodlar nomi bilan bog'liq ismlar.

8. Diniy marosimlar bilan bog'liq ismlar (Ro'zigul, Ro'zmat, Ramazon, Qurbonboy va hk.).

9. Xudoning sifatleri va payg'ambarlar nomi bilan bog'liq ismlar (Muhammad, Xudoyberdi, Iso, Sulaymon va h.k.).

¹ Б.Саримсоков. Ўзбек маросим фольклори», Т.: «Фан» 1986, 183-бет

10. Mehnat va ish qurollari bilan bog‘liq ismlar (O‘roqboy, Bolta, Tesha va boshqalar).

11. Chaqaloq badanidagi tug‘ma belgi bilan bog‘liq ismlar (Xolboy, Norxol, Ortiqboy va h.k.).

12. Go‘zal xodisa-narsalar bilan bog‘liq ismlar (Jamol, Kunduz, Go‘zal)ю

13. Orzu-niyat bilan bog‘liq ismlar (Baxtiyor, Baxtli, Orzugul).

Ajdodlarimizning oilada farzandning dunyoga kelishi bilan unga ism qo‘yish maqsadida mulla chaqirtirib, chaqaloqning qulogiga azon aytirishgan. Azon bilan bola o‘zining ilk bor ismini eshitgan. Bu marosimning o‘tkazilishi bilan bolaning kelajada mehribon va barakali bo‘ladi deyilgan. Bolaning ismi albatta bolaning qulogiga aytilgan¹.

Xalqda "ismi jismiga mos" degan ibora bor. Kishilar bolaga qo‘yilgan ism ulg‘ayishi jarayonida uning odobiga ta’sir qiladi, deyishadi.

Ismning ma’nosi (masalan Azamat) balani mard, baquvvat, azamat bo‘lishga undaydi. Agar bolaning ismi Azamat bo‘lsa-yu, o‘zi ismiga xos xislatlarga ega bo‘lmasa, uning obro‘yi tushib ketgan. Har bir bolaning o‘z ismiga mos bo‘lishiga intilishi o‘z-o‘zini tarbiyalashning o‘ziga xos usuli bo‘lgan. Xullas, kishining ismiga mos bo‘lishga intilishi uning ma’naviy ulg‘ayishiga samarali ta’sir qiladi.

*Rustamova M.,
SamDU doktranti*

SAMARQAND VILOYATIDA AYOLLAR IJTIMOY-IQTISODIY DEMOGRAFIYASIGA NAZAR

Dunyoning barcha mamlakatlarida ularning siyosiy tuzilishi va ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish darajasidan qat’iy nazar ayollar va erkaklar teng huquqligi va teng imkoniyati munosabatlarini ta’minlash muammosi dolzarb hisoblanadi, erkaklar va ayollar uchun teng tanlash imkoniyatining yaratilishi nafaqat ayollarning iqtisodiy jamoatchilik va siyosiy hayotda faol qatnashishga yo‘l oladi, balki mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyoti tuzilishiga yordam beradi. Hozir jahon miqyosida ayollar va erkaklarning chinakam teng huquqliligini qaror toptirishga ijtimoiy taraqqiyotning, jamiyatni barqaror rivojlantirishning asosi sifatida qaralmoqda. Shuning uchun ham inson huquqlari sohasidagi barcha xalqaro huquqiy hujjatlarda teng huquqlilik va kamsitmaslik prinsiplari izchil rivojlanib, mustahkamlanib bormoqda.

Mustaqillikning ilk kunlaridanoq mamlakatimizda ko‘p sonli ijtimoiy muammolari orasida ayollarning ahvolini yaxshilash, ularni mamlakat ijtimoiy-siyosiy hayotida faol ishtirok etish jarayoniga keng jalb qilishga muhim e’tibor qaratilib, sohadagi siyosatni amalga oshirishda mustahkam huquqiy asoslar ham yo‘lga qo‘yildi. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlarining tahlili uning inson huquqlari sohasidagi xalqaro standartlarga muvofiqligidan dalolat beradi.

¹ Саттаров. М. Узбекские обычаи. Тошкент, «Маънавият», 2003 йил, 6-бет

Ta’kidlash lozimki, keyingi besh yildagi yangilanayotgan O‘zbekistonning insonparvarlik siyosati bobidagi ulkan yutuqlaridan biri ham xotin-qizlarga oid davlat siyosati tubdan o‘zgarishi bo‘ldi. Bu boradagi siyosatning mohiyati to‘g‘risida Prezident Sh.Mirziyoev: “*Xotin-qizlarning huquq va manfaatlari ta’minlangan jamiyatda, albatta, tinchlik, adolat, erkinlik va farovonlik bo‘ladi*”, – deb ta’kidladilar. Shu o‘rinda ayollar demografiyasiga qisqa nazar tashlab o‘tsak.

1-jadval

№	2021	Jami aholi:		
		Umumiy	ayollar	erkaklar
1	O‘zbekiston Respublikasi	34558.9 (100)	17180.5 (49.7)	17378.4 (50.3)
2	Samarqand viloyati	3947.7 (8.8)	1962.0 (51)	1985.7 (49)
3	Respublika shahar aholisi	17510.4 (50.6)	8741.1 (49,9)	8769.3 (50,1)
4	Shahar aholisi	1458.7 (37)	731.5 (50,1)	727.2 (49,9)
5	Respublika qishloq aholisi	17048.5 (49.4)	8439.4 (48)	8609.1 (52)
6	Qishloq aholisi	2489.0 (63)	1230.5 (49,1)	1258.5 (50,9)

Respublikaning doimiy aholisi so‘nggi 30 yil ichida 13,9 mln kishiga oshgan. Davlat Statistika qo‘mitasi ma‘lumotiga ko‘ra, 1991-yilda respublikada doimiy yashovchi aholining 50,6 foizini ayollar tashkil etgan [O‘zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo‘mitasi. 2021 B.31].

Bu ko‘rsatkich 2022-yilning 1-yanvarida 49,7 foizga teng bo‘ldi. 2021-yilda hududlarning respublika jami aholisi sonidagi ulushi bo‘yicha eng ko‘p ko‘rsatkich Samarqand viloyatida 11,4 foizni tashkil etib, keyingi o‘rinlarda Farg‘ona viloyatida 11,1 foizni, Qashqadaryo viloyatida 9,7 foizni va Andijon viloyatida 9,2 foizni tashkil etgan. Shu yilda O‘zbekiston aholisining 50,3 foizi erkaklar, 47,7 foizi esa ayollardan iborat bo‘lgan [<https://www.stat.uz>].

Sohaga oid qonunlarning samarali ijrosini ta’minlash maqsadida O‘zbekiston Respublikasining 2020-2030-yillarda gender tenglikni ta’minlash strategiyasi loyihasi tayyorlandi. Ushbu hujjat O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, “Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to‘g‘risida”gi qonuni, O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasida belgilangan ustuvor vazifalar hamda 2030-yilgacha bo‘lgan davrda barqaror rivojlanish sohasidagi milliy maqsadlar va boshqa qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqildi [Kenjayeva X.B. 959].

Bu borada yana qayd etish lozimki, O‘zbekiston tarixida birinchi marta milliy parlamentda ayollar soni Birlashgan Millatlar Tashkiloti tomonidan belgilangan tavsiyalarga mos darajaga yetdi. Mamlakat parlamenti ayol deputatlar soni bo‘yicha dunyodagi 190 ta milliy parlament o‘rtasida 37-o‘ringa ko‘tarildi. Bundan 5 yil avval 128-o‘rinda turgan edi [Sh. Mirziyoyev, 2020-yil, 7-mart].

Prezident tashabbusi bilan 9 ming 255 ta mahallada ijtimoiy himoyaga muhtoj ayollarning dardini eshitib, muammolarini hal etishga ko‘maklashadigan Ayollar maslahat kengashlari tashkil qilindi. Joriy etilgan “Temir daftar”, “Ayollar daftari” va “Yoshlar daftari” xotin-qizlarning ijtimoiy maqomini oshirish, ularning imkoniyatlarini ro‘yobga chiqarish, mazkur toifadagi insonlarning jamiyat hayotiga integratsiyasi va ijtimoiylashuvi jarayonini ta‘minlashga qaratilgan davlat siyosatining zamonaviy samarador usuli sifatida e‘tirof etilmoqda [“Xalq so‘zi”, 2022-yil 12-yanvar].

Bu boradagi ishlarni ijtimoiy-iqtisodiy ko‘rsatkichi yuqori bo‘lgan Samarqand viloyati misolida tahlil etilganda quyidagilar ma‘lum bo‘ladi. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 28-apreldagi “Moddiy yordam va ko‘makka muhtoj oilalarni, xotin-qizlar va yoshlarni ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi 250-son qarori ijrosini ta‘minlash maqsadida Samarqand shahrida “Ayollar daftari”ga Samarqand shahri bo‘yicha 1927 nafar xotin-qiz kiritilib, ularning barchasiga amaliy yordam ko‘rsatildi.

2021-yil dekabr holatiga ko‘ra, Samarqand viloyati “Ayollar daftari” bilan ishlash tizimi doirasida 81 ming xotin-qizlarga manzilli yordamlar ko‘rsatilgan va bunga 196,7 mlrd so‘m mablag‘ ajratildi. Mahalla vazirligining bergan ma‘lumotiga ko‘ra, viloyatda 25 144 nafar ijtimoiy himoyaga muhtoj xotin-qizlar ro‘yxatga olingan bo‘lib, bu ko‘rsatkich respublika miqyosida 30 foizni tashkil etgan [[www.http://sam.stat.uz](http://sam.stat.uz)].

Shu o‘rinda ijtimoiy himoyaga muhtoj xotin-qizlarni viloyatda quyidagi 6 toifaga ajratilganligini qayd etish lozim:

– kam ta‘minlangan oilalardagi xotin-qizlar, viloyatda ularning soni 10 212 nafar (jami ijtimoiy himoyaga muhtojlarning 40,6%);

– to‘liqsiz oilalarda tarbiyalanayotgan ijtimoiy himoyaga muhtoj qizlar 3 926 nafar (15,6%);

– turmush o‘rtog‘i vafot etgan, voyaga yetmagan farzandlarini yolg‘iz tarbiyalayotgan ijtimoiy himoyaga muhtoj ayollar 4 967 nafar (19,7 %);

– nogironligi bo‘lgan farzandi bor ehtiyojmand oilalardagi xotin-qizlar 2 139 nafar (8,5 %);

– ota-onalaridan biri yoki har ikkisi ham 1 yoki 2-guruh nogironi bo‘lgan ehtiyojmand oilalardagi xotin-qizlar 3 189 nafar (12,8 %);

– 2 va undan ortiq farzandlarini tarbiyalayotgan alohida (ijarada) yashayotgan ijtimoiy himoyaga muhtoj yolg‘iz xotin-qizlar 711 nafar (2,8 %) shular jumlasidandir.

Ijtimoiy himoyaga muhtoj xotin-qizlar sonining ko‘payishining nisbatan eng ko‘p sabablari quyidagilar ekanligi aniqlandi:

– tibbiy yordamga muhtojlik;

– ishsizlik;

– o‘zi va farzandlarining nogironligi;

– uy-joyga muhtojlik;

- takroriy ekin uchun yer ajratishga muhtojlik;
- tadbirkorlikni yo‘lga qo‘yish uchun kredit olishga muhtojlik.

Viloyatda ijtimoiy himoyaga muhtoj xotin-qizlar nisbatan ko‘p Urgut (9615), Kattaqo‘rg‘on shahri (2 529), Pastdarg‘om (2 418), Samarqand shahri (1658), Samarqand (1405), Ishtixon (1312), Tayloq (1240) kabi tumanlarda qayd etilgan. 2021-yilda viloyat va vazirlik ishchi guruhi tomonidan barcha tuman (shahar) mahallalarida 150 nafar ijtimoiy himoyaga muhtoj xotin-qizlar bilan muloqotlar o‘tkazildi va ularning muammolari o‘rganildi.

Davlat va jamiyat boshqaruvida ayollarning o‘rni va mavqeyini yanada mustahkamlash islohotlarimizning muhim yo‘nalishlardan biri bo‘lib hisoblanadi. Ayollarning biznes sohasidagi loyihalarni qo‘llab-quvvatlash hamda joylarda aniqlangan xotin-qizlar muammolarini hal etish uchun budjetdan har yili qo‘shimcha ravishda 1 trillion so‘mdan ziyod mablag‘ yo‘naltirilmoqda [Sh.Mirziyoyev, 2021 B.143]. Samarqand viloyatida 2021/2022-o‘quv yilida doimiy ro‘yxatda turuvchi 51720 nafar xotin-qizlar respublikadagi oliy ta‘lim muassasalariga hujjat topshirgan. Shulardan oliy ta‘lim muassasalariga 8658 nafari o‘qishga tavsiya etilga [www.dtm.uz]. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti ishtirokidagi xotin-qizlar masalalariga bag‘ishlangan videoselektorda qizlar ta‘limi uchun bir qancha imtiyozlar berilishi ma‘lum qilindi.

Ta‘lim imtiyozlari

- yangi o‘quv yilidan boshlab magistraturada o‘qiyotgan qizlar kontrakt puli to‘liq budjetdan qoplab beriladi (23 ming nafar qizlarga 200 milliard so‘m);
- har yili 50 nafar qizlar nufuzli xorijiy oliygohlarga bakalavr va 10 nafari magistraturaga yuboriladi;
- har bir viloyatda ehtiyojmand oila vakillari, ota yoki onasini yo‘qotgan 150 nafar qizlar (jami 2,1 ming nafar) ta‘lim kontrakti mahalliy budjetdan to‘lab beriladi;
- yosh farzandi bor talaba-qizlarga masofaviy o‘qishga sharoit yaratiladi;
- doktorantura yo‘nalishida xotin-qizlar uchun har yili kamida 300 tadan maqsadli kvota ajratiladi;
- har yili xotin-qizlar talaba bo‘lishiga kvotaning kamida 50 foizi aniq fanlar, texnika va huquqshunoslik yo‘nalishlari uchun maqsadli ajratiladi;
- yangi o‘quv yilidan boshlab oliygoh, texnikum va kollejlarda o‘qiyotgan qizlarga ta‘lim kontraktlarini to‘lash uchun ilk marta 7 yil muddatga foizsiz kredit berish joriy qilinadi.

Millatning o‘ziga xos ma‘naviyatini shakllantirish va yuksaltirishda, shubhasiz, oilaning, oilada esa ayolning o‘rni va ta‘siri beqiyos. Yurtimiz xotin-qizlarining jamiyatdagi o‘rni, ularning oilaga bo‘lgan munosabatlari, ijtimoiy hayotdagi roli g‘oyat muhim ahamiyatga egaligi bois ularning mavqeyi ham har jihatdan yuqori baholanmoqda. Jahon hamjamiyati, nufuzli xalqaro tashkilotlar e‘tirofiga ko‘ra, O‘zbekiston ayollar uchun munosib muhit yaratgan mamlakatlar qatoriga kiritilmoqda. Bir so‘z bilan aytganda, yurtimizda azal-azaldan muhtarama ayollarga yuksak ehtirom ko‘rsatib kelinadi. Uchinchi Renessansga

qadam qo‘yayotgan yangi O‘zbekistonni barpo etish yo‘lida fidokorona mehnatda aynan ayollarimizning alohida o‘rni borligi ko‘ngilda faxr tuyg‘usini yuksaltiradi.

Adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Oila va Mehnat kodekslarining gender ekspertizasi. – Toshkent, 2008.
2. O‘zbekiston Respublikasi Oila va Mehnat kodekslarining gender ekspertizasi. – Toshkent, 2008.
3. Kenjaeva X. Ayollar ijtimoiy faolligini oshirishda fuqarolik institutlarining o‘rni // “Scientific Progress” Scientific Journal. Volume: 1, Issue: 6.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Xalqaro xotin-qizlar kuniga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi nutqi // 2020-yil 7-mart.
5. Ayol – hayot beshigi, buyuk va mo‘tabar murabbiy // Xalq so‘zi, 2022-yil 12-yanvar.
6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi, 06.01.2021.
7. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography>
8. [www.http://sam.stat.uz](http://sam.stat.uz)
9. www.lex.uz
10. www.dtm.uz

*Shodiyev L.,
SamDU magistranti*

XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA SAMARQAND VA QRIM MA’RIFATPARVARLARINING O‘ZARO MA’RIFIY-MADANIY ALOQALARI

XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Turkistonda vujudga kelgan jadidchilik – milliy taraqqiyparvarlik harakati ham Turkiya, Eron, Kavkaz, Qrim, Ozarbayjondagi harakatlar singari ma’rifatparvarlik negizidan siyosiy harakatga aylanib, Markaziy Osiyoning ijtimoiy-siyosiy va madaniy hayotiga katta ta’sir ko‘rsatdi.

Bugungi kunda globallashuv sharoitida jadidchi ma’rifatparvar bobolarimizning hayoti va faoliyatini har tomonlama keng tadqiq etish va o‘ziga kelayotgan yosh avlod, yoshlar ongiga yetkazish yosh tarixchilar oldida turgan muhim vazifalardan hisoblanadi. Ayniqsa, jadidlar ma’rifiy-madaniy faoliyatining rivojlanishida Turkiya, Kavkaz, Qrim, Ozarbayjon taraqqiyparvarlik kuchlari bilan yo‘lga qo‘yilgan aloqalari ahamiyatini ochib berish muhim dolzarblik kasb etadi. Jadidchilik o‘z davrida davlatlararo va mintaqalararo muhim ahamiyatga ega taraqqiyparvarlik harakati bo‘lganligi sababli bugungi kunda bu harakat tarixiga bo‘lgan qiziqish tobora keng quloq yozib, nafaqat O‘zbekiston yoki Markaziy Osiyoda, balki Germaniya, Fransiya, AQSh, Yaponiya va Turkiya singari mamlakatlar olimlari shug‘ullanyapti [Jadidchilik: islohot, yangilanish mustaqillik va taraqqiyot uchun kurash. -Toshkent: Universitet. 1999 y., 23-b.].

Mavzuni tarixshunoslikda Adib Xolid, Boymirza Hayit, shu qatorda keyingi yillarda tarixchi olimlarimizdan Hamdam Sodiqov, Ravshan Shamsuddinov, Payon Ravshanov, Haydar Bobobekov, Hamid Ziyoyev,

Saidakbar A'zamxo'jayev, Dilorom Alimova, Dilbar Rashidova, Qahramon Rajabov, Dono Ziyayevalar, shu qatorda adabiyotshunoslardan Izzat Sultonov, Solih Qosimov, Begali Qosimov, Hamidulla Boltaboyev, Erik Karimov, Naim Karimov, Ozod Sharafiddinov, Bahtiyor Nazarov, Axmad Aliyev, Shuxrat Rizayev, Boybo'ta Do'stqorayeva, Muhtor Xudoyqulov, G'ofurjon Maxmudov kabilar jadidchilik harakatining asl mohiyati o'rganish hamda yoritishda salmoqli ish qilishgan [*Ж.Яхшиликов, Н.Убайдуллаева: Жади́дчи́лик ва Бехбудий. Тошкент, 2004 й., 4-б.*].

Jadidchilik harakati Turkiston o'lkasining turli hududlarida, shu jumladan, Samarqandda ham keng yoyildi. Jumladan, "jadidchilik otasi" deb tanilgan Mahmudxo'ja Behbudiy ham Samarqandlik bo'lib, u bilan yelkama-yelka shu davrda Samarqandda Siddiqiy Ajziy (1864-1927), Abduqodir Shakuriy (1875-1943), Saidrizo Alizoda (1887-1945), Hoji Muin (1883-1942) va boshqalar samarali faoliyat yuritishdi.

Samarqandlik ma'rifatparvarlarning o'lka aholisini intellektual rivojlantirishdagi faoliyatida ularning Qrim, Kavkaz, Turkiya, Eron va boshqa hududlarning taraqqiyparvar kuchlari bilan o'zaro madaniy-ma'rifiy aloqalari muhim ahamiyat kasb etadi. Xususan, bu borada Qrim ma'rifatparvarlarining alohida xizmatlari katta hisoblanadi. Shu o'rinda Bog'chasaroylik ma'rifatparvar Ismoil Gaspiriniskiy (1851-1914) 1893- va 1897-yillarda Turkistonga kelganda, o'lka jadidlariga o'zining ilg'or ta'lim uslublari (uslub-i savtiya), matbuot namunalari ("Tarjimon"), chiqargan darsliklari orqali Turkiston o'lkasi ma'rifatparvarlari bilan yaqindan aloqalar o'rnatadi. Ismoil Gaspiriniskiy tomonidan Bog'chasaroyda chiqarilgan "Tarjimon" gazetasi Turkistonga keng tarqalib, o'lkaning madaniy-ma'rifiy hayotiga katta ta'sir ko'rsatadi. Ba'zi tadqiqotchilar fikriga ko'ra, Mahmudxo'ja Behbudiy shu yillarda Qrim ma'rifatparvari Gaspiriniskiy bilan uchrashgan bo'lishi mumkin, degan qarashlar ham mavjud. Biroq Behbudiyning birinchi bibliografi Xoji Muinning ustoz haqidagi maqolalarida ba'zi fikrlar bor edi. Xoji Muin "Uchqun" jurnalining 1923-yil 1-sonida e'lon qilingan "Mahmudxo'ja Behbudiy" maqolasida shunday yozganini ko'rishimiz mumkin: "Behbudiy afandi Hijoz safaridan keyin, ya'ni 1899-yildan Ismoilbek Gaspiriniskiy tomonidan Bog'chasaroyda chiqayotgan "Tarjimon" gazetasini olib o'qiy boshladi". [*Naim Karimov. "Mahmudxo'ja Behbudiy". –Toshkent, 2010. 29-b.*] Bu vatqga qadar u Gaspiriniskiy bilan shaxsan tanish bo'lmagan va hatto "Tarjimon" gazetasini ham o'qimagan edi.

Mahmudxo'ja Behbudiy haj safaridan oldin bir necha yil qozixona va hukumat idoralarida ishlab kelayotgan missioner Ostroumovning "Turkiston viloyatining gazetasi"ni o'qib yurgan bo'lsa-da, bu gazeta uning tafakkurini kengaytirishga xizmat qilmadi. Ismoil Gaspiriniskiy tomonidan chiqarilgan "Tarjimon" gazetasini o'qiy boshlagandan so'ng tafakkur doirasi kengayib mustamlakachilarning Turkistonda olib borayotgan siyosatining tub mohiyatini tushunib yetadi. "Turkiston viloyati gazetasi"ning musulmonlarni ag'fol etish maqsadi bilan yozayotgan so'zlarini tushuna boshlaydi va o'ziga yaqin do'stlarini

mustabid hukumatning buzuq maqsadidan ogohlantiradi. Behbudiy Samarqanddagi yaqin safdoshlari, shu jumladan, butun Turkiston o'lkasi bo'ylab o'zi o'qigan gazetalarni tarqata boshlaydi.

Samarqandlik ma'rifatparvarning Ismoilbek Gaspiriniskiy tomonidan chiqarilgan "Tarjimon" gazetasini o'qishi bilan missioner Ostroumov muharrirlik qilgan gazetani asl mohiyatini tushunib yetib, undan yuz o'girishadi. Taxmin qilish mumkinki, yosh Mahmudxo'ja dunyoqarashining shakllanishida Ismoilbek Gaspiralinining xizmati katta bo'lgan. U 1881-yilda rus tilida "Rusiya musulmonligi" kitobini yozadi. Bu kitobda u Russiyada yashovchi barcha musulmonlarning o'zligini saqlab qolish yo'li bitta, u ham bo'lsa, ma'rifat va u orqali mamlakatning ijtimoiy, siyosiy madaniy hayotiga tengma-teng aralashishga erishmoqdir, degan fikrni ilgari suradi. Bu yo'ldagi birinchi qadam "usuli jadid", "usuli savtiya" maktablarini tashkil qilish bo'ladi. Ismoil Gaspirali 1884-yilda Bog'chasaroyda bir maktab ochadi va unga "usuli jadid maktabi" deb nom beradi.

Ismoilbek 1892-yilda Turkistondagi maktablarni isloh qilish "usuli savtiyani" joriy qilish taklifi bilan general gubernator N.O.Rozenbaxga murojaat qiladi. Javob ololmagach, 1893-yilda Toshkentga keladi, shu jumladan Samarqand va Buxoroda bo'lib, mahalliy xalq bilan yaqindan aloqalar o'rnatib dastlabki yangi usul maktablarini ochishga muvaffaq bo'ladi. So'ng 1897-yilda yana Turkistonga keladi. Ismoil Gaspirali kelib Turkistonga ochib ketgan maktablar uzoq davom etmadi, g'ayrishar'iy sifatida mutaassiblar tomonidan ta'qibga uchray boshlaydi, lekin "Tarjimon"ning mushtariylari ko'payib boradi. Samarqandlik ma'rifatparvar Mahmudxo'ja 1899-1900-yillarda Buxorolik do'sti bilan haj safariga chiqadi. "Baytullohga Kavkaz yo'li ila Istanbul va Misr al-Qohira orqali bordim, safarim sakkiz oydan ziyod davom etdi", deb yozadi Mahmudxo'janing o'zi. *[M.Behbudiy. "Tanlangan asarlar". –Toshkent: "Ma'naviyat", 1999-yil. 9-b]*

Haj safari sayohati davomida u Rossiya shaharlari, Qrim, Eron, Turkiya, Misr mamlakatlarida bo'lgan va boshqa yerdagi hayot bilan Turkistonning yashash tarzini taqqoslash imkoniyatiga ega bo'ldi. 1903-1904-yillarda Mahmudxo'ja Peterburg, Moskva, Qozon, Orenburg, Qrimda bo'ladi. Maorif sohasida Rossiya, ayniqsa, tatar qardoshlar tajribasi, Ismoil Gasprinskiy bilan tanishuv Behbudiyning butun sa'y-harakatini qayta qurish rejalarini amalga oshirishga qaratgan. *[Д.А.Алимова, Д.А.Рашидова. Махмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури. –Т, 1999 й., 10-б.]*

Behbudiyning dunyo ko'rishini behuda ketmaydi. Safar yangi maktab haqidagi qarashlarini mustahkamlaydi. Uning tashabbusi va g'ayrati bilan 1903-yilda Samarqand atrofidagi Holvoyi (S.Siddiqiy), Rajabamin (A.Shakuriy) yangi maktablar tashkil topadi. 1903-yilda Holvoyida qurilgan maktab binosi hozirgacha saqlanib qolgan. Abduqodir Shakuriy maktabini esa Behbudiy 1908-yilda Samarqandga o'z hovlisiga ko'chirib borganini ko'rishimiz mumkin. 1903-yilda Samarqandda yangi maktablar ochila boshlangandan so'ng Behbudiy afandi bir yoqdan xalqni maktab va maorifga tashviq etganidek, ikkinchi yoqdan, bu

maktablarda ona tilimizda kitoblar yoʻqligini koʻzda tutib, maktab uchun forscha va oʻzbekcha turli kitoblar yozadi va ularni oʻz maorifi bilan bosib tarqatganini koʻrishimiz mumkin. Ismoil Gaspiriniskiyning Turkistonga ikkinchi safari 1908-yilga toʻgʻri kelishligi va bu safar tafsilotlari “Buxoroda ne koʻrdim?” sarlavhasi ostida “Tarjimon” gazetasining shu yilda sonlarida (47, 50, 57, 59, 64, 78) bosilgan. Kaspiydan “General Skobelov” kemasida kelib Kvarnavodskdan poyezdga oʻtarkan, Koʻktepa urushini eslaydi. Ismoilbekni Yangi Buxoro (Kogon) stansiyasida amir odamlari va Rossiya siyosiy agentligi tarjimoni Mirhaydarbek kutib olganligi va amir odamlari uni Karmanaga taklif etadi. Manbalarda ziyofat asnosida Gaspiriniskiy valiahd bilan uchrashadi va valiahdning dunyo voqealaridan xabardorligini koʻradi. Gaspiriniskiy u yerdan Samarqandga oʻtadi va “Usuli jadid” maktablari bilan tanishadi. Samarqandda boʻlgan vaqtida Gaspiriniskiy Mahmudxoʻja Behbudiy va Abduqodir Shakuriylar bilan uzoq suhbatlar quradi. Gap tarix va kelajak, muqaddas obidalar va ularning taqdiri, rus istilochilik siyosati va oʻzlikni saqlab qolish haqida edi. [Naim Karimov. *Mahmudxoʻja Behbudiy. –Toshkent, 2010-yil. 32-b.*] Ismoil Gaspiriniskiy Samarqandlik doʻstlari huzuriga qilgan tashrifi chogʻida asosan boshlangʻich taʼlim va tarbiya ishlari bilan qiziqqan hamda Behbudiy va Shakuriyning bu sohada olib borayotgan ishlaridan mamnun boʻlganligini koʻrishimiz mumkin.

M.Behbudiy 1913-1914-yillardan boshlab asosiy eʼtiborni matbuot masalalariga qaratganini koʻrishimiz mumkin. Shubhasiz, Behbudiy shu yillardan avval ham Turkiston, Kavkaz, Qrim va Tataristonda nashr etilgan gazetalarda publitsistik maqolalari bilan ishtirok etgan. Xoji Muinning guvohlik berishicha, Samarqand maʼrifatparvarlarining moddiy yordami bilan 1913-yil aprelda Behbudiy muharrirligida chop etila boshlaydi. Shu bilan bir qatorda teatr sohasi va kitobxonlikka katta eʼtibor bergan. Behbudiyning 1914-yil 29-may kuni boshlangan katta sayohati davomida Kavkaz, Qrim, Turkiya, Gretsiya, Bolgariya, Avstriya va Germaniyaning turli shaharlarida boʻladi va bu shaharlardan Behbudiya kutubxonasi uchun juda koʻp kitob va risolalarni olib keladi. Afsuski, “Behbudiya” kutubxonasining 1917-yildagi inqilobiy voqealardan keyingi taqdiri xususida matbuotda biror xotira yoki maqola eʼlon qilinmagan.

Ismolibek Gaspiriniskiyning Oʻrta Osiyo boʻylab sayohati bu yerdagi madaniy va maʼrifiy hayotga oʻz taʼsirini koʻrsatgan desak, mubolagʻa boʻlmaydi. 1875-yilda Samarqand yaqinidagi Rajabamin qishlogʻida tugʻilgan Abduqodir Shakuriyning ota-onasi oʻz zamonasining ilm-maʼrifatli kishilari sanalib, otasi Qori Abdushakur imomlik tipida tashkil etadi va shu tariqa Samarqandda zamonaviy taʼlim islohotini yoʻlga qoʻydi. Dastlab jadid maktablarida rus va tatar darsliklari asosida taʼlim berilardi. Abduqodir Shakuriy ham oʻz maktabida tatar tilidagi “Ibodati islomiya”, “Muallimi avval”, “Muallimi soniy” kabi qoʻllanmalardan foydalanadi. Shu bilan birgalikda u Samarqandlik izdoshlari bilan birgalikda oʻz ona tilida darslik, qoʻllanmalar ham yaratib bordi. Tez orada

ushbu maktabning shuhrati keng yoyilishi hatto rus ma'muriyati tomonidan ham e'tirof etiladi.

Keyinchalik Shakuriy maktabi ham ta'qib ostiga olinadi va maktabning 11 joyga ko'chganining o'zidayoq maktab boshiga qanday xatarlar kelganini va jadidlar faoliyatini ta'qib ostiga olinganini ko'rishimiz mumkin.

Qisqacha xulosa qilib aytganda, butun Turkiston o'lkasida, nafaqat Samarqandda ham jadidchilikning vujudga kelishida boshqa hududlarning ham ta'siri sezilarli darajada bo'lgan, deyishimiz mumkin. Bu borada Qrim, Turkiya, Eron, Ozarbayjon va Kavkaz hududida vujudga kelgan jadidchilik g'oyalari va ushbu g'oyalarning Turkistonga ham tarqalishi muhim ahamiyat kasb etgan hisoblanadi. Shu o'rinda Samarqand jadidchiligining rivojida Qrim tatarlarning o'rni katta ekanligini bilamiz va bu borada Qrim ma'rifatparvari Ismoil Gaspriniskiy juda katta ishlarni boshlab bergan. Ismoil Gaspriniskiy va Turkiston jadidlarning otasi Mahmudxo'ja Behbudiy, Abduqodir Shakuriy va boshqalarning madaniy va ma'rifiy sohadagi aloqalari muhim omil bo'lgan deb aytishimiz mumkin.

Adabiyotlar

1. Алимова Д.А., Рашидова Д.А. Махмудхужа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури. –Т, 1999.
2. Jadidchilik: islohot, yangilanish mustaqillik va taraqqiyot uchun kurash. –Toshkent: Universitet, 1999.
3. Karimov N. Mahmudxo'ja Behbudiy. –Toshkent, 2010.
4. Mahmudxo'ja Behbudiy. Tanlangan asarlar. –Toshkent: "Ma'naviyat", 1999.
5. Ибрат, Сиддикий-Ажизий, Сўфизода. Танланган асарлар. –Т., 1999.
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 29.12.2020.
7. Яхшиликов Ж., Убайдуллаева Н. Жадидчилик ва Бехбудий. –Тошкент, 2004.

*Xolmatova U.,
Normurodova G.T.*

O'ZBEKISTONDA GENDER TENGLIK SIYOSATI: TARIX VA TAHLIL

Hozir jahon miqyosida gender teng huquqlilikni qaror toptirishga ijtimoiy taraqqiyotning, jamiyatni barqaror rivojlantirishning asosi sifatida qaralmoqda. Shuning uchun ham inson huquqlari sohasidagi barcha xalqaro huquqiy hujjatlarda teng huquqlilik va kamsitmaslik prinsiplari izchil rivojlanib va mustahkamlanib bormoqda. Bu borada BMT 1996-yildan boshlab insoniylik mezonlarining yana bir indeksi ayollar va erkaklar o'rtasidagi aniq teng huquqlilikni ta'minlash, ayollarning huquq va imkoniyatlarini kengaytirish, gender notengligini bartaraf etish bilan bog'liqdir [O'zbekiston Respublikasi "Oila" va "Mehnat" kodekslari. 2008. 6-b].

Yurtimizda keng e'tibor berilayotgan, qator chora-tadbirlar amalga oshirilayotgan, qonunlar imzolanayotgan gender tengligi siyosatining dolzarbligi aslida sir emas. Ayollarning jamiyatning ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy hayotida

faol ishtiroki jamiyat rivojiga olib keladi. Ayollarning o'z haq-huquqlarini bilishi, savodlilik darajasining oshishi o'z navbatida ular tarbiya qilayotgan yosh avlodning qanchalik darajada zukko bo'lib ulg'ayishiga, hozirgi tez rivojlanayotgan zamonga mos avlod bo'lib yetishishiga katta zamin yaratadi. Zero, kelajak yoshlar qo'lidadir. Xotin-qizlar haq-huquqlarining himoyasi ularga bo'linayotgan zo'ravonliklar, turli ko'rinishdagi tazyiqlar – bularning barchasi erkin demokratik hayot tarziga zid hisoblanib, aynan shu tomon bilan ham bu siyosat o'z dolzarbligini yo'qotmaydi.

O'zbekiston Respublikasi dunyoning jamiyat hayotida 7 davlatlar qatoriga kiradi. BMTning 1979-yil 18-dekabrda qabul qilingan "Xotin-qizlarga nisbatan kamsitishlarning barcha shakllariga barham berish" xalqaro konvensiyasiga O'zbekistonning qo'shilishi bu siyosatga befarq emasligini yaqqol ko'rsatib berdi. Xususan, Bosh Qomusimiz – O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining qator moddalarida bu masala o'z aksini topgan bo'lib, Konstitutsiyamizning 46-moddasida erkaklar va ayollarning teng huquqqa ega ekanliklari belgilab qo'yilgan. Xuddi shunday 18-moddada barcha fuqarolar teng huquq va erkinlikka ega bo'lib, jinsi, tili, dini, irqi, millati, ijtimoiy kelib chiqishidan qat'iy nazar qonun oldida tengdir [O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. 1992], deb belgilanishi teng huquqliylikning asosidir.

O'zbekiston Respublikasining mehnat to'g'risidagi qonun hujjatlarida ham ayollarning o'z reproduktiv funksiyalarini bajarishini ta'minlash kafolatlari mavjuddir. Jamiyat oiladan boshlanadi. Jamiyatni isloh qilish, avvalo, oilalardagi munosabatlar, oilada teng huquqlilik masalalaridan kelib chiqadi. Bu esa qonunchiligimizda belgilangan. Barcha fuqarolar oilaviy munosabatlarda teng huquqlilikka egadirlar. Nikoh tuzishda tili, dini, millati, jinsi, irqi, e'tiqodi, ijtimoiy kelib chiqishi, shaxsiy va ijtimoiy mavqeyi hamda boshqa holatlarda huquqlarni muayyan tartibda bilvosita yoki bevosita cheklashga yoki afzalliklar kiritishga hamda oliaviy ishlarga aralashishga yo'l qo'yilmaydi [O'zbekiston Respublikasi "Oila" kodeksi. 1998].

Oila va jamiyatda ayollarning haq-huquqlarining muayyan tartibda qonunlashtirilmasligi yoki e'tiborga olinmasligi, albatta, achinarli hollarga olib kelishi mumkin. Misol qilib birgina ayollarga nisbatan zo'ravonlik holatlari yevropada har 5 ta ayoldan bittasi, dunyoda esa har 3 ta ayoldan biri oilada zo'ravonlikka uchraydi. Bu ko'rsatkichlar turli davlatlarda turlicha, Norvegiyada 6%, Yangi Zelandiyada 20%, AQShda 22%, Kanadada 29%, Buyuk Britaniyada 30%, Turkiyada esa 58% ayollar zo'ravonlik qurboni bo'lganlar [O'zbekiston Respublikasi oila va mehnat kodekslari gender ekspertizasi. 2008. 10- bet].

O'zbekistonda esa muntazam monitoring tuzilmagan bo'lsa-da, O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirligining ayrim statistik ma'lumotlari mavjud. Bunga esa 1995-yilda 2540 ta nomaqbul oila hisobga olingan bo'lsa, 1998-yilda 3198 taga yetganligi va 2000-yilda 520 ta ayolga nisbatan jinsiy zo'ravonlik holatlari qayd etilgan. Albatta, bu ko'rsatkichlar ancha ayanchli. Aynan shu ko'rsatkichlarni kamaytirish va batamom tugatish uchun huquqiy

bilim hamda qonunlarning ijrosi ta'minlanishi kerak [O'zbekiston Respublikasi Davlat statistikasi. 2001].

O'zbekistonda xotin-qizlar demografiyasiga nazar solsak, ya'ni respublikamizda 2021-yil hisobidan kelib chiqib, jami 17 mln 185 500 nafar ayollar istiqomat qilishadi. Ayollarning yanada ijtimoiy-iqtisodiy hayotda keng ishtiroki o'z navbatida ularning mehnat unumdorlik koeffitsientini oshiradi. Aynan mana shunday bilimga chanqoq, ayni mehnat faoliyatini izga tushurish yoshidagi 20-29 yoshli ayol-qizlarimiz respublikamizda 2 926 125 nafarni tashkil etadi. Xotin-qizlarni muntazam ish bilan ta'minlash, mehnat bozorida o'z o'rinlarini topishga zarur shart-sharoitlar ta'minlab berilayotganiga qaramay migratsiya jarayonida ayollarning salmog'i 2021-yilda 121 848 kishi bo'lsa, ko'chib kelganlar 115 842 kishi bo'ldi. Bu esa ayollarning migratsion kamiyishining 6 006 kishiga tashkil etdi. To'g'ri, yuqoridagi migratsion kamayish raqamlari faqatgina ayollarning moddiy jihatiga borib taqalmaydi aslida, biroq davlatimiz 2021-yil 1-choragida aynan mehnat migratsiyasidan qaytgan, kam ta'minlangan oilalar qizlarining 948 nafar band bo'lmaganlarini kasb-hunar muassasalarida 1 oydan 3 oygacha bo'lgan kurslarda o'qitish uchun 683.1 mln so'm mablag' ajratdi. Yurtimizda qishloq joylarda ayollar ayni bilim egallash va kelajak poydevorini qo'yish yoshidagi, ya'ni 20-24 yoshlilari 688 800 ni tashkil etsa, 25-29 yoshlilar 799 000 nafarni tashkil etmoqda. [O'zbekiston Respublikasi davlat statistikasi yillik ayollar demografiyasi. 2021].

Xotin-qizlarning ishdagi maqomining pastligi shunga olib keladiki, ular kamroq darajadagi iqtisodiy erkinlikka olib keladi. Xotin-qizlar mehnatiga erkaklarnikiga nisbatan past haq to'lanishi, bu ko'rsatkich O'zbekistonda 80% ni tashkil etadi, ularning mustaqil ta'lim sohasidagi va shaxs rivojidadagi imkoniyatlarini pasayishiga olib keladi. Bu misollar ayollarning ijtimoiy faolligini, ularning huquqlaridan to'laqonli foydalana olishini kuchaytirish kerakligini ko'rsatadi, albatta. Ana shunday natijalarga erishishda davlatning erkaklar va ayollarning teng huquq va imkoniyatlarga ega bo'lishini ta'minlashga oid qonun chiqaruvchilik faoliyatini tahlil qilish zarurati ayollarning huquqlari ham insonlarning umumiy huquqlarining ajralmas qismi ekanligi bilan izohlanadi. Umuman olganda, davlatimizda qabul qilingan har bir qonun hujjatlarini ko'zdan kechirar ekanmiz, bu siyosatga doir muammolar yechimlari izlanganini ko'rishimiz mumkin.

O'zbekiston Respublikasi gender tenglik siyosatiga eng katta qadamini 2019-yil amalga oshirdi. Muhtaram Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev boshchiligida 2019-yil 2-sentabr kuni "Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida"gi [O'RQ-529. 2-sentabr 2019-yil] qarorining qabul qilinishi yurtimizdagi gender tenglik masalasidagi ildam qadam bo'ldi. Prezidentimiz tomonidan bu masalaning dolzarbligi aytilgan murojaatnomadan e'tiboran chora-tadbirlar ko'lami ishlab chiqildi. Xususan, so'nggi yillarda xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlarga erishish, jamiyat va davlat ishlarini boshqarishda ularning teng ishtirok etishini

ta'minlash, xotin-qizlarni tazyiq va zo'rovonlikka qarshi himoya qilishga qaratilgan qator islohotlar amalga oshirildi va xotin-qizlarni ijtimoiy himoya qilish, ularga huquqiy yordam va bilim berish kabi ijtimoiy ishlar amalga oshirilib kelinmoqda. Aynan yuqoridagi fikrimiz dalili sifatida sohaga oid aynan gender tenglik masalasi bo'yicha 25 ta qonunchilik hujjati qabul qilindi.

Shu masala yuzasidan yurtimizda O'zbekiston Respublikasining Gender tenglikni ta'minlash masalalari bo'yicha komissiya va O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatida Xotin-qizlar va gender tenglik masalalari qo'mitasi tashkil etildi. Komissiya raisi etib tayinlangan senat a'zosi Tanzila Narbayeva 2021-yil 30-iyundan 2-iyulgacha BMT boshchiligidagi "Tenglik avlodi" xalqaro forumida qatnashdi va nutqida O'zbekistonning gender tenglikka 2030-yilda erishishini va bunga asosiy baza yaratilganini alohida ta'kidlab o'tishiga ham asos bor edi, chunki BMTning parlamentga tavsiya etgan foiz stavkalariga O'zbekiston erishdi, ya'ni parlamentda xotin-qizlar soni 32% ga yetdi. Bu esa o'z navbatida 190 davlat parlamenti orasida 37-o'rin edi.

Yuqorida aytib o'tganimiz gender tenglikka 2030-yilga kelib to'la erishishimiz masalasidagi sohaga oid qonun hujjatlarning ijrosini ta'minlash borasida O'zbekiston Respublikasining 2020-2030-yillarda gender tenglikni ta'minlash strategiyasi ishlab chiqildi. Bu strategiyaning ishlab chiqilishida O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, "Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq va imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida"gi qonuni, O'zbekiston Respublikasining rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari Harakatlar strategiyasi hamda 2030-yilgacha bo'lgan davrda barqaror rivojlanish sohasidagi 5-maqсад gender tenglikni ta'minlash va barcha xotin-qizlarning huquq va imkoniyatlarini kengaytirish mamlakatimizda xotin-qizlar va erkaklarning teng huquq hamda imkoniyatlarini ta'minlashga qaratilgan islohotlar bilan hamohang ishlab chiqildi.

Ota-onasi yoki ularning biridan ayrilgan muhtoj qizlar, boquvchisi yo'q yolg'iz ayollarning o'qish to'lovlarini qoplab berish tizimi joriy etilib, oliy o'quv yurtlariga qabul qilishda ehtiyojmand oilalar qizlari uchun grantlar soni ikki baravarga ortdi. Oliy ta'limda qiz bola talabalar soni sezilarli ko'paydi.

Sohada olib borilayotgan islohotlar xalqaro reytinglardagi mamlakatimiz o'rniga ijobiy ta'sir ko'rsatib, Jahon bankining Ayollar, biznes va qonun indeksida O'zbekiston 2020-yilda xotin-qizlar huquqlari va gender tenglik bo'yicha ahamiyatga molik islohotlarni amalga oshirgan 27 ta davlat qatoriga kiritildi va 5 pog'onaga yuqorilab, 190 ta davlat orasida 134-o'rinni egalladi.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, yurtimizda gender tenglikni ta'minlashga davlat siyosati ustuvor masalalardan biri sifatida qaralib, har bir ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy jabhalarda xotin-qizlarning faolligini oshirish bo'yicha chora-tadbirlar ko'rilyapti. BMT bosh kotibi Antonio Guterrish bir necha bor ta'kidlaganidek, gender notengligiga asoslangan zo'rovonlik muammosi ayollar va qizlarning jamiyatdagi rolga nisbatan saqlanib qolgan butun dunyoda keng tarqalgan eskicha munosabat va qarashlardan kelib chiqadi. Shunday ekan har bir xotin-

qizning haq-huquqlari bu umuminsoniy huquqlarning ajralmas qilsmidir. Jamiyatimizda xotin-qizlarning o'rnini beqiyos: xoh u siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy bo'lsin, xoh oilaviy munosabat bo'lsin. Inson qadri qadrlangan yurt kelajagi porloq, albatta. Bu borada qonunchiligimizda qabul qilinayotgan qonunlarning ijrosi muntazam ta'minlanar ekan, hech qaysi xotin-qiz notengliklarga duch kelmaydi, bundan aziyat chekmaydi.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. -T., 1992.
2. O'zbekiston Respublikasi Oila kodeksi. 3-modda. -T., 1998.
3. O'RQ-529. 2-sentabr, 2019.
4. O'zbekiston Respublikasi davlat statistikasi qo'mitasi yillik hisoboti.
5. O'zbekiston Respublikasi Oila va mehnat kodekslari gender ekspertizasi. -Toshkent, 2008.
6. Shon Bern. Gender psixologiyasi. SPB., 2001.
7. Gender munosabatlar nazariyasi va amaliyotiga kirish. -T., 2007.
8. www.ombudsman.uz

*G'aniyev M.,
SamDU magistranti*

O'RTA OSIYO IBTIDOIY DAVRI TURAR JOYLARI: TADQIQOT MUOMMOLAR VA ISTIQBOLLAR

O'rta Osiyo xalqlarining shaharsozlik an'analari asrlar qa'riga borib taqaladi. Ijtimoiy mehnat taqsimoti, mulkiy tabaqalanish, ishlab chiqarishning o'sishi shahar aholi punktlari: ma'muriy hokimiyat, hunarmandchilik va savdo markazlarining paydo bo'lishiga olib keldi. Urbanizatsiya jarayonini makon-vaqt o'lchovida amalga oshirish shakllari va darajalarida notekis rivojlanish qonunining ta'siri namoyon bo'ladi. Bu O'rta Osiyo tarixida ham qayd etilgan: bu hududda urbanizatsiya jarayoni bir xil bo'lmagan – O'rta Osiyo janubidagi protoshaharlar miloddan avvalgi III ming yillikning oxirida, shimoliy va shimoli-sharqida esa (shu jumladan, O'rta Sirdaryo havzasida) birinchi shaharlar miloddan avvalgi I ming yillikning 1-yarmi va o'rtalarida paydo bo'lgan¹.

Markaziy Osiyoning bu qismida urbanizatsiya jarayonini o'rganish alohida ahamiyatga ega. Uning tabiiy iqlim sharoiti xilma-xil, hududi boy tabiiy resurslarga ega. Geografik joylashuviga ko'ra O'rta Sirdaryo havzasi miloddan avvalgi I ming yillikda sivilizatsiya va shahar madaniyati paydo bo'lgan Qadimgi Sharq dunyosining chekkasi edi. Bundan tashqari, ko'p asrlar davomida o'troq dehqonchilik madaniyati dunyosi bilan ko'chmanchi madaniyat olami o'rtasida chegara mavjud edi. Bu omillarning barchasini hisobga olgan holda, O'rta Sirdaryo havzasini, uning rivojlanishining fazoviy kengayishini va murakkablashishini ta'minlaydigan urbanizatsiya jarayonining refleks zonalariga

¹ Alekshin V.A. Markaziy Osiyo janubidagi urbanizatsiya bosqichlari // Urbanizatsiya zonalari va bosqichlari. - Toshkent: Fan, 2021.

to'liq bog'lash mumkin. Urbanizatsiya xususiyatlarini aniq tarixiy jamiyatlarda belgilash – bu holda O'rta Sirdaryo havzasi mintaqasida, O'rta Sirdaryoning birinchi shahar markazlaridan biri Arxaik Xo'jand (miloddan avvalgi I ming yillikning birinchi uchdan bir qismi) hisoblanishi kerak. Ustrushona (Istaravshan) tarixiy-madaniy rayoniga kelsak, yozma manbalarga ko'ra, bu yerdagi dastlabki shaharlar Kurushkada, Baga, G'azo va boshqalar bo'lgan (miloddan avvalgi VI-IV asrlar).¹

Muayyan mintaqadagi bitta shaharning tarixi ma'lum bir xronologik doirada ushbu mintaqadagi deyarli barcha voqealarni aks ettiradi. Bu yerda xususiyning umumiyga munosabati va fikr-mulohazalari aniq kuzatilgan: ma'lum bir makonning bir obyektining tarixi va bir mintaqaning ma'lum bir davrdagi tarixi. Shu munosabat bilan shahar Istaravshan (sobiq O'ratepa) Tojikistonda urbanizatsiya muammolarini o'rganishning muhim objekti hisoblanadi.

Urbanizatsiyani umumiy hududiy jarayonlar nuqtai nazaridan va ma'lum bir hududdagi yagona shahar tarixi bilan solishtirganda o'rganish muammolari har tomonlama ko'rib chiqish imkonini beradi. Muammoni hal qilishning ushbu yondashuvi tanlangan tadqiqot mavzusining dolzarbligini anglatadi.

Shu o'rinda ta'kidlash kerakki, urbanizatsiyani o'rganish bo'yicha yana bir tarixiy-madaniy mintaq – O'rta Sirdaryo havzasining ajralmas qismi bo'lgan Choch-Iloqda ham salmoqli ishlar amalga oshirildi. Shahar hududlari, istehkomlar, old va jamoat binolari, turar joy va hunarmandlar kvartallarining relyefi va rejasini batafsil o'rganishni o'z ichiga olgan bu ishlar viloyat shaharlari tarixini ularning rivojlanish dinamikasida izchil ochib berish imkonini berdi.

Urbanizatsiya yo'llari va bosqichlarini o'rganishga tizimli yondashuv, shu jumladan, arxeologik yodgorliklarning barcha toifalari, xomashyo manbalari, ichki va mintaqalararo aloqa vositalarini tahlil qilish "Qadimiy va o'rta asrlar shaharlari" monografiyasi mualliflari tomonidan qo'llanilgan. "Sharqiy Movarounnahr» asarida antik davr va o'rta asrlarda (miloddan avvalgi III asr – XVIII asrlar) Sharqiy Movarounnahrning bepoyon hududi shahar madaniyati shakllanishining irsiy sabablari va qonuniyatlari xolisona tahlil qilingan.

Istaravshan haqidagi alohida asarlarda Ustrushona va butun O'rta Sirdaryo havzasining urbanizatsiya jarayonining turli jihatlari shaharsozlik madaniyatining boshqa masalalarini o'rganishda to'xtalib o'tgan. Istaravshan moddiy madaniyati tarixini o'rganishda me'moriy yodgorliklar muhim manba bo'lib, ularning soni O'ratepada Tojikistonning boshqa shaharlariga qaraganda ko'proqdir. Shu munosabat bilan arxeologik yodgorliklar bilan bir qatorda O'ratepaning ko'plab me'moriy yodgorliklari ham o'rganildi².

O'ratepa-Istaravshanning so'nggi o'rta asr va yangi tarixi yaxshi o'rganilgan. A.M.Muxtorov taniqli yozma manbalarni har tomonlama tahlil qilib, XVII-XIX asrlardagi shaharning umumiy tarixi va butun mulki sahifalarini

¹ Anarboyev A. O'rta Osiyoning o'rta asr shaharlarini obodonlashtirish. -Toshkent: Fan, 2017.

² Axner A.C., Kogan L.B., Yanitskiy O.I. Urbanizatsiya, jamiyat va ilmiy-texnik inqilob // Falsafa savollari, 2018-yil, 2-son.

tiklabgina qolmay, Istaravshan va madaniyati tarixining alohida muammolarini ham ko‘rib chiqdi. U shaharning choraklik tuzilishini, guzarlarning tashkil topgan vaqtini, aholisining kasb-hunarlarini juda sinchiklab o‘rgangan. Istaravshan tarixining A.M.Muxtorov asarlarida ko‘rib chiqilgan eng dastlabki davri Istaravshanda temuriylar hukmronligining so‘nggi yillari hisoblanadi.

A.Q.Mirboboev Sirdaryo havzasining o‘rta qismidagi urbanizatsiyani o‘rganishga katta hissa qo‘shgan. U o‘z tadqiqotida ahamiyat bermagan shahar hayotining qirralarini topish qiyin. Uning ko‘plab asarlarida viloyatning qadimiy shaharlarini mahalliyashtirish, shahar aholisining diniy e‘tiqodi va mifologiyasi, shaharlarni obodonlashtirish va sug‘orish, ta‘lim va madaniyat masalalari o‘z aksini topgan.

O‘rta asrlar shahrining shakllanishi va faoliyatining murakkab jarayoni, u nafaqat qurilish ufqlari va u yoki bu aholi hayotining tegishli xronologik segmentlarini yoki ularning madaniy o‘zaro ta‘sirini aniqlash muammosini o‘z ichiga oladi – bularning barchasi birinchi navbatda ko‘p komponentli jarayondir. Asrlar davomida turli ijtimoiy-iqtisodiy qarama-qarshiliklar fonida yuz berdi. Shu o‘rinda shuni ta‘kidlash joizki, O‘ratepa-Istaravshan tarixi qazish materiallari asosida Mug‘tepa va boshqa manzilgohlar stratigrafiyasida o‘z aksini topgan.

Yuqoridagi usullardan foydalanish butun mintaqaning urbanizatsiya jarayonini bir butun sifatida va O‘rta Sirdaryo havzasining asosiy shahar markazlaridan biri – O‘ratepa-Istaravshan shahri misolida ko‘rib chiqish imkonini berdi. Biz shaharning yagona organizm sifatida faoliyat yuritishini tarixiy voqealar fonida va uning atrofidagi qishloq okrugi bilan yaqin aloqada, ya‘ni bu nafaqat O‘ratepa-Istaravshan tarixi, balki kengroq ma‘noda – O‘rta Sirdaryo havzasining butun mintaqasi tarixi kontekstida Vagkat rustak va ma‘lum darajada Ustrushona tarixiy-madaniy mintaqasi tarixidir. “Qadimiy shaharning shakllanishi va rivojlanishini o‘rganishning metodologik muammolari” va “Shaharning ishlab chiqarish markazi sifatida shakllanishi” asarlarining asosiy qoidalari ushbu tadqiqotning uslubiy asosi bo‘ldi.

Tadqiqotimizning xronologik doirasi muhim tarixiy davrni qamrab oladi: miloddan avvalgi I ming yillikning boshidan va eramizning II ming yillik o‘rtalarigacha. Urbanizatsiyaning dastlabki bosqichi uchun yozma manbalar deyarli yo‘q, shuning uchun bizning tadqiqotimiz uchun asosiy manba arxeologik qazishmalar materiallari hisoblanadi.

*Абдузанноров О.А.,
СамДУ магистранти*

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХЎЖАЛИГИ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ
(Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё)**

Жаҳон тарихи тарихшунослиги маълумотига кўра, Олд Осиё минтақасида дastлабки ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтиш жараёни рўй

берган¹. Яқин Шарқ ва Эрон ҳудуди Қадимги Шарқ цивилизациясини ўрганишда энг истиқболли ўлкалардан бири ҳисобланади. Месопотамия, Фаластин, Анатолий, Загрос тоғ ён адирлари, Санжар воҳаси миқёсида мил. авв. VIII-VII минг йилликларга оид Жармо (Буюк Британия), Хассун (Буюк Британия), Умм Дабагия (Россия-Буюк Британия), Телюль ас-Таласат (Япония), Магзалия (Россия), Сотто (Россия), Куюл тепа (Россия) каби ёдгорликлар тадқиқотида катта ҳажмда қўлга киритилган материаллар ишлаб чиқариш иқтисодиётининг пайдо бўлиши омилларини аниқлаштириш бу тарихий жараён кечган шарт-шароитларни реконструкция қилиш имконини берган. Соҳа тадқиқотчиларининг кўрсатишича, Жанубий-Ғарбий Ўрта Осиё илк ишлаб чиқариш иқтисодиёти шаклланган минтақалар сирасига киради ва бу жойлар Жанубий Туркменистон Копетдоғ шимолий ён бағирларига тўғри келиб, илк деҳқончилик хўжалиги соҳиблари сифатида бу жойда тадқиқ этилган маданият – Жойитун жамоалари маданияти номи билан фанга кирган².

Тадқиқотлардан маълумки, ибтидоий одамзод турмушида ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтиш ўзига хос тарихий шарт-шароитлар негизида рўй берган. Сўзсиз, бунда ибтидоий жамоалар яшаган жой ландшафти, табиати, иқлим шароити муҳим рол ўйнаган. Тоғ ён бағри воҳаларида ўсган ёввойи бошоқли, донли ўсимликлар сўли, арпа, буғдойларнинг гибридлашуви, маданийлашувига воситачи бўлган. Яқин Шарқ, Жанубий-Ғарбий Ўрта Осиё (Копетдоғ ён бағирлари, Жойитун жамоалари), Марказий ва Жанубий Тожикистон ҳудудида (Ҳисор жамоалари), Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ён бағри илк деҳқончилик хўжалигига доир маълумотларга эга бўлган ёдгорликларнинг ўртача баландликдаги тоғлар ён бағри ёки алоҳида тоғ воҳалар дарёлари, йирик сойларнинг соз тупроқли ён қайирларида жойлашганлиги тадқиқотларда аниқланган. В.А.Ранов Ҳисор жамоалари ёдгорликларининг жойланиши ҳолатлари Яқин Шарқ неолит ёдгорликларига ўхшашлигини алоҳида эътироф этган. Шу нуқтаи назардан, М.Джуракулов, Н.Холматовлар Ўрта Зарафшон воҳаси Сазағон неолит жамоалар маконлари Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағри йирик сойлари (Оҳалик, Миронқул, Тепақул, Эгриқулча, Сазағон каби) соз тупроқли ён қайирларида жойлашганлиги ва бу ҳолат жамоаларнинг дастлабки деҳқончилик юмушлари билан шуғулланишларига имкон берганлиги борасида тадқиқотларида маълумот келтиради. Яқин вақтларгача Зарафшон воҳаси миқёсида дастлабки ўтрок

¹ Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. М.Л., Наука, 1964, с.466. Первые цивилизации. М., Наука, 1989; Шнирельман В.А. Происхождение скотоводства. Москва, Наука, 1980. Шнирельман В.А. «Неолитическая революция» и неравномерность исторического развития – Проблемы переходного периода и переходных общественных отношений. Москва, 1986. Шнирельман В.А. Возникновение производящего хозяйства. М., 1989; Бадер О.Н. Древнейшие земледельцы Северной Месопотамии. М., Наука, 1989. Семенов С.А. Происхождение земледелия. М., 1974.

² Массон В.М. Поселение Джейтун (проблема становления производящей экономики) -МИА, №180, Л.: Наука, 1971.

деҳқончилик маданияти Замонбобо, Саразм ёдгорликлари мисолида тадқиқ этилган эди¹.

Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағрида СамДУ археологик экспедицияси ходимлари томонидан республикамиз мустақиллиги йиллари мобайнида тош даври жамоалари моддий маданиятини ўрганиш борасида муҳим кашфиёт ва ютуқлар қўлга киритилган. Хусусан, Сазағон неолит маданияти мустақил маданият сифатида ажратилиб, илмий асосланган. Тепакул 3, Тепакул 4, Тепакул 5, Олмабулоқ макони, Лолаб, Қоракамар, Очил ғор маконлари кашф этилиши асосида мазкур минтақада нафақат неолит даври жамоалари, балки мезолит ва ҳатто палеолит жамоалари ҳам яшаб, ўзига хос моддий маданият яратишганликлари маълум бўлди. Олмабулоқ макони СамДУ экспедиция ходимлари томонидан 2000 йили кашф этилиб, 2001 йили ҳам тадқиқот давом эттирилган археологик ёдгорлик ҳисобланади. Макон тадқиқоти жараёнида қўлга киритилган тош қуроллари леваллуа – мустъе технологик услубига эга бўлиб, улар ўз жиҳатлари билан Зирабулоқ, Омонқўтон каби палеолит маконлари тош қуролларига ўхшайди. Баъзи тош қуроллари шакли ва ишлов бериши услубларида Самарқанд макони тош қуролларига хос технологик услуб ва хусусиятлар сақланиб қолганлиги ҳолатлари кузатилади. 2005 йилдан ҳозирги кунга қадар Оёқагитма ёдгорлиги базасида Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедицияси Ф.Бруней ва М.Хўжаназаров раҳбарлигида тадқиқот ишларини ўтказиб келмоқда. Шунингдек, Тепакул 3 ёдгорлиги 1990-1996 йиллари мабойинида, Тепакул 4 неолит макони эса 1996-2004 йилларда тадқиқ этилди. Шунингдек, Олмабулоқ палеолит макони Самарқанд давлат университети археологик экспедицияси ходимлари томонидан 2000 йили кашф этилиб, 2001 йили тадқиқоти давом эттирилган. 2000 йил кузида Сазағонсой ва унга қўшни бўлган сойлар ён дараларида археологик қидирув ишларини амалга ошираётган пайтда Катта Қуруқсой ён дарасида Қоракамар ғор маконини кашф этишга эришилган. СамДУ археологлари айни кунларда 2004 йилда кашф этилган Очилғор маконида археологик тадқиқ ишларини давом эттирмоқда. Тадқиқот натижалари ёдгорлик мезолит, неолит даври жамоалари моддий маданиятига тегишли эканлигини кўрсатди.

Зарафшон воҳаси неолит даври жамоалари турмушида ишлаб чиқариш иқтисодиёти бўлганлиги масаласини ойдинлаштиришда Қуйи Зарафшондаги Оёқагитма неолит маконидан яқинда Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедицияси ходимлари томонидан (Ф.Брунет, М.Хўжаназаров) хонакилаштирилган ҳайвон суякларининг топилиши муҳим аҳамият касб этди. Тадқиқотчилар мазкур жамоалар чорвачилик хўжалиги

¹ Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. – Ташкент: Фан, 1966; Исаков А. Саразм. М., Наука, 1991.

билан шуғулланишганликларини таъкидланмоқда.¹ Юқорида келтирилганидек, Сазағон маданияти маконлари, Учтут чакмоқтош устахонаси ҳамда Оёкагитма макони маълумотлари Зарафшон хавзаси Ўрта Осиёнинг жанубий, жанубий-ғарбий ҳудудлари сингари неолит даврида энг қадимги ишлаб чиқариш иқтисодиёти бўлган марказлардан бири эканлигидан гувоҳлик беради.

Хуллас, инсоният кундалик турмуш тарзида бу хўжалик асосининг вужудга келиши жамият ишлаб-чиқариш муносабатлари, ишлаб-чиқариш кучлари, хўжалик асослари, жамоалараро ижтимоий муносабат, маданий алоқалар, ибтидоий давр экологик шароитлари каби муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқликда кечган.

Адабиётлар

1. Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. -М.-Л.: Наука, 1964.
2. Массон В.М. Первые цивилизации. -М.: Наука, 1989.
3. Шнирельман В.А. Происхождение скотоводства. –Москва: Наука, 1980.
4. Шнирельман В.А. «Неолитическая революция» и неравномерность исторического развития – Проблемы переходного периода и переходных общественных отношений. -Москва, 1986.
5. Шнирельман В.А. Возникновение производящего хозяйства. -М., 1989.
6. Бадер О.Н. Древнейшие земледельцы Северной Месопотамии. -М.: Наука, 1989.
7. Семенов С.А. Происхождение земледелия. -М., 1974.
8. Вавилов Н.И. Центры происхождения мирового земледелия в свете современных исследований. Избр.тр. -М., 1965. Т. 5.
9. Массон В.М. Поселение Джейтун (проблема становления производящей экономики)-МИА, №180, -Л.: Наука, 1971.
10. Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. – Ташкент: Фан, 1966.
11. Исаков А. Саразм. М., Наука, 1991.
12. Хужаназаров М., Брунет Ф., Шимчак К. Археологические исследования Узбекско-Французской экспедиции на памятниках Кызылкумов. Археологические исследования в Узбекистане 2004-2005 годы. Ташкент, 2006.
13. Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедицияси илмий ҳисоботи – 2008, 2009 й.

*Аҳмедов Ф.Т.,
СамДУ магистранти*

ЎЗБЕКИСТОН ТОШ ДАВРИ ЖАМОАЛАРИНИНГ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Ўрта Осиё пасттекислик минтақасида яшаган қадимги овчилик ва балиқчилик хўжалиги билан шуғулланган Қалтаминор тарихий-маданий жамоаларининг қўшни ҳудудлар неолит жамоалари билан ўзаро маданий алоқалари масаласи дастлаб С.П.Толстов томонидан эътиборга олинган эди.

¹ Хужаназаров М., Брунет Ф., Шимчак К. Археологические исследования Узбекско-Французской экспедиции на памятниках Кызылкумов. Археологические исследования в Узбекистане 2004-2005 годы. Ташкент, 2006. -Стр. 244-250; Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедицияси илмий ҳисоботи – 2008, 2009 й.

Бунда Жонбос-4 макони манбалари асосида Калтаминор жамоалари маданияти кўп жиҳатлари билан Ўрта Осиё жанубий ҳудудлари илк деҳқончилик хўжалиги соҳибкорлари ҳисобланувчи Жойитун жамоалари маданиятига ўхшашликлари кузатилган (тош индустрияси характери, сопол идишлар хусусиятлари)¹. Кейинги тадқиқотларда ҳам Калтаминор жамоаларининг кўшни жанубий ҳудудлар ҳамда шимолий минтақалар, хусусан, Жанубий Урал ва Уралорти неолит жамоалари билан маданий алоқалари масаласи алоҳида эътироф этилган эди. А.В.Виноградов Калтаминор тарихий-маданий жамоалари моддий маданиятини атрофлича ўрганар экан, мазкур жамоаларнинг тош қуроллари (микролит, хусусан, геометрик шаклдаги қуроллар), сопол идишлари шакли, ясаиш технологик усуллари, нақшлари билан, бир томондан, Шарқий Каспий бўйи неолит жамоалари, иккинчи томондан, Жанубий Туркменистон Жойитун жамоалари моддий маданиятига ўхшашлиги борлигини алоҳида қайд этади².

Ватанимиз сарҳадларида кейинги йилларда амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижалари тош даври жамоаларининг маданий алоқалари мазкур масалада Зарафшон воҳасининг истиқболли эканлигини кўрсатди. Хусусан, Зарафшон воҳасидаги Қўтирбулоқ, Зирабулоқ маконлари тош индустриясининг Тошкент воҳасидаги Обираҳмат макони, Бўзсув ёдгорликлари тош индустриясига ўхшашлиги тўғрисида қизиқарли маълумотлар қўлга киритилган³. Хусусан, Р.Х.Сулаймонов Обираҳмат макони тош индустрияси характерини ўрганиб, тош қуролларини типологик жиҳатдан илмий таҳлил этар экан, улар баъзи жиҳатлари билан Омонқўтон макони тош қуролларига ўхшашлигини қайд этади. Бу ўхшашликни парақа ва отшеп қуроллари нисбати, уларнинг ўлчамлари, ишлов берилиш услублари, шунингдек, қўпол, архаик кўринишдаги призмасимон тош ўзакларининг мавжудлиги билан изоҳлаб, шу асосда маконни тадқиқотчи Обираҳмат маданиятига тортилишини эътироф этади. Тошкент ва Зарафшон ҳавзаси тош асри жамоалари маданиятининг ўзаро маданий яқинликлари тўғрисидаги фикрини давом эттириб, Р.Х.Сулаймонов Учтут, Ижонд, Вауш, Тутли каби маконлар моддий маданияти Обираҳмат маданиятига хронологик жиҳатдан тенгдошдир, деган хулосани ҳам билдиради⁴. М.Ж.Жўрақулов Самарқанд макони тош қуроллари кўп жиҳатлари билан Жанубий Сибир, Олтой ўлкаси, Монголия, Қозоғистон ҳудуди ҳамда Тожикистон (Шугнов), Шимолий Афғонистон (Қоракамар, Оққўприк 1, 3) ҳудудлари палеолит маконлари қуролларига ўхшашлигини алоҳида эътироф

¹ Толстов С.П. Древний Хорезм. -М., 1948.

² Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. М.: Наука, 1981, с.129-163.

³ Холматов Н.У. Тошкент ва Зарафшон ҳавзаси тош даври жамоалари маданияти хусусида. Ўзбекистон пайтахти Тошкент 2200 ёшда. Халқаро илмий конференция материаллари. -Тошкент, 2009, 17-21-бетлар.

⁴ Сулейманов Р.Х. Статистические изучение культуры грота Обирахмат. -Ташкент: Фан, 1972. 117-118-б.

этади¹. Куйи Зарафшон воҳаси Чорбакти мезолит даври жамоалари моддий маданиятининг Самарқанд макони ҳамда Ўрта Осиё тоғ минтақаси палеолит, мезолит жамоалари маданиятига ўхшашлик жиҳатлари ҳам тадқиқотларда кузатилган². Зикр этилган тадқиқотлар Ўрта Осиё мезолит даври жамоаларининг ўзаро маданий алоқалари тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Б.Сайфуллаев, Н.Хушвақтов, И.Қурбонбоевлар Кўлбулоқ макони юқори маданий қатламлари (I-III) тош қуроолларини қайта янгилаш ёндашув асосида техник-типологик жиҳатдан ўрганишиб, мазкур қурооллар кўп хусусиятлари билан Зарафшон сўнгги палеолит қуроолларига ўхшаш деган хулосага келишди. Н.Тошкенбоев, Р.Х.Сулаймоновлар Кўтирбулоқ, Зирабулоқ маконлари тош индустрияси ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишиб, улар тош индустрияси асосини призмасимон тош учуриб олиш техник услубига бўлган усул (протопризматическая) ташкил этганлиги ва бу хусусият билан Обираҳмат маданиятига (пастки маданий қатламлар) маданий яқинлик мавжудлиги фактини аниқлашди³. Шунингдек, яқин йилларда Самарқанд давлат университети археологлари томонидан Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа массиви шимолий ён бағрида тош даври жамоалари моддий маданиятини ўрганиш жараёнида кашф этилган Олмабулоқ палеолит макони, Очил ғор макони тадқиқотида қўлга киритилган ашёлар қизиқарли маълумотлар берди. Олмабулоқ макони тадқиқотининг дастлабки натижалари макон тош индустрияси ўз жиҳатлари билан Кўтирбулоқ, Зирабулоқ, Самарқанд маконлари индустриясига яқин эканлигидек хулосага келиш имконини берди. Очил ғор макони тош қурооллари билан бевосита танишган Ўткир Исломов уларни мезолит даври жамоаларига тегишли эканлигини таъкидлаб, бу қурооллар Кўшилиш, Обишир қуроолларига ўхшашлигини алоҳида эътироф этди (2007 йил).

Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағри мезо-неолит даври жамоалари ўз турмушларида озиқ-овқат захираларини кўпайтириш учун пасттекислик, яъни дарё воҳаларидан фойдаланиб туришганлиги Зарафшон дарёси қадимги куйи ўзанларидан бири бўлган Чорбакти воҳасида қатор мезо-неолит даврларига оид маконлар кашф этилиши билан ўз исботини топди. Бу маконлар илк мезолит даври жамоаларига тегишли бўлиб, улар тош индустрияси ўз хусусиятларига кўра Ўрта Осиё тоғ минтақаси мезо-неолит даври жамоалари маданиятига хосдир. Сазағон неолит жамоалари тош қуроолларини яшашда тоза сифатли чакмоқтошларни ишлатганлар, яъни Сазағон маконлари тош индустриясида чакмоқ тошли элемент мавжуд. Ҳаттоки, жуда кам сонли бўлса-да, оқ рангли фақат Қизилқум неолит жамоаларига тегишли бўлган чакмоқтошдан

¹ Джуракулов М.Ж. Самарқандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1987. -Стр. 171.

² Холматов Н.У. Мезолит и неолит Нижнего Зарафшана. –Ташкент: Фан, 2007. -Стр. 27-44.

³ Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. –Ташкент: Фан, 1980, 70-75, 94-66.

ясалган парақа қуроллари ҳам топилган. Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолӣ ён бағрида чакмоқтош конлари борлиги маълум эмас. Сазағон жамоаларининг кўшни Калтаминор ҳамда Марказий Фарғона жамоалари билан ўзаро маданий яқинликлари масалалари М.Джуракулов ва Н.Холматовлар тадқиқотларида имкон даражасида ёритилган. Аниқроғи, Калтаминор жамоалари билан маданий яқинлик даставвал улар тош қуролларининг ясаиш хусусиятлари, хомашёси, тош индустриясининг парақали қисми, сопол идишларнинг ўхшашлиги каби жиҳатлар билан белгиланса, Марказий Фарғона жамоалари билан ўзаро маданий алоқадорликлари эса улар тош индустрияси парақали қисмида микропарақалар салмоғининг кўплиги (Марказий Фарғона 90%; Сазағон 60-65%) тоғ минтақалар мезо-неолит даври жамоалари маданиятига хос бўлган тош қуролларининг мавжудлиги билан изоҳланади. Сазағон ва Калтаминор жамоаларининг ўзаро маданий алоқадорлиги масаласида энг ишонарли далилларни берувчи яна бир хусусият Сазағон жамоалари маконларидан шакли, ясаиш усули, нақшлари бўйича айнан Калтаминор жамоаларига тегишли бўлган сопол буюмларнинг топилиши бўлди.

Сазағон жамоаларининг Ўрта Осиё тоғ минтақаси Ҳисор неолит жамоалари билан ҳам кўни-кўшничилик маданий яқинликлари бўлишган. Айрим тадқиқотларда Сазағон маданияти мутахассислар томонидан Ўрта Осиё тоғ неолит маданияти таркибига киритилган. Шу билан бирга маданий яқинлик эътироф этилган ҳолда Сазағон жамоалари моддий-маданиятининг Ҳисор маданиятидан фарқ қилувчи, алоҳида мустақил маданият эканлиги илмий асосланган. Айни кунларда Сазағон жамоалари маконлари (Джангал-1, Тепакул-3,4) тадқиқотларида қўлга киритилаётган археологик манбалар Ҳисор жамоалари билан маданий алоқадорликлар борасида янги маълумотлар бермоқда. Ўз вақтида В.А.Ранов Тутқовул маконида уч қисми ёйсимон ҳолатда қисман эгилган иш майдонига эга бўлган парақадан ясалган тешгич қуролларни махсус ажратиб, уларни қолган маконлардан ҳам топилган бу турдаги қуроллар билан биргаликда «тутқовул типи»даги тешгич қуроллар номи билан фанга олиб кирган эди. Ана шу турдаги қуроллар Сазағон 1, 2, Жангал 1, Тепакул 3,4, Очил ғор макони каби Сазағон маконларида туркум ҳолда учратилди. Понасимон қуролларнинг иккала маданият учун хослиги борасида шундай фикр юритиш мумкин. Шу далилларнинг ўзи жамоалар маданий алоқадорликларини исботлайди. Бу маданий алоқадорликлар нисбатан жадалроқ йирик тоғ воҳалари, тоғ ён бағирлари ҳамда тоғ сойлари ён қайирларида содир бўлганликлари тадқиқотларда янада ойдинлашмоқда.

Хуллас, Ўзбекистон сарҳадлари тош даври жамоалари моддий маданияти тадқиқотида улар маълум бир ҳудуд билан чегараланиб яшаб қолишмасдан кўшни ҳудудлар жамоалари билан ўзаро маданий алоқада бўлишганликлари борасида муҳим маълумотлар қўлга киритилди.

Адабиётлар

1. Толстов С.П. Древний Хорезм. -М., 1948.
2. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. - М.: Наука, 1981.
3. Холматов Н.У. Тошкент ва Зарафшон ҳавзаси тош даври жамоалари маданияти хусусида. Ўзбекистон пайтахти Тошкент 2200 ёшда. Халқаро илмий конференция материаллари. –Тошкент, 2009.
4. Сулейманов Р.Х. Статистическое изучение культуры грота Обирахмат. – Ташкент: Фан, 1972.
5. Джуракулов М.Ж. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1987.
6. Холматов Н.У. Мезолит и неолит Нижнего Зарафшана. –Ташкент: Фан, 2007.
7. Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. –Ташкент: Фан, 1980.
8. Ранов В.А. Неолит (гиссарская культура). История Таджикского народа. Том 1. – Душанбе, 1998.
9. Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. – Ташкент: Фан, 1986.

*Бердиев Р.Б.,
СамДУ Археология кафедраси
Мамадиев Р.Қ.,
СамДУ 3-босқич талабаси*

ҚИРҚ, ЮЗ ВА МИНГ УРУҒЛАРИНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНИК ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Инсоният тарихининг ҳозирги босқичи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида глобаллашув ва интеграция жараёнлари бораётганини кўрсатмоқда. Бундай шароитда дунёнинг турли минтақаларида яшовчи этнослар, диаспоралар ва ирредентларга хос локал миллий маданиятларни этнографик материаллар асосида илмий ўрганиш долзарб илмий муаммолардан бири тарзида эътироф этилмоқда.

Маълумки, қирқ, юз ва минг уруғлари қадимдан бир-бири билан ёнма-ён яшаб келган. XV-XVI асрларгача ушбу этник гуруҳ номлари манбаларда ҳам учрамайди. Мазкур қабилалар аввалига “марқа” деган умумий ном билан аталган. Уларнинг Ўрта Осиё ҳудудига келиб ўtroқлашиш жараёни ҳақида турли хил ривоятлар мавжуд. Ривоятларга кўра, ушбу қабилалар Дашти Қипчоқ ҳудудида кўчманчи бўлиб яшаб келган. Кўчманчилар қаерда яйловлар, дарёлар кўпроқ бўлса, ўша ерларни ўзларига макон қилган. Ўрта Осиё ҳудудига кириб келиши сабаби ҳам шу бўлган.

Қирқлар тоғли ҳудудларга суриб чиқарилишини оладиган бўлсак, улар тарқоқ ҳолда ҳозирги Жиззах вилоятининг Ғаллаорол, Зомин, Жиззах, Тожикистон Республикасининг Ўратепа ва Панжикент ҳудудларида яшаган. Ҳозирда бу минтақалар тоғли ҳудудлар ҳисобланади.

Қирқлар ўтмишда бир қанча уруғларга бўлинган. Шулардан энг йириклари оққўйли, қорақўйли, қорасирак, қорача, олмасун, чапарашли ва бошқалар. Улар XX аср бошларига қадар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, чорвачилик билан шуғулланган. Бир қисми тоғ ён бағирлари ва адирларда яшаб, лалмикор ва қисман суғорма деҳқончилик билан шуғулланган¹.

Ҳозирги кунда ҳам қирқ уруғи номи билан аталадиган жой номлари (этнотопонимлар) юртимизнинг тоғли ҳудудларида сақланиб қолган. Қирқларнинг ўзини ҳам бир нечта тармоққа бўлишда, асосан, чорвачиликда ишлатиладиган сўзлардан фойдаланилган. Масалан, қорақўйли ва оққўйли қирқларининг номланиши ҳам чорвачилик билан боғлиқ бўлиб, хусусан, уларнинг тоғли ҳудудларда яшаб келганлиги тарихий манбалардан маълум.

Ривоятда келтирилишича, қирқлар тоғли ҳудудга суриб чиқарилгандан сўнг текислик қисмида қолган юз ва минглар Ўрта Осиё бўйлаб кенг ёйилиб кетган. Шу ерда ҳам кўпчилиكنи ташкил қилган минглар кейинчалик ҳокимият ишларида аралашган бўлса, юзлар эса иккинчи даражали уруғ сифатида минглар билан қариндошлик ришталарини боғлаб яшаб келган.

Юз уруғи ҳам Ўзбекистон тарихида сезиларли даражада из қолдирган бўлиб, турли йилларда ҳокимият ишларига аралашганини кўриш мумкин. XIX аср охири – XX аср бошларида юзлар ўтроқ ҳолда икки жойда: Сурхон ва Ҳисор водийсида Ҳисор юзлари яшаган бўлса, дашт ҳудудида, яъни Зарафшондан Сирдарёгача бўлган минтақасида Ўратепа юзлари истиқомат қилган.

Юз уруғини Қўқон хонлиги тарихи бўйича ўрганиладиган бўлса, асосан, Ўратепа ва Хўжанд юзлари хонлик сиёсатида аралашиб келганлигини кўриш мумкин. Хўжанд ва Ўратепа вилоятлари рус босқини давригача мустақил сиёсат олиб боришга интиланган.

Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ат-таворих” асарида Хўжанд ҳокими Оқбўтабий юз Қўқон хони Шохруҳбийнинг қизига уйланганлиги, Оқбўтабий юз бўлса, қайноғаси Абдурахимбийни Хўжандга олиб келиб, маъмурий-бошқарув ишларида уни ўзига ёрдамчи қилиб олганлиги ёзилади. Кейинчалик Оқбўтабий юзнинг айш-ишратга берилиб кетиши натижасида Абдурахимбий ҳукумат ишларини ўз қўлига олади².

Қўқон хонлигига Шохруҳбий минг томонидан 1709 йилда асос солинган, юз уруғи ҳам мингларга яқиндан ёрдам бериб келган. Айнан Абдурахимбийнинг ўлими ҳам 1734 йилда Хўжандда уюштирилади, бунда, албатта, юз уруғининг Хўжанд ва Ўратепани мустақил бошқаришга интилиши кўзга ташланади. Абдурахимбий вафотидан сўнг Қўқон тахтига укаси Абдулкаримбий келади. Абдулкаримбий уруғ-қабилалар билан яхши муносабатда бўлади. Жумладан, 1741-1745 йилларда Фарғона жунғорлар

¹ Чориев З.Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. –Тошкент: Шарқ,1999. – Б. 132.

²Муҳаммад Ҳакимхонтура. Мунтахаб ат-таворих.... – Б. 219.

хужумига дуч келади. Абдулкаримбий қипчоқ-қирғизлар ҳамда Ўратепа ҳокими Фозилбий юз ёрдамида улар билан урушлар олиб боради¹.

Бундан кўриниб турибдики, юз уруғи минглар ҳокимиятига яқиндан ёрдам бериб келган, Ўратепа ҳокимлиги эса яна юзлар қўлида қолган. Эътибор бериб қаралса, ўша давр манбаларида минг ва юзлар исмларига “бий” сўзи қўшилган бўлиб, уларнинг бир-бирига яқин этник гуруҳ эканлигининг яна бир исботидир. Бий – уруғ ва қабиланинг пешвоси, яъни бошлиғи ҳисобланган. Вақт ўтиши билан юзлар исмига бек қўшиб айтиш урфга айланган. “Тарихи мухожирон” асарининг муаллифи Дилшоди Барно “юз қабиласи”, “Саримсоқбек юз” каби номларни ўз асарида келтириб ўтади.

Минглар ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабила ҳисобланади. Улар ҳам қирқ ва юзлар каби Дашти Қипчоқ ҳудудидан XV аср охири – XVI асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр ҳудудига кўчиб келиб, Ўрта Осиё хонлиқларининг сиёсий ҳаётига аралаша олган куч ҳисобланади.

Кўқон хонлигига ҳам асос солган қабила айнан минглар ҳисобланади. Улар Кўқон хонлиги ҳудудини эгаллагунга қадар ҳокимиятни хўжалар (пайғамбар авлодлари) бошқариб келган. Тахтга ўтирган биринчи хон минг уруғи вакили Шохруҳбий ҳисобланиб, сиёсий жиҳатдан узоқни кўзлаб иш юритувчи шахс ҳисобланган. Шохруҳбий хўжалар билан иттифоқ тузиб, ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун Чодак хўжаларидан бирининг қизига уйланади. 1709 йилда уруғ зодагонлари ҳамда хўжалари розилиги билан хонлик тахтига ўтиради².

Хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, ўлкада кечган сиёсий парокандалик ўзбек халқи таркибидаги сўнги этник компонент (учинчи субэтник гуруҳ)ларнинг деҳқончилик воҳаларида тўлиқ ўтроқлашуви уларнинг ассимиляция, консолидация жараёнларига жиддий таъсир ўтказган. Шу боис XX аср бошларида ҳам уларнинг этник, хўжалик, маданий ва ижтимоий турмуш тарзидаги уйғунлашуви давом этаётган эди. Шундай бўлсада, бу жараёнда субэтник компонентлар ўзаро кўп асрлик тарихий-маданий алоқалар, тарихий тақдирининг бирлиги каби омиллар сабабли хўжалик-маданий хусусиятлари, моддий-маънавий маданияти доирасида ўзаро бир-бирига таъсир ўтказган. Этник-маданий, лингвистик жараёнларга сиёсий чегаралар тўсқинлик қила олмаган.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-ж. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
3. Мирзо Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Т.: Янги аср авлоди, 2009.
4. Муҳаммад Ҳакимхонтўра. Мунтахаб ат-таворих. – Янги аср авлоди.
5. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Шарқ, 1999.

¹ Юқоридаги асар... – Б. 7.

² Мирзо Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 5.

БРОНЗАНИНГ КАШФ ЭТИЛИШИНING ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Шаҳарсозлик маданияти илдизлари узоқ тарихга эга. Бу узлуксиз, пешма-пеш давом этган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳосиласи сифатида тарих саҳнасида ўз жойини олган. Ана шу жараёнлар жамиятнинг маълум босқичидаги ривожига салмоқли таъсир этган. Қайсики, улар нафақат ўз даври, балки тарихийликнинг кейинги босқичларида ҳам муҳим инқилобий ўзгаришларга олиб келган.

Кишилик жамиятининг иқтисодий-хўжалик тизимида кескин ўзгаришларга олиб келган воқелик – бу металлнинг кашф этилишидир. Металлнинг меҳнат қуроллари яшаш учун кашф қилиниши ибтидоий жамоа хўжалигида рўй берган буюк ўзгаришлардан ҳисобланади. Дастлабки меҳнат қуроллари мисдан ясалар эди, аммо миснинг юмшоқ ва мўртлиги туфайли меҳнат қуролларининг аксарияти тошдан ишланарди. Шунинг учун ҳам бу давр энеолит (мис-тош) даври деб тарихга кирди. Энеолит даври дунёнинг барча минтақаларида бир вақтда бошланмай, балки ҳар бир ҳудуднинг экологик ва табиий имкониятларига қараб, ҳар хил вақтда бошланган. Африка ва Осиёнинг қадимги ҳудудларида ибтидоий жамоалар металл билан анча аввалроқ, бошқа минтақаларда эса бирмунча кейинроқ танишдилар. Ўрта Осиё шароитида металл милоддан аввалги IV мингинчи йилликнинг бошларидан, Жанубий Туркменистондаги Намозгоҳ I маданияти давридан маълум. Ўрта Осиёнинг шимолий томонларида эса бу вақтда неолит даври – калтаминорликлар маданияти гулламоқда эди. Калтаминор меросхўрлари металл билан фақат милоддан аввалги III мингинчи йилликнинг охирларидагина танишдилар.

Қадимги металлурғлар муайян даврдан сўнг қалайни мисга қориштириб, бронза олишни кашф қилдилар. Бронза эгилувчан ва мустаҳкам металл эди. Бронзанинг бу хусусиятлари қадимги металлурғлар диққатини ўзига жалб қилиб, энди бобо-калонларимиз ўз меҳнат қуролларини асосан бронзадан ясайдиган бўлдилар. Бу ходиса тез фурсатда такомиллашиб, қисқа давр ичида бронза ибтидоий хўжаликнинг турли соҳаларига кириб борди ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим рол ўйнади. Бронза тош асрига нисбатан жуда қисқа даврни ўз ичига олади. Унинг тахминий хронологик чегараси мил. авв. III мингинчи йилликнинг бошлари – I мингинчи йилликнинг биринчи чорагига тўғри келади. Биринчи марта бронза милоддан аввалги III мингинчи йилликда Олд Осиё ва Ҳиндистонда кашф этилди. Ўрта Осиёда эса мил. авв. II мингинчи йилликнинг бошларидан маълум.¹

¹ Асқаров А., Жўрақулов М. Энеолит ва бронза даврида Ўрта Осиё // –Самарқанд, 1984, 18, 136-137 бб.

Бронзанинг кашф этилиши билан меҳнат қуролларининг тури кўпайди, меҳнат унумдорлиги ошди, ҳарбий қуролларнинг хилма-хиллиги ва жангаворлиги ортди, бронзадан ясалган уй-рўзғор буюмлари пайдо бўлди. Аммо меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш учун биронза нодир ва камчил металл бўлиб қолаверди. Шунинг учун ҳам меҳнат қуролларини тайёрлаш учун аввалгидек тош ва ёғочлардан кенг фойдаланилди. Бронза фақат темирнинг кашф қилиниши ва хўжаликда фойдаланишга киришилиши туфайли турмушдан қисман бўлса-да, сиқиб чиқарилди.

Бронзанинг кашф қилиниши хўжаликнинг бутун тараққиётини ларзага келтирди ва меҳнат унумдорлиги жиддий ошди. Ундан нафақат меҳнат қуроллари, шунингдек, турли безаклар, уй-хўжалик буюмлари, ҳарбий қурол-аслаҳалар ясаيدиган махсус темирчилик, заргарлик устахоналари вужудга келди. Ҳунармандчиликнинг ихтисослашуви туфайли музофотлараро айрабош анча кучайди, маданий вилоятларни иқтисодий жиҳатдан боғлаб турувчи табиий алоқа йўллари, транспорт воситалари пайдо бўлди. Қуруқликдаги транспорт сифатида ҳайвон кучидан фойдаланиш бошланди. Ҳайвонлар қўшилган ғилдиракли аравалар вужудга келди. Демак, металлнинг кашф этилиши ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт жараёни илк шаҳарсозлик – урбоник цивилизациянинг вужудга келишига муайян даражада замин яратди.

Археолог олимларимизнинг Ўрта Осиё ҳудудларида олиб борган илмий ишлари шуни кўрсатдики, бронза даврида овчилик ва термачилик ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда ўзининг дастлабки ролини йўқотиб, аҳолининг асосий яшаш манбаи чорвачилик ва деҳқончилик бўлиб қолди.¹

Ўрта Осиёда бронза даври ибтидоий жамоа хўжалиги икки минтақа бўйлаб ривожланишда давом этди. Унинг жанубий-шарқий ва марказий туманларида, жумладан, Жанубий Сурхон воҳасида ва Зарафшон воҳасида мил. авв. II мингинчи йиллардаёқ суғорма деҳқончилик ибтидоий бронза даври жамоаси иқтисодининг асосини ташкил этарди. Ўзбекистон Республикасининг жанубий вилоятларида милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярми давомида Қадимги Шарқ цивилизациясига хос урбонистик тарихий шароитда юксак ривожланган илк шаҳар маданияти таркиб топди. Ушбу илк шаҳар маданиятининг иқтисодий, ижтимоий ва этномаданий асослари Сурхондарё вилоятининг Шеробод воҳасида қад кўтарган ноёб ёдгорликлар – Сополлитепа ва Жарқўтон мисолида ўрганилди.²

Ўрта Осиё энеолит ва бронза даври ўзининг бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан неолит давридан тубдан фарқ қиларди. Масалан, бу даврда биринчи навбатда суғорма деҳқончилик базасида қад кўтарган доимий қишлоқларнинг кўпайиши, бинокорликнинг ривожланиши, уларда яшаётган аҳоли сонининг тобора зичлашиб бориши ва янги ерларни жадал

¹ Асқаров А., Жўракулов М. Энеолит ва бронза даврида Ўрта Осиё // –Самарқанд, 1984, 18, 25-27 бб.

² Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. // –Тошкент, 2015. 148-172 бб.

Ўзлаштириш жараёнининг кучайиши кузатилади. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ ҳолда қанчадан қанча йирик қишлоқ типигаги маданият ўчоқлари вужудга келди, ибтидоий хунармандчилик хўжалигининг турли соҳаларида янгидан янги ихтиролар қилинди. Масалан, бронза даврида металлургия хунармандчилиги, заргарлик, кулолчиликда механик йўл билан айлантириладиган чархдан фойдаланишга ўтиш сингари янгиликлар уруғдошлик жамоасининг маданий хўжалик соҳасидаги йирик кашфиётлардан ҳисобланади.

Олимларнинг тадқиқотлари шу масалани ойдинлаштирадики, Ўрта Осиёнинг жанубий деҳқон жамоалари билан шимолда яшовчи чорвадор қабилалари ўртасида ўзаро иқтисодий, маданий ва қон-қардошлик муносабатлари кенг ривожланиб, бирининг маданий-хўжалик ютуғидан иккинчиси фойдаланган. Бу икки минтақа ўртасидаги алоқалар ва этник муносабатларнинг давом этиши натижасида ибтидоий жамоа экономикасининг асосини ташкил этган чорвачилик ва деҳқончилик хўжалиги ва улар доирасида шаклланиб бораётган хунармандчилик янада ривож топди. Ҳар икки минтақа аҳолисининг маданий-хўжалик ютуқлари ўз навбатида қўшни қабилалар маданиятига ҳам ўз таъсирини ўтказиб борган. Шу билан бирга, улар ўзларининг хўжалик ва маданий ютуқларидан баҳраманд бўлиб бордилар.¹

Археолог олимларнинг хулосаларига қараганда, бронза даврида қабилалараро муносабатлар асосан «тинч йўл» билан давом этган. Аммо чорвадорларнинг деҳқончилик туманларига «зўрлик билан» кириб бориши ҳам содир бўлиб турган. Масалан, мил. авв. II мингинчи йилларнинг ўрталарида Қозоғистон худудларида яшовчи «Андропова маданияти» меросхўрлари Ўрта Осиёнинг аввал шимолий туманларига, сўнг эса унинг то жанубий чегараларигача – энг қадимги деҳқончилик марказларигача кириб бордилар. Андропова чорвадорларининг сопол идишлари, жездан ясалган баъзи бир тақинчоқ ва меҳнат қуроллари Мурғоб воҳаси, Шеробод чўли, Копетдоғ ёнбағирларида қад кўтарган қадимги деҳқончилик қишлоқларида ҳамда Зарафшон водийсидаги Ургут тоғи Мўминободда ўрганилган қабрларда ва ёдгорликларида учрайди².

Милоддан аввалги II мингинчи йиллик давомида, айниқса, унинг охириги чорагида чўл ва даштларда яшовчи чорвадорларнинг жанубий сарҳадларга томон юриши жадаллашади. Натижада Ўрта Осиё аҳолиси этник таркибида турли антропологик тип вакилларининг аралашishi жараёни тезлашади.³

Бронза даврининг сўнги босқичларига келганда ишлаб чиқариш меҳнат воситаларининг муайян тараққиёти туфайли сунъий суғориш тизимида магистрал каналлари пайдо бўлади, хонаки чорвачилигидан,

¹ Жўракулов М.Ж. Ўрта Осиё ибтидоий археологияси // –Тошкент, 1984, 139-б.

² Аскарлов А. Раскопки могильника эпохи бронзы в Муминабаде. ИМКУ, вып. 8. -Ташкент, 1968, с. 56-62.

³ Аскарлов А.А., Жўракулов М.Ж. Энеолит ва бронза даврида Ўрта Осиё // -Самарқанд, 1984, 35-66.

аниқроғи, чорвадорларнинг ярим кўчманчилик турмуши тарзига ўтиш содир бўлади.

Олимларнинг кўп йиллик тадқиқотларига қараганда, мил. авв. II мингинчи йилликнинг биринчи ярмида, балки ундан ҳам олдинроқ қадимги деҳқон жамоаларининг Ўрта Осиёнинг жанубий-ғарбий минтақаларидан шарқий ҳудудлар томон юриши кузатилинган.

Бронза даврининг бошланғич даврида Мурғоб воҳасини ўзлаштирган қадимги деҳқонлар мил. авв. II мингинчи йилликнинг ўрталарига келиб, Қадимги Бактрия ерларигача бориб етади. Бу жамоаларнинг қишлоқлари Мурғоб воҳасида, Шимолий Афғонистон ва Жанубий Ўзбекистон ҳамда Жанубий Тожикистон ҳудудларида қад кўтаради. Қишлоқлар атрофида эса экин майдонлари, деҳқончилик далалари пайдо бўла бошлайди. Қадимги деҳқончилик билан машғул бўлган қабилаларнинг чорвадор қабилалар минтақалари чегарасига етиб бориши натижасида улар ўртасидаги маданий-хўжалик алоқаларининг янада ривожланишига, чорвадор қабилалар музофотларида ҳам деҳқончилик маданияти таъсирида аста-секин янги деҳқончилик ўчоқларининг пайдо бўлишига олиб келди. Деҳқончилик воҳалари вужудга келиб, уларнинг марказ қишлоқлари улар замирида эса протошаҳарлар ташкил топди.

Хуллас, ибтидоий жамоа тузуми заминида металлнинг кашф қилиниши, инсониятнинг буюк кашфиётларидан бири, жамиятнинг маданий хўжалик тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди ва бу ҳодиса, аввало, суғорма деҳқончилик, шунингдек, урбанизация жараёнининг иқтисодий базаси сифатида Қадимги Марғиёна ва Бактрия ҳудудларида дастлабки шаҳарларнинг ташкил топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Бўриев З.,

*Навоий давлат қончилиқ
институту тадқиқотчиси*

ХІХ АСРНИНГ 2-ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ

1903 йилда қабул қилинган паспортлар низомининг 129, 134, 217 ва 234 моддалари асосида ўлкада хорижий фуқароларга яшашга руҳсат берилган. Генерал Тевяшовнинг (1904-1905) 1904 йил 28 октябрда № 12 фармойишида низомдаги моддаларни қўллашда пайдо бўладиган тушунмовчиликлар юзасидан вилоят бошлиқлари томонидан генерал-губернаторга мурожаат қилиниши белгилаб қўйилган. Вилоятга чегарадош давлатлардан темирўл қурилиши, ирригация ва қишлоқ хўжалиги ишлари учун мавсумий ишчилар келишига Россия империяси ҳукумати тўсқинлик

қилмаган, чунки малакали ишчи кучига нисбатан Туркистонда эҳтиёж катта бўлган.¹

XIX аср 80-йилларида Туркистон ўлкасида пахтачилик саноат бирлашмаларидан бири Ярослав Катта мануфактураси кескин суръатларда ривожланиб бораётганини кўрган ширкат раҳбарияти минтақада ўз контораларини очишга киришади. Дастлаб бош контора Тошкентда очилиб, Каспийортида пахта тозалаш заводлари куриб ишга туширилади. Ширкат 1890 йилга келиб Россиянинг Европа қисмидаги фабрика-заводлари орасида ишлаб чиқариш бўйича 9-ўринни, тўқимачилик саноати бўйича эса 4-ўринни (Николский, С.Морозов ва К.Кренгольмский, В.Морозовдан сўнг) забт этди. XIX аср охирида компания мақомини олган ширкатнинг капитали 6 млн. рублни, захира маблағи эса 1,5 млн. рублни ташкил этди. Албатта, ширкатнинг иқтисодий ўсишида унинг Туркистондаги пахтачилик соҳасидан оладиган даромади жуда муҳим рол ўйнаган.²

Каспийортига четдан кириб келганлар орасида арман миллати вакиллари ўзининг салмоқли ўрни билан ажралиб турган. Генерал-губернаторлик иқтисодий инфратузилмасида арман тадбиркорлари катта роль ўйнаган. 1892 йилда вилоят бошлиғи Куропаткин ички ишлар бош штабининг бошлиғи Обручевга қуйидагиларни ёзган: «Каспийорти вилояти 10 йилга арман бурчагига айланиб қолди, нафақат арман аҳолисининг сони бўйича, балки бу аҳолининг вилоят иқтисодий ҳаётида тутган ўрни бўйича улар вилоятдаги савдо, саноат, турли хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз кўллариغا олганлар...».³

Туркиядан келган деярли 3 минг арман қочоқлари вилоятнинг асосан Ашхабод уездига жойлаштирилган. Натижада 1897 йилда бу вилоятда 4803 армани ва 11 мингдан кўпроқ руслар яшаган.⁴ XIX аср охири – XX аср бошида вилоятдаги хорижликларнинг 55,8 % руслар, 21% эронликлар, 13,3% арманлар ва 14,9 % бошқа миллат вакиллари ташкил этган.⁵

Вилоятга кўчиб келган аҳолини жойлаштириш учун 1906 йилга қадар 10318 десятина ер ажратилган.⁶ «Новое время»нинг хабарига кўра вилоятдаги кичик рус манзилгоҳларидан бири Ашхабод яқинида 9-10 чақирим нарида жойлашган Невтоновский қишлоғи бўлган: у жами 10 молокан уйидан иборат.⁷ Бу оилаларнинг катта қисми Кавказортдан Кар

¹ Матвеев А.М. Зарубежные выходцы в Туркестане на путях к Великому Октябрю.... – С. 37.

² Мирзаев А. XIX аср охири – XX аср бошида Ярослав Катта мануфактураси ширкатининг Фарғона водийсидаги фаолияти // Ўзбекистон тарихи, 2011 йил 4-сон. – Б. 24-33.

³ Григорянц В.Е. Участие армян-переселенцев в развитии торговли в Закаспийской области (конец XIX-начало XX вв.). Қаранг: <http://www.nashasreda.ru>

⁴ Гаффоров Ш.С. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар. ... – Б. 55.

⁵ Эргашев Б., Турсунова Д. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ҳужжатларида Закаспий вилояти тарихига оид манбалар // –Самарқанд: СамДУ нашри, 2008. –Б.187-190.

⁶ Хамраева Т.Р. Создание статистической службы в Туркестане и её деятельность (конец XIX - начало XX вв.) (на примере Ферганской области). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. –Ташкент, 2011. – С. 22.

⁷ Молоканлар – христиан динидаги мазҳаб номи. Бу ерда молокан мазҳабидаги арманлар ҳақида фикр юритилган (Р. Б.).

вилояти, Эриван, Елисаветполск ва Боку губернияларидан турли кишлоқларидан кўчиб келган.¹ Ушбу оқимнинг аксарият қисмини арман миллатига мансуб савдогар, косиб, хунарманд, ишчи ва деҳқонлар ташкил этган. Нефть ва балиқчилик соҳалари, тегирмон саноати, гугурт тозалаш, пиллачилик, ароқ, вино ва тамаки ишлаб чиқариш капиталининг асосий қисми арман буржуазиясининг қўлида мужассам эди.

Рус капиталини хорижий тадбиркорлар рақобатидан ҳимоя қилиш мақсадида чет эллик сармоядорлар фаолиятига маълум чекловлар қўйилади. Оқибатда хорижий савдо ва саноат фирмаларининг фаолияти хавф остида қолади. Улар ўз даромади ва фирмаларини сақлаб қолиш мақсадида рус фамилияли фуқароларни акциядорлар таркибига киритишган. Шу тариқа хорижий фирмалар номлари русча номларга ўзгартирилган.

Вилоятдаги тадбиркорлар қатламининг катта қисмини арман ва яхудий тижоратчилари ташкил этган. Арманлар вилоятнинг иқтисодий инфраструктурасида салмоқли ўринга эга бўлиб, бошқа миллат вакиллари билан бирга Каспийорти вилояти ички ва ташқи савдосини ривожлантиришда фаол иштирок этишган. Яхудий фуқаролар ҳам ўлканинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшишган. Бироқ бошқа хорижликлардан фарқли ўлароқ яхудийлар фаолиятидаги баъзи жиҳатлар ҳукумат томонидан салбий деб баҳолалиб, улар кўпроқ таъқиб остига олинган.

Юқоридаги фактлар асосида қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш мумкинки, Каспийорти вилоятида хорижий фуқароларга алоҳида эътибор берилган бўлиб, уларнинг фаолияти учун махсус қарорлар чиқарилган. Иккинчидан эса, Эрон фуқароларига алоҳида имтиёз берилган, чунки улар вилоятнинг иқтисодиёти ва савдо-сотиғига маълум ҳиссаларини қўшган бўлиб, вилоят маъмуриятининг хориж фуқаролари устидан назоратни кучайтирганлиги билан Туркистон генерал-губернаторлигининг бошқа вилоятларидан ажралиб турганлигини кўришимиз мумкин. Туркистон генерал-губернаторлигига хорижий сайёҳларнинг ташриф буюришида Каспийорти вилояти ўзига хос кўприк вазифасини бажарганлигини кузатишимиз мумкин.

Каспийортида хорижий фуқароларнинг ўлкага киритилиши ва чиқариб юборилишига доир тегишли ҳуқуқий нормаларнинг ишлаб чиқилиши, паспорт тизимини такомиллаштиришдаги чора-тадбирлар нафақат вилоят, балки бутун минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этган.

Каспийорти вилояти ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида хорижий фуқароларнинг иштирокига оид маълумотларнинг Ўзбекистон Миллий давлат архиви ҳужжатларида қайд этилиши вилоятнинг Туркистон генерал-губернаторлигида ўзига хос ўрни борлигини кўрсатади.

¹ Туркестанский сборник. –Т., 518. –Б. 198.

Адабиётлар

1. Матвеев А. М. Зарубежные выходцы в Туркестане на путях к Великому Октябрю.
2. Мирзаев А. XIX аср охири – XX аср бошида Ярослав Катта мануфактураси ширкатининг Фарғона водийсидаги фаолияти // Ўзбекистон тарихи, 2011 йил 4-сон.
3. Григорянц В.Е. Участие армян-переселенцев в развитии торговли в Закаспийской области (конец XIX-начало XX вв.). Қаранг: <http://www.nashasreda.ru>
4. Туркестанский сборник. –Т. 518.
5. Пален К.К. Краевое управление. Отчёт по ревизии Туркестанского края.
6. Гаффаров Ш.С. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар.
7. Эргашев Б., Турсунова Д. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси хужжатларида Закаспий вилояти тарихига оид манбалар // – Самарқанд: СамДУ нашри, 2008.
8. Хамраева Т.Р. Создание статистической службы в Туркестане и её деятельность (конец XIX - начало XX вв.) (на примере Ферганской области). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. –Ташкент, 2011.
9. ЎзМА.Ф-И.1, 4-рўйхат, 466-иш.
10. ЎзМА, ф. и-461,1-рўйхат, 1657-иш.

*Гаффаров Б.,
СамГУ., 4 курс*

РОЛЬ И МЕСТО ИСМАИЛА ГАСПРИНСКОГО В СТАНОВЛЕНИИ СРЕДНЕАЗИАТСКОГО ДЖАДИДИЗМА

Исмаил Гаспринский (1851-1914) татарский просветитель и основатель нового уклада жизнеустройство в культурном направлении. Его основной целью было осуществить свои новые домысли через прессу, то есть книгопечатанием. Именно Гаспринский ввел новую систему образования в традиционных местах для обучения. В этой области он выпускает несколько изданий для реформирования народной системы образования сначала у себя в родине ,чуть позже в других странах. Его издания по способствовали для активного рассмотрения сферы образования в кмах высшей интеллегенции к примеру Туркестана. К его публикациям мы можем привести несколько примеров: «Русское мусульманство», «Переводчик-Таржиман». Особенно во мнении многих историко и специалистов имеено газета Таржиман сыграл немаловажную роль в становлении идей джадидизма. В понятии новометодных школ по мнению Гаспринского было внедрении новых типов учебников, книг и метода обучения. В 1884 году Исмаилом Гаспринским создается первая новомедодная школа в Крыму. Именно здесь им было осуществлено первое внедрение нового метода обучения *«усули джадид»*.

Среднеазиатский джадидизм в первых порах своего развития имел более просветительский и образовательный уклад нежели чем политический, которым оно уже станет с начало 20-го века. Интеллигенция

в Туркестане и в ханствах Средней Азии увидело путь к дальнейшим реформам и преобразованиям именно в джадидизме, к тому же наличию опыта в политической сфере у Гаспринского благоприятствовал к этому. Ну мы не будем глубоко углубляться в политический путь джадидизма, так как наша основная цель это культурный призыв Исмаила Гаспринского в отношении реформ и преобразований. Таким образом влияние влияния Исмаила Гаспринского в ход действий новых преобразований в Туркестане неотъемлемо. Что позже сам Бехбуди отметить это в своих трудах и мемуарах.

В отношении Туркестанских джадидов и Исмаилом Гаспринским были сугубо образовательные цели. Все таки мы должны найти ту отправную точку начало отношений его с Туркестанской интеллигенцией. Вероятно всего туркестанской аристократии нужна была идея для больших реформ у себя в стране метод предпринятый Гаспринским сыграл важную роль в этом направлении. Позже начинаются теснейшие связи между татарским и туркестанской интеллигенцией. К примеру, в 1903-1904 гг. Бехбуди отправляется, в путешествие в Казань и Уфу, ознакомился там с так называемыми новометодными школами и установил тесные связи с татарскими и башкирскими просветителями [Хакимов. 2017, С.6-7].

Гаспринский принимал во внимания все аспекты жизнеустройство населения где он побывал. Его приход в Туркестан 1893 года стало результатом появления сетей новометодных школ в Туркестанском крае. В 1895 году в Коканде Салохиддин домла открывает одну из первых новометодных школ. В 1899 году в Ташкенте и в Андижане открываются новометодные школы. К 1910 году подобных школ в Туркестане насчитывалось около 50 [Алихожиев М.О, С.72-73].

Более того влияние И.Гаспринского имело колоссальный размер в ход политических событий начало 20 века в Узбекистане. Ведь многие джадиды Туркестана были убеждены, что постепенно через внедрение в умы масс идеи о независимости, они смогут добиться построения правового государства в Туркестане и в ханствах соответственно. Для этого джадидская интеллигенция начало активную интеграцию молодых людей кто хотел получить знания по светским наукам. То такие студенты отправлялись в зарубежные страны. Такие мероприятия для Среднеазиатской интеллигенции нужно было для получения достаточного представления и опыта молодого поколения насчет современного и правового государства, где права граждан защищаются и они равны. Явным примером к таким мероприятиям может служить организация «Тарбия и-Атфол» Позже многие представители джадидов которые играли немаловажную роль в ход политических событий были именно выпускниками это организации, то же самые Абдурауф Фитрат, Садриддин Айни и др.

Идеи Гаспринского об образовании не прошли бесследно. Младобухарцы в Бухаре, младохивинцы в Хорезме, упорные движения в Ташкенте, Самарканде, в Коканде могут быть примером к этому [Косимов, 1992, С.46, 47]. В каждой своей издании Исмаилбек Гаспирали пытался донести идеи читателям свои мысли насчет образования, о немедленном реформировании этой сфере и давал свои доводы по этому поводу Газета «Переводчик-Тержиман». Оно издавалась с 1883 по 1918 год. 10 апреля 1883 года она свет вышел первый номер газеты. Он состоял из четырех страниц, половина которых печаталась на русском, вторая половина на крымско-татарском. Газета была популярно не только в самой России и во всем тюрко-мусульманском обществе. После смерти в 1914 году Гаспринского, газета печаталась под редакцией его близким соратником А.С Айвазовым и старшим сыном просветителя Рифат Гаспринским [Новый Бахчисарай, 2021, С.2].

Более того газета было популярно во многих странах Европы и Азии, в том числе имело прямое влияние на ход идей джадидизма в азиатских ханствах. Многие специалисты и историки цитировали о важности этой газеты и его влияние на этно-культурные и политические события где бы оно не читалось. В заключении нужно будет уместно сказать последователи Исмаила Гаспринского периодически занимались изданиями для скорейшего внедрения новой системы образования у себя в крае. Мунаввар Кары Абдурашидханов «Адиби Аввал», Махмудходжа Бехбуди «Адиби Сони», «Общая география Мунтахаби», Абдулла Авлони «Первый учитель», Хамза Хакимзаде «Нравственность», и т.е. Во всех этих изданиях рассматривались проблемы и настоящие вопросы всех сфер общества с точки зрения преобразований и изменений через образование и внедрение в умы населения информированность о своей древней истории и с надеждой смотреть в новое будущее.

Литературы

1. Алихожиев М.О., Т.Э. 2016. Джадидизм в Туркестане и Просветительская деятельность джаждидов. Андижан: АГУ.
2. Косимов, Б. (1992). Исмаилбек Гаспирали. (Б. Косимов, Ред.) Гафур Гулом номидаги Нашриет -матба бирлашмаси.
3. Хакимов Р.С. (2017). Крымское Историческое Обозрение. Казань: Крымский научный центр Института истории им Ш.Марджани Академии наук Республики Татарстан.
4. Умаров М.Ш. (2020). Вклад Джаждидов в Образовательную Систему Развития Туркестана.Ташкент: УзМУ.
5. Тихонова Н.Е. (2018). Представления Исмаила Гаспринского О Евразийской Интеграции. Ростов-на Дону, Россия.

УРГУТ – КЎҲНА ТАРИХ ШОҲИДИ

Ватанимиз сарҳадлари нафақат Марказий Осиёда, балки кўҳна Шарқ миқёсида бутун жаҳон кишилиқ тарихининг қадимги маданият марказларидан бири ҳисобланади. Хусусан, бу минтақа инсоният тарихий тараққиётининг барча босқичлари маданияти ва мазкур ҳудуддаги цивилизациянинг кўҳна илдишларини ифодаловчи тарихий-маданий ёдгорликларга ниҳоятда сероб ўлкадир. Бу маданий-тарихий ёдгорликларни тадқиқ этиш эса аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига кўшган ҳиссасини идрок этишда муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда республикада мустақиллик йилларида ватанимиз тарихини ёзма ва моддий манбалар асосида ўрганиш бўйича кенг кўламли ва мақсадли тадқиқотлар амалга ошириб борилмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг қадимий тарихини ёритиш, унинг инсоният тарихидаги ўрнига ҳолисона баҳо бериб, жаҳон ҳамжамиятига таништириш, қолваерса, унинг тарихий-маданий ҳудудларида урбанизация жараёнларининг ривожланиши, шаҳарларнинг шаклланишини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб, тадқиқотлар учун давлат рағбати кучайиб бормоқда. Тарихни ўрганишга бўлган эътиборни мамлакатимиз қадимий ва навқирон шаҳарлари бўлмиш Марғилоннинг 2000, Тошкентнинг 2200, Хива ва Термизнинг 2500, Қарши ва Шаҳрисабзнинг 2700, Самарқанднинг 2750 йиллик юбилейлари ЮНЕСКО ҳомийлигида кенг нишонланганлиги фикримизни исботлайди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «...тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир».

Мана шундай жараёнда республикада ҳудудлари тарихий-маданий мерослари ёритилганлигини ўрганиш ва шулар асносида келгусидаги амалга оширишимиз лозим бўлган тадқиқот режаларни белгилаб олиш биз бўлғуси тадқиқотчилар олдига улкан масъулиятлар қўяди. Қайд этиш керакки, мамлакатимиз ва давлатчилигимиз тарихининг ажралмас ва таркибий қисмларидан бири бўлган Ургут тумани ҳудуди ҳозирда ҳам республикада ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи ҳудуд ҳисобланади десак муболаға бўлмади.

Ургут тумани Самарқанд вилоятида жойлашган ва 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган туман бўлиб, у Самарқанд вилоятининг Булунғур, Тойлоқ, Самарқанд туманлари, Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани ва Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти Панжикент тумани билан чегарадошдир. Туман ҳудуди умумий 1147 кв.км бўлиб, денгиз сатҳидан

1000 м баландликда жойлашган. 2021 йил 1 октябрдаги статистик маълумотларга кўра аҳоли сони 528.900 кишини ташкил этади.¹

Ҳозирги кунга қадар Ургут тумани ҳудудидан 362 та археологик ёдгорлик топилган бўлиб, ёдгорликлар баъзиларининг ёши инсоният таракқиётининг энг қадимги даврларига бориб тақалади. Ушбу ёдгорликлардан тахминан 170 тасида археологик тадқиқотлар амалга оширилиб, маълум маънода ўрганилган бўлса ҳам ҳудуд тарихий ривожланишининг асосий босқичларини ёритишда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.² Ургут тумани ҳудудида дастлабки археологик тадқиқотлар 1930 йиллардан бошланган бўлиб, ушбу археологик тадқиқот ишлари учун Самарқанд музейи археологик экспедицияси (Г.В.Григорьев раҳбарлигида) ташкил этилган эди. Кейинчалик бир қатор олимлар, жумладан, Д.Н.Лев, А.Асқаров, Н.Ташкенбаев, Н.Аванесова, А.Бердимуродов, М.Самибаев ва бошқа тадқиқотчи олимлар унинг тарихини ўрганишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Тадқиқотлар давомида бир қатор ёдгорликлар ўрганилди. Жумладан, Ургут тумани ҳудудида палеолит даврига мансуб бўлган учта ёдгорлик (Омонқўтон, Такалисой ва Гўрдара) мавжуд бўлиб, улар туманнинг жанубий ҳудуди тоғларида жойлашган. Бу даврга оид ёдгорликлар санокли топилган бўлса-да, муҳим тарихий аҳамиятга эга. Шу боис, Ургут тумани энг қадимги манзилгоҳларидан Омонқўтон ғор макони хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқ мақсадга мувофиқ.

Омонқўтон ғори неандертал одамларнинг макони бўлиб, Ургут туманининг Омонқўтон қишлоғи яқинида жойлашган. Ёдгорлик 1947 йил Д.Н.Лев раҳбарлигида СамДУ экспедицияси томонидан кашф қилинган. Макон 1947-1957 йилларда қазиб ўрганилган. Ёдгорлик Зарафшон воҳасида мустъе даврига оид биринчи бор топилиб ўрганилган макон ҳисобланади. Унинг тадқиқ қилиниши воҳада кенг археологик ишларни йўлга қўйишда бошланғич нуқта бўлиб қолди ва бу минтақни чуқурроқ ўрганишнинг истиқболи борлигини кўрсатди. Текширилган маданий қатламнинг қалинлиги 25 см дан 1,5 м гача этади. Ундан 220 та тош ашёвий топилмалар йиғиб олинган. Ғордан ҳаммаси бўлиб 37 та тош қурол топилган. Шулардан 2 таси яхши ишланган қўл сихчаси ва 2 таси қирғичсимон қуроллар мустъе даври кишиларининг дид билан тошни қайта ишлаш услубини кўрсатади.³

Мезолит ва неолит даврларига келиб аҳоли яшаш пунктлари тоғ ғорларидан воҳа қуйи қисмлари ва чегарадош ҳудудларга кўчди. Бронза даврига келиб аҳоли ҳудуднинг Мўминобод, Ғўс, Файзобод каби ҳудудларида яшаганлигини кўришимиз мумкин. Илк темир даврига оид тўрт ёдгорлик эса ўзида бой археологик материалларни номоён этиб, ҳудуд тоғ сойлари суғориш тизимига асосланганлигини кўрсатади. Антик даврга

¹https://samstat.uz/uz/?preview=1&option=com_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=284&id=1705&Itemid=1000000000000

² Бердимуродов А.Э. «Каталог археологических памятников Узбекистана» Том 1. Самаркандская область. Часть 3. Ургутский район / Бердимуродов А.Э. – Самарканд, 2017 г. Стр-4.

³ М.Ж.Жўракулов. «Ўрта Осиё ибтидоий археологияси». Тошкент, «Ўқитувчи» . 1984 й, 51-бет.

келиб туман худудидаги ёдгорликлар сони айтарли даражада ўсди деб айта олишимиз мумкин (ҳозирги кунга қадар тахминан 42 та объектни ташкил этади).¹ Бу даврда Ургут туманининг шимолий худудларида илк бор Қулдортепа каби муҳим аҳоли пунктлари пайдо бўлди. Амалга оширилган тадқиқот ишлари (Ставиский, 1959; Ставиский, Урманова, 1958; Сандибоев, 2018, 2019 йилда Ўзбекистон-Корея археологик экспедицияси аъзолари) асосида асримиз бошларида шаклланган Қулдортепа ёдгорлигида милодий III-IV асрларда кенг қўламли қурилиш ишлари олиб борилганлиги, ёдгорлик муҳофаа деворлари шундан кейин илк ўрта асрларда ҳам кенг қўлланиб келинганлиги борасида хулосага келинган. VIII асрнинг биринчи ярмида арабларнинг юришлари оқибатида аҳоли манзилгоҳи тушкунликка учраб, IX-X асрларда ўз мавқеъини йўқотган.² Қолаверса, антик даврда муҳим бўлган худуднинг суғориш тармоқлари, Зарафшон дарёси каналлари (Дарғом ва Янгиарик) ташкил топди. Илк ўрта асрларга келиб худудда аҳоли пунктлари ва ёдгорликлар сони ортиб борди. Жумладан, бунга илк ўрта асрларга оид, тахминан, 106 та ёдгорлик гувоҳлик беради.³ Манғитобод, Қулдортепа ва Мозортепа каби қалъа ва шаҳарлар худуд инфратузилмаси ва суғориш тизимларини бошқарди. «Жартепа-2» каби ёдгорликларнинг мавжудлиги эса худуд меъморчилиги ва деворий тасвири ривожланганлигини кўрсатади. Ривожланган ўрта асрлар даврига оид ёдгорликлар сони камайиб, тахминан, 43 тани ташкил этади.⁴ Бу балки араблар истилосидан кейинги қайта жойлаштиришлар билан алоқадор бўлиши ҳам мумкин.

Юқорида Ургут тумани худудидаги археологик ёдгорликларнинг баъзиларига қисқа тавсиф берилди. Шундай бўлса-да, юқоридагилардан худуд тарихининг қадимийлиги, аҳолиси турмуш тарзи, урф-одатларининг ўзига хослигини англашимиз мумкин. Мазкур маданиятларсиз Ватанимиз худуди тарихини тўлақонли тасаввур этиш қийин.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Тошкент, «Ўзбекистон» 2017.
2. Бердимуратов А.Э. Каталог археологических памятников Узбекистана. Том 1. Самаркандская область. Часть 3. Ургутский район / Бердимуратов А.Э. – С., 2017.
3. Жўракулов М.Ж. Ўрта Осиё ибтидоий археологияси. –Т., «Ўқитувчи», 1984.
4. Сандибоев А.Н. Маймуғ илк ўрта асрларда. Монография. -Самарқанд, 2021.
5. Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар, 2018-2019 йиллар, 12-сон. -Самарқанд, 2020.

¹ Бердимуратов А.Э. «Каталог археологических памятников Узбекистана» Том 1. Самаркандская область. Часть 3. Ургутский район / Бердимуратов А.Э. – Самарқанд, 2017 г. Стр-5.

² «Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар, 2018-2019 йиллар, 12-сон» Самарқанд-2020, 282-288-бетлар.

³ Бердимуратов А.Э. «Каталог археологических памятников Узбекистана» Том 1. Самаркандская область. Часть 3. Ургутский район / Бердимуратов А.Э. – Самарқанд, 2017 г. Стр-5.

⁴ Бердимуратов А.Э. «Каталог археологических памятников Узбекистана» Том 1. Самаркандская область. Часть 3. Ургутский район / Бердимуратов А.Э. – Самарқанд, 2017 г. Стр-5.

**ПРОБЛЕМА ПЕРИОДИЗАЦИИ СТАНОВЛЕНИЯ
АНТРОПОГЕННЫХ ЛАНДШАФТОВ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ
КОТЛОВИНЫ НА ОСНОВЕ ИСТОРИКО-АРХЕОЛОГИЧЕСКОГО
МЕТОДА ИССЛЕДОВАНИЯ**

Изучение становления и функционирования антропогенных ландшафтов требует своеобразных методов исследования, одним из которых является историко-археологический.

Данный анализ наиболее приемлем при изучении антропогенных ландшафтов в историко-генетическом и структурно-динамическом аспектах, мелко и среднемасштабном картографировании, выявлении зонально-региональных особенностей и реконструкции погребенных селитебных, древнепромышленных ландшафтов земель древнего орошения.

Историко-археологический метод исследования базируется на материалах археологических экспедиций, раскопок и сведений, а также непосредственных полевых наблюдений, произведенных в исторических и функционирующих объектах - аналогах.

На основе историко-археологического метода исследования можно решить ряд проблемных вопросов, являющихся актуальными на современном этапе изучения антропогенных ландшафтов: 1) определение степени воздействия хозяйственной деятельности человека на природную среду по историко-географическим периодам; 2) установление основных этапов становления и развития антропогенных ландшафтов; 3) выявление возникновения различных временных категорий антропогенных ландшафтов и установление их возраста; 4) определение основных центров освоения ландшафтов по палеогеографическим и историко-археологическим периодам; 5) поэтапное реконструирование структуры палеоантропогенных ландшафтов; 6) изучение в сравнительном аспекте древних и современных антропогенных ландшафтов; 7) выявление характера природопользования за исторические и социально-экономические периоды; 8) установление закономерностей пространственной дифференциации сопутствующих физико-географических процессов, возникающих под влиянием антропогенного фактора.

В результате использования историко-археологического метода нами выявлены следующие периоды формирования антропогенных ландшафтов Сурхандарьинской котловины.

1. Период господства естественных ландшафтов охватывает плейстоцен (палеолит, 500-12 тыс. лет назад), который является эпохой присваивающей экономики древнего человека. В это время влияние

человека на ландшафт не выходило за рамки естественных сукцессий и сопровождалось коренными изменениями их структуры. Основными культурами являлись ащельская, мустьерская и позднего неолита.

2. Период становления предпосылок к формированию антропогенных ландшафтов соответствует голоцену (мезолит, 12-6 тыс. лет назад), когда человек, занимаясь охотой, собирательством, строительством и скотоводством, способствовал своеобразной модификации растительного покрова и нарушению экологической среды. Тем самым наметились определенные предпосылки для перехода от количественных изменений к качественным. Существовала культура мезолита.

3. В период возникновения локальных антропогенных ландшафтов по времени соответствует среднему голоцену (неолит и энеолит, 6-3 тыс. лет назад) В этом периоде значительно улучшается быт людей и формируется хозяйственная жизнь. Появляются антропогенная эрозия и засоление почв, оврагообразование и развевание песков. В энеолите, наряду с пашенными пастбищно-дигресоионными ландшафтами, начали функционировать элементы производственных структур.

Основные культуры: джейтунская, кельтеминарская и культура энеолита типа Анау.

4. Период активного формирования антропогенных ландшафтов в эпоху производящей экономики соответствует первой половине голоцена (бронза, 3,5 - 2 тыс. лет назад). С возникновением оседлого земледелия развиваются не только пахотные орошаемые сельскохозяйственные ландшафты, но и селитебные - сельского и городского типов. Структура антропогенных ландшафтов усложняется также ирригационными, промышленными и древнеселитебными комплексами. Наряду с эрозией и засолением почв активизируется накопление агроирригационных наносов. Основные культуры: Заманбабинская, Суярганская, Чустская, Сапаллинская и Амирабадская.

5. Период интенсивного формирования различных видов антропогенных ландшафтов соответствует второй половине верхнего голоцена (железо, от I тысячелетия до н.э. и до середины XX в.). Он отличается всесторонним развитием антропогенных ландшафтов и разнообразием их структурных геосистем, такие как оазисные селитебные, сельскохозяйственно – орошаемые и богарные, террасированные склоновые лесокультурные, промышленные и т.д.

6. Новейший период или период НТР начинается с середины XX века и продолжается в наши дни. К этому времени человек овладел энергией атома, освоил космическое пространство, началась в грандиозном масштабе трансформация ландшафтов, оформились геотехнические системы.

В структуре ландшафтов Сурхандарьинской котловины стали доминировать мелиоративные природно-технические системы,

водохранилища, рекультивированные антропогенно-пастбищные, рекреационные комплексы.

Литературы

1. Абдулкасимов А.А. Оазисные ландшафты Средней Азии и их морфологическая структура. В.Сб.; «Вопросы антропогенного ландшафтоведения». - Воронеж, 1972.
2. Абдулкасимов А.А. Роль антропогенного фактора в формировании современных ландшафтов. В.кн.; «Вопросы природного районирования Узбекистана». - Ташкент, 1966.
3. Аскарлов А. Поселение древних земледельцев на Юге Узбекистана. ОНУ, 1971, №8.
4. Аскарлов А. Бронзовый век Южного Узбекистана. Автореферат на соискание учёной степени доктора исторических наук. -М., 1976.
5. Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. - Ташкент, 1977.

*Зияев Х.,
СамДУ магистранти
Мамадиёров У.
СамДУ 4-курс талабаси*

ТУРКИЙЛАР ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Маълумки, “турк” сўзи бақувват, баркамол, одиллик каби маъноларни англатади. Мана шундай сифатга эга бу халқлар дунё цивилизациялари тарихида бекиёс ўринга эга¹. Тили, маданияти, қадриятлари муштарак бўлган туркий халқларнинг бирдамлик ғояси бугун пайдо бўлган эмас. Тарихий илдизларига кўра туркий халқларнинг келиб чиқиши милоддан аввалги минг йилликларга бориб тақалади². Қадимдан туркий давлатлар ўз даврининг энг қудратли салтанатларидан бўлган. Туркий халқлар дунёси эса мутлақо бошқача, айтиш мумкинки, ўзгача цивилизация. Узоқ вақт давомида қадимги Турк цивилизацияси фақат кўчманчиликка асосланган, деб ҳисобловчи тадқиқотчилар томонидан уларнинг тарихи ҳам, давлатчилиги ҳам, маданияти ҳам бўлмаган, фақат тили яқин қабилаларнинг аралашувидан иборат этно-лингвистик бирлик сифатида қаралиб келинди. Ҳозирги кунда ҳам бир қатор олимлар томонидан қадимги туркларга нисбатан «кўчманчи цивилизация» атамаси қўлланилмоқда. Кўчманчилик қадимги туркларнинг бирламчи ҳаёт тарзи бўлмаган ва уларнинг катта қисми ўтроқ ҳаёт кечирган. Уларнинг таъсирида туркий тил ва турмуш тарзи кенг ёйила бошлаган, илм-фан, маданият ва санъат юксак ривожланган, кўплаб буюк алломалар етишиб чиққан. Мазкур халқларнинг улкан кашфиётлари, нодир асарлари нафақат туркий тилли халқлар, балки

¹ Рахмон Н. Турк хоқонлиги. -Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 42-бет.

² Гумилёв Б. Қадимги турклар. -Т., 2006. 7-бет.

бутун жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса бўлиб кўшилди. Ўрта Осиё сарҳадларида моддий, маданий ва археологик мерос объектлари тадқиқотларида қўлга киритилган бирламчи манбалар асосида қадимги ва ўрта аср маданиятлари ўзаро алоқадорлигида улкан маданий мерос ва инновациялар яратилганлигини кўрсатади. Турк цивилизациясига мансуб халқлар дунёда транспорт воситалари ва ҳарбий иш ривожини янги босқичга олиб чиқди.¹ Ушбу ихтиролар дунё миқёсидаги савдо ва маданий алоқаларнинг ривожланишига, йирик миграцияларнинг амалга ошишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Натижада Хитойдан то Европа минтақаси оралиғида жойлашган давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, илм-фан ривожини учун беқиёс аҳамиятга эга маданий айрибошлаш жараёнига ижобий туртки берди.

Ўрта асрларга келиб туркий халқларнинг жаҳон тамаддунлар ривожига кўшган ҳиссаси янада салмоқли бўлди. Маълумки, ўша даврларнинг анъаналарига кўра, маърифатпарвар мутафаккир ва файласуфлар, олимлар ва шоирлар одатда ҳукмдорлар ва султонлар саройларида паноҳ топганлар. Улар орасида IX-XI асрларда Хивада ташкил этилган Маъмун академияси ва “Байтулхикма”, яъни “Донишмандлик уйи” деган ном билан шуҳрат қозонган Бағдод академиясида самарали меҳнат қилган бир гуруҳ олимлар бутун дунёга донг таратдилар.

Туркий давлатлар жойлашган минтақада IX-XII ва XIV-XVI асрларда вужудга келган қудратли илмий-маданий юксалишлар жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ уйғониш даври – Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.

Шу билан бирга кўплаб тадқиқотчилар қайд этганидек, агар Европа Уйғониш даврининг натижалари сифатида адабиёт ва санъат асарлари, архитектура дурдоналари, тиббиёт ва инсонни англаш борасида янги кашфиётлар юзага келган бўлса, Шарқ Уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, математика, астрономия, физика, химия, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида намоён бўлди. Ўрта асрларда фаолият олиб борган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, дунё тарихидаги биринчи туркий тиллар луғати бўлмиш “Девони луғатит-турк” китоби муаллифи Маҳмуд Қошғарий²лар барча туркий тилли халқлар учун кадрлидир.

XV асрда Самарқандда шаклланган Мирзо Улуғбекнинг илмий мактабида жаҳон тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган илмий кашфиётлар қилинди. Улуғбек вафотидан сўнг Мирзо Улуғбекнинг шогирди Али Қушчи томонидан давом эттирилган. Турк султони Муҳаммад II (1451-

¹ Эршагев Ш. Қадимги цивилизациялар. –Т., 2016. 323-бет.

² Salima Rustamiy. Маҳмуд Қошғарий туркий тилларнинг фонетик, график ва морфологик хусусиятлари ҳақида. The Light of Islam, 2-сон 2020 йил. 37-бет.

1481) тараққийпарвар шахс бўлиб, саройга хизматга таклиф килади ва олимларга раҳбар қилиб тайинлайди. Али Қушчи Туркияда олимлар, файласуфлар, шоирларни ўз атрофига тўплаб, илмий ишларни тараққий эттиришга интилади, ўзи эса риёзиёт, фалакиёт, фалсафа, мантиқ, адабиёт, мусика ва бошқа фан соҳаларидан рисоалар ёзади. Шу даврда жаҳон миқёсидаги олий таълим тизимининг энг намунали тизимларидан бири туркий дунёда ташкил этилди.

XVI асрда Усмонлилар империясида ҳам таълим тизими ривожланиб, замон руҳига мос тарзда янада ривожлантирилди. Мехмед мадрасаси, Сулаймония тиббиёт мадрасаси¹ каби таълим масканларида қатор олимлар муҳим кашфиётлар қилишган.

Туркий халқлар ўртасидаги яқинлик нафақат муштарак маданият, тил, дин ва ўхшаш кадриятлар, балки қадимдан савдо алоқалари йўлга қўйилиб, ўзаро борди-келди, ҳамкорлик қилиб келингани билан ҳам боғлиқ. Бу ришталар собиқ Иттифоқ даврида узилиб қолган, чекланган бўлса-да, аммо собиқ Иттифоқ парчалангандан сўнг қон-қардошлик туйғуси яна эски ўзанини топди. Маданий-тарихий алоқалардан ташқари туркий тилли давлатлар ўртасида сўнгги ўн йилликда амалга оширилаётган ишлар алоҳида таҳсинга сазовор. Ушбу масалага янгича руҳ бағишлаган воқелик деб Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг ташкил этилиши ва бу халқаро ташкилот томонидан амалга оширилаётган тадбирлар десак муболаға бўлмайди.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши халқаро ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, фаолиятининг асоси туркий тилли мамлакатлар ўртасида дўстлик ва қўшничиликни мустаҳкамлаш, ҳудудда ва жаҳонда тинчликни сақлаш, хавфсизлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилган.

2009 йилнинг 3 октябрида Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистондан иборат тўрт давлат иштирокида Туркийзабон давлатларнинг ҳамкорлик кенгаши тузилгани эълон қилинган бўлиб, унинг фаолияти принциплари 2016 йил 16 сентябрдаги Истанбул декларациясида эълон қилинган. Ушбу келишувдан кейин туркий тилли давлатлар манфаатини бирлаштирувчи жиддий ташкилот пайдо бўлди². Энди бу халқаро ташкилотга айланди. Бу ташкилот таркибидаги давлатлар томонидан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданият ва спортга оид барча масалада ўзаро ҳамкорлик янги поғонага кўтарилмоқда. Айни вақтда халқларимизнинг ҳаётий манфаатларига тўла жавоб берадиган иқтисодиёт, инвестиция, инновация, транспорт ва коммуникация, туризм, илм-фан ва таълим каби соҳаларда ўзаро ҳамкорлик фаол ривожланмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йилда “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини ратификация қилиш тўғрисида”ги қонунни имзолади. Ўзбекистон

¹ Клейменова А.Е. Культура Турции XIV – XVII века. -М., 1994. -С.445.

² <http://uza.uz/posts/199806>

рахбарининг Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Озарбайжон президентлари билан учрашув ва мулоқотлари самарасида турли соҳалардаги ҳамкорлик янада ривожланди.

Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо мамлакатлар, аввало, кўшни давлатлар билан ҳамкорликни изчил ривожлантираётгани, ушбу халқаро тузилманинг келажагига катта умид ва ишонч билан қараётганидан далолат беради.

Каримов Р.,

*СамДУ археология кафедраси
ассистенти*

Амонов С.,

*СамДУ археология кафедраси
магистранти*

ЮРТИМИЗ ТОШ ДАВРИ АРХЕОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШДА ХАЛҚАРО ЭКСПЕДИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейинги 30 йиллик давр мобайнида бошқа жабҳаларда бўлгани сингари археология соҳасида ҳам қатор ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон археологияси жаҳонга юз тутди. Бой ҳамда қизиқарли ўтмишимиз жаҳон ҳамжамиятини эътиборини тортиб келди ва дунё олимлари юртимиздаги археологик ёдгорликларни ўрганишга қизиқишлари ортди. Бироқ фақат мустақилликдан кейингина бундай имкониятлар туғилди. Ўзбек археологлари билан дунёнинг энг илғор археологик мактаблари мутахассислари ўртасида илмий ҳамкорликлар йўлга қўйилди. Ҳозирда археология соҳасида қадим ўтмишимизнинг турли даврлари бўйича 20 дан зиёд халқаро ҳамкор археологлар гуруҳлари билан илмий ишлар олиб бормоқда. Улар билан кадрлар алмашилиш ва кадрлар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди. Юртимизда биргина тош даврини ўрганиш бўйича Ўзбекистон-Полша, Ўзбекистон-Америка, Ўзбекистон-Россия-Белгия, Ўзбекистон-Франция, Ўзбекистон-Япония, Ўзбекистон-Хитой каби халқаро экспедициялар фаолият кўрсатмоқда ва Ватанимиз тарихидаги муҳим саҳифаларни очмоқда.

Халқаро экспедициялар тадқиқотлари натижасида юртимизда палеолит даврига оид Ангиллоқ, Тўдахотин, Ангрен, Тешиктош 2, Оёқоғитма, Бўкантоғ (№23 ва 24 пунктлар) каби янги ёдгорликлар очиб ўрганилди. Кўлбулоқ, Қизилолма 2, Обираҳмат, Қўтирбулоқ, Зирабулоқ, Омонқўтон ва ҳ.к. ёдгорликларида, неолит даврига оид Оёқоғитма, Қайнаркамар, Тўда неолит даври ёдгорликларида илмий тадқиқот ишлари давом эттирилди. Натижада қатор жиддий ютуқларга эришилди.

Халқаро экспедицияларда Ўзбекистоннинг илмий муассасаларидаги ёш тадқиқотчилар ҳам иштирок этишиб, ўз малакаларини ошириб

бормоқдалар ва археологиянинг қатор соҳалари бўйича истиқболли мутахассислар етишмоқда.

Мустақилликдан кейинги йилларда Археология институти ёшлари Франция, Германия, Италия, Япония, Хитой давлатларининг етакчи илмий тадқиқот марказларида малака ошириб келдилар. Ушбу ёш олимлар дунёнинг илғор тадқиқот услубларини ва бой адабиётларини юртимизга олиб келиб, ўз илмий ишларида қўлламоқдалар.

Ўзбекистоннинг қадимги тош даври археологик ёдгорликларини ўрганишдаги муаммоларга хорижлик мутахассисларнинг қарашларини таҳлил қилиб, улардан айримларининг ечимини топиш, Ўзбекистонда халқаро ҳамкорликда амалга оширилган тадқиқотларнинг илмий аҳамиятини белгилаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Кўлбулоқ, Обираҳмат, Палтов, Додекатем, Кўкаяз каби палеолит ёдгорликларининг Ўзбекистон-Россия халқаро археологик экспедицияси томонидан, Ўзбекистон-Польша, Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедициялари томонидан Қизилқумда неолит ёдгорликлари, Ўрта Зарафшон воҳасида СамДУ археологик экспедицияси томонидан мезолит ва неолит ёдгорликларини тадқиқоти жараёнида муҳим археологик манбалар қўлга киритилдики, бу манбалар Ватанимиз сарҳадларида антропогенез масаласини ойдинлаштириб берди¹ (Обираҳмат одами), мезолит, неолит жамоалари моддий маданияти янги қирралари ёритилишига эришилди, ишлаб чиқариш иқтисодиёти шаклланиши ва унинг тарихий илдизлари, жамоалар маданий алоқалари каби долзарб масалалар илмий асос топди. Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедициялари томонидан Қизилқумда неолит ёдгорликлари, Ўрта Зарафшон воҳасида СамДУ археологик экспедицияси томонидан мезолит ва неолит ёдгорликларини тадқиқоти жараёнида муҳим археологик манбалар қўлга киритилдики, бу манбалар Ватанимиз сарҳадларида антропогенез масаласини ойдинлаштириб бериб, мезолит, неолит жамоалари моддий маданияти янги қирралари ёритилишига эришилди.

2002 йилда Калтаминор маданиятини ўрганиш учун Ўзбекистон²-Франция³ халқаро археологик экспедицияси ташкил қилинди. Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб Калтаминор маданиятига оид Оёқоғитма ёдгорлигида турли фан соҳалари (палеоботаника, археозоология, полинология, микроклим, геология, седиментология, микроморфология, топография, ГИС) 40 га яқин мутахассислар изланишлар олиб боришди.

¹ Деревянко А.П., Кривошапкин А.И., Славинский В.С., Анойкин А.А., Чикишева Т.А., Вринн П., Милютин К.И., Колобова К.А. Анализ каменной индустрии и антропологических находок из слоя 16 грота Оби-Рахмат (Республика Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. – Новосибирск: Изд-во ИАЭТ СО РАН, 2003. – С. 63-73;

² Szumchak K., Khujanazarov M. Exploring the Neolithic of the Kyzyl-Kums Ajakagytma “the site” and other collection. Warszawa university 2006.

³ BRUNET F., «The Technique of Pressure Knapping in Central Asia: Innovation or Diffusion? ». In DESROSIERS P. M. (éd.), The Emergence of Pressure Blade Knapping: From Origin to Modern Experimentation: 307-328. Springer-Verlag, Heidelberg. 2012. -P.307-328.

Ўзбек-француз ҳалқаро экспедицияси тадқиқотлари натижасида Оёқоғитма макони илк неолитга оид материалларини кенг миқёсда қиёслаш асосида ёдгорликда тошга ишлов беришнинг Самарқанд сўнгги палеолит маданиятида ҳукм сурган техник анъаналарнинг давом этганлиги ҳамда Қизилқум худудида тарқалган ва Калтаминор маданияти илк неолитга оид комплексларининг пайдо бўлишига тамал тошини қўйган мезолит даври жамоаларининг ушбу юқори палеолит маданияти асосида шаклланганлиги аниқланди. Қўлга киритилган натижалар нафақат Оёқоғитма макони, балки бутун Калтаминор маданиятининг генезиси масалаларига ойдинликлар киритди.

2009-2011 йиллари Навоий вилояти Сармишсой ёдгорлигида Ўзбекистон- Франция, Ўзбекистон-Норвегия, Ўзбекистон-Полша экспедициялари тадқиқот ишларини олиб боришди. Улар нафақат қоятош суратларини, балки ёдгорлик атрофидаги барча турдаги ёдгорликларни комплекс тарзда ўрганди¹.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда палеолит даврини ўрганиш ишлари мустақилликдан кейинги ўтган 30 йил мобайнида янги босқичга кўтарилди. Халқаро ҳамкор экспедицияларининг юртимиз ёдгорликларида олиб борган илмий изланишлари эришилган ютуқларда катта аҳамият касб этди.

Адабиётлар

1. Деревянко А.П., Кривошапкин А.И., Славинский В.С., Анойкин А.А., Чикишева Т.А., Вринн П., Милютин К.И., Колобова К.А. Анализ каменной индустрии и антропологических находок из слоя 16 грота Оби-Рахмат (Республика Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. – Новосибирск: Изд-во ИАЭТ СО РАН, 2003. – С. 63-73;

2. Szumchak K., Khujanazarov M. Exploring the Neolithic of the Kyzyl-Kums Ajakagytma “the site” and other collection. Warszawa university 2006.

3. Brunet F., «The Technique of Pressure Knapping in Central Asia: Innovation or Diffusion? ». In DESROSIERS P. M. (éd.), The Emergence of Pressure Blade Knapping: From Origin to Modern Experimentation: 307-328. Springer-Verlag, Heidleberg. 2012. -P.307-328.

4. Хўжаназаров М ва бошқ. Работы Сармишсайского археологического отряда в 2010-2011 годах. Арх. Исследования в Узбекистане 2010-2011. –С., 2012. 289-300 бб.

Окилова Ш.К.,

*студентка 2 курса исторического
факультета СамГУ*

АНТРОПОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ НАСЕЛЕНИЯ ТАДЖИКИСТАНА

Антропологическое изучение таджиков началось во второй половине XIX века. Многие ученые внесли значительный вклад в изучение антропологии таджиков, среди них можно выделить работы А.И.Федченко, К.Е.Уйфальви, С.Д.Масловского, Н.В.Богоявленского, В. А.

¹ Хўжаназаров М ва бошқ. Работы Сармишсайского археологического отряда в 2010-2011 годах. Арх. Исследования в Узбекистане 2010-2011. -Самарқанд, 2012. 289-300 бб.

Благовещенского, А.Стейна и др. Известный исследователь Средней Азии Н. А. Аристов пишет: «В восточной части Средней Азии существовала особая, как признают антропологи, длинноголовая раса со светлой окраской кожи и волос, с зелеными или голубыми глазами...»¹. С. Д. Масловский выделяет среди таджиков пять типов, в том числе северный, который он называет славянским².

Огромный вклад в антропологическое изучение населения Таджикистана внес Л.В. Ошанин, он пришел к выводу, что таджики и памирцы представляют собой единенный самостоятельный автохтонный тип, названной им расой Среднеазиатского междуречья. Этот тип характеризуется им как брахикефальный вариант восточно-средиземноморской расы, на которой в Средней Азии наложился тип центральноазиатских монголоидов. Гиссарская культура (таджикский неолит), датируемая А. П. Окладниковым не позднее III тысячелетия до н. э., приблизительно на тысячу лет предшествует появлению в этом регионе культуры степной бронзы, носителями которой были андроновцы³.

На юге Таджикистана удастся проследить общую картину последовательности археологических культур от неолита до раннего железного века. Неолитические памятники представлены здесь гиссарской неолитической культурой, открытой А.П. Окладниковым в 1948 г. Дальнейший вклад в ее изучение сделан В.А. Рановым и его сотрудниками. Найдено более 300 памятников этой горной неолитической культуры. Границы ее распространения имеют четкие очертания — между Дарвазом на востоке и Сурхандарьей на западе, Гиссарским хребтом — на севере и Северным Афганистаном на юге.

К контактной зоне распространения гиссарской культуры можно отнести поселения Сазаган 2 и Джангал 1 на Среднем Зеравшане (сазаганская культура). Сазаганская культура относится к горному неолиту, в ней прослеживаются многие элементы, характерные для гиссарской неолитической культуры: галечная техника, каменные выкладки — такие же, как в Туткауле, угольнозольные пятна. На нескольких стоянках сазаганской культуры (Сазаган 2, Джангал 1, Тепакуль 3) найдена керамика — тонкостенная, рыхлая, плохо обожженная, с вдавленным орнаментом: «отступающая палочка», насечки, елочка. Эти мотивы типичны для кельтеминарской культуры.⁴

Ряд ученых внесли вклад в развитие антропологии таджиков. Отметим лишь несколько публикаций, содержащих сведения о более или менее

¹Н. А. Аристов, Этнические отношения на Памире и в прилегающих странах по древним, преимущественно китайским, историческим известиям, «Русский антропологический журнал» (далее — РАЖ), 1900, № 3, стр.3.

²С. Д. Масловский, Гальча (первобытное население Туркестана), РАЖ, 1901, № 2, стр. 24.

³В.В. Гинзбург, Т.А. Трофимова. Палеоантропология Средней Азии, М., 1972, стр. 36, 37.

⁴Виноградова Н.М., Кутимов Ю.Г. Погребальные памятники в эпохи бронзы в Южном Таджикистане. -М. 2018. —Стр. 21.

значительном исследованиях. Это статьи С.Д. Масловского об антропологических особенностях различных групп таджиков (1901), Ч. Уйфальви об отдельных группах таджиков и узбеков (1878), и др. к этому времени относится и исследования Н.В. Богоявленского, проведенные в 1898 и 1901 года на Западном Памире, но результаты их опубликованы лишь спустя 40 лет (Гинзбург 1937).¹ В книге «Антропологический состав и вопросы этногенеза таджиков и узбекских племен южного Таджикистана» Л.В. Ошанин приводит сравнительный материал по антропологии некоторых групп таджиков южного Таджикистана и таджиков Сурхандарьинской области Узбекской ССР (находящейся к западу от южного Таджикистана).

В I тысячелетии до н. э. на территории Таджикистана мы уже находим две городские цивилизации: Согдиана (на севере) и Бактрия (на юге), которые впитали в себя как автохтонное неолитическое земледельческое население, так и потомков полукочевых племен, носителей культуры степной бронзы. Эта географическая и этнокультурная разобщенность населения Таджикистана должна была сказаться и на антропологической характеристике северных и южных таджиков вне зависимости от степени примеси монголоидного элемента².

Северные таджики по сравнению с южными более крупноголовы, лица у них шире и выше, лоб несколько шире, нижнечелюстной диаметр больше, нос немного крупнее и уже.

У северных таджиков массивнее череп, развитее надбровье, болеепокатый лоб. У них сильнее развита складка верхнего века, переносье имеет несколько меньшую высоту, чем у южных таджиков. Поперечный профиль носа также имеет более низкий средний балл. Кончик носа более приподнят. Общий профиль носа несколько менее выпуклый. Глаза несколько светлее.

Признак	Памирская (памиро-ферганская)³
Форма волос	Волнистые
Третичный волосяной покров	Сильный
Пигментация	Смуглая кожа. Черные волосы, темные глаза с примесью смешанных
Профилировка лица	Ортогнатизм. Горизонтальная профилировка сильная
Размеры и форма лица	Средне высокое, узкое
Нос	Переносье среднее или высокое, спинка прямая или выпуклая

¹ Алексеев В.П., Аскарлов А.А., Ходжайов Т.К. Историческая антропология Средней Азии. -Т., 1990. –Стр. 79.

² Платонова Н. А. Антропологическое исследование в Средней Азии. ч. II. -М., 1974. -Стр. 126-129.

³ Бунак В.В., Нестурх М.Ф., Рогинский Я.Я. Антропология. -М.1941. -Стр. 292-293.

Строение верхнего века	Эпикантуса нет, складка выражено слабо, часто отсутствуют
Губы	Тонкие или средние. Кожная часть низкая
Подбородок	Средне развит
Лоб и надбровье	Лоб прямой, надбровье слабое
Размеры и форма головы	Короткая, средне широкая, брахикефальная
Рост	Выше среднего (165-167)
Локализация	Средняя Азия, Закавказье, Анатолия Горные таджики. В смешанном виде равнинные таджики и городские узбеки. Среднеазиатские верей. Часть азербайджанских тюрков. Тюрки Малой Азии
Место в системе рас первого порядка	Европеоидная

До настоящего времени памятников эпохи энеолита на территории Южного Таджикистана не обнаружено. Раскопки таких памятников, как Заман-баба и древнеземледельческого поселения Саразм свидетельствуют о древних связях населения долины Зеравшана и Южного Туркменистана в эпоху энеолита иранней бронзы.

Предположения ученых о том, что население на юге Таджикистана обитало уже в III тыс. до н. э., подтвердилось раскопками могильников Фархор и Кангуртут 2. Исследования на этих памятниках во многом меняют наши представления относительно происхождения и существования земледельческих и степных культур на юге Таджикистана во второй половине III — начале II тыс. до н. э.

Культура Фархор была открыто по археологическим данным, полученные в результате работы экспедиции Института истории, археологии и этнографии им. А. Дониша в 2013-2014 гг. В предыдущие годы на территории современного городского кладбища на возвышенности Уртабоз при рытье могил местное население находило многочисленные предметы эпохи средней бронзы (конец III -начало II тыс. до н.э.) – каменные гири, колонки, «жезлы», керамические «модели домов», серебряные браслеты и керамические сосуды¹.

Могильник Фархор – самый ранний из всех известных погребальных комплексов на юге Таджикистана. Древний могильник находится на возвышенности Уртабоз в местности Чилтанбобо на окраине г. Пархар⁷. Это южная часть лессового массива Уртабоз на стрелке двух рек – Пянджа и

¹ Виноградова Н.М. Юго-западный Таджикистан в эпоху поздней бронзы. –М., 2004.

Кызылсу. Все холмы в местности Чилтанбобо сплошь покрыты современными могилами. При устройстве могил были обнаружены различные предметы, датируемые временемранней и средней бронзы (вторая половина III тыс. до н.э.). Это изделия из камня: мраморные гири, «жезлы», а также глиняная коробочка, серебряные браслеты и керамические сосуды.¹

У горных таджиков Южного Таджикистана, подобно другим народам Средней Азии, бытует представление о ритуальной нечистоте дома умершего в течение первых трех дней после похорон.

На материалах погребальной обрядности горных таджиков Южного Таджикистана рассмотрены пережитки древних верований у населения одной из крупных историко-культурных областей, именуемой в средневековье Тохаристаном, а на начало XX века- Восточной Бухарой. Сопоставив верования и обрядности таджиков с другими народностями выявили: насыщенность похоронно-поминального цикла горных таджиков Южного Таджикистана рудиментами доисламских верований. Значительная их часть восходит к зороастризму или более ранним пластам индоиранских верований. Присуще зороастризму дуализм, противопоставление светлых сил темными- добра злу является определяющим моментом исключительно всех обрядов похорон и поминок. Это злые и добрые духи, верования о смерти и души (преодолений душой водных и иных препятствий), одухотворение сил природы (культ огня, земли, деревьев и камня), представления связанные с животным миром (культ лошади, овцы, козы, быка), культ предков и умерших, ритуалы очищения и траур. Впервые проведенный всесторонний анализ верований цикла похорон по-новому осветил многие известные факты, выявления новые ранее не описанные: демон в образе ветра «шамол» или войско демонов «лашкар», прежде отмеченный лишь у равнинных таджиков Самарканда. Демонологические образы, сны как причины и предвестники смерти².

*Омонов А.М.,
ЎзФА Миллий археология
Маркази кичик илмий ходими*

ЛЕВАЛЛУА КОНЦЕПТУАЛ ЧАҚМОҚЛАШ ТЕХНИКАСИ ВА ЎРТА ОСИЁДА АШЕЛ МАДАНИЯТИНИНГ ИККИНЧИ МИГРАЦИОН ОҒИМИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Ўрта Осиё худуди ўзининг қулай палеоэкологик шароитлари билан инсоният тарихининг энг қадимги босқичларидан бошлаб аждодларимизни ўзига жалб қилиб келган. Бу худуд инсоният тарихини бошлаб берган –

¹ Виноградова Н.М., Кутимов Ю.Г. Погребальные памятники в эпохи бронзы в Южном Таджикистане. -М., 2018. –Стр. 27.

² Бабаева Н.С. Древние верования горных таджиков Южного Таджикистана в похоронно-поминальной обрядности. -Д., 1993. –Стр. 140-141.

олдувой (кўп ҳолларда ушбу маданият *соан ёки галкали индустриялар* номи билан аталиб келган), яъни Хомо хабилислар маданияти томонидан бундан 2 млн. йиллар муқаддам ўзлаштирила бошланган. Бу маданиятнинг ёдгорликларига Фарғона водийсидаги Чашма, Сўх, Оҳангарон водийсидаги Тошсой манзилгоҳлари, Тожикистон ҳудудидаги Қоратов 1, Туркманистон ва Жанубий Қозоғистон ҳудудидаги бир қатор макон-манзилгоҳлар ва топилма жойлар киритилди.

Инсоният тараққиётининг иккинчи босқичи илк палеолит – ашел даврининг бошланиши билан ҳамоҳанг кечди. Сўнгги археологик тадқиқотлар натижасида ашел маданияти Африкада бундан 1,75 млн. йиллар муқаддам шаклланганлиги маълум бўлди. Дастлабки бифас қуролларнинг пайдо бўлиши ҳам шу даврга бориб тақалади. Бифаслар ишлаб чиқаришни билган жамоалар маданияти – ашел комплекслари вужудга келди. Африка қитъасида пайдо бўлган ашел маданияти жамоалари, эҳтимол, 1,5 млн. йиллар муқаддам Африкадан Яқин Шарқ ва Арабистон орқали Евроосиё қитъасига миграция қилган бўлишлари мумкин [Armitage et al., 2011, pp. 453; Деревянко, 2015, с. 19].

Мазкур жамоалар ашел маданиятининг (олдувойдан кейинги) биринчи миграцион оқими вакиллари ҳисобланишади. Бу маданият соҳибларининг жисмоний типини – Хомо эректуслар эди.

Ибтидоий даврда тошларни чақмоқлашнинг бир неча усуллари мавжуд бўлган, шулардан бири – леваллуа (концептуал) тош синдириш техникасидир [Сайфуллаев, Ҳошимов, 2018, -Б. 89]. Ушбу чақмоқлаш техникаси илк палеолит даврининг ўрта босқичида Шимолий Африка ҳудудида ашел маданияти жамоалари томонидан ихтиро қилинган. Леваллуа техникасида нуклеуслардан синдириб олинадиган тош парчанинг, яъни учириндининг шаклу шамоили устанинг миясида аввалдан проекция қилинади. Битта леваллуа учириндини қўлга киритиш учун ўртача 60 тагача учириндилар тарашланиб чиқитга чиқарилиб юборилиши аниқланган [Kelley, 1954, pp. 162; Lumley, 1974, pp. 120; Lycett, Eren, 2013, pp. 2387]. Леваллуа учириндининг устун томони уни синдириб олинганидан кейин тўғридан тўғри қурол сифатида қўлланилиши ҳамда периметри бўйлаб тайёрлов негативларининг ҳисобига кирраларининг ўткир бўлишида эди. Леваллуа техникасининг пайдо бўлиши қадимги аجدодлар миясининг юқори даражада такомиллашганлигидан гувоҳлик беради. Бундай қуролларни тайёрлаган усталар эндиликда концептуал тафаккур қилиш қобилиятига эга бўладилар. Мана шундай юқори даражада ривожланган ашел маданияти жамоалари демографик ўзгаришлардан кейин Африкадан Яқин Шарқ орқали Евроосиё қитъасига кириб келганлар ва турли минтақаларга тарқалиб, кенг ҳудудларни ўзлаштирганлар. Бу ашел маданияти соҳибларининг Евроосиё қитъасига иккинчи миграцион тўлқини эди.

Дунёнинг турли минтақаларида олиб борилаётган сўнгги археологик тадқиқотлар натижасида леваллуа концептуал тош синдириш техникасининг Африка ва Евроосиё қитъасида аниқланган энг қадимги топилма жойлари хусусида янги маълумотларга эга бўлинди. Жумладан, Африка қитъаси Кениянинг ғарбидан, Богория ва Боринго кўллари атрофидан вулқон кул қолдиғи остидан диаметри 10-20 смгача бўлган леваллуа типидagi тош буюмлар топилган бўлиб, мазкур артефактлар аргон-аргон (радиометрик саналаш) усули асосида 509-284 минг йиллар оралиғидаги давр билан саналанган. Мазкур ҳудуддан нафақат леваллуа типидagi тош буюмлар, балки оҳра қолдиқлари ҳам топилган бўлиб, у 285 минг йиллар билан даврлаштирилган [Deino, McBrearty, 2002, pp. 186; Tryon, McBrearty, Texier, 2006, pp. 199–229]. Марокаш ҳудудидан эса леваллуа техникаси қўлланилган энг қадимги тош буюмлар билан бирга палеоантропологик топилмалар ҳам топилган. Мазкур манзилгоҳ Джебел Ирхуд деб номланиб, Марокашдан чамаси 100 км ғарбда шу номдаги эски шахтадан 315 минг йиллар билан саналанган леваллуа чақмоқлаш техникаси билан боғлиқ энг қадимги тош қуроллар топилган. Энг аҳамиятлиси, ушбу манзилгоҳдан 5 нафар архаик Хомо сапиенсларга тегишли суяк қолдиқлари (катта ёшдаги инсоннинг бош чаноғи, ёш боланинг жағ суяклари, елка суяк ва тоз суяклар) топилган бўлиб, мазкур палеоантропологик топилмалар замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида қарийб 300 минг йиллар билан саналанган. Мазкур топилмалар машҳур француз палеоантропологи Жан Жак Хублин томонидан ўрганилган бўлиб, тадқиқотчи бир неча ҳамкасблари билан ҳаммуаллифликда 2017 йил Nature журналича нашр этилган мақоласи оламшумул шов-шувларга сабаб бўлди [Hublin et al., 2017, pp. 289-292]. Шу вақтга қадар замонавий типдаги одамнинг энг қадимгилари (архаик Хомо сапиенслар) 150-200 минг йиллар билан саналанган бўлса, мазкур тадқиқот натижалари унинг санасини яна 100 минг йилга қадимийлаштирди.

Евроосиё қитъасида эса леваллуа типидagi тош буюмларнинг энг қадимгилари Шимолий Ҳиндистондан (люминесцен усули билан 385000-64000 минг йиллар билан саналанган, Аттирампакам ёдгорлиғи) ҳамда 335 минг йиллар билан қайд этилган обсидиандан ишланган тош буюмлар (Арманистон, Нор-Геги манзилгоҳи) Жанубий Кавказдан топилган [Parpu et al., 2011, pp. 1596-1599]. Хитой ҳудудида леваллуа техникаси бундан 170 минг йил олдин, Яқин Шарқда эса 175 минг йиллар олдин қайд қилинган [Shipton et al., 2013, pp. 93; Lycett, Norton, 2010, pp. 55-65; Porat et al., 2002, pp. 107-122; Valladas et al., 2013, pp. 585–593].

Ушбу тош синдириш усули дастлаб қадимги одамнинг қайси жисмоний типи (Хомо эргастр, Хомо эректус, Хомо гейделберг одами ёки архаик Хомо сапиенс) томонидан қўлланилганлиғи хусусида ҳанузгача аниқ хулосаларга келинмаган. Бу борада тадқиқотчилар томонидан турли хил фикрлар ўртага ташланмоқда. Масалан, ўтган аср охирларида тадқиқотчиларнинг аксар қисми леваллуа чақмоқлаш техникасининг келиб

чиқишини Хомо эректуслар билан боғлаган бўлса, сўнгги ўн йилликдаги тадқиқотлар эса ушбу тош синдириш усулининг кўртаклари архаик Хомо сапиенслар моддий маданиятига бориб тақалиши хусусида янги маълумотлар юзага келмоқда [Adler et al., 2014, pp. 1609-1613].

Фикримизча, бундан бир неча юз минг йиллар муқаддам Шимолий Африкада яшаган қадимги одамлар (эҳтимол, архаик Хомо сапиенслар) леваллуа техникасини кашф қилган ақлли одамлар бўлган, чунки концептуал (ибтидоий уста онгида аввалдан проекция қилиб) тош синдириш техникаси замонавий типдаги (Хомо сапиенс – ақлли одамлар) одамларга хос хусусиятдир. Сўнгги ўн йилликдаги археологик, палеоантропологик ва палеогенетик тадқиқотлар ҳам юқоридаги фикрлар ва дастлабки хулосага келишимизга ундайди. Бироқ ушбу дастлабки хулосаларимиз ҳам нисбийдир, чунки леваллуа чақмоқлаш техникаси билан боғлиқ Евроосиёдаги энг қадимги технокомплекслардан (ўрта ва сўнгги палеолит бундан мустасно, илк палеолит даври ёдгорликлари назарда тутилмоқда) Хомо сапиенслар суяк қолдиқлари (палеоантропологик) ҳанузгача топилмаган.

Юқорида қайд этганимиздек, Африканинг шимолий ҳудудларидан илк палеолит даврига мансуб (Мароқаш, Джебел Ирхуд ёдгорлиги) манзилгоҳдан архаик Хомо сапиенс суяк қолдиқлари билан бирга леваллуа тош синдириш техникасидан ишланган энг қадимги тош буюмлар аниқланган. Бироқ Джебел Ирхуд ёдгорлигидан топилган археологик ва палеоантропологик материаллар ўртасида давр жиҳатдан фарқ бор. Масалан, ёдгорлик тош индустриясида леваллуа типидagi тош буюмлар 315 минг йиллар билан саналанган бўлса, бу ердан топилган палеоантропологик топилмалар таҳлили эса қарийб 300 минг йиллик сана билан даврлаштирилган. Топилмаларнинг даврий жиҳатдан номутаносиблиги, материалларнинг ҳозирча камлиги (бундай топилмалар фақатгина Джебел Ирхуд ёдгорлигидан аниқланган) ва бошқа сабаблар туфайли леваллуа чақмоқлаш техникасининг ихтирочилари хусусида якуний хулосага келиш қийин.

Леваллуа концептуал тош синдириш техникасидан хабардор ашел маданияти жамоаларининг қадимги излари Ўрта Осиё ҳудудидан ҳам топилган. Минтақамизда ҳозирча аниқланган ашел маданиятининг иккинчи миграцион тўлқинига оид ягона ёдгорлик Жанубий Қозоғистон ҳудудидан топилган бўлиб, мазкур ёдгорлик Қизилтов 1 топилма жойи деб юритилади.

Жанубий Қозоғистон ҳудудидаги илк палеолит даврига оид деб топилган ноёб ёдгорлик 1994 йилда Россия-Қозоғистон халқаро экспедицияси томонидан аниқланди. Қизилтов 1 макони Қизилтов туманидаги илк палеолит даврига мансуб биринчи топилма жой бўлиб, Жамбил вилояти Қоратов шаҳридан 26-27 км узоқликда аниқланган [Деревянко и др., 1997, с. 76; Деревянко и др., 2002, с. 74-79]. Майдони 150-80 м бўлган кичик баландликда ернинг юзасидан сифатли халцедон

хомашёсидан ишланган сирти кучли ва ўртача дефляциялашган тош буюмлар йиғиб олинган. Коллекция 157 дона тош буюмлардан иборат ушбу тўпламда асосан преформалар, ўзаклар ва унинг синиқлари, фоиз жиҳатдан кўп бўлган леваллуа типигаги йўнилғилар ҳамда тишсимон – ўйиб-кертиб ишланган тош қуроллар мавжуд. Тош буюмлар, асосан, леваллуа ва тошбақасимон йўнилғиларга тишсимон ва ўйиб-кертиб ретуш бериш йўли билан қуролга айлантирилган. Ўрта ҳажмдаги тишсимон ва ўйиб-кертиб ишланган қуроллар 30 донадан ортиқ. Ўзакларнинг аксари тошбақасимон ва гардишсимон шаклга эга леваллуа типигаги ўзаклардир. Шунингдек, тўпламда марказга интилувчи икки томонлама типик ўзаклар ҳам аниқланган.

Фикримизча, Қизилтов 1 топилма жойининг Жанубий Қозоғистоннинг бошқа илк палеолит даври ёдгорликларидан фарқ қилувчи жиҳатлари мавжуд. Буни, биринчи навбатда, чакмоқлаш техникаси (леваллуа техникасининг кенг қўлланилиши), чопувчи қуролларнинг умуман учрамаслиги ҳамда сифатли хомашёнинг ишлатилиши билан изоҳлаймиз.

Хулоса ўрнида қайд этадиган бўлсак, Африка қитъасида ашел маданияти жамоалари (эхтимол, архаик Хомо сапиенслар) томонидан бундан бир неча юз минг йиллар аввал ихтиро қилинган леваллуа концептуал чакмоқлаш техникаси қадимги одамлар томонидан Яқин Шарқ орқали Евроосиё ҳудудларига кенг тарқалган. Сўнгги йиллардаги археологик тадқиқотлар мазкур чакмоқлаш техникасининг пайдо бўлишини 300 минг йиллар билан эмас, балки 400 минг йил ва ундан ҳам ортиқ даврга бориб тақалишини кўрсатмоқда. Кения, Мароқаш, Жанубий Кавказ ва Шимолий Ҳиндистон ҳудудидан топилган артефактлар – леваллуа концептуал тош синдириш техникасига оид энг қадимги тош буюмлар ҳисобланади. Демак, бундан 400 минг йиллар муқаддам Африкадан Евроосиё қитъасига ашел маданияти жамоаларининг иккинчи миграция оқими бошланиб, турли минтақаларни ўзлаштиришган, бу жараён бир неча ўн минг ва ҳатто юз минг йиллар давом этган. Натижада мазкур жамоалар моддий маданиятнинг янгича кўринишини (леваллуа чакмоқлаш техникасини) минтақаларга кенг ёйишган ва ашел анъанали-мустье, леваллуа-мустье каби маданиятларнинг шаклланишига замин ҳозирлаганлар.

Жанубий Қозоғистон ҳудудидаги Қизилтов 1 топилма жойи тош индустриясида леваллуа концептуал тош синдириш техникасининг кенг қўлланилганлигига кўра, мазкур ёдгорлик материалларини соф иккинчи тўлқин ашел маданияти комплексига киритиш мумкин. Ёдгорлик материалларида леваллуа чакмоқлаш типигаги йўнилғилар ва нуклеусларнинг фоиз жиҳатдан юқорилиги ушбу хулосага келишимизга асос бўлади. Умуман олганда, Қизилтов 1 топилма жой ҳозирга қадар Ўрта Осиё ҳудудида аниқланган ашел маданиятининг иккинчи миграцион тўлқинига оид ягона ёдгорлик ҳисобланади. Мазкур ёдгорлик тош

буюмларининг морфологик ва техник-типологик таҳлилидан келиб чиқсак, унинг даврини, тахминан, 300 минг йиллар билан саналаш мумкин.

Адабиётлар

1. Деревянко А.П. Три глобальные миграции человека в Евразии. Том I. Происхождение человека и заселение им Юго-Западной, Южной, Восточной, Юго-Восточной Азии и Кавказа. Новосибирск: Изд-во ИАЭТ СО РАН. 2015.
2. Деревянко А.П., Петрин В.Т., Таймагамбетов Ж.К., Бексеитов Г., Гладышев С.А., Рыбин Е.П. Изучение памятников открытого типа эпохи камня на северо-восточном склоне хребта Каратау (Кызылтау-1) в 1997 г. // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий: мат-лы V Годовой итоговой сессии Ин-та археологии и этнографии СО РАН.– Новосибирск: Изд-во ИАЭТ СО РАН, 1997.
3. Сайфуллаев Б.К., Хошимов Х.Б. Тошларни чакмоқлашнинг технологик услублари // Ўзбекистон археологияси. №2, (17), 2018.
4. Adler D.S. et al., Early Levallois technology and the Lower to Middle Paleolithic transition in the Southern Caucasus // SCIENCE. Vol 345, Issue 6204, 2014.
5. Armitage S. J., Jasim S. A., Marks A. E., Parker A. G., Usik V. I., Uerpmann H. P., The southern route “out of Africa”: Evidence for an early expansion of modern humans into Arabia // Science, Volume 331, 2011.
6. Deino A. L., McBrearty S., $^{40}\text{Ar}/^{39}\text{Ar}$ dating of the Kapthurin Formation, Baringo, Kenya. // J. Hum. Evol. 42, 2002.
7. Jean-Jacques Hublin, Abdelouahed Ben-Nser, Shara E. Bailey, Sarah E. Freidline, Simon Neubauer, Matthew M. Skinner, Inga Bergmann, Adeline Le Cabec, Stefano Benazzi, Katerina Harvati, Philipp Gunz , New fossils from Jebel Irhud, Morocco and the pan-African origin of Homo sapiens // Nature 546, 2017.
8. Kelley H. Contribution a l’etude de la technique de la taille levalloisienne. B.S.P.F, 1954.
9. Lumley H. De. Lexique des caracteristiques de l’industrie lithique. Paris, 1974.
10. Lycett S. J., Norton C. J., A demographic model for Palaeolithic technological evolution: The case of East Asia and the Movius Line. // Quat. Int 211, 2010.
11. Lycett S. J., Eren M. I., Levallois economics: An examination of ‘waste’ production in experimentally produced Levallois reduction sequences. // J. Archaeol. Sci. Vol. 40, 2013.
12. Pappu S., Gunnell Y., Akhilesh K., Braucher R., Taieb M., Demory F., Thouveny N., Early Pleistocene presence of Acheulian hominins in South India. // Science 331, 2011.
13. Tryon C., McBrearty S., Texier P.-J., Levallois lithic technology from the Kapthurin Formation, Kenya: Acheulian origin and Middle Stone Age diversity. // Afr. Archaeol. Rev. 22, 2006.
14. Shipton C. , Clarkson C., Pal J. N. , Jones S. C., Roberts R. G., Harris C., Gupta M. C., Ditchfield P. W., Petraglia M. D., Generativity, hierarchical action and recursion in the technology of the Acheulean to Middle Palaeolithic transition: A perspective from Patpara, the Son Valley, India. // J. Hum. Evol. 65, 2013.

*Пирматов И.,
СамДУ Археология кафедраси
ассистенти
Абдужалилов Б.,
СамДУ 2-босқич магистранти*

ҚЎТИРБУЛОҚ ЁДГОРЛИГИНИ ЎРГАНИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

Зарафшон воҳасининг қадимги тош даврига бой ҳудудлари ҳам халқаро ҳамкор экспедицияларнинг диққатини тортмай қолмади. Ушбу ҳудудларда палеолит даврини ўрганиш борасида Ўзбекистон-Польша, Ўзбекистон-Россия ҳамда Ўзбекистон-АҚШ каби халқаро ҳамкор экспедициялар фаолият олиб борди.

Зарафшон дарёси водийсининг тош даврини ўрганишга бағишланган Ўзбекистон-Польша халқаро қўшма экспедицияси 1994 йилда иш бошлади. Экспедиция ЎзФА археология институти билан Варшава университети ўртасидаги келишув асосида таркиб топди. Тадқиқотларнинг ўша пайтдаги ҳолати билан танишилгандан сўнг илмий изланишларни уч йўналишда олиб бориш режалаштирилди ва улардан бири Зарафшон воҳасининг ўрта палеолит даврини ўрганишга қаратилди. Дала қидирув ишлари 1995 йилда Қўтирбулоқ маконини қазиб ишлари билан бошланди ва бундан кўзланган асосий мақсад ёдгорликнинг стратиграфик ҳолати ҳамда хронологиясига аниқликлар киритишдан иборат бўлди¹.

Ўзбекистон-Польша қўшма экспедицияси томонидан 8 м² га яқин майдонда концентрациялашган тош буюмлар тўплами қазиб олиниб, ўрганилган. Ёдгорлик индустрияси учун энг характерли буюмлар бу учириндилар олишга мўлжалланган нуклеуслар (шу жумладан, гардишсимонлар), қирғичлар, ретушланган учириндилар, бир нечта учбурчак пайконлар, йўнилғи учларида шакллантирилган қирғиччалар, айрим кесгичлар ва чўқморсимон шаклли тош қуроллардир. Шунингдек, тўпланда кенг ва йирик пластиналардан ишланган буюмлар сериялари ҳам мавжуд бўлиб, Қўтирбулоқ типидagi пайконлар шулар жумласидандир.

2002 йилда Қўтирбулоқда ЎзФА археология институти ҳамда РФА СБ археология ва этнография институти ҳамкорлигидаги халқаро қўшма экспедиция тадқиқот ишларини давом эттирди². Бундан кўзланган асосий мақсад ёдгорликни комплекс ўрганиш, унинг стратиграфик ҳолатига аниқликлар киритиш ҳамда булоқ атрофида ўтказиладиган кейинги изланишларнинг истиқболларини белгилашдан иборат эди. Ушбу

Шимчак К., Гречкина Т.Ю. Польско-Узбекская археологическая экспедиция. Первый сезон полевых работ. // Новые археологические открытия и изучение культурных трансформаций. – Санкт-Петербург, 1996. – С. 59-63.

² Деревянко А.П., Анойкин А.А., Борисов М.А., Сайфуллаев Б.К. Новые данные о стоянке Кутурбулак (Республика Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. – Новосибирск: Изд-во ИАЭТ СО РАН, 2002. - Т.8. – С. 56-63.

вазифаларни амалга ошириш учун 1971-1972 йиллардаги қазилмалар жойи чамалаб аниқлаб олинди ва улардан 15 м жануби-ғарбдордан 18 м² қазилма 1,4 м чуқурликда амалга оширилди.

Қазилмадан 7 та маданий горизонт аниқланиб, уларнинг қалинлиги 0,15 м дан 0,5 м гача етади. Улардан юқориги 4 таси кейинги даврлар материаллари билан аралашиб кетган. Қазилмадан олинган артефактлар асосан ўрта ва йирик ҳажмли бўлиб, тартибсиз жойлашган. Ер сатҳидан 1,4 м чуқурликда ерости сувлари сизиб туради.

2002 йилги қазилмалар натижасида 18 та сопол синиқлари ва 200 дан зиёд тош буюмлардан иборат коллекция йиғиб олинган ва улар 1971-1972 йилларда қазиб олинган материалларга ўхшашдир. Топилмаларнинг қатламларда жойлашуви ҳолатини таҳлил қилиш натижасида илгари муаллифлар томонидан таъкидланган, яъни ёдгорликнинг юқори қатламлари аралашган, деган фикри тасдиқланди (1-3 қатламлар)¹. Бу ҳақда ушбу қатламларда ўрта палеолит даврига оид тош буюмлар билан бир қаторда кейинги даврларга хос сопол буюмларининг аралашиб ётганлиги ҳам гувоҳлик беради. 1995 ва 2002 йилги Ўзбекистон-Польша ҳамда Ўзбекистон-Россия халқаро кўшма экспедициялари тадқиқотлари натижаларига кўра, Қўтирбулоқ ўрта палеолит даврига оид материаллар билан кейинги даврлар буюмлари аралашиб кетган аралаш қатламлардан иборат ёдгорликдир ва бу аралашув плейстоцен даврида бошланган ҳамда кейинги тарихий даврларда антропоген таъсирлар туфайли ҳам давом этган. Ушбу фикрлар янада тўлароқ исбот қилишни талаб этади. Бироқ ёдгорлик атрофида олиб борилаётган фаол қишлоқ хўжалик ишлари ва ер ости сувларнинг яқинлиги бунга имкон бермайди.

Юқорида айтилган фикрларга ҳулоса ясаб, 1995 йилда К.Шимчак томонидан Қўтирбулоқ қатламларига берилган характеристикани келтириш мумкин: «Ҳозирги кунда Қўтирбулоқ археологик материалларининг катта қисми аралашиб кетган ва бу аралашув фаол антропоген таъсирлар оқибатида юзага келган. Бироқ ёдгорликнинг қуйи қатламларидаги тош буюмлар ва ҳайвон суяклари қолдиқлари аралашмаган ҳолатда ётганлигига ҳам тўла ишонч йўқ»².

Қўтирбулоқ ёдгорлигида олиб борилган халқаро ҳамкорлик экспедициялари тадқиқотлари бу ердаги палеолит даврига оид ёдгорликни ўрганиш ва уларнинг талқинига аниқликлар киритишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

¹ Деревянко А.П., Аношкин А.А., Борисов М.А., Сайфуллаев Б.К. Новые данные о стоянке Кутурбулак (Республика Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. – Новосибирск: Изд-во ИАЭТ СО РАН, 2002. – Т.8. – С. 62.

² Кўрсатилган адабиёт. – Б. 136.

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИГА МЕТРОПОЛИЯДАН КЎЧИРИБ
КЕЛТИРИЛГАН АҲОЛИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИ
(XIX асрнинг 2-ярми – XX аср бошлари)**

Бирор-бир республиканинг миллий таркиби объектив равишда демографик омиллар ҳамда урбанизация туфайли кенгайса, бунинг ҳеч қандай зарарли томони йўқ. Лекин мустамлакачилик даврида Сирдарё вилоятига метрополиядан кўплаб аҳолини кўчириб келтириш йўли билан минтақа аҳолисининг миллий таркибини механик тарзда кенгайтириш сиёсати ижтимоий, иқтисодий ва мафкуравий соҳаларда жиддий оқибатларни келтириб чиқаради.

Туркистон области тузилгунга (1865 йил 2 март) қадар Оренбург ва Ғарбий Сибир генерал-губернаторликларнинг чегараларидан тортиб то Тошкент воҳасигача бўлган шаҳарларга, ҳарбий истеҳкомлар атрофига Россиядан аҳоли кўчиб кела бошлаган эди. Казалинск, Оқмачит (Перовск), Туркистон, Верний, Аягаз (Сергиополь), Жаркент, Тўқмоқ, Қарақўл, Пишпак, Марки (Мерке), Авлиёота, Талас, Чимкент шаҳарларига ва уларни боғловчи асосий йўллар бўйида барпо этилган ҳамда бўлажак посёлкаларга рус, украин, белорусларнинг кўплаб аҳолиси келиб бўлган эди.

Чоризм томонидан кўчирувчилик сиёсати бўйича илк бор 1881 йил ва кейин 1883, 1886 1889 йилларда қабул қилинган махсус қоидаларда ва қонунларда Туркистонга рус аҳолисини кўчириш ҳаракати авж олдирилди.

Шу сабабли Еттисув областида биргина 1883 йилда 36 рус посёлкалари тузилди¹. Ундан ташқари, империянинг ички губернияларида қурғоқчилик оқибатида очарчилик пайдо бўлган йилларда у ерлардан ўзбошимчалик билан стихияли тарзда кўчиб келганлар фақатгина 1882-1893 йилларда Сирдарё областида 22 посёлкани² барпо қилган ва 1900 йилгача посёлкаларнинг сони 52 тага етди³. Биргина Тошкент уездида 90 йилларда 10 дан ортиқ рус ва 1 та немис посёлкалари тузилди⁴. Сирдарё, Самарқанд, айниқса, Фарғона областларига бу даврларда шаҳарларда ва тоғ кон саноати, нефть қазиб чиқарувчи корхоналар атрофида жойлашган. Фарғона областида суғориладиган ер камлиги, туб аҳолининг зич жойлашганлиги сабабли кўчиб келадиган ер крестьянлар оиласига 2-3 десятинадан суғориладиган ер берилиши мумкин, деб ҳисобланди. Бундай ер майдони жуда кичкина ва ер крестьянларни фаровон яшашига етарли эмас, деб баҳоланса ҳам водийда бу вазифани ҳал қилиш қийин эди, чунки маҳаллий

¹ ЎзР МА. Ф.1,2-рўйхат, 1905-иш, 4-варақ.

² ЎзР МА. Ф. 17,1-рўйхат, 32702-иш, 19-20 варақлар.

³ Фомченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX-начале XX вв (социально-экономический аспект). – Т.: «Фан», 1983. –С. 39.

⁴ ЎзР МА. Ф. 17,1-рўйхат, 37702-иш, 20-варақ.

деҳқонларнинг аксарияти 1 десятинагача суғориладиган ерга эга бўлган¹. Бундан ташқари, рус крестьянлари пахтачилик ҳақида тасаввурга эга бўлганидан кейин ҳам пахта етиштириш билан шуғуланишни хоҳламасдан ўз ерларини ижарага беришар эди. Шундай бўлса-да, Туркистон маъмурияти ўлкага кўчиб келаётган рус аҳолининг каттагина қисмини айнан Сирдарё, Фарғона, Самарқанд областларининг шаҳарларидагина эмас, балки қишлоқ худудларида жойлаштиришга интиланган. Бу интилиш Андижон қўзғолонидан кейин, айниқса, кучайганини исёнкор деб топилган учта қишлоқ ўрнида 1883 йил «Русское село»ни барпо этиш тажрибаси яққол кўрсатди.

Бу ерда 201 рус оиласига 201 десятина таморқа 1177 десятина деҳқончиликка яроқли ер, 436 десятина яйлов ва 86 десятина бедазор ерлари берилди. Бу кўрсаткичлар Ўш ва Наманган уездларида 80-йилларда ташкил топган Николаевская ҳамда Успенское селоларида жойлаштирилган 264 рус оиласига берилган турли ер майдонларидан 2,5 баробар кам эди, лекин 90-йиллардагига қараганда Фарғона областида юқори кўрсаткичлар эди².

Красноводск-Самарқанд темир йўлининг ўтказилиш (1883-1887 йй.) Каспийорти ва Самарқанд областларига Амударё бўлимининг худудига ва Бухоро амирлигидан зўрлик билан тортиб олинган ерларга (Когон, Чоржуй, Карки ва ҳ.к) рус аҳолини кўчириш, жойлаштириш ишини анча осонлаштирди. Пайдо бўлган имкониятлардан унумли фойдаланишга Россия императорининг Каспийорти областининг қулай жойларига русларни кўчириш тўғрисидаги 1892 йилги фармони ҳам жиддий омил бўлган.

Туркистонда Россиядан аҳолини кўчириб келтириш ва имтиёзли жойлаштириш билан боғлиқ қоидалар, қонунлар, фармонларни бажариш, турли чора-тадбирларни амалга ошириш туфайли ўлканинг асосий Сирдарё, Самарқанд, Фарғона областларида 200 га яқин рус крестьянларининг селениялари ташкил қилинди. Рус, украин, беларус аҳолисининг сони эса 200 мингдан ошди, унинг 13 фоиздан сал кўпроғи шаҳарларда яшаган.³

Россиядан кўчиб келган казаклар, рус крестьянларни таъминлаш мақсадида XX аср бошларигача маҳаллий аҳолидан Сирдарё областида 159561 десятина ер тортиб олинди.⁴

Туркистон областлари орасида туб аҳолининг сонига нисбатан рус аҳолисининг салмоғи 1897 йил Сирдарё областида 3.03 фоизни (44834 киши) ташкил этган.⁵ Андижон қўзғолонидан кейин 2 йил мобайнида Фарғона областига деярли 4 минг рус крестьянлари кўчириб келтирилди.

XIX асрнинг охирида, аниқроғи, 1897 йилда Туркистонда рус аҳолисининг сони 197420 кишини ташкил қилган бўлса, улардан 95941

¹ Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября, Т.: «Фан», 1973. - С. 32.

² ЎзР МА. Ф.-1,12-рўйхат, 1995-иш, 19-варақ.

³ ЎзР МА. Ф.И – 18, 72- рўйхат, 8-иш, 143-144 варақлар.

⁴ Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Ч II – СПб., 1911. -С. 71.

⁵ ЎзР МА. Ф.И. – 1, 9-рўйхат, 769-иш, 81-88 варақлар.

киши шаҳарларда, тоғ-кон посёлкаларида яшаган, 101479 киши эса қишлоқ худуларида¹ истиқомат қилган. Умуман эса Туркистонда рус аҳолиси ва туб аҳоли ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, айниқса, қишлоқларда яққол кўринар эди. Шунга қарамасдан, маҳаллий аҳоли ўзининг сахийлиги, бағрикенглиги билан христиан динига мансуб кўчиб келган русларга ғаразгўйлик қилмадилар. Уларни ҳам худонинг тенг бандаси сифатида қарадилар ва шунга яраша муносабатда бўлдилар.

Туркистоннинг 4,5 млн. кишидан иборат аҳолиси ҳар йилда метрополиядан кўчиб келаётган 70-100 мингли аҳолини қабул қилишга мажбур бўлган. Лекин уларга бериладиган бўш ерлар XX асрнинг бошларидаёқ йўқлиги маълум бўлса ҳам кўчиб келаётганларнинг оқими тўхтатилмади ва ҳатто камайтирилмади. Лекин Туркистондаги ижтимоий аҳвол оғирлигини бирмунча ҳисобга олиб, император Николай II 1903 йили 10 июнда христиан аҳолини Туркистонга кўчиришнинг янги (ҳисоб бўйича олтинчи) қоидаларини тасдиқлади. Бу қоидаларга биноан кўчирувчи оиладаги ҳар бир эркакка бериладиган ер майдони илгари 10 десятинадан бўлса, у энди 3 десятинагача камайтирилди, кўчиб келганлар солиқлардан фақат биринчи 5 йилга озод қилиниб, кейинги 3 йилда солиқларнинг ярмини тўлаши, 15 ёшдаги катта бўлган эркаклар ҳарбий хизматидан бутунлай озод қилиниши белгиланган. Шу билан биргаликда мазкур қоидага биноан кўчиб келган аҳоли милтиқ билан қуролланиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди².

Туркистонда чоризмнинг охириги ўн йиллиги ҳукмронлиги туб аҳолини эзиш, иқтисодиётини фақат империянинг манфаатларига хизмат қилдириш амалиёти билан таърифланади. Туб аҳолининг қарийб 90 фоизи қишлоқда яшаган ҳолда ишлов бериладиган ерларнинг катта қисми мустамлака маъмурияти ва рус аҳолисининг ихтиёрида бўлган. Ерсиз қолган деҳқонлар шаҳарларга кетиб, ҳар қандай ишни бажаришга тайёр бўлишган. Қишлоқларида қолганлар эса чорикорлик билан шуғулланишган. Масалан, 1906-1907 йилларда Туркистонда етиштирилган пахтанинг 82,3 фоизи чорикорлар меҳнатига тўғри келган³.

Шундай оғир аҳволни биров бўлса-да енгиллаштириш ўрнига чоризм Россиядаги ижтимоий муаммоларнинг бир қаторини Туркистон аҳолисининг ҳисобидан ҳал этиш сиёсатини ва амалиётини кўчайтирди. Бу борада императорнинг Туркистонда кўчманчи аҳолидаги ортиқча ерларни олиб, кўчиб келувчилар учун бериш ва давлатнинг бошқа эҳтиёжлари учун фойдаланиш мақсадлари тўғрисидаги қонуни туб аҳоли учун ниҳоятда салбий оқибатларни келтирди. Биргина натижа сифатида қуйидаги рақамларни кўрсатиш мумкин:

¹ Фомченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX-начале XX вв. (социально-экономический аспект). – Т.: «Фан», 1983. –С. 46.

² ЎзР МА, ф.1, 11 рўйхат, 906 иш, 17-18 варақлар.

³ Социально-экономические и политическое положение Узбекистана накануне Октября.-Ташкент 1973 г 34 стр.

1) 1916 йилга келиб Туркистонда фақат рус, украин, беларус аҳолисининг сони 350 мингдан ошди. Улардан ташқари 250 мингга яқин озарбайжон, армани, яхудий ва бошқа кўчириб келтирилганлар ва қочоқлар яшаган. Энг кўп шарқий славян аҳолиси Сирдарё (97 минг киши) областида жойлашган эди¹.

Россия биринчи жаҳон урушида қатнашаётган вақтда ҳам Туркистоннинг чўл ўлкасининг моддий бойлигидан, туб аҳолининг меҳнатидан беаёв фойдаланди. 1914 йилнинг охиридан давлат заёми ва махсус ҳарбий солиқ ҳисобига пул фақат туб аҳолидан мажбуран ундириш бошланди. Уруш йилларида рус армиясини таъминлаш учун Туркистондан 300 минг пуд (1 пуд = 16 кг) гўшт, 70 минг от, деярли 13 минг туя, 270 арава ва 13441 юрта (ўтов), шу жумладан, Еттисув областидан умумий қиймати 34 млн рублга тенг от қорамол ва гўшт олиб кетилган². 1914 йилнинг охиридан Туркистонга Австро-Венгрия, Германия ва бир қатор бошқа мамлакатлар армияларининг солдат ва зобитлари ҳарбий асирлар сифатида келтира бошланди. Ҳарбий асирлар турклар Сибир ва Уралга жўнатилган эди, лекин у ердан Туркистонга, Чўл ўлкасига қочганлар туб аҳолидан паноҳ топишди. Туркистонга 1914-1916 йилларда 200 минг ҳарбийлар ва ғарбий худудлардан 70 минг қочоқлар келтирилди. Уларнинг меҳнатидан шарқий славян аҳолиси фойдаланган бўлса-да, ҳарбий асирларни концентрацион лагерларда сақлаш билан боғлиқ ҳаракат Туркистоннинг туб аҳолисидан турли кўшимча солиқ ва тўловлар ўндириш йўли билан қопланган.

Совет даврида Ўзбекистонга бошқа республикаларга шарқий славян аҳолисини кўчириш анча кенг мақсадда ва мунтазам равишда давом этди. Бу бир қатор ижобий оқибатлар билан бирга туб миллатли аҳолини руслаштириш, миллий кадриятларидан узоқлаштириш каби салбий тенденцияларни яратди. Фақат мустақилликка эришганидан кейин турли салбий оқибатлар аста-секин бартараф этиши бошланди ва бунда барча миллат, элатларнинг кадр-қимматига зарар етказмасликка ҳаракат қилинмоқда.

Адабиётлар

1. ЎзР МА. Ф.1, 2-рўйхат, 1905-иш, 4-варақ.
2. ЎзР МА. Ф.1, 12-рўйхат, 1995-иш, 19-варақ.
3. ЎзР МА. Ф.1, 11-рўйхат, 906-иш, 17-18 варақлар.
4. ЎзР МА, Ф.1, 1-рўйхат, 769-иш, 80-81 варақлар.
5. ЎзР МА. Ф. 17, 1-рўйхат, 32702-иш, 19-20 варақлар.
6. ЎзР МА. Ф. 17, 1-рўйхат, 37702-иш, 20-варақ.
7. ЎзР МА. Ф.И. – 1, 4-рўйхат, 1026-иш, 11-12 варақлар.
8. ЎзР МА. Ф.И. – 1, 9- рўйхат, 769-иш, 81-88 варақлар.
9. ЎзР МА. Ф.И – 18, 72-рўйхат, 8-иш, 143-144 варақлар.
10. ЎзР МА. Ф.И – 19, 1-рўйхат, 9829-иш, 8-варақ.

¹ ЎзР МА, ф.1, 1 рўйхат, 769 иш, 80-81 варақлар

² История Казахстана. Очерк-Алмата, 1993 г, 27 стр.

11. Фомченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX-начале XX вв (социально-экономический аспект). – Т.: «Фан», 1983.
12. Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября, Т.: «Фан», 1973.
13. Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Ч II – СПб., 1911.
14. Гинзбург А.И. Русское население в Туркистане. –М., 1991.
15. История Казахстана. Очерк. –Алмата, 1993.

*Темирова Ш.В.,
Навоий педагогика
институтини докторанти*

ХІХ АСРНИНГ 2-ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИДА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

Ўзбекистоннинг янги тарихидаги туб йўналишлардан бири чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши ва бу ердаги ҳукмронлиги билан боғлиқ мураккаб тарихий даврни холисона ёритиш ҳамда мустамлака режимининг ўлка халқлари ижтимоий тузуми ва ҳаёт тарзига ўтказган кўп тарафлама таъсири масаласини системали ўрганишдир.

Тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, ўрганилаётган мавзунинг баъзи йўналишлари бўйича ҳозирга қадар маълум бир миқдорда адабиётлар мавжуддир. Концептуал-услубий ёндашувлар мазмунидан келиб чиқиб, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- 1) Ўрта Осиёни чор ҳукумати томонидан мустамлакага айлантириш даврига оид нашрлар;
- 2) совет даврига доир нашрлар;
- 3) Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўтказилган тадқиқотлар;
- 4) чет эллик муаллифларнинг асарлари.

Биринчи гуруҳга хос тадқиқотларнинг ўзига хос тарафини чор режимининг сиёсатини хаспўшлаб кўрсатиш ташкил этади. Россия мустамлакачилик тарихшунослигини ўзида ифода этган бу асарлар чор Россиясининг ҳудудий экспансияси мафқурасига таянган, улар асосан чор маъмурияти буюртмасига кўра ёзилган ҳамда Ўрта Осиё минтақасида ҳокими мутлақлик тузуми ўрнатиш бўйича қўрилган чораларнинг қонунийлигини асослаш учун хизмат қиларди. Шунга қарамай, бу асарларда тарихий билимларнинг юксалишига хизмат қилувчи ва қисман чоризмнинг аҳолини кўчириш сиёсатини қонунчилиги ва Туркистон иқтисодий, маданий-маиший ҳаётидаги трансформацион жараёнларни акс эттирувчи қимматли фактик материаллар мавжуд эди.

Чоризм даврида яратилган тарихий адабиётларнинг тавсифига киришар эканмиз, шуни қайд этиш керакки, XIX асрнинг 60-80-йилларини

камраб олган биринчи босқичда аҳолини кўчириш сиёсати масалаларига бевосита бағишланган ишлар мавжуд эмас эди. Ўша даврда асосий диққат-этибор минтақадаги рус ҳукмронлигини «илмий жиҳатдан оклаш»га қаратилган, чор Россиясининг «кўшиб олинган» Ўрта Осиёдаги цивилизаторлик миссиясининг мафкуравий чизгилари асослари яратилаётган эди¹.

Ўша даврдаги муаллифлар асосан давлат амалдорлари эдилар, аҳолини кўчириш ҳаракатини илмий ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган эдилар. Улар яратган асарларда фактик материалларни баён қилиш уларни назарий таҳлил қилишга кўра устун эдилар. Тамоил жиҳатдан уларнинг асосий куч-ғайрати Туркистон аҳолиси ўртасида Россиядан кўчириб келтирилган, насронийлик динига эътиқодли кўчкинларнинг салмоғини оширишни асослашга қаратилганди, бу кўчкинлар эса залворли кредитлар, йирик ер участкаларидан, мустамлака маъмурлари мададидан фойдаланган ҳолда ерли аҳоли кўз ўнгида ўзининг устунлигини намойиш этиши ва чор режимининг таянчи бўлишлари лозим эди.

Чор мустамлакаси даври тарихшунослигининг кўпгина нуқсонларбни совет тарих фани ҳам ўзига сингдириб олган эди. Булар жумласига сўнгги хулосалар ва баҳоларни олдиндан расмий доиралар фикрига мослаш, тенденциозлик, империяча тафаккур аъёналарини киритиш мумкин.

Бу хусусиятлар тоталитар режимнинг тарихни ўта сиёсийлаштириш, уни коммунистик таълимот мафкура схемаларига тикиштириш, синфий-партиявий ёндашувларни қабул қилдириш каби зўрлик амалиёти туфайли кўпайиб борарди. Натижада тарихий тафаккур жуда бузуқ бир асосга таяниб ривожланди. Бугунги кунда совет даври тарих фанининг назарий хулосалари ва умумлашмалари тубдан қайта кўриб чиқилишга муҳтождир.

Жумладан, С.Муравейский, П.Г.Галузо ва Е.Федоров туб жой аҳолининг мустамлакачиларча эзиш масалаларини кўриб чиқар эканлар, ўлкани тўла мустамлакага айлантиришнинг шаклларида бири аҳолини кўчириш сиёсати эканлигини кўрсатиб ўтадилар. В.П.Воцинин кўчиб келганлар тарафидан маҳаллий деҳқонлар ва кўчманчи аҳолининг ерлари тортиб олганини қисман тадқиқ этди. В.Лаврентьев аҳолини кўчириш ҳаракатининг Туркистон иқтисодиёти «буржуача тадрижи»га таъсирининг баъзи қирраларини очиб берди. Аммо, умуман олганда, уларнинг хулосалари октябрь тўнтаришининг «объектив» шарт-шароитларини асослаш, ўша пайтда шаклланаётган пролетар ва миллий-озодлик ҳаракатининг большевикларнинг «социалистик тузумни қарор топтириш учун» олиб бораётган кураши билан «органик бирлиги» ҳақидаги концепцияни хужжатларга асосан тасдиқлашга қаратилган эди.

¹ Романовский Д.И. Заметки по среднеазиатскому вопросу. – СПб., 1868; Костенко А. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. – СПб., 1871; Терентьев М.А. Статистические очерки Среднеазиатской России // Записки Русского Географического общества. Отдел статистики. – Т. IV. – СПб., 1874; Миддендорф А. Очерки Ферганской долины – СПб., 1882; Он же. Фергана. – СПб., 1898 ва бошқ.

Туркистонни мустамлакага айлантириш, туб жой аҳолига нисбатан ўтказилган ижтимоий-иқтисодий ва миллий зулм, Россиядан оммавий равишда аҳолини кўчириб келтиришнинг оғир оқибатлари Т.Рисқулов ва, айниқса, Г.Сафаровларнинг ишларида тўлароқ очиб берилган эди. Жумладан, Г.Сафаров мустамлака маъмурлари ва рус кўчкинларининг туб жой аҳолига нисбатан улуғ давлатчилик-шовинистик муносабатини танқидий баҳолади, ўлкадаги миллий-озодлик ҳаракатининг автоном характерга эга эканлигини асосли кўрсатиб берган эди.

50-йиллар ўрталаридан бошлаб муаммога алоқадор тарихшуносликда маълум ўзгаришлар юз бера бошлади. Улар собиқ совет давлатининг сиёсий ҳаётида юз берган умумий ўзгаришлар билан боғлиқ эди. Сталин шахсига сиғинишни қораловчи машҳур қарорлар қабул қилингандан кейин архивларга йўл очилди, илмий фаолият учун бирмунча қулай шарт-шароитлар яратилди. Натижада тадқиқотлар мавзулари кенгайди, уларнинг хужжатлар базаси бойиди.

80-йиллар охирига қадар давом этган янги тарихий босқичда тадқиқ этилаётган мавзуга у ёки бу даражада алоқадор кўплаб тадқиқотлар эълон қилинди. Улар орасидан, энг аввало, фундаментал академик асарларни¹ ва йирик монографияларни ажратиб кўрсатиш лозим. Бу тадқиқотларда марксистик услубият нуқтаи назаридан Туркистон ва, умуман, Марказий Осиёни чор ҳукумати томонидан мустамлакага айлантириш тарихининг энг муҳим масалалари таҳлил этилди². Бироқ уларда метрополиядан Туркистон ва Чўл ўлкасига аҳолини кўчириш ҳаракатининг турли тарафлари қисман ҳамда Ўрта Осиё минтақасининг Россияга «кўшиб олиниши»нинг «прогрессив оқибатлари» нуқтаи назаридан очиб берилди.

Ўзбекистонда илмий тадқиқотларнинг характери ва услубиятидаги кескин ўзгаришлар мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг майдонга келди. Давлат мустақиллиги эълон қилингач, Ватан тарихини ўрганиш йўлида яратилган сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Натижада тарихий тафаккурни поклаш, мустамлака ўтмишининг ҳақиқий аҳолини ёритиб беришнинг кучли жараёнлари бошланди.

Мустақиллик йилларида республикада кўпгина қизиқарли илмий ишлар вужудга келди, улардан сифат жиҳатидан янгича назарий-услубий нуқтаи назарлардан, миллий мафкура ва илмий билишнинг умумжаҳон тамойиллари асосида Ўрта Осиё ва Қозоғистонни чоризм томонидан

¹ История Узбекской ССР. Т. I. Кн. 2. – Т., 1956; История Узбекской ССР. Т. II. – Т., 1968; История Туркменской ССР. Т. II. – Ашхабад, 1957; История Киргизии. Т. II. – Фрунзе, 1963; История Киргизской ССР. Т. II. – Фрунзе, 1984; История Казахской ССР. – Алма-Ата, 1957; История Казахской ССР. – Алма-Ата, 1978; Очерки истории Каракалпакской АССР. Т. I. – Т., 1964 и др.

² Рабочее и аграрное движение в Казахстане в 1907-1917 гг. – Алма-Ата, 1957; Фомченко А.П. Русские поселения в Бухарском эмирате. – Т., 1958; Он же. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX – начале XX вв. (Социально-экономический аспект). – Т., 1983; Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). – Т., 1959; Бендриков К.Е. Очерки истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы). – М., 1960; Галузо П.Г. Аграрные отношения на юге Казахстана в 1867-1914 гг. – Алма-Ата, 1965.

мустамлакага айлантиришнинг энг муҳим кўринишлари қайта кўриб чиқилди.

Хорижий тарихшуносликка оид манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, мазкур фан ўзининг шаклланиш босқичида асосий эътиборни Россиянинг Ўрта Осиё минтақаси томон силжишининг сабабларини изоҳлашга қаратилган эди. Жумладан, 1899 йилда Лондонда эълон қилинган Ф.Скрайн ва Э.Россинг «Осиёнинг юрагида» китобида¹ бу ҳаракатнинг асосий сабаби сифатида рус-инглиз рақобати тилга олинади.

Хорижий тарихшуносликда ушбу йўналишнинг шаклланиши ва ривожланишида Ўрта Осиё ҳамда Россиянинг «мусулмон» минтақаларидан кетган сиёсий муҳожирларнинг ҳиссаси катта бўлди. Мустафо Чўқай ўғли, Боймирза Ҳайит, Заки Валидий Тўғон ва бошқалар шулар жумласидандир². Юқоридаги концептуал йўналишнинг ривожлантирилиши Б.Ҳайитнинг қатор монографияларида ўз тасдиғини топди. Жумладан, «Туркистон XX асрда» ва 1971 йилда эълон қилинган «Туркистон Россия ва Хитой орасида» сарлавҳали фундаментал асарида у Ўрта Осиёда чор даврида ҳам, коммунистик тузумда ҳам миллий камситиш сиёсати ўтказиб келинганини ишонарли исботлаб берди.

Хорижий тарихшуносликнинг Француз, Немис, Инглиз, Америка, Турк ва бошқа мактабларида ҳам бу йўналишдаги эълон қилинган ишлар салмоғи ортди, уларда рус мустамлакачи ҳукмронлигининг Туркистон ва, умуман, минтақадаги кўпгина аспекти жиддий танқид остига олинди³. Масалан, У.Коллраз ва М.Фицрой, Р.Портел совет ҳокимияти минтақанинг туб жой аҳолисига нисбатан чор мустамлакачилари илгари ўтказиб келган сиёсатни янги шакллар ва услублар билан амалга оширмакда, деб ёзади.

Шундай қилиб, Россия империяси аҳолининг кўчириш сиёсати қонунчилиги ва Туркистон иқтисодий, маданий-маиший ҳаётидаги трансформацион жараёнлар у ёки бу даражада алоқадор илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш турли тарихшунослик йўналишларининг вакиллари бу масалани турли даврларда ўзаро қарама-қарши методологик нуқтаи назарлардан туриб тадқиқ этганини кўрсатади. Муаммонинг, шубҳасиз, катта илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлиги, унинг долзарблиги, шунингдек, масаланинг тарихий жараёнларга замонавий

¹ Skrihne F., Ross E. The Hearst of Asia. – London, 1899.

² Чокай М. Туркестан под властью Советов. – Париж, 1935; Hayit B. Turkestan zwishen Russland und China. Amsterdam, 1971; Шу муаллиф. Turkestan im XX Jahrhundert. – Darmstadt, 1956; Z.V. Togan. Hatiralalar. – Istanbul, 1969 ва бошқ.

³ Portel R. Formation de l'Union Sovietique et le probleme nationale. // «Revue historogque». Oct.-dec., 1956; Whecler V. Recent Developments in Soviet Central Asia. // The Geographical Journal. – 1957. - June; H. C. d'Encauce. Retorme et'revolution cher les musulmans de j'empire pusse. Paris, 1966; Becker S. Russin's protectorates in Central Asia, Bukhara and Khiva, 1865-1924. – Cambridge, 1968; P. Conguest. Soviet nationalities in practice. – London, 1967; Roes R. Reflections on the nationality problems in the Soviet Union. // Ethnicity: Theory and experience. – Cambridge, 1975; Bennigsen A., Wimbush S. Muslim National Communism in the Soviet Union: A Revolutionary strategy for the Colonial World. – Chicago - London, 1979; Rywkin M. Moscows Moslim Challenge: Soviet Central Asia. - New-York, 1982.

қарашлар нуктаи назаридан ишланмагани ушбу тадқиқот мавзусининг танланишига олиб келди.

*Турсунов У., Ризақулов С.,
СамДУ 4-курс талабалари*

ҚАДИМГИ МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

Тадқиқотлар натижаларига кўра, доимий тарихий-маданий алоқалар жараёни ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ихтисослашуви меҳнатнинг умумий ҳажми ва маҳсулот ўсишини таъминлаб, эҳтиёжлар тартибининг хилма-хил бўлишига олиб келади. Бу жараён эса ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший ҳамда тарихий-маданий алоқалар заруратини келтириб чиқаради. Бундай зарурат қадимги давр учун ҳам, замонавий тараққиёт учун ҳам хосдир. Бугунги кунга келиб тарих инсониятнинг, давлат ва жамиятнинг бебаҳо бойлиги, ўзликни англашнинг асосий манбаи, тараққий этган цивилизация эканлиги ҳақидаги ғоялар халқимиз онгига тобора чуқур сингиб бормоқда. Ўрта Осиё ҳудудларида қадимги даврларда юз берган тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар бир-бирига яқин бўлиб, турли даврлардаги миграция жараёнлари ушбу яқинликни янада чуқурлаштириб борган. Бу миграция жараёнлари бир неча босқичда, кўшни ҳудудларни маълум кетма-кетликда эгаллаб, ўзлаштириб бориш тарзида амалга оширилган. Маълумотларга кўра, Австралия ва Янги Зеландия ҳудудлари бундан 35-40 минг йил илгари, Янги Гвинея эса 25 минг йил илгари осиеликлар томонидан ўзлаштирилган. Австралия қирғоқлари яқинидаги ҳозирги Зонд архипелаги ҳудуди сўнгги палеолит даврида бир-бири билан туташган ороллардан, яъни Австралияга ўтиш учун ўзига хос кўприк вазифасини бажарган қуруқлик ҳудудидан иборат бўлган. Осиёдан Австралияга аҳоли миграцияси айнан ана шу қуруқлик орқали бўлиб ўтган. Осиёликларнинг Аляска ва Шимолий Америкага миграцияси эса Осиё ва Америка қитъаларини боғлаб турган ҳозирги Беринг бўғози ўрнидаги қуруқлик орқали амалга ошган (Алексеев А., Перциц Л., 1990. – С. 176–177). Ушбу қитъалараро миграция жараёнларининг бошланишида Марказий Осиё ҳудуди асосий ўрин тутганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки айрим тадқиқотларда Марказий Осиё ҳудуди инсоният пайдо бўлган ҳудудлардан бири сифатида эътироф этилаётгани, қадимги одамларнинг ва баъзи ҳайвон турларнинг ер шарининг катта қисмига тарқалиши минтақамиздан бошланганлиги ҳақидаги фикрларнинг мавжудлиги (Крахмаль К.К., 2003. - С. 3-11) бунга асос бўлади.

Тарихий тадқиқотлардан бизга маълумки, бронза даври мил. авв. III-II минг йиллик Ўрта Осиё халқларининг этник тарихи учун муҳим давр ҳисобланади. Бу даврда маҳаллий аҳолининг бошқа ҳудудлардан кириб келган қабилалар билан ўзаро алоқалари янада жадаллашади. Айрим олимларнинг фикрича, бу даврдаги доимий этномаданий алоқалар жараёни

ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ихтисослашуви меҳнатнинг умумий ҳажми ва қўшимча маҳсулот ўсишини таъминлаб, эҳтиёжлар тартибининг мураккаблашувига олиб келади (Сайко Э., 1981. -С. 48). Фикримизча, бу жараён эса ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший ҳамда тарихий-маданий алоқаларнинг кейинги табақаланиши ва ривожланиши учун кенг имкониятлар яратади. Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, бронза даврида Осиёнинг деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолиси ўзларининг маданий хўжалик ютуқларини ўзаро алмашган ҳолда доимий узвий алоқада бўлганлар. Ҳар иккала турмуш тарзи юритувчи аҳолининг доимий этник, иқтисодий ва тарихий-маданий алоқалари натижасида кейинги давр жамияти нисбатан ривожланиш палласига киради. Ҳар иккала ҳудуд аҳолисининг маданий хўжалик фаолияти, шубҳасиз, четдан таъсир қабул қилган ва қўшнилар маданиятининг ривожланишига ҳам мана шундай таъсир ўтказган. Ушбу жараёнларнинг барчаси айрим ҳолларда тинчлик (қадимги йўллар, ўзаро алмашинув ва бошқ.), айрим ҳолларда ҳарбий-сиёсий (кўпинча кўчманчиларнинг ўтроқ воҳаларга ҳужуми) орқали бўлиб ўтган.

Ушбу ўтроқ ва чорвадор қабилаларнинг алоқалари охир-оқибатда жамиятнинг жадаллик билан тараққий этишида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бронза ва илк темир даври жамият тараққиётининг асосий белгилари сунъий суғориш тартиби билан бевосита боғлиқ бўлган аграр хўжалик ва ҳунармандчиликдаги ютуқлар, чорвадор-деҳқончилик хўжалигидан яйлов чорвачилигига, ярим кўчманчи турмуш тарзига ўтиш ҳисобланади (Массон В.Н., 1986. -С. 48-54).

Ўрта Осиёнинг жанубида жойлашган Бақтрия ва Марғиёна ҳудудлари ўлкамиздаги цивилизация ўчоқларидан ҳисобланиб, улар маданиятининг келиб чиқиши хусусида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, бу ҳақда бир қатор фикрлар мавжуд. Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги ушбу цивилизацияларнинг генезисини миграцион жараёнлар билан боғлайдилар. Хусусан, В.Массоннинг фикрича, Мурғоб ҳавзасидаги дастлабки қишлоқларнинг пайдо бўлиши Копетдоғ тоғолди текисликларидаги ривожланган маданиятининг шарққа экспанцияси билан боғлиқ. Тадқиқотчининг таъкидлашича, Марғиёнадаги Келлели мажмуи Олтинтепа маданиятига хос бўлиб, олим шимоли-шарқий Эрондан келиб, маҳаллий аҳоли билан тезда аралашиб кетган Марғиёна ва Бақтриядаги аҳоли гуруҳларининг пайдо бўлиш оқибатларини ҳам инкор этмайди (Массон В.Н., 1989. -С. 172-173).

И.Масимов (Масимов И.С., 1986. -С. 70-71) ва А.Асқаровлар (Асқаров А.А., 1977. -С. 105) ҳам В.Массоннинг аҳолининг Копетдоғ тоғолди текисликларидан Марғиёнага, кейин эса Бақтрияга бўлган миграцион жараёнлар ҳақидаги фикрларини эътироф этадилар.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг хулосаларини қиёсий таҳлил этиш натижасида шундай фикрга келиш мумкинки, Бақтрия ва Марғиёна маданиятининг кўпгина йўналишлари маҳаллий шароитда пайдо бўлган

бўлиб, маҳаллий цивилизацияларнинг маҳсули ҳисобланади. Бу жараёнларга бошқа ҳудудларда пайдо бўлиб ривожланган маданий анъаналарнинг маълум маънодаги таъсирини ҳамда маҳаллий аҳоли томонидан ўзлаштирилиб, ўзига хос янги асосларда ривожланганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, мил. авв. II минг йилликнинг бошларида Бактрия ва Марғиёна жануби-ғарбий Осиёни қамраб олган кенг миқёсдаги қабилалар миграцияси тўлқинларидан бири ўтган асосий марказ эди (Сарианиди В.И., 1990. -С. 54-55). Айнан мана шу даврда Шарқий Эрон воҳаларида, Ўрта Осиёнинг жанубида, Балужистон ва қисман Ҳинд воҳаларидаги катта ҳудудларда бир-бирига ўхшаш, айрим ҳолларда айнан бир хил бўлган маданият пайдо бўладики, уларнинг илдизлари Ғарбга, Кичик Осиёгача боради.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, бронза даври Ўрта Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кўпгина ўзгаришлар бўлиб ўтадики, ушбу ўзгаришлар Енисей ва Урал дарёлари оралиғида яшаган аҳоли (Андроново маданияти) ҳамда Волга ва Дон дарёлари оралиғида яшаган кўчманчи чорвадорларнинг (Ёғочбанд маданияти) кириб келиши билан ҳам боғлиқ эди.

Бронза давридаги миграцион жараёнлар туфайли шимолдан келган бу қабилалар Ўрта Осиёнинг маҳаллий аҳолиси билан этник жиҳатдан аралашиб кетади ва айнан мана шу даврда Ўрта Осиё шимолидаги аҳолисининг бир қисми жанубга томон кўчади. Ушбу кўчишлар ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан бир қаторда аҳолининг этник таркибига ҳам маълум даражада таъсир ўтказганлиги тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, жанубдаги деҳқонлар ва шимолдаги чорвадор ўртасидаги тобора ўсиб бораётган ўзаро муносабатлар (миграцион жараёнлар, этномаданий алоқалар, босқинчилик урушлари) бутун мил. авв. II минг йиллик давомида Ўрта Осиёдаги тарихий-маданий жараёнларга сезиларли даражада таъсир кўрсатди ҳамда бу ҳудудларда яшовчи қабилалар тақдирини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Миграция жараёнлари аҳолининг савдо-сотиқ фаолияти билан ҳам узвий боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Мисол учун, тадқиқотчиларнинг фикрича, мил. авв. II минг йилликнинг бошларида Оссуриянинг савдо қарвонлари узоқ Афғонистондаги қалай манбаларига борганлар (Адамс Р., 1986. -С. 14). Энг қадимги йўлларнинг ривожланиши натижасида қадимги Шарқ халқлари ўртасида миграция жараёнлари, этномаданий алоқалар ва савдо-сотиқнинг тараққий этиши кузатилади. Дастлабки транспорт воситаларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳам чекка ҳудудларда қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик маҳсулотларини тақсимлаш жараёнини кучайтириш билан бирга аҳолининг этномаданий алоқалари ҳамда миграция жараёнлари самарадорлигининг ошиши учун ҳам кенг имкониятлар яратган эди.

Адабиётлар

1. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. -Тошкент: Академия, 2008.
2. Алексеев А., Першиц Л. История первобытного общества. -М., Высшая школа, 1990.
3. Крахмаль К.К. К истории возникновения гипотезы о центрально-азиатском центре происхождения человека // O‘zbekistontarixi. – 2003. – №2.
4. Сайко Э. Предпосылки и условия формирования древних отношения народов Востока // Советская археология. – 1981. №2.
5. Массон В.Н. Древние культуры Средней Азии: динамика развития, основание экологических ниш, культурные связи (с древнейших времён до эпохи раннего железа) // Инф. бюллетень. – 1986. – Вып. 2.
6. Массон В.Н. Первые цивилизации. – Л., 1989.
7. Масимов И.С. К вопросу об освоение долины Мургаба. – М., 1986.
8. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977.
9. Сарияниди В. И. Юго-Западная Азия: миграции, арии и зароострийцы // ЦБ МАИКЦА. – Вып 20. – М., Наука, 1990.
10. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005.
11. Адамс Р. Изучение бронзового века Месопотамии и соседних регионов // Древнейшие цивилизации Востока. – Ташкент, 1986.

*Умаров А.Ш.,
ассистент
Туробов А.Р.,
магистрант*

СИРЛИ СОПОЛЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ЎРТА ОСИЁДА ФОЙДАЛАНИШ ТАРИХИДАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Бугунги кунда жаҳон фанида қурилиш маданияти инсоният маданиятининг ажралмас қисми сифатида қаралиб, инсонларнинг дунёқараши, уларнинг яшаш тарзи ва илм-фан соҳасидаги эришган ютуқларини ўзида мужассам этувчи омил сифатида қаралмоқда. Маълумки, тарихимизнинг катта қисми тўғрисида маълумот берувчи ёзма манбалар кам сақланган бўлиб, бу давр тарихи билвосита қўшимча археологик моддий ашёлар ёрдамида ўрганилади. Кейинги йилларда юртимизда кенг кўламда олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий қадриятларини тиклашга бўлган эътибор кучайди.

Оловда пиширилган сопол идиш инсоният тарихидаги энг муҳим кашфиётлардан бири ҳисобланади. Дастлаб инсонларнинг емак билан боғлиқ бирламчи эҳтиёжлари учун ишлатилган сопол идишлар вақт ўтиши билан такомиллашиб боради. Хусусан, айнан сопол буюмлар яшашга ихтисослашган кулоллар қатлами юзага келди, кулолчилик чархлари кашф этилди, идишларга турли хил безаклар чизила бошланди, идишларнинг шакл-шамойили ҳамда турларида кескин ўзгаришлар кузатилди.

Шунингдек, кулолчиликда яна бир янгилик, идишларга сир бериш ҳам қўлланила бошланади. Кулолчилик маҳсулотларининг юзасига шишасимон қоплама қопланиши натижасида юзага келувчи сир ҳам амалий ва бадий вазифаларни бажарган. Яъни, сопол идишни намликка сезгирлигини камайтирса эстетик жиҳатдан идишга кўрк берган. Сирдан фойдаланиш инсониятга қадим замонлардан бери маълум. Милоддан аввалги IV минг йилликда Мисрда сирларнинг икки тури ишлатилган:

1. Ишқорий, таркибида кремний миқдори юқори бўлган.

2. Қўрғошин, оддий кулолчиликда ишлатилади¹.

Ўрта подшолик даврида (мил. авв. 2100 – 1700 йиллар) кулоллар турли хил идишларни геометрик нақшлар билан безатишган, қизил фонда оқ бўёк билан ёки ёрқин қизил-жигарранг билан бўяшган. Кейинчалик “Миср чинниси” кашф қилиниб, нафақат сопол идишлар, балки ҳайкалчалар ва ҳайвонларнинг расмларига ҳам сир берилган². Идишларга сир бериш милоддан аввалги IV–III асрларда Хитойда ҳам ишлатила бошланади. Парфия империяси давридан сирланган идишлар ишлаб чиқарилиши маълум бўлиб, у VIII асрнинг ўрталарига қадар тўхтамаган³. Айритом (Ўзбекистон) қазишмалари натижасида Кушон подшолиги даврига оид икки томони сирланган – яшил ва сариқ сирли сопол идишлар топилган. Парфия империясининг ғарбий қисмидан кўплаб сирланган маҳсулотлар топилган. Р.Еттинхаузеннинг сўзларига караганда Парфия империяси давридан бошлаб биринчи марта кулолчиликда сирдан фойдаланиш кенг қўлланила бошланди⁴. Ўрта Осиёда сирланган сопол маҳсулотларини ишлаб чиқариш қачондан бошланганлиги тўғрисида тадқиқотчилар ҳалигача бир фикрга кела олишмади. Баъзи бир тадқиқотчилар сирланган сопол идишларни пайдо бўлишини Кушон подшолиги давридан деб айтишади, сабаби ўша пайтда Ўрта Осиё минтақаларининг бир қисми Парфия давлатининг таркибига кирганлиги ва ғарбий ҳудудларида сирланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш кенг қўлланилганлигини келтиришса, бошқалар Ўрта Осиёдаги биринчи сирланган маҳсулотларнинг пайдо бўлишини VI–VIII асрнинг биринчи ярмига тўғри келади деб билади⁵.

VIII аср охиридан бошлаб Самарқанд, умуман Ўрта Осиёда сирланган сопол ишлаб чиқариш жадал суръатларда ривожлана бошлайди. Ўтган асрда сирли сопол идишларни пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнини И.Карабачек мусулмонлар орасидаги тақводор кишилар томонидан қимматбаҳо металллардан ясалган идишлардан фойдаланишни ислом дини томонидан тақиқланганлиги билан изоҳлайди. Ф.Зарре эса бу тақиқ фақат қандил кулолчилигини ривожлантириш учун туртки бўлган деб ҳисоблайди.

¹ Брусенко Л. Г. Глазурованная керамика Чача IX– XII веков. – Ташкент: Фан, 1986. – С. 37.

² Вестник технологического университета. – 2015. – №16. – С. 69 .

³ Брусенко Л. Г. Глазурованная керамика Чача IX– XII веков... – С. 37.

⁴ Академия наук Узбекской ССР институт истории и археологии / История материальной культуры Узбекистана. – Выпуск 6. – Ташкент: Фан, 1965. – С. 147

⁵ Брусенко Л. Г. Глазурованная керамика Чача IX–XII веков. – Ташкент: Фан, 1986. – С. 37.

А.Пообнинг таъкидлашича, худди шу тақик сирланган кулолчилик маҳсулотларининг барча турларини ривожланишига туртки бўлган дейди. Бугунги кунда баъзи олимлар ушбу нуқтаи назарни илгари сурмоқдалар. Шундай қилиб, VIII аср охиридан сирланган сопол идишларининг оммавий ривожланиши диний тақикга асосланмаган. VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб араблар сиёсати тугагандан сўнг, феодал хунармандчиликнинг ривожланишига олиб келадиган ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши кузатилди. Мустахкам, арзон ва чиройли идишларга бўлган катта талаб техник жиҳатдан замонавий сирланган сопол буюмларнинг янада кенг тарқалишига олиб келди ва одамларнинг чинни буюмларга бўлган муҳаббати унинг кейинги ривожланишининг калити бўлди. В.Л.Вяткиннинг ёзишича, Самарқандга тайёр шаклдаги сирланган идишлар эрализнинг IV–VI асрларида ташқаридан кириб келган. И.А.Сухарев эса сирланган сопол буюмларни саналаштирганда VIII асрнинг 20-йилларига тўғри келган ва араблар истилоси натижасида кириб келган дейди¹. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки кўплаб Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги сирланган сопол буюмларини ўрганган ғарб олимларининг фикрича, Ўрта Осиё сирланган сопол буюмларининг алоҳида мактаби бўлганлигини таъкидлайдилар². Машҳур археолог Ш.Тошхўжаев Самарқандда сирланган сопол буюмларнинг пайдо бўлишини VIII асрнинг охирига бориб тақалади деб ишора қилади, чунки бу вақтгача Ўрта Осиёда сирланган кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кузатилмаган³. Баъзи жойларда IX асрдан ривожланган бўлса, лекин ҳали ҳам шундай жойлар мавжудки (Тошкент, Фарғона ва бошқалар), уларда сирни пайдо бўлиш вақти ҳали аниқланмаган. Лекин кейинчалик Фарғона шаҳарларидаги ўрта асрларга оид асосан Кува ва Ахсикентда археологик изланишлар натижасида IX аср бошларида бу ерда сирланган сопол буюмлари пайдо бўлганига аниқлик киритилди. Ўрта Осиёнинг сирланган сопол буюмлари тарихи мутахассиси Г.В.Шишкина ўзининг “Глазурованная керамика Согда” номли китобида Ўрта Осиёнинг сирланган сопол буюмларини ўрганган тадқиқотчилар энг қадимги маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қачондан бошланганлигига аниқлик киритмоқчи бўлишади, натижада Ўрта Осиё кулолларининг сўнгги ўн йилликларда тўпланган материаллар асосида “ишқорий” деб номланган идишларни бир овоздан кўриб чиқиб, сирли сопол буюмлар учун дастлабки қадамлар деб қарашган⁴. А.Анарбаев ўзининг “Ахсикент – столица древней Ферганы” номли китобида Ахсикент ёдгорлигидаги АК-12 мажмуадаги сополларни даврлаштирганда ўша давр қатламлари ва кулолчилик

¹ Ташходжаев Ш. С. Художественная поливная керамика Самарканда. – Ташкент: Фан, 1967. – С. 8–9. Академия наук Узбекской ССР институт истории и археологи / История материальной культуры Узбекистана. – Выпуск 6. – Ташкент: Фан, 1965. – С. 149.

² Ташходжаев Ш. С. Художественная поливная керамика Самарканда. – Ташкент: Фан, 1967. – С.8

³ Академия наук Узбекской ССР институт истории и археологи... – С. 148-151.

⁴ Шишкина Г. В. Глазурованная керамика Согда (Вторая половина VIII – начало XIII в.). – Ташкент: Фан, 1979. – С. 31.

материаллар таҳлилига кўра VIII аср охири – IX асрнинг биринчи ярмига (ёки охириги чорагига) тўғри келади. Қатлам бўйича сирланган сопол буюмлар ушбу даврнинг дастлабки босқичида пайдо бўлган, чунки пастки қатламларнинг 12-даврида (комплекс) оч яшил рангли сопол буюмлар топилган ва ушбу мажмуанинг юқори қатламларидан ҳам ишқорли сопол буюмлар топилган¹.

Маълумки, шишасозлик маҳсулотлари қадимдан халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлатилган. Ушбу тармоқ сопол буюмларга, тақинчоқларга кўрк ва чирой беришда, меъморий обидаларга салобат бағишлаб, уларни ташқи муҳитдан ҳимоя қилишда юксак самара берган. Шишанинг бундай хусусияти унга яна бир ном, яъни сопол буюмлар ва қурилиш материаллари юзига қопланган турли рангдаги сирлар – глазур деб аталишига сабаб бўлди. Шишасимон сир сопол буюмлар ва қурилиш материаллари юзига суртилган ниҳоятда нозик, юпқа қоплама бўлиб, юқори иссиқликда пишириш билан сопол сиртига мустаҳкамланади. Шишасимон сир сопол ёки қурилиш материаллари сиртига икки йўл билан берилади: аралашмаси – қуруқ ҳолда ва эритма ҳолида, яъни ҳўл ҳолда. Сирнинг юзига бир хил қалинликда ва текисликда қопланиши рангнинг юза бўйлаб бир текисда чиройли чиқишини таъминлайди. Шишасимон сир минг йиллик тарихга эга. Ўрта Осиёда шишасимон сир билан қоплаш технологияси X-XIII асрлардан маълум бўлиб, бунда мақбара, мадраса ва мачитларнинг гумбазлари асосан зангори рангли сир билан қопланган. Бунга сабаб Ислом байроғининг шу рангда бўлганига ёки туркей қавмларда осмон-кўк тангрига топиниш билан боғлашади. Таркибга кирадиган ҳар бир компонент жуда синчиклаб текширилган ва майдаланган бўлиши, компонентларнинг миқдори аниқ ўлчанган бўлиши ва бу компонентлар махсус аралаштириш аппаратида қориштирилган бўлиши шарт. Бу аралашма маълум ёпишқоқлик бергунча сув кўшиб турилади ва аралаштириш давом эттирилади. Тайёр бўлган қаймоқсимон эритма олдиндан тайёрланган, юзига ангоб суртилган махсус сопол буюм ёки қурилиш материаллари юзига шимдирилган. Ангоб сифатида каолин, ангрэн лойи, қумнинг майдаланган кукуни қўлланилади. Ангоб ҳам шишасимон сирнинг рангига мослаб танланади. Ангоб шишасимон сир рангининг тиниқ чиқишига ҳам ёрдам беради ва шишасимон сир ва асосан ўртасида мустаҳкам боғ ҳосил қилиб, уларни бири-бирига мустаҳкам боғлайди. Материалларнинг юзига қопланган шишасимон сир эритмаси қуриштириш печида 1100 С да қуриштирилиб, табиатига қараб юқори иссиқликда бир неча соат пиширилади. Пиширилган маҳсулотни печдан олишдан олдин печнинг обдон совиганлигини кузатиш керак. Совумасдан олинган шишасимон сир ёрилиши, чакнаши ёки қопланган юзидан кўчиб тушиши мумкин. Шишасимон сир таркибининг асосини 20-40 % кўрғошин оксиди, 30-45 % оқ қум, 25-40 ишқорий ва 0,5-1 % ранг берувчи оксидлар

¹ Анарбаев А. Ахсикет – столица древней Ферганы... – С. 428.

ташқил қилади¹. Асосий таркиби қум-кремнезем(SiO_2) бўлган бу материалнинг кошин деб аталишига кошонлик усталарнинг шу соҳада маҳоратлари Кошон шахрига нисбатан шундай деб аталган. Чунки Кошон шахри сопол ишлаб чиқаришнинг марказларидан бири бўлган. “Кошин” атамаси 1301-йилда кошонлик муаллиф томонидан ёзилган асарда ҳам учрайди (Кашани, 1966). Бу масса Ўрта Осиёда XII асрда пайдо бўлди, лекин кошин материал сифатида бизнинг эра мизгача бўлган 3000 йилликда Мисрда пайдо бўлган эди. Бу даврда ушбу материалдан ҳар хил ўлчамдаги ва кўринишдаги тақинчоқлар, идишлар ясалган.

Қадимдан кошиндан ҳар хил безакли тақинчоқлар ясалган. Унинг яна бир муҳим хусусиятларидан бири Темурийлар даврида кашф қилинди ва шу тариқа кошиндан Ўрта Осиё меъморчилигида XIV асрда қурилиш материали сифатида кенг фойдаланила бошланди. Бу даврда мозаика ва маёлика санъати ҳам йўлга қўйилди. Шарқ меъморчилигида ишлатилган, юзига ҳар хил рангли сир қопланган кошинлар ҳозиргача ташқи кўриниши ва салобатини йўқотмасдан сақланиб келиши диққатга сазовордир. Кошин асосан, биноларнинг олд томони, гумбазлари мозаикаларни безашда ишлатилган. Рангли сир қопланган кошинли сержило мозаика ва маёликали безаклар биноларнинг чидамлигини, уларга жило бериб кўркини ва мавқеини оширган. Хулоса қилиб айтганда, VIII–IX асрларгача Ўрта Осиё худудларида, хусусан, Ўзбекистонда сирли сопол буюмлари ташқи хужумлар ва ижтимоий-иқтисодий алоқалар туфайли кириб келган бўлса ҳам жуда кенг тарзда оммалашмаган ва сифати жиҳатдан кейинги даврдаги сирли сопол буюмларига қараганда паст бўлган. VIII–IX асрдан бошлаб одамларнинг нафис сирли идишларга бўлган муҳаббати сопол идишларда сирдан фойдаланишни кучайтирди ва ривожланиб кетишига сабаб бўлди. Эндиликда одамлар идишларнинг турларига, сифатига, қулайлигига қўшиб идишнинг эстетик жиҳатларига ҳам этибор бера бошладилар. Бу эса секин асталик билан сирли идишга бўлган талабни ошишига ва ривож топишига олиб келди. Бундан ташқари, шишасимон сирли идишлар ҳам бўлган. Бу шишали сир идишни ёрқинлигини ва сув шимиб олиш хусусиятини камайтириб сувга нисбатан чидамлигини оширган. Шишасимон сир қопланган буюмлар, қурилиш иншоотларини ва идишларни ташқи омиллар таъсирида тез ўз хусусиятини йўқотишдан сақлаб, кислота ва ишқор таъсиридан муҳофаза қилади ва уларга кўркамлик ва жило бериб туради.

Адабиётлар

1. Академия наук Узбекской ССР институт истории и археологи / История материальной культуры Узбекистана. – Выпуск 6. Ташкент: Фан, 1965.
2. Анарбаев А. Ахсикет – столица древней Ферганы / АН РУз, Институт археологии им. Я. Гулямова АН РУз.: – Ташкент: Изд-во “Тафаккур”, 2013.

¹ Болиев Б. Шишасимон сир технологияси (глазур) ва унинг аҳамияти // ИМКУ. – Вып. 32. – Самарканд, 2000. – Б. 262–264.

3. Болиев Б. Шишасимон сир технологияси (глазур) ва унинг аҳамияти // МКУ. Вып. 32. – Самарканд, 2000.
4. Болиев Б. Яна кошин ҳақида // ИМКУ. Вып. 34. – Самарканд, 2004.
5. Брусенко Л.Г. Глазурованная керамика Чача IX–XII веков. – Ташкент: Фан, 1986.
5. Вестник технологического университета. – 2015. – №16.
6. Ташходжаев Ш. С. Художественная поливная керамика Самарканда. – Ташкент: Фан, 1967.
7. Шишкина Г.В. Глазурованная керамика Согда (Вторая половина VIII – начало XIII в.). – Ташкент: Фан, 1979.

*Умаров У.А.,
СамДУ ўқитувчиси
Ўразов Д.Н.,
СамДУ талабаси*

ТОШ ДАВРИ ЖАМОАЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАФКУРАВИЙ ҲАЁТИДА ЗЕБУ ЗИЙНАТ ТАҚИНЧОҚЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Кишилиқ тарихи ривожидида унинг илк тараққиёт босқичларини ўз ичига олган тош даври жамоалари моддий маданиятининг ўзига хос ўрни бор. Ушбу тарихий даврнинг мазмуни одамзоднинг пайдо бўлиши ва унинг илк ватани, одамзоднинг аждодлари ва уларнинг биологик жиҳатдан ривожиди, инсон ва табиатнинг ўзаро алоқадорлиги, вақт ўтиши билан одамзод ўзи яшаб турган атроф-муҳит, табиат воқеликларининг моҳиятини тушунишга, ўз турмуш тарзини яхшилашга интильгани ва шу боис меҳнат жараёнида қўлга киритган тажриба, қўникма асосида ихтиро, кашфиётлар қилишганликлари, шу аснода моддий, маънавий маданиятлар соҳибига айланишганлиги масалалари билан узвий боғлиқдир.

Тош даври жамоалари моддий маданияти ёритилишида мутахассислар асосан ёдгорликлар тадқиқотида қўлга киритилган катта ҳажмдаги тош, суяқ қуроллари, сопол идишлар, ҳайвон суяги қолиқлари, турар-жой, қабрлар ҳамда қоятош расмлари маълумотларига эътибор қаратишган. Шу аснода, маданиятларнинг ўзига хос хусусиятлари, типологик таҳлил асосида ёдгорликларнинг даврлаштирилиши, хронологияси ишлаб чиқилган, жамоаларнинг маънавий кечинмалари, хўжалиқ асослари ва ўзаро маданий алоқалари, маданият келиб чиқиш илдизлари масалалари ойдинлаштирилган. Бироқ тош даври макон ва манзилгоҳларидан тош ва органик материаллардан (суяқ, ёғоч ва чиғаноқлар) ишланган зеб-зийнат буюмлари ҳам топилган. Ваҳоланки, бу буюмлар шу маданиятларнинг хусусиятлари, қадимий аждодларимизнинг маънавий-мафкуравий ҳаёти ҳақида ҳам кенг маълумотлар беради, албатта. Шунингдек, зебу зийнат тақинчоқларни ўрганиш тарихий давр ижтимоий тузуми, жамоаларнинг иқтисодий имкониятлари, турмуш тарзи, маънавий-мафкуравий ҳаёти, уруғ жамоаси аъзоларининг интеллектуал салоҳияти, касбий ихтисослашуви, хунармандчилик соҳасининг ривожланиши ва турининг кўпайиши,

аёлларнинг пардоз ишлари, дафн билан боғлиқ расм-русумлар, жамоаларнинг ҳудудий ўзаро маданий алоқалари, зебу зийнат тақинчоқлар ясалишида ишлатиладиган материаллар ҳақида ҳам маълумотларни тақдим этади. Чунки зеб-зийнатларни ясашга ишлатилган материаллар ҳар доим ҳам жамоалар яшаш жойлари яқинидан олинмаган. Масалан, Жанубий Туркменистон неолит жамоалари зеб-зийнатлари учун ишлатилган чиғаноқлар Г.Ф.Коробкованинг тадқиқотиغا кўра, Ҳинд Океанидан, Яқин Шарқ ҳудудларидан, Каспий денгизидан келтирилган. Чиғаноқларнинг бежирим, чиройли кўриниши қадимдан одамлар диққатини тортган, шу боис бундай товарларнинг алмашинуви узоқ, олис ҳудудлар ўртасида ҳам амалга оширилгани маълум.¹ А.П.Окладников Каспий денгизи бўйи Куба-Тенгир бурнида жойлашган чиғаноқлардан тақинчоқлар ясайдиган устахонани топиб тадқиқ этган.² В.М.Массон Жойтун жамоалари моддий маданиятини ўрганар экан, қазилма жараёнида туркум зебу зийнат тақинчоқлар намунасини қўлга киритган ва уларни илмий таҳлил этган.³ Лекин В.М.Массоннинг кўрсатишича, Жойтун жамоаларига тегишли қабрлардан ўрганилган майитларнинг ёнидан зебу зийнат тақинчоқлар намуналари, қимматбаҳо қийматга эга бўлган нарса предметлар ва хазиналар топилмаган, ёдгорликларга яқин жойлардан тақинчоқлар ясашга мўлжалланган устахоналар аниқланмаган. Қўлга киритилган намуналар одамлар тасодифан тушириб қолдирган ёки йўқотиб қўйган предметлар ҳисобланади, деб хулоса билдиради.

Ўрта Осиё неолит даври жамоаларининг зебу зийнат тақинчоқларини дастлаб таниқли археолог А.В.Виноградов махсус ўрганган ва уларнинг типологиясини ишлаб чиқишга ҳаракат қилган.⁴

Таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиё тош даври маданияти вакиллари фойдаланган зебу зийнатлар хусусида махсус илмий ишлар жуда кам. Борлари ҳам маълум бир маданиятни тадқиқ этиш жараёнида қўлга киритилган, нисбатан кам сонли бўлган ўша ердан топилган зеб-зийнатлар тилга олинган. Зебу-зийнат тақинчоқларнинг ясалиш материаллари, ясалиш техникаси, типологияси масалаларига тадқиқотларда кам эътибор берилган. Айниқса, улар сиртида биронта тасвир, белги бўлганми, бўлган тақдирда уларнинг семантикаси қандай маънони англатганлиги масалалари махсус ўрганилмаган. Зебу-зийнат тақинчоқларнинг типологик таҳлиллари тўлақонли равишда қилинмаган. Фақатгина уларнинг шакли, ўлчамлари, қандай материалдан ясалгани маълумотлари келтирилган, холос.

Тадқиқотлар кўрсатишича, вақт ўтиши билан одамзод ўзи яшаб турган атроф-муҳит, табиат сирларини тушуна борган, меҳнат жараёнида тажриба, кўникмаларга эга бўлган. Бу эса одамларнинг маънавий-мафкуравий ҳаётида

¹ Кларк Д.Г.Д. Доисторическая Европа. -М., 1953. -Стр. 242-243.

² Окладников А.П. Изучения древнейших археологических памятников Туркмении. КСИИМК, в. XXVIII, 1949. -Стр. 69-70.

³ Массон В.М. Поселение Джейтун. Изд-во "Наука" Ленинградское отделение. -Л., 1971. -С. 39-41.

⁴ Виноградов А.В. Неолитические украшения из створок раковин Didakno. КСИИМК, в. LIX, 1955.

Ўзгаришларга, турли табиат кучларига топиниш, сиғинишларга олиб келган. Сўнги палеолит даври кишилари турмушида тасвирий санъат пайдо бўлган. Қоятошларга расмлар чизилган, тош қуролларининг тури кўпайган, тош, суяк ва чиғаноқлардан ҳар хил зеб-зийнат буюмлари ясала бошлаган. Илоҳийлаштирилган она сиймосини муқаддаслаштириш йўлидаги биринчи қадамлар сифатида ҳомиладаги онанинг суратини чизиш, ҳайкални яшаш орқали тасвирий ва амалий санъат пайдо бўлди. Қадимий санъат тарихшунослигига назар ташлайдиган бўлсак, Ўрта Осиё қоятош тасвирлари яхши ўрганилган. Аммо зеб-зийнат буюмларнинг аجدодларимиз тарихини ёритишдаги илмий аҳамияти тош қурол ёки қоятош тасвирлариникидан кам эмас. Тўғри, сўнги палеолит даври жамоаларига тегишли зебу зийнат тақинчоқлари намуналари бизга нисбатан камроқ етиб келган. М.Джуракулов Ўрта Зарафшон воҳаси Самарқанд сўнги палеолит ёдгорлигининг тадқиқотида тош, чиғонақлардан ясалган зебу зийнат тақинчоқларнинг намуналарини топган. Тадқиқотчининг кўрсатишича, бу маконга чиғаноқлар олис Ҳинд океанидан келтирилган. Бу факт сўнги палеолит давридаёқ, ибтидоий одамлар кўшни ҳудуд жамоалари билан ўзаро маданий алоқадорликда бўлишганлигини кўрсатади¹.

Мезолит ва неолит даврига келиб майда тош, суяк ва чиғаноқлардан зеб-зийнат буюмлари яшаш кўпайган. Шунингдек, деҳқончилик билан бир қаторда ҳунармандчиликнинг бир қанча турлари ҳам ривожланган. Ишлаб чиқариш хўжалигининг кенгайиши санъат, хусусан, зеб-зийнат буюмларининг тайёрланишида ҳам ўз аксини топади. Туркменистон неолит маданиятларидан топилган тақинчоқларнинг тарихий аҳамияти бекиёс, жумладан, улар Яқин Шарқ маданиятлари (масалан, Ироқ ҳудудларида тарқалаган Жармо маданияти) билан муносабатлар даражаси, меҳнат ва бошқа буюмлар яшаш техникасидаги ўзгаришлар ва маданият вакилларнинг маиший турмуш шароитлари хусусида маълумотлар беради. Жойтунликларнинг Эрон ва Месопотамия минтақалари неолит жамоалари билан ўзаро маданий алоқаларини топилган чиғаноқлар мисолида кузатиш мумкин.

Юқорида келтирганимиздек, Ўрта Осиёда мезолит ва неолит даврларига келиб зеб-зийнат буюмлари тайёрлаш сўнги палеолит даврига нисбатан кенгайган. Буни археологик материаллар ҳам тасдиқлаб турибди. Зеб-зийнатдан кўпроқ фойдаланиш эса қадимги аجدодларимизнинг маиший ҳаётида анча ривожланишлар бўлганлигидан далолат беради. Ҳозирги кунда мезолитга оид Ўрта Осиёда 30 га яқин стратиграфиялашган ва 200 дан зиёд топилма жойлар аниқланиб, шулардан катта қисми Ўзбекистон ҳудудларига тўғри келади. Қайд этилган ушбу ёдгорликларни икки гуруҳга ажратиш ва биринчи гуруҳ ёдгорликларига Обишир 1-5, Мачай ва Қўшилиш, Ўрта Зарафшонда Қоракамар, Очилғор маконларини киритиш мумкин; иккинчи

¹ Джуракулов М.Д. Самарқандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. -Ташкент: Фан, 1987, С.171.

гуруҳга очик типдаги ёдгорликлардан Айдабол 25, Лавлакон 24 Зарафшонда Чорбақти ёдгорликлари ва бошқалар киради.

Ўрта Осиё неолит даври жамоаларининг моддий маданияти тадқиқотида муҳим кашфиёт, ютуқлар қўлга киритилган. Унинг жанубий-ғарбий минтақаларида Копеттоғ ён бағрида ўтроқ деҳқончилик хўжалигига асосланган Жойтун маданияти¹, Амударё ва Зарафшоннинг қуйи ҳавзаларида, Қизилқумда ўзлаштирма хўжалик соҳибларининг Калтаминор маданияти², Ҳисор тоғ тизмаларининг дара ва яйловларида Ҳисор маданияти³, Фарғона водийсида Марказий Фарғона маданияти⁴, Ўрта Зарафшон воҳасида Сазагон ва Устюртда Устюрт неолит жамоаларининг маданияти⁵ тизимли равишда тадқиқ этилган. Ушбу тадқиқотлар натижасида катта ҳажмдаги археологик материаллар қўлга киритилганки, улар асосида давр палеоэкологик шароити, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ижтимоий тузуми, аҳоли турмуш тарзи, моддий маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, хўжалик асослари, маънавий кечинмалари, маданий алоқалар ва маданият генезиси каби масалалар ойдинлаштирилди. Тадқиқотларда неолит жамоаларининг маънавий-мафкуравий ҳаётини ёритиб берувчи муҳим манба, маълумотлар ҳам қўлга киритилганки, булар тизимида зебу зийнат тақинчоқларнинг ҳам ўрни бор, албатта. Юқорида бу ҳақда А.П.Окладников, В.М.Массон, Г.Ф.Коробкова, С.П.Толстов, А.В.Виноградов каби тадқиқотчиларнинг Жанубий Турманистон ҳудуди Жойтун маданияти, Қуйи Амударё ва Қуйи Зарафшон, Қизилқум сарҳадлари Калтаминор неолит жамоалари турмушида ишлатилган зебу зийнат тақинчоқлар топилмалари ҳақида маълумот келтирган эдик. Ў.Исломов ва В.И.Тимофеевлар Марказий Фарғона неолит жамоалари маданиятини ўрганар экан, Янгиқадам, Тайпоқ гуруҳи маконларидан кўплаб зебу зийнат тақинчоқлар намуналарини топишган.⁶ Тадқиқотчилар кўрсатишича, бу тақинчоқлар асосан мунчоқлар бўлиб, улар унчалик катта ўлчамли бўлмасдан, суйри, цилиндрик кўринишли оқ ёки тиниқ кулрангли мраморли майда қайроқтошлардан ясалган. Уларнинг уч қисмида икки

¹ Массон В.М. Джейтунская культура. ЮТАКЭ, т.10, Ашхабад, Ўлим, 1961; Поселение Джейтун (проблемы становления производящей экономики). МИА, № 180, 1971.

² Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. М., 1981.

³ Ранов В.А. Гиссарская культура: распространение, хронология, экономика. // Культура первобытной эпохи Таджикистана. – Душанбе, 1982; Гиссарская культура – неолит горных областей Средней Азии. // Каменный век Северной, Средней и Восточной Азии. – Новосибирск, 1985; Неолит (гиссарская культура). История Таджикского народа. Том 1. – Душанбе, 1998. С.105-123.

⁴ Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. – Ташкент: Фан, 1986. С. 304.

⁵ Бижанов Е.Б. Неолитические памятники юго-восточного Устюрта. // Древняя и средневековая культура юго-восточного Устюрта. – Ташкент: Фан, 1978. -С. 18-79; Каменный век Устюрта. Авт.реф. на соискание уч.степени д.и.н. – Нукус, 1996. -С. 3-42; Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. – Ташкент: Фан, 1991. -С. 3-122; Холматов Н.У. Сазаганская культура (Неолит среднего Зарафшана)// Самарский научный вестник. 2014. №3 (8) –Стр. 190-195; Холматов Н.У. Сазагон маданияти ва унинг Ўзбекистон неолит даврида тутган ўрни. -Самарқанд, 2020. -Б. 386.

⁶ Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. – Ташкент: Фан, 1986. -С. 72-81.

тарафидан бир-бири томон пармалаб тешик ҳосил қилинган. Пармалаш ишлари учи учқур пайрақадан ясалган тешгич қуроллари орқали амалга оширилган. Баъзи мунчоқларда бир томонидан тешишга ҳаракат қилинганлиги, лекин пармалаш ишлари охиригача етмаганлиги ёки қайроқтош бўлагининг синиб қолганлиги ҳолатлари кузатилади.

Шу ўринда, Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ён бағрида тадқиқ этилган Сазағон неолит ёдгорликлари қазилмалари жараёнида туркум зебу зийнат тақинчоқлари намуналари ҳам топилганини қайд этиш лозим. Жумладан, Сазағон 2, Жангал 1, Теракул 3, 4, Қоракамар, Очилғор маконларидан топилган мунчоқ ва бошқа кўринишли зебу зийнат буюмлари 2 типга ажратилган: 1. Юпқа қайроқдан силликланиб, ўртасида пармалаш усулида ҳосил қилинган тешикчаси бўлган тақинчоқ буюмлари; 2. Чиғаноқдан ясалган тақинчоқлар. Булар суйри ёки айлана кўринишли, майда ўлчамли бўлган. Улар намуналари айни кунда Самарқанд давлат университети археология музей лабораторияси кўрғазмасида турибди.

Шунингдек, В.А.Ранов, Т.Г.Филимоновалар Тожикистон худуди Ҳисор неолит жамоаларига тегишли ёдгорликлар (Тутқовул, Сай-Сайёд, Кангуртут) тадқиқотида туркум зебу зийнат тақинчоқлари намуналари топилган. Худди Сазағон жамоалари тақинчоқлари каби улар ҳам майда, кичик ўлчамли қайроқтошлардан ва чиғаноқлардан ясалган.¹

Хуллас, биз юқорида айни кунда Ўрта Осиё тош асри археологиясига тегишли илмий адабиётларда мавжуд бўлган маълумотлар ҳамда яқин йилларда Сазағон неолит жамоалари ёдгорликлари қазилмаларида қўлга киритилган зебу зийнат тақинчоқларга таяниб, тош даври жамоаларининг маънавий-мафкуравий ҳаётини ёритиб беришда улар ўзига хос бирламчи тарихий манба эканлиги масаласига имконият даражасида тўхталдик. Бу манбалар истиқболда манба сифатида маълум бир тизимга келтирилиши, уларнинг ясашиши техникаси, даврий хронологияси, типологияси ишлаб чиқилиши, жамоаларининг маънавий-мафкуравий ҳаётини ёритишда уларнинг семантикаси янада янги маълумотлар асосида ўрганилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар

1. Бижанов Е.Б. Неолитические памятники юго-восточного Устюрта. // Древняя и средневековая культура юго-восточного Устюрта. – Ташкент: Фан, 1978.
2. Бижанов Е.Б. Каменный век Устюрта. Авт. реф. на соискание уч. степени д.и.н. – Нукус, 1996.
3. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. М., 1981.
4. Джуракулов М.Д. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. -Ташкент: Фан, 1987.
5. Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. – Ташкент: Фан, 1991.

¹ Виноградова Н.М., Ранов В.А., Филимонова Т.Г. Памятники Кангуртута в Юго-Западном Таджикистане (эпоха неолита и бронзовый век). -М., 2008.

6. Массон В.М. Поселение Джейтун. Изд.во “Наука” Ленинградское отделение Л., 1971.
7. Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. – Ташкент: Фан, 1986.
8. Массон В.М. Джейтунская культура. ЮТАКЭ, т.10, Ашхабад, Ылым, 1961; Поселение Джейтун (проблемы становления производящей экономики). МИА, № 180, 1971.
9. Кларк Д.Г.Д. Доисторическая Европа. -М., 1953.
10. Окладников А.П. Изучения древнейших археологических памятников Туркмении. КСИИМК, в. XXVIII, 1949.
11. Ранов В.А. Гиссарская культура: распространение, хронология, экономика. // Культура первобытной эпохи Таджикистана. – Душанбе, 1982.
12. Ранов В.А. Гиссарская культура – неолит горных областей Средней Азии. // Каменный век Северной, Средней и Восточной Азии. – Новосибирск, 1985.
13. Холматов Н.У. Сазагон маданияти ва унинг Ўзбекистон неолит даврида тутган ўрни. -Самарканд, 2020.

*Хомиджонова М.А.,
Магистрант 1-курс
Национального университета*

НЕКОТОРЫЕ ВЫВОДЫ АНТРОПОЛОГИЧЕСКОГО ТИПА НАСЕЛЕНИЯ ЗАРАФШАНСКОЙ ДОЛИНЫ В ДРЕВНОСТИ

Уже в эпоху палеолита на территории нынешнего Самарканда заселялись люди, этому служила причина благоприятного климата, водные ресурсы, богатый животный и растительный мир. А с эпохи бронзы с III тыс. лет. до н.э. начали осваивать земледельцы, также в эпоху раннежелезного века освоение земель долины продолжалось, в то время, когда на территории Центральной Азии зарождались древние государства, как Согд, Бактрия, Хорезм и Маргиана.

В антропологическом аспекте население каменного века Зарафшанской долины, было носителем комплекса европеоидных признаков на разных стадиях формирования. О заселении Зарафшанской долины в эпоху палеолита нам пока известно по Самаркандской палеолитической стоянке¹, которое было подтверждено одонтологическими исследованиями². Краниологические материалы эпохи мезолита, полученные из погребения Замичаташ в Самаркандской области, позволяют утверждать о проникновении в среднее течение долины Зарафшана племен протоевропейского облика, которые существенно отличаются от мезолитических племен долины Сурхандарьи (пещера Мачай). По исследованиям антрополога Ходжайова Т.К. мы знаем, что неолитическое население Зарафшана характеризовалось европеоидными особенностями, а

¹ Гинзбург В.В., Гохман И.И. Костные останки человека из Самаркандской палеолитической стоянки // Проблемы этнической антропологии и морфологии человека. -Л., Изд-во «Наука», 1974. -Стр. 5-11.

² Зубов А.А., Гохман И.И. Некоторые дополнительные одонтологические данные в связи с описанием костных останков человека с палеолитической стоянки Самарканд // Вестник антропологии. 2003. Вып. 10.

точнее средиземноморским и протоевропейским типам¹, которые имели тесные генетические связи с племенами южных областей Центральной Азии – носителями Джейтунской и Гиссарской культур. Но весьма интересен тот факт, что с периода эпохи мезолита на территории долины Зарафшана контактировали южные и северные европеоиды, эту гипотезу доказывают результаты исследования погребения Замичаташа и Учтутских неолитических шахт – носители Кельтеминарской культуры Присарыкамышья (Тумек-Кичиджик).

По материалам многослойного поселения эпохи энеолита Саразма, можно сказать, что видимо население между Самаркандом и Пянджикентом также относилось к средиземноморскому типу, эти материалы были также сопоставлены с материалами южного Туркменистана с поселениями среднего энеолита Карадепе и Геоксюр². Это подтверждается и общностью материальной культуры на указанных территориях³. Видимо, в эпоху энеолита часть населения Южного Туркменистана переселилась в области среднего течения Зарафшана, где и сформировался центр энеолитической культуры.

В эпоху бронзы в Центральной Азии как выше упомянули преобладали два комплекса европеоидного типа это протоевропейский и средиземноморский, ниже в таблицах приведены территории распространения типов по культурам;

Протоевропейский тип			
Андроновская культура	Тазабагъябская культура	Кайракумская культура	Срубная культура

Средиземноморский тип				
Культура Намазга	Культура Сапалли	Культура Заманбаба	Культура Сазаган	Культура Чуст

С эпохи бронзы переходя к эпохе раннего железа земледельческие племена, жившие в Зарафшанской долине в поиске плодородных земель, начали передвигаться с юга на северные и восточные районы. Двигаясь по течению Амударьи носители Сапалинской культуры Древней Бактрии приняли участия в формировании Заманбабинской культуры в Древнебухарском оазисе

Население Зарафшанской долины эпохи энеолита и бронзы имело различные и разнонаправленные генетические связи. Сложение Саразмской культуры связано с продвижением энеолитических племен из Прикопетдагской полосы Южного Туркменистана на север.

¹ Ходжайов Т.К. Новые краниологические материалы эпохи неолита, энеолита и бронзы среднего и верхнего Зарафшана // Вестник антропологии. 2004. Вып. 11.

² Ходжайов Т.К. Новые краниологические материалы эпохи неолита, энеолита и бронзы среднего и верхнего Зарафшана // Вестник антропологии. 2004. Вып. 11.

³ Исаков А.И. Саразм: К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зарафшанской долины (раскопки 1977-1983 гг.). -Душанбе, 1991.

Антропологический облик племен Сазаганской и Заманбабинской культур Зарафшана близок с южными земледельческими племенами Древней Бактрии и Маргианы. Что касается населения верховьев Зарафшана, то оно сформировалось в результате смешения местных земледельческих и пришлых групп степных скотоводов, которые обосновались в предгорных районах верховьев и степной части низовьев Зарафшана (могильник Дашти Казы в Пенджикентском районе).

Со второй половины I тыс. до н.э. происходят существенные изменения в расовом и этническом составе населения Согда. Данные по материалам курганных могильников Лавандак, Куюкмазар, Кызылтепа, Калкансай, Хазара и Шадыбека исследователи считают, что в западном Согде на границе земледельческих оазисов расселяются племена с ярко выраженной монголоидной примесью. В Центральном Согде по материалам Каттакурганского водохранилища, Саратепа, Сирлибай и Орлат, также в Центральных Кызылкумах курганные могильники Джузкудук, Кулькудук и Кокпатас фиксируют такую же ситуацию. Этим исследователи дают выводы, что племена Западного Согда близки к кочевникам Тянь-Шаня, а население Центральных районов к скотоводам Приаралья¹.

В конце I тыс. до н.э. скотоводческие племена из районов Приаралья передвигаются через Центральный и Южный Согд в Северную Бактрию, это было очевидно по антропологическим материалам из Центрального (Орлат, Сырлыбай, Саратепа, Каттакурганское водохранилище, Афрасиаб, раскоп 35 за городской стеной) и Южного (Еркурган) Согда².

Дубова Н.А. по данным исследования Юга Узбекистана считает, что: «В эпоху неолита в Средней Азии в культурах, развивавших сходные традиции кремневых индустрий, произошло резкое деление по способам хозяйственной деятельности».

В эпоху бронзы на всем пространстве Средней Азии четко выделяется два культурно-исторических региона: южный оседло-земледельческий, где основой хозяйства является орошаемое земледелие, близкий к ареалу переднеазиатских культур так называемой расписной керамики, и северный степной (включающий и степи Казахстана), где основным занятием было пастушеское скотоводство, входящий в ареал евразийских культур степной бронзы. Постоянные контакты между населением этих двух больших областей постепенно приводили к некоторому стиранию различий в их хозяйственном и социальном развитии, чему способствовал рост роли обмена и торговли. В итоге, к концу II тыс. до н.э. Средняя Азия в целом

¹ Ходжайов Т.К., Ходжайова Г.К. Монголоидность у населения Средней Азии и ее эпохальные изменения // Среднеазиатский этнографический сборник. -М., 2001.

² Ходжайов Т.К. Характер взаимодействия кочевого мира и оседлых оазисов, прослеживаемый на палеоантропологическом материале Средней Азии // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций: Тезисы докладов советско-французского симпозиума по археологии Центральной Азии и соседних регионов. Алма-Ата, 1987. // Ходжайов Т.К. Скотоводы у стен городов Среднеазиатского междуречья // Города Центральной Азии на Великом шелковом пути: Тезисы докладов. -Самарканд, 1994.

представляла собой историко-культурную область с развитой цивилизацией, являющуюся также и перекрестком торговых и культурных путей обмена между ближневосточным, южно- и восточноазиатским центрами и народами степного пояса Евразии.

В заключение можно сказать, что раньше не было возможности определить морфологическую преемственность и генетическую связь между населением разных этапов на протяжении истории всего каменного века.

Раннеземледельческое население долины Зарафшана¹ (Заман-баба – Зезенкова, 1958; Трофимова, 1964) и Ферганской долины (Ургутский район – Зезенкова, 1968; Чустское – Зезенкова, 1958; и Дальверзинское поселения – Гинзбург, Трофимова, 1972. С. 78; Вуадильский могильник – Гинзбург, 1957), по мнению исследователей, относилось к восточносредиземноморскому европеоидному типу, распространенному в эпоху энеолита и бронзы также и в южных и юго-западных районах Туркмении, и на юге Таджикистана и, можно думать, было генетически связано с населением Передней Азии. На наличие этих связей указывают не только антропологические, но и археологические данные.

Т.К.Ходжайов отмечает, что демаркационная линия между протоевропейским и средиземноморским комплексами проходила по низовьям Амударьи, среднему и нижнему течению Зарафшана и верховьям Сырдарьи. Он подчеркивает также, что в долине Зарафшана, в зоне соприкосновения двух антропологических комплексов, население по своей материальной культуре связано со скотоводческими племенами андроновской культуры, тогда как по антропологическим особенностям – с южными европеоидными популяциями (могильники Дашти Казы, Чака, Заманбаба).

Таким образом, имеющиеся в настоящее время палеоантропологические материалы позволяют говорить о том, что дифференциация антропологического покрова, постепенно начинавшаяся в эпоху энеолита или даже неолита, усиливается в эпоху бронзы. Кроме выделения северных (для Средней Азии) степных групп, обозначаются группы популяций, имеющих общие черты: на юго-востоке (более мезокранное население, имеющее несколько более низкое и широкое лицо, чем на юго-западе), на юго-западе (крайне долихоморфное лептопрозопное население), в междуречье Амударьи и Сырдарьи, в Ферганской долине и

¹ Трофимова Т.А. К вопросу об антропологическом типе населения Южного и Восточного Узбекистана в эпоху бронзы // Проблемы этнической антропологии Средней Азии. -Ташкент: Изд-во Таш. гос. Ун-та, 1964. -С. 104-117. // Зезенкова В.Я. К этногенезу расового типа Среднеазиатского междуречья // Проблемы археологии Средней Азии. Тезисы докладов. -Л.: ЛОИА АН СССР, 1968. -С. 78-79. // Зезенкова В.Я. Скелет из погребения в поселении эпохи бронзы близ г. Чуста // Советская антропология. 1958. № 3. -С. 91-95. // Гинзбург В.В., Трофимова Т.А. Палеоантропология Средней Азии. -М.: Наука, 1972. 372 с. // Гинзбург В.В. Антропологические материалы из Вуадильского и Ак-Тамского могильника // Краткие сообщения Института истории материальной культуры. 1957. Вып. 69. -С. 91-93.

долине Зарафшана (население, несущее смешанные черты как лептопрозопных, так и более мезоморфных форм).

Просуммировав все имевшиеся в его распоряжении данные, этот автор делает заключение, что Зарафшанская долина с древнейших времен (по крайней мере, с эпохи мезолита-неолита), была зоной контакта двух европеоидных пластов – южного средиземноморского и северного протоевропейского, о чем можно судить по материалам Замичаташ и Сазаган в среднем, а Учтутских неолитических шахт в нижнем течении Зарафшана¹.

Литературы

1. Гинзбург В.В., Гохман И.И. Костные останки человека из Самаркандской палеолитической стоянки // Проблемы этнической антропологии и морфологии человека. -Л., Изд-во «Наука», 1974. -Стр. 5-11.

2. Зубов А.А., Гохман И.И. Некоторые дополнительные одонтологические данные в связи с описанием костных останков человека с палеолитической стоянки Самарканд // Вестник антропологии. 2003. Вып. 10.

3. Ходжайов Т.К. Новые краниологические материалы эпохи неолита, энеолита и бронзы среднего и верхнего Зерафшана // Вестник антропологии. 2004. Вып. 11.

4. Ходжайов Т.К. Новые краниологические материалы эпохи неолита, энеолита и бронзы среднего и верхнего Зерафшана // Вестник антропологии. 2004. Вып. 11.

5. Исаков А.И. Саразм к вопросу становления раннеземледельческой культуры Зеравшанской долины (раскопки 1977–1983 гг.). -Душанбе, 1991.

6. Ходжайов Т.К., Ходжайова Г.К. Монголоидность у населения Средней Азии и ее эпохальные изменения // Среднеазиатский этнографический сборник. М., 2001.

7. Ходжайов Т.К. Характер взаимодействия кочевого мира и оседлых оазисов, прослеживаемый на палеоантропологическом материале Средней Азии // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций: Тезисы докладов советско-французского симпозиума по археологии Центральной Азии и соседних регионов. Алма-Ата, 1987а. // Ходжайов Т.К. Скотоводы у стен городов Среднеазиатского междуречья // Города Центральной Азии на Великом шелковом пути: Тезисы докладов. Самарканд, 1994 // Ходжайов Т.К. Обычай преднамеренной деформации головы в Средней Азии // Антропологические и этнографические сведения о населении Средней Азии. М., 2002. Вып. 2. (Серия «Этническая антропология Средней Азии») // Аскарлов А.А., Буряков Ю.Ф., Ходжайов Т.К. Новые археологические и антропологические материалы к этнической истории народов Средней Азии // Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. Общие проблемы. М., 1990. Вып. I.

8. Трофимова Т.А. К вопросу об антропологическом типе населения Южного и Восточного Узбекистана в эпоху бронзы // Проблемы этнической антропологии Средней Азии. Ташкент: Изд-во Таш. гос. Ун-та, 1964. С. 104-117. // Зезенкова В.Я. К этногенезу расового типа Среднеазиатского междуречья // Проблемы археологии Средней Азии. Тезисы докладов. Л.: ЛОИА АН СССР, 1968. С. 78-79. // Зезенкова В.Я. Скелет из погребения в поселении эпохи бронзы близ г. Чуста // Советская антропология. 1958. № 3. С. 91-95. // Гинзбург В.В., Трофимова Т.А. Палеоантропология Средней Азии. М.: Наука, 1972. 372 с. // Гинзбург В.В. Антропологические материалы из Вуадильского и

¹ Дубова Н.А., Куфтерин В.В. Антропология населения Южного Узбекистана эпохи поздней бронзы (по материалам некрополя Бустон VI) [Серия «Этническая антропология Средней Азии». Вып. 4]. Москва: Старый сад, 2015 - 186 с. ISBN 987-5-89930-148-3

Ак-Тамского могильника // Краткие сообщения Института истории материальной культуры. 1957. Вып. 69. С. 91-93.

9. Дубова Н.А., Куфтерин В.В. Антропология населения Южного Узбекистана эпохи поздней бронзы (по материалам некрополя Бустон VI) [Серия «Этническая антропология Средней Азии». Вып. 4]. -Москва: Старый сад, 2015 - 186 с. ISBN 987-5-89930-148-3.

*Худоёров М.,
СамДУ магистранти*

САМАРҚАНД ҲУДУДИ СЎНГГИ ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ АРХЕОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШДА М.ЖЎРАҚУЛОВНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Жамиятимиз орасида шундай фидойи инсонлар борки, улар бутун меҳнат ҳаётини илм-фанни ривожлантириш билан бирга ўз фаолиятини ёш авлодни мустақиллик руҳияти ва ғоялари асосида тарбиялашга бахшида этиб, мамлакатимизни янада обод қилишга муносиб ҳисса қўшиб яшайдилар. Шулардан бири тарих фанлари доктори, Самарқанд давлат университети профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мавлон Джуракулович эди. Илмий фаолияти давомида кўпгина археологик қазилмаларга таянган ҳолда Марказий Осиё халқлари тарихига оид қимматли хулосалар яратди. Жаҳон жамоатчилигига маданий меросимизнинг оламшумул аҳамиятини исботлаб берди.

М.Жўракулов Зарафшон ҳавзаси туманларида археологик изланишлар олиб бориб, айниқса, ибтидоий давр маданият тарихимизга доир қатор илмий кашфиётлар қилди. Самарқанд ҳудуди сўнгги палеолит даври археологиясини ўрганишда М.Жўракулов тадқиқотларининг ўрни беқиёс.

Юртимизда сўнгги палеолит ёдгорликларига энг бой ҳудуд бу Зарафшон дарёси водийси ҳисобланади. Ҳудуднинг асосий ёдгорликларидан бири Самарқанд маконидир. У Чашмасиёбнинг ўнг қирғоғида, бевосита Самарқанд шаҳри ҳудуди ўрнида жойлашган. Ёдгорлик 1939 йили Н.Г.Харламов томонидан очилган ва шу йилда у томонидан шурф қазилган. Маконни ўрганиш ишининг иккинчи босқичи Д.Н.Лев номи билан боғлиқ бўлиб, унинг раҳбарлигида казиш ишлари 1958 йилдан 1967 йилгача олиб борилган. 1970-1973 йилларда Самарқанд маконини ўрганиш ишлари М.Ж.Жўракулов ва Е.Н.Амарцевалар томонидан давом эттирилди.

Самарқанд макони материалларининг ташқи кўриниши Сибир сўнгги палеолит материалларига ўхшашлиги (Мальта, Буреть, Ачинская ва ҳ.к.), ушбу ҳудудлар маданиятлари ўртасида этник алоқалар бўлганлиги ҳақидаги фикрларни келтириб чиқарди. Галкали ҳамда пластиналар техникаларни бирга учрашининг ғайритабиийлиги ва Самарқанд макони индустриясининг хусусиятлари ҳақидаги аниқ техник-типологик тасаввурларнинг йўқлиги унинг маданий-генетик ҳамда хронологик тараққиёти йўллари тўғрисидаги турли хил фикрларни пайдо бўлишига олиб келди. А.П.Окладниковнинг фикрича, Самарқанд макони инвентари таркибий жиҳатдан Мальта, Буреть,

Ачинская ёдгорликлари индустрияларини такрорлайди. Самарқанд макони материалларини Енисей бўйи сўнгги палеолит даври индустриялари билан ҳам ўхшашлиги З.А.Абрамова томонидан таъкидланган. З.А.Абрамова даставвал Самарқанд макони материалларини Европа ёки Олд Осиё маданиятларининг бир вариантыга киритган эди. Г.Ф.Коробкова эса Самарқанд макони индустриясининг ўзига хосликларига эътибор берар экан, унинг Ўрта Осиё ҳамда унга қўшни ҳудудларда ўхшаши йўқ деган эди¹. Ёдгорликнинг Сибир сўнгги палеолити материалларига ўхшашлиги М.Ж.Жўракулов томонидан қайд қилинган². Бундан ташқари, Самарқанд макони материаллари Покистондаги Сангао ғори индустриясига ҳам ўхшашлиги қайд этилган³.

Тожикистондаги сўнгги палеолит даврига оид Шугноу маконининг очилиши таққослашларнинг янги тўлқинини келтириб чиқарди. В.А.Ранов ҳамда Ю.П.Холюшкинлар Шугноунинг Самарқанд макони билан даврий жихатдан яқинлигини таъкидладилар. М.Ж.Жўракуловнинг кейинги тадқиқотларида Самарқанд макони сибир-хитой палеолит даври маданиятлари доирасига киритилди⁴.

Даставвал, Самарқанд макони археологик ва стратиграфик жихатдан сўнгги палеолитнинг бошлари билан ёки эр. ав. 40-минг йилликлар билан саналанди. Ушбу фикрни П.П.Ефименко ва П.И.Борисковскийлар ҳам тасдиқлади⁵. Биз ёдгорлик учун эр. ав. 33 минг йилликлар билан саналашни таклиф қиламиз. Аммо Самарқанд маконининг маданий хосликлари ҳақида аниқ фикрлар йўқ. Д.Н.Лев Самарқанд макони индустриясининг ўзига хосликларидан келиб чиқиб, уни мустақил Самарқанд сўнгги палеолит маданиятига ажратишни таклиф қилган⁶ ва у фикр В.А.Ранов ҳамда Ю.П.Холюшкинлар томонидан қўллаб-қувватланган эди. Ю.П.Холюшкин Самарқанд маконини алоҳида маданий-иқтисодий комплекс деб қарайди.

Трассалогик анализлар Самарқанд маконининг генетик келиб чиқишини унга қўшни бўлган мустъе даври ёдгорликлари билан боғлаш имконини беради. Самарқанд маконида устун бўлган техниканинг генетик боғлиқлиги унга қўшни бўлган, бироқ анча қадимги ёдгорликларда

¹ Коробкова Г.Ф. Трассалогическое исследование каменного инвентаря Самаркандской стоянки. (По материалам 1958—1960 гг.) // Палеолит и неолит СССР. Т. 7 (под ред. Абрамовой З.А.и Праслова Н.Д.) МИА. № 185. Л, 1972. —С. 157-168.

² Джуракулов М.Д. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. Ташкент: Фан. 1987. —С. 116-122.

³ Ранов В.А. Самаркандская стоянка и ее место в каменном веке Средней Азии // ИАН Тадж. ССР. Отд. общ. наук. №4 /58. 1969. —С. 36.

⁴ Джуракулов М.Д. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. Ташкент: Фан. 1987. —С. 119.

⁵ Борисковский П.И. Предисловие // Лев Д.Н. Поселение древнекаменного века в Самарканде /Тр. СамГУ. Новая серия. Вып. 135. Самарканд. 1964.

⁶ Лев Д.Н. Поселение древнекаменного века в Самарканде /Тр. СамГУ. Новая серия. Вып. 135. Самарканд. 1964.

кузатилади. Гап сўнгги мустъе даврига оид Қўтирбулоқ ҳамда Зирабулоқ хусусида боради¹.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Қўтирбулоқ ва Зирабулоқ индустриялари асосида Самарқанд сўнгги палеолит маданиятини келтириб чиқарган асосий ва бошланғич пласт ҳисобланади. М.Ж.Жўрақулов ҳамда Е.Н.Амарцеваларнинг кейинги тадқиқотлари ушбу фикрни яна бир бор тасдиқлади. Самарқанд макони билан Қўтирбулоқнинг юқори қатламлари индустриясини параллел елкали йўнилғилар нисбатининг ўсиши ҳамда зарб майдонларнинг кам ҳолларда текисланиши ҳам яқинлаштиради.

Қўтирбулоқ билан Самарқанд маконини уларда қўлланилган хом-ашёнинг ўхшашлиги, чакмоқлаш техникаси, иккиламчи ишлов бериш ва ҳатто, инструментлар таркиби билан ҳам яқинлаштиради. Аммо Қўтирбулоқда иккиламчи ишлов бериш унинг характерли белгиси бўлса, Самарқанд маконида тош қуроллар анча кам сонли кўрсаткичларга эга. Бундан ташқари, Самарқанд макони индустриясида атайин кесилган пластиналар ҳамда учириндилар сони ҳам жуда кам ва ҳатто, баъзан учрайдиганлари ҳам атайин кесилмаган, балки улар турли хил тош қуролларнинг синиқ бўлақларидир (уларда атайин кесилганлик элементлари йўқ). Шундай бўлса-да, мустъе даврида қўлга киритилган анъаналар Самарқанд маданияти ёдгорликлари индустрияларида давом эттирилади.

Самарқанд макони билан Зирабулоқнинг индустриясида ҳам ўхшашликлар мавжуд. Ушбу ҳар иккала тўпламда ҳам призматик нуклеуслар, тўғри қиррали пластина ва пластинкалар, ўйиб-кертиб ишланган қуроллар, қирғичлар, қалин типли қирғиччалар, пайконлар учрайди².

